

# Жаҳон АДАБИЁТИ

*Адабий-бадший, илғимий-публицистик журнал*

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 8 (147)

2009 йил, август

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ  
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА  
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИ

## М У Н Д А Р И Ж А

### НАСР

Луис БОРХЕС. **Хикоялар**.....3  
Фарҳод ЖИЙЛОН. **Маҳмуд Кошғарий. Роман**.....29

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Самадзаки ТОСОН. **Навқирон ёшлигим – баҳорий кеча**.....21  
МАШРАБ. **Чамандин айрилиб бўлмас. Ҳазаллар**.....78  
Мўмин ҲОШИМҲОНОВ. **Жўшқин шеърият**.....84

### ПУБЛИЦИСТИКА

Фатхулла ЭРГАШЕВ. **Жаҳондаги глобаллашув жараёни ва молиявий инқироз**...88  
Вениамин ПОПОВ. **Шарқ имконияти**.....94

### МОЗИЙДАН САДОЛАР

Шовосил ЗИЁДОВ, Фулом КАРИМОВ. **Тошкент қозикалони**.....97

### АДАБИЙ ЖАРАЁН

Эдворт ОЛВОРТ. **Биринчи ўзбек драмаси**.....107  
Наим КАРИМОВ. **Дўстлик дарахтининг яшил барглари**.....114

### ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САЊАТ

Акмал САИДОВ. **Гёте – тафаккур шоири**.....120

### АДАБИЙ ҲАЁТ

Глеб ГОРБОВСКИЙ. **Қадрдонлар дийдорини кўмсаб**.....129  
Анастасия ЛЕСТЕР. **Ўтмишнинг ҳаққоний қиссалари** .....132

### МЕРОС

Бурҳониддин РАБҒУЗИЙ. **Қисаси Рабғузий**.....137

### КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Эркин УСМОНОВ. **«Саккизинчи мўъжиза» билан учрашув**.....159

### САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

Чингиз АБДУЛЛАЕВ. **Борса келмасдан қайтганлар. Роман**.....161

### ЖАҲОН КУЛАДИ

**Кунлардан бир кун**.....207

ТОШКЕНТ  
АВГУСТ

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**

Мирпўлат МИРЗО

**Таҳрир ҳайъати:**

Файзи ШОҲИСМОИЛ  
(масъул котиб)  
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ  
Амир ФАЙЗУЛЛА  
Назира ЖЎРАЕВА  
Азиз САИД  
Гулчеҳра МУҲАММАДЖОН

**Жамоатчилик кенгаши:**

Бобур АЛИМОВ  
Эркин ВОҲИДОВ  
Одил ЁҚУБОВ  
Анвар ЖАББОРОА  
Абдулла ИСМОИЛОВ  
Минҳожиддин МИРЗО  
Абдураҳим МАННОНОВ  
Абдулла ОРИПОВ  
Азимжон ПАРПИЕВ  
Файрат ШОУМАРОВ  
Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ  
Рустам ҚОСИМОВ

Навбатчи муҳаррир А.ФАЙЗУЛЛА  
Техник муҳаррир У.КИМ  
Мусаҳҳиҳ Д.АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи З.МАННОПОВА

**Жаҳон адабиёти, 8. 2009.**

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

«Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

Таҳририят манзили:  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.

Босишга рухсат этилди. 28. 07. 2009 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.  
Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.  
Жами 1250 нусха. рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Фулом номидаги НМИУда чоп этилди.  
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

© Жаҳон адабиёти, 2009 й.

Луис БОРХЕС

## Ҳикоялар

### ТАРМОҚЛАНГАН СЎҚМОҚЛАР БОҒИ

**Л**иддел Гарт ёзган “Жаҳон уруши тарихи” китобининг йигирма иккинчи саҳифасида шундай маълумот берилган: Британиянинг 13 та дивизияси бир минг тўрт юзта замбарак ёрдамида Сен-Монтбан жабҳасига 1916 йил 24 июлга қилинадиган ҳужумни йигирма тўққизинчи июл эрталабига кўчиришга тўғри келди. Капитан Лиддел Гартнинг фикрича, бунга кучли ёмғирлар сабаб бўлиб, ўз ҳолича бу унчалик муҳим аҳамиятга молик эмасди. Циндар шаҳридаги Олий мактабнинг собиқ инглиз тили ўқитувчиси доктор Ю.Цун томонидан айтиб туриб ёздирилган ва ўқиб чиқиб имзолаган қуйидаги баённома шу воқеага бирданига оидлик киритди. Матн бошланишида икки саҳифа етишмасди.

“...Телефон гўшагидан олмонча жавоб қайтарган овоз эгасини танидим у гўшакни қўйдим. Бу капитан Ричард Мэдденнинг овози эди. Мэдден – Виктор Рунебергнинг уйида! Демак, бизнинг барча ҳаракатларимиз зое кетди, шу билан бирга – (гарчи бу мен учун иккинчи даражали бўлиб кўринса ҳам) ўзимиз ҳам тамом бўлдик, дегани. Демак, Рунеберг ё қамоққа олинган ёки ўлдирилган. Қуёш ботмасданоқ менинг ҳам шўрлик бошимга иш тушади. Мэдден аяб ўтирмайди. Тўғрироғи, у шунга мажбур.

Деразадан, ҳар доимгидек, томлар ва кечки ботаётган қуёшнинг хира нурлари кўриниб турарди. Бирор воқеа содир бўлишини олдиндан билиб бўлмайдиган оддийгина бегим куни менинг ажалим етишига сира ишонгим келмайди. Мен, отадан етим қолган, гўзал ва

### СИРЛИ ҲАҚИҚАТЛАР КУЙЧИСИ

Жаҳон адабиётида ҳикоя, бадеа-эссе усталари Жек Лондон, Мопассан, И.С.Тургенев, Н.В.Гогол, А.П.Чехов, Марк Твен, О’Генри, Жеймс Жойс номлари реалистик проза соҳасида нечоғли машҳур бўлса, Оскар Уайльд, Эдгар По, Франс Кафка, Луис Борхес каби адиблар ҳам реализм, ҳам романтизм, ҳам модернизм, ҳам фантастика ва мистика-таҳай-юлий наср усталари сифатида шухрат топди. Кейинги адиблар орасида аргентиналик Луис Борхес антик давр ва ҳозирги замон Фарбу Шарқ илм-фанлари, маданиятлари тарихини чуқур билгувчи, табиат олами ва руҳий олам сирларини англашга интилувчи, эллинизм даври (милоддан ав. III–I аср) Искандария шоирлари каби, илмли адиблардан биридир. Унинг ижоди ҳам эстетик завқ, ҳам теран илм-маърифат бериши билан қадрлидир.

Луис Борхес мавзулар, гоёлар, характерлар ранг-баранглиги жиҳатидан ҳам бизни ҳайратлантиради. “Астерий уйи” ҳикояси қадимги юнон мифологиясидаги Минос ўғли Минотавр ҳақида, (лабиринт ичидаги бу қонхўр махлуқни Тесей ўлдиради) “Марвлик ҳаким ёки ниқобли пайгамбар” ҳикояси Муқанна ҳақида, “Алиф”, “Ал-Муътасим ҳузурига қайтиш”, “Ибн Рушдни излаб”, “Ўз лабиринтидан чиқолмаган Ибн Ҳоқон ал-

сўлим Хайфин боғчасида ўйнаб юрган бола эдим. Наҳотки, ҳаммаси тамом бўлса? Шу пайт ўйлаб қолдим: дунёдаги барча одамларга ҳозир нималардир бўлаяпти, айнан ҳозир. Асрлар кетидан асрлар ўтаверади, воқеалар содир бўлаверади. Ҳозир ҳам қанчадан-қанча одамлар ҳавода, куруқликда, денгизда, бир нималар қилаяпти, лекин у нарсаларга менинг алоқам йўқ. Менда содир бўлаётган нарса фақат менигагина тааллуқли бўлган нарсадир. Мэдденнинг чўзиқ узунчоқ башарасини эслашим биланоқ барча ўй-фикрларим чалкашиб кетди. Қўркув аралаш нафрат билан (қўрқоқлигимни тан олдим, энди эса Ричард Мэдденни бошлаб алдагач, тез орада мени қатл қилишларини кутаяпман) ўйладим: бу қўпол, ўзига бино қўйган, ўзича бахт нашидасини сураётган галварс менинг бу сирни билишимни, яъни Британия артиллериясининг Ангор водийсидаги янги жойлашган манзили номини аниқ билишимни хаёлига ҳам келтирмайди.

“Қочиш керак”, — дилимдаги тилимга чиқди. Гўёки мени Мэдден таъқиб қиляётгандек, аста ўрнимдан туриб, секингина юра бошладим. Ўзимнинг аянчли аҳволимга яна бир бора иқрор бўлиш учунми, негадир чўнтакларимда нималар борлигини кўрмоқчи бўлдим. Кутганимдек, чўнтакларимдан америка соати, никелланган занжирга осилган квадрат шаклдаги танга, мени фош қилиши мумкин бўлган, энди эса керакسىз бўлиб қолган Рунеберг уйининг калитлари, ён дафтарча, хат (мен уни йўқотмоқчи эдим, лекин негадир қолдирдим), бир қрона, икки шиллинг ва бир неча пенс, қизил-кўк қалам, рўмолча, бир ўқланган тўппонча чиқди. Нима учундир, балки қатъиятли бўлиш истагидадир, уни маҳкам қисдим, салмоқлаб кўрдим. Миямдан ноаниқ бир фикр ўтди: ўқ овози узоқдан эшитилади. Ўн дақиқадан сўнг менинг режам тайёр бўлди. Телефон дафтарчасидан мен берадиган хабарни етказиши мумкин бўлган ягона одамни топдим. У темир йўлдан борилганда ярим соатли масофада — Фентон атрофида яшарди.

Унчалик довораклардан эмасман. Бунга ҳозир ҳам иқрор бўлишим мумкин. Мўлжалланган нарсамни охирига етказдим, аммо бу қанчалик даҳшатли кечгани ўзимгагина аён. Бу ишни Германия учун содир этмадим, асло. Мендан жосус сифатида фойдаланган, хўрлаган бундай ваҳший мамлакатни ҳечам қадрламайман. Англияда бир оддийгина одамни билардим, у мен учун Гётедан кам эмасди. У билан бир соатча гаплашдим ва у Гёте билан тенг эканлигига амин бўлдим...

Бошлиғимиз мен ва менга ўхшаш тоифадаги, томирларида беҳисоб аждодлари қони оқиб турган одамлардан жирканади. Оҳиста кийиндим, видолашгандек кўзгуга қарадим-да, уйдан чиқдим. Бекат

Бухорий”, ҳикоялари тасаввуфий мавзуларда, “Колрижнинг туши” ҳикояси Хулагухон авлоди Хубилайхон ҳақида тасаввурларимизни бойитади. Луис Борхеснинг “Зойир” ҳикоясида Фаридиддин Атторнинг “Асрорнома” китоби, “Тармоқланган сўқмоқлар боғи” ҳикоясида ўрта аср Хитой императори ва адибининг машҳур “Қизил қасрдаги туш” романи тилга олинади. “Хароба доиралари” ҳикоясида ҳинд донишмандининг ҳаёлот билан авлиё шогирдни вояга етказиш мўъжизаси, “Пасқол доираси” ҳикоясида Арасту, Птолемей, Коперник ва Жордано Брунонинг олам тузилишига доир кашфиётлари, “Кеведо” ҳикоясида Хомер, Лукреций Карр, Данте, Шекспир, Сервантес, Ж.Свифт, Г.Меллвил (машҳур “Моби Дик” романи муаллифи) ҳақида сўз боради. “Дон Кихот” романида яширин магия” бадеасида “Рамайна” ва “1001-кеча”, “Ҳамлет” асарлари билан ҳамоҳанг сирли томошалар, “Китобларнинг азизлиги” (ёки “Қудсий китоблар”) бадеасида “Қадимги Аҳд” (“Таврот”), “Янги Аҳд” (“Инжил”), “Уммул-Кутуб”, “Китоблар онаси” (“Қуръони Карим”) ҳақида, Искандарияли Климент - файласуф, авлиё Августин, Фаззолий, Френсис Бэкон, Флобер, Малларме, Жеймс Жойс, Беркли ва Шопенгауэр ижодий услубларидаги ўхшашликлар ҳақида қимматли фалсафий фикр-

унчалик узоқ эмасди, лекин мен кэб<sup>1</sup>дан фойдаланиш маъқул деб ўйладим. Шундай қилмасам, бу кимсасиз кўчада мени кўриб, таниб қолишлари мумкинлигига ўзимни ишонтирдим, қолаверса, мутлақ ҳимоясиз ҳам эдим. Ёдимда: кэбни вокзалнинг катта дарвозасига етмасдан тўхтатишни буюрдим, атайлаб шошмасдан тушдим. Эшгроу номли манзилгача боришим лозим эди, лекин чиптани ундан узоқроқ бўлган бекатгача олдим.

Поезд саккизу элликда жўнаши керак, бир неча дақиқа қолганди. Мен қадамимни тезлатдим, кейинги поезд тўққиз яримда жўнайди. Перрон деярли бўм-бўш эди. Вагонма-вагон ўтиб борар эқанман, бир неча фермерни, мотам либосидаги аёлни, Тацитнинг “Йилномалар” китобига муккасидан кетган ўсмирни, дока ўралган, аммо мамнун солдатни кўрганим эсимда. Ниҳоят, вагонлар қўзғалди. Бир киши перроннинг охиригача юриб келди, лекин у кеч қолганди: уни танимаслигим мумкин эмасди — у капитан Ричард Мэдден эди. Тамом бўлдим: қалтираб, қўрқинчли ойнадан узоқроққа, ўриндиқ четига гўжанак бўлиб ўтириб олдим. Рухимдаги ожизлик ва қўрқув тез орада қандайдир ич-ичимдан келган қувончга айланди. Ўз-ўзимга далда бердим: яккама-якка кураш бошланди, биринчи олишувда мен голиб чиқдим, арзимас қирқ дақиқа ютдим, менга ташланган рақибимни, майли, тасодиф туфайлими, доғда қолдирдим. Шу кичкинагина ютуғим катта ғалаба келтиради, деб ўзимга тасалли бердим.

Поездлар қатнови жадвалидаги фарқ мен учун бебаҳо бўлган вақтни инъом қилди, акс ҳолда аллақачон қамоққа олинган ёки ўлдирилган бўлардим, демак, бу ютуқни арзимас нарса деб бўлмайди. Шунга ўхшаш файласуфона фикрларга берилиб, ўзимни-ўзим ишонтирдим: менга ўхшаш қўрқоқларга ҳам омад кулиб боққанда ҳар қандай ишни охирига етказиш мумкин. Шу қилмишимдан ўзимда кучқувват топдим ва у мени кейинчалик ҳам тарк этмади. Шундай замон келишини сезиб турибман: кундан-кунга одамларни бир-биридан даҳшатлироқ бўлган ишларни бажаришга мажбур қиладилар; тез орада дунёда фақат жангчилару, каллакесарлар қолади. Менинг уларга маслаҳатим: энг даҳшатли ишга қўл урмоқчи бўлган одам шундай фараз қилсинки, гўё у ўйлаганини амалга оширди, келажаги эса ўтмиш бўлиб қолди, ўтмишни эса қайтариб бўлмайди. Менинг кўзимда, худди ўликнинг қорачўғидек, бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисалар муҳрланиб қолгандек туюларди, балки бу ҳаётимнинг сўнгги кунидир ва у аста-секин тун билан алмашаётгандир.

<sup>1</sup> К э б — фйитун.

мулоҳазалар айтилиб, ўқувчига чин маънода ҳаёт сабоғи, илм-маърифат берилади. Луис Борхес бадеалари ва ҳикоялари илм-маърифат берибгина қолмай, ажойиб-ғаро-ийиб, сирли воқеаларга, бетакрор, индивидуал характерга, драматик тўқнашувларга, руҳий коллизияларга бойлиги билан ҳам эътиборимизни тортади.

Данте Алигьери “Илоҳий комедия” достонида, Оноре де-Бальзак юз жилдли романлар туркумида инсоният ҳаётидаги янглишувлар комедиасини кўрсатмоқчи эди. Луис Борхес, бизнингча, 1001 ҳикояси ва бадиаларида инсоният орасида инсонлар жуда камлигини, қирғин урушлар ва ёвуз кучлар ақлга зид эканлигини кўрсатишни мақсад қилганга ўхшайди.

Бундан анча йиллар муқаддам “Гулистон”, “Ёшлик”, “Шарқ юлдузи”, “Шарқ машъали” журналларида Луис Борхеснинг “Хароба доиралари” (Шариф Аҳмедов таржимасида), “Марвлик ҳақим ёки ниқобли пайғамбар”, “Ўлмайдиган одам”, “Ёвуз халоскор Лазарус Морел” (Маҳкам Маҳмуд таржимасида), “Астерий уйи” (Жаббор Эшонқул ва Собир Ўнар таржимаси) ўзбек тилида нашр этилган. Қуйида адибнинг бир қатор ҳикоялари ўзбекчада биринчи марта эълон қилинмоқда.

Поезд дарахтзор олдидан юмшоққина ўтиб, назаримда даланинг қоқ ўртасида тўхтади. Бекат номини ҳеч ким эълон қилмади. “Бу Эшгроуми?” — деб сўрадим перронда турган болалардан. “Эшгроу”, — деб жавоб беришди улар. Поезддан тушдим. Платформани фонус ёритар, лекин болаларнинг кўзларини қоронғулик тўсиб турарди. Болалардан бири сўради: “Сизга доктор Стивен Альбернинг уйи керакми?” Жавобимни кутмасданоқ, бошқаси тушунтира кетди: “Унинг уйигача анча бор, мана бу чап томондаги йўлдан бораверасиз ва ҳар гал йўл ажаралганда чапга қайриласиз, адашмайсиз.”

Болаларга охириги тангамни бердим-да, тош зиналардан пастга, кимсасиз йўлга чиқдим. Йўл пастга қараб кетарди. Ёлғизоёқ тупроқ йўл, тепамда қуюқ дарахт шохлари соябон бўлиб кетган, тўлин ой уфқдан кўтарилиб гўё мени кузатиб борарди. Бирдан ярақлаб миямдан бир фикр ўтди — Ричард Мэдден гўё қалтис режамни билиб олгандек туюлди. Дарҳол ўзимга тасалли бердим — бўлиши мумкин эмас.

Ҳар доим чапга буриласиз, деб менга берилган кўрсатма айрим лабиринтлардаги каби марказий майдончани топишда умум қабул қилинган усулга ўхшаб туюлди. Лабиринтлар ҳақида анча-мунча нарсани биламан: ахир мен Юнъан ҳукмдори Цюй Пэннинг чевараси бўламан. У қатнашувчилар сони жиҳатидан “Қизил қасрдаги тушлар” китобидан ҳам ўтадиган роман ёзиш ва ҳар қандай кимса адашиб қоладиган даражада мураккаб лабиринт яратиш учун ўзининг иккинчи касбидан воз кечган. Бу икки мақсадни амалга ошириш учун ўн уч йиллик умрини сарф этган ва бир бегона қўлида ҳалок бўлганди. Унинг романи алмойи-алжойи сўзлардан иборат, маъносиз бир ёзув сифатида қолиб кетган. Лабиринтни эса тополмаганлар. Серсоя инглиз дарахтлари остида ўша йўқолиб кетган лабиринт тўғрисида хаёл сура бошладим: тасаввуримда у покиза ҳолда, одам оёғи етмаган аллақандай сирли тоғлар чўққисида, бепоён шолиторлар ўртасида ёки чуқур сувлар тубида, нафақат ўзининг саккиз қиррали қуббалари-ю, айланма йўлларини, балки бутун бошли дарёлар, вилоятлар, мамлакатларни ўз ичига олгандек эди. *Лабиринтларнинг лабиринти ҳақида, бора-бора чигаллашиб, кенгайиб борувчи — ўтмишни ҳам, келажакни ҳам қамраб олган мўъжизавий тарзда, ҳатто Коинотни ҳам ўз бағрига сингдирган чексиз лабиринт ҳақида ўйладим.* Тасаввуримда пайдо бўлган бу шаффоф рўёлар оғушида мен ўзимнинг аччиқ қисматимни ҳам унутиб, вақт ўлчовини ҳам йўқотиб, гўёки бутун оламнинг шуури менинг онгимда мужассам бўлгандек, ўзимни оламнинг марказидек ҳис қилдим.

Шуурига элас-элас кўринаётган яшнаб ётган далалар, ботаётган куёшнинг сўнгги шуълалари, тепаликдан юмшоққина тушиш чарчоғимни ҳам қувиб юборганди. Тароватли ва интиҳосиз бир оқшом эди. Йўл эса туманли ўтлоқлар узра узоқ-узоқларга ёйилиб, тармоқланиб кетган. Аллақадердан таралаётган куйни шамол гоҳ олқишлаётгандек юқори пардаларга олиб чиқар, гоҳ нола қилиб узоқлашар ва йўлга тўшалган баргларнинг шитирлаши жўр бўлиб, масофа ҳам ҳузур бағишларди. Одамнинг душмани фақат одамзодгина бўлиши мумкин, деб ўйладим. У улар яшаётган замин душман эмас. Замин ўзининг ялтироқ қўнғизчаларию уларнинг товушлари, боғ-роғларию сувлари, шуълалари билан барчага баробардир. Шу аснода занг босган баланд дарвоза олдидан чиқиб қолдим. Тўсиқ ортида хиёбон ва кўшкка ўхшаш бино борлиги сезилиб турарди. Таралаётган куй шу ердан ке-

лаётганлигини англаб етдим: ажабланарлиси шундаки, бу хитой му-  
сиқаси эди. Мен куйга берилиб, бошқа нарсаларни ўйлаб ҳам ўтир-  
мадим. Ёдимда йўқ, дарвозада қўнғироқча бормиди ёки мен қўнғи-  
роқ тугмасини босдимми ёки оддийгина қилиб тақиллатдимми? Куй  
эса узлуксиз давом этарди.

Тўсиқ ортида фонус шуъласи кўринди, унинг ёруғида азим дарахт-  
лар танаси гоҳ пайдо бўлар, гоҳ зимистон қаърига сингиб кетарди.  
Ойга ўхшаш думалоқ фонус кўтарган баланд бўйли эркак киши ке-  
ларди. Фонус нурлари кўзимга тушиб тургани сабабли унинг юзини  
кўра олмадим. У дарвозани қия очиб, мулойимгина менинг она ти-  
лимда гап бошлади:

— Муҳтарам Си Пэн ўзининг бу ташрифи билан ёлғизликда ўта-  
ётган ҳаётимга бироз бўлса-да, қувонч киритишга қарор қилибди-  
лар-да. Эҳтимол, сиз боғни кўрмоқчи бўлгандирсиз?

У мени бир маҳаллар вакилларимиздан бирининг исми билан ата-  
ди. Бироз эсанкираган ҳолда унинг сўзини қайтардим:

— Боғ, дейсизми?

— Ҳа-да, ёйилиб кетган сўқмоқлар боғи.

Хотирамда нимадир тўсатдан қўзғалди ва мен ўзим ҳам тушунти-  
риб бера олмайдиган даражадаги қатъият билан айтдим:

— Бу менинг бобокалоним Цюй Пэннинг боғи.

— Сизнинг бобокалонингиз? Сиз ўша машҳур инсоннинг авло-  
димисиз? Марҳамат қилинг.

Худди болалигимдаги каби шудрингли йўлка илон изи бўлиб чўзи-  
либ ётарди. Биз Шарқ ва Европа халқлари тилларидаги китоблар би-  
лан тўла кутубхонага кирдик. Сарик шойи билан муқоваланган йўқол-  
ган энциклопедиянинг бир неча нусхасини танидим. Ушбу китоблар-  
нинг наشري билан Мунаввар Сулоланинг Учинчи императори шу-  
ғуллангани, лекин нашр қилинмасдан қолиб кетгани. Бронзадан  
ишланган ҳумо қушининг ёнидаги граммофонда пластинка айла-  
нарди. Пушти рангли чинни гулдон ёдимда, ундан-да, қадимийроқ  
мовий ранглиси ҳам бўларди. Бизнинг усталар Эрон куллоларидан  
ўргангандилар...

Стивен Альбер кулимсираб мени кузатиб турарди. Айтиб ўтганим-  
дек, у новча, озгин, қўй кўзли, оппоқ соқолли киши эди. Қиёфасида-  
ги айрим жиҳатлар руҳонийни, айти пайтда денгизчини ҳам эслатар-  
ди: кейинчалик у менга хитойшунослик билан шуғуллангунга қадар  
Тең-Чунда миссионер бўлганлиги ҳақида ҳикоя қилиб берганиди.

Ўтирдик: мен пастаккина узун катга, у бўлса дераза билан юма-  
лоқ соат ўртасига жойлашди. Ўзимча ҳисоблаб чиқдим: яқин бирор  
соат ичида мени таъқиб қилаётган Ричард Мэдден бу ерга етиб ке-  
лолмаса керак. Қатъий қароримни бироз кечиктирса ҳам бўлади.

— Ҳа, Цюй Пэннинг тақдири жуда ажойиб, — деб бошлади Сти-  
вен Альбер, — ўз юртининг ҳукмдори, астрономия ва астрология  
билимдони, қонуншунос олим, ажойиб шахмат устаси, машҳур шоир  
ва хаттот. У китоб ва лабиринт яратиш учун барча нарсалардан воз  
кечди. Ҳукмдорлик, ҳукмронлик, ҳукмфармолик лаззатларидан, бе-  
ҳисоб гўзал жориялардан, базму жамшид, айшу ишратлардан, ҳатто-  
ки, ўзи эгаллаган барча билимлардан воз кечиб, ҳаётининг ўн уч  
йилини ёлғизликда, Нури Узлат айвонида ўтказди. Унинг ўлими-  
дан сўнг ворислари бир кучоқ кўлёмалардан бўлак бирор нарса топа  
олмадилар. Сизга, албатта, маълум бўлса керак, оила аъзолари бу  
қоғозларни ёқиб юбормоқчи бўлганлар, лекин унинг васиятлари

ижрочиси бўлган дао маслагидами ёки буддавийларданми бўлган роҳиб бунга йўл қўймаган, нашр қиламиз, деб туриб олган.

— Биз, Цюй Пэннинг авлодлари, — деб гап қистирдим, — шу пайтгача ўша руҳонийни сўкиб келамиз. У қандайдир алмойи-алжойи сўзлардан иборат, маъносиз бир нарсани нашр қилдирди. Бу китоб бир-бирига қовушмайдиган сўзлардан иборат. Мен у китобни бир марта варақлаб чиққанман: учинчи бобда қаҳрамон ўлган, тўртинчисида эса у яна тирик. Цюй Пэннинг бошқа бир мақсади бўлган лабиринтга келсак...

— Лабиринт бу ерда, — деди Альбер баланд, лакланган столга ишора қилиб.

— Фил суягидан ясалган ўйинчоқ, — дея хитоб қилдим. — Жажжи лабиринтга...

— Рамзий лабиринт, — деди у гапимни тўғрилаб, — кўзга кўринмас замон лабиринти. Мен бир ёввойи инглиз, ўша содда жумбоқнинг тагига етдим. Юз йилдан ортиқ вақт ўтгач, тафсилотларни қайтадан аниқ тиклаб бўлмайди. Лекин нималар содир бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Менимча, Цюй Пэн бир пайтда: “Мен китоб ёзиш учун кетаман”, деган бўлса, бошқа бир пайтда у: “Мен лабиринт яратиш учун кетаман”, деган. Бу ерда гап бир нарса тўғрисида кетаётганлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. — Китоб ва лабиринт айнан бир нарсанинг ўзи. Нурли Узлат Айвони боғнинг ўртасида ва анча қаровсиз ҳолда эди, шу сабабли кўпчилик лабиринтни моддий нарса, деб ўйлаганлар. Цюй Пэн ўлгач, у ҳукм сурган салтанатнинг бирор жойида ҳам лабиринтни учратганлари йўқ. Романнинг алмойи-алжойи — тушуниб бўлмас сўзлардан иборатлиги мени бир фикрга ундади: балки шунинг ўзи лабиринтдир. Бу муаммони ҳал этишда икки муҳим ҳолат менга ёрдам берди: биринчиси — бу Цюй Пэн чексиз-чегарасиз лабиринт қурмоқчи бўлганлиги ҳақидаги ривоят бўлса, иккинчиси — мен топиб олган хатнинг бир бўлаги.

Альбер ўрnidан туриб орқасига бир лаҳза ўгирилди ва зарҳал ҳошияли лакланган қора стол тортмасидан бир нарса олди. У менга ўгирилганда, қўлида бир варақ қоғоз бор эди. Қоғоз анча уринган, вақт ўтиши билан ранги кетиб, юпқалашган, букланган жойлари титилиб кетганди. Хаттот сифатида қозонган шухратга Цюй Пэн ҳақиқатдан ҳам лойиқ эди. Довдираган ва қалтироқ босган ҳолатда, қачонлардир менга қондош бўлган инсон нозик мўйқалам билан ёзган қўйидаги сўзларни ўқидим: Турли келажак замонларга ўзимнинг тармоқланган сўқмоқлар боғимни қолдираман (барча замонларга эмас). Жимгина ўқидим. Альбер давом этди:

— Мен бу хатни топмасимдан олдин ўзимга-ўзим савол бердим: қандай қилиб китоб чексиз бўлиши мумкин? Китобдаги охириги саҳифа биринчи саҳифани қайтариб турувчи, беҳисоб тарзда такрорланувчи чархпалакдан бошқа бирор арзигудек фикр миямга келмади. “Минг бир кеча” эртақларини эсладим. Малика Шаҳризода кейинги ҳикоясини бошлашдан олдин ундан олдингисини қолган жойидан қайтариб, кейингисини эса тамом бўлмасдан тўхтатарди. Ва эртақ шу зайлда узлуксиз давом этаверади.

Яна Афлотуннинг “Ғоялар”и руҳида ёзилган асарлар ҳақида тасаввур қила бошладим. Ундаги фикр авлодлардан-авлодларга ўтаверади, янги авлод ўзининг олдинги аждоди томонидан ёзилган фикрга амал қилиб, ўзи ҳам кейинги авлодларига ўз фикрини қолдираверади, бу шу зайда узлуксиз давом этаверади. Уйлаганларим бироз бўлса-да, менга тасалли берди, лекин барибир булардан бирортаси ҳам Цюй Пэннинг китобидаги бир-бирига зид бобларга яқин ҳам



келмасди. Бу муаммони қандай ҳал қилишни билолмай юрган кунларимнинг бирида мен Оксфорддан мана шу сиз қўрган хатни олдим. Табиийки, унда ифодаланган сўзлар мени ўйлатиб қўйди: “Турли келажак замонларга ўзимнинг тармоқланиб кетган сўқмоқлар боғимни қолдираман (барча замонларга эмас). Шу ерда тушуниб етдим — бир-бирига қовушмайдиган сўзлардан иборат бўлган шу романнинг ўзи “Тармоқланган сўқмоқлар боғи” эмасмикан: турли келажак замонлар (барча замонларга эмас) эса замин сўқмоқларини эмас, балки замон сўқмоқларини билдиради. Романни яна бир карра ўқиб чиқиб фикрим тўғри эканлигига амин бўлдим. Ҳар қандай роман қаҳрамони олдида бир неча йўллар пайдо бўлса, у албатта, биттасини танлайди, қолганларини четга суриб қўяди: Цюй Пэн романида эса қаҳрамон барча йўллардан ўтади ва бу билан у турли тақдирларни, замонларни тасвирлайди, ўз навбатида улар ҳам яна турли замонларга тарқаб кетади. Романдаги қарама-қаршилик ҳам худди шу туфайли пайдо бўлган. Айтайлик, Фэн бир сирдан хабардор, қандайдир бегона кимса уникига келади: Фэн уни ўлдиришга жазм қилади. Ёзувчининг олдида яна бошқа бир неча тақдир йўллари ҳам мавжуд: Фэн ўша чақирилмаган меҳмонни ўлдириши мумкин; меҳмон ҳам Фэнни ўлдириши мумкин; иккаласи ҳам тирик қолиши мумкин; иккаласи ҳам ҳалок бўлиши мумкин ва ҳоказо. Цюй Пэн ўзининг китобида ўша юз бериш эҳтимоли бўлган барча оқибатларни ёритиб берган, уларнинг ҳар бири эса ўз навбатида бошқа сўқмоқларга олиб бораверган. Айрим ҳолларда бу сўқмоқлар бир-бирини кесиб ўтиши ҳам мумкин: сиз, эҳтимол, менинг олдимга келдингиз, лекин ўтмишда бўлиб ўтган замонларнинг бирида сиз менинг душманим, бошқа бирида эса дўстим бўлгандирсиз. Агар сиз менинг хитойчага ўхшовсизроқ талаффузимга унчалик эътибор бермасангиз, бир неча саҳифани бирга ўқиб чиқишимиз мумкин.

Чироқ ёруғида унинг юзи қаримсиқ бўлиб кўринарди, лекин айрим юз ифодаларида боқийлик сезилиб турар, ҳатто мангулик муҳрланиб қолгандек эди. У менга бир узун бобнинг икки хилини секин, тушунарли қилиб ўқиб берди. Биринчисида жангчилар тоғ ён-бағридаги чўлдан жангга кетиб борарди. Қоялар кўчиб, босиб қолиш хавфи остида зимистон қаърига кириб боришар, ҳаётлари қил устида турганлигини ўйламасдан осонгина ғалабани қўлга киритадилар. Бошқасида эса яна ўша жангчилар саройдан айш-ишрат энг авжига чиққан пайтда зиёфатни жангнинг давоми деб ёки жанг ёлқинларини зиёфатнинг давоми деб ўйлаб, яна ғалабага эришадилар.

Мен бу қадимий ҳикояларни чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан эшитдим, лекин ажабланарли жойи шундаки, бу роман аллақачон ўтиб кетган буюк аждодим томонидан ёзилганди ва мен ўзимнинг қалтис ишимга қадам қўйиш арафасида дунёнинг узоқ бошқа бир тарафидаги оролда, олис бир империянинг кишиси мен учун романни яна жонлантирган эди. Ҳар икки матн якунида худди дуоибаддек қўйидаги сўзлар хотирамда қолган: “Қаҳрамонлар қўлларида ўткир шамширлар-у, беқиёс қалбларида осойишталик билан, жасорат ва мардлик ила душманни ўлдиришга ҳам, ўзлари ўлишга ҳам тайёр ҳолда жанг қилардилар”.

Шу онда менинг атрофим ва ички оламимда кўзга кўринмас, аллақандай мавҳум, жисмсиз шарпалар юрганлигини ҳис этдим. Бу рўё шахдам қадамлар билан гоҳ ажралиб, гоҳ қўшилиб, гоҳ ёнма-ён кетаётган қўшинларни элас-элас эслатса-да, лекин уларнинг ҳаракатлари сирли, тутқич бермас ва мавҳумроқ эди. Стивен Альбер давом этди:

— Сизнинг машҳур аждодингиз бекорчиликдан, шунчаки ўзини овутиш учун бу тахминларни ўйлаб топган дея олмайман. Ҳаётининг ўн уч йилини фақат сўз ўйинларига сарфлаш ҳақиқатга унчалик тўғри келмайди. Роман жанри сизнинг мамлакатингизда унчалик юқори даражада эмас, айниқса, ўша даврларда бу романни ёқтиришмаган. Албатта, Цюй Пэн ажойиб романнавис бўлган, бунинг устига у адабиётшунос ҳам эди. Ўзини оддий бир романнавис деб ҳисоблаган бўлса керак. Цюй Пэннинг ғойибона интилишлари метафизикага, мистикага қаратилганлиги ҳақида унинг замондошлари ёзиб кетган, қолаверса, ўзининг шахсий ҳаёти ҳам буни тасдиқлайди. Унинг фалсафасидаги қарама-қаршиликлар романда катта ўринни эгаллайди. Битмас-туганмас замон муаммосига доир бошқа бирор жумбоқ уни бунчалик қийнамаган ва ҳаяжонлантирмаган. Нима бўпти, дерсиз? Шуниси ҳайрон қоларлики, “Боғ” китобининг бирор саҳифасида ҳам бу муаммо ҳақида бирор марта эслатилмаган. Ҳатто, “замон” сўзини бирор марта бўлса-да, ишлатмаган. Бу сўз ҳақида шунчалик сукут сақлашни қандай тушуниш мумкин?

Мен бир неча фаразларни таклиф қилдим, лекин уларнинг бирортаси ҳам ишончли эмасди. Биз масалани муҳокама қила бошладик. Охири Стивен Альбер сўради:

— Топишмоқнинг калити “шахмат” сўзи бўлган тақдирда, уни ечиш учун фойдаланадиган сўзлар ичида қайси бир ягона сўз учрамайди?

Бир дақиқа ўйлаб туриб жавоб бердим.

— “Шахмат” сўзи.

— Худди шундай, — Альбер сўзимни илиб кетди. — “Тармоқланган сўқмоқлар боғи” — улкан топишмоқнинг ўзи — “замон” унинг калити — асарда у сир тутилган, эслатиш ҳам тақиқланган. Қандайдир бир сўз атрофида сўз ўйини қилиш, унга турли метафоралар орқали ишора қилиш усули, бу ўша сўзга эътиборни қаратиш йўлларидан бири бўлиши, эҳтимол. Цюй Пэн ўзининг туганмас романидаги ҳар бир бурилишда шунга ўхшаган айланма йўллар қўллашни лозим кўрган. Мен бу асарнинг юзлаб қўлёзмаларини таққослаб чиқдим, кўчиришда ношуд котибларнинг эътиборсизлиги туфайли йўл қўйилган хатоларни қўлимдан келганча тuzатдим, тартибга келтирдим ва умид қиламанки, ўйлаганимдек, ҳозирги кўринишда муаллиф кўзлаган шаклга келди. Китобни тўла таржима қилдим ва амин бўлдимки, “замон” сўзи бирор марта ҳам тилга олинмаган. Жумбоқнинг ечими тайёр: “Тармоқланган сўқмоқлар боғи” — оламнинг ўзгартирилмаган ҳақиқий кўринишидир. Цюй Пэн оламни худди шу тарзда кўрган, идрок қилган. Бобкалонингиз бизнинг Ньютон ва Шопенгауэрдан фарқли ўлароқ вақт ягона ва мутлақ эканлигига ишонмаган. Замонни сон-саноқсиз тизимлардан иборатлиги, унинг ўсиши, ақл бовар қилмас даражада тарқалуви, бирлашуви, ёнма-ён мавжуд бўлишига ишонган. Замоннинг бундай жилоланиши — унинг бирлашуви, тарқалуви, кесишуви ёки асрлар давомида умуман кесишмаслиги — ақл-идрокимиз етган даражадаги эҳтимолликларни ўз қамровига олади. Кўп замонларда биз сиз билан мавжуд бўлмаганмиз, айримларида сиз бўлгансиз, мен эса бўлмаганман, мен бор, сиз йўқ, бошқасида ҳар иккимиз ҳам бўлганмиз. Замонларнинг бирида, яъни бахтли тасодиф менга кулиб боққанда, сиз менинг уйимга келдингиз, бошқасида боғдан ўтаётиб менинг жасадимни топдингиз, учинчи бир замонда эса мен сизга шу сўзларни айтиб турибман-у, лекин ўзим эса саробман, шарпаман.

— Ҳар қандай замонда ҳам, — дедим, титроғимни базўр яширган

ҳолда. — Цюй Пэннинг боғини қайта жонлантирганлигиниз учун миннатдорчилигимни изҳор қиламан.

— Ҳар қандай замонда эмас, — табассум ила ғулдиради у. — Абадий ёйила бориб замон бизни келажакда сон-саноксиз вариантларга етаклайди. Уларнинг бирида мен сизнинг душманингизга айланганман.

Мен юқоридаги ҳолатимга яна қайтиб тушдим: уй атрофидаги рутубатли боғ сон-саноксиз шаффоф одамларга тўла туюлди. Булар Альбер билан мен эдим, фақат бошқа замонлар ўлчамларида ҳаракат қилаётган ўзгарган, таниб бўлмас ҳолда эдик. Боғнинг сарғимтил-қоронғи жойидан бир киши келаятганини кўрдим. У Ричард Мэдден эди.

— Келажак остонасида турибмиз, — дедим унинг гапини инкор қилиб, — ҳарқалай, мен сизнинг дўстингизман. Ўша хатга яна бир бора кўз ташлашга руҳсат эдинг.

Альбер ўрнидан туриб қора стол тортмасини сурди ва бир лаҳза менга орқасини ўгирди. Тўппончам аллақачон тайёр ҳолда эди. Мумкин қадар мўлжални тўғри олиб ўқ уздим. Альбер шу ондаёқ унсиз йиқилди. Қасам ичаманки, худди чақмоқ ургандек, шу лаҳзадаёқ жон берди.

Қолган нарсаларнинг унчалик аҳамияти йўқ. Бостириб кирган Мэдден мени шу ердаёқ қамоққа олди. Мени осиб ўлдиришга ҳукм қилишди. Воқеа қанчалик даҳшатли бўлмасин, мен галаба қозондим: ҳужум қилиш керак бўлган жой номини Берлинга хабар беришга улгурдим. Кеча у жойни бомбардимон қилишди. Таниқли хитойшунос олим Стивен Альберга нисбатан уюштирилган сирли қотиллик ҳақида, уни аллақандай Ю Цун исмли кимса содир этганлиги ҳақидаги хабар бутун Англия бўйлаб газеталарда тарқатилганлигини билдим. Бошлигимиз бу жумбоқни ҳал қилди. Мен ечишим лозим бўлган асосий масала — Альбер шаҳарчаси номини унга етказиш эканлиги энди унга маълум. Атрофда бўлаётган урушнинг даҳшатли акс-садолари остида шундай исмли одамни ўлдиришдан бошқа чорам йўқ эди. Фақат енгиб бўлмас оғриқ ва чарчоқ қанчалик мени қийнаётганлигидан унинг хабари йўқ. Буни ҳеч ким ва ҳеч қачон била олмаса ҳам керак...

## ҚИЛИЧ ИЗИ

Унинг юзини чуқур чандиқ хунук кўрсатиб турарди: чандиқ қулоқ чаккасидан жағига қадар чўзилган, кулранг, ўроқ шаклда эди. Ҳақиқий исмининг унчалик аҳамияти йўқ. Такуарембода уни “Колорадалик инглиз”, деб аташарди. Бу ерларнинг эгаси Кардосо унга кўргонини сотмоқчи эмасди, лекин инглиз кутилмаган имкониятини ишга солди: ўзи олган жароҳати сирини унга ишониб айтиб берди. Бу инглиз чегарадан — Риу-Гранди-Сул тарафдан келганди. У Бразилияда контрабанда билан шуғулланган, деган гап юрарди. У, қароллари билан ёнма-ён ишлаб, бу хўжаликни анча тартибга келтириб қўйди. Айтишларича, у қаттиққўлликда ҳатто ёвузликкача ҳам бориб етаркан. Лекин майда-чуйда нарсаларда бирмунча адолатли ҳам бўлган. Баъзан қаттиқ ичар экан. Йилда икки марта мансарда болохонасига қамалиб оларкан-да, орадан бир неча кун ўтгач, худди жангдан чиққан ёки қаттиқ кема чайқалишидан азоб чеккан одамдек — юзлари оқарган, қалтираган, безовта ҳолда, лекин ўша-ўша қаттиққўллигини сақлаганча яна пайдо бўларкан. Унинг совуқ кўзлари, озгин бўлса ҳам, лекин мушакли, чайир танаси, кулранг мўйловчаси ҳамон ёдимда. У ҳеч ким билан мулоқот қилмас, испан тилини яхши билмас, бразилча сўзларни аралаштириб гапирарди.

Тижоратга оид ёзишмалардан бошқа ҳеч нарса уни қизиқтирмасди. Шимол департаментларига қилган охириги сафаримда Карагуата дар-

ёсида бўлган тошқин туфайли “Ла-Колорадо”да тунаш учун жой қидиришимга тўғри келди. Менинг бу ерларда пайдо бўлишим мулк эгасига унчаям ёқмаганлигини дарҳол пайқадим, шу боис инглизнинг кўнглини бироз юмшатиш учун унда ҳиссиётларимиздан энг ишончлиси бўлган ватанпарварлик туйғуларини уйғотиш зарур деб ҳисобладим. Мен унга “Қаердаки инглизона руҳ ҳукмрон бўлса, ўша мамлакатда енгилмас кучлар бўлади”, дедим. У маъқуллаб бош ирғадую, лекин киноя билан инглиз эмаслигини, Дангарванлик ирланд эканлигини айтди. Айтишга айтди-ю, худди сирни ошкор қилиб қўйгандек талмовсираб қолди.

Нонуштадан сўнг бироз очиқ ҳавода айланиб келгани чиқдик. Ҳаво очилиб кетган, лекин Жануб қирлари ортидан чақмоқлар бағрини тилаётган қора булутлар паға-паға бўлиб бостириб келарди. Камтарона ошхонада бизга хизмат қилаётган қарол бир шиша ром олиб келди. Биз жимликда уни узоқ вақт ичиб ўтирдик. Кайфим ошиб қолганда вақт алламаҳал бўлганди. Кайфим ошганданми, зерикканданми, нима бало бўлди-ю, мен чандиқ ҳақида гап очдим. У асабийлаша бошлади: бир лаҳза худди у мени улоқтириб ташламоқчи бўлгандек туюлди, лекин у ўзини босиб одатдаги оҳангда гап бошлади.

— Бу жароҳатимнинг тарихи узоқ. Агар сабринг етса, майда-чуйда тафсилотларигача, қандай қилиб мени бу шармандаликка олиб келган ҳолатларни тўлалигича ҳикоя қилиб бераман. Мен рози бўлдим. Инглиз тилида испан ва португал тилларини аралаш-қуралаш қилиб айтилган ҳикоя қўйидагича:

“1922 йили Кэннот шаҳарчаларидан бирида кўпчилик қатори Ирландия мустақиллиги учун бўлган махфий жангларда мен ҳам қатнашардим. Омон қолган ўртоқларимдан айримлари ҳозир тинчгина меҳнат қилиб яшаб юришипти, айримлари эса — бу зиддиятга нима дейсиз — инглиз байроғи остида денгизларда, чўлларда жанг қилишмоқда. Уларнинг энг шарафга сазоворларидан бири казарма ҳовлисида уйқусираган солдатлар томонидан отиб ўлдирилган. Айримлари (уларни жудаям бахтсиз деб бўлмайди) эса фуқаролар урушининг номаълум жангларида жон берганлар. Биз республикачилар — католиклар эдик: романтик орзуларга бой эдик. Ирландия биз учун нафақат ёрқин келажагимиз, балки шўрлик бугунимиз ҳам эди: севимли афсоналар, қаср-ларнинг миноралари ўтиб бўлмас ботқоқлар, Парнеллга бўлган наф-ратимиз<sup>1</sup>, гоҳ балиқларга, гоҳ тоғларга айланувчи қахрамонларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи беқийёс эпопеяларимиз... Кунлардан бир кун кечки пайт, бундан ҳеч қачон эсдан чиқармайман, Мюнстердан келган маслакдошнинг Жон Винсент Мун деган кимса сафимизга қўшилди.

Унинг ёши йигирмалар атрофида эди. Озгин, нимжон — умуртқасиз бир махлуқдек таассурот қолдирди бизда. У диққат ва иштиёқ билан қандайдир бир қўлланмани варақма-варақ ёдлаб олишга киришиб кетар, диалектик материализм ҳақидаги билимини эса бизнинг баҳс-мунозараларимизга чек қўйиш учун ишлатарди. Бир инсон бошқа бир инсонни яхши ёки ёмон кўриб қолиши сабаблари беҳисоб. Мун жаҳон тарихини фақат иқтисодий зиддиятларгагина боғлаб қўярди. Инқилоб ғалабаси олдиндан таъминланган, деб таъкидларди. Мен бўлсам, фақат аслзодаларгина олдиндан ютқазилларини билсалар-да, бундай ишларга киришишлари мумкин дер эдим... Ярим тун. Биз ўз баҳс-мунозарала-

<sup>1</sup> Ирландия озодлиги учун курашчи, инглизпарастлар уни ёмон кўрадилар. Жеймс Жойс уни шарафлаб ёзган. (Тарж.).

римизни йўлақларда, зиналарда, кимсасиз кўчаларда давом эттирардик. Муннинг мулоҳазалари, баҳсга ўрин қолдирмайдиган насиҳатомуз оҳанги менда ҳеч қандай таассурот қолдирмасди. Янги маслакдошимиз баҳс-лашмаса, ўз фикрини бошқаларни менсимаган ҳолда, асабийлашиб айтиб қўя қоларди. Биз бир кунни фабриканингми, казарманингми деворлари ёқалаб борардик. Охирги биноларга етиб борганимизда ўқ товушлари қулоқларимизни қоматга келтирди. Қандайдир тор кўчага ўзимизни урдик. Ёнаётган уйдан, худди аланга чиққандек, бир барваста солдат бизга ҳайқириб, тўхташимизни буюрди. Мен қадамимни тезлатдим, лекин шеригим менга эргашмади. Қайрилиб қараганимда Жон Винсент Мун даҳшатдан тошдек қотиб, сеҳрлангандек қаққайиб турарди. Мен ортимга қайтиб, солдатни бир зарба билан қулатдим, Винсент кўрқиб кетганидан юролмасди, уни қўлтиқлаб олдим. Биз қоронғуликда алангалар орасидан ёриб борардик. Барибир ўқдан қочиб қутула олмадик, ўқ Муннинг тирсагини ялаб ўтди. Қарағайзор оралаб бораётганимизга у тинмай оҳ-воҳ қилиб борарди.

1922 йилнинг кузида мен генерал Берклининг вилласида ўзимга паноҳ топдим. Вилла эгаси (мен уни ҳечам кўрмаганман) ўша пайтда Бенгалия маъмуриятида қандайдир лавозимда ишлар эди. Уй қурилганига ҳали бир аср ҳам бўлмаса-да, у нурай бошлаган, қаровсиз ҳолда, айланма йўллари-ю, ҳеч кимга кераксиз кутиш хоналари кўп эди. Биринчи қаватни музей ва улкан кутубхона эгаллаган, унда XIX аср тарихини акс эттирувчи, маънолари бир-бирига зид, ёлғон-яшиққа тўла китоблар: девордаги Нишопур шамширларида эса гўё жангу жадаллар, уруш садолари яширингандек. Биз орқа эшикдан кирганимиз ёдимда. Тунги саргузаштларимиз жуда қизиқ бўлганлиги ҳақида Мун қалтираган, қуриб қолган лабларини қимирлатиб гулдирди. Мен унинг жароҳатини боғлаб, чой узатдим. Ярани боғлаётиб, бу жароҳат эмас, шунчаки тирналганлигини билдим.

— Сиз ҳаётингизни анча хавф остида қолдирдингиз, — деб валдиради у ҳайрон бўлиб.

Мен ундан хавотир олмаслигини илтимос қилдим. (Фуқаролар урушининг анъанаси шуни тақазо қиларди, мен бошқача йўл тута олмасдим. Бундан ташқари, агар орамиздан бирортаси асирга тушгудек бўлса, барча ҳаракатларимиз чиппакка чиқарди).

Эртасига Мун яна ўз эски ҳолига қайтди. У мен таклиф қилган сигаретани олди-да, “инқилобий партиямиз”нинг иқтисодий имкониятлари ҳақида мени сўроққа тутди. Унинг саволлари кўзлаган мақсадига бориб тегарди. Мен унга аҳволимиз жуда ҳам оғирлигини айтдим (ҳақиқатан ҳам шундай). Ўқ овозлари бутун Жанубни ларзага соларди. Мен Мунга ўртоқларимиз кутаётганликларини айтиб, пальто ва тўппончамни олиш учун ўз хонамга чиқдим. Қайтиб келганимда Мун пастаккина диванда кўзларини юмиб ётарди. У елкасида қаттиқ оғриқ турганлигини, безгак тутиб қолганлигини маълум қилди.

Кўрқоқлик уни ҳеч қачон тарк этмаслигини тушундим. Мен бироз хижолат бўлиб, ўзини эҳтиёт қилишликни маслаҳат бердим ва хайрлашиб чиқиб кетдим. Мен ўзимдан ўзим уялиб кетдим, гўё кўрқоқ Винсент Мун эмас, мен ўзимдек. Бир одамнинг қилмишига барчамиз сабабчи эмасмизми? Шунинг учун, бир жухудни хочга михлаш инсониятни халос қилиш учун хизмат қилар экан<sup>1</sup>, бир одам боғда тақиқланган нарсани била туриб еганлиги барча инсоният зоти учун тавқи лаънат бўлар экан<sup>2</sup>, уларни жазолаш адолатсизликка кирарди,

<sup>1</sup> Исо Масиҳга ишора.

<sup>2</sup> Одам Атога ишора.

деб бўлмайти. Балки Шопенгауэр, мен — бошқа одамман, бошқа одам эса — бу барча инсоният, деб тўғри айтгандир. Қайсидир маънода Шекспир ҳам ўша бадбахт Жон Винсент Мун эди<sup>1</sup>.

Генералнинг ҳайҳотдек вилласида биз деярли тўққиз кун яшадик. Урушнинг даҳшатию ёруғ кунлари ҳақида гапириб ўтирмайман. Мақсадим, ўша мен учун шармандали бўлган чандиқ ҳақида сўзлаб бериш. Мен учун ўша тўққиз кун ҳам бир бўлди-ю, охиридан олдинги кун ҳам бир бўлди: ўшанда биз казармага бостириб кириб, Элфинда пулемётлардан отиб ташланган оз эмас, кўп эмас, ўн олтига ўртоқларимизнинг ўчини олдик. Мен тонг ота бошлаганда — гира-шира пайтида уйдан чиқиб кетдим. Кеч кира бошлаганда қайтдим.

Олган жароҳати биринчи қаватга тушишга ҳалақит берганлиги сабабли, у мени тепада кутарди. Мен унинг гўё Ф.Н.Моудининг ёки Клаузевицнинг стратегия ҳақидаги китобини варақлаб турганида кўргандекман. “Барча қуроолар ичида артиллерияни маъқул кўраман”, деб бир кеча у тан олганди. У доим бизнинг режаларимизни билиб олишга ҳаракат қилар, моддий имкониятларимиз жуда арзимаслигини шодланиб, танқид қилар, ишимиз фожиа билан тугашини олдиндан билгандек, “Охири — вой!”, деб илондек вишиллаб қўярди. Ақл жиҳатдан устунлик олдида қўрқоқлик ҳеч нарса эмас, деган фикрини исботламоқчи бўларди.

Яхши-ёмонми, хуллас, тўққиз кунни шундай ўтказдик. Ўнинчи кунни бутун шаҳар... қоралар ва жигарранглар армияси қўлига ўтди. Кўчаларда барваста, камгап отличлар патруллик қилишарди. Шамол кул зарралари ва куюнди ҳидини атрофга тарқатарди. Қайсидир бир бурчақда чўзилиб ётган жасадни кўриб қолдим, лекин хотирамда бу эмас, бошқа нарса: майдонда солдатлар қандайдир бир манекенга ўқ отиб, дўппослаб машқ қилаётганликлари қолди.

Тонгда уйдан чиқиб кетдим, тушликка яқин қайтиб келдим. Мун кутубхонада ким биландир гаплашарди. Телефонда гапираётганлигини билдим. Менинг исмимни айтаётганлигини эшитдим, кейин у мени соат етиларга яқин келишимни, кейин эса мени уй олдидаги боғда ушлаш лозимлигини илтимос қилди. Менинг доно дўстим доноларча менга хиёнат қиларди. Кейин у ўзининг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўришларини талаб қилганлигини эшитдим.

Шу ерда менинг ҳикояларим чигаллашиб тамом бўлади. Мен шу нарсани биламанки, дўзахдек туюлган қоронғу юраклар ва айланма зиналардан руҳ хоинини тутаман, деб югурдим. Лекин Мун виллани мендан кўра яхшироқ биларди. Бир неча марта кўздан қочирдим, лекин солдатлар мени ушлаб олишидан олдин мен унга етиб олдим. Мулк эгаси генерал тўплаган, девордаги қуроолар коллекциясидан қалта бир қилични сугуриб олдим. Шу яримой шаклидаги пўлат қурол билан унинг юзида яримой шаклида ўчмас из қолдирдим.

“Борхес, мен сизни танимамайман, шунинг учун бор ҳақиқатни айтиб бердим. Шу сабабли сизнинг нафратомуз қарашингизга чидаш мен учун осонроқ”.

У жим бўлиб қолди. Қўллари қалтираётганлигини сездим.

— Мун, нима бўлди? — сўрадим мен.

— Сотқинлиги учун бериладиган пулни олиб, Бразилияга жўнаб кетди. Жўнаш олдида у маст солдатлар майдонда манекенни ўққа тутаётганликларини кўрди.

<sup>1</sup> Шекспир асарларида тасвирланган хоинлар образида унинг ўз феъли ҳам акс этганига ишора (*Тарж.*)

Мен бекорга ундан ҳикоянинг давомини кутардим. Ниҳоят, ундан кейин нима бўлганлигини сўрадим.

Шу пайт унинг ич-ичидан бир нола отилиб чиқди, журъатсизлик билан юзида оқариб турган яримой шаклидаги чандиққа ишора қилди.

## ФУНЕСНИНГ МЎЪЖИЗАВИЙ ХОТИРАСИ

Мен уни биринчи марта кўрганимда, қорамтир “эҳтиросгул”ни ушлаб турарди. У гулга қараб туриб нималарни кўра олиши фақат ўзигаю, худогагина маълум эди. Оддий одамлар умр бўйи эрта тонгдан қоронғу тунгача томоша қилсалар-да, у кўрган нарсаларни тасаввур ҳам қила олмайдилар. Эсимда, эҳтироссиз, ҳиндуларга хос сиймоси кучли таассурот уйғотарди. Унинг ҳаракатчан бармоқлари озгин кўллари ҳамон кўз олдимида. Бир қўлида “Шарқий соҳил” рамзи туширилган чой қути, деразасида эса кўл манзараси тасвирланган қамиш дарпарда ҳам эсимда. Шошмасдан, ўзига хос оҳангдаги овози, гапиришлари аниқ ёдимда. Мен уни бор-йўғи уч марта кўрганман — охириги 1887 йилда. Уни кўрган одам, албатта, у ҳақда бирор нарса ёзиши керак, деган фикрга мен ҳам қўшиламан. Мен берган маълумотлар, эҳтимол, энг қисқасидир, лекин дангал, рўй-ростлиги билан нашр қилинаётган китоблардаги бошқа маълумотлардан қолишмайди. Мен бир аргентиналик мискин одамман. Уругвайда одат бўлган, айниқса, гап уругвайликлар тўғрисида кетганда, мадҳиябозлик, мақтовларга тўла бўлган жанрда ёза олмайман, мен бу жанрда нўноқман. “Ёзувчи”, “Пойтахтлик олифта”, “Ипак мулоим” каби ҳақоратомуз ибораларни Фунес менга нисбатан қўлламаган бўлса-да, унинг нигоҳидан мени шу тоифали одамлар қаторига қўшиб қўйганлиги кўриниб турарди. Педро Леонардо ўз мақоласида Фунесни мўъжизакор, “Аллақандай туғма қобилиятли Зардушт” деб таърифлайди: Мен баҳслашиб ўтирмайман, Инуче унинг Фрай-Бентослик ҳамқишлоғи эканлигини, тузалмас дарди — саводсизлигини ҳам унутмаслик керак. Фунес ҳақида дастлабки хотиранларим. Мен уни саксон тўртинчи йили март ёки февраль ойининг оқшомларидан бирида кўрган эдим. Ўша йили ёзда отам мени Фрай-Бентосга олиб борганди. Амакиваччам Бернардо Аэдо билан Сан-Францискодаги хўжалигимиздан қайтаётгандик. Биз отда хиргойи қилиб келардик, кўтаринки кайфиятимизнинг сабаби фақат бунинг ўзи эмасди. Кундузги диққинафасликдан сўнг осмонни момақалдироқдан дарак берувчи улкан қорамтир булутлар қоплади. Уларни жануб шамоли ҳайдаб келар эди. Дарахтлар шамолда гувиллаб бошлади. Мен кучли ёмғирда яйдоқ чўл ўртасида қолиб кетмасайдик, деган хавотирда эдим, биз гўё момақалдироқ билан қувлашмачоқ ўйнардик. Кўп ўтмасдан биз икки четига баланд қилиб гишт ётқизилган йўлакчи кўчага етиб олдик. Бирдан қоронғи тушди, тепа томондан тез-тез ташланган қадам товушларини эшитиб, бошимни кўтариб қарадим: бир йигит тор йўл бўйлаб, худди энсиз девордан югураётгандек чопқиллаб кетарди. Оқарган, юзи жиддий, қўлида эса сигарета, чолворда, кескиз қора булутлар соясида югураётганлиги ёдимда қолган. Бернардо кутилмаганда ундан “Соат неча бўлди?” деб сўради. У тўхтамасдан, осмонга ҳам қарамасдан жавоб берди: “Тўрт минути кам саккиз, дўстим Бернардо Хуан Франциско”. Унинг овози ингичка ва кинояли эди.

Мен паришонхотир одамман, агар амакиваччам ўша гапларни қайтармаганда, эсимдан ҳам чиқиб кетган бўларди. Ҳар учала исмини масхараомуз атаганига у гўё бепарводек, шу ерлик эканидан фахрлангандек сизди ўзини.

Биз учратган йигит Эренео Фунес бўлиб, у галатироқ феъли борлиги, биров билан дўст тутинмаслиги, қачон ундан вақтни сўрасанг, худди соатдек аниқ билишлигини сўзлаб берди. У, шу ерлик Мария Клементина Фунес исмли дазмолчи аёлнинг ўғли экан, баъзан одамлар унинг отаси шу ерлик шифокор инглиз О' Коннор, баъзилари эса Сальто департаментида яшовчи от ўргатувчими ёки қассобми дейишар экан. У онаси билан шаҳар четидаги “Лаврлар” хўжалиги орқасида истиқомат қилар экан.

Саксон бешинчи ва саксон олтинчи йилларнинг ёз ойлари биз Монтевидеода ўтказдик. Саксон еттинчи йили биз яна Фрай-Бентосга бордик. Табиийки, мен ўша ерлик барча таниш-билишларимни ва ниҳоят, хронометрчи Фунесни ҳам суриштирдим. Айтишларича, уни Сан-Франциско хўжалигида бир ўргатилмаган от улоқтириб ташлабди, шундан у фалаж бўлиб, умрбод тўшакка михланиб қолганмиш. Бу хабарни эшитишим биланоқ, мени аллақандай сеҳрли ҳиссиётлар чулғаб олди: ўша амакиваччам Бернардо билан отда кетаётганимизда югуриб бораётган Фунесни учратганимиз, амакиваччамнинг у ҳақда айтганлари — қачонлардир ҳаётимда бўлиб ўтган бу узук-юлуқ лавҳалар гўё тушда кечгандек эди. Фунес умуман ўрнидан туролмай, ҳовлидаги кактусгами, ё шифтдаги ўргимчак инигами тикилиб ётганлигини айтишди. Кечкурун у каравотини деразага яқинроқ суриб қўйишга рози бўларкан. Бошига тушган мусибатни тан олишга ғурури йўл қўймас, бу унга насиб этган бир марҳамат, деб ҳисоблармиш. Мен уни икки марта дераза панжараси ортида кўрдим — худди умрбод жазо ўтаётган маҳбусдек таассурот қолдирди. Биринчи кўрганимда у кўзлари юмилган ҳолда ҳайкалдек қотиб ўтирар, иккинчи марта ҳам худди шу ҳолатда, лекин нигоҳи сантолинанинг хушбўй пояларига қадалган эди.

Ўша пайтда мен бироз гурур билан лотин тилини ўрганишга киришгандим. Чамадонимда лотин тилидаги Ломоннинг “*De uirris illustribus*” “Машҳур кишилар ҳақида”, Кишернинг “*Thesaurus*” — “Ҳазина хона”, Юлий Цезарнинг “*Шарҳлар*” китоблари ҳамда менинг лотин тилидан камтарона билимимга тўғри келмайдиган (ҳозир ҳам бу имкониятга эга эмасман), Плинийнинг “*Historia naturalis*” — “Табиат тарихи” китобининг бир жилди ҳам ётарди. Кичкина шаҳарчада янгилик тезда овоза бўлиб кетади. Иренео Фунес ҳам ўзининг олисдаги ранчосида туриб, мен бу ерга ажойиб китоблар олиб келганлигимни тез билиб олган. У менга тантанали равишда хат йўллаб, унда саксон тўртинчи йилнинг еттинчи февралидаги учрашувимиз, афсуски, қисқа бўлганлигини эслатиб ўтган ва ўша йили вафот этган амаким дон Григорио Аэдонинг Итусаингога қилган сафари ҳақида жасорат кўрсатиб, ҳар икки ватанига шуҳрат келтирганлигини мақтаб ёзган. У мендан илтимос қилиб, китобларимдан бирортасини луғат билан бериб туришимни сўраган. “Ҳозирча лотин тилини билмайман, аслият тилини луғатдан фойдаланиб билиб оламан”, — деган. У китобни тез орада яхши сақлаган ҳолда қайтаришга ваъда берган. Хат жуда аниқ ва чиройли ёзилган эди. Андрес Бельо<sup>1</sup> тавсия қилган имло луғатида “i” ҳарфи ўрнига “y”, “j” ўрнига “d” ишлатилган эди. Дастлаб, у мени масҳара қиляпти, деб чўчидим. Амакиваччаларим Иренео худди шундай усулда ёзарди, деб мени тинчлантиришди. Билмадим, бу безбетликми, билимсизликми ёки аҳмоқликми: энг мураккаб бўлган лотин тилини фақат луғат ёрдамида ўрга-

<sup>1</sup> А н д р е с Б е л ь о — венесуэлалик ёзувчи, Лотин Америкаси филологияси асосчиларидан.



ниш мумкинми? Унинг бу хом-хаёлини чиппакка чиқариш учун унга Кишернинг “Парнасга бир поғона” китоби ва Плинийнинг китобини юбордим.

Ун тўртинчи февраль куни Буэнос-Айресдан телеграф хабарини олдим. Унда менинг зудлик билан етиб боришим зарурлиги, отамнинг аҳволи “унчалик яхши эмас”лиги айтилганди. Худо ўзи мени кечирсин-у, ўша пайтдаги бошимга тушган ғам-ташвишни бўрттириброқ кўрсатиш, Фрай-Бентос аҳолиси олдида ўзимни стоиклардек жасоратли қилиб кўрсатиш истагим, мақтанчоқлигим туфайлими, хуллас, ҳақиқий мусибатимни ўша пайтда тўлиқ ҳис қила олмадим. Нарсаларимни чемоданга жойлаштираётим, “Парнасга бир поғона” ва “Табиат тарихи” китоблари йўқлигини пайқадим. “Сатурн” пароходи эрталаб йўлга чиқиши керак эди, шунинг учун Фунесникига йўл олдим. Кундузги диққи-нафаслик кечкурун ҳам тарқамаганлигига ҳайрон бўлдим.

Озодагина ранчода мени Фунеснинг онаси кутиб олди.

У менга Иренеоннинг хонаси уй ичкарасида эканлигини, агар хона қоронғу бўлса, ҳайрон бўлмаслигимни тушунтирди. Иренео соатлаб чироқ ёқтирмас экан. Мен тош ётқизилган патио — ҳовлидан йўлак орқали иккинчи ҳовлига ўтдим. Ток новдалари девор бўйлаб ўсиб ётарди. Анчагина қоронғи эди. Тўсатдан Иренеонинг ингичка, кинояли овозини эшитиб қолдим. Овоз қоронғилиқдан келар, лотин тилида саркашлик ва қониқиш билан айтилаётган бу сўзлар ибодатми, мадҳиями, билиб бўлмасди. Лотин тилида эшитилаётган бу сўзлар, афсуски, тушунарсиз ва адоқсиз эди. Кейинчалик кечаси билан бўлган суҳбатимиздан маълум бўлдики, бу сўзлар “Табиат тарихи”нинг еттинчи китоби, йигирманчи боби, биринчи абзацдаги сўзлар бўлиб, у боб хотира ҳақида эди, охириги жумласи қуйидаги сўзлар экан...ut nihil non jisdem verbis redderebur auditum.<sup>2</sup>

Овозини ўзгартирмасдан Иренео мени хонасига таклиф қилди. У каравотда чекиб ётарди. Мен унинг юзини то тонг отгунга қадар кўра олмадим, фақат сигарета чўғи ялтиллаб турарди, холос. Хонада нам-лик ҳиди сезилиб турарди. Ўтириб олгач, ундан телеграмма олганим ва отамнинг бетоблиги ҳақида гапириб бердим.

Ҳикоямнинг энг қийин жойига келяпман. Китобхон (ўқувчи) аллақачон тушунган бўлиши керак, бу ерда ярим аср олдин бўлиб ўтган диалог — суҳбатдан бошқа бирор сюжет йўқ. Мен бунга аниқ-тиниқ жонлантиришга ожизман, лекин Иренеодан эшитган гапларимни имкон борича аниқроқ қилиб тасвирлашга ҳаракат қиламан. Ҳикояни биринчи шахс номидан бера олмаётганлигим унинг чиройли ва жонли чиқишига путур етказди, лекин ўша тундаги менинг аҳволимни тасаввур қилиш ўқувчиларга ҳавола.

Иренео “Табиат тарихи”да қайд қилинган ажойиб хотира эгаларини лотин ва испан тилларида бирма-бир санаб ўтишдан бошлади: Эрон шоҳи Кир ўз қўшинидаги ҳар бир жангчини нома-ном билишлиги; Митридат Евпатор ўз салтанатида йигирма икки тилда одил судловни ўтказиши; мнемотехника<sup>1</sup> ихтирочиси Симонид, бир марта эшитган нарсасини аниқ эсида сақлаб қолувчи Метрадор (Эпикурнинг шогирди) бўлганлигини айтиб берди. Бундай оддий нарсаларни, наҳотки, ажойиб ҳодиса деб ўйлашади деб Иренео, чиндан ҳам ҳайрон бўларди.- Ўша ёмғирли оқшомга қадар, яъни уни оқ айғир кўтариб отган кунгача у ҳамма қатори саводсиз қовоққалла ва хотирасиз бир кимса бўлганини гапириб берди. Мен унга вақтни ажойиб тарзда аниқ айтиб бериш қоби-

<sup>1</sup> Лотинча. Мазмуни: бир хил сўзлар қулоққа ёқимсиз эшитилади.

лияти, исмларни эса сақлаш иқтидорига ишора қилмоқчи бўлгандим, у ҳатто эшитгиси келмади. Ўн тўққиз йил у худди тушдагидек яшаган: қараб туриб кўрмаган, қулоқ солиб эшитмаган, деярли ҳамма нарсани унутган (эса сақлаб қололмаган).

Отдан йиқилгач, у ҳушини йўқотган, ўзига келганда эса идрок этиш ҳиссиёти шу даражада бой ва аниқ бўлганки, у нафақат атрофдагиларни, балки ўтмишда бўлган воқеа-ҳодисаларни ҳам энг майда-чуйда тафсилотларигача жонлантира олган. Бироздан сўнг у фалаж бўлиб қолганлигини билган. Фалаж бўлиб қолганлигини ўзи учун арзимаган жазо, деб билган. Унинг ҳиссиёти ва хотираси беҳато бўлиб қолган.

Бир қарашда биз дастурхонда учта қадаҳнигина кўрамиз, у эса ток новдаларию барглари, узумларгача кўриб турган. У бир минг саккиз юз саксон иккинчи йилнинг ўттизинчи апрели тонгида жануб томондан сузиб келган булутларнинг шакли, испан қоғозсозлиги маҳсули бўлган китоб варақларидаги чизиқларни, Кебрачо яқинидаги жангдан олдин Рио-Негро дарёсида сузиб кетаётган қайиқ эш-кагидан пайдо бўлган жимжимадор кўпикларни, гарчи биринчи марта кўрган бўлса-да, фикран уларни таққослаб ҳам кўра олган. У кўриб турган манзара фақат шунчаки хотира бўлмасдан, балки бутун вужуди билан ҳис қила оладиган даражада аниқ бўлган. У кўрган барча тушларини, ҳатто мудроқ ҳолатда кўрганларини ҳам, хотирасида тиклай олган. Икки-уч марта у ўтмишдаги бир кунини тўла равишда тиклаб кўрган, лекин буларни жонлантириш учун ҳам тўла бир кун кетган. У менга: “Ёруғ олам пайдо бўлгандан бери яшаб турган барча одамларнинг хотираларини жамлаганда ҳам менинг хотираларим кўпроқ”, — деди. Яна у: “Менинг тушларим сизнинг уйғоқ пайтингиздаги сингаридир”, деди.

Тонг ота бошлаганда, у яна “Менинг хотирам, оғайни, худди оқар сувга ўхшайди”, деб айтди. Қора тахтага чизилган айлана, тўғри бурчакли учбурчак ёки ромб шакллари биз қанчалик аниқ тасаввур қила олсак, Иренео ҳам отнинг ёки тоғ ёнбағирларида ўтлаб юрган ҳайвонларнинг чигаллашиб кетган ёлларини, аланганинг товланишидан ҳосил бўлаётган рангларни, кулнинг ҳар бир заррасини жасаднинг то дафн қилингунга қадар ўзгаришини худди шундай аниқ тасаввур қила олган. Билмадим, у осмонда қанча юлдуз борлигини кўрган.

У айтиб берган нарсалари ҳақиқатлигига мен ўша пайтда ҳам, ҳозир ҳам шубҳа қилмаганман. У пайтларда кинематограф ҳам, фонография ҳам йўқлиги ҳаммага маълум бўлса-да, лекин ҳеч ким Фунес билан тажриба олиб бормаган. Ҳаётда биз кўпинча кейинга қолдириш мумкин бўлган нарсаларни орқага суриб келганмиз, балки, қалбимиз тубида, гўё барча нарсаларни биламиз, абадий яшаймиз, эртами-кечми ҳар бир инсон ҳамма нарсани билиб олади ва бажаради, деб ўйлаймиз.

Қоронғуликда Фунес гапини давом эттирди.

Айтишича, 1886 йилда у рақамлашнинг оригинал усулини ўйлаб топган ва бир неча кун мобайнида у йигирма тўрт мингдан ошган. У, бир марта ўйлаганини умрбод эсида сақлаш қобилияти борлиги сабабли, уларни ёзиб қўймаган. Уни бунга рағбатлантирган омиллардан бири шу бўлдики, у “ўттиз уч песо” иборасини қўллаш учун икки рақам ёки уч сўз зарурлиги, бир сўз ёки бир рақам билан ифода

<sup>1</sup> М н е м о т е х н и к а — хотирлаш санъати усули.

қилиб бўлмаслиги уни афсуслантирган. Бу маъносиз тамойилни у бошқа рақамларга нисбатан ҳам қўллаган. Масалан, “етти минг ўн уч” ўрнига “Максимо Перес”, “Етти минг ўн тўрт” ўрнига “Темир йўл”, бошқа сонларни эса “Луис Мелиан Лафинур”, “Олимар”, “олтингугурт”, “чиллак”, “кит”, “газ”, “қозон”, “Наполеон”, “Августин де Ведиа” деган ибораларни ишлатган. Ҳар бир сўз алоҳида белги-ланган — худди шу тамгага ўхшаш, охириги катта сонлар эса жуда мураккаб бўлган. Мен унга бу маъносиз сўзлар йиғиндиси умуман рақамлар тизимига тўғри келмаслигини тушунтирмоқчи бўлдим. Мен унга “365” рақамини айтиш учун биз уни таҳлил қилиб — учта юзлик, олтита ўнлик ва бешта birlik сонини назарда тутишимизни, унинг “негр Тимотео” ёки “ҳайфсан” каби атамаларида бу нарса йўқлигини тушунтирмоқчи бўлдим, лекин Фунес мени тушунмади ёки тушунишни истамади.

XVII асрда Локк<sup>1</sup> тилнинг имкониятига кўра, ҳар бир нарса, ҳар бир тош, ҳар бир қуш ва ҳар бир новда ўз шахсий номига эга бўлиши мумкинлиги ҳақида таклиф киритган инкор ҳам қилган) эди. Фунес ҳам худди шунга ўхшаш тилни ўйлаб топмоқчи бўлган, лекин сўзлар жудаям умумлашиб кетишини, икки хил маъноли бўлиб қолишини ўйлаб, бу фикридан қайтган. Ҳақиқатан ҳам Фунес нафақат ҳар бир ўрмонни, ундаги дарахларни, уларнинг ҳар бир баргини эсида сақлаб қола олган, балки бирор баргни кўриб қолганда ёки тасаввур қилганда ҳам уларнинг барчаси хотирасида тикланаверган. У ўзининг ўтмишидаги саёҳатларини етмиш мингтагача чегаралаб, уларни рақамлаб чиқишга қарор қилган. Бу нарса чексиз ва бефойда эканлиги уни бу ишдан тўхтатиб қолган. У болалигидаги хотираларини таснифламоқчи бўлганда, бу ишни то ўлимига қадар ҳам охирига етказмади.

Унинг юқоридаги икки режаси телбалиқдан бошқа нарса эмас, лекин унда буюкликни элас-элас эслатувчи пинҳона нимадир бор. Улар бизга Фунеснинг ақл бовар қилмас даражадаги оламини бироз бўлса-да, тасаввур қилишимизга имкон беради. Эсдан чиқармаслигимиз керак, Афлотуннинг ғоялари унинг учун тушунарсиз эди. “Ит” сўзининг тушунчаси тур сифатида жуда кўп шакл, жусса ва бошқа кўринишларни қамраб олишлигини тушунишга у қийналарди: итнинг ёнидан кўриниши (профил) билан олд томонидан (анфас) кўриниши итнинг номини ўзгартиришга ҳеч қандай асос, бўла олмаслиги унга ёқмасди. Ҳар гал кўзгуга қараб ўзи ҳайрон бўларди.

Свифтнинг ҳикоя қилишича, Лилипутия императори соатнинг дақиқани кўрсатувчи миллири ҳаракатини кўриб турар экан: Фунес аста-секинлик билан ўтадиган ҳар қандай емирилиш, бузилиш, тишнинг чириши, чарчокнинг ривожланишини кўра олган. У ўлимнинг ҳам, намликнинг ҳам аста-секин кириб боришини сезиб турган. Фунес сон-саноксиз кўринишга эга бўлган бу ўзгарувчи турфа оламнинг чидаб бўлмас даражадаги турланишлари ўткинчилигини аниқ-тиниқ кўриб турувчи ёлғиз томошабин ва башоратчи эди. Бобил, Лондон ва Нью-Йорк ўзларининг шиддатли манзаралари билан инсон тафакқурини лол қолдиради. Лекин улардаги тиним билмас, тумонот одамларнинг бирортаси ҳам ўзининг кулбаи вайронасида эрта-ю кеч воқеликнинг чидаб бўлмас даражадаги қайноқ ва оғир юкини бечора Иренеочалик ўзида ҳис этмаган бўлса керак. Унинг уйқуси жуда қийинлик билан кечарди. Ухламоқ — дунёни унутмоқ, демакдир. Фунес чалқанча ётар,

<sup>1</sup> Инглиз файласуфи.

қоронгуликда қўшни уй деворидаги буралган, ёрилган ҳар бир чизиқларни тасаввур қиларди. Хотирасининг ҳар бир майда-чуйда, арзимас тафсилотларигача аниқ ва равшан ҳис этиб турган.

Шаҳарнинг шарқ томонида ҳали қурилиши битмаган, янги — унга нотаниш бўлган иморатлар қад кўтараётганди. Фунес уларни ёппасига қоп-қора зулматдек тасаввур қиларди, ухлаш учун у кўпинча шу томонга ўгирилиб ётарди. У яна ўзини дарёда оқиб кетаётгандек ҳис қилар, оқим уни ўз домига тортиб, гўё эритиб юборарди.

У ҳеч қандай қийинчиликсиз инглиз, француз, португал, лотин тилларини ўрганиб олди. Лекин, фикрлашга унчалик қобилияти йўқ, деган гумоним бор. Фикрлаш — бу фарқларни вақтинча унутиш, умумлаштириш, мавҳумлаштириш дегани. Турли-туман нарсалар қалашиб ётган Фунеснинг бу оламида эса фақат тафсилотлару бево-сита аниқ маълумотларгина бор.

Эрталабки қуёшнинг нурлари хонани ёрита бошлади. Шундагина мен унинг юзини кўрдим, тун бўйи унинг овозинигина эшитдим, холос. Иренеонинг ёши ўн тўққизда, 1868 йилда туғилганди (ҳозир эса 1887 йил эди). У, худди бронзадан қуйилган ҳайкалдек қадимги Мисрдан ҳам, у ердаги эҳромлару пайгамбарлардан ҳам қадимийроқ бўлиб туюлди. Мен ортиқча ҳаракат қилишдан кўрқардим, менинг ҳар бир беҳуда ҳаракатим, ҳар бир сўзим унинг аёвсиз хотирасида абадий қолиб кетишидан кўрқардим.

Иренео Фунес икки йилдан сўнг, 1889 йилда ўпка силидан ва-фот этди...

*Русчадан  
Абдунаби АБДУҚОДИР,  
Маҳкам МАҲМУД  
таржималари*



Самадзаки ТОСОН

## Навқирон ёшлигим – баҳорий кеча

### ШАДДОД ҚИЗ ОЦУТА

**Н**авқирон ёшлигим – баҳорий кеча,  
Лекин унда асло кўринмас гуллар.  
Онамни, отамни эслолмам ҳечам,  
Зулматга соядек сингдилар улар.  
Дунёда соялар сояси бўлиб,  
Кимсасиз етимча қолдим ўкиниб.  
Сўнг бир доно йигит бўлдию пайдо,  
Авалло ўзига этди у шайдо.  
Сўнгра афсонавий шаҳзодага хос,  
Мени ғам-ғуссадан айлади халос.

Доно йигит менга англлатди шуни:  
– Агар кута олсанг тайинли кунни,  
Узарсан хурмонинг энг сархилини.  
Мен шаддод Оцута қайтардим жавоб:  
– Лекин етиб келди камолот кузи,  
Мана буни кўринг, – дедим-да узиб,  
Хурмони узатдим йигитга шу тоб.  
Хурмога лабини босиб кўргач сал,  
Деди: – Хўп мазали экан-ку, хурмонг,  
Нега индамадинг бу ҳақда аввал?

Доно йигит тагин англлатди шуни:  
– Яхши бўлсин десанг ҳаёт мазмуни,  
Сархуш айлагувчи шаробдан ичма.  
Қувонч билан унга қайтардим жавоб:  
– Ҳузурбахш этишга қодирдир шароб.  
Ҳозир эса баҳор, нўш этиб яйранг, –  
Дея тутдим унга шароб тилларанг.

*Русчадан  
Файзи ШОҲИСМОИЛ  
таржималари*

Япония романтик шеъриятининг йирик вакилларида бири Самадзаки Тосон (1872–1943) ажойиб шеърлар ва романлар муаллифи сифатида машҳур эди. У шеъриятнинг янги – “синтайси” шаклини яратди. Бу ҳол шоирнинг тўртликларига ўз ифодасини топди. Унинг шеърлари халқ кўшиқларига ҳамоҳангдир. Оддий деҳқон оиласида дунёга келган С.Тосон назм ва насрда қадрдон табиат манзараларини меҳр билан тасвирлайди. Шоирнинг энг сара шеърлари япон шеъриятининг олтин фондига киритилган.

Йигит деди ичгач, қизариб сал-пал:  
– Бунчалар ҳузурбахш бўлмаса шароб,  
Нега индамовдинг бу ҳақда аввал?

Доно йигит яна айлади тайин;  
– Десанг гар дунёда бахтли яшайин,  
Қўшиқ тингламагин, оздирар йўлдан...  
Мен жавоб қайтардим қувониб дилдан:  
– Қўшиқда мужассам қалб ифодаси,  
Эътибор беринг деб, кўнгилдан жўшиб,  
Куйлаб бердим унга ишқий бир қўшиқ.  
У бўлса қўшиқдан маст бўлиб тугал:  
– Қўшиқ шаробдан ҳам ўткирлигини  
Билмасдим, айтмабсан бу ҳақда аввал?

Доно йигит менга англади сўзлаб:  
– Билсанг, мен юрибман ҳақиқат излаб.  
Сен-чи, қизиқтириб қўйдинг жуда ҳам.  
Қувонч билан жавоб қайтардим шу дам...  
– Ҳақиқатга севги элтиши мумкин.  
Дарди аён бўлди дил фиғонида,  
Эҳтирос уйғонди жисми-жонида:  
– Билмасдим ишқ шундай зўрлигин гўзал,  
Нега индамовдинг бу ҳақда аввал?

Атрофга куз шоми чўккач, икковлон,  
Тентираб юрдик биз урганча жавлон.  
Кўзим тушиб ердан тошчани дарҳол  
Қўлга олдим, оддий, оппоқ қор мисол.  
Доно йигит шунда англади менга:  
– Донолик ҳикмати ёр бўлди сенга.  
Тошчани бера қол, мен балогардон,  
Асрайман ёмон кўз ва балолардан!

### ҚУШЛАРСИЗ ҚИШЛОҚ

Қушларсиз қишлоқда кўршапалак кўп,  
Елкасида омоч, борар Сосукэ,  
Балиқчи тўрини судрар Косукэ,  
Тоғдадир Сосукэ, сувда Косукэ.

Бодринглар гуллайди шом шафағида,  
Шабнамлар салқини тут япроғида.  
Чигиртка чириллар тоғ сўқмоғида,  
Тўлқинларда жавлон урар Косукэ.

Барханларда ўсар яшил исона<sup>1</sup>,  
Қумда қақраб ётар қайиқлар ана,  
Тўлқинлар урилар қирғоққа яна,  
Тоғда шундай орзу қилар Сосукэ.

Тақдирни тақдирга алмашди улар,  
Елкасида омоч – борар Косукэ,

<sup>1</sup> И с о н а – озуқабоп ўсимлик.

Балиқчи тўрини судрап Сосукэ,  
Тоғларда Косукэ, сувда Сосукэ.

Туман тарқаб кетди, тўшалди шабнам,  
Баҳор ўтиб кетди, етишди куз ҳам,  
Соҳилда чечаклар гуллар камдан-кам,  
Қум босиб кетиши тайин, билсангиз.

Ёшлик ҳам шунақа – қайда у ҳозир,  
Қани орзуларнинг изи беназир?  
Орзусин йўқотди Сосукэ изсиз,  
Орзусин йўқотди Косукэ изсиз.

Юлдуз нилуфарлар гуллади яна,  
Олхўри гуллари кулади яна.  
Қалин ўрмонзорни оралаб, ана —  
Боришар Сосукэ ҳамда Косукэ.

### КЕМАНИНГ ЙЎЛИ

“Шалоп” этиб қувноқ эшкаклар,  
Бирин-кетин тушади сувга.  
Кўкда учиб юрибди булут,  
Кема гўё ботар парқувга.

Осмон тиниқ бўлиб турганда,  
Қарасангиз денгиз бағрига,  
Кўринади япроқ чирпирак —  
Чўкар экан зулмат қаърига.

Гарчи жўшқин сув булоқ эмас,  
Майсазорда чопмас пайдар-пай,  
Чексиз денгиз далаларини  
Ғарқ айлади сувга бутунлай.

Олис елкан тўдаларини,  
Булутларни сурув кўй мисол,  
Шамол-чўпон ҳайдар барини  
Денгиз чўли бўйлаб бемалол.

### КЎКАТ БОЛИШ

Шомги қора тўлқинлар аро  
Чорлоқларнинг қичқириқлари...  
Орзуларнинг ёйиб қанотин  
Учгим келар чорлоқ сингари.

Ёш юрагим ҳасратга тўла,  
Излаб юпанч тополмайман ҳеч.  
Ўйларимнинг ғамгин муллари —  
Эриб оқар тинмай эрта-кеч.

Тўлқинларнинг оқ кўпиклари  
Қулоч кериб бир-бирин қувар.

Интиларкан сўл қиргоқ сари  
Соҳилдаги тошларни ювар.

Мен неча бор дарвеш мисоли  
Қўкат болиш қўйдим бошимга.  
Ўт-ўланлар дардимни тинглаб  
Айландилар қайғудошимга.

Шундай бошин эгади доим  
Зарурат-ла инсон боласи.  
Ўрмон ичра адашган каби  
Еру кўкни тутса ноласи.

Менинг қайғу ғамимданмикин,  
На тоғларда, на дала ёқда –  
Тундлигича ёришмас осмон,  
Ҳатто куз ҳам ўтиб бормоқда.

Юрагимни босди оғир ғам,  
Кўзёшлардан ҳўл бўлди ёқа.  
Сўлиб борар сўнгги гуллар ҳам,  
Дарё шошар номаълум ёққа.

Хўп шириндир тонгги булутга,  
Кечки жала бўлиб қуюлиш.  
Хуш ёқади кечки жалага  
Тонгги жала бўлиб туюлиш.

Булут эмас, жала эмасман,  
Бир япроқман шамол учирган.  
Адашганман йўлдан, ҳавасманд  
Парвозларга шайланиб турган.

Тонгда менга бўлдилар ҳамроҳ,  
Ваҳимачи сариқ булутлар.  
Оқшом чоғи кузатиб кўяр,  
Оқ йўл тилар Оқдарё қутлаб.

Митинока кашталарига  
Ўхшаб кетар ҳислар тугёни.<sup>1</sup>  
Дарбадарман мени тортади  
Мияганинг чўли, ёбони.

О, эҳтирос ёндириб турган  
Юрагимга қўнолға гўша!  
Ўт-ўлани соғинч уфурган  
Сен қувончсан менга ҳамиша.

Дарвеш учун чўл шамоллари  
Жаранглайди мисоли чилтор.  
Рангсиз тошлар жонланиб бирдан  
Гуллар бўлиб кўрсатар рухсор.

<sup>1</sup> VIII–IX асрларда япон шеърлятида кўп ишлатилган машҳур ибора.



Агар кимки ҳаёт йўлида  
Юрган бўлса ёлғиз, дарбадар –  
Бу қайғули қиш манзарасин  
Англаб етар, албат, бир қадар.

Мен пойтахтга ташлайман нигоҳ,  
Кўк юзида булутлар санқир.  
Аралашиб қор билан кўзёш  
Енгим узра музламоқдадир.

Дўл аралаш шамол уфурар  
Муз остида дарё нега жим?  
Йўқ, сув ҳамон олдингидайин  
Денгиз томон шошмоқда, балким?

Қанот қоқар, йиғлаганича,  
Булутларга ғарқ бўлар ҳакка.  
Бу жойларда шўрлик зағизгон  
Кўз ёшига кўмилар якка.

Қуюқлашди қоронғилик ҳам  
Кўзёшлари муз бўлиб қотди.  
Ғойиб бўлди одам, ўт-ўлан,  
Ёлғиз ўзим қайғуга ботдим.

Маржон-маржон муз парчалари  
Инграр гўё – дарди қайғунинг,  
Нима учун йиғляпти у?  
Мунча мунгли қўшиғи унинг!

Чолғудан-чи, қўпол бармоқлар  
Қўшиққа мос бир куй чалдими?  
Яралмоқда мусиқий оҳанг,  
Ё муганний бўлиб қолдими?

Ёш-яланглар, мурғак болалар,  
Қалбларида севги йўқ ҳали,  
Қўл ушлашиб, ўтиб боришар  
Ё вақт эрта суҳбатлашгали?

Соғинч мени қувар даладан –  
Музлаб қолган ўтлар ғичирлар.  
Биринчи бор қишки денгизга  
Йўлсиз чиқдим, титраб, пичирлаб.

Тонг маҳали соҳилда туриб,  
Азиз ерлар, пойтахт ёлқинлаб –  
Қолган жойга қарайман гамгин,  
Атрофимда фақат тўлқинлар.

Шом олдидан қумлоқ соҳилдан  
Кечки шафақ қизартган ёққа –  
Совуқ денгиз томон боқаман,  
Кўзим ёшга тўлади жиққа.

Қояларга урилар тўлқин  
Парчаланиб денгизга қайтар.  
Тўлқин билан сўлгин офтоб ҳам  
Тунаш учун уфққа ботар.

Кўрган чоғи қуёш ботишин  
Олис уйин эсламайди ким?  
Қўриб қолса сувнинг қайтишин,  
Ўйлар ҳаёт сўнгини балким?!

Бу кимсасиз бўм-бўш соҳилда  
Бутунлайн тўхтаб қолди вақт.  
Хўмрайишган қорли булутлар.  
Сувга қулаб бўлдилар карахт.

Олислардан келар тўлқинлар,  
Урилади келиб соҳилга.  
Ва дафъатан кутилмаган сас –  
Тонгги қушча кирдими тилга?

Ким бўлди бу тонгда сайраган  
Таралмоқда янги бир қўшиқ?  
Ё булбулми – ўша яйраган,  
Куйламоқда мунчалар жўшиб?

Ёки баҳор кириб келдими?  
Гарчи ҳали ҳаммаёқда қор,  
Назаримда қум барханларда  
Яшил майса кўрсатар виқор.

Наҳот баҳор бошланган бўлса?  
Кўрсам дейман кўклам тусини.  
Денгизда ҳам ҳидлайман гўё  
Гуллаб турган олча исини.

Мен баландроқ чиқдим қояга,  
Келдими деб, қарайман, баҳор?  
Олис уфқда турар ялтираб  
Жўшаётган тўлқинлар қатор.

## ИЛК МУҲАББАТ

Турар эдинг олма тагида  
Пешонангда ўйнар кокилинг.  
Унга гулли тароқ тақибсан  
Ўзинг худди олманинг гули.

Оппоққина майин қўл билан,  
Менга қизил олма узатдинг.  
Унинг қирмиз товланишида  
Илк муҳаббат сеҳрини тотдим.

Мен нафасим ичимга ютиб  
 Гултароққа теккиздим қўлим.  
 Астагина босдим лабимни  
 Гўзалигинг майига гулим.

Ўз-ўзидан олмалар ора  
 Пайдо бўлди кимнингдир изи.  
 Сен бўлсанг-чи, айёрлик ила,  
 Ким келди? – деб сўрашинг қизиқ!

### СУЗУВЧИ БУЛУТ

Ёлғиз боққа чиқаман аста,  
 Гулдан узмай кўзим қирини,  
 Кўкда эса сузувчи булут  
 Менга очар ижод сирини.

### СЕНИНГ ҚАЛБИНГ

Сенинг қалбинг чирилдоқ мисол,  
 Тинмай сайрар куз шамолида.  
 Майса узра тонг ёруғида  
 Кўзёш қилиш бор аъмолида.

Гар чилторинг битта торига  
 Кўлингни сал теккизсанг борми,  
 Муסיқага тўлади қалбинг  
 Ва бутунлай ёзар хуморни.

Қалбинг учун бунча майинлик  
 Ҳам сезгирлик не учун керак,  
 Ахир менинг эҳтиросимни  
 Сизмайди у! Қайғур, эй юрак!

### ИККИ САДО

#### ТОНГ

Тонг садосин эшитдингизми?  
 Ухлаётиб тушлар ораси,  
 Сал қизарган булутлар билан  
 Таралганда чумчуқлар саси.  
 Кўтарилиб баланд осмонга  
 Куйлар: – Шарқдан балқимоқда нур.  
 Тонг – Ибтидо ҳамда Вақт эрур.  
 Тонг – Йўл ила Куч-қувват жонга.  
 Тонг – Туйғудир, Сўздир аслида.  
 Тонг – Муҳаббат баҳор фаслида.  
 Ҳаёт деган шан қўшиқ билан  
 Интилади Садо кўк томон,  
 Чарх уради нурга ҳамоҳанг.  
 Ерга қайтгач, сўнгги юлдузлар  
 Билан кунга беркинади Тонг.

## ОҚШОМ

Шом садосин эшитдингизми?  
Ҳориб-чарчаб, ел отларида,  
Булутларни белига боғлаб  
Учар туман қанотларида.  
Куни билан тинмай босган йўл,  
Шудринглардан этаклари ҳўл,  
Тун бағридан кўршапалак-ла,  
Чиққанича дўқ қилар нуқул:  
– Шом – Соядир ҳамда гулгула,  
Шом – Зимистон, ҳордиқ бир йўла.  
Шом – Мангулик, чексизлик тўла,  
Шом – Ўлимдир. Шу қўшиқ билан  
Интилади ўт-ўлан томон.  
Қуёш ботгач, чарчаб батамом  
Тун бағрига беркинади Шом.

## КУЗ ҚЎШИҒИ

Куз ҳам келди, ловулар боғлар,  
Шудрингга фарқ бўлди япроқлар.  
Хазонларни учирар шамол,  
Узум етмай оби-тобига,  
Дўнди кузнинг ол шаробига.

Куз ҳам келди. Кўриниб бир ров  
Яшнаб турган гуллар барини  
Бирдай ғорат айлади қиров.  
Келинг, қайғу қадаҳларини  
Тўлдирайлик куз шаробига.

Хазонрезги. Ювилди чанглар.  
Сархушлиқдан сарғайди ранглар.  
Кузда ким ҳам маст бўлмас, ахир?  
Қўй, қайғурма донолигим, ҳай!  
Чал созингни, мен қўшиқ айтай.



Фарҳод ЖИЙЛОН

# Маҳмуд Кошғарий

*Тарихий романдан боблар*

## БУҒРОХОН ВА УНИНГ НЕВАРАСИ

**М**уҳаммад Бугроҳон Қашқардан ўз қўналғаси Ўполга қайтиб, биринчи қилган иши Барсғон ҳокими, катта ўғли Ҳусайн Бугро Тегинга бир энлик хат ёзиш бўлди. Унда ўғлига дарҳол Ўполга қайтишни ва бўлиб ўтган хонлар кенгаши мазмуни битилганди. Ўзи эса Ўполдан кетиш учун ҳозирлана бошлади.

Хонлар кенгашида Муҳаммад Бугроҳон ўзига Болосоғунни беришларини талаб қилган эди. “Фақир иккинчи даражали хон, деб эътироф қилинган эканмен, албатта, иккинчи пойтахтда туришим қонунга ҳам, ақлга ҳам мувофиқдур”, — деган эди у. Лекин бунга Арслонхон унамаган, бошқа хонлар ҳам қўшилмаган эди. Шунда Бугроҳон яна бир талабни қўйди: “Ўполни раҳматли хон отамиз Юсуф Қодирхон шахсан ўзи фақирга ҳадя қилган. Шунингдек, Ўпол мудом Бугроҳон оиласининг шахсий замини бўлиб қолиши керак”. Юсуф Қодирхон тилга олингач, ҳеч ким рад қилолмади. Алалхусус, Бугроҳон ўғли Ҳусайнни чақириб, бир бўлак қўшин билан Ўполда қолдиришни Арслонхонга айтган эди.

Бугроҳон ҳамма юмушларини саранжомлаган, Ўпол қопуғидагилар<sup>1</sup> Ҳусайн Бугро Тегинни бугун-эртанинг ичида келиб қолар, дея кўзлари йўлга эди.

Муҳаммад Бугроҳон боғда сайр қилиб юрарди. Қийғос очилган ранг-баранг гуллар узра капалак ва ниначилар учиб, қанот қоқиб ўйнашарди. Ям-яшил, бахмалдек чаманзорда бир тўп чиройли товуслар мисли камалакдек рангин думларини кенг ёйиб, донлаб юрарди. Бугроҳон шошилмай юриб, гулзор айланди, шафтолизорда бир жуфт кийик боласига ем бераётган ёш қул йигитнинг ёнига келиб тўхтади.

— Турумтой, — деб чақирди Бугроҳон.

Оқ яктак ва сариқ этик кийган қул йигит Бугроҳон олдига тез етиб келди-да, таъзим қилди. “Турумтой” деган митти қушнинг номи исм қилиб берилган бу тақирбош қул, аслида, турумтойга умуман ўхшамас, девдек бақувват азамат йигит эди.

— Бугун мударриснинг уйига бормадингларму? — сўради Бугроҳон.

Бу йигит Бугроҳон ҳузурда туриб, Қашқардаги хонлик мадрасасида, яъни Сочия мадрасасида ўқиётган суюкли невараси, Ҳусайн

Давоми. Боши ўтган сонда.

<sup>1</sup> Қ о п у ф — (хоқония тилида) хоннинг қўналғаси, арк.

Бугро Тегиннинг ўгли Маҳмуднинг хос қули эди. У қопуғдан ташқари чиққанда Маҳмудга ҳамроҳлик қиларди.

— Борган эдик, — деди Турумтой Бугрохонга, — мударрис Ҳусайн ибн Халаф ҳазратлари Маҳмудни “хон бобонг Ўполдин кетгунча, унинг ёнида бўл” деб қайтариб юборди. Ҳозиргина қайтиб келган эдик.

Маҳмуд ёшлигидан бобоси Муҳаммад Бугрохон тарбиясида ўсган эди. Бугрохон бу неварасини жуда яхши кўрарди. Шу боис уни ҳатто таътил чоғларида ҳам ўз ота-онасини кўриб келиш учун Барсғон шаҳрига юборишга кўзи қиймасди. “Маҳмудни кўргуси келса, ўзлари Ўполга келишсун. Маҳмуд хонлик мадрасасида ётиб ўқиётган бўлса-да, ўзим ҳам уни тузукроқ ёнимда тургузолмаётибмен”, — дерди Бугрохон.

Урим вақтидан бошлаб кузги йиғим оёқлагунча барча мадрасаларда талабаларга таътил бериларди. Ҳозир шафтоли роса пишган маҳал бўлиб, мадрасаларда ҳали ўқиш бошланмаган эди. Шунинг учун Маҳмуд Ўпол қопуғида истиқомат қилса-да, кўп ҳолларда Бугрохон ёнида турмасди. Маҳмуд деярли ҳар куни бир неча китобни кўк шоҳи рўмолга тугиб, хос қули Турумтойни эргаштириб, қопуғдан чиқиб кетарди. Бугрохон унинг қаерга бораётганлигини биларди, албатта. Сочия мадрасасининг бош мударриси Ҳусайн ибн Халафнинг Ўполда, яъни Бугрохон қопуғидан унча йироқ бўлмаган кентда бир катта мевали боғи бўлиб, ҳар сафар ёзги таътил кунларини ўз оиласи билан шу боғда ўтказарди. Бугрохоннинг невараси Маҳмуд шу устозининг уйига кунда бир бормаса кўнгли жойига тушмас эди. Бугрохоннинг: “Мударриснинг уйига бормадингларму?” деб сўраши ана шу сабабдан эди.

— Маҳмуд ҳозир қаерда? — яна сўради қул йиғитдан.

— Ўз ҳужрасида, чақириб қўяйму?

— Йўқ, ўзум борурмен, — деди Бугрохон орқага бурилиб.

Маҳмуд чордона қуриб ўтирганча, олдидаги нақшинкор хонтахтага қўйилган сариқ чарм муқовали қалин китобни ўқиб ўтирарди. Эшик рўбарўсида девор бўйлаб қўйилган икки жавонга, орқа тарафдаги девор токчаларига ҳар хил китоблар, ўраб қўйилган қўлёзмалар ва Ўдуннинг даста-даста асл сариқ қоғозлари терилган эди. Маҳмуд китобга бутун зеҳни билан берилиб кетган, бобосининг кириб келганини, эшик олдида турганини ҳам сезмай қолди. Муҳаммад Бугрохон оқ шоҳи кўйлак устидан енгсиз яшил бахмал нимча кийган бу ёш талабага узоқ қараб турмасдан, хонага қадам қўйди. Маҳмуд китобдан бошини кўтаргандагина бобоси келганлигини кўрди. У дарҳол ўрнидан туриб, Бугрохон бобосига пешвоз чиқиб, чап оёғига тизланди-да, ўнг қўлини кўксига қўйиб, бошини эгди.

— Кут бўлсун, хон бобо!

— Кут бўлсун, болам, ўтир!

Муҳаммад Бугрохон хонтахта ёнига ўтирди. Маҳмуд ҳам ўз жойига ўтди.

— Ўқимоқда бўлганинг қайси китоб? — сўради Бугрохон.

— Абу Саид Абдураҳмон бинни Муҳаммад ал-Идрисий ёзган “Самарқанд тарихи”, — жавоб берди Маҳмуд ва яна қўшиб қўйди, — сиз берган “Олтин ёйлоқ”<sup>1</sup> деган китобни кеча ўқиб бўлган эдим. Бугун эса бу китобни бошладим.

— Мударрис Ҳусайн ибн Халафнинг айтишича, — деди Бугрохон, — “Замон гавҳарлари” деган арабча шеърлар тўпламини ўқимоқда экан-

<sup>1</sup> “Олтин ёйлоқ” — Абул Ҳасан Али бинни Ҳусайн ал-Масъудий (милодий 956 йил вафот этган) ёзган асар.

сизлар. Мен араб тилига унча пишиқ бўлмасам-да, бу тўпламдаги шеърларни ўрганиш талабалар учун хийла қийин деб ўйлаймен. Унинг устига риёзиёт ва фалакиёт ҳам осон эмас. Мадрасани тамомлаш арафасида бошқа китобларни ўқиймен, деб дарсларинг қолиб кетмасин яна.

– Ростини айтсам, – деди Маҳмуд бир қадар жонланиб, – Каминан “Замон гавҳарлари”ни аввалроқ ўқиб тугатган эдим. Ҳатто бир неча шеърларни ёдлаб ҳам олдим.

Муҳаммад Буғроҳон мамнун кулиб қўйди. Маҳмуд китоб, илмфан тўғрисида сўз кетганда ўзини унутиб, завққа тўлиб сўзлай бошларди. Ҳозирги суҳбат ҳам шу мавзуда давом этишига интиқ бўлиб катта-катта қора кўзлари ўзгача нурланиб, чақнаб турарди. Афсуски, бобоси гапни бошқа ёққа бурди.

– Барсғондин чопар келди, – деди у, – отанг йўлга чиқибдур. Тангри буюрса, икки-уч кун ичида Қашқарга етиб келур. У келгач, мен кетурмен. Бугун устозинг сени қайтариб юборгани яхши бўпти. Сенга айтур гапларим бор эди, болам.

Маҳмуд савол назари билан бобосига қаради. Муҳаммад Буғроҳон меҳр балқиган кўзлари билан неварасига қаради ва қўлини узатиб уни ўзига яқинроқ жойга ўтқизди. Кейин яна шу қўли билан унинг бош-кўзларини силаб, елкасига аста қоқиб қўйди.

– Катта бўлиб қолдинг, болам, – деди Буғроҳон унга қараб завқи келиб кулимсираб, – улғайиб қолдинг. Тангри буюрса, келар йил мадрасани тамомлайсен.

У Маҳмуднинг елкасига меҳр билан қоқиб қўйди. Маҳмуд кўзларини катта-катта очиб, бобосининг одатдагидан бошқача мулойим қиёфасига сал ажабланиб қаради. Бобоси эса, янада мулойимроқ овозда сўради:

– Мадрасани тамомлагандин кейин, қаерда туришни ўйладингму?

Маҳмуд бу саволдан таажжубланиб, жавоб беришда дудуқланиб қолди.

– Ҳа... қаерда туришим муҳим эмас... . Ҳа... Қашқарда турсам ҳам... ёки сизнинг ёнингизга бориб турсам ҳам бўлур.

– Мен сени олиб кетурмен, Маҳмуд, – деди Буғроҳон янада кулимсираб, – сен мен билан бирга бўлишинг керак. Биз ё Таласда, ё Исфижобда турурмиз. Мен сени ўз қўлимда тарбиялаб, ўрда ишларига ўргатурмен. Мадрасада яхши ўқидинг. Ёзган назмларингни, тил илмига бағишлаган рисоаларингни кўрдим. Уларга мударрисларинг юқори баҳо берди... Ёш бўлсанг-да, қўлингга ниҳоятда эрта қалам олдинг. Ақлли, иқтидорли бола бўлдинг, Маҳмуд. Мен сени катта давлат арбоби қилиб тарбиялаймен. Саройда туксунму, ёбғуму, ҳожибму, хуллас, бирор мансабда хизмат қилгайсен. Мен оламдин ўтсам, ўрнимга Буғроҳон бўлиб, Талас билан Исфижоб ҳукмдори бўлурсен.

Маҳмуд индамади. Буғроҳон унга бир дам жим қараб тургач, сўради:

– Ҳа, не бўлди? Гапур. Мадраса таҳсили тугагач, ёнимда қолурмусен?

Маҳмуд бобосига қараб жилмайиб қўйди.

– Сизнинг ёнингизда бўлсам, дермен, бобо. Лекин...

– Ҳа, нима “лекин”? Ўғул болалардек дадил сўзла.

– Лекин мен вазир бўлишни хоҳламасмен.

– Ҳа, бўлмаса қандоғ хизмат маъқул? Маҳаллаларни бошқарувчи девонбеги бўлурмусен? Ёки тобуғчи бўлиб, ўрда ҳазинасига масъул бўлурмусен? Қани, ўзинг танла, ихтиёр ўзингда. Ёки ялавоч бўлиб, чет элларга бормоқчимусен?

Маҳмуд яна кулимсираб қўйди.

– Йўқ, бобо, – деди у, – Мен мударрис бўлишни орзу қилурмен.

– Нима? – Муҳаммад Буғрохоннинг қуюқ қошлари юқори кўтарилиб, кўзлари чақчайиб кетди, – Нима дединг? Қаерда мударрислик қилмоқчисен?

– Қаерда бўлиши аҳамиятсиз. Мабодо, Қашқарда қолгудек бўлсам – Сочия мадрасасида, сизнинг ёнингизда турсам – Талас ёки Исфижобдаги бирор мадрасада талабаларга таълим берсам, илм билан шуғуллансам дермен.

Буғрохон роса қотиб кулди.

– Хей, муллавачча! – деди киноя қилиб, – роса китоббоз бўлиб чиқибсен-да! Бўлди, қўй, бу гапингни.

Буғрохон яна анча кулди. У худди гўдак болани эркалатгандек неварасининг яланг бошини силар, елкаларига қоқиб қўярди.

– Бўлди, бу гапни ҳозирча қўя турайлик, – деди у ўрнидан кўзга-либ. – Юр, далага чиқиб бир от чоптириб келамиз.

– От чоптириб? – Маҳмуд тушунмагандек қайта сўради.

– Шундоғ, – деб Буғрохон ўрнидан турди. Маҳмуд ҳам сакраб туриб бобосига тикилди. Буғрохон кетишга тараддудланди-ю, яна тўхтаб неварасига қаради.

– Қани, айт-чи, Маҳмуд, – сўради у, – Хоқония мадрасаларидаги талабалар учун диний ва фанний билимлардин ташқари яна қандай билимлар бор?

Маҳмуд жавоб берди:

– Қиличбозлик, найзабозлик, чавандозлик, ўқ-ёй отиш, кураш, чавгон ва шоҳмот, соз чалиш.

– Маъқул, – деди Буғрохон, – Қашқардин кетиш олдида от миниш маҳоратингни яна бир қайта синаб кўрурмен. Навкарлар билан чавгон ўйнаймиз.

У бирмунча тин олиб, сўнг киноя аралаш сўзини давом эттирди.

– Сен китоб деганни кўп ўқидинг. Фалакиётдин табобатгача, риёзиёт, адабиётдин то тарих ва фалсафагача бўлган ҳикматларнинг ҳаммасини чуқур ўргандинг. Эмди от устида кўрсатадиган кароматинг ҳам борму, а? Гапур!

Маҳмуднинг катта-катта қора кўзлари шўх чақнаб кетди ва у худди бобосига ўхшаб киноя аралаш оҳангда сўз қотди:

– От устида каромат кўрсатолмасам буюк Хоқонияда не қилиб юрибмен? Хоқония беклари от устида туғилиб, от устида ўлурлар!

– Яхши, Маҳмуд! – Муҳаммад Буғрохон шодланиб, невараси билагидан маҳкам тутиб силкиб қўйди, – Қани, юр бўлмаса, кўрсат ўзингни!

Маҳмуд бобосига қараб ҳам хушнуд бўлди, ҳам ажабланди. Чунки Буғрохон ҳамма ишда талабчан бўлиб, бундай ёйилиб кулишини ниҳоятда кам кўрган эди.

Бўйруқ етказилгач, қирқ навкар яшин тезлигида тайёр бўлишди. Катта дарвоза олдидаги майдонда оқ ва қора отлиқлар жанговар ҳолатда икки саф бўлиб тизилишди.

– Бу отни сенга совға қилай, – деди Буғрохон ва оқ қашқали қора арғумоқ тизгинини Маҳмудга тутқазиб, – эмди шу отни мингинда, бобонгни эслаб юргин.

У гавдали бўз отига миниб саф олдига келди-да, навкарларни кўздан кечирди. Навкарларнинг ҳаммаси тўкис эди. Эгнига каштанланган оқ кўйлак ва кўк шалвор кийиб, белини кумуш безакли ка-



мар билан маҳкам боғлашган; ҳаммасининг бошида бир хил қора қўзи терисидан тикилган учли қалпоқ, оёқларида сариқ ўғуқ<sup>1</sup>, ёнларида қилич осган, қўлларида учи эгри чавгон таёқлари.

Буғрохон навкарларнинг тайёрлигига қаноат ҳосил қилгач, отини ниқтаб, қопуғ дарвозасидан ташқарига бошлади. Уч юз кишилик айғоқчилар ва беш юз кишилик қўриқчилар алоҳида-алоҳида саф тортиб, Буғрохоннинг чиқишини кутиб туришарди. Уларнинг бошида новвотранг ипак салла, эгнида Чонгяннинг<sup>2</sup> қизил ипагидан тўн, соқолига оқ оралаган улугвор Буғрохонни кўргач, бутун диққатини бир жойга тўплаб, буйруқ кутиб туришарди. Буғрохон яна отини тўхтатди-да, совут, дубулғалар кийиб, қуролланган йигитларни кўздан кечириб ўнг қўлини кескин силтаб юришга буйруқ берди.

Энг аввал айғоқчилар чўл тарафга қараб, отларини қуюндек чоптириб кетишди. Кейин Буғрохоннинг қўриқчилари улар ортидан от қўйди. Энг охирида чавгон ўйнашга тайёрланган навкарлар қопуғдан чиқиб уларга эргашди.

Шамолдек учқур қора арғумоқ минган, чавгончи навкарларга ўхшаш, қора қўзи терисидан учли бўрк кийган Маҳмуд бобосининг изидан қолмай келарди. Худди шундай қора арғумоқ минган унинг хос қули Турумтой икки дона ўзи ва Маҳмуднинг чавгон таёғини қўлида тутиб келарди.

Улар қопуғдан чиқиб қишлоқ йўлига тушдилар. Отларини елдириб, йўл бўйида учраган товуқ, ғозлар ҳуркиб, шалпангқулоқ итлар кўрқиб ўзларини чеккага олар, ҳаш-паш дегунча лой сувоқли пастак қора уйлар, шох-шаббалар билан ўралган мевали боғлар оралаб ўтиб кетишди-да, уфққа туташ поёнсиз далага юзланишди. Қишлоқ боғлари ва томорқа ерлари орқада қолди. Отлиқлар чўлга ичкарилаб кирган сари эшак минган деҳқонлар, кўпол араваларга саксовул ортган ўтинчилар энди учрамади.

Отлиқлар уфқларга чўзилган чўл кезиб, махсус чавгон ўйини учун тайёрланган жойга етиб келишди. Узунлиги минг қадам, кенлиги беш-олти юз қадам келадиган, текисланган майдон атрофига арқон тортилган эди. Майдон икки томонида чавгон тўпи киритиш учун “дарвоза” бор эди. Бу дарвоза деганлари — оралиги бир қулоч, нақшин гиштлар билан ишланган одам бўйи баландликдаги кичик минорлардан иборат эди.

Эгри таёқ тутган чавгончилар оқ ва қора отлиқлар бешта-бештадан икки турқумга бўлиниб, майдоннинг икки томонига тизилишди. Тутдан йўниб ясалган анордек юмалоқ тўп ўртага қўйилди. Оқ отлиқларга бобоси, Маҳмуд эса қора отлиқларга бош бўлди.

Майдон четида турган байроқчи қизил туғни боши узра баланд кўтариб, ўйин бошланганини эълон қилди. Иккала гуруҳ чавгончилари ўртадаги тўпга отилдилар. Ҳаммадан аввал тўпга Буғрохон билан Маҳмуд етиб келди. Буғрохон энди тўпни урай деб турганда қуюндек учиб келган Маҳмуд эгилиб, шундай тезликда таёқ солдики... Қайсики томон тўпни рақиб дарвозасига киритса, яъни икки минор оралигидан ўткаса, ютган ҳисобланарди. Маҳмуд етиб келган оқ отлиқлардан қоча туриб:

— Турумтой! — деб бақирди-да, тўпга зарб берди, нарироқда чопиб кетаётган хос қулига етказиб берди. Рақиб гуруҳнинг отлиқлари эса

<sup>1</sup> Ўғуқ — этикнинг устидан кийиладиган тери пайпоқ.

<sup>2</sup> Чонгян — Хитойнинг қадимий пойтахтларидан бири, ипаги билан машҳур бўлган.

етиб келиб, тўпни талошгани турди. Оқ-қора отлиқлар майдонда ара-лашиб кетди. Тўп гоҳ қора отлиқлар, гоҳ оқ отлиқлар қўлига ўтарди. Ҳар ким тўпни ўз одамларига узатар, баъзан таёқлар тўпга эмас, отларга тегиб қайтар ё бошқаларнинг таёқларига уриларди. Баъзи бир-лари отларини тўхтатолмай бошқаларга тўқиниб кетарди. Отларнинг кишнашлари, туёқлар дўпури, чавгончиларнинг қийқириқлари... Таёқлар зарбидан тўп ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа зувиллаб учарди. Икки рақиб отлиқлар тўп ортидан от қўйишар, гоҳ бутун майдонга ёйилиб, сочилиб кетарди. Гоҳ бир-бирини қувалашиб бир ерга гуж бўлиб қолишарди.

Кескин олишувлардан сўнг қора отлиқлар енгиб чиқди. Чавгончилар майдондан ташқари чиқдилар. Маҳмуд отини тизгинидан ушлаб бобоси олдига келди. Муҳаммад Буғроҳон жиддийлашган ва ёноқлари қизиб кетган Маҳмудга қараб туриб:

– Тўхтаб тур! Тантана қилишга шошилма ҳали, яна бир майдон олишурмиз, – деди.

Буғроҳон қошлари чимирилган бўлса-да, неварасидан мамнун эканлиги сезиларди.

Чавгончилар бирпас ҳордиқ чиқариб, отларининг терини қуритгач, яна майдонга тушишди. Бу галги узоқ ва қаттиқ бўлган ўйин оқ отлиқларнинг ғалабаси билан тугади.

– Тенг бўлиб қолдик, яна ўйнаймиз, – деди Маҳмуд бобосига.

– Бўлди эмди, – деди Буғроҳон, – чарчадим, қарибмен.

Буғроҳон шу аснода невараси Маҳмуддек навқирон чоғлари эсига тушиб кетди. У чоғларда Муҳаммад Буғроҳоннинг марҳум отаси Юсуф Қодирхон ҳали тахтга чиқмаган эди. У “Қодирхон” эмас, “Юсуф Тегин” деб аталарди. Юсуф Тегин бир навбат ҳарбий машғулот ўтказиш учун Ўполга келганида ўғиллари Сулаймон билан Муҳаммадни худди мана шу чавгон майдонига бошлаб келган эди.

Ўшанда чавгон ўйини қизигандан-қизиб кетган эди. Юсуф Тегин гўё қайтадан ёшаргандек, завқ билан от чоптириб, овози борича бақирарди: “Сулаймон, тўпни бу ёққа ур, бу ёққа!” Ортидан Муҳаммадни шошилтирар: “Муҳаммад, отингни тез чоптир! Тўпни тортиб ол!”. Ака-укалар бутун вужудлари билан ўйинга берилиб, худди бу кичкина ёғоч тўпни қўлдан чиқарса жонларидан айрилиб қоладигандек, бор имкониятини ишга солар, ўзларини ҳам, отларини ҳам аямай тўпга ташланган эдилар.

Хумордан чиққунча чавгон ўйнаб, ҳориб-чарчашгач, майдондан чиқиб, тўқ-сарик ипак соябон остида отаси билан ўтириб дам олган эдилар. Сўнг Юсуф Тегин ака-укалар: Сулаймон ва Муҳаммадни курашга солган эди. Курашда бир неча бора тўладан келган Сулаймон енгди. Яна бир дам ҳордиқ чиқаришгач, отаси уларни найза отишга солди. Муҳаммад отган найза Сулаймон найзаси санчилиб турган ерга икки қадамча етмаган эди.

“Яна от!” – деб буйруқ берган эди отаси.

Муҳаммаднинг иккинчи навбат отган найзаси ҳам Сулаймонни-кига етмади.

“Э-э! – деди Юсуф Тегин, – найзани ҳам шундоғ отурми киши? Сенга не бўлди, Муҳаммад? Курашда енгилдинг, найза отишда ҳам етолмаётибсен”.

Муҳаммад хижолат бўлиб, ерга қараб бўйинини тўлгаб:

“У мендин катта бўлса...” – деб гўдунглаб қўйди.

“Нима! – деди Юсуф Тегин овозини қўтариб, – бу гапни қаңдоғ уялмай айтдинг? Ўзидин кучлини енгмаган ботур саналурму? Йўқ!

Найзани яна от. Найзангни қачонки Сулаймон найзасидин йироққа туширмасанг, бу ердин кетишни хаёлингга ҳам келтирма.”

У қора терга тушиб, бир неча бор уриниб, Сулаймондан узоқ-роққа туширди.

“Ҳа, эмди бошқа гап”, — деди Юсуф Тегин қаноат ҳосил қилиб. Кейин у икки ўглини ёнига чорлаб, елкаларидан кучиб бундай деган эди:

— Мудом қаттиқ машқ қилиб, яхши чиниқинг, ақлан ва жисман соғлом бўлинг — бир-бирингизга қўлдош бўлурусиз. Шунда ҳар қандоғ кудратли рақибдин устун келурусиз.

Муҳаммад Бугроҳон ўйлари чувалиб кетди, чунки отасининг ўша айтган гапи қалбига наштадек санчилди. Орадан йиллар ўтиб, навқирон Муҳаммад мўйсафид Бугроҳонга айланганда аҳвол не кечди? Улар бир-бирларига қўлдош бўлолмади, аксинча... Афсус, афсус! Ака-укалар Юсуф Қодирхоннинг васиятига амал қилмадилар. “Бунга ким айбдор? — деб ўйлади Муҳаммад Бугроҳон, — Сулаймонму ёки менму? Эмди яна нелар бўлғуси? О, Яратган Эгам, гуноҳкор бандангни ўз паноҳингда сақлағайсен”.

Муҳаммад Бугроҳон кўзларини чирт юмди-да, бошини қаттиқ тўлгаб, хаёлларини тўзгитишга уринди. Кейинги пайтларда, айниқса, хонлар кенгашидан сўнг мана шундай хотиралар унга ором бермай кўйди. У ҳар қанча ўйламасликка уринса-да, тез-тез бундай азобли хаёллар миясини чулғаб олар, кўнгли паришон бўларди.

— Бобо, нечук ўйга толдингиз? — деди Маҳмуд унинг авзойидаги ўзгаришни сезиб.

— А ... ҳа, ҳеч нимарса, ҳеч... — деди Бугроҳон юзига табассум югуртириб.

У атрофга аланглаб, отларини етаклаб, терини қуришиб юрган чавгончиларга қараб, Маҳмудга деди:

— Ўтган гал Сочия мадрасаси талабалари билан ҳарбий машғулотда найзабозлигу ўқ-ёй отиш маҳоратингни кўриб хурсанд бўлган эдим. Бугун чавандозликда ҳам ёмон эмаслигингни кўрдим. Яша! Хоқониянинг муносиб вориси шундоғ бўлиши керак. Илм-фанни ҳам, тиф ушлашни ҳам пухта эгаллаш керак. Иккисидин бири кам бўлмаслиги лозим. Ёвга қарши турганда, элни қўриқлашда қурол тутишни билмасанг ҳам бўлмас. Юрт сўраган киши билимли бўлмоғи даркор.

Шу пайт Бугроҳоннинг хос қўриқчиларидан бири от етаклаб, улар ёнига келди. Бугроҳон отига минишдан аввал, яқинида турган яна бир қўриқчининг найзасини олди-да, қулочкашлаб куч билан отди. Чизиб кўйилгандек тўғри найза йироққа учиб бориб ерга санчилди. Буни кўриб Маҳмуд ҳам бир қўриқчининг найзасини олди-да, зарб билан отди. Унинг найзаси бобосиникидан бир-икки қадам нарига тушди. Бугроҳон хохлаб кулиб юборди. Унга Маҳмуд ҳам кўшилиб кулди.

Бугроҳон йиғилиб турган қўриқчи ва чавгончиларга қараб:

— Отланинглар! — деб буюрди-да, ўзи ҳам ирғиб отига минди.

Отлиқлар сафланиб, йўлга тушдилар. Бугун Муҳаммад Бугроҳоннинг кайфияти ўзгача кўтаринки бўлгани боис жим боргиси келмади.

— Ҳей йигит, қўлингдагини менга бер-чи, — деб бақирди у, чавгон тўпни кўлига олиб келаётган бир чавгончига бурилиб.

Ёш черик отини йўрғалатиб, унинг ёнидан келди ва тўп билан таёқни узатди.

— Маҳмуд мана бу тўпни тутиб ол! — деб яна бақирди Бугроҳон ва чавгон тўпини ерга ташлаб, таёқ билан зарбли урди. Тўп ҳавога визиллаб учиб чиқиб, йироққа думалаб кетди. Маҳмуд отини чоптириб

бориб, энди қўлини узатай деб турганда, изидан етиб борган Бугрохон таёғи билан тўпни яна урди. Тўп яна кўк узра кўтарилиб, узоққа бориб тушди. Бугрохон тўпни уриб ўзини ўнглаб олгунча, Маҳмуд бўрондек учиборди-да, эгардан чаптастик билан эгилиб, анордек келадиган ёғоч тўпни тутиб олди. Қизиборди кетган юлдуз қашқали қора арғумоқ Маҳмуднинг тизгин тортишига бўй бермай туёқларида чанг тўзитаиб яна хийла узоққа чопиб кетди.

Бобо унинг ортидан қараб, шодлик балқиб турган жарангдор овозда кула бошлади:

– Ҳай Маҳмуд, Маҳмуд! – деди у, – Мударрис бўлурмен, деган гапингни ташла. Сен вазир бўлурсен, вазир бўлмасанг сувбоши<sup>1</sup> бўлурсен, сувбоши!

Бугрохон яна хурсанд бўлиб кулиб қўйди. Унгача Маҳмуд отини тизгинлаб ёноқлари худди тонг шафағидек қизариб кетган, катта қора кўзлари шўх чақнаб қайтиб келди ва бобосига қўшилиб кула бошлади. Кейин ҳар иккови сафга қўшилди. Улар отларини чоптириб, гоҳ йўрғалатиб, келган йўли билан Ўпол қопуғига қайтишди.

### МАҲМУДНИНГ ОТА-ОНАСИ

Маҳмуд қопуғбоши ва минг черик билан Ўпол диёридан чиқиб, Барсғондан қайтиб келган отаси Ҳусайн Бугро Тегин билан онаси Биби Робиа Олтун Таримни<sup>2</sup> қарши олди.

Бугро Тегин ва уни қўриқлаб келаётган тўрт минг отлик черикнинг қораси йироқдан кўриниши биланоқ Маҳмуд ва қопуғбоши отларидан тушиб, уларнинг истиқболига чиқдилар. Яқинлашиб боргач, Бугро Тегин ҳам отдан тушди.

Баҳодиркелбат, жангга ҳозир лашкарбошидай енгил ҳарбий кийиниб, яшил салла ўраган, қоп-қора қирқма соқолли Ҳусайн Бугро Тегин кучоғини кенг очиб ўғли Маҳмудни бағрига босди. Кейин ўзи орқага тисарилиб, ўғлига синчиклаб қаради.

– Қаранглар, унинг катта бўлиб қолганини! – дерди у мамнун кулимсираб, – бўй-басти чўзилиб, азамат йигит бўпти. Турқи-таровати ҳам баайни отасига тортипти.

Бугро Тегин бақувват қўллари билан Маҳмуднинг елкасига қоқиб, кулимсинди.

Шу орада икки каниз қизнинг қўлларига таяниб, қизил ипак соябонли аравадан тушган Биби Робиа Олтун Тарим узун этакларини ҳимарибгина севинч ёшлари билан ўғли томон интилди. Маҳмуд отаси кучоғидан чиқиб, онасининг олдига югуриб борди.

– Жоним болам, Маҳмуд, – дерди Биби Робиа ҳарсиллаб, ўғлининг пешонасидан ўпиб, – тинчмусен? Сени ҳам кўрадиган куним бўларкан-ку...

У кўзларида ёш билан Маҳмудга тикилар ва қайта-қайта бағрига босарди.

Маҳмуд эса ҳаяжонланиб:

– Хуш келибсиз, ота! Хуш келибсиз, она! – дерди. У ота-онасини кўрганидан хушҳол бўлса-да, онаси уни худди ёш боладек эркалатганидан ўнғайсизланиб, кўзларини пирпиратиб нима қиларини билмай турарди.

Ҳусайн Бугро Тегин қопуғбоши билан саломлашгач, юришга буйруқ берди.

<sup>1</sup> С у в б о ш и – кўмондон.

<sup>2</sup> Хон оиласи ичидаги аёллар “Олтун Тарим” деган ном билан улуғланган.

– Бўлди, Робиа, – деди у киноя қилиб, – ҳали бу учирма бўлмаган митти кушингни эмди уйга боргач, қанотинг остига босиб олурсен.

“Отамнинг хулқ-атвори қилча ҳам ўзгармапти, – деб ўйлади Маҳмуд, чопагон отига эпчил минган отасига қараб, – бобомга ҳечам ўхшамайду. Бобом оғир-босиқ, қиёфаси улуғвор. Отам бўлса тетик, хушчақчақ, очиқ юзли”.

Шу тахлит барсғонлик ва ўполликлар отларини йўрғалатиб, Озиқ<sup>1</sup> қалъасига, яъни Муҳаммад Бугрохон қопуғига етиб келишди. Қалъанинг қўш қанотли катта темир дарвозаси кенг очилди. Отликлар ичкари киришди. Бугро Тегин, Биби Робиа ва Маҳмуд қопуғбоши йўл бошловида ичкари ҳовлига ўтишди.

Ҳусайн Бугро Тегин эшик олдида турган отасини кўриб, ҳузурига шошилди. Тиз чўкиб таъзим қилди. Ўрнидан туриб, салом берди:

– Қут бўлсун, Бугрохон ота!

Биби Робиа ҳам яқин келди-да, икки қўлини кўксига қўйиб, эгилиб таъзим қилди.

– Қут бўлсун, хон ота!

– Қут бўлсун! – жавоб қайтарди уларга Муҳаммад Бугрохон ҳам, – уйга кирайлик.

Улар уйга кириб, тамадди қилиб, бирпас ҳордиқ чиқаришгач, Муҳаммад Бугрохон билан Ҳусайн Бугро Тегин боққа чиқиб, гулзор ўртасидаги ўйма нақшинкор шийпонда болишларга суяниб, ором олиб ўтиришди. Шу вақт Бугрохоннинг хос маҳрами Сочия мадрасаси бош мударриси Ҳусайн ибн Халафнинг саломга келганлигини айтди.

– Кирсун, – ижозат берди Бугрохон.

Ҳусайн ибн Халаф катта билим соҳибларидан бири бўлгани учун Бугрохон кадрлар ва иззат қиларди. Шу боис бу ҳурматли мударрис Озиқ қалъасига тез-тез ташриф буюрарди. Отаси шомлик араблардан, онаси эса Қашқарнинг Гулбоғ кентидан бир бекнинг қизи эди. Хоқонияда ҳам, Шом ва Бағдоддаги араб уламолари ичида ҳам нуфузи баланд эди.

Бошда мударрислик оқ салласи, эгнига узун оқ енгсиз нимча, оёқларида юмшоқ маҳси, соқоли оқарган, кушбурун Ҳусайн ибн Халафни шийпонга Маҳмуд бошлаб келди. Мударрис шийпон пилла-пояси олдида келганда таъзим қилди, шийпонга чиққач яна эгилиб, ўрда йўсинларига мувофиқ қўл қовуштириб салом берди:

– Ассалому алайкум, Аллоҳнинг суюкли бандаси, мўъминлар посбони, шоҳи эҳром Муҳаммад Бугрохон ҳазратлари! Ассалому алайкум, саодатли Ҳусайн Бугро Тегин!

Муҳаммад Бугрохон бу мударриснинг “қут бўлсун” дейиш ўрнига ҳамisha “Ассалому алайкум” деган арабча иборани ишлатишига ҳамон кўниколмаган, туркий тилдаги “хоқон” ёки “хон” демай “шоҳи эҳром” деб форсийча аташини ёқтирмасди. Шундай бўлса-да, бу атоқли олимга ихлосмандлиги боис рисоладагидек муомала қилар, кўнглидаги бу кичкина норозилигини билдирмасди.

– Қут бўлсун, муҳтарам шайх ҳазратлари, марҳамат қилгайсиз, – деди Бугрохон.

– Фақир ҳозир Ҳусайн Бугро Тегин жанобларининг келганлиги хабарини эшитиб, дийдор кўришиш истаги билан саломга шошилдим, – деди Ҳусайн ибн Халаф юкуниб.

– Сиз Ўполда турибсизму, шайх ҳазратлари? – сўради Ҳусайн ҳол-аҳвол сўрашгач.

<sup>1</sup> О з и қ – Маҳмуд Кошгарий туғилган тоғлар бағридаги ажиб бир кенглик.

– Шундоғ, – деди мударрис, – ҳозир мадраса талабалари таътилда бўлгани учун ўқиш бошлангунча Ўполдаги боғимда бир муддат туриб дам олай деб келган эдим.

Икки кул кумуш идишларда узум, шафтоли ва анжир келтириб, таъзим қилишди. Ҳусайн Буғро Тегин Маҳмуднинг илм таҳсилидаги иқтидорини суриштириб қолди.

– Маҳмуд Сочия мадрасаси талабалари ичида пешқадами, – жавоб берди мударрис, – у ҳамма илм ҳикматларини ўзлаштириб келаётир. Динни-да, фанни-да мукамал ўрганмоқда. Айниқса, каминани хушҳол қилгани: у араб тилида ҳозирданоқ камолотга етди. Ўзим ҳам Маҳмудга доим таъкидлаймен – араб тилини ўрганиш энг муҳим...

– Туркий тилни ўрганиш ҳам муҳим, – деди шу чоққача бир четда жим ўтирган Маҳмуд, – Ҳар нечук у бизнинг она тилимиз-да.

Ҳусайн ибн Халаф тўсатдан сўзининг бундай бўлинишини кутмаганди. Шу боис таажжубланди. Буғрохон жим эшитиб ўтирарди.

– Афв қилгайсиз, муҳтарам устоз, – деди Маҳмуд бироздан кейин ўнғайсизланиб гуноҳини бўйнига олиб, – мен қизиққонлик қилиб кўйдим.

– Ҳечқиси йўқ, Маҳмуд, ҳечқиси йўқ, – деди мударрис, – мен шогирдларимнинг мана шундоғ дадиллигини ёқтирурмен. Сен ҳамиша илм-маърифат, айниқса, тил ва тарихдин гап очилса ўзингни тутолмай қолурсен. Бу илмга ҳавасингнинг кучлилигидан далолат.

Кейин мударрис Буғрохон билан Буғро Тегинга қараб сўзини давом эттирди:

– Ҳар ким турли фанларга қизиқиши табиий. Маҳмуднинг тил, тарих ва адабиётга ҳаваси ўзгача. Мана эмди тил илми соҳасида ўзининг мустақил фикри шаклланаётир. Билишимча, бу соҳага оид бир қанча китобларни ўзи излаб топиб ўқиган. Бу ҳақда мен билан ҳам бир неча бор фикр алмашди. У ҳамиша туркий тил шевалари қонуниятларини шарҳлайдиган мукамал бир илмий асар йўқлигидин афсусланур. У ҳамон туркий тил араб тилидин қолишмайдур деган нуқтаи назарда собит. Бу ҳақда ўтган гал мен билан бир навбат хийла мунозаралашди ҳам. Баъзи бир талабаларни мажбурлаб ҳам оғзидин бирор илмий аҳамияти бор сўзни олиб бўлмайдур. Бу жиҳатдин Маҳмуд бутунлай ўзгача. “Булдочи бўзағу ўкуз оро белгилик”<sup>1</sup> дегандек, ҳамиша китобдан сўз очур. Бундоғ гаплар бошланса боягидек ўзини тутолмай қолур.

Ҳусайн ибн Халаф охирги сўзини кула-кула тамомлади.

– Ҳмм, яхши, – деди Ҳусайн Буғро Тегин ўғлига кўзларини қисиброқ тикилиб қараркан, – Менга қара, Маҳмуд, сен ростдан ҳам шундоғ билимли мулло бўлиб кетдингму, а? Буғрохон отам Барсғонга ёзган мактубларида ҳам сени мактарди. Бугун устозинг шайх Ҳусайн ҳазратлари ҳам таърифингни қилди. Шунча китобдин олган билимларингга қойил бўлмай иложим йўқ. Аммо ҳарбий ишларга доир нелар ўрганганингни ҳали ҳеч ким айтмади. Кўлунгда тиг тута олурмусен? – Қани, гапур-чи?

Маҳмуд отасига нима деб жавоб беришни билмай танг аҳволда қолганини кўриб, Ҳусайн ибн Халаф гапга аралашди:

– Сочия мадрасасида Хоқониядаги энг сара сардорлар талабаларга ҳарбий ишлардин таълим берурлар, саодатли Буғро Тегин. Маҳмуд ҳам худди бошқа талабаларга ўхшаб намоз фарзини адо қилиш ёшига етгач яроғ ишлатишни ўрганган бўлса, унинг бу жиҳатдаги маҳоратига ҳам гумон қилиб бўлмас.

<sup>1</sup> Ҳўкиз бўлур бузоқнинг пешонаси дўнг бўлур.

Ҳусайн Бугро Тегиннинг вазмин гавдаси қўзғолди. У ўрнидан турди.  
— Қани, тур-чи! — деди у Маҳмудга кескин, — Қанчалик одам бўлганингни ўзим бир синаб кўрай.

Маҳмуд ўрнидан сакраб турди-да, отасининг нима қилмоқчилигини фаҳмлаёлмай тўхтаб олди.

— Қиличинг қани? — деди яна Ҳусайн Бугро Тегин, — Дўкондор тижоратчиларга ўхшаб юпқа газмоллардин белбоғ боғлаб олганингни қара! Арслонхон, Бугрохоннинг авлодлари белига камар боғлаб, қилич осиб юриши керак!

Бугро Тегин шийпондан тушди-да, гулзор ёнидаги майдонга бориб қиличини қинидан суғурди. Маҳмуд отасининг муддаосини энди тушунди.

— Турумтой! — деб бақирди у. — Қиличингни бер!

Кичик хўжайинга содиқ хос қул Турумтой мудом сергак эди. Қопугдан ташқарига чиққанларида унинг ёнида хушёр турар, муҳофаза қиларди. Ҳозир ҳам одати бўйича Маҳмуднинг буйруқларига шай ҳолда гулзор атрофида сас чиқармасдан айланиб юрган эди. У Маҳмудни эшитгач, доим ёнида осиглиқ турадиган қилични олди-да, узатди. Маҳмуд офтобда камалакдек ярқираган қилични ушлаб отасига юзланди.

— Кел, кароматингни кўрсат! — деди Бугро Тегин.

Улар қиличбозликка тушиб кетишди. Пўлат тиллар жарангли урилар, садоси чор-атрофга тарқаларди. Қиличбозлар у ёқдан-бу ёққа ташланиб, худди ваҳшатли олишувга тушган арслонлардек бир-бирига отилар, ўзларини чаққонлик билан ҳимояга қилиб, қилич сермардилар.

Бу вақтда Маҳмуднинг онаси Биби Робиа Олтун Тарим деразаси боққа қараган ўз хужрасида ором олиб ўтирган эди. Бу ердан шийпон ва гулзор аниқ кўриниб турарди. У ногоҳ шийпон олдидаги қиличбозларни кўриб қолди-да, шу заҳоти боққа югуриб чиқди. Ташқи бўлмада хизматга шай, таъзим қилиб турган икки нафар хос каниз қиз Олтун Таримнинг ранги ўнгиб кетганлигини кўриб, унинг изидан чиқишди.

— О, Худойим, бу не гавго! Шунча вақт кўрмаган ўгли билан тузук кўришмай туриб яна савашурму киши! — дод солди Биби Робиа гулзорга етиб келиб. У бир-биридан қолишмай човут солишаётган ота-бола орасига тушмоқчи эди. Бироқ шийпонда ўтирган Бугрохон билан мударрисдан ийманиб тўхтаб қолди. Бугрохон ҳам бу «можаро»га аралашмай томоша қилиб ўтирарди. Мударрис ҳам, сиёғидан, бу «жанг»нинг натижасини кутмоқда эди.

Биби Робиа ўзини икки ёндан қўлтиқлаб олган икки канизнинг қўлларидан маҳкам қисганча унсиз, иложсиз оҳ уриб қараб турарди. “Эй Худойим, эски одатини ҳануз ташламабди-да”, — дея ўйлади эридан гина қилиб. Бундан неча йиллар илгари Маҳмуд ҳали ёш чоғларида Ҳусайн шундай қиличбозлик қилиб турарди. Суюниб кетганда ўглини эркалатиш ўрнига, ҳадеб қиличбозлик ёки курашга чоғланар, ўзиям ёш болага айланарди. Тўғри, у пайтларда Биби Робианинг ўзи уларнинг «ўйин»ига қўшилиб кетарди. У ўгли Маҳмуднинг яроғ ишлатиш маҳоратини пухта эгаллашига бутун кучи билан мадад бериб рағбатлантирар, ҳатто ўзи ҳам қўлига қилич олиб унга улги бўларди. Ажабо, энди нега оҳ чекади? Нега унинг юраги қафасга солинган тўрғайдек типирчилаб, қаттиқ уряпти? Узоқ вақт ўглини кўрмаганиданми? Ё фарзанд улғайган сари она қалби нозиклашиб борадими? Оҳ, она! Оҳ, она меҳри! “Тавба, менга не бўлди? — ўйлади Биби Робиа ўзига тасалли бериб, — яроғ ишлатиш хон оиласида, умуман, бутун Хоқонияда одатий ҳол-ку”.

Офтобда ойнадек ялтираб кўзни олаётган қиличлар бир-бирига шиддатли уриларди. Маҳмуднинг ҳаракати сусая бошлади. Буғро Тегиннинг кучли зарбасидан Маҳмуднинг қўлидан қилич учиб кетди. Ҳусайн гурур билан қиличини қинига солди.

— Ҳали билагинг қотмабди, — деди ўғлига. Лекин мамнунлиги билиниб турарди.

— Зарари йўқ, у ҳали ёш, — деди Буғрохон уларнинг ёнига келиб, — Тенгри хоҳласа, яна икки-уч йил ўтиб, устухони қотиб, яхши қилич-боз бўлиб чиқур.

Буғро Тегин мийиғида кулди ва ўглининг елкасига уриб қўйди.

— Ҳаракатинг чаққон, қиличбозликни яхши ўзлаштирибсен.

Биби Робиа Буғрохондан ийманиб гапирмаган бўлса-да, кўнгли жойига тушди. Кўзлари ёшланиб ўғлидан мамнун бўлди-да, канизлари билан ҳужрасига қайтиб кетди.

Мударрис Ҳусайн ибн Халаф ҳам хайрлашиб, таъзим бажо келтирди.

Шу куни кечқурун Муҳаммад Буғрохон билан Ҳусайн Буғро Тегин қопуғнинг катта меҳмонхонасида ипак кўрпа ва момиқ ёстиқларга ёнбошлаб, икки дона кумуш чирогпояда чирсиллаб ёнаётган ўт ёруғида узоқ суҳбатлашди.

— Хонлар кенгашининг қарорини эшитиб, ростини айтсам, ниҳоятда беором бўлдим, — деди Буғро Тегин, — Хонлиқни мана шундоғ парчалаб бўлиб олиш оқил кишининг иши-му? Ички бузилиш энг ашаддий ташқи душман ҳужумидан-да хавфлидур.

— Шундоғ, — деди Буғрохон чироққа ўйчан тикилиб, — Бўлиниш — ожизлик белгиси.

Ҳар иккиси бир муддат жим қолишди. Кейин Буғрохон яна сўзлади:

— Отамиз Юсуф Қодирхон давридаги шарафни аслига келтириш мушкулдур. Ҳозир аввалги хонлиқни юзага келтиришга яна бир Юсуф Қодирхон керак. Лекин у қачон, қаердин чиқур? Сулаймон Арслонхон бундоғ улуг ишнинг уддасидин чиқолмайдур. У бутун зеҳнини Хоқония музофотидаги Ислом динини қабул қилмаган ушоқ қабилаларни имонга чақиришга сарф қилди, аммо хонлигимизнинг бирлигини мустаҳкамлаш учун ҳеч бир иш қилмади. У деярли ҳар куни бекорталаб мутаассиблардан атрофига йиғиб олиб, у дунёнинг тугамас ҳикоятлари билан вақтини беҳуда ўтказур. Бу дунёнинг ишлариға эса кўнгил бўлмайдур. Аллоҳ таоло бандаларини ҳеч иш қилмай қўл қовуштириб, охиратни кутиб ўлтурсун, деб яратмаган. Йўқ, инсон бу дунёдаги бахтини ўз қўли ила яратмоғи лозим.

Буғрохон борган сари ҳаяжонланиб, кейинги сўзларини кўтаринки кайфиятда тамомлади. Бир муддат жимликдан сўнг яна гап бошлади.

— Табгачхон Самарқандни пойтахт қилиб, Қашқар билан Болосогунга бўйсунмайдиган бўлиб олди. Лекин Сулаймон Арслонхон бунга қарши бирон тadbир қўлламади. У гўё газнавийларга мадад берса, олам гулистон бўладигандек...

— Фазнавийларнинг дўстлиғиға қанчалик ишонса бўлур? — деди Ҳусайн Буғро Тегин, — Улар ҳозир салжуқийлар билан низо чиққанни учун биз билан яхши муносабатда. Кун келиб, улар салжуқийлар билан ярашиб кетса не бўлур?

Улар оғир хаёллар юки остида қолгандек хийла вақтгача сукут ичида ўтиришди.

— Бир жиҳатдин, — деди Буғрохон, — заминларни бўлишганимиз ҳам яхши бўлди. Мабодо, яхши куннинг ёмони келиб, Сулаймон Арслонхон Хоқония ўлкасини душмандин сақлаб қолмаса, илкимиздаги ерларни таянч қилиб душманга зарба бергаймиз.



Ҳусайн индамади. Бугрохон сўзини давом эттирди:

– Ҳар нечук, Хоқонияга тобеъ бўлса-да, бизнинг Ўпол деган бир парча еримиз бор. Сен уни маҳкам сақлашинг керак. Ҳаргиз хушёрликни бўшаштириб қўйма...

Ҳусайн Бугро Тегин отасининг айтганларига «тушундим» дегандек бошини ирғаб қўйди-ю, лекин кўнгли ғаш эди. У отасининг ҳудудларни тақсим қилиш ташаббусини, бундай бўлинишни айблайдиган гапларни эшитишни хоҳламаслигини биларди. Ҳусайн Бугро Тегин хонларнинг бундай бир-бирини қўлламай, парчаланиб кетишини хуш кўрмасди. У Арслонхоннинг идора усулини ёқтирмаса-да, отасининг муҳолифатчилигини ҳам қўлламасди. Ҳолбуки, бўлар иш бўлди. Энди не қилмоқ керак? Бундай саволга дуч келганда, Ҳусайн ҳайиқиб қолар, бир қарорга келолмасди. Шу боис у фикрлари паришон бўлиб ортиқ гапирмай, отасига қулоқ солиб ўтирарди.

Улар алламаҳалгача ухламай гаплашиб ётишди. Эртаси эрталаб Муҳаммад Бугрохон яқинлари, навкар ва чериклари билан йўлга чиқди. Ҳусайн Бугро Тегин билан Маҳмуд тўрт минг кўриқчи ҳамроҳлигида Бугрохонни Ўполдан бир кунлик йўлгача кузатиб боришди.

## ЎФИЛ КАТТА БЎЛДИ

Бугрохон Талас ва Исфижобга ҳукмронлик қилиш учун кетгач, Ҳусайн хон бобоси Сулаймон Арслонхон ҳузурига борди. У ердан қайтиб келиб, бир неча кун кўнгли жойига тушмай гангиб юрди. Хон оиласидаги гина-аразлар унинг қалбини азобларди. У ўйлай-ўйлай, вазиятга уйғун йўлни тутмоқ зарур, деган қарорга келди ва кўнглидаги ғамларни ўзидан нари қилди. “Сўнгги пайтларда бўлаётган ишларга қараганда, — дея ўйлади у, — Бугрохон отам айтгандек, илкимдаги Барсғон ва Ўпол диёрини маҳкам тутиб, бошқариш лозим. Кейин бошимизга не савдолар тушса кўраверамиз”. Шу қарорга келиб у бир қадар енгиллик ҳис қилиб, ўз ишларига киришиб кетди. У гоҳ Ўполга, гоҳ Барсғонга борар, вақти ҳамиша шошқич ўтарди. Турли ишларни текшириш, черикларни машқ қилдириш билан машғул бўларди. Кентларга бориб, фуқаро аҳволини кузатар, арз-додини эшитарди. Вақти-вақти билан Қашқарга бориб, Сулаймон Арслонхондан фармони олий қабул қилар, Қора ўрдага, яъни катта ўрдага белгиланган бож-солиқларни топширарди.

Ҳусайн Бугро Тегин дастлаб хон ва тегинларнинг ноиттифоқлигидан ич-этини еб, қайғуриб юрган бўлса, кейин умумий оқимга мослашди. У “ўз қўлимдаги ерларни маҳкам тутмасам иш чатоқ бўладиган чоғи” деб ўйларди. Шу боис ўз билганича иш тута бошлади. Орадан кўп ўтмай у унвонини ўзгартириб, ўзини “Ҳусайн Арслон Эликхон” деб атади ва шу ном билан Барсғонда олтин танга чиқара бошлади. Бу эса Сулаймон Арслонхонни писанд қилмаслик билан баравар эди, албатта.

Орадан икки йил ўтди. Маҳмуд мадрасани битиргач, отаси ўринбосари сифатида Ўпол қопуғидаги ишларни бошқаришга киришди.

Куз ҳам эшик қоқмоқда эди. Ҳусайн Арслон Эликхон одати бўйича турли мевалар ғарқ пишган олтин фаслда бир неча кун дам олиш учун Барсғондан Ўполга келди.

Кунларнинг бирида у ўғли Маҳмудни ҳузурига чақиртирди. Маҳмуд кириб, ота-онасига салом берди:

– Кут бўлсун, ота! Кут бўлсун, она!

Маҳмуд ота-онасида ўзгаришларни сизди. Ҳусайн ўғлига бош-оёқ тикилиб қаради.

– Кел, Маҳмуд, ўлтур, – деди у мулойимлик билан.

Биби Робиа чексиз меҳр балққан кўзларини ўғлидан узмай кулимсираб ўтирарди.

– Қаранг-а, у ҳақиқатан кап-катта йигит бўлиб қолибди-ку!

Ҳусайн ўғлининг қачон катта бўлиб қолганини билмай қолгандек киноя қилди.

– Ҳа-я, менинг ўғлум улғайиб қолди! – дея Биби Робиа хушнуд ҳолда унсиз қолди.

“Уларга не бўлган ўзи?” – дея ўйлади Маҳмуд бир отасига, бир онасига ажабланиб қараб.

– Менга қара, Маҳмуд, – деди Ҳусайн, – Таласдин чопар келди. Бобонг Муҳаммад Бугроҳон сен ҳақингда алоҳида махсус хат ёзибди.

– Мен ҳақимда? – дея Маҳмуд қайта сўради.

– Шундоғ, сен ҳақингда. Мана, ўқиб кўр.

Ҳусайн Арслонхон Эликхон ўраб қизил ипак боғич билан боғланган мактубни хонтахтадан олиб, Маҳмудга узатди. Кейин ўрнидан туриб қўшиб қўйди:

– Хатни аввал ўзинг ўқиб чиқ, кейин онанг сен билан сўзлашур.

Арслон Эликхон чиқиб кетди. Маҳмуд онасига қаради.

– Ўқи, болам, ўқи, – деди Биби Робиа ноодатий мулойим овозда.

Маҳмуд мактубни ўқиди. Дастлаб унинг яноқлари сал қизарди. Кейин довдираган куйи бошини куйи солиб, жим бўлди. Биби Робиа хануз кулимсираб унга қараб турарди.

– Эмди сен ҳам катта бўлдинг, Маҳмуд, – деди у, – сен билан бу ҳақда сўзлашиш вақти етди. Отанг иккимиз бобонгдин мана шундоғ бир хат келишини кўбдин бери кутган эдик. Бугроҳон отамиз турганда биз шундоғ гапни аввал тилга олишимиз ақлга мувофиқ келмасди-да. Шунинг учун сенга ҳам оғиз очмаган эдик.

Биби Робиа жим қолиб, ўғлига синовчан қаради. Маҳмуднинг ҳамон боши ҳам эди.

– Ўғил улғайганда уйланур, – деб Биби Робиа сўзини давом эттирди, – унинг устига Бугроҳон бобонгнинг сенга топган қайлиги ҳам жуда кўнгилдагидек экан. Эслагин-а, муҳтарам Тўғонхон бузургорнинг неvara қизини! Эмди бу ишга тез киришмасак бўлмас. Отанг эртага шахсан ўзи Ўрдуқентга борганда, Сулаймон Арслонхонга бу ишни маълум қилиб, унинг розилигини олмоқчи...

– Йўқ! – деди Маҳмуд кескин ва бошини кўтарди.

– Нима? – деди Биби Робиа унинг сўзини тушунолмамай ажабланиб.

– Отам Ўрдуқентга бормай турсун... Бобомга ҳам хат ёзмай турунлар.

– Бу не деганинг?

Маҳмуд бир дамлик сукутдан кейин секин жавоб берди:

– Мен... ўйлаб кўрай.

– Нимани ўйлаб кўурсен?

– Тўй ишларини-да.

Биби Робиа ҳанг-манг бўлиб қолди.

– Бунинг ўйлаб кўрадиган не ери бор?

Маҳмуд ўрнидан турди ва онасидан кўзини олиб қочиб хижолат ичида, лекин қатъийлик билан деди:

– Она, хафа бўлмасангиз, жавобини эртага айтсам.

Биби Робиа ҳеч нарса демади. Маҳмуд орқага бурилди-да, секин чиқиб кетди. Биби Робиа ўғлидаги ғайри ўзгаришлар ва ғалати гап-сўзларини кўнглида таҳлил этиб, бироз хаёл суриб қолди. Кейин у туриб хонадан чиқди ва узун даҳлиз йўлаги бўйлаб юриб, нариги четдаги бўлмага кирди. Бу ерда Хусайн Арслон Эликхон хат ёзарди. Биби Робиа унинг ёнига келиб юкунди. Арслон Эликхон қаламни қўйиб унга қаради.

– Ҳа, не гап? Не бўлди?

Биби Робиа унинг кўзларига қараб, бироздан кейин шошилмай сўзлади:

– Маҳмуд хижил бўлибми, очиқ жавоб бермади. Ўйлаб, эртага жавоб берай, дейди.

Хусайн бу гапга парво қилмади.

– Мана, Бугрохон отамга мактуб битяпман, тугай деб қолди, – деди у, – Чопар эшик олдида кутиб турибди. Бу мактубни бугундин қолдирмай жўнатишим керак.

Хусайн гапини тугатиб, қўлига яна қалам олди.

– Тўхтаб туринг, – деди Биби Робиа. – Унинг раъйига ҳам қарайлик. Эрта унинг гапини эшитиб кўриб, сўнг чопарни йўлга солсак ҳам бўлур.

– Чопарни жўнатиб ҳам унинг гапини эшитса бўлур, – деди Арслон Эликхон, – Маҳмуднинг бизга айтадиган не гапи бўлсун. Ёш бола бўлганидин кейин хижил бўлиб, шундоғ дегандур-да.

– Йўқ, – деди Биби Робиа ва Хусайннинг қўлидан қаламни олиб, кумуш қаламдонга солиб қўйди, – Эртагача сабр қилайлик. Бизга айтишга ботинолмаётган гапи бордек...

Хусайн Арслон Эликхон Биби Робиани қадрлар, кўп ишларда ўқимишли хотинининг маслаҳатига қулоқ соларди. Шу боис бу гал ҳам уни рад қилмай, Бугрохонга жавоб хат ёзишдан аввал Маҳмуднинг гапини эшитиб кўришни маъқул топди.

\* \* \*

Маҳмуд онасининг ҳузуридан чиққач, ҳаялламай содиқ қули Турумтойни чақирди. Улар иккиси икки отга миниб, қалъадан чиқишди ва отларини йўргалатиб Озиқ кентидан ўтгач, Наврўзбулоққа йўл олишди. Турумтой хожасининг бемаврид қопуғдан чиққанидан сал ажабланган бўлса-да, адаб юзасидан жим борарди. Икки от ёнма-ён келиб қолганда у савол назари билан Маҳмудга бир-икки марта ер остидан қараб қўйди. Маҳмуд уни тушунди ва борар манзилни айтди:

– Уйчўлпонга борурмиз!

Турумтой бу қисқа жавобдан ҳаммасини тушунди. Ҳа, ёш хўжайин ўша қиз билан кўришгани бораркан-да! Оҳ ёшлик, севги... Ингичка мўйлов қўйиб олган барваста қул Турумтой жўшқин севгининг сирли долғаларига шўнғиб кетгиси келгандек, лекин иложи бўлмаган каби паришонланиб, яйдоқ отининг силлиқ таралган ёлига тикилганча, дами ичида кетаверди.

Маҳмуд ҳақиқатан бир қиз билан, ўзини мафтун айлаб, қалбини ром этган бир гўзал билан кўришиш учун, унга энг жиддий, ҳал қилувчи сўзни айтиш учун кетаётган эди.

Маҳмуднинг ҳеч кимга айтмаган, сир сақлаб келаётган ширин туйғулари бор эди. Бу туйғулар шу қадар нозик ва лаззатли эдики, Маҳмуд ўзини гоҳ туш кўраётгандек, гоҳ мислсиз бахт-саодат самосида, суюклисининг ипак рўмоли янглиғ енгил оқ булутлар устида парвоз қилаётгандек ҳис қиларди.

Бир йил бўлди. Йўқ, бир йилдан ҳам сал ошди. Ўтган йил ёз кунлари эди. Уй ичи дим бўлиб кетганда, Маҳмуд Наврўзбулоққа бориб, дарс такрор қилишни одат қилган эди.

Ўша кун, ўша унутилмас кун...

Маҳмуд билан Турумтой Наврўзбулоқ бошидаги тепаликка келиб тўхташди.

Осмонда бир парчайм булут кўринмас, қуёш ҳавони қиздирар, ёрқин нурларини сахийлик билан ёғдирарди. Йироқда Озиқ кентининг дарахтлари уфқни тўсиб барқ урар, дарахтлар орасидан қалъа кўриниб турарди. Тепалик адоғидаги ям-яшил чаманзордан қайнаб чиққан Наврўзбулоқ суви тармоқланиб, офтобда ял-ял ярқираб, сабзавор маҳалла томон оқарди. Қуюқ ўсган дарахтзор билан қопланган тепалик ёнбағридаги Наврўзбулоқ ҳам шукуҳли яшилликка бурканган маҳаллага туташиб кетган эди.

Турумтой отларга тушов солиб ўтлагани кўйиб юборди ва дарахтлар ичида соялаб, кўкаламга ёнбошлади. Маҳмуд эса, тепалик ёнига келиб, қуюқ ўсган тол соясига ўтирди-да, китобини очди.

Ҳар йили Наврўз байрамида Ўпол халқи бу манзарали жойга йиғилиб, Наврўз байрамини ўтказарди. Шоирлар булоқбошида жам бўлиб, наврўзий назмлар ўқишарди. Шу боис мазкур булоқ, умуман, шу жойлар “Наврўзбулоқ” деган ном олган эди.

Маҳмуд негадир ўша кунларда табиат манзараларига ўзгача завқ билан қарайдиган бўлиб қолган эди. Ажабо, у авваллари чаманзор гўзаллигини кўрмаганмиди? Қайнаб чиқаётган Наврўзбулоқ унинг жўшқин қалбига нега бунчалар қайноқ ҳис-туйғулар бахш эта бошлади. Тепаликнинг қуйисидаги ям-яшил шукуҳга бурканган маҳаллага оқиб тушаётган булоқнинг зилол суви Маҳмуднинг ёлқинли хаёлларини шунча йироқларга олиб қочди?

Маҳмуд ғойибона висолга талпингандек тол тагида ғамгин ўтирарди. Унинг кўзлари китобда бўлса ҳам, кўнгли китобда эмас, хаёли парিশон эди. Шу пайт сойлиқдаги боғу бўстонга бурканган маҳалладан бир қизнинг юракларни сел қилувчи хуш овози эшитилгандек бўлди. Маҳмуд диққати жамланиб, бутун вужуди қулоққа айланди. Дарҳақиқат, боғларга бурканган маҳалладан қизнинг қўшиқ айтаётган овози келарди. “Бу, ҳойнаҳой, гўзал бир қиз!” дея ўйлади Маҳмуд ва унинг вужудини ҳаяжонли титроқ босиб, юраги қаттиқ уриб кетди.

Маҳмуд ўзига маълум бўлмаган ғайриҳиссиёт ва туйғуларнинг лаззатли ҳам азобли ёлқини ичра ўртанаётгандек эди. Бу не каромат! Маҳмуд илгари ҳам бу ерга кўп келарди. Бўстонлиқ, адирликлар ва мевали боғларда янграйдиган қўшиқларни кўп эшитган, лекин ҳеч қачон қўшиқни “гўзал, ёш қиз айтяпти” деб ўйламасди. Энди-чи? Нега маҳалла томондан эшитилаётган бу қўшиқ унга шунча ёқимли туюлди? У нима учун бу қўшиқни бир гўзал қиз айтмоқда, деб ўйлаяпти? Нечундир у қизни кўришга ошиқди?

Маҳмуд китобни ёпиб ўрнидан турди-да, тепаликнинг энг чеккасига келиб тўхтади. У қўшиқ айтувчини излаб пастдаги толзорни кузата бошлади, ҳатто овозини чиқармай тинглай бошлади. Бу ердан қўшиқ сўзлари аниқ эшитилмас, қуюқ ўсган мажнунтоллар орасидан қўшиқчини ҳам кўриб бўлмасди. Маҳмуд қўшиқ эшитилаётган ерни кўзлаб, тепаликдан бироз пастга тушди. Тол шохлари орасидан гулдор узун қўйлак кўзга чалинди. Маҳмуд яна пастроққа тушди ва тикилганча қотиб қолди.

— Турумтой, — деб чақирди у, — Бу ёққа кел... Қарагин...

Турумтой ёш хўжайинга садоқат билан хушёр эргашиб бу ерга тушган эди.

– Қарагин, Турумтой, у ким? Билурмисен? – деди Маҳмуд сой томонга имлаб.

Наврўзбулоқ суви оқиб маҳалла ичига кириб борганда каттароқ ариққа айланарди. Турумтой Маҳмуд ишора қилаётган ўша ариқ бўйида бир қизни кўрди. Ариқ бўйини қоплаган ям-яшил чаманзорда қизнинг гулдор чит кўйлаги яққол кўзга ташланиб турарди. Қиз тепаликдан қараб турган икки кишини хаёлига ҳам келтирмай яна бир дам кўшиқ айтди. Кейин кўшигини тўхтатиб, катта сувқовоқ кўтариб келди. Ариқ бўйидан қулай жой излаб, у ёқ-бу ёққа юрди-да, бир жойни маъқул топди шекилли, ўша ерда энгашиб ўтирди, энгларини шимариб оппоқ билакларини яланғочлади ва қовоқни сувга ботирди. Кейин сув тўла қовоқни бир ёнига кўтариб, шошмасдан юриб тепаликдан яққол кўриниб турган яқин жойдаги боғқовлининг кўшқанотли дарвозасидан ичкари кирди.

– У ким? Сен билурмисен, Турумтой? – дея Маҳмуд яна қизиқиб сўради.

Турумтой Бугрохон топшириғи билан Ўполга қарашли кентлардан солиқ йиғишда бир неча марта қатнашган эди. Шу боис бу атрофдаги кўп кишиларни танирди.

– Унинг исми Чўлпон, мана шу кент оқсоқолининг қизи, – деди Турумтой.

– Чўлпон, – деди Маҳмуд ҳалиги қиз кириб кетган дарвозадан ҳамон кўзини узолмай, – Чўлпон! Чўлпонни кўкда деб юрсам, уйда (заминда) ҳам Чўлпон бор экан-да! Турумтой, бундан кейин бу маҳаллани “Уйчўлпон” деб атаймиз.

Турумтой кўзларини пирпиратганча қараб қолди. У хожасининг бундай ҳиссиёт билан сўзлашини биринчи марта кўраётган эди.

– Чўлпон! Уйдаги Чўлпон! Уйчўлпон! – дея Маҳмуд қайтаётиб ҳам такрорлади.

Шу-шу Маҳмуд тез-тез қопуғдан ёлғиз чиқиб кетар, буни ота-онаси билмаса ҳам, Турумтой хабардор эди. Маҳмуд булоқ ёнидаги ўша маҳаллага, яъни Уйчўлпонга борарди. У ерда Чўлпон билан хуфиёна кўришиб юрарди...

Маҳмуд онасининг ёнидан чиқиб, “Уйчўлпонга борамиз” дегандаёқ, Турумтой уни тушунди. Икковлон Наврўзбулоқ тепалигига етиб келишди. Маҳмуд отдан сакраб тушди-да, тизгинни Турумтойга бериб, ўзи ёлғиз дарахтзор ичра гойиб бўлди. Турумтой отларни ўтлашга кўйиб бериб, одатлангани – кўкаламга кепанак тўнни ёйиб ёнбошлади.

Маҳмуд маҳаллага тушиб, ариққа яқин жойда қуюқ ўсган толзор ичига яшириниб атрофни кузатди. Ҳеч ким йўқ. Маҳмуд ўша бўстонлик ҳовли томон термилиб, интизор оҳанглари мавжланган овозда кўшиқ бошлади:

Барди кўзум йаруқи,  
Алди ўзум кўнуқи,  
Қанда аринч қаниқи,  
Эмди удин ўзгурур<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Кўз нурим учиб кетди,  
Қалбимни олиб кетди,  
Шу ёрим қаён кетди?  
Энди уйқум келмайди.

Маҳаллада бундай қўшиқлар мудом эшитилиб турарди. Булоққа отини сугориш учун келган навбатчи черик ҳам, мева-чевалар тўлдирилган сават, хуржунларини эшакка ортиб бозорга кетаётган баққол ҳам ёки шундай йўлдан ўтиб кетаётган йўловчи ҳам қўшиқ айтиши мумкин эди. Бироқ дийдорнинг сурурли онларини кутиб, бетоқат бўлган қизнинг сезгир юраги ҳар қандай қўшиқ ичидан бу овозни танимаслиги мумкинми?

Қўшиқ ниҳояланганда, боғ ҳовли дарвозаси секин очилди. Мажнунтолнинг осилиб тушган шоҳлари орасидан қизғиш ипак кўйлак бир кўриниш берди-да, ариқ бўйига Чўлпон отли ўша қиз сувқовоқ кўтариб чиқиб келди. Маҳмудни кўргач, “одамлар кўриб қолмасин” деган хавотирда мисли хуркак кийикдек атрофга аланглади.

– Чўлпон!  
– Маҳмуд!

Улар гулзорга ичкарилаб кириб, хилват жойда тўхташди. Оқ юзли, озғин ва хушқад Чўлпон қиз шошилиб, ҳадик тўла кўзларини катта-катта очиб сўради:

– Маҳмуд, не бўлди? Бугун кўришишга келишмаган эдик-ку... Муҳим бўлмаса, бу пайтда келмасдингиз...

– Шундоғ, – деди Маҳмуд, – муҳим гап бор. Яхшиям ҳозир кўришдик, Худога шукур. Сизни уйда йўқ бўлса ё кўшигимни эшитмай қолса не бўлур, деб жуда хавотирда эдим.

– Бу не деганингиз, Маҳмуд! Мени имлаб айтган қўшигингизни англамай қолишим мумкинму? Ҳа, қани айтинг, не бўлди?

– Буғроҳон бобомдин хат келибдур, – деди Маҳмуд бироз сукут сақлаб, сўнг сўзини қандай давом эттиришни билмай яна жимиб қолди.

Чўлпон бировнинг кўриб қолишидан хавотирда эди. Яна бир томони Маҳмуднинг муддаосини англаёлмай тоқатсиз титради. Маҳмуд унинг билакларини маҳкам ушлади.

– Чўлпоной, эртага ота-онамга иккимизнинг муносабатларимиз ҳақида айтурмен.

Чўлпоной бу гапнинг маъносини тушунолмамай гангиб қолди.

– Чўлпон, англадингизму? Эртага қолса бўлмас.

– Маҳмуд, ўзи не бўлди? – деди Чўлпон охири эс-ҳушини йиғиб олиб. Маҳмуд ҳам ўзини босиб олган эди.

– Буғроҳон бобом мени ота-онам билан Таласга чақиртирибдур. Ўзи бизга бош бўлиб, ўз кентига бошлаб бораркан... Бобом у ерда менинг ... тўйимни...

Чўлпон бўздек оқарди. Унинг юрак қаъридан “оҳ!” деган бир ҳасратли нидо чиқди-да, боши айланиб орқага мункиб кетди. Маҳмуд уни ишқ ўтида ўртаниб турган ёлқинли бағрида маҳкам ушлаб қолди.

– Чўлпон, Чўлпон, – дерди у қизни ўз ҳолига қайтаришга уриниб, – мен сиздин бошқани демасмен, уқдингизму? Онам билан очиқ сўзлашурмен, сизга совчи юборишга кўндирурмен...

– Йўқ, Маҳмуд, – деди ўзига келган Чўлпон унинг қучоғидан бўшаниб. – Бундоғ гапларни кўйинг. Бу мангу амалга ошмайдиган иш. Мен сизга бошданоқ айтган эдим-ку... Ота-онангиз раъйига қарши турманг... Сиз Буғроҳоннинг невараси, Арслон Эликхоннинг ўғли... Узингизга муносиб хон авлоди билан бош кўшишингиз керак...

– Чўлпон...

– Йўқ, мени кўяберинг, кета қолай, эмди мени изламанг, сизни унутамай...

– Йўқ, Чўлпоной! Ундоғ деманг. Мен, албатта, ота-онамнинг ризолигини олурмен. Балким мен ... биз турлук қаршиликларга дуч

келишимиз мумкин, балким сизни-да овора қилишлари мумкин, лекин мен мудом деганимни қилурмен. Сиз ҳали менинг бўлурсиз... Ҳар нечук, сизни огоҳ бўлиб турсун, деб буларни айтаётирмен.

– Йўқ, Маҳмуд, ... Оҳ ... Мен қўрқамен...

– Нега қўрқасиз? Ҳаммасини ўз бўйнуғига олурмен, сизга қилча сўз теккизмасмен.

– Чўлпоной, фариштам...

Маҳмуд Чўлпонни қочиб кетмасин, деб унинг билагидан маҳкам ушлаб олганди. Тўсатдан уларнинг шундай ёнида газабли овоз эшитилди:

– Чўлпон!

Ошиқ-маъшуклар чўчиб кетишди-да, худди чақмоқ ургандек қотиб қолишди. Маҳмуд дарҳол қизнинг билагини қўйиб юборди. Ариқ бўйида Чўлпоннинг отаси турарди. Чўлпон изза ва қўрқувдан хўнграб йиғлаган қўйи югуриб ҳовлига кириб кетди. Оқсоқол қаршисида бошқа бир киши эмас, балки Муҳаммад Бугрохоннинг невараси турарди. Шу боис унинг газаби худди қайнаётган қозонга совуқ сув қўйгандек дарров босилди. Белидаги ханжарга қаҳр билан узатилган қўли бўшаганча қолди. У гўёки бир кутилмаган ҳодисани кўргандек, кўзларига ишонгиси келмагандек тонг қотиб қолди; худди бутун жисмидан қони қочгандек юзи оқариб кетди. Бир муддатдан сўнг ўзига келди чоғи, ўнг қўлини кўксига қўйиб бошини эгди.

– Марҳабо, ука тагит<sup>1</sup>...

Маҳмуднинг ранги ҳам оқариб кетган эди. Унинг бутун вужуди хижолатдан ловуллар, тили калимага келмасди. Ниҳоят, ўнг қўлини кўксига қўйиб, эгилиб таъзим қилди ва орқага бурилди-да, секин-аста Наврўзбулоқ тепалигига чиқиб кетди. Оқсоқол бир зум унинг ортидан қараб қолди. Кейин зил-замбил хаёл ва андишалар билан оғирлашган бошини қўйи солиб ўз ҳовлиси томон юрди. У мадор-сизланиб, дарвозага орқаси билан суянганча, бир узун оятни пичирлаб ўқиди ва ихлос билан дуо қилгач, овозини кўтариб хитоб қилди:

“Чўлпон, жоним қизим! Бу не қилганинг? Ўт билан ўйнашибсен! Йўлбарснинг қўлидин тутибсен!”

Унинг овози бедаво дардга гирифтор бемор ноласидек бемажол ва ачинарли эди.

## ШИРИН ХОТИРА

Маҳмуд билан Турумтой отларини елдирганча Озиқ қалъасига қайтиб келишди. Улар қалъа дарвозасидан кириб, отларни отбоқарга топшириб, ичкари кирганда Биби Робиа гулзорда айланиб юрарди. У Маҳмуднинг шошиб уйга кириб кетганини кўрди-да, орқада келаятган Турумтойни чақирди:

– Бу ёққа кел, Турумтой.

– Лаббай, Олтун Тарим, – дея Турумтой Биби Робиа олдига келиб таъзим қилди.

– Маҳмуд билан ташқари чиққанмидинглар?

– Шундоқ Олтун Тарим.

– Қаерга бординглар?

– Уйчўлпонга бордик.

– Нима?

<sup>1</sup> Хон оиласининг кичик ўғиллари, яъни ҳали “тегин” унвонига эришмаганлари “ука тагит” дейилган.

– Ҳа... Ҳалиги... Наврӯзбулоқ томондаги маҳаллага бордик, демоқчи эдим...

– У ерга не юмуш билан бординглар? – Биби Робиа ажабланиб сўради.

Турумтой иккиланиб, нима дейишини билмай кўзларини пирпиратиб туриб қолди. Кейин айбдордек елкасини қашиб, бошини қуйи солди.

– Сенга не бўлди? Гапур? – деб уни қистади Биби Робиа.

– Бу Маҳмуд ука тагитнинг хоҳиши, Олтун Тарим, – дея Турумтой юмшоқ овозда ўнгайсизланиб кўзларини четга бурди.

– Сўзлайвер, Турумтой.

Турумтой табиатан содиқ ва самимий йигит бўлиб, ёлғонни асло ҳазм қилолмасди.

– Маҳмуд ука тагит ўша маҳаллага Чўлпон билан кўришгани борди, – деди у охири.

– Чўлпон? Чўлпон деганинг ким?

– Ўша маҳалладаги Абдулкарим оқсоқолнинг қизи.

Биби Робиа ҳайрат ичида Турумтойга қараб қолди.

– Абдулкарим оқсоқол..., – деб пичирлади у.

– Шундоғ, Олтун Тарим.

Биби Робиа ниманидир ёдига туширишга уриниб, пешонаси тиришди.

– Абдулкарим... Абдулкарим битикчи эмасму?

– Худди ўша. Битикчи бўлмаса-да, ҳамма уни “Абдулкарим битикчи” дейишаркан.

– Ҳа... – дея Биби Робиа “маъқул” дегандек бошини қимирлатди.

Хуллас Олтун Таримнинг талаби билан Турумтой Абдулкарим оқсоқолнинг қизи Чўлпон ҳақида, Маҳмуднинг у қиз билан муносабати ҳақида ўз билганларини сўзлаб беришга мажбур бўлди. Турумтой дастлаб Маҳмуддан беижозат унинг сирларини ошкор қилганидан безовталанди. Лекин бунини сир тутиш ҳақида Маҳмуд ҳеч нарса демаганини эслаб энгил тортди.

– Турумтой, сен бориб Маҳмудни чақириб қўй, – деди Биби Робиа.

– Бош устига, Олтун Тарим, – Турумтой таъзим қилди-да, чиқиб кетди.

Ҳаял ўтмай Маҳмуд келди. Унинг аҳволи руҳияси ўзгарган, кўринишидан қатъий бир қарорга келиб қўйгандек тетик ва дадил эди. Биби Робиа ҳам Маҳмудга бир нафас синовчан қараб қолди. Кейин яна сассиз аста қадам ташлаб, гулзор ўртасидаги шийпонга чиқди. Бўлгуси суҳбатнинг мавзуси ҳар иккаласига ҳам аён эди. Биби Робиа сўз бошлаши биланоқ Маҳмуд ҳам оғиз жуфтлади:

– Она, – деди Маҳмуд, – чақиртирмасангиз ҳам олдингизга ўзим келмоқчи бўлиб турган эдим. Бу гапни эмди сизга айтмасам бўлмас.

Маҳмуд Абдулкарим оқсоқолнинг қизи Чўлпонга бўлган муносабатидан сўз очди.

– Бу не қилганинг, ўғлим? – деди Биби Робиа гина оҳангида, – Шундоғам энгиллик қилурму киши?

– Гуноҳкор ўғлингизни авф этинг, муҳтарам она, – Маҳмуд онасининг юзига тик қарашга ботинолмай, – Лекин... Лекин мен воз кечолмаймен... Она, у... У шундоғ яхши...

Маҳмуд сўнгги сўзларини пичирлаб айтди. Биби Робиа унга насихат қилди ва ҳатто танбеҳ берди. Лекин ҳеч қандай натижаси бўлмади. Маҳмуд умрида биринчи марта қатъий туриб ота-онасига итоат қилмай, ўз сўзида собит қолмоқда эди.



Шу куни кечгача Биби Робиа худди бир нимани йўқотиб қўйган қаби гангиб юрди. Ҳадсиз хаёллар ичра гарқ бўлди, томоғидан овқат ўтмади. Кеч кирганда “чарчабмен” дея баҳона қилиб эрта ётиб қолди, лекин тун бўйи ухлаёлмади. Лекин эртаси куни Ҳусайн Арслон Эликхон билан ёлғиз қолганида паришонлиги тарқаб кетди. Аксинча, чиройли қора кўзларида чўнг тафаккур ва ишонч акс этиб турарди.

— Кеча Маҳмуд билан гаплашдим, — деди у эрига маъноли қараб.

— Хўш, нимага келишдиларинг? — дея Ҳусайн олтин қафасда осиглиқ турган Ҳиндистоннинг қизил тумшукли шоҳтўтисини кўрсаткич бармоғи билан имлаб ўйната туриб, эътиборсиз оҳангда шунчаки сўради. Кўнглида бўлса: “Отам Муҳаммад Бугрохон бу тўй ҳақида оғиз очган ерда Маҳмуд билан сўзлашишга не ҳожат?” дея ўйларди.

Биби Робиа эшикни ёпиб, эрига яқин келди. Унинг бу ҳаракати, шубҳасиз, суҳбатнинг муҳимлигини билдирарди. Лекин Арслон Эликхон ҳамон шоҳтўти билан андармон эди.

— Қани, сўзла, Робиа, — деди у ҳамон яшил тўтидан кўзларини олмай, — шошилишч юмушларим бор. Хон отамга мактуб ёзишим, Қора ўрдага бориб, тўйни белгилаш тўғрисида Арслонхон олдиндан ўтишим керак. Кейин тезда Таласга бормасак бўлмайду.

Биби Робиа Абдулкарим оқсоқол ва унинг қизи Чўлпон ҳақида Маҳмуд билан Турумтойдан эшитган ҳамма гапни айтди. Ҳусайн дастлаб ҳеч нарсага тушунмади. Кейин кайфияти бузилиб, газаби ўт ола бошлади. У Биби Робиа томонга шундай кескин ўгирилдики, елкаси олтин қафасга тегиб кетди. Шоҳтўти мувозанатини йўқотиб, қанотларини потирлатиб юборди.

— Нима? — деб бақирди Арслон Эликхон, — Маҳмуд шундоғ дедиму ҳали? У отаси, бобосининг лафзини қайтаришга қандай журъат қилди? Бу не деган гап!?

Ҳусайн бироз тинчиб яна хотинини койиди:

— Бу не қилганинг, Робиа? Шуниям гап деб кўтариб келдингму, ҳали? Ёш боланинг оғзига қарасанг, нелар демайду? Фарзанд деган ота-онаси хоҳишига бўйсунини лозим!

Биби Робиа эрининг аччиғи босилгунча жим турди. Кейин майинлик билан деди:

— Айтганларингиз тўғри, хоҷам. Сизни тушуниб турибмен. Бироқ Маҳмуднинг юраги бошқа бир қизда.

Хотинига қараган Арслон Эликхоннинг кўзларида норозилик чақнади.

— Шундоғ, — давом этди Олтун Тарим, — ҳозир унинг юраги севги ўтида ёлқинланмоқда. Мен уни синаб кўрдим, аҳволини тушундим. Эмди уни бу йўлдан қайтариб бўлмайду.

— Кимнинг қизи экан? — сўради Ҳусайн, — боя айтганингда калламга кирмаган эди.

Биби Робиа мийғида сирли табассум ўйнади, олтин қафас ёнига келди, бармоғи билан тўтининг қайрилма тумшугига нуқиб, эркалатиб қўйди ва эри томон юзланди.

— У Наврўзбулоқ ёнидаги маҳалла оқсоқоли Абдулкаримнинг қизи экан.

— Абдулкарим оқсоқол? Ҳалиги Абдулкарим битикчиму?

— Ўша.

Ҳар иккиси ҳам жимиб қолди. Абдулкарим оқсоқолни бу атрофда ким танимайди, дейсиз? Бу собиқ битикчи гарчи катта сарватманд бўлмаса ҳам, бутун Қашқарга маълум ва машҳур кишилардан бири эди. У Абу Наср Форобий, Арасту асарлари мутолаасидан илҳомла-

ниб фалсафий рисоалар ёзар, уйида махсус кечалар ўтказиб, суҳбатлар уюштирар, ерли мадраса талабаларига дарс ўтарди. Баъзан бўш вақтларида барбат чалиб, ўзи ижод қилган қўшиқларини оҳангга солиб айтарди.

Марҳум Юсуф Қодирхон унинг илму фазлидан хабар топиб, ўз даргоҳига чақириб, синовдан ўтказди ва маъқул келиб уни ўрда хизматига олди. Кейинроқ битикчи мансабига кўтарди. Шу боис бу собиқ кент оқсоқолининг номи “Абдулкарим битикчи” бўлиб кетди.

Юсуф Қодирхон вафотидан сўнг бу киши Сулаймон Арслонхон саройида унча узоқ қолмади. У шайхулислом Ҳисомиддин ибн Мусо билан чиқишолмай, хоқондан ўтиниб, хизматидан истеъфога чиқди-да, ўз кентига қайтиб кетди. Шу-шу, у маҳалла оқсоқоли бўлиб, улуғлар орасида кўринмай, тинч ва осуда кун кечирмоқда эди.

Бироқ Муҳаммад Бугрохон бу қисқагина вақт ичида вазифадор собиқ битикчига ихлосманд бўлиб қолган эди, онда-сонда у билан кўришиб турарди. Жумладан, Ҳусайн Арслон Эликхон ҳам бу билимли, аммо камтар кишини хурмат қиларди. Шунинг учун ҳам воқеъ бўлган гапларни Биби Робиадан уққач, ҳовуридан тушиб, иккиланиб қолди. Лекин, у габабидан қайтган бўлса-да, гапидан қайтмаган эди.

– Нелар дерсен, Робиа! Бошни оғритдинг-ку. Бўлди! Бўлмагур гапларни қўй.

– Не бўлганда ҳам, Маҳмуднинг раъйига қарамасак бўлмас, – Биби Робиа мулойимлик ва вазминлик билан, – биз уни иродамизга бўйсундириб, мажбурий тўй қилсак, кўнгулсиз турмушда йигит ҳам, келин ҳам бахт топмайдур. Мабодо, шундоғ бўлуб қолса, Тўғонхон бузургворга ҳам юзлашолмаймиз, ўзимиз ҳам хотиржам бўлмаймиз.

– Бўлмаса, сенингча не қилмоқ лозим?

– Менимча, энг яхшиси: Маҳмудга севган қизини олиб берайлик.

– Бироқ, бу қандайин мумкин бўлсун! – унинг яна газаби қайнади, – агар у хонлар сулоласидин бўлган бошқа бир қизни ёқтириб қолганда ҳам, айтганингдек қилсак мумкин эди. Абдулкарим ҳар қанча яхши одам бўлса-да, хон ёхуд тегин эмас. Буни ўйладингму?

– Ўйладим. Бироқ мен Маҳмудни ҳам ўйладим. Маҳмуд ақлли бола, у ҳам нобоп қизга кўнгул бермагандур.

Ҳусайн Арслон Эликхон унинг сўзини бўлмоқчи эди, Биби Робиа нозли имо билан уни тўхтатиб, сўзида давом этди:

– Қиз хонлар сулоласидин бўлмаса ҳам, ақлли, фазилатли бўлса ёмонму? Ўйлаб кўринг-а, хошам, ўғлимиз тақдири ҳам иккимизнинг тақдиримизга ўхшаш эмасму? Сиз ҳам мендек бир оддий боғбон қизига уйланган эдингиз-ку. Пушаймон қилдингизму? Мен ҳам асли хон сулоласидин эдимму?

Ҳусайн Арслон Эликхоннинг юраги ўйнаб кетди. Ширин хотираларнинг ҳикматли нури унинг юрагини илтиб, йироқ ўтмиш зулумотини ёритгандек бўлди. Йигитлик давронидаги унутилмас чароғон кунлари бир-бир кўз олдида намоён бўла бошлади.

У чоғларда Ҳусайн Арслон Эликхон мўйлови энди сабза бўлган ёш йигит эди. Куз фасли келиб қуёш қиздирган иссиқ кунларнинг сўнгисида Ҳусайн чериклари билан овдан қайтиб келаётган эди. Улар Қумбоғ тепалигига келиб тўхташган эди. Пастликка қарашса, қуюқ ям-яшил боғлар ва мазкур тепалик ён бағрига туташ ям-яшил чаманзор кенг кучоқ очган; қайнаб чиқаётган чашма ариқларга бўлиниб оқиб ётарди. Ҳусайн бундай хушманзара жойда бир кўниб ўтишга қарор қилди. Улар қурол-аслаҳа ва қўлга киритган ўлжаларини отларидан тушириб, бир боғҳовлига яқин бўстонликқа жойлашди.

Ҳусайн кенг ёйилиб оқаётган анҳор ёқасидаги мажнунтолларни кезиб юриб, атрофи шох-шаббалар билан ихоталанган бир боққа кўзи тушди. Қараса бир мўйсафид бўйига етган соҳибжамол қизи билан анор узиб, саватга жойлардилар. Бу қиз мана шу Биби Робианинг ўзи эди. Нотаниш ҳовлига ташқаридан қарашни адабга муҳолиф билган Ҳусайн дарҳол изига, қароргоҳига қайтди.

Орадан кўп ўтмай, мўйсафид ҳовлисидан чиқиб келиб, таъзим-тавозе билан ҳурмат билдирди. Ўзини таништириб, исмини Мулло Сайфиддин эканлиги, деҳқончилик, боғбонлик билан тирикчилик қилишини айтиб, уйига таклиф этди.

“Хўб такаллуфларига кўб ташаккур, — узр айтди Ҳусайн, — Биз овдин қайтиб келаётиб эдик. Баҳаво ерлар экан. Шу бўстонликда тунаб қолсак кифоя”.

Овчилар мулло Сайфиддинни тўрга ўтқизиб, давра қурдилар. Ҳусайн бир пиёла сув келтиришни айтган эди, Мулло Сайфиддин: “Сувни ўзим келтирай” — деб дарҳол ўрнидан туриб, уйига кириб кетди. Қизи Робиа вазиятни тушуниб, тезда бир анорни сиқиб, пиёлани тўлдирди-да, хумчага солиб отасига берди. Отаси уни Ҳусайнга олиб борди. Сув ўрнида анор шарбати берган оиланинг самимиятини ҳис қилган Ҳусайн яхшироқ синаб кўриш учун яна бир пиёла сув ўтинди. Мулло Сайфиддин таъзим билан изига қайтди.

Ҳусайн ўз одамларига қараб: “Бу аҳволни ўрдага етказсам, фуқарога анор солиғи солинса, барча вазир ва амалдорлар сув ўрнига анор шарбати ичса қандай яхши”, — деди.

Иҳота ортидан уларни зимдан кузатиб турган Робиа Ҳусайнни эшитиб қолди. Робиа отасига ярим пиёла шарбат тайёрлаб, хумчага кўйди ва бундай деди:

“Ота, қисмат ўзгараётир. Пиёланинг яримлиги билиниб қолса, улуғлар кўнглида фуқаро солиғини оширадиган бирор хаёл кечди чоғи, анордан баракат қочаётир, денг”.

Мулло Сайфиддин шарбатни олиб чиқди. Ҳусайннинг таажжуби ортиб шарбатнинг озайгани сабабини сўради. Мулло Сайфиддин қизининг айтганларини такрорлади. Ҳусайн ичида қизнинг ақли ва фаросатига тасанно айтди. Қалбида ишқ аланга олди. Бутун кеча Робиани ўйлаб, уйқуси қочди. Эртаси Мулло Сайфиддин билан хўшлашиб, йўлга чиқди.

Ҳусайн ўрдага қайтгач, бир неча кун ўтиб отасига воқеани ва Робиага бўлган муҳаббатидан сўз очди. Муҳаммад Буғроҳон (ҳали у ўша пайтларда Буғроҳон эмас эди) махсус одам жўнатиб мулло Сайфиддин билан қизи Робиани суриштирди. Маълум бўладики, Сайфиддин ўзи хўб ўқиган мулло бўлгани учун, орзули ёлғиз қизи Робиани ҳам ёшлигидан жиддий тарбия қилиб, Қумбоғ мадрасасида ўқитган. Ҳусайннинг отаси мулло Сайфиддин билан яқиндан танишгач, қизнинг фазлу камолоти, хусусан, Робианинг ўткир зеҳнига қойил қолган эди. Кейин қизни келин қилишга қарор қилди.

Бир куни ўрда совчилари мулло Сайфиддиннинг уйига кириб келишди. Мулло Сайфиддин қизи Робианинг бошини бағрига босиб, кўз ёши қилди. “Қизим, биз бир саҳройи, улар ҳукмдор қорахонийлар бўлса, улар билан қандоғ қудалашурмиз?” — деб ғамга чўмди. Робиа отасининг меҳрга лиммо-лим кўз ёшларини арта туриб шундай деди: “Ота, хон ўғли Ҳусайннинг бирон хунари бормукин? Илмаърифатни қанчалик эгаллаган? Шуни билинг. Киши йўқсул бўлса-да, билимли бўлмоғи даркор. Олтин-кумушлари тоғдек уюлиб ётса

ҳам билими бўлмаса, у бир ёввойи махлуқ сингаридир. Бундоғ одам ўзи бой бўлса-да, қалби гадой келади. Қалби гадой инсонга йўлиқиб қолишдин Аллоҳ ўзи сақласин. Менинг бирдан-бир умидим ва шартим шу!”

Мулло Сайфиддин совчиларга Робианинг айтганларини етказиб, зиёфат қилиб кузатди. Совчилар ўрдага қайтиб, Робианинг сўзларини баён қилишгач, хоқон ва тегинлар бу оддий кент қизининг ақл-фаросатига офаринлар ўқишди.

Эртасига совчилар яна боришиб, Ҳусайннинг Қашқар мадрасаларида илм таҳсил қилганлиги, зарур ҳунарларга эгалигини хоқон номидан кафил бўлишди.

Шундай қилиб, Ҳусайн билан Робианинг тўйи бўлди. Мулло Сайфиддин ҳам Озиқ кентига кўчиб келган, “Сайфиддин бузургвор” деб улуғланадиган бўлди. Орадан бир йил ўтиб, Маҳмуд дунёга келган эди. Кейинги чоғларда Робиа хон оиласида эътибор ва имтиёзга эришиб, шуҳрат қозонди. У барбат ва чилторни маромига етказиб чаларди. Ҳар қандай одамнинг дил торини титратиб, чилторини чатнатиб ашула айтарди. Шахматга ҳам уста эди, уйғур ва араб ёзувидаги китобларни ўқир, ўзиям бу ёзувларда турли назм – байтлар ёзарди. Олтуғ Тарим ўғли Маҳмудни ёшлигидан ўқитиб, турли ҳунар ўргатиб, Упол ва Қашқардаги олимлару олий зотларнинг таҳсинига сазовор даражада яхши тарбия қилиб вояга етказди. Сўнг Маҳмудни Соция мадрасасига ўқишга бердилар. Маҳмуд онасининг жиддий тарбияси орқасида илмга ташна, тиришқоқ, зеҳнли бўлиб камолга етди. Она кўмагида тафаккури юксалиб, иродаси мустаҳкамланди.

Биби Робиа Олтун Таримнинг меҳнати самараси ўғли билангина чекланиб қолмади. У эри Ҳусайнга ҳам кучли таъсир кўрсатди. Ҳусайн аёли тўқиган икки мисра шеърни такрорлашни яхши кўрарди:

Уёлма маърифатни ўрганурдин,  
Бўлур ҳолинг хароб қолсанг қатордин<sup>1</sup>.

Биби Робиа эрига абжад ҳисобининг ўзи топган бир янгича усулини ўргатди. Аёлининг зеҳнига борган сари қойил қолаётган Ҳусайн рақамлар билан жумла тузадиган бўлди. Қизиқиб пухта ўрганиб олди. Ҳусайн ҳам, отаси Бугроҳон ҳам бу абжад ҳисобини махфий ёзишмалар ишлатардилар.

Тоғ сувлари қуйига оққан сари кўпайганидек, вақт ўтган сари Ҳусайннинг Биби Робиага муҳаббати ортиб борди. Улар афсонавий ошиқ-маъшуқлар каби Тангри бирлаган мангу ажралмас жуфтлик эдилар. Ҳусайн бўш қолди дегунча, аёли ёнидан бир зум нари жилмасди. У китоб ўқиётган бўлса, Ҳусайн ҳам қўлига бир китоб олиб мутолаага бошлар, ёки унга китобни ўқитиб эшитарди. Олтун Тарим шеър ёзаётган бўлса, ёзганларини ўқиб кўрар, у бирор қўл иши қилаётган бўлса яна ёнида пайдо бўларди.

Биби Робиа гиламча тўқишга уста эди. У ўрдага келин бўлиб келса-да, бу ҳунарини ташламади. Эрининг қариндошлари, каниз ва хизматкорлар ҳам ҳайрон, шу пайтгача хоқонга келин бўлган бирор

<sup>1</sup> Ёзувчи Фарҳод Жийлон келтирган бу байт Сўфи Оллоёрнинг “Сабот ул-ојизин” асаридаги мазкур байтга жуда ўхшаш:

Уёлма маърифатни ўрганурдин,  
Танур жойинг бўлур қолсанг танурдин.

Чамаси, адибга Сўфи Оллоёрнинг катта таъсири бор шекилли, қаҳрамони тилидан бу байтни айттирган бўлса, эҳтимол (*Тарж.*).

Олтун Таримнинг гиламча тўқишини кўришмаган, эшитмаган эдилар. “Бекорчилик одамни кордин чиқарур, — дерди Биби Робиа уларга. — Ўқиш, ўрганиш ва ҳунар киши зеҳнини очур, руҳини юксалтирур”. Ҳусайн эса унинг гиламча тўқишига қанча термулса-да зерикмас, баъзида ўзи ҳам ёрдамлашиб юборарди. Бундай пайтларда бутун диққатини ишга жалб қилган Биби Робианинг нурли чеҳрасига, эпчил ҳаракатланаётган қўлларига, бармоқларига назар солиб, қалбида ажиб тотли туйғулар уйғонарди. Гўё Биби Робиа гиламчани эмас, балки икки дил риштасини мангу узилмас қилиб тўқиётгандек эди. “Мана шундоғ тўқувчилик, гиламчилик билан кун кечирадиган оддий эмгакчилар ҳақиқий севги лаззатини тотсалар керак”, — деб ўйларди Ҳусайн.

Кунлардан бир кун Биби Робиа Ҳусайнга деди: “Давлат ва бойлик вафосиз келади. Фалакнинг гардиши тескари айланиб, тож-тахт соҳиблари давлатдин мосуво бўлган, қудратли ҳукмдорларнинг ўзга элларда саргардон бўлиб юрган пайтлар тарихда кўп ўтган. Иншооллоҳ, бундай кунлар элимизда кўрилмасун. Шундоғ бўлса-да, аҳли дониш яхши кунлар келганда ёмон кунни унутмасликни уқтирурлар. Мабодо яхши куннинг ёмони бўлиб қолса (Қудрати улуг, карами кенг Қодир Эгам ўз паноҳида сақлағай!) ҳамма нарса битган тақдирда ҳам билим ва ҳунар ўлмайду, ҳурматли хожам. Сизда билим бор. Эмди ёнига ҳунар ҳам қўшилса қандайин яхши!”

Ҳусайн бундай гаплардан қаттиқ таъсирланарди. У ҳар қандай вазиятда ҳам гиламча тўқиб кун кечирини тасаввурига сиғдирилмасди. Лекин Биби Робиа билан бирга ишлаш маъқул туюлдими ё унинг кўнглини қайтаришни хоҳламадими, ҳайтовур, у деб-бу деб юриб, гиламча тўқишни ўрганиб олди.

Муҳаббатнинг тотли онларини кечирган сари Ҳусайн Биби Робиа билан андармон бўлиб, салтанат ишларига юзаки қарайдиган бўлиб қолди.

Айрим калтафаҳм аёллар бундан қувонар эдилар. Аммо Биби Робиа, аксинча, бундан хавотир ола бошлади. Бир куни Ҳусайнга деди: «Хожам, Бугроҳон отам сизни новвой қилиб етиштирган экан. Бошингизга кўтариб юрган саватда туганмас нон бор экан. Иштаҳа бўлганда шундоғ олиб еркансиз. Новвой қаддини тик тутиб, текис йўлда юрмаса, бошидаги сават тушиб кетиб, ноннинг булғаниши турган гап. Бошингиздаги сават қия кўринур. Эҳтиёт бўлмасангиз, саватнинг ағдарилиш хавфи бор”.

Аёлининг бу тагдор сўзларидан Ҳусайн хижолат тортиб, тезда ҳушини йиғиб олди. Хизматига яна аввалгидек жиддий киришиб кетди.

Кунларнинг бирида ҳақиқатан ҳам тилларда дoston бўлгудайин фавқулодда воқеа бўлди. Ҳусайн фуқаро аҳволини кузатиш учун икки эшакка ўтин ортиб, ўтинчи қиёфасида мискин маҳаллаларни оралай кетди. Йўл бўйи ўтинга бир неча харидорлар ҳам чиқди.

“Ўтун қанчадин бўлди?”

“Чоғлаб берарсиз.”

“Бир эшак ўтунга икки ёрмоқ берай.”

“Кам тиламанг?”

Ҳусайн эшакларни олдига солиб, кўчама-кўча кезиб сотувчи, қас-соб, новвой, ҳунармандлар билан учрашди, гап-сўзларига кулоқ солди; муштумзўрлик, аёнларнинг хиёнатлари ва порахўрликлардан воқиф бўлди. Ниҳоят кеч кириб, бир кабобчининг дўконига келиб қолди. Кабобчи унга бақирди:

“Ҳей ўтунчи, ўтун қанча?”

“Чоғлаб беринг?”

Кабобчи Ҳусайннинг тўлагина гавдасига тикилиб, ёрдамчисига: “Роса бақувват экан”, – деб шипшиди. Ҳусайн кабобчининг нияти бузуқлигини пайқаб, тумоғини бостириб кийди-да, уни синаб кўриш учун «қани, не бўларкин», деган хаёл билан нархига талашмай ўтинни сотди. Кабобчи унга ўтинни болохонага тахлаттирди. Вақт хуфтондан ўтиб қолган эди. Кўчада кишилар ҳам қолмаган. Кабобчи Ҳусайнга: “Ҳой ўтунчи, бу ёққа кириб қурсоғингни тўйғизиб ол”, – деди-да, дўконнинг бир бўлмасидаги хонтахтага тўрт сих кабоб билан чой қўйди. Ҳусайн кабобчи ва малайлари афт-башарасидан қандайдир бир шумлик сезиб, иккилашиб қолди. Шу пайт дўкон ичкарисиданми ё ер тагидан, қандайдир қаттиқ дупурлаган, гумбурлаган овозлар эшитилди, худди бир неча киши кураш тушаётган, ёки урушаётгандек, эркак кишининг дод-фарёди эшитилгандек бўлди. Бўғиқ овоздан айрим сўзларни фарқласа бўларди: “Мени қўйворинглар... Мен қул эмас... бормаймен... Ҳур одаммен. Тутиб олиб сотишаётир, халойиқ!”

Овозни эшитган Ҳусайн қарахт бўлиб қолди. Шу тобда ўтинчи суратида юрганини ҳам, бу ерда ўзи ёлғиз эканини ҳам унутди.

“Бу не қилганларинг?”, – бақириб юборди Ҳусайн кабобчига газаб билан.

“Сенинг ишинг бўлмасун? – деди кабобчи ўшшайиб, – сенга йўл бўлсун бизнинг ишга аралашишга, бадбахт ўтунчи...”

Ҳусайн унинг ёқасидан тутди. Кабобчи четда турган икки малайга бақирди:

“Тутинглар, бу аблаҳни! Ерости зиндонга ташланглар!”

Ҳусайн улар билан қаттиқ олишган бўлса-да, кучлар нисбати тенг эмасди. Кабобчи билан икки малай унга шундай чанг солишдики, уни судраб дўкон ичига тортиб кетишди. Кейин учови шундай зарба беришдики, Ҳусайн дўконнинг қоронғу бир бурчагига учиб кетди. Энди ўзини ўнгламоқчи бўлиб зўрға турганида эшик тагидаги жой очилиб кетиб, кабобчининг ер ости зиндонига тушиб кетди. Қараса, бу махфий зиндонда тузоққа тушган ўнлаб азаматлар ётишарди. Ҳаммасининг оёқ-қўлларига занжир-кишан солинган.

Бу зиндон жой чорси шаклида хийла чуқур қовланган ер ости омбори бўлиб, боя Ҳусайн тушиб кетган тешикдан бошқа ҳовлининг орқа томонига чиқадиган тош зинали эшиги ҳам бор эди. Ҳозиргина гумбурлаган овозлар шу ердан эшитилган эди. Тош зинада учтўрт одам бир ёш йигитни уриб, тепиб, юқоридаги эшик томон судрарди. У йигит эса, жон-жаҳди билан: “Мен қул эмасмен” деб юлқинарди. Зина ёнида турган бир кишининг қўлидаги машъала бу мудҳиш манзарани ёритиб турарди.

Шу орада ялтироқ ипак тўн кийган қорни катта бир киши: “Бўлди, олмаймен”, – деб эшик томонга ўгирилиб зинадан чиқиб кета бошлади. Эчки соқол ориқ киши кафандек осилиб турган яктагининг узун энглари саланглатиб қориндорнинг олдидан тўсиб чиқди:

“Тақсир, тақсир, баҳосини тушириб берурмен. Булар ҳаммаси ишга ярайтурган қуллар, ҳаммаси ёш, соғлом...”

“Йўқ, тақсир, – деди қориндор кинояли тарзда, – булар асли қул эмас экан, сиз тузоққа туширгансиз уларни. Эмди буларни сотиб, олтин-кумушга эга бўлмоқчисиз”.

“Сиз ҳам фойда олурсиз, арзонга берай, дедим-ку. Уларни бошқа юртларга олиб бориб юқори баҳода сотурсиз.”

“Йўқ, йўқ, олмаймен. Мен кетдим.”

“Ўтган гал гап-сўзсиз тўрт одамни сотиб олган эдингиз-ку.”

“Лекин бугун манави янги туткун (Ҳусайнни кўрсатди) тепада, дўконда тўполон кўтарди. Маҳкама назоратчилари хабар топса, чериклари билан келиб қолишлари мумкин. Вақтида кета қолай.”

У чиқиб кетди.

“Бу ердин қутулиш осон эмас, шекилли”, — деб ўйлади Ҳусайн қаттиқ оғриб турган курагини авайлаб. Эчки соқолли киши (Ҳусайнга аён бўлдики, бу разил одам ўғрибоши эди) савдоси юришмаганидан асабийлашиб, чирқироқ овозда кабобчини чақирди. Кабобчи тош зинадан тушиб келди.

“Кўрдингму, манави хумпар савдомизни бузди, — дея ўғрибоши зарда билан Ҳусайнни кўрсатди, — қара, унинг қовоғи ёмонлигини! Алфозидин, бошимизга бало бўладиган. Уни тинчит, ўлдир. Жасадини қопга тиқиб, тун ярмида дарёга ташла!”

Кабобчи қон тўла кўзларини чақчайтириб, енгларини шимариб, пичоғини тишлади-да, Ҳусайнни чуқурлик томон судради. Зиндондагилар исён кўтариб: “Бу бечоранинг бир қошуқ қонидин кеч” деб ёлворишарди. Кабобчи уларга эътибор қилмай, Ҳусайнни боғлаб, пичоғини қўлига олди. Шу чоғ Ҳусайн товушини чиқариб деди:

“Вой, эссиз, хунарим! Мени бекорга ўлдира берасизларми, ўлим сизларга не наф берур? Шу одамлар билан хунар қилсам кўп фойда оласизлар”.

“Қандоғ хунаринг бор? Тез айт!”, — деб бақирди ўғрибоши.

“Гиламча тўқиймен.”

Ўғрибоши ишораси билан кабобчи пичоғини қайтарди.

Эртаси куни бу одам ўғрилари тўқиш учун керакли нарсаларни тайёрлаб беришди. Уч кеча-кундуз деганда Ҳусайн чиройилигидан ўтдек чақнаб турадиган гиламча тўқиди. Унга ханжар тишлаб турган мушукнинг йўлбарсга ташланаётган ҳолати тасвирланган эди. Ҳусайн сурат гирдига — гуллар қатига асирликда қолганини билдириб сирли ёзув битди.

Ўғрибоши билан кабобчи хурсандлигидан терисига сиғмай кетишди.

Ҳусайн уларга бундай деди: “Ўрданинг гиламча сотиб олиш тўғрисидаги эълонини кўрган эдим. Гиламча тўқишга керакли нимарсаларни тўлиғича сотиб олиш учун ўтун сотқали чиққан эдим. Гиламчаларни хоннинг келини Биби Робиа сотиб оларкан.”

Ўғрибоши ўзича: “У тўқиган гиламчаларни ўрдага сотиб, тилло деганни лаганлаб олурмен!”, — деб ўйлади-да, Ҳусайнга буйруқ берди: “Дарҳол иккинчисини тўқи.”

Ўғрибоши бир малайига гиламчани кўтартириб ўрдага жўнади. Ҳусайннинг тўсатдан ғойиб бўлганидан хавотирга тушган ўрда аҳлида эчки соқолли кишининг осмондан тушгандек қандайдир “хоннинг гиламча сотиб олиш эълони” тўғрисида оғиз очгани, яна келиб, гиламчани Биби Робиа шахсан ўзи сотиб олармиш, дегани шубҳа уйғотди. Хон эса ҳеч бундай эълон чиқармаган эди-ку?! Ўрда амалдорлари “бунинг тагида бир гап бор” деб хушёр тортиб, гиламчани Биби Робиага кўрсатишди. Биби Робиа гиламчадаги гул чиқариб битилган сирли жумлаларни ўқиди ва йўлбарсга чанг солаётган мушук суратидан бор гапни тушунди.

Гиламча олиб келган ўғрибоши билан малайи дарров қўлга олинди. Муҳаммад Йўғон Тегин амри билан отлиқ чериклар кабобчи дўконига бостириб бориб, Ҳусайн ва бошқа тутқунларни озод қилди.

Икки кун ўтиб Қашқарнинг бош қозиси шундай ҳукм чиқарди: “Тиканки, бош кўтарса мамлакат гулзоридин, сиёсат тиғи бирла бошини узмак керак!” Шу ҳукмга биноан эчки соқолли ўғрибоши би-

лан кабобчи халқи олам олдида сазойи қилиниб, гуноҳқор бошлари фосиқ танларидан жудо қилинди.

Шу воқеа юз берганидан кўп ўтмай Муҳаммад Йўғон Тегин тавсияси билан Юсуф Қодирхон бутун қорахонийлар ҳудудидаги фуқарога шундай фармон чиқарган эди:

*“Ҳозирдин бошлаб ҳар бир ёшининг илм-ҳунар ўрганишини вожиби буйруқ деб эълон қилгаймен. Ҳаётлиқдин мамотлиққача ҳар ким илму ҳунар ўрганиб ўзини қадрласун. Кимки илму ҳунар аҳлидин бўлишга одатланмас экан, солиқнинг кўп қисми алардин олинсун. Мундоғ кишилар ўзини ўзи хор қилғучилардур!”*

Бу фавкулудда воқеа ниҳоятда тез шаҳару қишлоқларга тарқалиб, тилдан-тилга, авлоддан-авлодга ўтиб сўзланадиган ривоятга айланиб кетди.

Шу воқеа сабаб Биби Робианинг хон оиласидаги нуфузи янаям ошди. Хусусан, Ҳусайннинг унга бўлган эҳтироми янада чуқурлашди. Биби Робиа Олтун Тарим ўғли Маҳмуднинг муҳаббати тўғрисида сўз очиб, Ҳусайнга ўтмишдаги шу ажойиб кунларни эслатган эди. Улар ўз муҳаббатларининг нурли солномасини варақлаб анчагача жим қолишди.

— Ҳа, — деди охири Ҳусайн хаёлчан бўлиб, — ўтмишда ҳақиқатан унутилмас ишлар бўлуб ўтган... Унутилмас кунлар...

Биби Робиа индамади.

— Бироқ Маҳмуднинг ишини эмди не қилмоқ керак?

Биби Робиа ҳамон жим эди.

— Бугрохон отам ранжиб қолса-чи? — деди яна нотинчланиб.

Биби Робиа шунда гап бошлади:

— Аҳволни обдон тушунтирсак ранжимас.

— Кичик амаким-чи?

— Тўғонхон бузургвор фозил одам. У киши ҳам масалани тўғри англагай.

Ҳусайн Арслон Эликхон боши қотган ҳолда ерга қараб жим бўлди. Биби Робиа Олтун Тарим яқинроқ келиб, эрининг елкасига аста кўлини қўйди:

— Ҳар нечук вазминроқ бўлайлик, — у Ҳусайнга мулойимлик билан қараб, — аввал у қизни суриштирай, ўзи билан кўришиб, сўзлашай, синаб кўрай...

## МАҲМУД КОШГАРИЙ

Орадан икки йил ўтди....

Чавандозлардай енгил ва ихчам кийинган Турумтой бўсагадан ҳатлаб кириб, Олтун Тарим Чўлпонойга таъзим қилди:

— Маҳмуд ибн Ҳусайн ҳазратлари буюрганидек, Артугча<sup>1</sup> боришга тайёргарлик кўриб қўйдим, — деб хабар берди, — отлар эгарланди. Навкарлар амрларини кутмоқда.

Чўлпон аросатда қолди. Маҳмуд азондан ижодга боши билан шўнғиб кетган эди. У шу қадар берилиб кетган эдики, бутунлай ўзини унутган эди. Эртадан кечгача ёзар, китоб кўрар ва қўлёмаларни титкиларди. Гоҳ хаёл сурар ва яна ёзарди. Ижодга бундай жидду жаҳд билан киришганига бир йилдан ошди. Бу орада бир неча марта тил текшириш учун Қашқар атрофидаги қишлоқ-кентларни айланди. Барсғон-

<sup>1</sup> А р т у ч — ҳозирги Отуш шаҳри. Сотуқ Бугрохон туғилган ниҳоятда хушманзара жой. М.Кошгарий «Девон»ида бу сўзга «ар-ар дарахти, қора арча; Қашқарда шу номда иккита қишлоқ бор» деб изоҳ берилган (*Тарж.*).



га ҳам бориб келди. Ҳар сафар бир талай қўлэзма қоралаб қайтарди. Бундай қўлэзмалар токчаларга тўлиб кетган эди.

Кеча Маҳмуд Чўлпонга: “Чарчабмен. Тафаккур қилишим оғирлашиб қолмоқда. Бир оз ором олмасам бўлмайдигандек. Артуғча борайлик. Аввал Сотуқ Бугрохон мазорини зиёрат этиб бир неча кун сайр қилурмиз”, — деганди. Эр-хотин шунга келишгач, Маҳмуд Турумтойни чақириб, сафарга чиқиш учун йўл ҳозирлигини кўриш лозимлигини айтган эди.

Шу боис Турумтой Чўлпонойга сафарга ҳамма нарса тайёрлигини айтиб келган эди. Маҳмуд эса тонг саҳардан ижодга киришиб, хонасидан чиқмаган эди. Чўлпон бундай вақтда унинг диққатини бўлмас эди. Турумтойнинг хабарини эшитиб: “Маҳмудга хабар қилсаммикин ё ўзи чиққунча кутиб турсамму?” дея иккиланиб қолди.

Чўлпон ҳам, Турумтой ҳам бироз жим қолиб, Маҳмуднинг ижодхонаси томон қулоқ солдилар. Чўлпон оёқ учида келиб, эшикни оҳиста очиб мўраллади. Маҳмуд хонтахтага энгашганча қалам тебратарди. Қошлари чимирилган, кўзлари ўйчан, чуқур тафаккурга чўмган эди.

Чўлпон изига қайтиб кетмоқчи бўлиб, эшикни ёпай деб турганда Маҳмуд бошини кўтариб, уни кўриб қолди ва ҳорғин жилмайди. Чўлпоной унинг олдига қайтиб кирди.

— Турумтой сафар тадориги битганини айтди, — деди Чўлпон унинг ёнига келиб.

Маҳмуд дастлаб гап нима ҳақда кетаётганини тушунмай таажжуб билан унга тикилди. Кейин дарров эсини йигиб олиб деди:

— Ҳа, рост, рост! Артуғча бормоқчи эдик-ку! Ёдимдин чиқиб кетганини қаранг-а.

У яна жимиб қолди. Кўнглидан бир нималар кечириб, Чўлпонга яна кулиб қаради.

— Бўлди, Артуғча бормаймиз, — деди у. — Ҳеч қаерга бормаймиз. Кел, ёнимда ўтир.

Чўлпон эшик томонга кўз ташлади.

— Турумтой сизнинг буйруғингизни кутиб турибди-ку.

— Унга сафар қолдирилди, деб айтиб қўй.

Чўлпон чиқиб кетди.

Маҳмуд уйлангандан сўнг Ўпол диёрининг хўжайини бўлиб қолган эди. Уни Ҳусайн Арслон Элиқхон ўғлига бериб, Барсғонга кетган, одатда, муҳим иш бўлмаса Ўполга келмас эди. Маҳмуд ҳукмдорликка қизиқмас, барча ишларни, асосан, қопуғбоши бошқарарди. Маҳмуд ўзини бутунлай илмий ижодга бағишлаган эди.

Чўлпон Турумтойга сафар қолдирилганини айтиб, қайтиб кирди. Маҳмуд ўрнидан даст туриб деворга осиглиқ барбатни олиб, хонтахтадан четроққа чордона куриб ўтирди.

— Кел, Чўлпон, бир кўшиқ айтайлик.

Чўлпон яқин келиб ўтирди ва ичида: “Ёзаётган асари ўнглиниб бораётган, чоғи”, — деб ўйлади. Маҳмуднинг руҳиятидаги ҳар бир ўзгаришни Чўлпон билмай ким билсин! Унинг хушнудлигию қайғусини Чўлпон тушунмаса ким тушунсин! Дарвоқе, Маҳмуд бугун бўлақча бир шодликка тўлган эди. Дарҳақиқат, шодлигининг сабаби Чўлпон ўйлаганидек бўлиб чиқди.

— Кўбдин бери бошимни қотириб келаётган бир қийин масалани ҳал қилдим, — деди Маҳмуд. — Эмди ёзишим кўп равонлашди. Худо хоҳласа, келаси ойгача тамомлаймен.

Ҳаяжондан унинг овози пасайиб, ўйчан кўзлари чақнаб кетди. У севинчи ичига сиғмай Чўлпонга жилмайди. Маҳмуд хурсанд бўлса хурсанд бўлиб, қайғурса тенг қайғурадиган Чўлпоннинг кўнгли тоғдек ўсиб, хонтахта устидаги даста-даста қоғозларга назар ташлади. Маҳмудга ҳимарилибгина сурилиб, нозли табассум билан боқди.

— Қани, Чўлпоной, қўшиқ айтгин.

Маҳмуд ўнг қўлининг энгини шимариб торларни чертди. Барбат садоси жаранглаб кетди. Чўлпон ўзи тўқиган қўшиқни айта бошлади. Маҳмуд унга ҳавасланиб қараб мийиғида кулди, бошини ирғаб, унга рағбат бағишлади. Чўлпон барбатни янада берилиб чалди. Қўшиқ айтган сайин ҳиссиётли кўзларда жўшқин муҳаббат учкунлари порлай бошлади. Бу бахтиёр жуфт ишқ уммонининг оловли тўлқинларида жўш уриб, висолдан сармаст умргузаронлик қилмоқда эдилар.

Турумтой ташқарига чиқиб, бино атрофидаги гулзор оралаб кетаётганида ногоҳ хўжайини Маҳмуд ижодхонасидан таралаётган барбат навоси ва қўшиқни эшитиб, беихтиёр тўхтаб қолди. Яқин келиб қулоқ солди, мийиғида кулиб, бошини чайқади. “Бу ошиқ-маъшуклар умр бўйи бир-бирига қонмай ўтади, чоғи, — дерди у. — Бўш вақт бўлди дегунча соз чалиб, қўшиқ айтишади. Баъзан ёшликдаги шўхликларни эслаб, бир-бирини қитиқлайдими-ей, ҳайтовур, қийқириб, қий-тўполон қилишади. Лекин бугун не бўлди уларга? Артувча борурмиз, деганди. Йўл ҳозирлиги битганда қароридин қайтиб, қўшиқ айтишяпти. Нега мунча хушқол бўлаётганига ақлим лол”.

Турумтой бошини чайқаганча, гангиб ўзига ўзи гўдраниб, у ердан йироқлашди. У ичкари ҳовли дарвозасидан чиқди-да, навкарларни сафга тизиб, шай турган тархонга сафар қолдирилганини айтди. Тархоннинг қош-қовоқлари уйилиб дўмсайиб қўйди. Лекин ломим демади, навкарларни дам олишга қўйиб бериб, ўзи ҳам чиқиб кетди.

Кейинги кунларда Маҳмуд ижодхонасидан на қўшиқ, на соз, на кулги эшитилди. Қалъадагилар хожаларининг тўсатдан жимиб кетганидан ҳайрон эдилар. Маҳмуд одамлар билан кўришмас, ижодхонасидан ташқари ҳеч қаерга чиқмас, кечалари ҳам алламаҳалгача чироғи ўчмасди. Эртаси нонуштага чиққанида унинг қовоқлари осилган, кўзлари қизарган бўларди. Дастурхон атрофида жам бўлганда ҳам ортиқ сўзламас эди. Мудом хаёл суриб ўтирар, емак тамом бўлмай туриб, ирғиб турарди-да, ҳеч кимга, ҳатто Олтун Тарим Чўлпонга ҳам бир сўз демай хонасига шошиларди. Ҳузурига Чўлпон билан хос маҳрами Турумтойдан бошқа ҳеч ким доримас, Маҳмудни сўраганларга Турумтой:

— Ёзаётир, — деб қўя қоларди.

Маҳмуд кейинчалик Чўлпонни ҳам бекор қўймади.

— Кўчиришиб юбор, Чўлпон, — деди у.

Энди икковлашиб қалам тебратиб кунни кеч қилардилар. Маҳмуд ёзар, аввал ёзган қораламаларни тузатар, Чўлпон унинг қўлидан чиққан нусхаларни оққа кўчирарди.

Шу зайлда кунлар, ойлар ўтди. Иссиқ фасл тугаб, совуқ тушди, қор ёғди. Қиш кунларининг бирида Маҳмуд яна сафарга отланди. Бу галги сафари Артувча эмас, Қашқарга эди. Турумтой хўжайин яна қароридин қайтиб қолмасмукин, деб иккиланиб Маҳмудга разм соларди. Бу гал Маҳмуднинг гап-сўзлари қатъий, ўзини тутиши жиддий эди. Улар тез отланиб, навкар ва маҳрамлари билан Озиқ қалъасидан чиқди-да, йўлга равона бўлди.

Қашқарга етиб келишгач, Маҳмуд ҳеч нимага қарамай, кекса ус-този шайх Ҳусайн ибн Халаф ҳузурига шошилди. Оқсоқол мударрис

суюкли шогирдини кўриб жуда хурсанд бўлиб кетди. Кучоқлашиб ҳол-аҳвол сўрашишгач, Маҳмуд муддаога ўтди:

— Муҳтарам устоз, охири марта учрашганда асар битгач кўришишга ваъдалашиб эдик. Тенгри таоло мадади билан бу оддийгина эмгагимни ёзиб битирдим.

Маҳмуд олиб келган тугунини хонтахта устига қўйди-да, яшил шойи рўмолни ечиб, қалин бир даста қўлёзмани олиб, икки қўллаб устозига узатди. Шайх ҳам қўлёзмани икки қўллаб олди. Маҳмуд устозининг фикрини сабрсизлик билан кута бошлади. Ҳусайн ибн Халаф қўлёзманинг илк саҳифасига ёзилган сарлавҳани овоз чиқариб ўқиди:

— «Китоби жавоҳирун наҳв фи луғотит турк».

Дунёга келган бу асарга устоз яхши баҳо бермаса-чи? Шунинг учун Маҳмуд масрурлик, ҳаяжон, хавотир аралаш туйғулар ичра дами ичига тушиб ўтирарди.

Ҳусайн ибн Халаф бош кўтармай бир неча саҳифани кўздан кечирди. Маҳмуд икки оғиз гапиришни мувофиқ топди.

— Муҳтарам устоз, мазкур асарни ёзишда фақирга берган бебаҳо таълимлари, йўл-йўриқ ва кўрсатмалари қибланамо вазифасини бажарди. Дуч келганим кўб масалаларни бартараф қилишда доно фикрларига таяндим. Асарнинг дастлабки нусхасини кўриб чиққанларидин сўнг айтган фикрларига мувофиқ бир қанча тузатиш киритдим. Лекин баъзи бир ўринларда ўз фикримда қолдим. Густохлик қилиб хато қилган бўлсам, камина шогирдларини авф этгайлар ва тўғри йўл кўрсатгайлар.

Шайх бу шогирдидан хурсанд бўлди.

— Яхши асар бўлганлигига ишонурмен, — деди у, — дастлабки нусхаси ҳам хийла тузук эди. У ҳақдаги долзарб масалалар устида иккимиз гаплашган эдик. Дарвоқе, бунда туркий тил илмида ҳозиргача кўрилмаган янги қарашлар ўртага қўйилган.

Маҳмуд эҳтиром билан бошини эгиб, ўрнидан кўзгалиб қўйди.

— Муҳтарам устоз, ўтган гал муҳокама йиғини тўғрисида сўз очган эдингиз...

— Шундоғ, — деди шайх, — Қашқардаги тилшунослар ва бошқа олимларни таклиф қилиб, муҳокама ўтказиш керак. Бу ишни ўзим уюштирурмен.

Улар шунга келишиб хайрлашди.

Ҳусайн ибн Халаф муҳокамага тайёргарлик кўришга киришди. Ўрда котиблари ва Сочия мадрасаси талабаларидан йиғирма кишини тўплаб, ҳар бирига янги асарни бир нусхадан кўчиртиришга ҳам икки ҳафтадан ортиқ вақт кетди. Шайх йиғинда иштирок этадиган кишиларни белгилаб, уларга кўчирилган нусхаларни тарқатди.

Бир ҳафтадан сўнг, Сочия мадрасаси кутубхонасида янги асар муҳокамаси бўлди.

Маҳмуд Қашқарга келиб, Ҳасан Тегиннинг уйида турмоқда эди. Ҳасан Тегин, гарчи Маҳмуднинг отаси тенги бўлса ҳам, улар яхши чиқишарди. Сулаймон Арслонхоннинг бу ўғли маърифатни қадрлагани боис илм аҳлини ўзига яқин тутарди. Жумладан, Маҳмудга ҳам бўлакча ихлос билан қарарди. Шунинг учун муҳокамага Маҳмуд билан бирга келди.

Маҳмуд Сочия мадрасасига яқинлашгач, талаба бўлган даврини эслаб кетди, ўша илиқ хотиралар унинг қалбига ёқимли ҳарорат берди.

У мадраса деворларига қараб севинар, равоқларига меҳр билан термиларди.

Унинг кўз олдига машҳур билим юрти маҳобатли қад кўтариб турарди. Унинг суюкли она мактаби! Маҳмудга билим бериб, қалбини мунаввар этган маърифат маскани!

Ҳазрати Сотуқ Бугроҳон жаннатмакон Қашқар шаҳрида Ислоҳ динини ўрнатгач бу маҳсус маърифат масканини барпо қилган эди. Орадан салкам юз йил ўтди. Равнақ топиб келаётган бу ҳашаматли мадрасада қанча олимлар илмий ижод билан шуғулланди! Қанча ижтиҳодли талабалар маърифат кўкига парвоз қилди! Шу мадрасадан, шу нақшинкор дарвозадан турли фанларнинг етук мутахассислари, буюк арбоблар шахдам қадам билан чиқиб келдилар. Ҳамон бу анъана давом этмоқда.

Маҳмуд мадрасанинг турли қавариқ, ботиқ ғишлар билан шакл берилган деворларига кўз югуртириб ичкарига кирди. Йигин иштирокчилари эшик ва деразаларига нақшинкор кутубхонада жам бўлдилар. Ҳусайн ибн Халаф йигинга раислик қилди.

Маҳмуд Абдулғаффор Алмайидек атоқли олимнинг ташрифидан хурсанд бўлиб, қалбида ифтихор туйди. Бу ҳурматли зотнинг “Қашқар тарихи” асари Маҳмудга бутунлай ёд бўлиб кетган эди. Унинг “Шоҳ луғати” китоби эса, Маҳмуднинг мазкур йигинга тақдим қилинган асарини ёзишда муҳим манба бўлган эди.

Йигинда барча олимлар “Китоби жавоҳирун наҳв фи луғатит турк” асари устида муҳокама олиб бордилар. Умуман, бу асарга юксак баҳо берилди. Баъзилар бунини “Туркий тил илмида ўзгача тадқиқот усули қўлланган асар” деса, баъзилар “уйғур-қарлуқ адабий тилини ўрганиш, тадқиқот қилиш учун муҳим қўлланма” деб ҳисоблади.

Музокара қизгин кетаётганда шайхулислом Ҳисомиддин ибн Мусо кириб келди.

— Хонзода Маҳмуднинг асарини мен ҳам ўқиб чиқишга улгурдим, — деди у йигин иштирокчиларига. — Мен бағоят шодмен, жаноблар. Буюк хонларимиз фарзандларидин шундоғ оқил ва қобилият эгалари етишиб чиқаётганидин бағоят шодмен. Унинг устига, — давом этди у, — бугунги йигин фақир учун юртимиз аҳли донишлари билан учрашишга имкон берди, фақир шу боис ҳам жуда хурсанд бўлдим.

— Доно фикрларидин мамнунмиз, муҳтарам ҳазрат, — деди Ҳусайн ибн Халаф.

Асар устида хийла тортишдилар. Ниҳоят, унинг илмий аҳамияти очиб берилди.

Шайх Ҳусайн ибн Халаф атрофга мамнун назар ташлаб мурожаат қилди:

— Муҳтарам жаноблар! Маҳмуд ибн Ҳусайн ука тағитнинг мазкур асарига муносиб баҳо бердик. Муҳолиф фикрлар ўртага қўйилмади. Шундоғ экан, бу асарни кўпайтириб, китоб қилиб тарқатсак деган таклифни ўртага қўймоқчимен.

— Маъкул, шундоғ қилиш керак!

— Албатта, шундоғ қилиш зарур!

— Яхши хаттотларни уюштириб, кўчириб кўпайтиришни бошлайверайлик.

— Муҳтарам аҳли уламо, — деб сўз олди тарихчи ва тилшунос Абдулғаффор Алмай. — Фақир шундоғ таклиф қўймоқчики, бу асарни мадрасаларга уйғур-қарлуқ тили дарслиги қилиб қўлласак қандоғ бўлур?

— Кўшилурумиз.

— Қўллаймиз.

Шу пайт Ҳисомиддин ибн Мусо сўз олди:

– Фақирни ўйлантриб келаётган бир фикри бор. Билмадим, сиз жанобларга маъқул бўлурму, йўқму, – деди у, – асар яхши ёзилган-лиғига фақир – қойил, бунга қилча эътирозим йўқ. Мен бошқа масалани сиз азизларнинг эътиборига ҳавола қилмоқчимен. Хонзода Маҳмуднинг асарини китоб қилиб тарқатишга мен ҳам қўшилурмен. Албатта, шундоғ қилиш керак. Лекин мўъминлар учун энг муҳими – дин. Мадрасаларда фақат диний дарслар ўтилгани маъқул.

– Бўлмаса, илм-фан ишларини бир четга суриб қўямизму?

– Йўқ, йўқ, – деди Ҳисомиддин юзига кулги югуртириб, – илм-фанга ҳавас қилғувчилар ундоғ асарларни ихтиёрий ёзса ёки ўқиса бўлур, лекин мадрасаларда ...

Даврада норозилик аломатлари уч бера бошлади.

– Мадрасаларда фанний билимлар ўқитилмасин, деб қайси китобда ёзилган? Куръони каримда шундоғ гап борму ё Ҳадиси шарифда?

– Ёш авлод фанний билимларни мактаб ва мадрасаларда ўрганмаса, қачон ўрганур?

– Билимсиз одам бора-бора динни ҳам тўғри тушунмайдиган бўлиб қолур. Дин билан хурофотнинг фарқини ҳам айиролмай қолур.

Олимларга ҳурмат юзасидан сукутда ўтирган Маҳмуд энди тоқат қилолмади.

– Билим олиш фарз ва суннатдур, – деди у, – Бандалар Аллоҳ таоло яратган махлуқотни ва жамиятни фанга таяниб тушунурлар. Кимки фан деб аталмиш мунаввар машъалани қўлдин берса, жаҳолат қоронғулиғида тентираб, охири гумроҳликка юзланур.

– Билимсиз одам гўё кўзи очиқ кўр, – деб унинг сўзини қувватлади Абдулғаффор Алмай. – Билимсиз одам ёруғ дунёнинг ҳақиқий бахт-саодатидин маҳрумдур.

Ҳисомиддиннинг ранг-рўйи ўчиб кетди ва насиҳат қилган оҳангда сўзлади:

– Кимки чин дили билан Аллоҳга топиниб, Аллоҳдин тиласа, ўшалар нусрат топур. Аллоҳ мўъминларнинг тилагини ижобат қилур, мурод-мақсадларига еткузур.

Шайх Ҳусайн ибн Халаф бу тортишувни тугатмоқчи бўлиб кескин бундай деди:

– Ниҳоятда шафқатли ва меҳрибон Аллоҳ инсонга ақл-фаросатни бекорга бермаган. Кимки Аллоҳ берган шу ақлига таяниб, ўқиш, ўрганиш орқали нусрат топиш йўлини тутмаса, унинг ғафлат ичида қилган дуо-тилаклари ижобат бўлмайдур. Ўз билимини ва кучини ишга солмай, ҳамма нарсани Аллоҳдин тилайвериш динимизнинг ақидаларига хилоф. Аллоҳ бу тоифа бандаларини азиз тутмас.

Йигин иштирокчилари маъқуллашди:

– Шундоғ, шундоғ!

– Тўғри!

– Доно фикр!

Баъзилар ҳамон жим ўтирган Ҳасан Тегинга ер остидан қараб қўйишди. Айниқса Ҳисомиддиннинг охирги умиди Ҳасан Тегинга боғлиқ бўлиб қолди. Чунки у Сулаймон Арслонхоннинг катта ўғли, тахт вориси бўлгани боис мамлакатда мавқеи баланд эди. Шунинг учун мунозарачилар унинг фикри билан ҳисоблашардилар.

Кутилганидек, Ҳасан Тегин ўз фикрини очиқ баён қилиб, мунозарага нуқта қўйди.

– Хонлигимизнинг ўтмишдаги барча пешволари билимли бўлишни энг муҳим ва зарур ишлар қаторида тутган, – деди у, – раҳматли

Юсуф Қодирхон каби олий зот ҳам, агар ёдингизда бўлса билимсиз, ҳунарли бўлмаганлардин кўпроқ солиқ олишни қонун билан белгилаб қўйган эди. Ота-боболаримиз илм-фанга шундоғ эътибор қаратган экан, магар бу бардавом бўлса, юртимиз яшнаб, халқимиз дунёдаги маданиятли эллар қаторида равнақ топажак. Мабодо биз хурофотга йўл қўйсак келажак авлод тасаввур қилиб бўлмас ачинарли аҳволга тушиб қолурлар. Тарих бизга шуни уқдирмоқдаки, маданиятли халқ, шаксиз, ривожланур. Маданиятсиз халқ мудом заволликка юз тутажак. Демак, ёш авлоднинг фанний билимлар олишини қилча бўшаштирмаслик лозим.

Йигин иштирокчилари унга офарин ўқидилар.

Ҳисомиддин ортиқ сўзламади. У тахт вориси билан мунозара қилишни хоҳламади. Ҳасан Тегиннинг фикрини аввалроқ билганида, бошлаб оғиз очмаган бўларди.

Ғала-ғовур босилиб ҳаммалари яна йигин раисига қарашди.

Ҳусайн ибн Халафнинг юзига табассум ёйилди. У ёшаргандек рухияти юксалди. Овози ҳам ўктамлашиб, янгроқ овозда деди:

— Эмди аҳли илм ризолиги билан бўладиган яна бир иш бор. Айтмоқчи бўлганим шулки, баҳо берганингиз мазкур асар муаллифига умум эътироф қилган бир тахаллус бериш зарурияти вужудга келгандек.

Дарҳақиқат, шундай бир илмий асар ёзиб олимлар сафига қўшилган киши исмига тахаллус қўшилиши лозим эди. Бу фикрни ҳам ҳаммалари яқдиллик билан қувватлашди.

— Дуруст!

— Барҳақ!

— Муаллиф, албатта, тахаллус қабул қилиши керак.

Шу орада бир киши сўраб қолди:

— Маҳмуд ука тагитнинг ўзи қандоғ тахаллусни танламоқчи?

Барчалари жим бўлиб, Маҳмудга қарашди.

Маҳмуд ҳаяжондан ёноқлари қизариб, ўрнидан турди-да, қўлларини қовуштирди.

— Илтифотларига ташаккур, — деди у ва эҳтиром билан эгилди, — фақирнинг орзуси шулки, ҳар ким мувофиқ топса, юртимиз номини тахаллус қилсам.

— Жуда маъқул, — деди Абдулғаффор Алмаий, — тахаллуси Кошгарий бўлсун!

Атрофдагилар ҳам маъқуллаган тарзда бир-бирига қараб, бошларини ирғашиди.

— Шундоғ бўлсун.

— Кошгарий бўлсун.

— Қани бўлмаса, Маҳмуд, — деди шайх тантанали оҳангда, — асаринг тасдиқланди. Эмди бунга тахаллусинг билан имзо қўй.

У олдидаги хонтахтага қўйилган қўлёзмага ишора қилиб, сал четроқ суриб қўйди.

Маҳмудга бу жаҳон бемисл ҳикматли нурга тўлгандек бўлди. Унинг бирдан-бир ғояси, энг катта орзуси илмда янгилик яратиш эди. Бу унинг ушбу оламда танлаган муқаддас йўли эди. Шу орзуларининг дастлабки гуллари гунча очган эди. Боши бир зум енгилгина айлашиб, кўзлари тингандек бўлди, лекин дарҳол ўзини тутиб олди. Кейин хонтахта ёнига келиб, юкуниб ўтирди. Титраб турган қўлига қамиш қалам олди, бир дам тўхтаб, қўлининг титроғи босилгач, қаламни эҳтиётлик билан довогга ботириб, қўлёзманинг биринчи саҳифасидаги “Китоби жавоҳирун наҳв фи луғотит турк” деган сарлавҳа таги-

га шошилмай дона-дона қилиб ёзиб имзо қўйди: “Маҳмуд ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Кошгарий”. Қаламни қўйиб, бошини кўтарганида уни қутлай бошладилар.

— Мана эмди бу кундин эътиборан номи-шарифинг Маҳмуд Кошгарий! — деб хитоб қилди Абдулғаффор Алмаий кулиб туриб. — Кутлуг бўлсун, ука тагит!

— Маҳмуд Кошгарий! — Ҳусайн ибн Халаф хитоб қилганда овози титраб кетган эди.

У ортиқ гапиролмай қолди. Юзида кулги, кўзларида севинч ёшлари! У Маҳмудни кичиклигидан яхши биларди. Унинг зеҳни ўткирлигини эрта сезган эди. Унга зўр умид боғларди. Шу боис унга алоҳида эътибор берди. Бугун у ўз меҳнати самарасини кўрди! Сабий болани ёшлигидан ўқитиб, тарбиялаш деганлари осон эмас. Орадан йиллар кечди, Маҳмуд навқирон бўлди. Суюкли устози эса нуроний чолга айланди.

Бу меҳнаткаш мударриснинг бутун орзу-умиди Хоқония учун билимли кишилар тайёрлаш эди. Мана, боғбон ўзи парвариш қилган бир ниҳол самара берди. Бунга эришиш осон кечдими? Бу ниҳол тез вояга етдими? Унинг меваси дарров ҳосил бердими? Устоз учун бундан ортиқ шараф, бундан буюк шодлик борми?

Ҳусайн ибн Халаф юрагини чулғаб олган ҳаяжондан гапиролмай қолди. Силлиқ таралган оқ соқолини кўрсаткич бармоғининг учига ўрай бошлади. Кейин овози бўғилиб:

— Маҳмуд Кошгарий! — деди ва яна юкуниб ўтирган шогирдининг елкасига қоқиб.

— Тилшунослик бобидаги бу янги асарингиз муборак бўлсун, Маҳмуд Кошгарий! — деди Ҳасан Тегин овозини кўтариб.

Йигин иштирокчилари бирин-кетин табриклашди:

— Муборак бўлсун!

— Муборак бўлсун, Маҳмуд Кошгарий!

Барчалари Маҳмудни “Кошгарий” тахаллуси билан табриклаб дуога қўл очишди.

## ТУРУМТОЙНИНГ ҲАСРАТИ

Бундан кўп йиллар илгари, буюк хоқон Юсуф Қодирхоннинг отаси Ҳорун Қилич Буғрохон даврида мусулмон уйғурлар билан тот уйғурлар<sup>1</sup> ўртасида қуролли тўқнашув юз беради. Мусулмонларнинг отлиқ қўшини Кучу уйғур хонлигига бостириб кириб Сулми<sup>2</sup> шаҳрига ҳужум қилади. Сулми уйғурлари ҳам уларга қарши отланишади. Қисқа, лекин шиддатли жанг бўлади. Мусулмонлар чекинади. Улар орқага қайтиб кетаётиб, чегарадаги бир кичик кентдан бир неча деҳқон ва чўпонларни тутиб, асир олиб кетишади. Бу тутқунлар Қашқарда қул қилиб сотилади. Шу билан бу шўрпешона сулмиликлар турли қишлоқ ва шаҳарларга, бекликларга сочилиб, бир-биридан айрилишади.

Қул қилинган тот уйғурлардан бир ўсмир бола Ўполнинг Озиқ кентига олиб келинади. У адирда қўй боқиб юрган маҳали тутилган эди. Қўйлари Кўчода, ўзи Қашқарда сотилади. Озиқ қалъасида унга Ислон динининг фарз, суннат ва вожиблари ўргатилади. Бу кичик қул қалъадаги турли хизматларда бўлиб, йигит ёшига етади. У хоннинг бўйруғига кўра, Озиқ қалъасида ўзи каби бир жория билан шаръий никоҳланади. Бу қиз Қашқарнинг чекка қишлоғидан бир

<sup>1</sup> Тот уйғурлар — ислом динини қабул қилмаган уйғурлар.

<sup>2</sup> Сулми — ҳозирги Қорашаҳар.

камбағал деҳқоннинг қизи бўлиб, кетма-кет уч йил солиқ, ер ижара ҳақини тўлаёлмай қул қилиб сотилган эди.

Улардан бир ўғил бола дунёга келади. Унга “Турумтой” деб исм берилган эди.

Турумтой кичиклигидан хонзода Маҳмудга ҳамроҳ бўлиб, унинг хизматини қилиб ўсди. Гўдак чоғларида Биби Робиа Олтун Тарим уни ҳам Маҳмуд билан бирга ўқитиб саводини чиқарди. Шу боис Турумтой кўп нарсаларни биладиган ягона қул бўлиб етишди.

Болалигида у ўзи билан Маҳмуд ўртасида қандай фарқ борлигини унча ҳис қилмас, юмушини бажариб, ўқишини ўқиб, бўш вақтларида Маҳмуд билан беғам ўйнаб юрар эди. Улғайган сари у қул билан хожа ўртасидаги тафовутни тушуна борди. Лекин бошқа қуллар билан ўзини солиштириб, аҳволи анча дурустигини билар ва ўзини бахтли ҳисобларди. Биби Робиа билан Маҳмуддек яхши хўжайинларидан рози бўлиб, уларга чин қалби билан содиқ қолди.

Кунлар, ойлар, йиллар ўтаверди. Озиқ қалъасида ҳаёт бир маромда кечаётган, лекин ёши ўттизга борган Турумтойда безовталиқлар сезила бошлади.

– Не бўлди, Турумтой? – деди бир куни Маҳмуд Кошгарий, – Кайфиятинг йўқ? Камгапсен, ҳаракатинг суст. Бошинга мушкул савдо тушгандек бошинг эгик – хаёлинг паришон. Бирор гап бўлдимму? Ё тобинг йўқму?

– Э, йўқ, ҳазратим, – деб жавоб берди Турумтой, – таним соғ, ҳеч гап бўлгани йўқ. Баъзида ўз-ўзимга сиғмай қолурмен.

Маҳмуд Кошгарий унинг ниманидир яшираётганини фаҳмлаган бўлса-да, ҳеч нарса демади. Дардини ўзи айтмаса, мажбурий айтириш яхши эмас-да...

Турумтой хожасига кўнглини ёрмади. У сўнгги пайтларда ўйчан бўлиб қолган эди. “Мен нечун қулмен? – дерди ўзига ўзи, – Мен нечун ҳур эмасмен? Мен ҳам Оллоҳнинг бир бандасимен. Ҳур кишилардин нима кам? Бир замонлар отам тутқун бўлгани сабаб қуллик қисмати биз авлодга ҳам ўтиши керакму? Уйлансам болаларим ҳам қулликдин бош кўтаролмай ўтишурму?”

Турумтой шундай хаёлларга берилар, фақатгина бу эмас, кўп нарсаларни таҳлил этар, борган сайин кўнгли бузилиб, чуқур оҳ урарди. Бу – мардлиги ва қайсарлиги билан эътиборга сазовор бўлган ягона имтиёзли қул хаёллари эди! Бу – тарбия кўрган, китоб ўқийдиган саводли қул ҳасрати эди!

У баъзан ўзига ўзи тасалли беришга уринар, “Бунчалик қайғуга ботишнинг не ҳожати бор? – дея ўйларди. – Курсоғим тўқ, эгним бут, жафо тортмасам. Маҳмуд Кошгарийга ҳамроҳ бўлиб юрсам бўлди. У билан бирга сафарга чиқсам, бирга чавгон ўйнасам, ҳатто базму зиёфатда ҳам... Айрим бекзодаларда ҳам бунақа даража йўқ. Деҳқонларни айтмаса ҳам бўлур. Деҳқон ҳур бўлса-да, эртадин кечгача бетиним ишлаб, заминдорнинг турли олиқ-солиғидан боши чиқмай, бу дунё ҳузур-ҳаловатини кўрмай ўтгай. На еган-ичгани, на кийганининг тайини бор. Уларга ўзумни қиёсласам...”

Ўйлай-ўйлай унинг хаёллари чалкашиб кетарди.

“Йўқ, йўқ! – дерди асабийлашиб, – имтиёзли қул бўлгандин жафокаш деҳқон бўлган афзал! Ҳаловатли умргузаронликни деҳқоннинг оч-яланғоч турмушига бажонидил алмашар эдим”.

Гоҳи у хаёл сурган сари ювош тортиб, бениҳоя безовта бўларди.

“Сулми! – дерди баъзан у, – Сулми... У қандоғ шаҳар экан?”



У умрида кўрмаган ота юртини кўз олдига келтиришга уринар, Сулмига боргиси, отасининг уруғ-аймоқларини излаб топгиси келарди.

Гоҳо тунлари босинқираб уйғониб кетар, тушига онаси кирарди. Уйғониб тушида кўрганларини эслашга уринар, онасининг сиймосини тасаввур қилолмасди. У онасидан эрта етим қолган, улғайганида она уруғларини тополмади. Уларнинг ўлгани ўлиб, қолгани мусофир бўлиб бошқа юртларга улоқиб кетган эдилар. Турумтой Маҳмуднинг топшириғи билан қалъадан ташқарига чиққанда уфққа туташиб кетган эгри-бугри арава йўлларига қараб узоқ туриб қолар, йўлга тушиб йироқ-йироқларга кетгиси, Сулмига, яна аллақарга боргиси келарди. Бироқ аччиқ ҳақиқатнинг бераҳм тиғи унинг озурда қалбини яраларди. “Эй Турумтой, сен бир қулсен! Буйруқни бажаришдин бошқага қурбинг етмайдиган эркисиз, ҳуқуқсиз бир ожиз қулсен! Сен қарга ҳам бора олардинг? Қўлингдин не келур?”

Ажабо! Турумтой ўзи ҳам ҳайрон эди. Нега у илгари бунчалик азобланмас эди?

Барча нарсанинг ўз сабаби бор. Турумтойнинг паришонлиги ҳам бежиз эмас эди. Бир қиз, бир гўзал жория қиз бунга сабабчи эди. Бу ақли солим қайсар қул йигит қачон шу қизга кўнгил қўйди, шу-шу у батамом бошқа одамга айланди. У ўзгарган, илгарилари ўйлаб ҳам кўрмаган, ўйлашни-да хоҳламайдиган ишларни ўйлайдиган, дунёга, одамларга ва ўзига бошқача назар билан қарайдиган бўлди. У қиз, ўша қизнинг муҳаббати, ёлқинли бир муҳаббат Турумтойга ўз кучини кўрсатди.

Турумтой кўзичоқдек юмалоқдан келган бир дўндиқ қизни чин дилдан яхши кўриб қолди. У Ўпол ташқарисидаги бир кент заминдорининг жорияси эди. Шу қадар сиймтан, юзи тиниқ эдики, унга Кумуш деган исм берилган эди.

Турумтой юмуш билан Ўпол атрофидаги кент, қишлоқларга тез-тез бориб турарди. Унинг устига, у бошқа қулларга нисбатан фавқуллода эркинлик берилганидан бўш вақтларида яқин-йироқларга сайр қилар, шундай кунларнинг бирида уни учратиб қолди.

Ўша масъуд кунни Турумтой умрбод унутмаса керак.

Жазирама ёз кунлари. Турумтой у қизни қўл бўйида кўриб қолиб давосиз дардга йўлиқди. Ғамсиз юраги ишқ ўтида куйиб адо бўлди.

У қиз билан танишди, аста-секин иноқлашди, бора-бора сирдошга айланди.

Ўша табаррук қўл бўйида улар тез-тез учрашиб туришар, икковининг ҳам қалби соҳир севги ришталари билан қўшилиб кетганини сезмай қолишди.

Кумуш Турумтойга “ҳаётим нури, юрагим қуввати”, деб талпинса, Турумтой бўлса уни “кўзичоғим, оқ дўмбоғим”, деб эркалатарди.

Йўқ, Турумтой бу қизни учратиб ёмон бўлмади, яхши бўлди. Муҳаббат унинг кўзини очди. У ўз инсоний қадр-қимматини таниб етди. Қул деганларининг қандай бўлишини илк бор тўла маъноси билан ҳис қилди. У Кумушга интилар, лекин уни қачон хоҳласа шу чоғ бағрига босолмасди. Чунки иккови икки хўжайинга тегишли. Улар бир уйга кириб, бир мўридан тутун чиқара олиши икки хўжайин илтифотига боғлиқ. “Маҳмуд Кошғарийдин гинам йўқ, — ўйларди Турумтой, — у талабимни сўзсиз бажариши мумкин. Бироқ Кумушнинг хожаси-чи? Унарму, унамасму? Унамаса-чи? Унамаса, Маҳмуд Кошғарийга ёлвориб, Кумушни сотиб олишни ўтиниб сўраймен. Унинг хожаси, албатта, Маҳмуд Кошғарийдек хонзодага йўқ демайдуру”.

Турумтой баъзан енгил тортар, аммо зум ўтмай вужуди музлаб қолгандек пешонасидан совуқ тер чиқиб кетар эди. “Хожаси Кумушни ўзига никоҳлаб олса не бўлур? Шариатга хожа жорияни хотун қилиб олишига йўл берилур. Шу “оқ дўмбоғ”ни тўқол хотун қилиб олса-чи? Ёки кўнгилхушлик қилиш учун эрмакка ўйнаса-чи?”

Турумтойнинг кўзига дунё қоронғу бўлиб кетар, оёқ-қўлида жон қолмасди.

“Йўқ, — деди у, — энди жим қараб туrolмаймен. Хожамга ҳаммасини айтурмен”.

Кумуш маъқуллаган тарзда бошини қимирлатди.

“Шундоғ қилинг, — деди у, — хожангиз айтганингиздек олийжаноб бўлса, биз каби бечораларнинг додига етса! О Поко Парвардигоро! Хожаларимизга Ўзинг инсоф бергайсен!”

Афсуски, Маҳмуд Кошғарийни вақтида бундан воқиф қилиш насиб этмади. Турумтой илгарироқ бу ҳақда оғиз очишга ботинолмас, чунки бу пайтларда Маҳмуд Кошғарий “Китоби жавоҳирун наҳви фи луғотит турк” асарини ёзишга киришиб кетган, бўш вақти бўлмас, кечани кундузга улаб ишларди.

Маҳмуд энди асарини ёзиб бўлган, хотиржам ором олмоқда эди. Шундагина Турумтойдаги ўзгаришни, ўзини тутишидаги галатиликни пайқаб ажабланди.

Бир куни Турумтой бугдой шаробини тўйгунча ичиб, мулозим ва куллар билан жанжал қилди. Ҳатто бир норғул кул билан ёқалаша бошлади.

— Сен ҳам одамму? — деб ўдағайларди у кулнинг дуч келган жойига мушт тушириб. У бўлса Турумтойдан ўзини олиб қочарди, — ҳей, сен ҳам одамму? Сен қулсен, одам эмас... Бундоғ яшагандин ўлган авло... Сени ўлдурурмен... ўзим ҳам ўлурмен... Яшамасмен... Мен қулмен! Яшаб не қилдим...

Қалъадагиларнинг барчаси бу олатасир тўполондан ҳангу манг бўлган, чунки вазмин ва адабли Турумтойнинг бундай телбалик қилишини ҳеч ким қутмаган эди.

Маҳмуд Кошғарий шовқинни эшитиб, чиқиб келди. У лом-мим демаган бўлса-да, юзи тундлашиб кетди. Турумтойнинг оғзидан чиқаётган гапларни эшитиб, қалби ларзага келди. У ҳайратланганча, ҳалиям бўй бермаётган Турумтойга бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, лекин ҳеч нарса демади. Кейин хизматкорларга буюрди:

— Уни қамаб қўйинглар! Эртага кайфи тарқалганда олдимга кирсун.

Икки хизматкор дарҳол Турумтойга ёпишиб, унамаганига қўймай судрай кетишди. Турумтой юлқинар, судрашларига ҳам қарамай, бошини орқага буриб бақирарди:

— Ҳазратим, бундоғ қилманг... Мени қамаманг! Мен ҳазратларига не ёмонлиқ қилдим? Мен Турумтой-ку... Мен... Мен... Қул...

Маҳмуд Кошғарийга қарата айтилган бу пойинтар-сойинтар хитоблар зорланган каби руҳсиз, жарангсиз эди. Охири хириллаб, овози чиқмай қолди.

Уни олиб кириб қамашди.

Маҳмуд Кошғарий кўнгли ғаш бўлиб хонасига қайтиб кирди. Қўлига китоб олиб варақлай бошлади. Ўқишга кўнгли чопмади. Барбат чалиб кўрди. Чалишга қўли бормади. Қафаслардаги чиройли яшил шоҳтўти, бўзтўрғайлар ёнига келиб хуфтон бўлган дилини ёзмоқчи бўлди, лекин бунинг ҳам уддасидан чиқмади. Нима қилмасин, таскин топмади. Шу вақтга қадар ўзига маълум бўлмаган ғайриҳолатдан тинчи бўзилган эди.

Турли нодир асарлар ўқиб, илмдаги мураккаб масалалар устида бош қотириб, ижтиҳоди ва истеъдоди билан танила бошлаган Маҳмуд Кошгарий Турумтойнинг оғзидан чиққан оддий ҳақиқатни ўйлаб кўрмаган эди. “Ажабо, мен дунёни, одамларни тушуниб етмабмен-да ҳали?” — деди у ўзига ўзи, шу тобда кўнглининг энг чуқур ерида бир нур милтиллагандек бўлди. Бу нур шуъласи улғая бориб, қалбининг бир жойларини куйдира бошлади. Унинг виждони бир оғир юкдан эзилаётган эди. У қулларга фақат яхши муомала қилса, зулм қилмаса бўлди, деб ўйлар, буни катта яхшилик, адолатдан, деб ҳисоблар, қулларнинг бундан ортиқ талаби бўлишини хаёлига келтирмаган эди.

Шу тун унинг уйқуси қочди. Кўп нарсаларни кўз олдидан ўтказди. Кўп фикрлар миясида ғужғон ўйнади. “Эркинлик.... — деди у охири, — ҳар қандай яхшилик, ҳар қандай адолат ҳам эркинликка етмайду. Турумтойнинг талаб қилаётгани — эркинлик ва ҳуқуқ, ҳур одамлардек яшаш”. Маҳмуд Кошгарий буни нега аввал ўйлаб кўрмаган экан?

Эртаси куни мастлиги тарқаб, таъзимга кирган Турумтойга у бир муддат қараб қолди. Турумтой ҳам кечаги хижолатпазликдан бошини кўтаролмай, жим турар эди.

— Ултур, — деди Маҳмуд унга.

Турумтой юкуниб ўтирди. Маҳмуд уни аввал кўрмагандек, ҳозир таниёлмагандек бошқача назар билан қараб қолди.

— Турумтой, — деди у вазминлик билан, — не гапинг бўлса, менга аввалроқ айтсанг бўлмасму? Мендин ранжиган еринг борму? Билиб-билмай сенга озор бердимму ё?

— Йўқ, ҳазратим, ҳаргиз ундоғ бўлмаган, — деди Турумтой унга тик қаролмай. Аммо овозидан қатъийлик сезилиб турарди.

“Унинг айтадиган гаплари бор,” — дея ўйлади Маҳмуд ва бундай деди:

— Мен сени қул қаторида кўрмадим. Ўйлаб кўр, биз сен билан гўдакликдан бирга ўсдик. Сени ўз қариндошимдек билурмен. Лекин сен кеча...

— Лекин мен барибир қул-ку, — Турумтой ич-ичидан бетоқат бўлиб Маҳмуднинг сўзини бўлди.

Маҳмуд унга бир нафас жим тикилиб қолди.

— Тўғри, — деди у ўзига ўзи сўзлаётгандек овозини пасайтириб, — сен қулликдин озод бўлишни хоҳлайсен. Буни нечун олдинроқ ўйлаб кўрмадим.

— Қулликдин озод бўлишни-ку хоҳлаймен, — деди Турумтой, — бироқ Хоқонияда фақат катта хизмат кўрсатган қуллар ҳур бўла олу. Буни интизорлик билан кутгаймен.

Турумтой сўзлаган сари нафаси бўғилиб, овози бир пасайиб, бир кўтариларди.

— Ҳазратим, мен ҳозир ҳурлик талаб қилаётганим йўқ. Хизмат кўрсатиб ҳурликни қўлга киритиш учун замин ҳозирлаймен. Мен бугун бошқа бир гапни... бошқа бировни... бир жория тўғрисида...

Турумтой овози чиқмай кўзларида ёш филтиллади. Маҳмуд Кошгарий ҳам таажжуб билан унга қараб қолди. У бу полвон қулни бундай ҳолатда асло кўрмаганди.

Турумтой гоҳ ҳаяжонланиб, гоҳ оҳ тортиб, ўз саргузаштини бир бошдан сўзлаб берди. Энг охирида у ўтли нафасидан учқунлар сачраб, ўша “оқ дўмбоқ” жория қиздан жудо бўлганлигини тилга олди.

— Кумушни кеча Тошбалиқнинг<sup>1</sup> беги сотиб олиб кетибду, — деди Турумтой. — Эшитишимча, у шаҳвоний ҳирсга ҳадин ортиқ

<sup>1</sup> Т о ш б а л и қ — ҳозирги Тошмилик.

берилган золим бек эмиш. У “қўнглумга ёқадиган жория қизларинг борму?” деб беклардин суриштириб юриб, Кумушга дуч келган.

Маҳмуд хотирлашга уриниб пешонаси тиришди.

– Тошбалиқнинг беги... Ҳимм... унинг исми ким эди?

– Мен ҳам билмаймен, – деди Турумтой, – лекин “Явлоқ сориг<sup>1</sup>” деб аташар экан.

– Бу гапни нега аввалроқ айтмадинг?

Турумтой жавоб ўрнига ҳўрсиниб, бошини аламли чайқади. Ёш қалққан кўзларини яшириб лабини тишлади.

– Юр! – деди Маҳмуд ўрнидан туриб.

Турумтой ҳам ўрнидан туриб кўзларини пирпиратганича қараб қолди.

– Юр! – деди яна Маҳмуд, – ҳозироқ Тошбалиққа жўнаймиз.

\* \* \*

Кеч куз. Рутубатли осмон яқинлашиб келаётган қиш кунларидан дарак берарди.

Тошбалиқ беги Явлоқ соригнинг ҳовлиси.

Бекнинг тўрт мулозими арқон билан танғилган бир одамни судрашар, у эса бунга унамай оёқ тираб олганча бақирарди:

– Менга ноҳақчилик бўлди! Инсоф қилинглар! Бизни ўлсин деяпсизларму...

Уни судрашар, тепкилашарди. Йиқилса, яна тортқилаб турғизиб судрашарди.

Унинг хотини мулозимларга ёлворар, рўмоли бошидан сирғалиб тушиб, оёқ остида тупроққа қоришиб кетган эди. Турфа ямоқлар солинган узун кўйлаги этагига беш-олти ёшлардаги бола осилиб чинқириб йигларди. Сал нарида икки ўсмир қиз кўрқиб кетганидан бир-бирига ёпишиб, кўзларидан мунчоқ-мунчоқ ёш тўкиб:

– Дада, дада, – дея ҳўнграб дод соларди.

Уларнинг онаси – ҳалиги хотин бўғилиб қақшарди:

– Раҳм қилинглар! Худо ҳаққи, раҳм қилинглар!

Бир неча деҳқон уларга ачинганча қараб турарди.

Шу пайт дарвозадан кириб келган икки нафар отлиқни ҳеч ким сезмай қолди.

– Бу не тўполон? – дея сўради отлиқлардан бири деҳқонлардан.

– Ер ижара ҳаққини тўламаган, дейдилар, – деб жавоб берди бир оқсоқол.

– У тўлаган, мен гувоҳмен, – деди ўрта ёшли қорачадан келган ўрта бўйли яна бир киши.

Отлиқлардан бири мулозимларнинг ёнига келди.

– Тўхтанглар! – деб бақирди у кескинлик билан.

Мулозимлар боғланган деҳқонни судрашдан тўхтаб, нотаниш кишига юзланди.

– Уни не қилмоқчисизлар?

– Чинорға боғлаб қамчилаймиз.

– Бегимизнинг амри – шундоғ.

– Ер ижара ҳаққини тўлашдин бош тортган!

Боғланган деҳқон улардан бўшанишга уриниб, ҳўнграб йиглаб юборди:

– Йўқ. Адолатсизлиқ қилишди! Ҳосилнинг учдин бирини ўзимга қолдирай, десам унашмаётир.

<sup>1</sup> Я в л о қ с о р и г – ёмон сариқ, яъни сап-сариқ маъносиди.

Унинг хотини билан болалари яна дод-фарёд уриб йиглай бошлашди.

– Уни қўйиб юборинглар, – деди нотаниш киши мулозимларга қараб.

– Тақсир, – деди мулозимлардан бири, – сиз ҳам бекка ўхшайсиз, лекин бу ернинг ҳам ўз беги бор.

Уларнинг иккинчиси бу гапни айтган мулозим олдига келди.

– Тилингни тий, аблаҳ! – деди ғазаб билан. – Бу зот бек эмас, хонзода Маҳмуд Кошғарий ҳазратлари бўладилар, билиб қўй, қовоқ-бош анқов. Сенинг бегинг не бўпти.

– Ҳа балли, хожамнинг хожаси бор<sup>1</sup>, – деди ўрта бўйли қорачадан келган киши айёр кўзлари билан атрофидагиларга қараб.

– Уни қўйиб юборинглар, – дея такрорлади Маҳмуд Кошғарий.

Мулозимлар довдираб, не қиларини билмай қолишди. Уларга ғазаб билан бақирган кишига аччиғини босолмай, Турумтой қамчисини кўтарган эди. Маҳмуд Кошғарий қўл ишораси билан уни тўхтатди.

– Бас, Турумтой, ўзингни босиб ол.

Турумтой тишларини гижирлатиб қамчисини туширди, лекин уларга бақирди:

– Қўйиб юбор, деганни эшитдингму? Нега анқайиб турибсизлар!

Мулозимлар тўсатдан бу ерда хонзода пайдо бўлиб қолганидан ҳадиксираб шошиб-пишиб, боғланган деҳқоннинг қўлларини ечишди ва:

– Бегимизга хабар қилиб қўяйлик, – деганча югуриб кетишди.

Жазодан қутулган деҳқон Маҳмуд олдида тиз чўкди ва боши ерга теккудек эгилиб, қайта-қайта таъзим қилди. Авзойидан ҳам миннатдорлик, ҳам ҳадик сезилиб турарди.

– Ташаккур, ҳазратлари, – дерди у, – мендек бир бечорага қилган яхшиликларига Аллоҳдин қайтсин... ўзи раҳмат қилсин... Ҳазратлари, ижара ҳақини тўламасликка менинг не ҳаддим бор. Бу йил қурғоқчилик келди. Унинг устига касалманд эдим. Ҳосил оз чиқди. Лекин бек солиқни бултурги ҳисоб бўйича йигди... Учдин бирини ўзимга қолдирай десам... Мана шундоғ... Солиқ тўлашдин бош тортди деб....

Деҳқон гапини тугатар-тугатмас яна хўнграб йиглай бошлади.

– У рост айтди, – қорачадан келган ўрта бўйли киши яна гапга аралашди, – мен солиқ йиққанларга аравакашлик қилганмен. Ҳаммасини билурмен. Бу ердаги ҳамма кишиларнинг ҳол-аҳволини обдон билурмен.

Шу орада Явлоқ сориг мулозимларидан юз берган воқеани уқиб, апил-тапил етиб келди. У Маҳмуд Кошғарийни кўриб кўрқиб кетди, икки букилиб таъзим қилди-да, кутилмаганда келиб қолган бу меҳмонларни уйига бошлади. Маҳмуд уйга киргандан сўнг ортиқча тақаллуф қилиб ўтирмади.

– Бож-солиқ қонунларини билурмисиз, тақсир? – сўради у қовоғини очмай.

– Шундоғ, шундоғ, – деди Явлоқ сориг дудуқланиб, – ҳосилнинг учдин бир улуши ўрда хазинасига ер божи ҳисобида топширилур... Ҳа, яна учдин бири ер ижара ҳаққи учун ер эгасига берилур... Қолгани ижарачи деҳқоннинг ўзига қолдирилур.

Маҳмуд танбеҳ берган каби деди:

– Бож-солиқ йигиш баҳонаси билан деҳқон ва унинг хотини, болачақаларига зулм ўтказибсиз? Буни билурмисиз?

– Билурмен, ҳазратлари, билурмен...

<sup>1</sup> Бу уйғурларнинг “хожамнинг хожаси бор, шолғомнинг ўраси бор” мақолининг боши. (Тарж.)

– Бож ва ижара ҳаққи миқдори ҳар йили олинган ҳосилнинг оз-кўплигига қараб қатъий учдин бир улуш миқдорида белгиланиши керак. Буни билурмисиз?

– Билурмен, ҳазратлари... Билмайдиган не ...

– Бу йил ҳамма жойда, Тошбалиқда ҳам ҳосил камайиб кетди. Шу боис сиз ўрдага бултурғига нисбатан оз ошлиқ топширдингиз. Буни билурсиз. Лекин сиз деҳқонлардин бултурғи ҳисоб билан солиқ йигдингиз. Шундоғму?

Явлоқ соригнинг пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди.

– Деҳқонларнинг ўзларига тегишлик ошлигини дарҳол қайтариб беринг, – деди Маҳмуд ва яна давом этди. – Лекин мен бу иш билан келмадим. Бошқа гап бор.

Явлоқ сориг “яна не гап экан?” деган каби кўрқиб, унга мўлтиради.

– Сиз кеча Кумуш исмли бир жория қизни сотиб олганмидингиз? – деди Маҳмуд.

– Шундоғ, ҳазратлари...

– Шу қизни бизга қайтариб бергайсиз.

У икки қул баҳосига тенг олтинни чарм қопчиғи билан унинг олдига ташлади.

– У қизнинг никоҳланишга битишган йигити бор, – деб қўшиб қўйди. Маҳмуд Кошғарийдек хонзодага Тошбалиқнинг беги нимаям дер эди?

У хушомад ила эгилиб-букилиб чиқиб кетди. Ҳаял ўтмай Кумушни бошлаб кирди.

– Кумуш!

– Турумтой!

## НАВРЎЗ БАЙРАМИ

Тошбалиқдан қайтишган куннинг эртасиеқ Маҳмуд Кошғарий билан Олтун Тарим Чўлпоной шахсан ўзлари бош бўлиб, Турумтой билан Кумушнинг тўйини қилишди. Озиқ қалъасида икки кун тўй-томоша бўлди. Бек болаларидек қимматбаҳо либослар кийган Турумтой билан Кумушга қараб бошқа мулозим ва қулар меҳрибон хожаларининг узоқ умр кўришини тилаб дуо қилдилар. Маҳмуд Кошғарий муродига етган ошиқ-маъшукнинг бахтиёр чехрасига қараб хотиржам бўлди. Чўлпоной ҳам хурсанд бўлиб, келин билан куёвга бир сандиқ асл газмол ва кийим-кечак совға қилди.

Тўйдан кейин Турумтой аввалгидай Маҳмуд Кошғарий ёнида хос маҳрам бўлиб, хизматида давом этди. Кумушни эса Чўлпоной ўзига каниз қилиб олди.

– Тавба, дунёда бундоғ яхши хожаларнинг бўлиши хаёлимга келмаган экан? – дерди Кумуш Турумтойга.

– Шундоғ, – дерди Турумтой унга, – бу ерда бизга ҳеч ким тазйиқ ўтказмайдур.

Маҳмуд Кошғарий яна илмий ишларини давом эттирди. У Турумтойни бошлаб, Қашқар ва Артуҷ атрофидаги қишлоқ ва кентларни кезди. Овулларга бориб ерли халқнинг сўз ва ибораларини тўплади. Ўтовларда ўтириб, бахшилардан термалар, дostonлар ёзиб олди. Кўпни кўрган кексаларни излаб топиб улардан ўтган замон хотираларини, қадимги ривоятларни эшитди. Гапга чечан деҳқонлардан халқ мақол-маталларини ўрганди.

Қиш кетиб, илиқ кунлар келди.

Наврӯз байрамига икки кун қолди. Маҳмуд Кошгарий ҳануз қаламини қўлидан қўймай, даста-даста қўлёмалари устида ишлаб ўтирарди. У қўлёмаларни битта-битта ўқир, баъзиларини йиртиб ташлар, айримларини тузатар ва яна янгидан қўчириб ёзарди.

Шундай ижодга шўнғиб кетган бир куни Турумтой келиб, эшик олдида тўхтади. Маҳмуд Кошгарий қаламни қўйиб, ўйчан кўзларини унга қаратди. Хос маҳрам шундагина овозини чиқариб гапиришни лозим топди.

– Низомиддин Исрофил Тўғон Тегин ҳазратлари ташриф буюрдилар, – деди у қўл қовуштириб.

– Низомиддин Исрофил... – дея такрорлади Маҳмуд ва сўнг қувониб кетиб деди, – Кирсун, кирсун! Қани, у киши?

Эгнида кўк мовут чопон ва сувсар тумоқ кийган, хушмўйлов бир киши табассум билан кириб келди. Маҳмуд ҳам унинг истиқболига пешвоз чиқди.

– Э-э, Низомиддин! Сенмидинг? Қачон келдинг? – дерди у меҳмонни кучоқлаганча.

– Олдинги куни Қашқарга етиб келдим. Мана бугун сенинг хузурингда турибмен.

Улар ўтиришиб, дуои фотиҳа қилишди, қайта ҳол-аҳвол сўрашишди.

– Худоға шукур, тинч-омон қайтиб келибсен, – деди Маҳмуд. – Ҳа, сафаринг қандоғ бўлди? Сўзлаб бер.

– Хўб, – деди Тўғон Тегин, – ҳимм... Қаердин бошласам. Орадин икки ярим йил ўтиб кетган бўлса.

Маҳмуд тасдиқ ишорасини қилди.

– Шундоғ, икки ярим йил бўлиб қолди... Ҳа, бўлмаса, мен бошлаб бера қолай. Сен отанг билан Болосоғундин Қашқарга келдинг. Кейин Арслонхон сени ўдунлик бир амалдорга қўшиб юборди. Сен шу амалдор билан Ўдунга кетдинг.

Тўғон Тегин кулди.

– Тўғри, мен ўдунлик савдогарлар қарвони билан йўлга чиқдим. Ростини айтсам, ўшанда бундоғ узоқ сафарга чиқишга бироз кўрққан эдим. Лекин, отамнинг феълини ўзинг яхши билурсен, сўзидин қайтмайдиған одам. Онамнинг ҳам унамаганига қўймай, мени ўдунлик савдогарларга қўшиб юборди.

Маҳмуд яна боши билан тасдиқлади.

– Шу чоғда отанг бобом Буғроҳонга: “Ўғил бола улғайганда мушкул сафарларга чиқиши, дунё кўриб, ақл топиши керак”, – деган эди.

Тўғон Тегин сўзида давом этди.

– Ўдунлик савдогарлар билан Чонгян, Луйонг, Жингжу каби шаҳарларда бўлдим.

– У ерлар қандоғ экан?

– Биз хон саройида зиёфатда қатнашдик, амалдорларникида ҳам бўлдик. Кўча, бозорлар ораладик. Чинликлар бинокорлик ва хунарда камолотга етган экан. Иморатлари шунчалик баҳайбат ва кўркам, шоҳи-ипаклари шу қадар силлиқ, жонон чинни идишлари шундоғ нафис ишланганки, киши ҳайрон қолгай.

– У ерларнинг табиий шароити қандоғ экан?

– Биз Сориг ўғуз<sup>1</sup> ва Яшил ўғуз<sup>2</sup> дарёларини кўрдик. Бизнинг Или ва Тарим дарёсидек катта дарёлар экан. Бу икки дарёнинг суви билан

<sup>1</sup> С о р и г ў г у з – Хуанхе дарёси.

<sup>2</sup> Я ш и л ў г у з – Чонгжиян дарёси.

деҳқончилик ерларининг кўпини суғорса бўлур. Хусусан, Яшил ўғуз дарёсининг жанубида ҳаво иссиқ бўлгани учун йилига икки-уч марта ҳосил олинаркан. Шунинг учун ер оз, одам кўп бўлса-да ошлиқ муаммо эмаскан. Бироқ у ёқларда Тангригоҳдек катта тоғлар бўлмагани учун чорвачилик унча ривож топмаган. Сув мўл бўлгани боис одамлар балиқчилик билан шуғулланаркан, ғоз ва ўрдак боқишаркан.

Низомиддин Исрофил Тўғон Тегин сафар таассуротларини сўзлаб бўлгач, сўради:

– Эшитишимча, сен ҳам сафарга чиқмоқчи эмишсен?

– Шундоғ, – деди Маҳмуд, – Бобом Бугроҳон отамга шу ҳақда мактуб ёзибдур. Отам билан онам мени кузатиб кўйиш учун Барсғондин келди. Улар ҳам “Ўғул бола сафарга чиқиб чиниқиши керак” дедилар.

– Қаерларда бўлмоқчисен?

– Туркий қабилалар яшайдиган ҳамма юртларни айланиб чиқмоқчимен.

– Ҳа, мен шарққа борган эдим, сен гарбга бораркансан-да?

– Шундоғ, отам қирқ туялик мол ҳозирлаб кўйди. “Ҳам савдо-сотиқ, ҳам қабилаларнинг аҳолини ўз кўзинг билан кўруб кел”, дедилар.

– Маъкул, биродар, – деди Тўғон Тегин, – киши қанча кўп жойларни кўрса, зеҳни ўткир бўлиб, кўзи очилиб бораркан.

– Шундоғ, – дея Маҳмуд маъноли кулиб кўйди, – лекин бу сафардин ўз мақсадим йўлида фойдаланмоқчимен.

Тўғон Тегин савол назари билан унга қаради.

– Кўбдин бери туркий қабилаларнинг шеваларини батафсил текширишни ўйлаб юргандим.

– Жуда муҳим ишни ўйлабсен, – деди Тўғон Тегин. – Қашқар саройида Ҳасан Тегин “Китоби жавоҳирун наҳв фи луғотит турк” деган асарини менга кўрсатганди. Эмди яна бир асар ёзаётганга ўхшайсен?

– Шундоғ ўйим бор, лекин ҳали ёзишни бошламадим. Аввал бунга обдон тайёргарлик кўриш лозим. Бори туркий қабилаларнинг тил хусусиятларини ўзаро солиштириш асосида бир девон ёзсам, деган орзуим бор.

– Шу боис туркий қабилалар яшайдиган юртларни айланиб чиқмоқчисен?

– Шундоғ, бобом билан отам мени юрт танийдиган тажрибали ҳукмдор қилмоқчи. Мен эса бу сафарни тил текшириш учун қулай фурсат деб билурмен.

Улар узоқ суҳбатлашдилар. Сўз охирида Низомиддин Исрофил Тўғон Тегин деди:

– Ҳасан Тегин бу йилги Наврўз байрамини Ўполда ўтказиш учун бу ерга келмоқчи.

– Қачон келаркин?

– Арафа куни.

Низомиддин Исрофил Тўғон Тегин Болосоғун ҳокими Муҳаммад Чақир Тўнгахоннинг тўнғич ўғли бўлиб, Маҳмуд Кошғарийдан сал катта эди. Гарчи у Сочия мадрасасини Маҳмуддан уч йил бурун таомлаган бўлса-да, улар қалин дўст эди.

\* \* \*

Наврўз арафасида Маҳмуд Кошғарий ва Низомиддин Исрофил Тўғон Тегин Озиқ қалъасидан ташқари чиқиб, Арслонхоннинг ўғли Ҳасан Тегинни кутиб олди.



Ҳасан Тегин Маҳмуднинг отаси билан тенгдош бўлиб, бир киши билан келган эди.

— Уҳ-ҳу, сиз ҳам келибсиз-да! — деди Тўғон Тегин у кишининг елкасидан кучоқлаб.

— Танишиб қўй, Маҳмуд, — деди Ҳасан Тегин бу янги меҳмонни кўрсатиб, — шоир Юсуф Болосоғуний. Болосоғунлик шоирлар ичида мен уни алоҳида қадрлаймен. Сизлар ҳам дўст бўлинглар. Чиқишиб кетурсиз, деган умиддамен.

— Бу — Болосоғундаги яқинларимиздин бири, — деди Тўғон Тегин ҳам Маҳмудга.

— Танишганимиздин мамнунмен, муҳтарам Юсуф Болосоғуний ҳазратлари, — деди Маҳмуд, — бу ерни ўз уйингиздек кўрғайсиз. Ҳасан Тегин ҳазратлари ота қадрдонимиз, фақирга ота ўрнидаги киши. Тўғон Тегин — яқин дўстим. Сиз ҳам иззатли меҳмонимиз бўлинг.

Юсуф Болосоғуний эҳтиром билдириб, табассум-ла бошини эгди.

— Ҳимматингизга ташаккур, муҳтарам мавлоно.

Маҳмуд уларни отаси Ҳусайн Арслон Эликхоннинг ҳузурига бошлади.

Эликхон билан кечлик қилишгач, меҳмонлар Маҳмуд ижодхонасида жам бўлишди.

— Мавлоно Юсуф Болосоғуний ҳам асарингни кўрган экан, — деди Ҳасан Тегин қуюқ қора соқолини сийпаб, — шу боис таништириб қўйишимни сўради.

— Ташаккур, мавлоно, — деди Маҳмуд болосоғунлик шоирга қараб, — фақирдек қалами ожиз ҳаваскорга шунча илтифот кўрсатганингиздин бағоят шодмен.

Кувонч ва ҳаяжондан Маҳмуднинг ёноқлари ловуллаб, кўзлари чақнаб кетди.

Юсуф Болосоғуний унинг шу тобдаги руҳий ҳолатини тушунди ва бундан ўзи ҳам мамнун эди. Бундай дўстона кайфият билан даврага тез киришиб кетди.

— Мавлоно Юсуф ўз шеърларини тўплам қилиб йиғибдур, — деди Ҳасан Тегин Маҳмудга, — Мен унинг тўпламини қўл остимдаги хаттотларга кўчиришни буюрдим. Сўнг турли шаҳарлардаги китобфурушлик дўконларига етказиб бергаймиз.

Юсуф Болосоғуний ўзи олиб келган кўнғир муқовали қалин бир китобни Маҳмудга узатди. Китобни унинг қўлида кўрган, ўтирганларида ёнига қўйиб эди. Маҳмуд бир неча марта кўз ташлаган бўлса-да, адаб юзасидан қандай китоблигини сўрамаган эди.

— Қабул қилғайсиз, мавлоно, — деди шоир, — танишувимиз нишонаси бўлиб қолсун.

Маҳмуд китобни қўшқўллаб қабул қилди. Кейин у ҳам «Китоби жавоҳирун наҳв фи луғотит турк» китобидан бир нусхани Юсуф Болосоғунийга, яна бирини Низомиддин Исрофил Тўғон Тегинга эсдалик сифатида тақдим этди.

— Сафарга чиқишни қачонга мўлжалладинг? — сўради Ҳасан Тегин Маҳмуддан.

— Худо буюрса, Наврўз байрамидин сўнг чиқсам, дегандим.

\* \* \*

Кун билан тун тенглашди. Наврўз байрами. Бутун Ўпол диёрида байрам шукӯҳи.

Саҳармардондан уй-уйларидан чиққан халойиқ тўда-тўда бўлишиб, Наврўзбулоқ тепалигига селдек оқа бошлади. Айримлар отда, эшакда, баъзилар катта-кичик араваларда, лекин аксарият халойиқ пиёда эди. Эру хотин, ёшу қари, қизу йигитчалар байрамона либосда зўр завқ-шавқ билан қий-чув қилиб боришарди.

Барчанинг юзида шодумон кулги.

Ёши улуғлари бир-бирини қутлашарди:

– Байрам қутлуғ бўлсун!

– Қутлуғ бўлсун!

– Наврўз муборак!

Митти болалар у ёқдан-бу ёққа югуриб, чуғурлашарди.

– Наврўз келди!

– Наврўз келди!

– Улуғ кун Наврўз келди!

– Наврўз... Наврўз...

Баҳор гулларидек гулгун қизлар юзида кулги, қўлни қўлга бериб, байрам томошаси бўлаётган даврага шошилардилар.

Қалпоқларини бир ёнга оғдириб кийиб олган, кашталанган оқ ипак кўйлак устидан рангдор шоҳи қийиқлар танғиган ёш йигитлар шўхлик қилиб қизларга кўз қисишар, Наврўз базмида айтмоқчи бўлган байтларини кўнгилга туғиб, қайси қиз билан ашулада баҳс-лашсам экан, деган ширин хаёллар билан маст эдилар.

Ёрқин баҳор кўёши ва илиқ ҳаво танларга ҳузур бағишларди. Мовий осмонда оппоқ булутлар майин шамол таъсирида шаклини ўзгартирарди. Адиру далаларда тўрғайнинг сайрашлари, янгидан япроқ чиқараётган боғлардан қушларнинг ажиб навоси қулоққа чалинарди.

Тўсатдан Озиқ қалъаси томондан карнай-сурнай садоси, ноғора-довуллар гумбури эшитилди. Яқин-йироқдаги халойиқ гузури дарров босилиб, овоз келган тарафга қарашди.

– Жаноби хонларимиз чиқишди, – дейишди одамлар.

– Эмди байрам росмана бошланадиган бўлди.

– Тезроқ борайлик.

– Чаққон бўлинглар!

Озиқ қалъасининг шарқий дарвозаси очилди. Қарағай тасвири туширилган қорахонийлар байроғини кўтарган басавлат байроқдор оққуш каби узун бўйин аргумоқда чиқиб келди. Унинг изидан худди шундай оқ отда, безакдор қилич осган навкарлар туғ-аламлар кўтариб, саф-саф бўлиб чиқиб келишди. Кейин эгар-жабдуқлари зумрад, ёқутлар билан безатилган, ипак ёпқичлар ёпилган наслдор отларда олий зотлар изма-из чиқдилар. Энг олдинда Ҳусайн Арслон Эликхон билан Ҳасан Тегин, улар изидан Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Болосогуний, Низомиддин Исрофил Тўғон Тегин кабилар. Қартайган мударрис Ҳусайн ибн Халаф ҳам тахтиравонда етиб келди.

Халойиқ бу басавлат отлиқларга эгилиб таъзим қилдилар.

Отлиқлар Озиқ дарасининг адоғига туташ сойга келиб тўхтаб, отдан тушдилар. Найзадор чериклар отлар билан шу ерда қолди. Хон ва меҳмонлар шарқий томонда яққол кўриниб турган Наврўзбулоқ тепалигидаги дарахтзор ёнбағрига пиёда чиқиб боришди.

Барқ урган мажнунтоллар орасидан зилол булоқ қайнаб чиқмоқда. Наврўзбулоқ деганимиз – ана шу. Булоқ суви ялпиз ва райҳонлар орасидан ола-чипор илондек тўлганиб оқиб борарди. Булоқ суви борган сари кўпайиб, Озиқ дарасидаги катта оқимга қуйиларди.

Мулозимлар югуриб-елиб Наврӯзбулоқ бўйига ғилам ёзиб, кўрпачалар солдилар. Хонлар ва меҳмонлар ўтиришди. Ўпол мадрасаси талабалари улар атрофида ўтиришди.

Ўполда анъанага айланган одат бўйича — давра иштирокчилари Наврӯзга атаб ёзилган назмий битикларини ўқишлари керак эди. Ҳусайн Арслон Эликхон таклифи билан шайх Ҳусайн ибн Халаф бошлаб берди. У ўқиб бўлиб, шеърлари туширилган қоғозни Наврӯзбулоққа қўйиб юборди. Кейин навбат билан бошқалар ҳам Наврӯз илҳомларидан яралган назмий саҳифаларини ўқишиб, булоқ сувига бир-бир оқиздилар. Сарғиш қоғоз варақлари қутлуғ Наврӯз байрами элчиларидек бирма-бир йироқларга оқиб кетди.

Шеър мутолаасидан кейин булоқ бошига жам бўлганлар сой томонга тикилдилар.

Байрам маросими иккинчи босқичга қадам қўйди. Турли кент сара чавандозлари Озиқ дарасида пойга бошладилар. Халойиқ завқларини босолмай қий-чув қилишарди. Баъзилар ўз кентлари чавандозларига мадад тиласалар, баъзилари қайси от ўзаркан, деб баҳслашарди.

Пойга ниҳоясига етиб, кўпқари бошланди. Халойиқнинг шовқини авжига чиқди. Томошабинлар улоқчилардан баттар ҳаяжонланиб, севинчлари ичларига сигмай, овозлари бўғилиб кета бошлади.

Пойга ва кўпқарида ғолиб чиққан азаматлар Эликхоннинг буйруғи билан шоҳи тўнлар ва тилла тангалар билан мукофотландилар.

Энди умумхалқ томошаси бошланиши лозим эди. Булоқ бўйидагилар дарахтзорни оралаб ўтиб, тепаликка чиқишди. Тепалик ўртасида тўрт ёни мрамар пиллапояли бир кенг баланд супа бор эди. Супада Ўдуннинг асл ғиламлари солинган, устига катта қизил соябон ўрнатилган. Биби Робиа ва Чўлпоной Олтун Тарим канизлари билан ўтиришарди. Хон ва тегинлар ҳам меҳмонлар билан келиб супадан ўрин эгаллашди.

Ўн беш қулоч баландликда тикланган дор шодалари бу ердан яққол кўзга ташланиб турарди. Кишилар кўкка кўз тикиб, дами ичига тушиб кузатар, шахдам қадамлар билан дор устида ўз маҳоратини намойиш қилаётган дорбозга қойил қолмоқда эдилар. Дорбоз дордан қайтиб тушгач, одамлар нафасини ростлаб офарин айтдилар.

Ҳар бири бир арслонни кўтариб босгудек полвонлар супа олдидаги майдонда кураш туша бошладилар. Полвонлар давра айланар, бир-бирининг ёқа-енги, белбоғидан тортиб, йиқитишга чиранар, тортқилашар, итаришар, қулай вазият бўлди, дегунча кўтариб ерга урардилар. Йиқилгани туриб курашга чоғланарди яна.

Толмас билак соҳиблари ҳам эътибор ва эътирофга сазовор бўлишди. Озиқ қалъаси хазиначиси дорбозчилар ва кураш ғолиблари — полвонларга олтин-қумуш инъом қилди.

Сайил-томошалар бошланди. Атрофда туманот одам. Тепаликда издиҳом.

Санъаткорлар созларини чала бошладилар. Йигит-қизлар гуруҳларга бўлиниб, ашула айта бошладилар.

Бир неча ўсмирлар азим чинор шохларига боғланган арғимчоқларда учишмоқда.

Масхарабозларнинг хатти-ҳаракатларидан одамлар қотиб-қотиб кулишарди.

Қизиқчи-ҳазилкашлар аския қилишар, кишилар уларнинг ҳанго-маларидан хохолаб кулишар, ҳатто кула-кула йиқилар, йиқилиб куларди.

Баъзи мўйсафидлар томошада, баъзилари алоҳида йиғилиб суҳбат қилишмоқда.

Байрам қизигандан-қизирди. Кишилар дошқозонларда қайнаётган ҳалимларни сопол косаларга сузиб, қорин тўйдириб, яна ўзларини томошага урардилар.

Рақсга тушаётган кишилар тўпи ичидан миқти гавдали қорачадан келган бир киши сирғалиб ўтди-да, черикларнинг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамай супа олдига келиб тизланди, бошлари ерга теккудек таъзим қилди.

— Саломимга алик олғайлар, Маҳмуд Кошғарий ҳазратлари, — деди дадил овозда.

Супада ўтирганлар ҳайрон эди. Маҳмуд Кошғарий бўз қўйлаги устидан яшил белбоғ боғлаб, оёқларига чориқ кийган бу деҳқонсифат одамни қаердадир кўргандай эди-ю, ҳа деганда эслаёлмади. Нотаниш киши буни сизди, шекилли, бундай деди:

— Каминани танимаган бўлишлари мумкин, ҳазратим. Мен сизларни Явлоқ сориг бекнинг ҳовлисида кўрган эдим.

Маҳмуд Кошғарий эслади. Маҳмуд бу кишини бултур кузда Турумтойнинг севгани Кумуш қизни олиб келиш учун Тошбалиққа борганда кўрган эди-ку. Ўша куни бекнинг ҳовлисида тўпланган деҳқонлар ичида мана шу киши ҳаммадан кўра дадил сўзлаган эди. Бекнинг мулозимлари деҳқонни боғлаб: “Солиқ тўлашдан бош тортди” деб қистовга олаётганда у Маҳмудга: “У солиқни тўлаган. Мен билурмен”, деганди. Яна у Маҳмуднинг хонзода эканини билиб, “Ҳа балли, хожамнинг хожаси бор”, деган эди.

— Хуш келибсиз, меҳмонимиз бўлинг, — деди Маҳмуд унга, — не гапингиз бўлса тортинмай сўзлайверинг.

Ҳалиги киши ўрнидан турди.

— Жанобларини сафарга чиқмоқчи, деб эшитдим, шу ростму? — сўради Маҳмуддан.

— Рост, — деди Маҳмуд унинг бу саволига қизиқиб.

— Ҳазратим, камина жаноблари ҳақида кўп эшитганмен, одилликларини ҳам Явлоқ соригнинг ҳовлисида ўз кўзим билан кўрган эдим. Шу боис хизматларида бўлишни бахт, деб билурмен. Сафарга чиқишларида мени хизматга ёллашларини ўтиниб сўраймен.

Маҳмуд ўйланиб қолди.

— Қандоғ ишларни билурсиз? — сўради у.

— Асли касбим — қарвонбошилиқ. Агар қарвон бошқаришга ҳали одам танламаган бўлсалар, мен қарвонбоши бўлай. Пушаймон бўлмагайлар, мендин рози бўлғайлар.

— Каминанинг ҳам эсига келди, — деди Низомиддин Исрофил Тўғон Тегин, — уни Болосоғунга борганда бир савдо қарвонида кўрган эдим.

Юсуф Болосоғуний ҳам гапга аралашди.

— Тўғри, — деди у, — мен ҳам кўрганмен, у қарвон бошқарувчи.

Шу пайт Ҳасан Тегин кулиб деди:

— Астаффуруллоҳ, унутганимни қаранг! — деди у. — Олти йил бурун Арслон Тегин ҳазратлари Хуросонга элчилар қарвонини бошлаб борганда шу кишини ёллаган эмасму!

— Шундоғ, шундоғ, — дея хурсанд бўлиб кетди миқти гавдали киши.

— Арслон Тегин қайтиб келгач, “Карвонни яхши бошқараркан” деб уни мақтагани.

Миқти гавдали киши мамнуният билан қулиб қўйди.

— Мен бу томони Сориг ўгуз дарёсигача, у ёқдан Қизил денгизгача борганмен. Кунчиқишдин Кунботишгача ҳамма карвон йўлларини беш қўлдек билурмен.

— Менимча, уни карвонбоши қилса бўлур, — деди Ҳасан Тегин Ҳусайн Эликхонга.

Эликхон ҳам рози бўлиб бошини қимирлатиб қўйди.

— Барчангиз гувоҳлик бериб турганда мен ҳам қўшилурумен, албатта, — деди у.

— Маъқул, — деди Маҳмуд ҳалиги кишига мурожаат қилиб, — бугун байрамни биз билан ўтказинг. Эртага карвон билан танишгайсиз.

Миқти гавдали киши хушнуд бўлиб, қайта-қайта таъзим қилди ва орқага бурилиб, издиҳомга қўшилиб кетди.

Наврўз базми давом этарди. Шўх ашула, ёқимли тарона, хушжаранг кулги, жўшқин хитоблар... Ҳар ёнда жўш уриб янграётган шодлик садоси!

Оҳ Наврўз байрами, баҳор байрами!

Совуқ фаслнинг илиқ кунларга алмашинувида қайтиб келган қалдирғочларнинг гулбаҳорга мадҳия ўқиб вижирлашлари ҳам, қаердадир шўх сайраётган булбулнинг хуш чаҳчаҳи ҳам бу қутлуғ байрамнинг жўшқинли нағмасига қўшилиб кетарди.

Оҳ Наврўз байрами, баҳор байрами!

Борлиқ табиат гўё бахт яратувчи илоҳий пайғом каби ғойибдан нидо қилиб:

“Қашқарда Наврўз! Қашқарда баҳор!” — деб овоза қилаётгандек туюларди.

Оҳ Наврўз байрами, баҳор байрами!

*Уйғур тилидан  
Саидмурод ХОЛБЕКОВ  
таржимаси*



МАШРАБ

**Чамандин айрилиб бўлмас**

*Газаллар*

\* \* \*

**Х**ар кишининг дарди бўлса йиғласун ёр олдида,  
Қолмасун армон юракда, этсун изҳор олдида.

Андалиби бенаводек нолаву афгон ила,  
Айланиб сайраб юрарман айна гулзор олдида.

Мансури Халлождек ичиб шароби антаҳур,  
Чарх уриб йиглаб турарман ушбу дам дор олдида.

Ҳар киши бир журъае нўш айласа бул бодадин,  
Ул қиёматда қилур арзини Жаббор олдида.

Телба Машраб, қилмағил сиррингни зоҳидга аён,  
Айтиб-айтиб йиғлагайсан ошиқи зор олдида.

\* \* \*

Борурман остонига саҳар оҳиста-оҳиста,  
Сурарман кўзларимга хоки дар оҳиста-оҳиста.

Ўтар бир-бир босиб ул шўх, боқмас бевафоликдин,  
Эрур андоқ вафосиз умр ўтар оҳиста-оҳиста.

Кичикликда, нигорим, аччиғ айтса айб эмасдур,  
Ки, фаслида бўлур ширин самар оҳиста-оҳиста.

Жамолинг баркамол ўлди, бўлур бир-бир хатинг пайдо,  
Баҳор ўлса ўсарлар сабзалар оҳиста-оҳиста.

Борур мискин бу Машраб гул юзингни кўргали, аммо  
Кўролмай оразинг йиглаб турар оҳиста-оҳиста.

\* \* \*

Кўнглумни бердим сан бевафога,  
Кўйди юроким жабру жафога.

Эй нозуниним, раҳм айла манга,  
Қолдим сани деб юз минг балога.

Меҳнат чекарман, роҳат кўрай деб,  
Қилсанг жафолар йиғлай Худоға.

Бемори ишқинг бўлдим, нетарман,  
Собир – балоға, рози – қазоға.

Мужгонинг ўқи ўтти юракдин,  
Ногоҳ совуқ сўз тушди ароға.

Машраб сани деб кечди жаҳондин,  
Раҳм айла, шоҳо, муфлис гадоға.

\* \* \*

Кўрсат жамолинг мастоналарға,  
Ишқингда куйган парвоналарға.

Мандин дуодур, сандин ижобат,  
Жоним тасаддуғ жононаларға.

Эй кўнгли қаттиғ, раҳм айламайсан,  
Қилгин назар сен бечораларға.

Куйган гарибман, шафқат қил охир,  
Кўйингда юрган девоналарға.

Машраб сани деб кечти жаҳондин,  
Бошини кўйди остоналарға.

\* \* \*

Кокулунгму анбардур жон ичинда, жонон қиз,  
Кўзларингму ахтардур рўйи моҳи тобон қиз.

Лабларинг эрур лаълдек, юзларинг қизил гулдек,  
Барча эл санга қулдек хизматингда фармон қиз.

Бир кўруб сани, золим, қолмади манинг ҳолим,  
Танг бўлубдур аҳволим, билмадингки, нодон қиз.

Оразинг – очилган гул, сочларинг – эрур сунбул,  
Тишларинг – мисоли дур, лабларингда пинҳон қиз.

Кокулунгни ўрганда, бурқа бошга кўйганда,  
Жоним ўртанур танда, офтоби даврон қиз.

Ой юзингни кўрганда, лабларингни сўрганда,  
Машрабинг бўлур банда, лаъли шаккарафшон қиз.

\* \* \*

Бул тани хокинию руҳи равонни на қилай?!  
Бўлмаса қошимда, жонон, бул жаҳонни на қилай?!

Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак?!  
Иброҳимдан қолгон ул эски дўконни на қилай?!

Урайинму бошима саккиз Беҳишту Дўзахин,  
Бўлмаса васли манга, икки жаҳонни на қилай?!

Аршнинг кунгурасин устига қўйдум оёғим,  
Ломакондин жой олибман, бул маконни на қилай?!

Заррае нури қуёшдек бул жаҳон ичра тамом,  
Ошкоро бўлмаса, сирри ниҳонни на қилай?!

Бир Худодин ўзгаси барча галатдур, Машрабо,  
Гул агар бўлса қўлумда, ул тиконни на қилай?!

\* \* \*

Жамолинг кўргали келдим, аё эй меҳрибон онам,  
Манинг учун адо бўлган юрагу бағри қон онам.

Хўтан даштига туштум бул фалакнинг гардиши бирлан,  
Эшиткил арзи ҳолимни, ман айтай санга, жон онам.

Ажойиб меҳрибонимсан, манинг ороми жонимсан,  
Муроди ду жаҳонимсан, биҳишти жовидон онам.

Мани бир жоду кўзлук бул жаҳон ичра хароб этти,  
Қади сарву санавбар, қошлари мисли камон, онам.

Бошимга тушту бул савдо, бўлубман булбули шайдо,  
Шабистони жаҳонда қумридек шаккарфишон онам.

Бу ишқ ўти хароб этти, юрак-бағрим кабоб этти,  
Мани хоки туроб этти юзи моҳи тобон, онам.

Сани кўп интизор эттим фироқ ўтига, эй Каъбам,  
Тавофи Каъбайи мақсуда келдим дилкашон онам.

Илоҳо, афв қилгайсан бу Машрабнинг гуноҳини,  
Туфайли онайи зорим, гарибу нотавон онам.

\* \* \*

Ишқинг ўтига куйғоли келдим,  
Ойдек юзунгни кўрғоли келдим.

Савдойи зулфунг тушди бошимга,  
Сандин давосин сўрғоли келдим.

Баҳринга кирдим говвос бўлай деб,  
Бир дурри мақсуд олғоли келдим.

Эй гульзорим, ой юзли ёрим,  
Маҳви жамолинг бўлғоли келдим.

Қофила кетти, манзилга етти,  
Ман ҳам тараддуд кўрғоли келдим.



Соқий, қадаҳни қилгил муҳайё,  
Ваҳдат майидин ичғоли келдим.

Раҳмат эшикин Машрабға очгил,  
Ишқинг кўйида ўлғоли келдим.

\* \* \*

Ишқинг ўтига ўртаб ҳар дам чу қуяй дерман,  
Ул шамъи жамолингга парвона бўлай дерман.

Мужгонинг ўқин отиб, қонимни тўкар бўлсанг,  
Қоним била, эй жоно, оламини бўяй дерман.

Юзунг билан қошингдин ўзгага назар солсам,  
Ханжар олибон қўлга кўзимни ўяй дерман.

Раҳм айласа гар дилбар ҳам очса ниқобини,  
Ман хастасиман, дўстлар, тўйгунча кўрай дерман.

Ман дашту муҳаббатда ташна бўлубон юрдум,  
Сун васл шаробидин, эй соқий, тўяй дерман.

Машраб сани деб, дилбар, кечти икки оламдин,  
Раҳм айлагил, эй жоно, васлингга етай дерман.

\* \* \*

Шоҳи жаҳоним, ишқингда ўлдум,  
Ороми жоним, ишқингда ўлдум.

Кимдин ўргандинг мунча жафони,  
Эй нуктадоним, ишқингда ўлдум.

То қоба қавсайн шарҳи қошингдир,  
Абрў камоним, ишқингда ўлдум.

Қақнусга ўхшаб нола қилурман,  
Ўртанди жоним, ишқингда ўлдум.

Бир раҳм қилгил, ҳолимни сўргил,  
Номехрибоним, ишқингда ўлдум.

Ёрим санга ман чокар бўлойин,  
Соҳибқироним, ишқингда ўлдум.

Машрабга бир боқ, жон лабга етти,  
Руҳи равоним, ишқингда ўлдум.

\* \* \*

Эй манинг нозик ниҳол ороми жоним, қайдасан?  
Бул кўнгул бўстонида гунча даҳоним қайдасан?

Неча йиллар бул кўнгул муштоқ эрур дийдоринга,  
Ўргулай, эй дилбари ширин забоним, қайдасан?

Айрилиб ман ёрдин бир неча кун бўлдум жудо,  
Ахтариб келдим сани, сарви равоним, қайдасан?

Ҳолу зорим кўп ёмондур, келмасанг бир йўл сўраб,  
Эй манинг хуш меҳрибоним — ёри жоним, қайдасан?

Кўзларим гирён бўлуб қолдим бу ғам саҳросида,  
Ҳасратингда чиқти бул оху фиғоним, қайдасан?

Ташналабдур Машрабинг, бўлди юрак-бағри кабоб,  
Фурқатингда чашмаи оби равоним, қайдасан?

\* \* \*

Жоним онам, йиғлама, бечора онам, қол букун,  
Абри найсон кўзларинг, дурдона онам, қол букун.

Чун дуойи хайр этгил, фараҳ бунёд этиб,  
Ожизу бечорага ҳамхона, онам, қол букун.

Хизмати шоиста ҳаргиз бўлмади мандин санга,  
Буйруғи Жабборидур, мардона онам, қол букун.

Жон чекиб сан бир неча фарзанд камолин айладинг,  
Кўрмадинг зарра вафо, гирёна онам, қол букун.

Ҳалқайи солди жунун бўйнулумга ҳар ён судрабон,  
Ихтиёрим вожгун, мастона онам, қол букун.

Куйди жону устихоним, кошки кул бўлғай эди,  
Шамъи доғи бўлдуму парвона онам, қол букун.

Машраби бечора пирнинг хизматига олди йўл,  
Қаъбаму қиблам манинг, ғамхона онам, қол букун.

\* \* \*

Агар ошиқлиғим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар.  
Бу ишқ сиррин баён этсам, тақи ул хонумон ўртар.

Кишига ишқ ўтидин заррайи тушса бўлур гирён,  
Бўлур бесабру бетоқат, юрак-бағри ҳамон ўртар.

Нечук тоқат қилай, дўстлар, бу дард бирлан бўлуб ҳайрон,  
Ғамим бошқа, алам бошқа, юрокимни ниҳон ўртар.

Мани беҳонумон тинмай куюб ҳар дам фироқингда,  
“Нигоро!” деб отинг айтсамки, шавқингдин забон ўртар.

Қаю тил бирла, эй жоно, санинг васфинг баён айлай,  
Тилим лолу кўзим гирён, сўнгақларни чунон ўртар.

На қаттиқ кун экан, дилбар, висолингдин жудо бўлмоқ,  
Манинг оҳим ўтиға бул замину осмон ўртар.

Юракда дарду ғам қат-қат, ки манда қолмади тоқат,  
Агар бир заррасин бул вақт десам ишқи баён ўртар.

Бу дард бирлан хароб ўлдим, келиб ҳолимни сўрмайсан,  
Унум чиқса юракдин бул тану жон, устихон ўртар.

Бу Машраб дардини, ё Раб, ки ҳеч ким бошиға солма,  
Агар Машҳарда оҳ урсам, Биҳишти жовидон ўртар.

\* \* \*

Сани Лайлию раънодек ажойиб дилрабо дерлар,  
Мани Мажнуни шайдодек кўйингда бир гадо дерлар.

Кеча-кундуз эшигингда фиғону нолалар қилсам,  
Ки ҳарчанди наво қилсам, ҳанузам бенаво дерлар.

Бориб сўрдум табиблардин: “Бу дардимға даво борму?”  
Алар айтурки: “Эй нодон, бу дарди бедаво дерлар!”

Боқибон ул пари кўз учидин юз ноз қилиб ўтти,  
Руҳи чун ул маҳи тобонни анворул худо дерлар.

Тафарруж айлабон ногаҳ назар қилса гўристонға,  
Кўпуб гўрдин ҳама одам, ҳама: Во ҳасрато! дерлар.

Қани Лайли, қани Мажнун, қани Ширин билан Фарҳод,  
Алар ўтти бу оламдин, бу олам бевафо дерлар.

Итини хоки пойиники Машраб кўзига суртти,  
Нидо келдики оламдин, бу кўзга тўтиё дерлар.

\* \* \*

Чиқсам кўчаға шаҳсуворим келадур,  
Гул гунчасидек лола узорим келадур.

Ҳар ёнға боқиб, кифрик ўқин халқға отибон,  
Ўтларни ёқиб жонимға нигорим келадур.

Гулгун лабидин ишқ майин элга сунибон,  
Ўз мастлиғидин кўзи хуморим келадур.

Жонимға тегиб ҳар соридин рашк қиличи,  
Мужгон ўқини ҳар ён оторим келадур,

Келмай неча кун қайда қарор этти эканким,  
Кўнглумдин олиб сабру қарорим келадур.

Ўлмайму бу дард бирла ки, эй ёру ёронлар,  
Ҳар лаҳзада минг жоним олорим келадур.

Кундуз ё кеча ҳеч маҳал келмаган эрди,  
Бул турфа кўрунг лайли-наҳорим келадур.

Гул барги каби ғам билан сарғайди бу Машраб,  
Не ғам манга эмди ким ул ғамхорим келадур.

\* \* \*

Намангандин кетар бўлсам, мани йўқлар кишим борму?  
Ғариблик шаҳрида ўлсам, мани йўқлар кишим борму?

Қани қавму қариндошим, бу йўлда бўлса йўлдошим,  
Кўзимдин оқизиб ёшим, мани йўқлар кишим борму?

Муҳаббат шарбатин ичтим, қозондек қайнабон тоштим,  
Бу фоний дунёдин кечтим, мани йўқлар кишим борму?

Тушубдур бошима савдо, рамузи ишқидин ғавго,  
Ўзига айлади шайдо, мани йўқлар кишим борму?

Турарга тоқатим йўқтур, юрарга ҳолатим йўқтур,  
Юракда ишқ ўти чўқтур, мани йўқлар кишим борму?

Қарорим йўқ турай десам, Наманганда юрай десам,  
Жаҳонни сайр этиб кезсам, мани йўқлар кишим борму?

Бу мискин зор Машрабнинг киши ҳолини билмайдур,  
Бу ердин бош олиб кетсам, мани йўқлар кишим борму?

\* \* \*

Малаксан ё башар, ё ҳуру ғилмонсан, билиб бўлмас,  
Бу лутфу бул назокат бирла сандин айрилиб бўлмас.

Ажаб бераҳм дилбарсан, ажаб шўхи ситамгарсан,  
Чароғи ҳусни рўйингдин кўнгулни ҳам узиб бўлмас.

Юзунгни офтобини кўруб ҳайрон бўлуб қолдим,  
Фалакка қўл узотиб шамси анварни олиб бўлмас.

Юзунг мисли қизил гулдур, кўнгул чун булбули шайдо,  
Бу гулнинг ишқидин булбул чамандин айрилиб бўлмас.

Кел, эй Машраб, агар ошиқ бўлибсан, бўлмағил ғофил,  
Бу ғафлат уйқусидин, эй ёронлар, уйғониб бўлмас.

## Жўшқин шеърят

XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII аср бошларида яшаб ижод этган Бобораҳим Машраб ўзбек адабиёти тарихида ижтимоий ва сиёсий, фалсафий ва диний масалаларни ўзида акс эттирган чуқур, илғор ғояли ғазаллар, мустаҳзодлар, ҳикоятлар муаллифи сифатида ўзига хос муносиб ўринга эга.

Машраб ижоди, унинг халқчил фалсафий мероси — ғазалларида илгари сурилган инсон фикр ва туйғулари эркинлигини, маънавият ва маърифатни ёқлаш, мол-дунё эгаларининг жоҳиллигини қоралаш, миллий, тасаввуфий ва фалсафий қарашларини холисона ўрганиш ҳамда унинг маънавий меросини халққа етказиш эҳтиёжи кўпроқ сезилмоқда.

Ўрта аср Шарқ фалсафий шеъриятида Низомий Ганжавий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Саид Имодиндин Насимий, Мирзо Абдулқодир Бедил каби сўз усталари сермазмун ижод қилдилар. Улар қолдирган бой маънавий мерос бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмай, ахлоқий-таълимий руҳининг теранлиги туфайли ҳар тарафлама ўқиб, ўрганиб келинмоқда.

Бобораҳим Машраб ҳам салафлар изидан бориб, улар олға сурган гоёлардан изчил фойдаланган ҳолда, кейинчалик шогирдлари томонидан тасниф этилган «Девони Машраб» ва шу пайтгача ўрганилмай келинган панд-насиҳат (дидактик) руҳдаги “Мабдаи-нур” (“Нурнинг ибтидоси”), “Кимё” асарларини яратди. Бу асарларда Машраб ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-таълимий, маърифий-дидактик ва умуминсоний фикрларни ифода этиб, ўз дунёқараши билан Шарқ ижтимоий-фалсафий фикри ривожига катта ҳисса қўшди. Машраб “Кимё” асарини Шарқ мутафаккири Муҳаммад Ғаззолийнинг машҳур “Кимиёи саодат”идан илҳомланиб ёзди.

Машрабнинг кўп қиррали ва сермахсул ижодий мероси шу пайтгача кўнгилдагидек тадқиқ этилмаган бўлса-да, мутафаккирнинг маънавий мероси олимларимиз ўртасида анчадан бери қизиқиш уйғотиб келмоқда. — Мутафаккир яратган асарлар матнини ўрганиш жараёнида бугунги кунда унинг ғазаллари ва мухаммасларини ўз ичига олган алоҳида девони вужудга келди. “Мабдаи-нур” ва “Кимё” асарлари айнан шу шоирга тааллуқли эканлиги аниқланди. Шарқшунос ва тарихчилардан В. Л. Вяткин, Н. И. Веселовский, Н. С. Ликошин ва бошқалар Машраб ижодининг баъзи томонларини тадқиқ қилганлар.

Оташин шоир Бобораҳим Машраб таваллуди санаси ҳамон мунозарали экан, тадқиқотчилар ўз илмий қарашларидан келиб чиқиб, унинг туғилиш санасини илмий адабиётларда 1640 йил деб қайд этаётгани нотўғри эканини таъкидлаш зарур. Зеро, шоир ижодий мероси бугунги кунда тикланиб, у қолдирган ғазаллар ва турли жанрдаги шеърий манзумалар халқимизга қайтарилаётган экан, унинг ҳаёти ва фаолиятига илмий нуқтаи назардан холисона ёндашиш вақти келди. Машраб 1653 йил 22 майда Наманган шаҳрининг Маддоҳлар (Маддоҳон ҳам деб аталган) маҳалласида туғилган.

Машрабнинг отаси мулла Вали ўтинкашлик билан шуғулланган. Оналари Зубайда (Салима биби ҳам деб аталган) бегим уй бекаси бўлган. Ягона синглиси Моҳибадр (тўлин ой) маҳалладаги бир шоиртабиат йигитга узатилган. Манбаларда ёзилишича, Бобораҳим дастлаб етти ёшлигида Вали бобо ва маҳалла мулласидан таҳсил олган. 1665 йили 12 ёшида Наманганда доврўф қозонган уламо мулла Бозор охунд қўлида таҳсил олишга киришган. У ерда Қуръон илмидан баҳраманд бўлиб, қориликка етишган. Мулла Бозор Охунддан илм-одоб қойдаларини ўрганиб олгач, Охунд унинг илмини янада мукамаллашувини хоҳлаб Қашқарга ўз пири Офоқхожа хонадонига кузатган. Машраб бу пайтда тахминан 20–21 ёшларда бўлган. Чунки унинг ўша даврдаёқ давр улугларига айтган шеърларининг оғир ботиши ва уларнинг шоирга нисбатан норозилик кайфиятлари унинг шоирлиги, бурро тиллиги, айтган сўзидан қайтмаслиги ҳаммага аён бўлиб, унга тазйиқлар бўлганлиги, у Наманганга сиғмай юрганлиги ҳақиқатга яқин.

Намангандек табаррук юрт менга тор ўлди,  
Муллолар қутқусидан азиз бошим хор ўлди,  
Онам, синглим муштипар парча нонга зор ўлди,  
Бўйним эгиб, тиз чўкмоқ, найлай менга ор ўлди,  
Кўринг эмди, ёронлар, кўксим лозазор ўлди.

Шоир баъзи бадхулқ, ришватхўр муллалар ва шаҳар ҳокими амалдорлари қутқусидан бешиб туғилган юрти Наманганни ташлаб кетишга мажбур бўлган.

Машраб ўз пири хонадонидида жамики илмлардан бохабар бўлганидан сўнг қаландар либосида чиқиб кетган. Фитрат берган маълумот бўйича “Машраб

мулла Бозор охунд рухсати билан Шарқий Туркистонга сафар қилиб, Қашқардаги Офоқхожага мурид бўладир. “Машраб” тахаллусини ҳам шундан оладир. Манқабани Машрабнинг Офоқхожа эшикида уч йил ўтун, уч йил сув ташиб, яна бир йил бошқа хизматлар қилганини хабар берадир. Офоқхожа Қашқар халқи... ва ўзи учун жуда катта давлат таъмин қилган эди”<sup>1</sup>.

Машраб Офоқхожа даргоҳида авлиёлликка етишган. Тариқат илмини бу даргоҳда мукамал ўрганиб, тарғиб этиш учун кўп мамлакатларга борган. Ёрқентга, у ердан Хўтанга, сўнг Фулжага ўтган. Машраб Фулжадан Қашқарга қайтади. Сўнг пир топшириғи билан Тошкентга ва яна Офоқхожа ҳузурига, ундан кейин ўз она юрти Наманганга келади. Хуллас, 18 йил давомида Бобораҳим Машраб Яман, Ҳиндистон, Исфаҳон, Ҳирот, Машҳад, Балх, Макка, Мадина, Жидда, Ҳалаб, Шероз, Шом, Рум, Бағдод, Шибиргон, Андхўй, Мозори Шариф, Бухоро, Насаф, Тошкент, Туркистон, Шоҳимардонда бўлган. Қабодиён, Хўжанд, Бадахшон, шунингдек Яқин Шарқнинг қатор ўлкаларига борган.

Машраб маърифатни қаландарликдан излаган. Фитрат бу ҳақда фикр юритиб, Машраб ўша саёҳатида наманганлик Мажзуб Намангоний “Тазкират ул-авлиё”сида ёзишча, Қаршида Офоқхожа муридларидан бўлган нақшбандия маслаги вакили Хожам подшоҳни (асли исми Ҳусайнхўжа бўлган) учратиб, ундан 4 йил тасаввуф таълимотини ўрганган, деб маълумот беради.

Машраб Самарқандда, сўнгра “Мен Бухоро шаҳрига келдимки, илм савдо қилайин деб”. Бухоро шаҳрида мавлоно Шарифдан (таниқли олим Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад ал-Ҳусайний ал-Алавия ал-Бухорий) илм олиб, ораларида шиддатли мунозаралар бўлиб, диллари озор ҳам чекади ва Офоқхожа ҳазратлари 1694 йил вафот этган бўлсалар, унгача Машраб 18 йиллик саёҳат сафаридан қайтиб келган ва пиридан жуда кўп илтифотлар кўрган.

Машраб тадқиқотчиси Дилоромхон Ҳамроева ҳам Машрабни Самарқанд, Бухоро ва Қарши медресаларида таҳсил олганини, аммо Машраб билими юқори бўлиб, кўп мудarrisлар уни қаноатлангирмаганини қайд этган.

Бобораҳим Машраб ҳаёти Балх шаҳрида хотима топди. Ҳоким тоифа, мутаассиб руҳонийлар унга ўзларининг ашаддий ганими деб қарадилар. Уни йўқотиш пайига тушдилар. Балх ва Қундуз ҳокими бўлган Маҳмуд Қатағонбийнинг ҳукми билан у шаҳиди аъло мақомига етишди. Оташин шоир, довюрак инсон, катта қалб соҳиби бўлган Машраб осиб ўлдирилди. У Мансур Халлож ва Имомиддин Насимий каби ҳурфикр гоёлари йўлида, ўз замонидаги ҳукмрон табақа истагига биноан расмий сиёсат қурбони бўлди.

Машраб шеърларининг асрлар оша аҳамияти ошиб бориши сири нимада? Дастлабки сабаблардан бири унинг барча асарлари чинакам халқона руҳда, халқона тилда ёзилганидир. Машраб дилидаги буюк дардлар – ватангадолик, маънавий зарбалар, жисмоний бахтсизлик, пири комил нафратига дучор бўлиш, умр бўйи дарбадарлик – санаган билан адоғига етиб бўлмайди. Жаҳонгашталиқ баҳонасида шоирнинг ижоди тобора ҳам шаклан, ҳам мазмунан сайқал топиб борди, баъзи ғазаллари халқ дилига шу қадар яқинки, уни шеър деб эмас, мақол ё матал деб айтгинг келади:

Юриб сўрдим табиблардин: «Бу дардимга даво борму?»  
Табиб айтурки: “Эй нодон, бу дардни бедаво дерлар”.

Гўё Машраб бу шеърни ҳозиргина қоғозга тушириб, сизга қолдириб кетгандай, ҳолбуки орадаги вақт...

Машраб ғазаллари гоёси ҳақида ҳар қанча гапирган билан оз – оддий меҳнаткаш дардидан тортиб, умуминсоний муаммолар шоирга бир умрлик илҳом манбаи бўлиб келган.

<sup>1</sup> Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II-жилд. 2000, 90-бет.

Шоир ўз меросини тириклигида девон ёки баёз, мажмуа тарзида тартиб, тасниф бериб оммага тухфа қилишга раъй ва рағбат қилмаган: “Агар мандан китоб қолса, аҳли муҳаббат хароб бўлур” деб ёзувларини ўтга ташлаган. Уч ярим асрки, оташин шоир ҳақидаги қисса ва ривоятлар унинг ўгли, жўшқин шеърияти, оташнок ва ифорли газаллари ўзбек халқи томонидан эъзозли ва қадрли бўлиб, у севган ва уни севган омма, одамлар томонидан ўрганиб келинмоқда.

*Мўмин ҲОШИМХОНОВ,  
фалсафа фанлари номзоди*



Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамият фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Лойиҳа номи: «Буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини улуғлаш, уларнинг ҳаёт ва ижод йўлини ибрат мактаби сифатида тарғиб этиш, ёшларимиз тафаккурини умумбашарий қадриятлар асосида камол топтириш, уларда мустақиллигимизга нисбатан ғурур ва садоқат туйғуларини шакллантириш».



## Жаҳондаги глобаллашув жараёни ва молиявий инқироз

Глобаллашув мураккаб, зиддиятли, диалектик жараён. XXI асрда жаҳон тараққиёти янги босқичга кўтарилди. Ижтимоий ривожланиш, фан ва техника ютуқлари, замонавий технологиялар туфайли ижтимоий алоқаларнинг янги шаклланиши глобаллашув тизимининг асосий белгиси сифатида намоён бўлмоқда. Шу билан бирга, бу ҳодиса айрим салбий жараёнлар ва зиддиятларни ҳам келтириб чиқараётганини инкор этиб бўлмайди. Жумладан, ўтган йили бошланган жаҳон молиявий инқирози ҳам глобаллашув жараёни таъсирида вужудга келгани шубҳасиздир. Ҳозирги даврда халқаро муносабатларнинг ривожланиши тамойилларини англаб етган, олдиндан кўра билган ва шунга мувофиқ ички ва ташқи сиёсат олиб бораётган давлатларгина ўз миллий манфаатларини ҳимоя қила олишини жаҳонда ва мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар тасдиқлаб турибди.

Глобаллашув туфайли жаҳон иқтисодиётида юзага келаётган зиддиятларни миллий ва глобал миқёсда ҳал этишга бўлган уринишлар сифатида ҳам кўриш мумкин. Глобаллашув шароитида хўжалик алоқаларининг кучайиши натижасида бозорларнинг тобора кенгайиб бориши, мамлакатларнинг арзон товарлар, хизматлар, капитал, иш кучи, технологиялар бозорларига кириб бориши сезилаётган бўлса-да, валюта-кредит, савдо-сотил муносабатларидаги айрим тўсиқлар ушбу зиддиятларни янада кучайтирмоқда. Шу ўринда айтиш мумкинки, Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунё халқларининг турли хунрезлик, вайронгарчиликларга қарши жипслашуви, дунёнинг турли бурчакларида содир бўлаётган катта-кичик уруш ҳаракатларининг кенгайиб, оммавий тус олиб кетишига қарши биргаликда курашиш

ғояси асосида юзага келган маънавий бирдамлиги ҳозирги пайтга келиб яққол кўзга ташланаётгир. Аслида бу анъананинг моҳияти асосан бир томонлама иқтисодий фойда ва таъсир доираларини кенгайтириш томон ўзгариб борди. Эзгу мақсадлар билан шакллантирилган маънавий жипслик ғоясини илгари сурган авлоднинг фақат ўзигагина тегишли бўлгани ҳамда ҳозирги сиёсий элиталар дунёқарошига ёт эканини бугунги кун воқеаларини кузатиб бораётган ҳар бир инсон яхши тушунади. Ўтган асрнинг охиридан бошлаб глобаллашув даҳшатли воқеаларга гувоҳ бўлган дунё халқларининг маънавий бирлиги, ҳамкорлигини эмас, улар орасидаги муносабатларнинг муайян носоғлом манфаат ва мақсадлар, асосан Ғарб манфаат ва мақсадларини ифодаловчи стратегия негизида ривожланишини ифодалай бошлади. XX аср ўрталарида “дунё халқларининг маънавий бирлиги” ғояси эса маънавият ва маданиятнинг муштараклигини эмас, аксинча, турли таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашишда қарашларнинг бирлиги, хатарли ҳолатларга нисбатан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш маъносини ифодалаган эди. Бундай ёндошув барча давлатлар ўртасида ўзаро ёрдам, мамлакат, минтақа ёки дунё миқёсидаги кескинликларни бартараф этиш, бирибига қўмаклашиш борасида изчил молиявий-иқтисодий чораларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишнинг дастур ва режаларини ишлаб чиқишга имкон яратган эди. Бироқ ўтган асрнинг охирига келиб бу ғоя ўзининг таъсир кучи ва моҳиятини йўқотди. Бу ҳол маълум даражада коммунистик жамиятнинг инқирозга юз тутиши билан ҳам изоҳланади. Негаки, собиқ Совет Иттифоқи парчаланиб кетгач, мустақилликни қўлга киритган республикаларни таъсир доираси-



га олишга уриниш айрим «буюк» давлатлар сиёсатининг стратегик йўналишларидан бирига айланди. Бундай саъй-ҳаракатлар, айниқса бой табиий захираларга эга минтақа ва мамлакатларни тобе этишга уринишларда яққол намоён бўлмоқда. Бу қаби интилишларни қатор мамлакатлар ҳаётининг барча соҳаларида: сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий-маънавий соҳаларда кузатиш мумкин. Шу тариқа ёвузликларга қарши биргаликда курашиш гоёси моҳиятан ўзгариб борди. Глобаллашув жараёни дунёни таъсир доирасига олишнинг таъсирчан кууролига айланиб қолди. Қизиги шундаки, ўтган асрнинг охирларида глобал иқтисодий муносабатлар асосан давлатлар ўртасида кўзга ташланган бўлса, ҳозирги вақтда бу муносабатларни бошқаришда трансмиллий компаниялар етакчи ўрин тутмоқда. Бунинг оқибатида эса Президент И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, “глобал молиявий инқироз... молия-банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг қўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талафотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмоқда” (И.А. Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этиш йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон, 2009, 5-бет).

Дарҳақиқат, дунёда глобал ҳукмронликка интилаётган айрим мамлакатлар бошқа мамлакатларни ўз таъсир доирасига олишга, уларга турли воситалар орқали тазйиқ ўтказишга ҳаракат қилаётгани ўзларида юз бераётган салбий жараёнларни, хусусан, банк-молия соҳасидаги вазиятни назорат қила олмаётгани дунёдаги барча давлатлар учун жиддий оқибатни келтириб чиқармоқдаки, бу гоёт хатарлидир. Натижада, содир бўлган жаҳон молиявий инқирози нафақат АҚШ ва Европа давлатларининг молия бозорларида, балки барча Осиё минтақасидаги давлатларнинг саноат, иқтисодий ривожланиш суръатларига катта путур етказди. Молиявий бозорлардаги тебранишлар ҳар бир давлатнинг иқтисодиётига, ҳаттоки давлатлараро савдо-

сотиқ алоқаларигача ларзага келтирди. Бу ҳол МДХ давлатлари иқтисодий ривожланишида ҳам яққол намоён бўлди.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, бу ҳол “авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади” (И.А. Каримов. Ўша асар, 5-бет).

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида жаҳон молиявий инқирозини келтириб чиқарган омиллар ҳақида тўхталиб, бу жараён АҚШ ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланиб, сўнгра унинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлиги, яъни тўлов қобилиятининг заифлашуви оқибатида кенг миқёсдаги молиявий инқирозга айланиб кетганини асослаб берди.

Жаҳон молиявий инқирози туфайли дунёнинг етакчи фонд бозорида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати кескин тушиб кетди. Оқибатда кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши, ишсизлар сонининг кўпайиши, аҳоли кенг қатламлари даромадларининг камайиши ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг кескинлашувига олиб келди.

Жаҳон молиявий инқирозининг сабаблари, салбий оқибатлари ҳамда уларни баргараф этиш йўллари тўғрисида турли илмий марказлар, давлат арбоблари, етакчи олимлар томонидан турли-туман, баъзан қарама-қарши фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Афсуски, бу борада яқдил фикр ва хулосага келингани йўқ.

Шу ўринда Юртбошимиз томонидан жаҳон молиявий инқирозини келтириб чиқарган сабаблар ҳамда уларнинг оқибатларини баргараф этиш борасида илгари сурган ва илмий-амалий жиҳатдан асосланган фикр-мулоҳаза ва хулосалари гоёт муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур ҳолатни ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, ҳар қандай молиявий, иқтисодий мақсадларни амалга оширишда аввало ушбу масала борасида кишиларда тўғри тушунча ва тасаввурни шакллантириш, унинг мазмун-моҳияти ва мақсадларининг жамият аъзолари томонидан теран англанишига эришишнинг аҳамияти беқиёсдир. Молиявий-иқтисодий маблағларни тақсимловчи, хизмат кўрсатувчи ташкилотларни шакллантириш, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва энг муҳими, уларнинг хизматидан фойдаланувчи истеъмолчилар билан уйғун ҳолда фаоллиги юритишини таъминлаш ҳам ўта муҳимдир. Мамлакатимизнинг бу борада юритаётган сиёсати молиявий маблағлардан тўғри ва оқилона фойдаланиб, жамият аъзоларини бу каби муносабатларга аста-секин кўникириб борган ҳолда ва айни вақтда турли молиявий муносабатларнинг жаҳон халқлари билан алоқаларимизга путур етказмаслигини доимий равишда назорат этиш орқали амалга оширишмоқда. Шошма-шошарлик билан, бунинг устига турли мақсадларни кўзда тутиб молиявий кўмак бермоқчи бўлган баъзи давлатлар ва халқроқ ташкилотларнинг ёрдамига ишониб, тез орада юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришишни кўзлаган айрим мамлакатлар охир-оқибатда қанчалик мураккаб муаммолар гирдобига тушиб қолишини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Мамлакатимизда эса бу борада мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ҳар томонлама пухта ўйланган, изчил сиёсат амалга оширилаётганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Президентимиз ўз маърузасида ана шу сиёсатнинг мазмун-моҳиятини қуйидагича изоҳлаган: “Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислохот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини кўяр эканмиз, энг аввало, “шок терапияси” деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик” (И.А. Каримов, Ўша асар, 7-бет).

Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки йилларида Президент И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган та-

раққиётнинг ўзбек модели учун амалда ўзини тўла оқлаган беш тамойил асос қилиб олинди. Бошқача айтганда, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ этишда биз “янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг, деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик. Энг муҳими, парокандалик ва бошбошдоқлик таъсирига тушиб қолмаслик учун ўтиш даврида айнан давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини биз ўзимизга аниқ белгилаб олдик” (И.А. Каримов, Ўша асар, 7-бет).

Молиявий иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлишининг қайси омилларга боғлиқлиги хусусида Президент билдирган фикр-мулоҳазалар, айниқса диққатга сазовордир. Биринчидан, мамлакатимизда мустақиллик туфайли молия-валюта тизимида аввал-бошданоқ давлатнинг назорати сақлаб қолинди. Бунинг натижасида молиявий муносабатларни тартибли, давлат қонунлариغا риоя қилган ҳолда амалга ошириш, молиявий муносабатларда салбий ҳолатларнинг олди олинишига эришилди. Энг асосийси, молиявий спекулятив ҳаракатларнинг назорат чегараларидан чиқиб кетишига йўл қўйилмади, қолаверса, халқнинг жаҳонда ва мамлакат ичкарасида амалга оширилаётган молиявий алоқаларга муносабатлари маданиятининг глобал молиявий муносабатлар билан буткул чалкашиб кетмаган ўзига хос кўриниши шакллантирилди. Молиявий муносабатлар маданиятининг бугунги жаҳон молиявий муносабатлар маданиятидан орқада бўлмаган, айни вақтда уларда кузатилган таҳдидли ҳолатлардан холи кўриниши ва унинг қонун томонидан қаттиқ назорат қилиниши эса ўз навбатида глобал молиявий муносабатларнинг миллий молиявий муносабатлар билан қоришиб кетишидан сақлашга имконият яратди. Иккинчидан, миллий кредит институтларининг капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имкони), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қарам бўлиб қолишига йўл қўйилмади. Мазкур ҳолатга иттифоқ таркибидан чиққан бир қатор давлатларда ўз вақтида эътибор қаратил-

мади. Аҳолининг мамлакатни “чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қарам қилиб қўйиш” қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисидаги тасаввурларининг шаклланишига ҳеч қандай имкониятлар берилмади. қарамликнинг глобал муносабатлар кучайган вақтларда қандай зарарли оқибатларга олиб келиши ва унинг мамлакат ялпи даромадига кўрсатадиган таъсири масаласи ҳақида ҳатто ўйлаб ҳам кўрилмади. Бу орада эса аҳолининг чет эл ва корпоратив банк тузилмалари ёрдамида ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаб олиш тўғрисидаги тасаввурлари мутлақо ўзгача йўналишда шаклланиб улгурди. Бугун юз кўрсатган иқтисодий-молиявий инқироз эса бундай ўйлашнинг нотўғри эканлигини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан исботламоқда. Учинчидан, юртимизда олиб борилган оқилона сиёсат туфайли “олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти”ни сақлаб қолиш масаласида тўғри йўл танлангани бугунга келиб яққол намён бўлиб қолди. Бу масала эътибордан четда тutilганда, яъни олтин-валюта захирасининг ҳажми эътиборга олинмасдан чет эл ва корпоратив банк тузилмалари билан ҳамкорлик ўрнатилганда ва хорижий кредитларни қайтариш қобилияти давлат томонидан назорат қилинмаганда ҳар қандай мамлакатнинг ўзга давлат ёки ташкилотларга қарам бўлиб қолиши мумкинлигини инқироз ҳолатини бошдан кечираётган айрим мамлакатлар мисолида кўриш мумкин. Шу ўринда айтиш лозимки, мазкур инқироз иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда жиддий хавотир уйғотаётгани маълум, лекин эндигина мустақил иқтисодий ривожланиш йўлидан бораётган ва ўз мақсадларига эришиш учун чет эл маблағларига суянишни кўзда тутган давлатлар учун у оғир йўқотишлар билан кечишини, содда қилиб айтганда, уларнинг «белини синдириб» юбориши эҳтимоли йўқ эмаслигини бугун кўпчилик яхши англаб етаётди.

Президентимиз “жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгилаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги, уларнинг

бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ” (И.А. Каримов. Уша асар, 6-бет) эканини таъкидлайди. Мисол учун Ўзбекистонда 2008 йилда иқтисодий-тимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришилди. Республика ташқи савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Мамлакатга сармоя киритиш учун қулай инвестиция муҳити яратилди. Узлаштирилган барча инвестицияларнинг 50 фоизга яқини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлашга йўналтирилди. Эътиборли жиҳати шундаки, бу инвестицияларнинг қарийб 54 фоизини корхоналар ва аҳоли маблағлари ташкил этди. Бу эса мамлакатимизда солиқ юқини камайтириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаолиятини рағбатлантириш бўйича олиб борилаётган солиқ сиёсатининг изчиллиги ва самарадорлигидан далолат беради.

Мазкур ҳолатларнинг мавжудлиги эса мамлакатимизга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўрсатиши мумкин бўлган таъсирнинг олдини олишда қулай имкониятларни вужудга келтиради. Бу имкониятларни қўйидагиларда кузатиш мумкин: мамлакатимиз иқтисодий-тимизини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда биз учун мутлақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган, чуқур ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган ишларни давом эттириш; Республика Тикланиш ва тараққиёт фонди мабағларидан самарали фойдаланиш; ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва фойдаланишга топшириш масалаларига устувор аҳамият бериш; аҳолини иш билан таъминлаш муаммосида жиддий ўзгаришларга эришиш; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини янада ошириш, фермер хўжалиқларини моддий-техника таъминотини такомиллаштириб бориш; қишлоқларда хусусий ва фермер хўжалиқлари, хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириб, мамлакатда хусусий тадбиркорлик соҳасини

барқарор ривожлантириш; касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш; банк-молия тизими фаолиятини мустақамлаш ва сифат жиҳатидан яхшилаш билан боғлиқ.

И.А.Каримов ташаббуси билан Ўзбекистоннинг глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган вазифалар режалари ҳам ишлаб чиқилган. Улар молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатнинг ҳам ички, ҳам халқаро муносабатларини тартибга солиб боришда муҳим аҳамият касб этади. Бу вазифалар куйидаги тарзда белгиланган: корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш; жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш; қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш; электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истъмолини камайтириш ва энергияни тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш; жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида ушбу инқироз муаммолари бўйича 2008 йил ноябрь ойида Вашингтонда жаҳон ялпи маҳсулотининг 85%ни ишлаб чиқарадиган 20 та йирик давлат иштирокида бўлиб ўтган саммитда молиявий инқироздан чиқиш йўллари бўйича музокараларда ягона ёндашув ва бирон-бир умумий хулосага келилмаганини таъкидлаб ўтди. Шу ўринда глобаллашув жараёнининг салбий оқибатлари қайси мамлакатларда кўпроқ намоён бўлади, деган табиий савол тугилади. Мазкур саволга ривожланган ва ривожланаётган давлатлар-

даги сиёсий доиралар, илмий ва жамоат ташкилотлари ўзига хос тарзда жавоб беришга интилаётганини кузатиш мумкин. Масалан, ривожланган давлатлардаги айрим сиёсий кучларнинг фикрича, глобаллашув уларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини секинлаштириб, жаҳон бозорида арзон иш кучи, сифатсиз товар ва хизматларнинг кириб келишини кучайтирмоқда. Натижада, ривожланаётган давлатлар ривожланган давлатлар ҳисобига тараққийга эришмоқда.

Ривожланаётган давлатлар эса бу фикрларга қарама-қарши равишда глобаллашув жараёнидан биринчи галда тараққий этган мамлакатлар манфаатдор экани, улар саноат, савдо, инвестициялар, меҳнат бозорларининг эркинлашувидан фойдаланиб, ривожланаётган давлатлар ресурсларини қўлга киритишга интилаётгани ва бу ҳол иқтисодий ривожланишда устуворликка эришиш имконини беришини таъкидламоқдалар.

Президент И.А.Каримов ўз нутқида ушбу мисол ва рақамлардан жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик кераклигини уқтиради. Ўзбекистон жаҳон иқтисодий тизими, халқаро ҳамжамиятнинг таркибий қисми ва глобал молиявий-иқтисодий алоқаларнинг ажралмас иштирокчиси сифатида глобал молиявий инқирознинг салбий таъсиридан четда тура олмаслиги ушбу маърузада асослаб берилган.

Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистонга салбий таъсири куйидагиларда ўз ифодасини топади:

1) Жаҳон бозорида талабнинг пасайиб бориши оқибатида Ўзбекистон экспорт қиладиган қимматбаҳо ва рангли металллар, пахта, уран, нефть, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларнинг нархи тушиб бормоқда;

2) Бу ҳол хўжалик юритувчи субъектлар ва инвесторларнинг экспортдан оладиган тушумлари, фойда ва рентабеллигининг пасайишига олиб келади;

3) Жаҳон молиявий инқирози охири оқибатда макроиқтисодий кўрсаткичларимизнинг ўсиш суръатлари ва иқтисодиётимизнинг бошқа тармоқларига салбий таъсир кўрсатади.

Президент И.А.Каримов мамлакатимизда жаҳон молиявий инқирози-

нинг салбий таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун бизда барча шарт-шароитлар мавжудлигини асослаб, уларни қуйидагича изоҳлаб беради:

1) Кейинги давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодий ва молиявий салоҳиятининг пухта пойдевори, молия-банк тизими ишончли бошқарув механизмининг ўз вақтида шакллантирилгани;

2) Банк-молия тузилмаларига қўшимча ёрдам бериш, иқтисодиётнинг реал сектори корхона ва компанияларининг фаоллигини кучайтириш ва рағбатлантиришга қаратилган чоратadbирларни ишга солиш.

Жаҳон молиявий инқирозининг мамлакатимизга таъсирини камайтириш ва оқибатларини бартараф этишга қаратилган кенг қўламли лойиҳаларнинг амалга оширилаётгани тўғрисида тўхталиб, Юртбошимиз “албатта, мамлакатимизда бундай чора-тадбирлар татбиқ қилиниши билан бир қаторда бу жиддий синовни енгиш, ҳеч шубҳасиз, кўп жиҳатдан ҳаммамиздан аввало масъулиятимизни теран

ҳис қилишни, барча имконият ва ресурсларимизни ишга солишни талаб қилади», деб таъкидлайди (И.А. Каримов. Ўша асар, 13-бет). Буни ҳаммамиз чуқур англаб олишимиз зарур.

Хулоса қилиб айтганда, глобаллашувнинг ижобий, салбий оқибатлари ўзига хос жараён бўлиб, ўз моҳияти ва қўлами жиҳатидан ҳар бир давлатнинг иқтисодий-молиявий сиёсатида боғлиқликнинг ортиши, таъсир доирасининг кенгайиши билан ажралиб туради. Глобаллашув билан боғлиқ хавф ва таҳдидлар нафақат иқтисодий-молиявий йўналишда, балки ижтимоий, маънавий, мафкуравий йўналишларда ҳам намоеён бўлади. Бу жиҳат келгусида тобора кучайиб бориши шубҳасиздир. Бундай шароитда мамлакатимизда жаҳон молиявий инқирози оқибатларини бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ҳар томонлама пухта ўйланган оқилона сиёсат, бу борада эришилган тажриба жаҳон ҳамжамияти, кўплаб ривожланган ва ривожланаётган давлатлар томонидан эътироф этилаётгани Ўзбекистон сиёсатининг тўғрилигини яна бир бор тасдиқлайди.

*Фатхулла ЭРГАШЕВ,  
тарих фанлари номзоди,  
доцент*



# Шарқ имконияти

Долзарб интервью

**Б**угунги кунда жаҳон матбуотида мусулмон олами, араб дунёси ҳақида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Бу борада турфа хил муносабатга дуч келиш мумкин. Лекин жаҳон тамаддунида мазкур минтақадаги жараёнларнинг устуворлиги яққол сезилмоқда. Куйида Россия Ташқи ишлар вазирлигининг Москва Давлат халқаро алоқалар институти қошидаги Тамаддунлар ҳамкорлик маркази директори, муҳим топшириқлар бўйича элчи Вениамин Поповнинг нуқтаи назари билан танишасиз.

– Вениамин Викторович, ҳозирги араб дунёсини қандай тасаввур қилишимиз мумкин? Бу дунё бугун яхлит ҳолдами ёки тарқоқми?

– Бугунги кунда араб дунёси – бу Атлантика океани соҳилларидан Форс қўлтиғигача улкан муҳитни эгаллаб турган, аҳолиси 300 миллиондан ортиқ бўлган йигирмадан ортиқ давлат демақдир. Араб региони – бу Европа, Осиё ва Африка қитъалари ўзига хос равишда туташган жой ва айни чоғда дунёдаги энг кўп нефт ва газ захираларига эга бўлган минтақадир.

Шак-шубҳасиз, турли қитъалардаги кўплаб мамлакатлараро юз бераётгани каби араб мамлакатларида ҳам кескин зиддиятларга сабаб бўлувчи низолар чиқиб туради. Бу кўп ҳолларда мураккаб Фаластин муаммосини ҳал қилиш йўлида жиддий тўсиқ бўлиб келмоқда. Ва ушбу кўнгилсиз ҳолатни араблар тан оладилар ҳамда ҳар жиҳатдан уни бартараф қилишга интиломқдалар.

Зотан, араб дунёсини кўп нарсалар – жумладан, жуғрофий умумийлик, тарих, тил, анъаналар, ахлоқий тамойиллар ва, албатта, дин бирлаштириб туради. Ислом – бу энг ёш дин бўлишига қарамай, зеро у VII асрда вужудга келган, насроний-

лик ва яҳудийликка қараганда кенг қамровлидир.

Исломнинг энг муҳим хусусиятларидан бири Марокашдан Индонезияга қадар турли тилларда сўзлашувчи халқларни бирдамликка даъват туйғусидир. XX асрнинг иккинчи ярмида арабларни бирлаштириш гоёси мутлақ оммавий тус олди. Ва бу руҳ бугунги кунда ҳам устувордир. Бу борада араб давлатлари лигасидан ташқари икки минтақавий ташкилотнинг – Форс қўлтиғи араб давлатлари ва Магриб араблари иттифоқининг мавжудлиги ажабланарли ҳол эмас. 1969 йили тарихда илк бор дин асосида давлатлараро ташкилот – Ислом Конференцияси Ташкилоти тузилди. Эндиликда у 57 давлатни ва 1,5 миллиард мусулмонни ўзига бирлаштиргандир.

– Конференция ғарб иттифоқларига қарши ўлароқ вужудга келмадимикин?

– Дарҳақиқат, у илк давриданок бир неча мақсадни кўзлаб – мусулмон давлатлариаро узвий алоқаларни таъминлаш, ислом қадриятларини ҳимоя қилиш ҳамда Фаластин халқига ёрдам кўрсатиш мақсадларида иш бошлади. Бу ташкилот ислом дунёси учун амалдаги ўзига хос БМТдир. Ислом чиндан

ҳам бугунги кунда турли сабабларга кўра, дунёда муҳим мавқени эгаллайди. Биринчи навбатда, аҳолисининг кўпайиши туфайли. Америкадаги Карнеги фондининг таъкидлашига кўра, 2023 йилга бориб, мусулмонлар сони насронийлар сонидан ортиб кетади.

### – Фарбнинг ислом билан муносабатлари борасида нималар дейиш мумкин?

– Фарбда то бугунга қадар ислом ҳақида салбий тушунча мавжуд. Бу душманлик кайфиятидаги муносабат ўзининг узоқ тарихига эга. Машхур инглиз олими К.Армстронг таъкидлаганидек, “XX асрда Совет Иттифоқи вужудга келгунига қадар ҳеч бир давлат тузуми ва ҳеч бир мафкура Фарбга ислом сингари изчил суръатда зиддиятли мавқеда тура билмади. Гарчи ислом дунёвий дин бўлиб, унда бир тарафлама – шарқ-парастлик ёки фарбни инкор этадиган мақсад мужассам бўлмаса-да”.

Фарбнинг ўз ҳаёт тарзини бошқа мамлакатларга тиқиштириш сиёсати ислом ўлкаларида норозилик туйғуларини уйғотиб келди ва уйғотмоқда. Хусусан, Эронда 1979 йили фарбга қарши шиорлар остида ислом инқилоби содир бўлди. XXI асрда Туркияда ҳукумат доирасига узоқ йиллар давомида дин ишлари ва модернизация борасида изчил шуғулланган ислом партияси кириб келди. Шунингдек, дунё нефти ва газининг учдан икки қисмини ва кўплаб молиявий имкониятларни ўзида мужассам қилганлиги мусулмон олами бирдамлигининг мустаҳкамланишида куч-қудрат бахш этиб турибди. Ислом дунёси таъсирининг ўсишига, айниқса, Саудия Арабистони, Туркия ва Индонезиянинг жаҳоннинг иқтисодиёти ривожланган йигирмата мамлакати сафига кириши муҳим омил бўлди. Бу бизнинг ниҳоятда муҳим бир пайтда – кучлар нисбати ўзгараётган – Фарбнинг таъсири заифлашиб, ўз ичидаги кўп зиддиятларга қарамасдан, халқаро муносабатларда ислом мавқеи тобора ўсиб бораётган даврда яшаётганлигимизнинг далилидир.

XXI аср бошида Шарқ ва Фарб ўртасидаги зиддиятли вазиятлар (нафақат Фаластин муаммоси, айни чоғда Американинг Ироққа бостириб кириши, Эрондаги ҳолат, Афғонистон-Покистон муносабатлари ва кўплаб бошқа сабаблар) улар ўртасидаги вазиятни шу даражада кескинлаштириб юбордики, кўплар Фарб ва ислом дунёси ўртасида совуқ уруш бошланди дея гапира бошладилар. “Карикатура жанжаллари” ва шунга ўхшаш ҳолатлар оловга мой қуйгандек бўлди. Айни пайтда мусулмон дунёсида, ҳозирги қалтис бир шароитда барча томонларнинг музокара олиб бориш малакасини эгаллаши лозим бўлади, деган тушунчанинг шаклланаётгани кўнгилларга таскин беради.

### – Россиянинг ўрни бундай янги вазиятда қаерда кўринади?

– Менинчга, Россия – бу алоҳида тамаддунга эга мамлакатдир. Уни православга ёки Евроосиёга хос, балки содда қилиб, рус ёки Россия тамаддуни ҳам деб аташ мумкин. Биз ҳамиша ўзга халқлар билан елкама-елка яшаб келганмиз. Бизнинг улуғ ватандошимиз Дмитрий Менделеев, Россиянинг роли Европа ва Россия манфаатларини уйғунлаштиришдан иборатдир, деб таъкидлаганди. Бердяев эса, “биз – Шарқий-Фарбмиз”, деганди. Мен ҳам бу ҳақиқат деб ўйлайман. Россияда мусулмонлар – Фарбий Европадаги сингари келгиндилар эмас, балки шу ерлик аҳоли бўлиб, 20 миллионни ташкил қилади. Бизда ўзларини мусулмон сифатида намоён қилгувчи 30 дан ортиқ миллат бор. Айни чоғда биз барчамиз – мусулмонлармиз. Бизда нафақат ҳамжиҳатликда яшаш, балки турли миллат ва турли дин одамларининг аҳил-инок ҳаёт кечиришлари тарихан шакланган ҳолдир. Шу боисдан бизнинг зиммамизга боғловчи бўғин ва воситачилик масъулияти юкланган. Биз амалда мусулмон дунёси ва Фарбнинг кўп масалалар бўйича ўзаро муносабатларининг яшиланиши учун саъй-ҳаракат кўрса-

тамиз ва, шунингдек, Яқин-Шарқ муаммоларининг ҳал этилишида ўз ролимизни ўйнашимиз керак.

**– Агарда мусулмон дунёси ишонч билдирса, у ҳолда Фарб, чунончи америкаликлар, бизнинг воситачилик миссиямизга рози бўладими?**

– Дунёдаги вазият шундай тарзда ўзгармоқдаки, иқтисодий инқироз пайтида америкаликлар қўп жиҳатдан ўз нуқтаи назарларини қайта кўриб чиқишлари лозим бўлади. Американинг устувор мавқеи, хусусан Яқин Шарқда ниҳоясига етди, бизга бўлган ишонч эса бу минтақада ортиб бормоқда. Бизнинг куч-қудратимиз мана шунда, америкаликлар эса ҳеч қачон куч-қудратга нисбатан нописанд муносабатда бўлмайдилар.

*“Литературная газета”нинг  
2009 йил 24-сонидан олинди*

**– Иқтисодий инқироз Россиянинг мусулмон дунёси билан бўлган муносабатига ўз таъсирини ўтказадими?**

– Инқироз муаммолар моҳиятини янада ойдинлаштиради ва тараққиётнинг бош йўлини белгилаб беради. Биз фақат Фарб билан ҳамкорликда бўлмаслигимиз керак, модомики дунё маркази Осиёга кўчаётган экан, биз унга кўпроқ диққат-эътиборимизни қаратишимиз лозим. Мусулмон мамлакатлари билан уларнинг АҚШ, Фарбий Европа, Хитой, Хиндистон, Лотин Америкаси ва Россия сингари мус-тақил қутбларга айланиб бораётганлигини ҳис этган ҳолда янада фаолроқ иш олиб боришимиз керак.

*Мария СУСЛОВА  
суҳбатлашди*



Тошкентнинг 2200 йиллигига

## Тошкент қозикалони

Себзор даҳаси қозиси Муҳаммад  
Муҳиддинхожа фаолияти

Бу йил 2200 йиллиги нишонланаётган Тошкент шаҳрининг тарихи, тарихий топографияси, шаҳар аҳолисининг ўтмишидаги ҳаётини ўрганиш учун мозий муаррихлари томонидан яратилган тарихий асарлардан ташқари хужжатлар ҳам маълум аҳамиятга эга. Ўзбекистон Марказий Давлат архивида Ф. И-164 рақами остида сақланаётган “Тошкент қозикалони” деб аталувчи хужжатлар жамғармаси орада айрим узилишлар билан 1869-1892 йилларда Тошкент шаҳрининг Себзор даҳаси қозиси бўлган Муҳаммад Муҳиддинхожа номи билан боғлиқдир. Мазкур жамғармадаги 58 жилдда жами 800 дан ортиқ хужжатлар сақланади ва улар асосан ўзбек ва форс-тожик тилидадир. Хужжатлар замон жиҳатидан 1822 йилдан 1922 йилгача бўлган даврни қамраб олади.

Ушбу хужжатларда Тошкент шаҳрининг ўша даврдаги бир қатор маҳалла, кўча, анҳор, гузарлари номлари зикр қилинади. Қозилик хужжатларида хужук субъекти сифатида иштирок қилган кишиларнинг исми шарифлари, баъзан ёшлари, касбу корлари, ҳатто жисмоний белгилари ҳақида маълумот берилади. Хужжатларни мазмунига кўра олди-сотти, ижара хати каби турларга ажратиш мумкин.

Жамғарманинг “Тошкент қозикалони” деб аталишининг сабаби эса ундаги қатор хужжатлар 1863 йилда Қўқон тахтига ўтирган Султон Сайидхон (1863-1865) томонидан Тошкент шаҳри қозикалони мансабига тайинланган ва 1865 йилда Тошкент руслар тарафидан ишғол қилингандан кейин ҳам ўз мансабида қолган Ҳакимхожа Эшон ибн Норхожа, яъни Муҳаммад Муҳиддинхожанинг отаси фаолиятига оидлиқдир.

1869 йилда Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман (1867-1881) Тошкентда қозикалон мансабини бекор қилади ва шу йили ўз вазифасидан четлаштирилган Ҳакимхожа Эшон вафот этади. Унинг ўғли Муҳаммад Муҳиддинхожа Себзор даҳаси қозилигига сайланади. У ўз даврнинг маърифатли кишиларидан бўлиб, шоир Фурқат билан дўстона муносабатда бўлган. Фурқат ўз эдаликларида Тошкентда бўлганида Муҳаммад Муҳиддинхожа хонадонида ҳам тургани, қозининг ақраболари ва ёру дўстлари билан биргаликда театр томошасига борганликлари ҳақида маълумот беради. Муҳиддинхожа ўз шахсий кутубхонасига ноёб қўлёзма китобларни йиққани ҳам маълум. Масалан, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарининг XVII асрда Самарқандда кўчирилган ва нафис мусавваралар билан безатилган бир нусхаси унинг кутубхонасида сақланган.

Шуни таъкидлаш лозимки, ота-ўғил қозилар – Ҳакимхожа Эшон ва Муҳаммад Муҳиддинхожанинг фаолиятларига оид юзлаб ноёб хужжатлар ҳалигача кенг кўламада тадқиқ этилмаган эди. Биз Ўзбекистон Марказий Давлат архивида сақланаётган “Тошкент қозикалони” жамғармасидаги Муҳаммад Муҳиддинхожа фаолиятига оид 200 дан зиёд хужжатнинг илмий тавсифини амалга оширдик. Ушбу тавсифларнинг бир қисмини Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан севимли журналимиз саҳифалари орқали эътиборингизга ҳавола этмоқни раво кўрдик.

Шовосил ЗИЁДОВ,  
Ғулом КАРИМОВ

## ҲУЖЖАТЛАР ТАВСИФЛАРИ

№1

Ўзбек тилида, 1865 й.

**Ариза.** Генерал-губернатор М.Г.Черняев номига, унинг тарафидан гўёки дин асосларини мустаҳкамлаш ва шариат қонуларини тартибга солиш учун тузилган “Янги низом ва тартиб мажлиси”га тайинланган аъзолар – Юнусхон Эшон ибн Хонхожа Эшон, Мулла Мир Низомиддинхожа Абдулғаффорхожа ўғли, Раҳматуллоҳхожа Азимхожа ўғли, Қори Фазлуллоҳ Миржалол ўғли, Сайидбоқижон Абулқосимжон Эшон ўғли ва Баҳодурхожа Имом Муҳаммадхожа ўғли номидан ёзилган аризада улар аъзоликка тайинланганликлари учун ташаккур билдириб, губернаторнинг “Мажлис”га раис (садрнешин) сайлаш ҳақидаги топшириғига биноан ҳаммалари иттифоқликда қилган қарорларига кўра, Муҳаммад Муҳиддинхожа Эшон валади марҳум қозикалон Муҳаммад Ҳакимхожа Эшонни раисликка тайинлаш ҳамда мажлисни “Маҳкамат ул-ислом”, раисни “Садр аш-шариъа” ва аъзоларни “Аминиддин” деб аташни илтимос қилишган.

Мухрлар:

- 1) Юнусхон Эшон ибн Хонхожа Эшон муфтий аълам, 1285/1869-70 й.; 3,5 см (думалоқ);
- 2) Қозийи шаҳри Хўқанд Саримсоқхожа Абдусамиъхожа марҳум, 1301/1884-85 й.; 4 см (думалоқ);
- 3) Мулло Мир Фазлуллоҳ ибн Мулла Миржалол муфтий марҳум, 1291/1874-75 й.; 22x30 см (суйри);
- 4) Мулло Баҳодурхожа мударрис 1293/1876-77 й.; 1,5x2 см (суйри);
- 5) Сайидбоқижон қози 1291/1874-75 й.; 1,6x1,6 см (саккизбурчак).

№ 2

Ўзбек тилида, 1888 й.

**Васиқа.** Мулла Муҳаммад Муҳиддинхожа қози Ҳакимхожа ўғлининг Тошкент уездига қараган Ниёзбек волостида тобеъ Тиканлик мазор мавзесидаги ота-боболаридан қолган мерос ерининг чегаралари ва унинг кўфас (купец) Гавриил Михайлович Беляковга тўрт юз сўмга узил-кесил сотилгани ҳақида.

1888 йил 27 ҳутда ўз имзо ва муҳрларини қўйган съезд қозилари: 1) Занги-ота ва Чиноз қозиси Мулла Эшонхожа қози садрнешин, 2) Искандар ва Қўшқўргон қозиси мулла Муҳаммадсафо, 3) Ниёзбек қозиси Мулла Мансурхожа, 4) Еттикент қозиси Мулла Ойхожа қози уезд ҳокимининг 6 ҳутда берган 1526-рақамли фармойишига кўра тошкентлик сарт Мулла Муҳиддинхожа қози Ҳакимхожа ўғлининг Тошкент уездига қараган Ниёзбек волостида тобеъ Тиканлик мазор мавзесидаги ота-боболаридан мерос қилиб олган ва кўфас Гавриил Михайлович Беляковга сотган ери бошига бориб, қўшниларини ҳозирлаб текширганлар ва тўрт тарафини саржинлаб ўлчаганлар: мазкур ернинг қибла тарафи 130 саржин бўлиб, ҳаммаси Солор ариғига туташган; кунчиқар тарафи баъзиси Пирмуҳаммад матрукаси<sup>1</sup>, баъзиси Ёрбобо матрукаси, баъзиси мазкур кўфас ерига, баъзиси Абдужаббор Мулла Абдуллоҳ ўғли ерига, баъзиси Мир Акбарали ерига туташган ва жами 760 саржин; Туркистон (шимолий) тарафи 126 саржин бўлиб, баъзиси Ҳазиначи Тўра ерига туташган; Хўжанд (жанубий) тарафи баъзиси мазкур кўфас мулкига, баъзиси қатта йўлга туташган ва 59 саржиндир. Мазкур ерни мулла Муҳиддинхожа кўп муддат тасарруф қилиб, мазкур кўфасга 400 сўмга узил-кесил сотиб, пулини тўла олган. Мазкур ер вақф ёки чекликдан эмас. Мазкур ер қўшнилари: 1) Мир Акбар, 2) Абдурауфхожа Абдурахимхожа ўғли, 3) Мулла Зокир Мулла Бадалмуҳаммад ўғли, 4) Мулла Мирзамуҳаммад Мулла Бадалмуҳаммад ўғли, 5) Абдулазиз Рўзимуҳаммад ўғли хабар берадиларки, мазкур ерда уларнинг жанжал ва даъволари йўқ ҳамда Мулла Муҳиддинхожа қозининг ўз отасидан қолган мерос ерни мазкур кўфасга сотмоғи дурустдир.

<sup>1</sup> М а т р у к а – мерос олинган ер-мулк.

Йигилганларнинг илтимосига кўра хужжатга Хожaxon муфтий ва бошқа гувоҳлар: Мулла Муҳаммадқуб, Мулла Сайидазизхожа имзо қўйишган.

Мазкур ер 80 таноб экан. Зангиота қозиси Мулла Эшонхожа қози садрнешин, Искандар қозиси Мулла Муҳаммадсафо, Ниязбек қозиси Мансурхожа ва Еттикент қозиси Ойхожа қози ўз муҳрларини босишган.

Муҳрлар:

1) Қози Эшонхожа ибн Маҳмудхожа Эшон Умарий, 1305/1887-88 й.; 3,5 см (думалоқ);

2) Қози Муҳаммадсафо ибн Мулла..., 1291/1874-75 й.; 3,5 см (думалоқ);

3) Қози Ойхожа ибн Офоқхожа Алавий, 1304/1886-87 й.; 3,1 см (думалоқ);

4) Қози Мулла Мансурхожа ибн Раҳмонхожа, 3 см (думалоқ).

### № 3

Ўзбек тилида, 1883 й.

**Васиқа.** Тошкент ҳокими фармойишига биноан Себзор оқсоқоли гувоҳлар иштирокида Мулла Муҳаммад Муҳиддинхожа валади марҳум қозикалон Муҳаммад Ҳакимхожанинг Тошкент шаҳрига тобё Қизилқўргоннинг Тиканлик мазор мавзесидаги ерларининг чегаралари, уларнинг ҳақиқатдан ўз мулки эканлигини тасдиқловчи васиқаларни текширгани ҳақида тузилган хужжат. У Себзор оқсоқоли номидан ёзилган бўлиб, остига унинг муҳри босилган.

1883 йил 25 декабрда Себзор оқсоқоли қуйидаги гувоҳлар: Авлиёхожа ибн Шоҳюнусхожа, Усмонхожа Дадахожа ўғли, Мирсоатбой Усмонбой ўғли ва Сойибназар Эшназар ўғли билан Мулла Муҳаммад Муҳиддинхожа валади марҳум қозикалон Муҳаммад Ҳакимхожанинг Тошкент шаҳрига тобё Қизилқўргоннинг Тиканлик мазор мавзесидаги ерларига бориб ушбу васиқани ёзган.

1-бўлак ер: мазкур мавзедаги Лабзаҳ ариғи соҳилида. Қибла тарафи ҳаммаси катта йўлга туташган ва 1149 саржин; жануб тарафи ҳаммаси катта йўлга туташган ва 1108 саржин; шимол тарафи ҳаммаси Гавриил Михайлович Беляков мулкига туташган ва 382 саржин; шарқий тарафи баъзиси Абдурауфхожа валади Абдурахимхожа мулкига туташган ва 105 саржин.

2-бўлак ер: мазкур мавзеда жойлашган бўлиб, алоҳида қўргонча, иморат ва дарахтлари бор. Қибла тарафи ҳаммаси Солор ариғига туташган ва 297 саржин; шарқ тарафи ҳаммаси катта йўлга туташган ва 240 саржин; жануб тарафи Солор ариғининг хусусий йўлига туташган ва 103 саржин; шимол тарафи ҳаммаси Солор ариғининг тўғонига борадиган йўлга туташган ва 169 саржин.

3-бўлак ер: мазкур мавзеда жойлашган. Қибла тарафи ҳазрат Миён Рофеъ валади ҳазрат Қалон мулкига туташган ва 197 саржин; шимол тарафи ҳаммаси катта йўлга туташган ва 169 саржин; шарқий тарафи баъзиси Зайниддинхожа валади Раҳматуллоҳхожа мулкига туташган ва 169 саржин, баъзиси Ганчтепа ва Орқақўча маҳалласи одамлари мулкига туташган ва 73 саржин; жануб тарафи ҳаммаси мазкур маҳалла одамлари мулкига туташган ва 122 саржин.

4-бўлак ер: мазкур мавзеда жойлашган. Шимол тарафи ҳаммаси катта йўлга туташган ва 410 саржин; шарқ тарафи баъзиси Ойхожа Эшон матрукасига туташган ва 150 саржин, баъзиси Орқақўча маҳалласи одамлари мулкига туташган ва 21 саржин; жануб тарафи ҳаммаси мазкур маҳалла одамлари мулкига туташган ва 220 саржин; қибла тарафи ҳаммаси мазкур маҳалла одамлари мулкига туташган ва 200 саржин.

Юқоридаги ерлар текширилиб, гувоҳлар хабаридан маълум бўлдики, ҳаммаси Муҳаммад Муҳиддинхожа Эшоннинг хос мулклари экан. Мазкур ерларга ҳеч кимнинг даҳли ва даъвоси йўқ экан. Муҳиддинхожанинг қўлида кўп хат ва васиқалари бор экан. Жумладан: 1-васиқа 1081/1670 йилга оид, яъни тузилганига 220 йил бўлган; 2-васиқа 1150/1737 йилга оид, яъни тузилганига 151 йил бўлган; 3-васиқа 1210/1795 йилга оид, яъни тузилганига 91 йил бўлган; 4-васиқа 1289/1872 йилга оид, яъни тузилганига 13 йил бўлган экан. Мазкур ерда бошқа ҳеч бир одамнинг ҳаққи ва даъвоси йўқ. Уни қандай тасарруф қилиш мазкур мулк эгаси ихтиёридадир. Мазкур ерларнинг баҳоси 1500 сўмдир.

“Таҳқиқ қилиб, манга маълум бўлган ҳодисани ёзиб, гувоҳнома қилиб Себзор оқсоқоли муҳрим босдим”.

Муҳр:

Тошкент Себзор оқсоқоли Муҳаммад Субҳон. 1,6x2 см (саккизбурчак).

## № 4

Форсча/ўзбекча, 1295/1295 й.

**Васиқа (нусха).** Муҳаммад Муҳиддинхожа Эшоннинг Қизилқўрғон мавзесидаги Тиканлик мазордаги ерларининг чегаралари хусусида.

Қизилқўрғон ерлари Тошкент шаҳри ташқарисидagi Тиканлик мазорда жойлашган бўлиб, ғарб тарафдан баъзан Бўзсув анҳорига, баъзан Солор анҳорига, баъзан Фоҳира ариғига, баъзан Бодкиён деҳқонлари ерларига туташган; шимол тарафдан бутунлай мазкур Бўзсув анҳорига ва шарқ тарафдан баъзан Фоткат ариғига, баъзан Ёбас мавзеси ерларига, баъзан Ёбас ариғига, баъзан Кўна Тархон<sup>1</sup> ариғи қирғоғига туташган; жануб тарафдан баъзан Ҳазрат Шайх Хованд Таҳур – Оллоҳ қабрини мунаввар қилсин – нинг вақф ерларидан бўлган Чироқчи Ёбас ерларига, баъзан Яланғоч мавзеси ерларига баъзан мазкур Тархон ариғи соҳилига, баъзан Нашиб ариғига, баъзан мазкур деҳқонлар ерларига туташган. Оралиқдаги чегара Нашиб ва Тархон ариқларидир.

1295 йил рамазон боши/1878 й. август охирида қуйидагилар тўғри ва шаръий иқрор бўлишган: Шоҳонусхожа валади Эшон Раҳимхожа, Эшон Муҳаммадхожа валади Эшон Камолхожа, Эшон Имомхожа валади Эшон Дониёлхожа, Убайдуллоҳхожа валади Эшон Абдурахмонхожа қози шахсан ўзлари учун;

Мазкур Эшон Шоҳонусхожа умумий шаръий вакил сифатида Тўрахожа валади Хожа Азизлар ва мазкур Хожа Азизларнинг қизлари – Ойимхон ойим, Подшоҳхон ойим, Шарофатхон, Тожнисо ойим ва мазкур Абдурахмонхожанинг қизлари – Роҳила подшоҳ, Руқия подшоҳ ва Эшон Қўзихоннинг қизи Ойим подшоҳ ва Эшон Шодихоннинг қизи Азима подшоҳнинг шаръий иқрорларини айтган. Ҳаммалари қатъий таъкидлаганларки, мазкур ҳудуднинг ғарб тарафидаги чорак қисми бутун ҳуқуқ ва мурофиқлари<sup>2</sup> билан қози Мулла Муҳаммад Муҳиддинхожа Эшоннинг ҳаққи ва меросий мулкидир. Мазкур чорак қисмда бизнинг ҳаққимиз, даъвомиз ва хусуматимиз йўқ.

Гувоҳлар: Шоҳсайидхожа валади Шоҳобидхожа, Абдухолиқхожа валади Муҳаммад Ғоziхожа – ҳар иккаласи мақбул ва таниқли одамлар. Васиқа аслидан хато ва ўзгартиришларсиз кўчирилгани таъкидланган. Асл васиқада қуйидагиларнинг муҳрлари борлиги қайд этилган: Қози Мулла Муҳаммадшарифхожа Эшон, Қози Сайидбоқихон Эшон, Қози Мулла Абдуллоҳхон маҳдум, Азизлархожа Эшон аълам, Мулла Абдурасул аълам, Нажмиддинхожа аълам, Мулла Зоҳир аълам, Иброҳим маҳдум муфтий, Умаралихожа муфтий, Мулла Орифхон муфтий. 1301 йил шаввол/1884 й. июль ойида мазкур васиқа Тошкент шаҳридаги подшоҳлик маҳкамасига топширилди.

Васиқанинг охириги сатрида ўзбек тилида қуйидаги жумла битилган: “Шаҳар ҳоқими амри била кўфия (копия) учун ёзилиб муҳр қилинди 1884 йилда 26 июль ойида”.

Муҳрлар:

1) Қози Муҳаммадшарифхожа ибн Подшоҳхожа Умарий, 1288/1871-72. 4,5 см (думалоқ);

2) Начальник города Ташкента. 3 см (думалоқ).

## № 5

Форс тилида.

**Даъво.** Муҳаммад Муҳиддинхожанинг вакили шундай арз қилган: ҳужжатга кўра Абдукаримжон номли киши зиммасида мен вакил бўлган кишининг ҳаққи бор: юқорида айтилган маблағнинг 99 сўм 60 тийини Гулбозор растасидаги ҳужралик бир дўконнинг ижараси ва мазкур маблағдан 165 сўм Оққўрғон мавзесида жойлашган марҳум қозикалон Исохожа Эшон мадрасаси ерларининг 14 йиллик танобона солиғидир. Мана шу маблағнинг ҳаммаси, ушбу ҳужжатга кўра, дарс бергани ҳаққи сифатида мен вакил бўлган кишига тааллуқлидир ва вакил сифатида менга тўланиши лозим. Мен уни шаръий асосда ўз муақкилимга (вакил бўлган кишимга) топшираман. Агар улар (яъни, Абдукаримжон) бундан

<sup>1</sup> Тархон ариғининг номи ҳужжатларда Дархон шаклида ҳам ёзилган. Унинг қадимги номи Тархон бўлиб, Дархон кейинчалик ўзгарган шаклидир.

<sup>2</sup> Яъни, эгалик ҳуқуқидан келиб чиқадиган жиҳатлар.

бош тортсалар, сиз муҳтарам ислом қозилари ва ҳокимлардан адолатли ҳукм чиқаришингизни талаб қиламанки, то ҳақ ўз жойида қарор топсин. Шунингдек, мен вакил бўлган кишининг ушбу хужжатга кўра бошқа даъвоси ҳам бор.

## № 6

Форс тилида, 1275/1859 й.

**Васиқа.** Ҳақимхожа Эшоннинг қизи Катта Ойимнинг бир бўлак ер ва унда жойлашган тегирмонларга эгаллик ҳуқуқини тасдиқлашга оид.

Тошкент шаҳрида Хожакўчаси маҳалласида жойлашган бир бўлак ерда икки жуфт тегирмон ва унинг тош, темир ва гиштдан бўлган асбоб-анжомлари мавжуд. Мазкур ернинг чегаралари: ғарб тарафдан бутунлай умумий йўлга туташган; шимолда умумий ариқ ўзанига, шарқда баъзан Норбутанинг матрукасига, баъзан хусусий йўлга, жанубда бутунлай хусусий йўлга туташган. Мазкур тегирмон сувининг кириш жойи шимолда ва чиқиш жойи жанубдадир. 1280 йил зулқайда/1864 й. май ойида ўзи касал бўлган Эшон Муҳаммадхожа ўғли шаҳид Эшон Юсуфалихожа қозининг шаръий вакили бўлган Исмоил ўғли Бўронбой тўғри ва шаръий асосда иқрор бўлган: жами тегирмонлар ва уларнинг асбоб-анжомлари ҳамда мазкур ер бўлаги барча ҳуқуқ ва муурофиқлари билан Катта Ойим бинти Ҳақимхожа Эшон мударриснинг мулкидир. Бу мулкка бошқа ҳеч кимнинг ҳаққи ва даъвоси йўқлигини тасдиқловчи мақбул гувоҳлар: Ҳомидхожа Эшон валади Азизхожа Эшон ва Аюбхожа валади Муҳаммад Зоҳидхожа Эшон.

Муҳрлар:

1) Мулла Абдурасул ибн Мулла Миращур муфтий, 12...?. 2,2x2 см (саккизбурчак);

2) Мулла Мирхолдор ибн Мулла Раҳимжон охунд муфтий, 1289/1872-73 й.; 3 см (думалоқ);

3) Муҳаммад Иброҳим маҳдум ибн Домулла Султон муфтий аълам, 1283/1866-67 й. 1,8x2,2 см (саккиз бурчак);

4) Маҳмудхожа қози ибн Хонхожа Сиддиқий, 1275/1858-59 й.; 4 см (думалоқ);

5) Умаралихожа ибн Норхожа Эшон муфтий, 1276/1859-60 й.; 2,4x2,8 см (суйри);

## № 7

Форс тилида, 1292/1875 й.

**Ибро.** Йўлдошмуҳаммаднинг ўз отасидан мерос қолган 209 тангани Муҳиддинхожадан олгани ҳақидаги иқрори.

1292 йил 10 жумод ул-охир/1875 й. 14 июлда 17 ёшли қалин қошли, чап кўзида жароҳатдан қолган доғ ва томоғида бўқоғи бор Йўлдошмуҳаммад валади Мулла Абдукарим жарчибоши тўғри ва шаръий асосда иқрор бўлган: ўзимнинг меросий ҳаққим бўлган марҳум отамнинг матрукасидан 209 дона еггилик вазндаги тангани Домулла Муҳиддинхожа қози валади марҳум Ҳақимхожа қозикалондан шаръий асосда тўла олганман. Мазкур қозининг зиммасида менинг ҳаққим қолмади ва унга бу маблағ юзасидан ҳеч қандай даъвом йўқ. Мен бу даврда ёки келажакда ушбу маблағ юзасидан ёки бошқа ваздан бирон даъво қилсам, ислом қозилари ушбу васиқага биноан иш кўрсинлар. Иқрор бўлувчининг бу сўзларини унинг онаси Санам биби бинти Сотиболдибой тасдиқлади.

Муҳр:

Қози Абдуллоҳжон ибн қози Бобожон марҳум, 1288/1871-72 й.; 4 см (думалоқ).

## № 8

Форс тилида, 1294/1877 й.

**Ибро васиқаси.** Эшон Ҳодихожанинг қизи Сора почта 20 тилла маблағ ва битта сигир эвазига ўзининг ҳовли ва ердаги ҳиссасидан Ҳодихожанинг ўғиллари Сайидумархожа ва Сайидусмонхожа фойдасига воз кечиши.

Тошкент шаҳри Қизилқўрғон маҳалласидаги бир ҳовлининг чегаралари: ғарбда бутунлай умумий йўлга, шимолда ва шарқда бутунлай Муҳиддинхожа

қози валади марҳум Ҳакимхожа Эшон қозикалон, жанубда худди гарбагидек (умумий йўлга) туташган. Оралиқдаги барча белгилар маълум.

1294 йил зулҳижжа охири/1877 й. декабрда Сора почта бинти Эшон Ҳодихожа тўғри ва шаръий асосда иқрор бўлган: Умархожадан олинган 20 тилла маблағ ва битта сигир эвазига мазкур Ҳодихожанинг ўғиллари Сайидумархожа ва Сайидусмонхожага бўлган жами даъволаримдан воз кечдим. Эшон Ҳодихожа матрукасидаги ўз ҳиссамга бўлган даъвомдан, мазкур (юқоридаги) худудга бўлган даъвомдан ҳам улар иккаласи фойдасига воз кечдим. Менинг ҳеч қандай ҳаққим қолмади.

Муҳрлар:

- 1) Қози Сайидбоқижон ибн Абулқосимхон Эшон Алавий, 1291/1874-75 й.; 4 см (думалоқ);
- 2) Мулла Абдурасул валади Миращур аълам, 1282/1862 й.; 3 см (думалоқ);
- 3) Қози Муҳаммадшарифхожа ибн Подшоҳхожа Умарий, 1288/1871-72 й.; 4,5 см (думалоқ);
- 4) Қози Абдуллоҳжон ибн қози Бобожон марҳум, 1288/1871-72 й.; 4 см (думалоқ);
- 5) Қози Муҳаммад Муҳиддинхожа ибн Муҳаммад Ҳакимхожа Эшон қозикалон 1286/1870 й.; 4 см (думалоқ);
- 6) Муҳаммадкарим маҳдум ибн Домулла Султон муфтий аълам, 1283/1866-67 й.; 1,2x2,2 см (саккизбурчак).

## № 9

Форс тилида, 1296/1879 й.

**Ижара васиқаси.** Муҳаммад Муҳиддинхожа қозининг ўз ерларининг бир қисмини 4 ойда тўланиши шарт бўлган 150 рус сўми эвазига 6 ой муддатга Қаландархожа ва Нормуҳаммадбойга ижарага берганлиги ҳақида.

Тошкент шаҳри ташқарисидаги Қизилқўргон мавзесидаги Лабзах ариги бўйидаги турли зироатлар экса бўладиган бир бўлак ернинг чегаралари: гарбда бутунлай Фосира аригига, шарқда бутунлай бошқа хожаларнинг умумий ерига, шимолда бутунлай марҳум Хожа Эшоннинг ворислари мулкига, жанубда бутунлай Қаромутнинг умумий йўлига туташган.

Мазкур мавзеда жойлашган яна бир бўлак экинзор ернинг чегаралари: гарбда баъзан умумий йўлга, баъзан Мулла Мирраҳим валади Содиқбойнинг дардаст ерига, шарқ ва жанубда бутунлай Нашиб аригига, шимолда бутунлай мазкур Қаромутнинг умумий йўлига туташган. Оралиқдаги барча белгилар маълум.

1296 йил рабиъ ус-соний бошида/1879 й. март ойининг охирида Қаландархожа валади Саримсоқхожа ва Нормуҳаммадбой валади Турдибой Мирзо тўғри ва шаръий асосда ушбу мазмунда иқрор бўлишган: биринчи худуд тўлалигича ва иккинчи худуднинг гарб тарафдаги чораги Муҳаммад Муҳиддинхожа қози валади марҳум Ҳакимхожа Эшон қозикалоннинг ҳаққи ва меросий мулкидир. Биз мазкур худудларни ҳар бири 5 тангалик етилик вазндаги соф қумушдан бўлган 150 рус сўмига тўрт ой муддатда тўлаш шarti билан мазкур санадан бошлаб, 6 ойга шаръий асосда ижарага олдик. Мазкур ерлар биз иқрор бўлувчиларнинг қўлида ижара тариқасидадир, тамлик<sup>1</sup> тариқасида эмас. Бизнинг бу ерларга (ижара ҳуқуқидан) бошқа ҳеч қандай ҳаққимиз, алоқамиз ва даъвомиз йўқ.

Муҳр:

Қози Муҳаммадшарифхожа ибн Подшоҳхожа Умарий, 1288/1871-72 й.; 4,5 см (думалоқ).

## № 10

Форс тилида, 1293/1876 й.

**Ибро.** Убайдуллоҳ валади марҳум Мулла Камол ва унинг онаси Латифа биби бинти Иззатуллоҳнинг Эшон Муҳаммад Муҳиддинхожа қозининг қўлида сақланаётган 106 тилла маблағ ҳисобидан олган пуллари ҳақида.

1293 йил муҳаррам/1876 й. февралда 17 ёшли Убайдуллоҳ валади марҳум Мулла Камол тўғри ва шаръий асосда иқрор бўлган: ҳар бири бир шаръий

<sup>1</sup> Т а м л и к – бирон нарсанинг хусусий мулк сифатида инъом қилиниши.

мисқол бўлган 16 тиллани Эшон Муҳаммад Муҳиддинхожа қози валади Ҳақимхожа қозикалондан унга менинг васийим Мулло Филмон топширган 106 тилла маблағ ҳисобидан бир йиллик озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа сарф-харажатлар учун олдим. Менинг онам Латифа биби бинти Иззатуллоҳ тўрт йил мобайнида озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа сарф-харажатлар учун 41 тилла ва 30 фулус маблағни турли вақтларда олган ва биз бунга шаръий асосда иқрор бўлганмиз. Мазкур 106 тилла маблағдан Эшон Муҳаммад Муҳиддинхожа қўлида 49 тилла қолган. Менинг ва мазкур Латифа бибининг бошқа ҳеч қандай даъвомиз йўқ.

Муҳр:

Қози Абдуллоҳжон ибн қози Бобожон марҳум, 1288/1871-72 й.; 4 см (думалоқ).

#### № 11

Форс тилида, 1295/1878 й.

**Ибро.** Холиқбек мутаваллининг Эшон Муҳиддинхожа қозидан Жуманбий мадрасасининг вақфига тегишли бўлган 56 рус сўмини олганлиги ва талаб қилишганда уни дарҳол тўлашга розилиги ҳақида.

1295 йил рамазон/1878 й. августда Тахтапул маҳалласида яшовчи Холиқбек мутавалли валади Мўминбек тўғри ва шаръий асосда иқрор бўлган: Жуманбий мадрасасининг вақфига тегишли бўлган 56 рус сўмини Эшон Муҳиддинхожа қози валади Ҳақимхожа қозикалон қўлидан олдим. Мен иқрор бўлувчи, вазифадорлардан кимки вақфнома васиқаси орқали мазкур маблағни мендан талаб қилса, уни дарҳол тўлайман.

Муҳр:

Қози Абдуллоҳжон ибн домулла қозикалон Бобожон марҳум, 1304/1886-87 й.; 4 см (думалоқ).

#### № 12

Форс тилида, 1295/1878 й.

**Ибро.** Абдурахмоннинг отаси Бўрибойнинг матрукасига оид ва Оқилбой валади Боймуҳаммаднинг зиммасида бўлган 16 тилланинг Эшон Муҳиддинхожа воситачилигида қарздор Оқилбойнинг ҳовлисини сотиш орқали ундирилиши.

1295 йил ражаб ойи бошида/1878 й. июнь ойи сўнгида Жангтоҳ маҳалласида яшовчи 43 ёшлик сариқдан келган, сарғиш соқоллик ва қалин қошлик Абдурахмон валади Бўрибой тўғри ва шаръий асосда иқрор бўлган: мен 66,5 кумуш тангани Эшон Муҳиддинхожа қози валади Ҳақимхожа қозикалон қўлидан олдим. Бу пул отамнинг матрукасига оид 16 тилла ҳисобидан бўлиб, мазкур маблағ Оқилбой валади Боймуҳаммад зиммасида қарз эди. Қарздор Оқилбойнинг ўзи ҳозир бўлмагани учун унинг шаръий тилхати асосида мазкур Оқилбойнинг мулкига қарашли чегаралари маълум бир ҳовли йирик уламолар ривоятларига асосан Бўрибойнинг қарзини узиш учун мазкур 16 тилла маблағга сотилди. Хуллас, иқрор бўлувчининг мазкур матрука юзасидан Эшон Муҳиддинхожа қози зиммасида ҳеч қандай ҳаққи қолмади ва унга нисбатан бошқа даъвоси йўқ.

Муҳр:

1) Қози Абдуллоҳжон ибн домулла қозикалон Бобожон марҳум, 1304/1886-87 й.; 4 см (думалоқ);

2) Қози Сайидбоқижон ибн Абуқосимхон Эшон Алавий, 1291/1874-75 й.; 4 см (думалоқ).

#### № 13

Ўзбек тилида, 1879 й.

**Тилхат.** Муҳаммадғирой Бухорўфнинг Мирюсуф Бекчуринга тегишли пулни ваколат хати асосида Эшон Муҳиддинхожа қозидан олгани ҳақида.

Ҳужжатнинг тўлиқ матни:

<sup>1</sup> Ф у л у с — майда мис чақа.

Менки, Мулла Муҳаммадгирой Мулло Муҳаммадали ўғли Бухорўф Кошгар маҳалласидаги анҳор суви бўйидаги Мирюсуф тўра Бекчурин ҳовлисини Тошканд шаҳрининг қозиси Муҳаммад Муҳиддинхожа Муҳаммад Ҳакимхожа Эшон қозикалон ўғли вакил бўлиб, мазкур Бекчуринни тарафидан мазкур ҳовлини 1550 сўмга сотганлари учун мазкур қозидан мазкур пулни ҳаммасини мен мазкур Бухорўф тўра мазкур Бекчурин тўра тарафидан бул хужжат хати орқасига ёзилган ваколат хат била қўлимга олдим. Эмдилиқда мазкур пулдан мазкур қозидан ҳеч бир нимарса қолмади. Шул ерда бўлган ҳодиса ростлигина ман Бухорўф тўра қўлим қўйиб муҳрим босдим. 23 май 1879 йилда.

Муҳр:

Мухамедь Гирей Бухорўф, 2,5 см (думалоқ).

№ 14

Форс тилида, 1305/1887 й.

**Ибро.** Бурчмулла қишлоғида яшовчи Мулла Азиз ўғли Имоммуҳаммаднинг бозорда йўқотиб қўйган 17 сўм пулни Эшон Муҳиддинхожадан олгани ва бошқа ҳеч қандай ҳаққи ва даъвоси йўқлиги ҳақида.

1305 йил 23 рабиъ ус-соний/1888 й. 7 январда Бурчмулла қишлоғида яшовчи 53 ёшлиқ Мулла Азиз валади Имоммуҳаммад валади Раҳимбой тўғри ва шаръий асосда ушбу мазмунда иқрор бўлган: мен ўзимнинг ҳаққим ва мулким бўлган, подшоҳлик бозорида йўқотганим ҳар бири еттилик вазндаги беш тангага баробар бўлган 17 сўм рус қоғоз ақчасини жаноб ислом қозиси Эшон Муҳаммад Муҳиддинхожа валади Ҳакимхожа қозикалондан олдим. Мазкур маблағ юзасидан мен иқрор бўлувчининг бундан буён ҳеч қандай ҳаққи ва даъвоси йўқ.

Асл тошкентлик бўлган иккинчи иқрор бўлувчи Муҳаммадносир валади Муҳаммадрасул ўзининг мулозими мазкур Мулло Азизни кафилликга олади. Хужжат остига туркийда қўл қўйганлар: Мулла Азиз валади Имом Муҳаммад, Муҳаммадносир валади Муҳаммадрасул ва Мاستон валади Худойназар.

Муҳр:

Муҳаммад Муҳиддинхожа қози ибн Муҳаммад Ҳакимхожа Эшон қозикалон Алавий, 1304/1886-87 й.; 4 см (думалоқ).

№ 15

Ўзбек тилида, 1314/1897 й.

**Васиқа.** Сайидалихожанинг ўз амакиси таъсирида Муҳиддинхожа Эшонга қилган туҳмат ва бўҳтонларидан воз кечиб тавба қилгани ҳақида.

1897 й. 19 май /1314 йил 29 зулҳижжада Тошкент шаҳри Себзор даҳаси Қозикўча маҳалла фуқароси 25 ёшлиқ Сайидалихожа марҳум Зайниддинхожа читфуруш ўғли ўз ихтиёри билан шаръий иқрор қилди: мен иқрор бўлувчи ўз амаким Мансурхожа Раҳматуллохожа Эшон ўғли иғвоси туфайли Себзор даҳаси қозиси жаноб Муҳаммад Муҳиддинхожа Эшон валади Ҳакимхожа қозикалоннинг устларидан беҳуда ва ёлғон аризалар бериб, бўҳтон ва туҳмат даъволар қилиш учун мазкур Мансурхожани вакил айлаган эдим. Энди мен шунга иқрорманки, менинг мазкур қозига нисбатан ҳеч қандай ҳаққим ва даъвом йўқ ва мен иқрор қилгувчи мазкур Мансурхожанинг ваколатини бекор қиламан. Қилган бўҳтон ва туҳматларим учун тавба ва истиғфор келтираман деб ишончли кишилар ҳузурда ушбу васиқа тузилди.

Гувоҳлар: Абдурауфхожа Эшонхожа ўғли, Насриддинхон Баҳриддинхон ўғли.

Тошкент шаҳри Кўкча даҳаси қозиси Абдурашидхожа Якубхожа аълам ўғли қўл қўйиб муҳр босган.

Муҳрлар:

1) Народнога судъи Кукчинской части гор. Ташкента Сырь-дарьин обл. 3,5 см (думалоқ);

2) Тошкент шаҳри Кўкча даҳаси қозиси

№ 16

Ўзбек тилида, 1316/1898 й.



**Тилхат.** Ражаббек тўқсобанинг полковник Бобобекнинг ворислари васийси сифатида полковник Бобобекнинг қарзини тўлашга ажратилган аробани Муҳиддинхожа Эшонга сотиб, пулини тўла олганлиги ҳақидаги иқрори.

1898 й. 12 сентябр/1316 йил 8 жумод ул-аввал ойида мен тубанда қўл қўйувчи Шайх Хованд Таҳур даҳаси эски Яккабозор маҳалласи фуқароси марҳум полковник Бобобекнинг жами ворислари мутасаддиси ва шаръий васийси Ражаббек тўқсоба марҳум Ҳакимбек парвоначи ўғли мазкур полковник Бобобекнинг қарзига хатлашиб сотилиб беришга тайин қилинган бир ўрўсий аробани рессорлик ва тўшаклик асбоблари билан жаноб Себзор даҳаси қозиси Муҳаммад Муҳиддинхожа Эшон валади Ҳакимхожа қозикалонга 300 рус сўми эвазига узил-кесил сотдим ва пулини тўла олдим. Мазкур аробани асбоблари билан жаноб қозига топширдим. Эндиликда мазкур ароба ва унинг пули юзасидан мазкур қози зиммасида ҳеч қандай ҳаққим ва даъвом йўқ. Муҳаммадражаббек Ҳакимбек ўғли қўлим қўйдим.

## № 17

Форс тилида, 1304/1887 й.

**Ибро.** Суяндукбой қозоқ Қоратойбой ўғлининг 9 ойлик хизмат ҳаққини Мулла Муҳаммад Муҳиддиндан тўла олганлиги ва бошқа даъвоси йўқлиги ҳақидаги иқрори.

Тўлиқ матни: тарих 1304 йил жумод ул-аввал ойининг 19 куниди/1887 й. 12 февралда Суяндукбой қозоқ аз жамоа-и Букачи ўз иқрори билан 29 ёшга кирган соқоли йўқ, қўй кўзлик, ўнг чаккасида кичкина холи бор, Оқсув бўлиси Мусабекга қараган Норбек истаршина қўл остида турғувчи Қоратойбой ўғли Тошкент қозихонасига келиб, ўз ихтиёри ва ризолиги бирлан иқрори шаръий қилиб айтдики, Мулла Муҳаммад Муҳиддинхожа Эшон қози жаноб домулла Муҳаммад Ҳакимхожа Эшон қозикалон-и марҳум ўғилларида 9 ойлик хизмат ҳаққим бор эрди. 3,5 тилло-и ройиж ул-вақт ҳар қайси тиллоси 19 танга-и нуқра-и Хўқанд эрди, қўлимга қабз-и шаръий қилиб олдим. Эндиликда мазкур Эшон-и қозидида ҳеч важҳдин ва ҳеч сабабдин ҳаққим қолмади. Ўз ихтиёрим ва ризолигим бирлан Эшон-и Қози-ийи мазкур ҳавлиларидан чиқиб, ўз оғоларим Нурлибек Қоратойбой-и мазкур ўғли ва яна Момойбой Жонғосиқбой ўғиллари бирлан ўз юртимга кетаман, деди. Сурати ҳодиса шул эрдик, Себзор қозихонасида бир неча мусулмонлар ҳузурда хат ёзилиб, муҳр босилди. Суяндук-и мазкур хат билмаган сабабли илтимоси бўйича ман Абдурауфхожа Абдурахимхожа ўғли ёзиб қўлим қўйдим. Нурлибек-и мазкур хат билмагани сабабли тамғам солдим. Ман Момой-и мазкур тамғам босдим. Сешанба 31 давда 1887 йил.

Муҳр:

Қози Муҳаммадшарифхожа ибн Подшоҳхожа Умарий, 1288/1871-72 й.; 4,5 см (думалоқ).

## № 18

Форс тилида, 1306/1889 й.

**Иқрорнома.** Муҳаммадалининг Муҳаммад Муҳиддин қози хонадонидида илм ўрганиш учун турганида қозининг хизматларини бажаргани учун хизмат ҳаққи талаб қилмаслиги ҳақидаги иқрори.

Тарих 1306 йил 22 жумадул аввал/1889 й. 23 февралда Охунд Гузари маҳалласида яшовчи 18 ёшлик Муҳаммадали валади марҳум Баҳодир нўғай ўз ихтиёри билан тўғри ва шаръий асосда ушбу мазмунда иқрор бўлган: шул хусусдаким, мен иқрор бўлувчи Мулла Муҳаммад Муҳиддинхожа Эшон қози валади домулла Муҳаммад Ҳакимхожа Эшон қозикалон уйида ўқиш ва илм ўрганиш учун турар эканман, қўлимдан келганча жаноб қозининг хизматларини хизмат ҳаққисиз ва бирон нарса талаб қилмасдан бажараман. Мазкур қози рухсатисиз ҳеч қасрга бормайман. Агар мен иқрор бўлувчига самовий офатлар етиб, касал бўлсам ёки ўлиб қолсам, мазкур қозига нисбатан ҳеч қандай шикоят ва даъвом йўқ. Ушбу Муҳаммадали ва Муллажон валади Абдулатифмак мазкур ишга рози бўлиб, илтимос қилганлари сабабли мен Мулла Тошмуҳаммад Султонбой ўғли қўлим қўйдим.

Гувоҳлар: Усмонхожа Дадахожа ўғли, Мулла Жамолиддин Бекмуҳаммад ўғли, Мулла Муҳаммадқосим Муҳаммадолим ўғли.

Манки Кўкча қозиси мазкур кишиларни бо мубоширати Муллажон-и мазкур вилоят ба вилоят умумат бе иқрори мазкур муқир-и мазкур дар мажлиси мазкур холис гувоҳ айлаб, ушбуни исботини қўлим қўйиб муҳрим босдим.

Муҳр:

Қози Абдуллоҳжон ибн қози Бобожон охунд марҳум, 1288/1871-72 й.; 4 см (думалок).

№ 19

Ўзбек тилида, 1897/1315 й.

**Васиятнома.** Тошкент шаҳри Хожакўча маҳалласидаги бир бўлак ернинг Сабринисо ойим тарафидан вафотидан сўнг сотилиб, пули дафн маросими харажатларига ишлатилиши учун ўз укасига васият қилингани ҳақида.

Тошкент шаҳри Хожакўча маҳалласидаги хона дафтарида 931-номерда бўлган ичида тегишли асбоблари билан ишлаб турган 2 та тегирмони бўлган, майдони 354 саржинлик бир бўлак ернинг чегаралари: ғарб тарафи 70 газ-аршин ҳаммаси умумий катта кўчага, шарқ тарафи ҳам 70 газ бўлиб, баъзан Исобой Нурбой ўғли мулкига, баъзан Зиёбой Бекбўта ўғли мулкига, баъзан хусусий ўтиш йўлига, шимол тарафи 28 газ бўлиб, баъзан мазкур Исобой мулкига, баъзан катта сувга, баъзан катта кўчага, жануб тарафи 63 газ бўлиб, баъзан хусусий ўтиш йўлига, баъзан катта сувга туташган. Тўрт тарафи маълум.

1897 йил 7 июлда, яъни 1315 йил 19 сафарда 46 ёшлик Сабринисо ойим марҳум Муҳаммадаминхожа Эшон қизи ўз розилиги ва ихтиёри билан сиҳатлик вақтида мазкур муҳр босувчи қози ҳузурда ҳозир бўлиб, шаръий ушбу мазмунда иқрор бўлган: мен иқрор бўлувчи шуни васият қиламанки, ўз иним Сайидаҳмадхожа Эшон Муҳаммадаминхожа ўғлини васий-и ом қилдим, шу мазмундаким мазкур васий мен иқрор бўлувчи ўлганимдан сўнг менинг меросий мулким ва сотиб олган ҳақ ва мулким бўлган мазкур баён қилинган ҳудуднинг 140 бўлагидан 33 бўлагини сотиб, пулини менинг гўр, кафаним, маърака ва ундаги шаръий садақаларга сарф қилиб, органини ўзи олсин. Мазкур васиятни мазкур васий қабул қилди. Ҳодиса шул эрди ёзилди. Васият қилувчи тарафидан Мулла Муҳаммадраҳимхожа ҳожи муфтий Саримсоқхожа Эшон ўғли қўл қўйган. Гувоҳлар: Мулла Алиммуҳаммад Ортиқшайх ўғли, Усмонхожа Дадахожа Эшон ўғли. Тошканд шаҳрини Себзор даҳасини қозиси Муҳаммад Муҳиддинхожа қози имзоси.

Муҳр:

Судья Сибзарской части города Ташкента Сирь-Дарьинский области., 3 см (думалок).

Эдворт ОЛВОРТ

АҚШ, Колумбия университети

## Биринчи ўзбек драмаси

**XX** аср бошларида ҳаётдаги туб ўзгаришларга монанд ҳолда ўзбек адабиёти ва санъатига янги жанрлар муваффақиятли равишда кириб кела бошлади. Ҳаёт ва жамиятда мавжуд бўлган муаммолар ҳақида чуқур ўйлайдиган, фикр юритадиган ёзувчилар олдида мислсиз кенг имкониятлар очилди. Ташқи адабий таъсирлар мумтоз адабий анъаналарга таяниб келган муаллифлар олдида характер, шакл, услуб ва томошабин (китобхон) га муносабат борасида янги вазифаларни қўя бошлади. Истеъдодли ижодкорларнинг самарали изланишларида новаторлик куртаклари юз кўрсатди. XX аср бошларида Марказий Осиёдаги туркий адабиёт аруз вазнига таянган бўлса, аср сўнгида жаҳон адабиётига хос бўлган юксак адабий шакллар, услублар янги ўзбек адабиётига ҳам тамоман ўзига хос миллий қиёфада устувор ўрин тутмоқда.

Мана шу анъана (тамойил)лар доирасида ижод этган маҳаллий адиблар янги ўзбек адабиёти карвонининг етакчиларига айландилар. Жадид адабиётининг асосчиларидан бўлган Бехбудий Марказий Осиё ижодкорлари орасида биринчи миллий драматик асар яратди. Унгача мазкур ҳудудда на туркий, на форсий тилда драма жанрида бирорта асар яратилмаган эди. Бу Бехбудийнинг адабиётга қўшган энг ката ҳиссаси бўлди. Бундан ташқари у ўз ватандошларига тил жиҳатидан ҳам, шакл жиҳатидан ҳам унча мураккаб бўлмаган, янги шароит ва муҳитга мос келадиган наср намуналарини яратди. Бехбудий даври учун бу катта ҳодиса эди.

“Падаркуш” драмаси яратилишига қадар Бехбудийни санъаткор сифатида кўрсатадиган йирик асарлари кўп эмас эди. Ўша вақтгача у кўпроқ маърифатпарвар адиб, ислом тарихи, географияси ҳамда ижтимоий ҳаёт муаммоларини ёритган фаол журналист ва олим сифатида танилганди.

Бехбудий 1911 йилда ёзиб тутатган “Падаркуш” драмаси рус цензурасидан ўтгандан кейин, 1913 йилда нашр қилинди. Драма бир йил мобайнида Самарқанднинг катта «Народний дом» рус театрида намойиш этилди. Мазкур театр биносига одам сизмай кетган эди.

### ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК

XX аср ўзбек адабиёти олис Америка Қўшма Штатларида ҳам деярли ярим асрдан буён ўрганиб келинади. Тўғри, бу борада узоқ йиллар мобайнида мафқуравий муҳолифотнинг ўрни сезилиб турди. Лекин, нафсиларини айтганда, мақола ва тадқиқотларнинг асосий ва салмоқли қисмида тўғри гаплар айтилди. Хусусан, ўзбек жадид адабиётининг миллатпарварлик ва истиқлол руҳида бўлгани; Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек каби адиблар халқ душмани эмас, ақсинча, ватанпарвар, фидоий сўз усталари экани, улар ўз асарлари билан рус босқинчилиги ва истибодига қарши кураш олиб боргани; социалистик реализм методи ва ижод эркинлиги ҳақидаги фикрлар сохта бўлиб, сўз санъатини деярли бир қолипга солгани; адабиётдаги мафқуравий қатагон бадиятни майиб ва мажруҳ қилиб қўйгани ва ҳоказолар ҳақидаги илмий фикрлар гарб адабиётшунослиги, шу жумладан, АҚШдаги ўзбек адабиёти билан шугулланувчи мутахассислар томонидан узоқ йиллар мобайнида аниқ далиллар билан кўрсатиб келинди. Биз эса, бундай қарашларни гоёвий ва мафқуравий душманларимизнинг кирдикорлари ва тўхматлари, буржуа ганимларимизнинг найранглари деб баҳоладик.

Бу билан мазкур йўналишдаги гарб олимларининг барчаси беистисно билагон эди, демоқчи эмасман. Уларнинг тадқиқотларида баъзан матни бирламчи манбалар орқали чуқур билмаслик, ақсар маълумотларни ўзимизнинг олимларимиз ёзган китоб-мақолалардан олиш, айрим

Қизил Армия томонидан Совет бошқаруви ўрнатилгунга қадар Бехбудийнинг ушбу асари Марказий Осиё бўйлаб жуда кўп шаҳарларда намойиш этилди. Драма қисқа фурсатда бир қанча янги саҳна асарлари яратилишига асос бўлди. Шунингдек, у кейинги пьесаларнинг саҳналаштирилиши учун бир тажриба намунаси бўлиб ҳам хизмат қилди.

Замонавий драма адабий жанр сифатида янги давр маърифатпарварлари наздида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши керак эди. Улар таълим ва маъданиятда янги усул ( «усули жадид» ) деб аталган етакчи гуруҳ аъзолари эдилар. Амалда жадидлар деб аталса-да, аслида оддий халқ билан ҳамнафас бўлишга ҳаракат қилардилар. Жамиятни ислоҳ қилиш зарурлигини яхши билган Бехбудий сиёсий ҳаракатлари самара бермагач, маданият ва санъат орқали халқ онгини уйғотиш, уни маърифатга олиб бориш мумкин деб ҳисоблаган эди.

Замонавий драма шу даврдаги барча ҳаётий муаммолар ва мумтоз адабиёт анъаналаридан анча узоқ бўлса-да, у бошқа жанрларда ёзилган асарлардан фарқли ўлароқ ижро этиш, кўрсатиш хусусиятига кўра маҳаллий аҳоли кўнглига бирдек йўл топа олди. Мана шу муҳим жиҳатига кўра ёш ўзбек драмаси жамиятда жиддий ислоҳотлар зарур бўлиб турган бир пайтда муҳим маърифий тарбия вазифасини бажарди.

Қолоқ консерватив руҳонийлар ва маҳаллий раҳбарлар қаршилигига қарамасдан XX аср бошларида бир гуруҳ ижодкорлар томонидан драма жанри ислоҳотларни амалга оширишдаги муҳим восита сифатида танланиши мантиқан тўғри эди. Лекин, назаримда, Марказий Осиёдаги илк драма бўлган “Падаркуш” тўғри бундай мураккаб мавзунинг танланиши у даражада тўғри йўл эмасди.

Авваллари ҳам халқ орасида кўрсатиб келинган ихчам миллий пьесалар, аскиялар, акробатика каби томошалар аслида ҳазил-мутойибага, енгил юморга, мажозга бой бўлиб, одамларни хурсанд қилиш, кўнглини олишга қаратилган эди. Бундай ҳазиллар, аскиялар орқали кўпгина дин пешволари танқид қилинарди. Янги драматурглар эса руҳонийларга жиддий муносабатда бўлар, эътиқодли дин арбобларини танқид қилишдан қочардилар. Шунга қарамасдан қолоқ кишилар замонавий пьесалардаги тарбиявий-маърифий руҳ туфайли Бехбудий ва унинг ҳамфикрларига қаттиқ қаршилик кўрсатишарди. Бундай муносабат нафақат Туркистонда, балки Ўрта Шарқ, шунингдек, Осиё, Озарбайжон, Арабистон, Туркияда яратилган илк саҳна асарларига ва барча кўринишдаги комедияларга нисбатан ҳам мавжуд эди.

Бехбудийнинг ўзи ихчам “миллий трагедия” деб таърифлаган бу асар Туркистонда гуноҳ ишларга йўл очиб, турли жиноятларга сабабчи бўлаётган айрим кишилар қисматига ишора қилувчи дидактик драма эди. Ўз халқига мансуб фарзандларни ўқитиш, маърифатли қилиш, жамиятни юксалтиришга ҳар жиҳатдан қодир бўлишига қарамай, бу эзгу амалларни бажаришдан бош

илмий-назарий муаммолар талқинидаги кемтиклик ва бирёқламалик каби етишмовчиликлар кўзга ташланарди.

Лекин, муҳими шундаки, биз шўро даврида айтишдан мосуво бўлган, истиқлол давригагина келиб эркин ва ҳур айта олаётган айрим фикрларни, нуқтани назарларни улар ўз вақтида илмий ва тўғри айта олган, асарлари ва номи бизда батамом қатагон бўлган адиблар ижодини ўша вақтлардаёқ холис ўрганишни бошлаб юборган эдилар.

Ана шундай – серкўлам, билимдон, XX аср ўзбек адабиётининг қатор долзарб муаммолари ва фидойий миллатпарвар адиблари ижодини ўрганишда деярли эллик-олтмиш йилдан буён изчил изланиш олиб бораётган, бу йўналишда қатор салмоқли талқиқот, монографиялар эълон қилган, умрини ўзбек адабиётини ўрганишга бағишлаган олимлардан бири, эҳтимол улар ичида энг забардасти америкалик Эдворт Олвортдир. Олимнинг «Ўзбек адабий сиёсати», Колумбия университети, 1964, «Замонавий ўзбеклар: XIV асрдан бугунга қадар: маданий тарих», Станфорд университети, 1990. «Ҳақиқат излаб: фитратона услуб» (Брил, 2002) номли китоблари, «Замонавий Туркистон театрларининг асос-негизлари», Славянлар вақтли журнали, 1964, 4-сон. «Дастлабки ўзбек дарамаларида ислоҳот ва инқилоб» Марказий Осиё йилномаси, 12/2, 1964. «Илк Марказий Осиё драмасида қотиллик метафора сифатида» рисоалари, мақолалари ҳамда илмий ишлари халқаро миқёсда тан олинган.

Э. Олворт Тошкентга бир неча бор ташриф буюрган, тил ва адабиёт институти олимлари, олий ўқув юртлиридаги адабиётшунос мутахассислар билан учрашган, улардан тажрибалар ўрганган, ўз тажрибалари билан ўртоқлашган. Ўз вақтида мафкуравий жиҳатдан муҳолифатда, зиддиятда бўлишимизга қарамай, ниҳоятда маданий, камсукум ва ҳушёр зеҳнли бу «қария» ҳар келганида худди ўзига ўхшаган, мулоим, юмшоқ, кекса ёшдаги рафиқаси билан

тортган кишиларнинг қисмати ҳақидаги башорат эди бу асар. Муаллиф асар гоёсини кескин зиддиятлар, тўқнашувлар, характерлар кураши асосида кўрсатишдан кўра драманинг айрим қисмларида таълим-тарбия орқали мамлакатни ривожлантириш мумкинлигини кўп таъкидлайди ва туркистонлик ёшларнинг илм олишдан бош тортишлари ёмон оқибатларга олиб келишини кўрсатишга, яъни дидактик тасвирга кўп ўрин беради.

Драматург асосий эътиборини жиноятга, диний урф-одатларга хилоф бўлган, бири иккинчисига боғлиқ қатор гуноҳларга қаратади. Уларнинг нохуш, ёмон оқибатларини бадий адабиёт хулосалари орқали йўқотиб бўлмаслигига диққатни қаратади.

«Падаркуш»нинг саҳна асари сифатидаги ўзига хос фазилати шуки, муаллиф замонасининг мудҳиш ва жирканч иллатларини очиқ намойиш этганлиги билан белгиланади. Демак, Марказий Осиёда биринчи замонавий саҳна асари «Падаркуш» номи билан бошланди ва ривож топди.

«Падаркуш» мавзусига мос биринчи парданинг дастлабки дақиқаларида томошабинлар ота ва ўғил ўртасидаги жуда қисқа ва нохуш муносабатга гувоҳ бўладилар. Тошмурод шаҳардаги тунгги ҳаёт учун отасидан қўполлик билан пул сўрайди. Домулла (3-персонаж) кириб келгунга қадар ўғил отасидан рухсат олади. Домулла эса бошини афсусланиб силкитиб қўяди.

Унинг бош қимирлатишида қандайдир жиноят содир бўлиши мумкинлигига ишора бор эди. Асар бошланишига бу эпизод (яъни Бойнинг Тошмуродни кузатиши, Домулла бошини афсусланиб қимирлатиб қўйиши) халқнинг зиёлиларга нисбатан чексиз ҳурматини таъкидлаш мақсадида келтирилган. Бу ҳурмат ҳар қандай бойлик, амал – мартабадан баланд турар эди. Суҳбатнинг кульминацион нуқтасида Домулла Бойга ўғлини ўқитиш орқали Оллоҳ фарзини бажариш зарурлигини таъкидлайди. Шундан сўнг Бой хизматкорга тезлик билан эшикни қулфлашни буюради, бу ҳолатдан Домулланинг кўнгли огриб чиқиб кетади.

Биринчи парда деярли эътирофлардан иборат бўлиб, персонажлар ҳаракати кузатилмайди. Кейинги (иккинчи) пардада эса аксинча ҳаракат нисбатан кўп бўлиб, сўз (тасвир) кам. Кейинги манзара Бой ўғли ва унинг шериклари айш-ишрат қилиб ўтирган майхонага кўчади. Уларнинг қайфи ошиб қолган, ёш ўсмирлар ҳаммага маълум бўлган енгилтак аёл Лиза ҳақида кўп гапирадилар. Майхона эгаси Лиза келиши учун олдиндан 15 рубл пул бериш кераклигини эслагани. Энди фожиа сужети майхонада ривожлана бошлайди. Ўсмирлар сўралган пулни йиғиб беролмайдилар. Гуруҳ бошлиғи Давлат тўланадиган пулни Бойнинг сейфидан ўғирлаш мумкинлигини эҳтиёткорлик билан таклиф қилади.

Драматург асардаги деярли ҳамма ҳаракатларни вақт ва макон жиҳатидан сўнгги икки пардага ихчам жойлаштиради. Бу эса асарнинг иккинчи ярмида

Тошкентнинг гўзал манзараларини сайр қилишни севар, илмий мулоқот, баҳсларда бирор марта мунозарага бормас, илмий нуқта назарда, менинг фикрим тўғри қабилида йўл тутмас, лекин ёзган ишларида доимо ўз эътиқодида мустақкам турувчи киши эди.

Мен олимнинг Колумбия университетидаги хос хонасида бўлганимда жовонлар лик тўла ўзбек тилидаги бадий ва илмий китобларни, шкафлар тепасига тахлаб ташланган «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ўзбек тили ва адабиёти», «Жаҳон адабиёти», «Шарқ юлдузи» каби газета-журналларни кўриб, ҳайрат ва хурсандчиликдан ҳаяжонланган эдим.

Истиқлолгача биз, узоқ хориж тилларида ёзилган бадий ва илмий асарларни аслиятда деярли ўқий олмасдик. Замонлар ўзгарди. Илмий-ижодий ва инсоний муносабатлар ўзгарди. Истиқлол шарофати туфайли янги авлод етишди. Бу авлод вакиллари илмий, бадий асарларни аслиятдан ўзбекчага ўғирмоқдалар. Мўътабар «Жаҳон адабиёти» журнали бу масалада кенг китобхонлар оммасининг ҳавасманд ва иштиёқли дардларига малҳам бўлмоқда.

Э.Олвортнинг ушбу мақоласини инглиз тилидан ўзбекчага ўғирган Зулхумор Мирзаева ҳам ана шундай янги авлод вакиллари сирасига киради. Зулхумор ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг докторанти. «Ўзбек жадид адабиётининг Америкада ўрганилиши» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаган.

Ёш ўзбек олимаси бир неча йилдан буён деярли 90 ёшни қоралаб қўйган америкалик Э.Олворт билан ижодий ҳамкорлик олиб боради.

Зулхумор Мирзаева бир қадар эркин таржима қилган машҳур америкалик олим мақоласини ана шу ижодий ҳамкорликнинг кичик бир белгиси сифатида қабул қилинг.

*Бахтиёр НАЗАРОВ,  
академик*

Мулла ва Зиёлининг ўлдирилган ўқувсиз, маърифатсиз Бой устидан бироз ҳиссиз, ҳеч нимага ачинмай қилган ҳукми пайтидаги дақиқаларга сезиларли ҳаракат беради. Иккинчи ва учинчи пардадаги персонажлар ҳаракати шиддатли кечишига қарамасдан муаллиф “Падаркуш” нинг асосий қахрамонлари ўртасидаги мувозанатни сақлаган ҳолда асарни яхлит мувозанатга келтиришга мувофиқ бўлган. Учинчи манзарада драмадаги асосий характерлар кўрсатилади.

Пьесанинг асл нусхасида биринчи парда иккинчи саҳифадан саккизинчигача, иккинчи парда тўққизинчи саҳифадан ўн иккинчигача, учинчи парда тўртинчи манзара билан бирга 13-17 - саҳифанинг ярмига қадар давом этади. Бойнинг меҳмонхонасидан бошланган ҳаракатларга саҳнада 30-45 минутдан кўпроқ вақт сарф этилиши мумкин. Кейин иккинчи пардадаги майхона тасвирланади ва яна Бехбудий таърифлаган сўнгги тўртинчи манзара ўша майхонага кўчади. Бойнинг ётоқдаги хонаси тафсилоти матннинг етти майхонадаги воқеалар (хилватхона) олти ярим саҳифани ташкил этади. Жиноят содир бўлган хонадаги тафсилот эса (Бойнинг ётоқхонаси) қисқа икки саҳифадан иборат бўлиб, қотиллик жуда кам кўринишларга тасвирланади. Икки ўгрининг саҳнадаги пантомимик (сўзсиз) ҳаракати деярли ярим кўринишда акс эттирилади. Драманинг тўртинчи кўринишида воқеалар Бойнинг уйи ва маишатхонада бўлиб ўтади.

Агар Бойнинг уйи билимсизлик, жаҳолат ва қайсарликнинг макони бўлса, маишатхона шайтон малайларининг уйи сифатида кўрсатилади.

Нодон фарзандлар ва қолоқлик қасри ўртасида юз берган жиноятга дахлдор ва сабабчи бўлган кимсаларни саҳнада кузатаётган ҳар қандай оддий томошабин ҳам драма фожиа билан туташ муқаррарлигини ҳис қилиб, билиб туради. Биринчи пардада бой асосий образ сифатида тасвирланади, саҳнадаги барча муносабатларда иштирок этиб, бошқа персонажларни ўз атрофига тортган ягона қахрамонга айланади. У ушбу пардадаги бошқа характерларга нисбатан икки марта кўп гапиради. Шундай бўлса-да, Бой ўз фикри ва маслаҳати билан ушбу парда охирида ўзининг “уйқусини келтирган” Зиёлидек муҳим, асосий сиймо эмас. Замонавий танқидчилар эса Бойни драмадаги асосий, марказий қахрамон деб ҳисоблайдилар.

Иккинчи парданинг ретакчи, ўзига хос образи ўспирин йигит Давлат. У гуруҳнинг ғоя берувчи раҳбари: биринчи бўлиб Лиза исмини тилга олади, унинг учун пул топиш режасини айтади ва унга бошчилик қилади. Тошмуродни ўз ота-онасига нисбатан босқинчилик қилишга ҳам Давлат даъват этади. Учинчи парданинг биринчи кўринишидаги зиддият асарда яхши тасвирланган. Лекин Бехбудий тўртинчи кўринишда Тангрикул ва Тошмурод образларини ва барча пантомимик ҳаракатларни, ўн икки иштирокчидан саккизтасини ҳаракат ҳукмрон бўлган манзара – майхонага олиб келади. Зиёлининг узундан-узоқ нутқи огоҳлантириш сифатида аллақачон айтилган бўлса-да, у деярли драманинг охирида яна такрорланади.

Асар қисқа бўлишига қарамасдан, ҳаётий воқеалар тасвирланган саҳна асари сифатида муваффақиятли намоиш этилган. Бу пайтда жадидчилик ғояси бутун Туркистон бўйлаб кенг тарғиб қилинаётган эди. Драмада илгари сурилган жиддий муаммолар таълим ва тарбияни кучайтириш, халқни асрий жаҳолат, қолоқликдан қутқариш, жиноят ва жазо, мажбурият ва масъулият сингари ижтимоий муносабатлар содда ва таъсирли ифодаланган. Драмада илк бора туркистонликларга ўз тилида, типик образлар, типик характерлар орқали жиддий ҳаётий муаммолар, очиқчасига гапирилган эди. Илмсизлик, жаҳолат, тўғри йўлдан адашиш оилага бахтсизлик, чинакам қулфат келтириши таъсирли диалогларда акс эттирилгани учун саҳнадаги ҳаракатлар томошабини ҳайратга солиб, бутун вужудини қамраб олади. Саҳнадаги воқеаларни тўғри идрок қилган ҳар қандай томошабин Туркистоннинг асосий фожиаси нимадан иборат эканлигини кўриб йиғлайдилар, мамлакат ёшларини ўқитиш орқали янги ҳаётга олиб чиқиш зарурлигини тушунадилар.

Бехбудий бу предеккамент (асар тасвиридаги мушкул ҳолат)ларни тасвирлаш учун Туркистон драматурглари кейинчалик кўп мурожаат этган – тарихий воқеаларга ёндашишдан кўра, кўпроқ маърифат, маънавият ва маданиятга эътиборсизлик оқибатларини кўрсатишни маъқул кўради. Драмадаги ҳамма диалоглар Марказий Осиё халқлари ўртасида кенг қўлланиладиган, барча туркий халқларга тушунарли бўлган сўз ва ибораларда берилади.

Жадидлар жамиятни ривожлантириш омили биринчи навбатда маърифатга, таълим-тарбияга боғлиқ эканлигини яхши англаб етган эдилар. Шу тўғрисида “Падарқуш” драмасида бу етилган, ҳаётий муаммо энг долзарб масала сифатида куюнчаклик билан кўрсатилади.

Домулла билан Бой ўртасида илм ва бойлик қудрати хусусидаги мурасасиз суҳбат конфликт даражасига кўтарилганда Бой “агар мен ўғлимни ўқитмасам нима бўлади?” деб сўрамайди. Бу олдиндан қабул қилинган хулоса эди. Бой ўз фарзандини ўқитмагани учун гуноҳдор, ва у гуноҳдор сифатида ўз жазосини олди. Озгина пул учун қилинган бемаъни, аммо шафқатсиз қотиллик ўтқир киноя билан қоришиб кетади. Чунки Бой оқибатсиз фарзандини тўғри йўлга солиб, ўз ҳаётини сақлаб қолиши мумкин эди. Лекин, иккинчи томондан, бундай йўл билан ҳам жоҳил фарзанддан омон қолишга қафолат йўқ эди. Тошмурад маърифатдан, илмдан бебаҳра, хасис, очқўз маишатбоз бўлиб ўсган. Улфатлари тунги маишат учун кетадиган пулнинг катта қисмини ундан ундиришга ҳаракат қиладилар. Чунки у дўстлари орасида анча бадавлат эди.

Шуниингдек, Беҳбудий ушбу драмада ахлоқсиз Лизанинг бир кечалик хизмати учун тўланадиган 15 рубл (катта миқдордаги пул) ва Бойнинг уйидаги ўқимишли, зиёли хизматкорига бир ойда тўланадиган 7 рубль ўртасидаги кескин фарқни қиёслаб кўришни халққа ҳавола этади. Бундай жиноятларнинг асосий сабабчиси, ҳар қандай гофил, саводсиз инсонни ёмон йўлга бошлайдиган шайтоний куч – ичкилик, чилим, маишатбозлик. У ёш ўспиринларнинг кучли истаклари, жиловсиз туйғуларини уйғотишга таъсир этади ва уларни фоҳиша аёл суҳбатига етаклайди. Шунинг баробарида Беҳбудий ўсмирларнинг ичимлик, чилим чекиш ахлоқсиз базмларига қўшилиб жиноят кўчасига кириб қолишларига сабабчи бўлишини олдиндан башорат қилади. Тошмураднинг шахсий истаклари (ҳирси)ни қондириш учун ўз уйига ўғирликка тушишига юқоридаги сабаблардан бошқа баҳона йўқ.

Беҳбудийнинг адабий қобилияти қотилликнинг (иккинчи) сабабчиси ва етакчи салбий образ Лиза (фоҳиша) ни ахлоқсизлик аёл сифатида кўрсатишда ҳам ёрқин намоён бўлган. Беҳбудий бу образ тасвирида Марказий Осиё адабиёти анъаналаридан йироқроқ бўлган, Фарб адабиёти услубига кўпроқ мурожаат қилади. Муаллиф Лиза орқали барча эътиқодли мусулмонларга ёт бўлган, уларда нафрат, жирканч уйғотадиган типик образни кашф қилди, Туркистонга кириб келаётган «европача» ҳаёт иллатларини рад этади. Айни замонда, Беҳбудий Лиза образи ва жамиятдаги ярамас одатларни қоралаш йўли билан цензурадан қочишга муваффақ бўлади. Маишатхондаги Артун ҳам на туркистонлик, на арман миллатига хос бўлмаган ажнабий, қиёфасиз инсон сифатида кўринади.

Беҳбудийнинг концепцияси, шуниингдек Марказий Осиё жамиятидаги жадидона қарашларга кўра, Бойнинг хотинидан ташқари барча персонажлар неготив (бизнингча *зиддиятли*<sup>1</sup> – *З.М.*) образлар қаторига киради. Бойнинг хотини ташқари кучлар томонидан бутун умри хазон қилинган вазиятда, ҳам эридан, ҳам ўғлидан жудо бўлган муштипар аёл ва ҳушини йўқотган она сифатида учинчи парданинг биринчи манзарасида оғир аҳволда намоён бўлади. Бойвуччанинг кутилмаган аянчли қисмати, айни шу дамда ўғли Тошмурад томонидан ижарага олинган тўппончадан ҳавога узилган ўқ асарга мелодраматик ҳолатларни олиб кириди. Мелодрама туйғу ва ҳиссиётларни бўрттириб кўрсатиб, сабаб ва оқибатларни тўла акс эттирмайдиган жанр деб ҳисобласак, бу асар мелодрама эмас, унда мелодраматик элементлар бор, аммо улар тўлиқ намоён бўлмайди. Агар бу асарда романтик ҳис-туйғуларни ифодаловчи ҳаракатлар мавжуд деб айтадиган бўлсак, одатда бундай асар фожиа билан эмас, балки бахтиёрлик, хурсандлик билан якун топиши керак эди.

Беҳбудий асари учун оғир долзарб мавзу танлаган. Асардаги озгина ҳиссиёт ва ғазаб, нафратни ҳисобга олмаганда, унда ҳеч қандай романтик ёки туйғуларни ифодаловчи ўринлар йўқ. Асарда маърифатдан узоқ бир оила қисмати орқали мустахлак Туркистондаги аянчли ҳаёт, нурсиз турмуш ва қолоқ мусулмонларнинг бемаъни қарашлари билан боғлиқ бахтсиз оқибатлар маҳорат

<sup>1</sup> «Negative» сўзининг бош маъноси инкорни ифодаласа-да, драмадаги Домулла ва Зиёли образларига асосланиб, бу истилоҳни «зиддиятли» маъносида қабул қилдик – *З.М.*

билан кўрсатилади. Беҳбудий драмани «миллий фожиа» дейиши билан бирга уни оддийгина қилиб «қайғулик воқеа» деб ҳам атаган.

Драмадаги образлар аниқ тизимга солинган, яъни типларга бўлинган. Жадидлардаги фаталистик (тақдирга ишониш билан боғлиқ) кайфият Зиёли — жадид ва Домулланинг фикрлари билан уйғунлигига кўра битта гуруҳни ташкил қилади. Шунингдек, драмада ўғил ва отанинг ҳаёт сўқмоқларида тойиши, оғир қисмати, оқибатсиз фарзанднинг бадарға қилинишига боғлиқ воқеалар вақт ва макон жиҳатидан уйғунлаштирилади.

Бой ўзининг ўткинчи бойлиги билан ортиқча гурурланади, ҳар қандай огоҳлантиришни мулоҳазасиз рад этади, натижада бу характернинг бошқа салбий жиҳатлари ҳам намоён бўлади. Тунда Бойнинг хонадониди пайдо бўлган икки чақирилмаган меҳмон томошабинни таажжублантиради. Ўғрилар бойга ташланиб, узун пичоқни унинг юмшоқ биқинига санчаётган паллада Бой ҳимоясиз қолади. Шу ҳолатда ҳам ҳеч бирор томошабин унга ачинмайди. Қисмати ўлим билан тулаган барча образлар фожиасининг ягона асоси асрий қолюқлик, маърифатсизлик, диний урф-одатлар, расм-русумлар, ислоний ақидаларни нотўғри талқин қилиш сингари иллатлар билан боғланади. Беҳбудий мазкур драма орқали мана шундай асрий жаҳолат, фикр, дунёқарашни ўзгартириш билан бирга туркистонлик томошабинлар кўнглида афсус, надомат туйғуларини уйғотишни мақсад қилиб олган эди. «Падаркуш» драмаси кичик драматик лавҳа бўлишига қарамасдан, у чуқур фожиавий мазмун касб этган. Драма асосидаги энг муҳим гоёвий-ижтимоий масалалар жадидлар ва уларнинг мақсадлари билан уйғунлашиб кетган. Шунингдек, янгилик тарафдорларида учрайдиган нуқсонлар ҳам жадид образи зиммасига юклатилади. Беҳбудий уларни фойдасиз, халқига, юртига нафи тегмайдиган илм эгасига айланиб қолаётганига ачинади, қуруқ насихатчиликни қоралайди. Мана шу жиҳати билан у реалист адиб сифатида намоён бўлади.

Драмадаги баъзи персонажлар учун танланган исмларда ҳам кучли мажозий маънолар бор. Пичоқ кўтарган ёвуз «Оллоҳ қули» (Тангрикул) эди. Яна бошқа ким бўлиши мумкин? Қудратли Оллоҳнинг ўзи ҳам маърифатсиз, жоҳил, ислон анъаналари, шариат қонунлари ва руҳонийларнинг танбехларини, зиёлиларнинг панд-насихатларини писанд қилмайдиган, таҳқирлайдиган мусулмонларга даҳшатли жазо бериб, огоҳлантираётгандек кўринади. Муаллиф Тангрикул (Оллоҳнинг қули) исмини бежиз танлаган эмас. Зиёли — ўзбекларда «илм берувчи, ақл-заковатли, маълумотли» деган маънони бериши маълум. Бошқа образларнинг исмлари ҳам ўз характерларига мос танланган. Масалан, Бой, Домулла, полиция пристави ва Бойвачча. Артун, Лиза исмлари уларнинг бошқа миллатга мансуб эканлигидан дарак беради. Тошмурад эса драмадаги диалогларнинг бирида, умумий қилиб Бойнинг ўғли (Бойвачча) сифатида кўрсатилади. Хулоса қилиб айтганда, драмадаги персонажларнинг ўзини тутиши, характерларида ҳам чуқур рамзий маънолар бор.

Пьесанинг «Падаркуш» деб номланишига эътироз билдириши мумкин. Чунки Беҳбудийнинг тасвирлашича, Бойнинг асосий қотили унинг ўғли эмас, балки Тангрикул, лекин иккинчи жиҳатдан ўғил бу жиноятнинг асосий иштирокчиси эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Демак, чуқурроқ қаралганда, драманинг бундай номланиши асосли эътироз уйғотмайди. Жиноятчини мавҳум бир кимса сифатида кўрсатилишида ҳам муаллифнинг ўз мақсади бор. У драмада фақат отанинг фожиали тақдири, мисолида мажозий равишда ота-она, она Ватан ва Туркистон мусулмонларининг қисматига ҳам ишора қилади. Агар жамият мустамлака занжири остида яшаса, жаҳолат, нодонлик авж олса, бунинг учун ким айбдор бўлади? Муаллиф бу саволни томошабинлар ҳукмига ҳавола этади.

Фикрни аллегория, метафора ва аниқ жонли образлар воситасида ифодалаш Туркистон адабиётида азалдан мавжуд бўлган ва XX аср бошларида ҳам қўлланиб келинаётган бадиий тасвир восита (адабий анъана)лари ҳисобланади. У лирик шеърларда ёки оғзаки ижод намуналарида кўпроқ учрайди. Диалоглар эса Марказий Осиё шоирлари томонидан яратилган кўпгина шеърий мунозараларда ҳам учраб туради. Мажоз Туркистон ватанпарварлари кўп мурожаат қилган бадиий тасвир воситасидир. Беҳбудийдан кейин бу мажоз тури чор мустамлакаси



ёки Совет тузумига қарши бир ниқоб сифатида фойдаланилган эди. Бундан ташқари яратилган фантастик, ўткир кинояга бой асарлар ёки адабий саёҳатлар ҳам Марказий Осиёда 1920 йилларга қадар мавжуд ҳокимиятни танқид қилиш учун қалқон вазифасини бажарган.

Демак, жамиятни ислоҳ қилиш билан боғлиқ янги ғояларни баён этишда драма жанри яхши имкониятлар яратиб берди. Чунки детектив ёки мистик шаклдаги адабий жанрлар, Беҳбудийнинг ижтимоий-сиёсий мақсадини аниқ намоён қила олмас эди. Шу ўринда айтиш керакки, ўша даврда яратилган бошқа драмалар Беҳбудийнинг «Падаракуш»и каби муваффақиятли чиқмаган. Асар диалогларидаги айрим деталлар муаллиф фикрини ифодалашда калит вазифасини бажаради. Бир лаҳзада ҳамма нарсасидан маҳрум бўлган, эри ўлдирилган аёл шундай бақриб, дод солади. «Ҳе жувонмарг Тошмурод! Қон қус! Кошки чечакда кетсайдин! Вой, падаркуш!» Айнан шу дақиқада Домулла Бойнинг хотинига танбеҳ беради: «Бу бадбахтлик ва мусибатга сабаб жаҳолат ва нодонликдир, бемаънилик ва тарбиясизликдир. Уйингизни нодонлик бузди...»

4 – кўринишнинг сўнгги дақиқаларида Зиёли томошабинларга қарата шундай хитоб қилади: «Агарда буларни отаси ўқутса эди, бу жиноят ва падаркушлик алардан содир бўлмас эди. Оҳ, ҳақиқатда бойни ўлдирган ва бу йигитларни азоби абадийга гирифтор қилган беилмликлар».

Беҳбудий ижтимоий ва сиёсий мақсадларини асарга сингдириш учун қадим туркистонликлар амал қилган адабий ўйинлар, киноя ва қочириқлар кўп, маъноли сўзлардан маҳорат билан фойдаланади. Беҳбудий ўз юртдошларини чинакам қотил ким ва у нима учун бу жиноятга қўл ургани ҳақида жиддий ўйлаб кўришга мажбур қилади.

Маълум бўладики, «Падаркуш»да айнан ва рамзий маънода турли даражадаги ўлим сабаблари метафора сифатида кўринади. У оила бошлиги (французча Patrie – патриарх – биринчи қабила ва уруг бошлиги)нинг ўлимини акс эттириш билан бевосита маданий қолоқлик туфайли асрий Туркистон инқирозга учраганини, энди бундай яшаб бўлмаслигини олдиндан башорат қилади. Бир вақтнинг ўзиде муаллиф жамиятнинг бахтсизлик, қолоқлик томон кетишини кўрсатиш билан бирга, 1900 йилларда тузилган Марказий Осиё мусулмонлари жамиятининг фаол аъзолари пароканда бўлиб кетганлигига ишора қилади. Ўз даврининг пешқадам адиби, биринчи драматурги юқоридаги нозик мушоҳадалари орқали туркистонлик ёшларга миллат, жамият учун ниҳоятда долзарб бўлган муҳим ва жиддий муаммоларни ўртага ташлайди. Маълум гуруҳларнинг ўзига ортиқча бино қўйиши, такаббурлиги бўлажак фожиаларга, қалтис оқибатларга сабаб бўлиши мумкинлигидан огоҳлантиради. Дарҳақиқат, орадан кўп ўтмай, жаҳолат қўйнида қолган Туркистон парчаланиб кетди. Хуррият истаган Марказий Осиё халқлари чинакам Мустақилликка эришишлари учун яна кўп йиллар большевизм зулми остида яшашга мажбур бўлдилар.

*Инглиз тилидан  
Зулхумор МИРЗАЕВА  
таржимаси*

Наим КАРИМОВ

## Дўстлик дарахтининг яшил барглари

**И**нсон ҳаётини безайдиган, унга маъно ва мазмун бағишлайдиган, унинг яхши кунда қувончига қувонч, шодлигига шодлик қўшиб, ёмон кунда эса суянч тоғи бўладиган мўъжиза бу — дўстликдир. Ҳар бир инсон шу мўъжиза туфайли ҳаётнинг асл лаззатини, нашъу-намосини, қадр-қимматини чуқур ҳис этиб яшайди.

Халқ — ўзида миллий ва умуминсоний қадриятларни мужассамлаштирган ва ҳатто мужассамлаштирмаган кишилардан иборат. Ҳар бир халқнинг қўшни халқлар билан аҳил ва тотув яшаши айни пайтда ҳам миллий ва умуминсоний қадриятдир. Халқлар ўртасидаги дўстлик кимнингдир иродаси билан эмас, ҳаёт тақозоси билан юзага келади. Шота Руставели, Низомий Ганжавий, Алишер Навоий сингари даҳо шоирларнинг бир миллат вакили бўлмиш йигитнинг бошқа миллатнинг соҳибжамол қизига бўлган муҳаббатини олқишлаб, ўлмас асарлар яратгани бежиз эмас. Улар учун турли тилларда сўзлашадиган, турли урф-одатларга эга бўлган миллатларни ўзаро яқинлаштириш, улар қалбига меҳр-муҳаббат уруғларини сочишнинг бирдан-бир йўли шундай муҳаббатни тасвирлаш эди.

Мухтор Авезов ва Ойбек, Собит Муқонов ва Фафур Фулом, Абдулла Тожибоев ва Миртемирлар билан бир даврда яшаган бизнинг авлодимиз улар ўртасидаги буюк дўстликни ўз кўзимиз билан кўриб, улар сиймосида ўзбек ва қозоқ адабиётлари ўртасидаги ва умуман, икки халқ ўртасидаги дўстлик боғининг меваларидан баҳраманд бўлиб улғайди. Шунинг учун ҳам бу дўстлик биз учун катта ва завол билмас қадриятлардан бири бўлиб қолган.

1946 йили қардош қозоқ халқи буюк Абай таваллудининг 100 йиллик юбилейини нишонлаб, собиқ Иттифоқдаги барча машҳур ёзувчиларни Олмаотага таклиф этган. Урушдан ҳориб-тўкилиб чиққан, ҳали шинелларидан порох ва қон ҳиди кетмаган ёзувчилар бир-бирларининг дийдорларига тўйиб, бир-биридан гўзал қадаҳ сўзларини айтиб, бу адабиёт байрамида ёш болалардек яйраб қувонганлар.

1948 йили эса навбат ўзбек ёзувчиларига келди. Алишер Навоий тугилган куннинг 500 йиллигига бағишланган Тошкент шаҳридаги юбилей тадбирларида ҳам рус, украин, белорус ва бошқа ёзувчилар билан бирга қозоқ ёзувчилари ҳам иштирок этиб, адабий дўстлик дарахтининг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Шундай адабий байрамлар кейин ҳам давом этди. Турли адабий ўнқунлик ва ҳафталиклардан ташқари, Тошкентда Фафур Фулом, Ойбек ва Миртемирнинг, Олмаотада эса Мухтор Авезов, Собит Муқонов, Ғабиден Мустафин ва бошқа адибларнинг юбилейлари ўтказилди. Қаламкаш биродарлар ўртасидаги дўстлик алоқалари икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг равнақ топишида муҳим омил бўлди. Қозоқ китобхонларининг ўзбек адабиёти дурдоналарини қозоқ тилида ўқишга, ўзбек китобхонларининг эса қозоқ адабиёти жавоҳирлари билан она тилида танишишга муяссар бўлишлари икки халқнинг янада яқинлашишига катта имконият яратди.

Шу нарса ажойибки, улуг ёзувчилар ўз халқларининг буюклигини, жаҳон маданияти хазинасига ҳисса қўшган сиймоларнинг буй-бастини кўрсатувчи асарлар ёзганлар. Мухтор Авезов ижодий фаолиятининг қаймоғи бўлган “Абай йўли” романи жаҳон халқларига нафақат буюк қозоқ шоирини, балки қозоқ

халқининг қалбини ҳам кашф этиш имконини берган. Худди шунингдек, жаҳон халқлари, шу жумладан, қозоқлар ҳам Ойбекнинг “Навой” романи орқали нафақат буюк ўзбек шоири, балки ўзбек халқи тарихининг “олтин давр” — XV асрдаги ижтимоий-маданий ҳаёти билан ҳам яқиндан ошно бўлганлар.

Ойбек билан Мухтор Аvezов бир-бирига руҳан яқин инсонлар бўлишган. Болалик кезларида отаси билан Тошкент атрофидаги қишлоқларга бориб, ўша ерда умргузаронлик қилган қозоқларнинг турмуш шароити, тўю тантаналари билан яқиндан танишган Ойбек сўнгги нафасига қадар кўшни халққа нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуси билан яшади. Ундаги шу туйғу “Болалик хотираларим” хотира-қиссасида, “Бахтигул ва Соғиндиқ” достонида, Мухтор Аvezовга бағишланган шеър ва мақолаларида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Ойбек дўсти Мухтор Аvezов билан илк бор Тошкентда, бўлажак қозоқ адиби Ўрта Осие Давлат университетида таҳсил олган йилларида танишган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Аммо бу ҳақда бирор хотира ёки бирор из қолмагани сабабли, биз, адабиётшунослар, бу икки улкан адиб дўстлигини 1929 йилда Ленинградда бошланган, деб келамиз. М.Аvezов ўша вақтда Ленинград университети филология факультетининг сўнгги курсида, Ойбек эса Плеханов номидаги Халқ хўжалиги институтининг иккинчи курсида ўқиётган эдилар. Уларнинг ўша йилларда тез-тез учрашиб, адабий мавзуларда узоқ суҳбат қурганлари, бир-бирларининг илк асарларини ўқиб самимий фикр-мулоҳаза билдирганлари ҳақида хотиралар ёзилган. Олис 20-йилларда экиланган бу дўстлик ниҳоли кундан-кунга ўсиб, шундай зўр дарахтга айландики, улар ҳаётдан аллақачон кўз юмганларига қарамай, бу дўстлик дарахти, назаримизда, ҳамон шовуллаб тургандек бўлади.

Бу дўстлик аҳён-аҳёнда бўлиб ўтадиган адабий байрамлардаги учрашувлардангина иборат бўлмаган. Улар бир-бирларининг ижодларини кузатиб, бир-бирларидан ўрганганлар. Бир-бирлари билан учрашганларида эса, чой совиб қолганини ҳам, кабобнинг хушбўй ҳиди анқиб турганини ҳам сезмай, Шарқ адабиёти ва фалсафаси денгизида сузишда давом этганлар.

50-йиллар охирида Тошкентда, Ойбек хонадонида бўлиб ўтган шундай суҳбатларнинг бирига ўша йилларда ёш ёзувчи бўлган Анвар Олимжонов гувоҳ бўлган эди. У ўз хотираларида шу унутилмас учрашувни эслаб, жумладан, бундай сўзларни ёзган:

“...Суҳбат давомида икки донишманд, бу икки гўзаллик ошиғи дам-бадам хотираларга берилиб, форс ва араб, ўзбек ва қозоқ тилларида шеърини сатрларни дафъатан ёддан ўқишар эди. Улар ўтмишда ўтган, шунингдек, ҳозир ҳаёт бўлган Шарқ шоирлари, олим ва саркардалари, файласуф ва рассомларининг номларини тилга олишарди. Меҳмоннинг фикрини мезбон шу ондаёқ давом эттирар, мезбон ўқий бошлаган сатрни меҳмон дарҳол илиб кетарди.

Икки дўстнинг шеърият ва фалсафага доир дилкаш суҳбати шу алфозда узоқ давом этди. Улар гўё ўз билимларини намойиш қилишар, бундан роҳатланишар ва ўзаро бойишар эди. Бу жуда қалин ва маслақдош дўстларнинг суҳбатлари эди. Уларнинг Шарқ маданияти ва шеъриятига меҳр-муҳаббатлари беадад, бинобарин, уларнинг ҳар бири ўз халқлари тарихи, адабиёти ва моддий маданиятининг қомусий билимга эга бўлган донишмандлари эдилар...”

Ойбек нафақат Мухтор ога билан, балки бошқа қозоқ адиблари билан ҳам дўстона алоқада бўлган. Маълум бўлишича, ўша 1929—1930 йилларда Собит Муқонов ҳам Москвада бўлиб, навқирон ўзбек шоири билан танишган ва у билан бир умрга дўст бўлиб қолган. Атоқли қозоқ адиби ўзбек дўстининг 60 йиллиги муносабати билан Тошкентда бўлиб ўтган тантаналарда иштирок этиб, бундай дил сўзларни айтган эди:

“Мана, сен ҳам олтмиш ёшга кирдинг!

Тўйинг муборак бўлсин, дўстим. Тани-жонинг соғ бўлсин, касби коринг бундан ҳам камол топсин, умринг узоқ бўлиб, бахтинг боқий бўлсин, болачақангнинг, нева-чевараларингнинг роҳатини кўравер!..

Мен сени биринчи марта бундан ўттиз беш йил илгари Москвада, қизил профессорлар институти биносидан кўрган эдим. У маҳалда сен юзларинг ол-ол ёнган, қалин, жингалак, қора сочили, кўзларингда ёшлик, навқиронлик ўти порлаб турган йигит эдинг.

Кеча бола эдинг, бугун келдинг талай ёшга,  
Кўз етди бир қолипда тура олмасга,

деб, Абай оғам айтмоқчи, мана сен ҳам ўзбекларнинг боласидан оғасига айландинг, халқингнинг кекса ёзувчилари қаторига қўшилдинг.

Аммо сен фақат ўзбек халқининг кекса ёзувчиларидан бири бўлибгина қолмадинг... Иттифоқдош қардошларимиз орасида сенинг ажойиб, баркамол асарларингни, романларингни ўқимаган китобхон йўқ. Мана шунинг учун ҳам улар сени ўзларининг севимли, туғишган ёзувчиси деб билади.”

Бундай ҳароратли сўзларни фақат яқин дўстгина, жигаргина айтиши мумкин. Собит Муқонов Ойбек билан ҳам, Фафур Фулом билан ҳам шундай самимий дўст эди.

1962 йилнинг май ойида қозоғистонда ўзбек адабиёти кунлари ўтказилади. Ўша вақтда Ойбек оғир хасталиқдан кейин соғайиб улгурмаган, аммо шунга қарамай, Қозоқ дўстлари билан дийдорлашув истагида қаламкаш биродарлари билан бирга Олмаотага боради. қозоқ пойтахтида бир-икки кун турганларидан кейин делегация аъзолари ижодий учрашувларда иштирок этиш учун қозоқ диёрининг турли шаҳарларига йўл оладилар. Хаста Ойбек эса Собит оғанинг уйида меҳмон бўлиб қолади. Кунларнинг бирида Собит оға дўстини қозоқ диёрининг ўша йиллардаги кўрки — Медеога олиб бориб, табиатнинг бу гўзал мўъжизаси билан таништиради. Олатовнинг оппоқ қор билан бурканган чўққисидан жилдираб оқиб тушаётган кумуш жилгалар пастроқда бир-бири билан туташиб, улкан сойни вужудга келтирган, шу сойнинг ўртасида эса ўтовдек катта ва юмалоқ тош чўнг ҳайкалдек қотиб турарди. Бу фусункор манзарадан ҳайратланган Ойбек тошнинг олдига келиб, уни худди тирик одамдек кучоқлаб, силаб-сийпайди. Адиб отасининг исми Тошмуҳаммад, яъни Тош эди. Балки хаста адибнинг кўзига ҳайкал — тош унинг отаси бўлиб кўрингандир, ўшанда. Ҳар қалай, у шу тошдан қандайдир маънони ўқийди. Буни кўрган Собит оға ҳайкал — тошни ўзбек дўстига бағишлаб, унга совға қилади. Бу совғани бериб юборишнинг иложи бўлмагани учун, орадан бир неча кун ўтгач, Ойбек жўнаб кетганидан кейин, Медеога тоштарош устани олиб бориб, унга шу сўзларни ёздирди:

*“Бул жумир тости баурим Муса Айбекке сийға тартам.*

*Собит Муқан улы.  
3. VI. 1952 жыл”.*

Афсуски, Медеони олиб кетган даҳшатли тошқин бу совға тошни ҳам ўз қаърига тортган.

Одатда янги бино пойдеворида унинг қачон ва ким томонидан барпо этилаётгани ёзилган идиш қўйилади. Ўша тош ҳам балки келажакда янада камол топажак қозоқ ва ўзбек халқлари дўстлиги кошонасининг пойдевори бўлиб қолар...

Ўша адабиёт байрамида иштирок этган Фафур Фулом, инсоний табиатига кўра, гоят шинаванда, ҳазил-ҳузулни қотирадиган, бир суҳбатга киришса, тонгни тонгга улайдиган ёзувчи эди. У сафар чоғида Қозоғистоннинг гуллаб-яшнаётган Қарағанда, Темиртов, Кўкчатов, ҳозирги Остона шаҳарларини кўрибгина, тенгдош дўстлари билан дийдорлашибгина қолмай, ёш қозоқ шоирлари билан ҳам танишган ва иноқлашган эди. Орадан кўп ўтмай, 1964 йили у қозоқ шоири Қувондиқ Шанғитбоевнинг хатига шундай жавоб хатини йўлладики, бу хатнинг ҳар бир сўзи бири-бирига устоз, бири-бирига шоғирд бўлган халқнинг дўстлик дарахтига озуқа берадиган ҳаётбахш сўзлар эди.

“Ўзбек ва қозоқлар, — деб ёзган эди Фафур Фулом, — минг йиллардан буён бир-бирига туташган улуг ер қитъасида бирга-бирга яшаб келадилар, бирининг тарихи иккинчисининг ҳам тарихидир. Қоплонбекда чироқ ёқилса, Тошкентда кўринади, Чимкентда тўй бўлса, ярим Тошкент кўчиб боради. Уйимга бирор ардоқли кўноқ келиб қолса, қимиз учун ё Саригочга, ё Турбатга бориб келаман...”

Қозоқ халқининг сахийлиги, бағри очиклиги ўз ерига ўхшаб кетади. Ахир Шарқдан Ғарбга қараб, Хитой чегараларидан тортиб Каспийгача, қалмоқ чўлигача, Шимолдан Жанубга қараб, Оренбург саҳроларидан, Ўрол этакларидан тортиб Тошкентгача бўлган бепоён худудда нималар йўқ!..”

Шоир қозоқ ва ўзбек халқларининг бир-бирига туташ ери ҳақида сўзлаб, шу ернинг бойликларини кўз-кўз қилиб, икки қардош халқни бирлаштирадиган қадриятларни таърифлаб шундай ёзганки, бу хат қозоқга улуг ўзбек шоири қалбидан шеър бўлиб тушгандек таассурот қолдиради.

Ойбек билан Мухтор оға ўртасида бўлган гурунгда иштирок этган ёш Анвар Олимжонов улар суҳбатини “донишмандлар суҳбати” деб атаган эди, дея эса олган эдик. Аслида бизнинг устозларимиз ўзаро учрашганларида улар ўртасида бўлиб ўтган ҳар бир суҳбат “донишмандлар суҳбати” бўлган. Одатда шундай суҳбатлар асносида кишиларни бирлаштирадиган ва улар қалбини бир умрга ўзаро боғлайдиган шоҳи ришталар пайдо бўлади. Шу суҳбатлар беиз кетмай, уларда кўтарилган, қаламкаш дўстларни ҳаяжонлантирган ва умумбашарий аҳамиятга молик бўлган масалалар уларнинг асарлари орқали дунё бўйлаб таралади.

Ўзбек ва қозоқ халқларининг адабий алоқалари тўғрисида сўзлар эканман, яна икки улуг шоир номини тилга олмай ўта олмайман. Булар — Миртемир ва Абдулла Тожибоевлардир. Туркистон заминиде тугилган, бир-бири билан тегишиб катта бўлган бу икки йигитнинг бири Олмаотага бориб, қозоқ шоири, иккинчиси эса Тошкентга келиб, ўзбек шоири бўлган. Агар тақдир бу икки биродарни Тошкентга олиб келганида, уларнинг иккиси ҳам ўзбек шеъриятининг икки чинорига айланиши ҳеч гап эмас эди. Худди шунингдек, агар уларнинг чеки Олмаотага тушганида, ҳозир биз Миртемирнинг асарларини ҳам ўзбек тилига таржима қилган бўлармидик.

Аммо гап бунда эмас. Гап шундаки, улар кейинчалик ҳам худди оға-инидек бир-бирлари билан дўстона муносабатда яшадилар. Миртемир Абдулла дўстининг асарларини қозоқ тилидан ўзбек тилига, Абдулла Тожибоев эса ўзбек дўстининг асарларини қозоқ тилига меҳр билан ўгирди.

“Биз Миртемир билан, — деб эслаган эди атоқли қозоқ шоири, — шонли Туркистон ўлкасининг файзиёб осмони остида тугилдик. Биз ўз ҳаётимизда кўрган илк нур Туркистон қуёши эди. Биз Миртемир билан ўз умримизда илк бор тинглаган ва ҳузур қилган қўшиқ Туркистон шамолларининг навоси эди. Ўша пайтда соҳиллари тўлиб-тўлиб оққан Сирдарё тўлқинлари биз учун беланчак бўлди. Хуллас, бир кўёшдан нур эмган, кўҳна дарё сувларидан сероб бўлган, бир дастурхондан туз-насиба тогган қардошлигимиз туйғуси бизнинг ҳаётимизга бир умрга кирди ва бизнинг қонимизда яшади”.

Нақадар олтин сўзлар-а, бу сўзлар!..

Мен шоир Миртемирга яқин кишилардан бири сифатида унинг хонадониде бўлган талай меҳмондорчилик ва суҳбатларда ҳозир бўлганман. 60-йилларда бўлса керак, Тошкентда ўтказилган адабий байрамларнинг бирига қозоғистондан Муҳаммаджон Қоратоев ва Абдулла Тожибоев келиб, шу тантаналарда иштирок этган эдилар. Азиз дўстларининг Тошкентга келганларини кўриб, Миртемир ака ўзини қаерга қўйишни билмай қолган, ўшанда. Афсуски, уларнинг Тошкентда бўлиш вақти соатма-соат режалаштирилган эди. Шунга қарамай, у қозоқ дўстларининг тушлик учун ажратилган вақтини ўз уйиде бирга ўтказишга кўндирди. Келинойига турли-туман таомларни тайёрлашни буюриб, бизларга меҳмонларга кўз-қулоқ бўлиб туришни тайинлади. Мен Миртемирнинг илтимоси билан олим ва драматург Иззат Султонни олиб келдим. Ёзилмаган сценарийга кўра, бу суҳбати ширин олим ўтиришга раислик қилиб, меҳмонларнинг қулфи дилини очадиган ғаройиб сўзларни, воқеаларни нақл қилиб туриши, биз эса, чой-пойдан хабар олиб, меҳмонларнинг яйраб ўтиришлари учун жавобгарлик ҳисси билан ҳамма нарсага шай бўлиб туришимиз лозим эди.

Хуллас, меҳмондорчилик кўнгилдагидек ўтди. Мезбон ҳам, меҳмонлар ҳам мамнун бўлдилар.

Бу воқеани эслашимнинг боиси шуки, Миртемир сингари устоз ва ёзувчиларимиз қардош қозоқ ёзувчиларини астойдил ҳурмат қилар, икки халқ адиблари ўртасидаги дўстлик боғига гард қўнмаслигини истар ва бу дўстлик кундан-кунга мустаҳкамланиши учун барча чора ва талбирлардан фойдаланар эдилар. Қолаверса, у бизга: “Мана, дўстлик қанақа бўлади. Биздан кейин сизлар ҳам қозоқ олимлари ва ёзувчилари билан шундай дўстона муносабатда бўлингиз!” демоқчидай эди.

Афсуски, икки халқнинг адабиёти ўртасидаги дўстлик боғига асос солган ўзбек ёзувчилари ҳам, қозоқ ёзувчилари ҳам бу фоний дунёдан боқий дунёга

ўтиб кетдилар. Аммо шу нарса қувонарлики, устоз Ойбек ва Мухтор Аvezов, Фафур Фулом ва Собит Муқонов, Миртемир ва Абдулла Тожибоевлар бошлаб берган адабий дўстлик тарихи зарварақлари ҳозир ҳам уларнинг навқирон издошлари томонидан битилиб бормоқда.

Ўзбек ва қозоқ адабиётлари бахтига, Туркистон шаҳрида икки тилли яна бир заҳматкаш ижодкор туғилган. Бу қозоқ даштларида ўсувчи сариқ гулдек ижодкорнинг исм-шарифи Носир Фозилов бўлиб, унинг бир ўзи қардош адибларнинг қарийб барча машҳур роман ва қиссаларини, шунингдек, қатор саҳна асарларини ўзбек тилига таржима қилган. 2007 йили қозоғистон Республикасининг ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида “Тириклик кўшиғи” деган қозоқ адибларининг насрий асарлари нашр этилди. Бу мажмуага кирган ўн етти адибдан ўн учтаси Носир Фозилов томонидан ўзбек тилига ўтирилган. Бу мажмуанинг қимматли томонларидан бири шундаки, ундан Мухтор Аvezов, Собит Муқонов, Ғабиден Мусрепов сингари машҳур адиблар билан бирга ўзбек китобхонига ҳали мутлақо таниш бўлмаган Мухтор Мағавин, Дулат Исабеков, Бердибек Сўқпоқбоев сингари ёзувчиларнинг ҳам асарлари ўрин олган.

Сир эмас, Носир Фозилов қозоқ носирларининг асарларини таржима қилишга ихтисослашгани туфайли қозоқ шоирларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ишида озми-кўпми оқсоқланишлар йўқ эмас эди. Ўзбекистонда “Жаҳон адабиёти” журналининг нашр этилиши билан бу борада ҳам кўзга кўринган ишлар амалга оширилди. Айниқса, шу журнал кутубхонаси сериясида “Сайра, дўмбирам” китобининг чоп этилиши ўзбек-қозоқ адабий алоқалари тарихида катта воқеа бўлди. Шоир ва таржимон Мирпўлат Мирзонинг ташаббуси ва ижодий меҳнати билан юзага келган бу мажмуага Абайдан тортиб Абдулла Аймоққа қадар бўлган эллик нафар қозоқ шоирларининг шеърлари киритилган. Бу асарлар билан танишган китобхон нафақат қозоқ шеърлятида кечган ва кечаётган ижодий жараёнлар, балки қардош қозоқ халқининг руҳий ҳаёти ҳақида, қозоқ шоирларининг дўмбираларини сайратиб юборган ватан, халқ ва ёрга бўлган муҳаббат туйғулари ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлади.

Шу мажмуадан жой олган истеъдодли қозоқ шоири Туманбой Мўлдағалиевнинг “Ўзбегим – ўз оғам” деб номланган шеърда бундай сатрлар бор:

...Ўртада баҳам орзу, қувонч, азоб,  
Сен борсан, ҳеч ким мени этмас мазоқ.  
Ўзбекнинг осмонида тонг балқиса,  
Ҳаммадан бурун уни кўрар қозоқ.

Гинам йўқ, сен оғамсан – туғишгансан,  
Тилагим – эзгуликка юрак қонсин.  
Ҳазиллар файз берсин умримизга,  
Саодат юлдузимиз мангу ёнсин!

Бу самимий сатрлар икки қардош халқ қалбини ўзида ифодалаган эзгу туйғуларнинг ҳарорати билан иситиб туради.

Биз, ўзбек ва қозоқ адиблари ўртасидаги дўстлик чаманзорини кўриб улғайган кишилар, сўнгги йилларда ана шу алоқаларнинг бир оз узилиб бораётганидан ташвишга тушмай иложимиз йўқ. Негаки, бир-бири билан оғани бўлиб келган халқлар ўртасидаги адабиёт аталмиш кўприк заифлашса, бундан оға-инилик алоқалари ҳам озор чекади.

Аммо бундай ўйлаб қарасак, ўзбек ёзувчи ва таржимонларининг, шунингдек, адабиётшунос олимларнинг бу алоқаларни давом эттиришга қаратилган ишлари бир томонлама уриниш бўлиб кўринади. “Қарс икки қўлдан чиқади”, деганларидек қозоқ дўстларимизнинг “а, лаббай” деган сўзларини эшитганимизча йўқ. Бирорта қозоқ таржимони на ўзбек шоирларининг, на ёзувчиларининг асарларидан иборат мажмуаларини она тилига ўтириб, нашр этмаган. Ҳолбуки, ҳозирги ўзбек шеърлятида кечаётган ижодий изланиш ва жараёнлар қозоқ шеърлятининг кейинги ривожига баракали таъсир кўрсатиши мумкин. Ўзбек адиблари қаламига мансуб энг яхши қисса ва романларнинг қозоқ тилига таржима қилиниши ҳам қардош қозоқ китобхонлари учун кашфиёт бўлиши ҳеч гап эмас.

Тарихий жараённинг қандай кечиши кўп жиҳатдан ҳар бир халқнинг виждони бўлган ёзувчиларга, уларнинг ўз фуқаролик бурчларини тўғри тушунишлари ва уни тўғри адо этишларига боғлиқ.

Аммо тарих шундан шаҳодат берадики, минг йиллар мобайнида синовдан ўтган, халқлар ўртасидаги тинчлик ва осойишталикка хизмат қилувчи абадий қадриятлар асло йўқолмайди. Халқлар ва адабиётлар ўртасидаги дўстлик шундай абадий қадриятлардан биридир.

Абдулла Тожибоев айтганидек, илоҳи, бир қуёшдан нур эмган, бир дарё сувларидан сероб бўлган икки қардош адабиётнинг ва икки қардош халқнинг дўстлик дарахти асло заво́л билмасин!



Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамият фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Лойиҳа номи: «Буюк ажлодларимизнинг маънавий жасоратини улуғлаш, уларнинг ҳаёт ва ижод йўлини ибрат мактаби сифатида тарғиб этиш, ёшларимиз тафаккурини умумбашарий қадриятлар асосида камол топтириш, уларда мустақиллигимизга нисбатан ғурур ва садоқат туйғуларини шакллантириш».



Акмал САИДОВ

## Гёте – тафаккур шоири

### ИЖОД ВА ҲУҚУҚ

**Т**арихдан маълумки, кўп асрлар мобайнида ҳуқуқ илми ҳам шеърят либосида бўлган. Ҳуқуқ куч-қудратининг манбаи ҳам қалб тўридан отилиб чиқадиган эҳтиросли ва сеҳрли сўзда эди. Афлотун таърифи билан айтилса: ҳуқуқ – илоҳиёт тухфаси бўлган санолар шаклида дунёга келган.

Ҳуқуқда назмий анъаналарнинг талайгина намуналари ва ёдгорликлари сақланиб қолган. “Авесто” Тангри санолари шаклидадир. Қуръондаги ваъз ва фарзлар, кароматлар, шариат ва ахлоқ-одоб қоидалари, худди “Инжил”да бўлганидек, саноларда битилган.

“Ҳуқуқни англаб етиш калити”ни нафақат ҳуқуқшунослар, илоҳиётчилар, файласуфлар ҳам излаганлар. Бу қидирувни кўплар: ўтмишнинг буюк адиблари ҳамда халқ дostonлари, эртақ ва ривоятларнинг номсиз муаллифлари ҳам олиб борганлар. Улар қаторида руҳият даҳолари Алишер Навоий ва Алигъери Данте, Эразм Роттердамский ва Вильям Шекспир, Умар Хайём ва Фридрих фон Шиллер, Фёдор Достоевский ва Лев Толстой... Бошқа яна кўплаб буюк номларни келтириш мумкин.

Жаҳон адабиётининг ана шу намояндалари орасида Гёте алоҳида мавқега эга.

Иоганн Вольфганг Гёте – буюк немис шоири, Уйғониш даврининг сўнгги намояндаларидан бири ҳисобланади. Унинг адабий ва илмий мероси асарлар тўпламининг 143 жилдини қамраб олади. Уларда бадиий ижоднинг барча намуналари – эртақлардан тортиб пьеса ва романларгача бор. Адиб 82 ёшида дунёвий ва илоҳий илмлар файласуфи бўлиш билан бирга қалб ёшлиги, яшаш ва севиш хоҳишини йўқотмаган ҳолда ҳаёт мазмуни ва муҳаббат ҳақида ажойиб шеърлар битарди.

Гёте ижодиёти маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ифода усули учун намуна ҳисобланади. Фридрих Вильгелм Йозеф Шеллинг шарофати билан у фалсафа оламига кирди. Фридрих Карл фон Савинье уни ҳуқуқшуносликка етаклади.

### ИСТЕЪДОДНИНГ БЕБАҲО ОЛМОСИ

Истанбул шаҳрида мовий Босфор устида бу кўрфазнинг икки қирғоғини туташтириб турган улкан кўприк бор. Бу машҳур ва маҳобатли иншоот Осиеъ ва Оврупо қитъаларини бир-бирига улайди. Ҳар гал шу кўприк яқинига борганимда ўзининг улугворлиги, кўтарган юкнинг залвори, табарруқ уҳдаси билан у менга буюк Иоганн Вольфганг Гётени эслатади.

Шарқ-шарқдир, гарб-гарбдир, улар туташмас, деб ёзган Радьяр Киплингга зид ўлароқ, магрибнинг бир қанча сиёсатдонлари, файласуфлари, ирқшуносларига раддия бўлиб Гёте ижоди жаҳон маланияти осмонида ақл бовар қилмас юксакликда ёруғ юлдуздай порлаб турибди.

Мумтоз немис шоирининг машриқзаминга бўлган ҳурмати, Саъдий, Ҳофиз, Хайём, Жомий, Навоийларга муҳаббати ёлғиз унинг ижодида эмас, балки кўпқиррали фаолиятида, ҳаёт ва тафаккур тарзида ҳам намоён бўлган. У Саъдий каби жаҳонгашта, Жомий каби пири муриши, Навоийдек давлат арбоби ва яна Ҳофизу Хайём каби девонаваш қалб эгаси бўлган.

Ваймар шаҳрида Гётенинг уй-музейини айланиб улуг шоир истеъдодининг серқирралигига ҳайрат қилганман. Сон-саноқсиз хоналарнинг ҳар бири у машғул бўлган бир соҳага бағишланган. Бир хона тўла Гёте ўрганган тоғ жинслари ва минералогия фанида қилган кашфиётларига

Рисола қисқартириб босилмоқда.



Гётенинг табиий фанларни эгаллашида Александр фон Гумбольдтнинг, фалсафада эса Вильгельм фон Гумбольдтнинг ҳиссалари катта.

Шу билан бирга Гёте бутун умри давомида фақат бадиий ижод билангина машғул бўлмаган. Унинг онгли ҳаёти – университетда таҳсил олишидан бошлаб, мукамал билимга эга бўлиш учун мустақил ўз устида иш олиб боргунга қадар ҳуқуқшунослик билан узвий боғлиқ бўлган.

Гёте давлат хизматидалигида ҳуқуқшунослик фаолияти даврида тўплаган анча бой тажрибасини умумлаштирган. 1776 йил 11 июндан у 1200 талер миқдоридagi маош билан махфий ҳуқуқ маслаҳатчиси лавозимида ишлаган. У Хуфиёна кенгашда иштирок этиш ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган. Гёте 1779 йил 5 сентябридан вазир мақомидаги хуфиёна маслаҳатчиси, 1815 йилдан бош вазир лавозимида тайинланган, 1782 йилда дворянлик унвонини олган.

Ҳақиқатан ҳам Гётенинг Франкфуртда адвокатлик амалиёти вақтида эгаллаган ҳуқуқшуносликка оид билимлари унга герцог Карл Август хизматида эканида (1757-1828) жуда қўл келган. Чунки Хуфиёна кенгашда унинг зиммасига талайгина вазифалар юклатилган эди: Гёте бир неча махсус ҳайъатларда иш олиб борар ёки уларга раҳбарлик қиларди. Масалан, у ҳарбий ҳайъат раиси бўлган. Герцог унга йўл қурилиши маъмуриятига ҳамда шаҳар маҳаллий йўллари маъмуриятига раҳбарлик қилишни топширганди. У молия бошқармасига ҳам раҳбарлик қилган.

Ўша вақтда Гёте расмийлаштирган ҳужжатлар матни ҳуқуқшунос услубини акс эттирса ҳам, уларда Гётега хос иборалар учраб турарди. Шуниси қизиқарлики, Карл Август 1875 йилда идора тилини содалаштириш ва айрим баёнларни қисқартиришга уринганида, Гёте бу янгиларга қатъий қарши чиққан. У расмий идора тили сақланиб қолиши тарафдори эди.

Гётенинг бадиий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фаолияти ўзаро уйғунликда кечган. Ўзи Кнебелга 1782 йил 21 ноябрда ёзган мактубида ифода этганидек, уларни худди “бир муқаддас тугунга” боғларди. Шу муносабат билан “ҳуқуқшунос Гёте” гўёки “шоир Гёте” йўлига гов бўлганлиги, бунда назмнинг лозим қофиялари дағаллаштирилганлиги ҳақидаги даъволар мутлақо асоссиздир. Ҳа, у том маънода профессионал ҳуқуқшунос олим эмас эди. Бироқ унинг амалий ҳуқуқий тайёргарлиги жамиятда рўй бераётган воқеалар – зиддият ва низоларни ҳуқуқшунос нигоҳи билан кўриш имконини берарди.

Гёте ўзининг шоҳасарида Фауст тили билан ҳуқуқшуносликни ўрганганлиги учун эмас, балки илоҳиётдан таҳсил олгани учун таассуф билдиради.

Мефистофел Фауст қиёфасига кириб, толибга ҳуқуқ илмини эгаллаш юзасидан шайтоний маслаҳат беради.

Г о л и б:

Ҳуқуқ унча ёқмас кўнглимга.

бағишланган кўргазмалар. Бошқа хонада инсон сўнгалари териб ташланган. У кашф этган жағ ўрта суяги Гёте номи билан аталади. Яна бир хона бу улуг инсоннинг рассомлик фаолиятини кўрсатади. Мойбўёқ ва қаламда чизилган сувратлар шоирни замонасининг улуг рассомлари сафига қўяди.

Гётенинг қўл урган соҳаларини санаб адо қилиб бўлмайди. Фақат бу қўлам, миқёс олдида, кудрат ва меҳнаткашлик олдида ҳайратланиш керак.

Улуг ижодкордаги кенқамровлик фазилати, тасаввур қилдимки, шарқнинг буюк мутафаккирларига издошлик белгисидир. Ибн Сино, Беруний, Улуғбекдай қомусий илм соҳиблари анъаналарининг магрибдаги давоми деса бўлади.

Таниқли олим Акмал Саидов бебаҳо истездод олмосининг кўпчиликка маълум бўлмаган яна бир қирраси – ҳуқуқшунослиги тўғрисида рисола ёзди. Уни ўқир эканман, “Фауст”даги “Фақиҳ бўлдим адолатшунос” деган сатрлар ёдимга келди, бу улуг асар денгизида гаввос бўлиб юрган мушкул ва бахтиёр дамларимни хотирладим.

Ҳуқуқшунос эмасманки, рисолага баҳо берсам. Лекин Гёте оламига ошно бир мухлис таржимон сифатида бу улуг инсонни Ўзбекистонда тарғиб қилувчи ҳар қандай иш мени қувонтиради. Шу қувончимни сиз китобхонлар билан баҳам кўргим келди.

Эркин ВОҲИДОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
халқ шоири

## Ф а у с т:

“Балли! Бўлинг бу фандан нари  
 Куруқ қоғоз даста-дасталик.  
 Кўҳна қонун-қоидалари”  
 Бамисоли ирсий хасталик.  
 Беш-ўн авлод яшар гоҳ қонун,  
 Ўтиб борар аммо давр эса –  
 Бир вақтда қонун – кори хайр эса,  
 Ул кори хайр кулфатдир бу кун.  
 Тирикликнинг қонуни ўзга,  
 Аммо уни илмаслар кўзга<sup>1</sup>.

Мефистофель “Қонунлар маълум муддатга яратиладими ёки асрларга?”, “Хуқуқ дин ва ахлоқ учун кулфатми?”, “Хоқон қонунларга итоат этадими?” каби саволлар билан талабанинг миясини айнитади.

Гёте “табий хуқуқ” тўғрисидаги сатри билан китобхонларни таажжубга солиб, Тангри қонунларининг инсон ҳаётини муаммоларига нисбатан бесамара эканлигини намоён этиш билангина чекланиб қолмайди. У аввало авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қонунлар ва одатларнинг қонунийлик нуқтаи назаридан мунтазам текшириб туриш масаласини кўтарган. Яъни бу қонунларда ўйлаб топилган киноятлар, масалан, афсунгарлик ва қуфр учун жазо белгиланган бўлса, уларни алмаштириб ўтирмасдан узил-кесил бекор қилиш ёки қонунлар давр талабига жавоб бермайдиган бўлиб қолса, янгилари билан алмаштириш керак, дейди.

У инсонлар ҳаётига оид қонунларни нариги дунё номидан тиқиштираётганлар, айниқса, кеча қандай ваъзхонлик қилган бўлсалар, бугун ҳам шуни такрорлаётган руҳонийлар туфайли пайдо бўлмайди. Спиноза гоյлари таъсирида Гёте: “Табиат абадий, зарур ва шу қадар илоҳий қонунларга мувофиқ равишда амал қиладики, Тангрининг ўзи ҳам ундаги бирор нарсани ўзгартира олиши мумкин эмас”, дейди. Инсон – табий жонзотдир. Табийлик, онглилик, инсон хуқуқлари табиат ижозат этган хуқуқ сифатида, табий хуқуқ сифатида намоён бўлади.

Гётенинг инсоннинг табий моҳияти, “табий қонунлар” хусусидаги шеърлари, фикрлари бебаҳо ва мангудир. Агар Гёте лутф этаётган инсон хуқуқлари синчиклаб таҳлил этилса ҳамда унинг “жозибали хурлик ва мўътабар тенглик” тўғрисидаги “Санолар саноси” халқ ижодиёти тилига ўтирилса, моҳият жиҳатидан эркинлик тенглик шарти эканлиги аёнлашади. Аммо у шундай тенгликки, мулк дахлсизлигини таъминлайди. “Жамият ҳеч ҳам эркинлик тушунчасида эмас, балки тенглик тушунчасидан ўзгача ҳолда вужудга келмайди”. Бирок бу тенглик жамият шундай ташкил этилишига асосланганки, унда жамиятни “сен кимсан” деган тушунча эмас, фақат “сен нимага эгасан” тушунчаси қизиқтиради.

Тўғри, Гёте моҳияти жиҳатидан хуқуқшунослик устувор бўлган дунёқарашини ривожлантирмади, қонун бўёқлари билан жаҳон манзарасини яратмади. Аммо юқорида қайд этилганлар Гётенинг бадий ижодиётида хуқуқий таълимнинг аҳамияти ва ўрнига оид кенг тарқалган хато қарашларни рад этиш учун этиб ортади. “Менинг адабий ижодим ҳаётга бўйсундирилган”, – деб ёзган эди у 1780 йил 14 майда Кестнерга. Ўз навбатида, Гётенинг бадий ижодиёти бўлажак хуқуқшунослар шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатган. Гёте шеърляти Европа маънавий дунёсини шакллантирган. Уйғониш давридан эътиборан хуқуқий онг бу дунёқарашнинг таркибий қисми ҳисобланган. Бу эса, ўз навбатида, хуқуқшунослик равнақиға қудратли таъсир кўрсатган.

### ”БЎЛДИМ ЯНА АДОЛАТШУНОС...”

“Мен жуда қунт билан, ҳатто серҳафсалалик ва тиришқоқлик ила адвокатлик қилмоқдаман...”

Иоганн Вольфганг Гёте таржимаи ҳоли билан муфассал таниш бўлмаганлар учун унинг юқоридаги эътирофи қутилмаган бўлиши мумкин.

<sup>1</sup> Гёте. Фауст. I қисм. Тошкент, 1972 йил, 98-99 бетлар.

Ваҳолонки, Гётенинг бутун онгли ҳаёти – университетда таҳсил олиш ва ҳар тарафлама билимга эга бўлиш учун ўз устида мустақил иш олиб борган йилларигача ҳуқуқшунослик билан боғлиқ бўлган. У университетда махсус юридик таълим олган, адвокат сифатида амалий фаолият кўрсатган.

У ҳуқуқшунос касби билан онаси томонидан ҳам, отаси томонидан ҳам (амакивачаси ҳуқуқшунос эди, бундан ташқари ўзининг ўғли ҳам ҳуқуқ илмини эгаллаган<sup>1</sup>) боғлиқ бўлиб, ўн олти ёшлигида Лейпциг университети ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирган, бироқ касаллиги сабабли уни тамомлай олмаган. Гётенинг университетга кириши тасодифий бўлмаган, собитқадам инсон бўлган отаси ўглини барвақт ҳуқуқшуносликни ўрганишга даъват этган.

Гётенинг отаси Иоганн Каспер (1710-1782) ҳуқуқшунослик доктори илмий унвонига эга бўлиб, ҳаётидаги муваффақиятларига бевосита юристлик касби туфайли эришганини эътироф этиб, яккаю ягона ўғлининг яшашдан мақсади одил судлов тангриси – Фемидага хизмат қилишда, деб билишини хоҳлаган.

Гёте ўз юридик таълимини Страсбург университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ниҳоясига етказиб, ҳуқуқшунослик лиценциати унвони учун диссертация ҳимоя қилган.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири, Эркин Воҳидовнинг беназир таржимонлик истеъдоди туфайли Гётенинг шоҳ асари – “Фауст”ни ўз она тилида мутолаа қилишга муяссар бўлган ўзбек китобхоналари немис мумтоз шоирининг ҳуқуқий таълим ҳақида Фауст тилидан баён этган куйидаги сатрлари билан таниш:

Илоҳиёт ила банд бўлдим,  
Фалсафада хирадманд бўлдим.  
Бўлдим яна адолатшунос,  
Ҳаким бўлдим - табиатшунос<sup>2</sup>.

У ҳуқуқшунос дипломи билан Страсбургдан Франкфуртга қайтиб келгач, адвокатликка қабул қилиш тўғрисида илтимоснома тақдим этган. Бир неча кундан кейиноқ бу мурожаати ижобий ҳал қилиниб, Гёте 3 сентябрда ҳам шаҳар суди адвокати, ҳам Франкфурт адвокати сифатида қасамёд қилган. Ёш Гётенинг адвокатлик фаолияти муваффақиятли бошланишида оила аъзолари, дўстлари, жумладан, бўлажак куёвининг отаси Шлоссерлар оиласи ёрдам қўлини чўзган.

Иоганн–Георг Шлоссер (1739-1799) айни вақтда империя маслаҳатчиси, бургомистр бўлиб, улар оиласидаги ҳуқуқшунослар катта адвокатлик амалиётига эга бўлганлар.

Гёте ўз адвокатлик идорасини отасининг Гроссер-Хиртграбендаги уйида очган. У ҳуқуқшуносликка оид ишларни бировдан ёрдам сўрамасдан ўзи муваффақиятли олиб борган. Отаси империянинг ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчиси бўлганлиги сабабли амалда бу ишларга қўли тегмасди.

Гётенинг таржимаи ҳолини ўрганганлар унинг мижозлари майда фермерлар эканлиги ҳақидаги хулосага келганлар. Бу мижозлар орасида қарздорлар ва судхўрлар, акционерлар ва мулк эгалари, ижарачилар ва меросхўрлар учраган.

Гётени қандай қилиб бўлса ҳам ҳуқуқшунос қилишга қарор қилган отаси уни 1772 йил май ойи ўрталарида Франкфурт яқинидаги Вецлар шаҳарчасидаги Империя суд палатасига тажриба орттирувчи сифатида жойлаштирган. Уша даврда

<sup>1</sup> Гёте Август Вальтер (1789-1830) – Шоирнинг ўғли У Гайдельберг университетидан ҳуқуқшуносликдан таълим олган, Веймар суд палатасида 1811 йилдан ишлаган, 1814 йилдан шаҳзода хизматчиси, 1815 йилдан маслаҳатчиси бўлган.

<sup>2</sup> Гёте. Фауст. 1 қисм. Тошкент, 1972. 31-бет. Фауст ўрта аср университети барча тўртта (фалсафа, ҳуқуқшунослик, тиббиёт, илоҳиёт) факультетлари курсини ўтаган, қуйи магистр, шунингдек олий-доктор илмий даражасини олган. Умуман олганда эса, Гёте фақат ҳуқуқшунослик билан шуғулланмасдан, рассомликдан ҳам сабоқлар олган, табиий фалсафа ва кимёвий тажрибаларга қизиққан, тиббиёт ва жарроҳлик маърузаларини тинглаган, табиийки, бадий ижодиётда фаол бўлган. “Ҳеч ким бўлмасликни хоҳламасдим, ҳамма нарсани билишга интилардим”. Қаранг: Жан Мари Карре. Великий язычник. Повесть жизни Гёте / Пер. с фр. З.Шамуриной. М., 1998. 390-391-бетлар.

Кассация палатасига ўхшаш бу олий мақом суд идораси энг бефойда адлия муассасаси ҳисобланган. Агар отасининг Гётеда суд фаолиятига салбий муносабат туғдириш нияти бўлса, у бундан-да яхшироқ йўл тутмасди. Бу суд идорасида ўн олти минг иш ҳал этилишини кутиб ётарди. Айни вақтда бу ерда порахўрлик авжига чиққанди<sup>1</sup>.

Гёте уч ой тажриба орттирганидан сўнг Франкфуртга қайтиб келиб, адвокатлик амалиётини давом эттирган ва бир неча суд жараёнида иштирок этган<sup>2</sup>. Аммо бу жойда унинг бутун ўй-хаёлини адабий фаолият қамраб олган. Ижодида биринчи ўринда “Гец фон Берлихенген” турган бўлса-да “Прометей”, “Фауст” асарларининг режаси билан ҳам банд бўлган.

Айрим суд жараёнлари унинг хотирасида, эҳтимол қалбида ҳам чуқур из қолдирган. Жумладан, 1771-1772 йилларда Франкфуртда фарзандини ўлдиришда айбланган хизматкор аёл Сюзанна Маргарита Брандтнинг катта шов-шувга сабаб бўлган суд жараёни гувоҳ бўлган. Савдо-сотиқ билан шугулланувчи бир кимса бу хизматкорни маст қилиб, номусига теккан. Бахтсиз аёл судда “ноқонуний” (никоҳсиз) фарзанд кўриб, шарманда бўлиш ва одамлар гап-сўзидан қутулиш учун шайтон васвасаси таъсирида боласи жонига қасд қилганлигини” очиқ тан олган. 24 ёшли жиноятчи Франкфурт қамоқхонаси олдидаги майдонда одамлар кўз ўнгида қатл этилган<sup>3</sup>.

Бу суд жараёни акс-садоси “Фауст”да ўз ифодасини топган:

#### М а р г а р и т а:

Халойиқ юради қатлгоҳ томон  
Каттакон майдонга сиғмас оломон.  
Мен учун чалинар сўнги кўнғироқ,  
Жаллод бошим узра синдираб таёқ.  
Чўкаман, тегади бошим кундага,  
Даҳшат ичра боқар йиғилган одам  
Мендек маҳқум бўлган осий бандага.  
Кўзларида кўркув, гўё хаёлда  
Уларнинг бошига тушмоқда болта.

#### Ф а у с т:

“Сенинг ҳукмингдаман, танграм хоқоним”<sup>1</sup>.

Ўша вақтда Германияда бошини танадан жуда қилишдан иборат ўлим жазоси одатда ўз фарзандини ўлдирганлар учун (бу никоҳда бўлмасдан ўз фарзандини туғайтган пайтда ёки туққандан кейиноқ дарҳол ўлдирганларга тааллуқли эди) қўлланарди. Шу муносабат билан Гёте: “... фикримча, эҳтимол ўлим жазосини сақлаб қолиш одилдир”, деган хулосага келган.

Бундан Гёте ўз асари қаҳрамонидек бечорага ачинаётгандек туюлиши мумкин. Тагин ким билади дейсиз! Ўз асридан ўзиб кетган бу инсон худди бизлардек фикр юритгани ва ҳис этганлигига ишонгинг келади...

<sup>1</sup> Жан Мари Карре. Великий язычник: Повесть жизни Гёте./ Пер. с фр. 3. Шамуриной М.: 1998. С.59. Ушбу муносабат билан Г.Кленнернинг ёзишича: “Суд палатасида 20 мингта яқин иш тўпланиб қолиб, ҳар йили улардан фақат 6 таси кўриб чиқиларди”. Қаранг: Кленнер Г.От природы права к природе права. М.: 1984. С.8.

<sup>2</sup> Сервантес. Шекспир. Ж.Ж.Руссо. И.В.Гёте. Карлейль: Биографические повествования. 2-ое изд. Челябинск.: 1988. 331-бет

<sup>3</sup> 1999 йил – Гёте таваллуд топган куннинг 249 йиллиги муносабати билан мазкур фожиали ҳодиса ҳозирги давр ҳуқуқшунослари иштирокида саҳна асари сифатида қайтадан жонлантирилди. Гессен давлат суди, Гессен Бош прокурори ҳамда франкфуртлик адвокат ўша жиноий ишга доир ҳужжатлар асосида бу суд ишини 1999 йилда Германияда амалда бўлган қонунчилик асосида кўриб чиқдилар. Натижада ушбу жиноий иш ҳукмига мувофиқ аёлни шартли равишда икки йилга озодликдан маҳрум этиш билан чегараланди. Бир жиноят бўйича 200 йил аввал ва ҳозирги кунда чиқарилган, бир-биридан ер билан осмонча фарқ қиладиган суд ҳукмлари бизнинг “адолат” тўғрисидаги тушунчамиз нақадар ўзгариб кетганлигига ёрқин мисол бўла олади.

## ГЕТЕ ҲИКМАТЛАРИ – ЗАКОВАТ ХАЗИНАСИ

\* \* \*

Модомики, доноларча жавоб беришларини хоҳлар экансан — доноларча савол бер.

\* \* \*

Ҳақиқатни доимо такрорлаб туриш зарур, чунки бизга адашишни ҳам доимо эслатиб туришади.

\* \* \*

Тўғрилиқ улугликка жуда яқин туради.

\* \* \*

Агар кимдир янгиликдан сўз очса, одамлар бор кучи билан унга қаршилиқ қилади. Улар ўзларини бамисоли кар-соқовдек тутишади, янгича қарашга нафрат билан муносабатда бўлишади, шу тарзда янги ҳақиқат ўзига йўл топишига узоқ вақт зарур бўлади.

\* \* \*

Агар осмондаги камалак узоқроқ туриб қолса, унга қарамай қўйишади.

\* \* \*

Дунёни рақамлар бошқармайди.

\* \* \*

Ўғрилар орасида энг зарарлиси аҳмоқлардир. Улар бир вақтнинг ўзида вақтимизни ва кайфиятимизни ўғирлайди.

\* \* \*

Ижодкорни тушуниш — унинг “мамлакати” қонунларини ўрганиш демакдир.

\* \* \*

Кимники тушунсанг, ўшанга тенгсан.

\* \* \*

Назария қуруқ оғочдир, дўстим, лекин яшнара ҳаёт дарахти.

\* \* \*

Шоирни тушуниш учун унинг юртига бориш зарур.

\* \* \*

Кимки ўзга тилларни билмас экан, ўз тили ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлмайди.

\* \* \*

Кимки ҳаёт ва эркинлик учун ҳар кун курашса, фақат угина ҳаёт ва эркинликка муносиб.

\* \* \*

Тартибсизликдан кўра адолатсизлик маъқул.

\* \* \*

Агар кимда-ким барча қонунларни ўрганишни хоҳласа, унинг қонунларни бузишга вақти бўлмайди.

\* \* \*

Жазолашга қодир бўлмаган ҳакам охир-оқибатда жиноятга шерик бўлади.

\* \* \*

Қонун қудратли, бироқ эҳтиёж янада кучлироқ.

\* \* \*

Туйгулар алдамайди, мулоҳаза алдайди.

\* \* \*

Кўпчиликдан кўра ёқимсизроқ ҳеч нарса йўқ.

\* \* \*

Ожиз одамларда кўпинча инқилобий эътиқод пайдо бўлади; улар агар бизни бошқаришмаганда, яхши бўларди, деб ўйлайдилар ва на бошқаларни, на ўзларини бошқаришга қодир эмасликларини англаб етмайдилар.

Дафна буюги шон-шухратдан кўра кўпроқ азоб-уқубат, изтироб рамзидир.

\* \* \*

Ҳар ким нима учун туғилган бўлса, ўша юмуш билан шуғулланганлиги энг оқилона ишдир.

Кимки узоқ ўйлар экан, ҳамма вақт ҳам тўғри ечимни топавермайди.

\* \* \*

Кимки кўп нарсани талаб қилса ва мураккабликдан ҳузур қилса, бундай одам адашишларга бошқалардан кўра кўпроқ мойилдир.

Фойдали хатодан зарарли ҳақиқатни афзал биламан: ҳақиқат, балким, ўзи келтириб чиқарган оғриқни даъволайди.

\* \* \*

Сув бор бўлган барча жойда қурбақа бўлавермайди; бироқ қаерда қурбақа бўлса, у ерда сув бўлиши мумкин.

\* \* \*

Зўравонликнинг икки тинч тури бор: ҳуқуқ ва одоб.

\* \* \*

Агар биз ўзимизни ўзганинг ўрнига қўйиб кўрсак, бошқаларга нисбатан рашк ва нафратимиз йўқолган бўлур эди; агар биз бошқаларни ўзимизнинг ўрнимизга қўйиб кўрсак, биздаги манманлик ва ғурур пасайган бўлур эди.

\* \* \*

Миллионлаб китобхонга эга бўлишга умид қилмаган ёзувчи бирон сатр ҳам ёзмаслиги лозим.

\* \* \*

Пулни йўқотиш — катта йўқотиш эмас. Яна пул ишлашга шошил. Ор-номусни йўқотиш — катта йўқотиш. Шон-шухрат қозонсанг, одамлар ўз фикрини

ўзгартиради. Мардликни йўқотиш — барча нарсани йўқотиш. У ҳолда бу дунёга келмаганинг яхшироқ бўлар эди.

\* \* \*

Инсон ўз кучидан фойдаланмагунча, нимага қодирлигини билмайди.

\* \* \*

Энг кулгили истак —барчага ёқиш истаги.

\* \* \*

Икки киши баҳслашар экан, кўпроқ айбдор бўлганни ожиз деб ҳисоблайдилар.

\* \* \*

Бизнинг эҳтиросларимиз қақнусга ўхшайди.  
Бир эҳтирос ёниб кул бўлганда,  
Кукундан янгиси тугилади.

\* \* \*

Қарама-қарши фикрлар ўртасида ҳақиқат ётади дейдилар. Бўлмаган гап! Улар ўртасида муаммо ётади.

\* \* \*

Одамлар сенга мослашишини талаб қилиш — кечириб бўлмас аҳмоқлик.

\* \* \*

Саройдаги ҳаёт — ҳар ким ўзига ажратилган мақомга риоя қилиши ва вақти-вақти билан сукут сақлаши керак бўлган оркестрдир.

\* \* \*

Инсон жаҳон муаммоларини ҳал қилиш учун туғилмагандир, балки?

\* \* \*

Табиатнинг буюклиги ва оддийлиги шундаки, у ўзининг улуғ ҳодисаларини сўзсиз кичик ҳодисаларда такрорлайди.

\* \* \*

Тақдир томондан танланганлар ўз авлодига бошчилик қилади, баъзиларининг таъсири узоқ давом этади, бироқ кўпчилиги янги етакчиларга ўрин бўшатиб беради ва авлодлар уларни унутади.

\* \* \*

Аслида бизни ҳайратга соладиган нарсаларнигина ўқиш зарур.

\* \* \*

Жоҳилликнинг биринчи белгиси — гўзалликни эътироф этмаслик.

\* \* \*

Душманларнинг ҳужумлари одамларнинг ожиз томонларини билиб олишда менга ёрдам берди.

\* \* \*

Агар халқда буюк ислоҳотга эҳтиёж ҳақиқатан ҳам пайдо бўлган бўлса, худо ҳам унинг томонида бўлади ва муваффақият унга ёр бўлади.

\* \* \*

Мен умумнинг фаровонлиги учун хизмат қиладиганга хизмат қиламан.

\* \* \*

Ҳақиқий истеъдод ато қилинган киши буюк ўтмишдошлар билан муомала қилишга ички эҳтиёж сезади ва ушбу эҳтиёж унинг юксак истеъдодидан далолат беради.



Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамият фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Лойиҳа номи: «Буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини улуғлаш, уларнинг ҳаёт ва ижод йўлини ибрат мактаби сифатида тарғиб этиш, ёшларимиз тафаккурини умумбашарий қадриятлар асосида камол топтириш, уларда мустақиллигимизга нисбатан ғурур ва садоқат туйғуларини шакллантириш».





## Қадрдонлар дийдорини қўмсаб

**Ш**оир Глеб Горбовский ҳузурига йўл олганимда ёдимга Адабиёт институтида бизга сабоқ берган ва энди орамиздан кетган шоир Анатолий Жигулиннинг сўзлари тушди. У, биринчи семинарида талабалардан бирорта савол тушмагач, куйиниб шундай деганди: “Тортинмай сўранглар. Кейин сўрайдиган одаминглар қолмайди, доғда қоласизлар”. Мамлакатда Глеб Горбовский даражасида қанча шоир бор? Улуғ Анна Ахматова тақриз учун “Қаҳрамонсиз достон”нинг машинкада кўчирилган илк нусхасини унга берганлигини яна ким гапириб бера олади? Ольга Берггольцни сўнгги йўлга кузатаётиб, тобутни қабрга тушираётганда елкасини арқон қийганини яна ким ҳикоя қилиб беради? Энди унинг ўзидан сўраймиз ва эшитамиз.

— Глеб Яковлович, сиз бир вақтлар Андрей Битов билан дўст тутингандингиз. Бу дўстлик ҳозир ҳам сақланиб қолганми?

— Мен ҳалигача у билан дўстман. Андрюша билан Янги йилни Петербургда қарши олдик. У биринчи турмуш ўртоғи Ингани ва қизини йўқлаб, келганди. Набиралари ҳам бор. Биз ҳаммамиз бир дастурхон атрофида тўпландик.

— Бу яхши. Йўқса, бизнинг адабий давраларимизда низою нифоқлар қўпайиб кетди. Сизнинг назарингизда ўзингиз аъзо бўлган Россия Ёзувчилар уюшмасидаги аҳвол қандоқ?

— Мен анча ёшга бордим, ўзим билмаган нарсани гапирмаганим тузукроқ. Тўғриси айтсам, мени ҳозир деразам ташқарисида ва миямда кечаётган нарсалар кўпроқ қизиқтиради. Буларни аста-секинлик билан қоғозга тушириб боряпман. Атрофимдаги ва фикру-ўйимдаги нарсаларга қаттиқ боғланганман. Мен ҳаётни қаттиқ севаман, гарчи менинг ёшимдагилар унга нисбатан нафратда бўлсалар ҳам. Менда ҳам бундай ҳолат бўлади, лекин, бахтимга, тез ўтиб кетади. Баъзан кўнглим тўппончани тусаб қолади. Худога шукрки, отам ва онам менга насронийлик туйғусини сингдиришган, эзгу ўғитлардан баҳраманд этишган.

— Келинг, бугунги шеърият ҳақида гаплашайлик. Сизнингча, у қай аҳволда?

— Агар бирор ёш ёрқин овоз чиққанида мен эшитган бўлардим, гарчи узлатнишинликда кун кечираётган бўлсам ҳам. Мен ёзни Комаровода ўтказдим, ҳузуримга шеър кўтариб келганлар ҳам бўлди. Питерда шеъриятнинг аҳволи қандайлигини ўзинг мендан яхши биласан. Ёрқин истеъдодли шоирларнинг кўпчилиги ҳаётдан кўз юмиб кетди. Ижодини мен билан бирга бошлаганлардан айримлари ҳаёт, масалан, Кушнер. Бироқ мен у билан бир вақтлар қандоқ бегона бўлсам, ҳозир ҳам шундоқман.

— Муносабатинглар нима учун бунақа? Бу ғоявий нохайрихоҳликданми ёки бадиятдаги муросасизлик туфайлими?

— Мен ҳамиша совуқ ақл билан эмас, қалб ва юрак билан ёзадиган шоирни учратганимда қувонганман. Саша Кушнернинг шеърлари эса ҳаммавақт ахборотга, илм ва заковатга йўғрилган бўлади. Менинг тушунишимча, бу унсурлар шеърни поэзияга айлантира олмайди, лекин “ғиёҳванд моддалар” вазифасини ўташи мумкин. Бироқ бу деганим у шоирда ажойиб сатрлар ва айрим яхши шеърлар йўқ деганим эмас.

— Шоирлардан яна кимлар билан дўст эдингиз?

— Виктор Соснора билан. Бироқ у хасталаниб, эшитиш қобилиятини йуқотди ва ҳаммадан ажралиб қолди. Нисбатан ёшлардан Иван Стремяковга ихлосим баланд. Унинг юракдан ёзилган ажайиб шеърлари бор. Мен сенинг шеърларинг ҳақида ҳам гапиришим мумкин. Сенда эмин-эркин сатрлар бисёр, қутилмаган фикр эврилишлари кишини қувонтиради. Мен буни ҳис этганимдан китобларингга сўзбоши ёздим, буниг учун телефон орқали сўқишлар ҳам эшитдим, кўзимга тик боқиб ҳам бўлмағур гапларни гапиришди. Узлари силлиқ ва жўн ёзишади ва уларнинг назмларида ҳақиқий шеърятга хос бўлган бирон нимани учратиш амри маҳол, бу яққол сезилиб туради.

— Утган йили кузда “ЛГ” учун сизнинг Комаровода ёзган шеърларингизни таълаб олган эдим. У ерда сиз яхши ижод қиласизми?

— Бу йил ёзда мен юздан ортиқ шеър ёздим. Қишда кам ижод қилдим. Бутун қишни оғриб ўтказдим. Утган йили ноябр-декабрда ҳам нималарнидир қораладим. Бу ёзганларимнинг ярмини эълон қилдирсам бўлади. Асл шеърлар эса ҳаминша камёбдир. Менинг заиф жиҳатим шундаки, ҳаётим давомида жуда кўп ёздим. Худо берган хушёр куним қоғозни қораладим. Ҳозир 78 ёшдаман. Лермонтов эса 27 йилгина умр кўрди, лекин қанақанги ажайиб шеърлар қолдирди! Менга айниқса: “Ёлғиз ўзим чиқаман йўлга” си ёқади. Унинг ҳар бир шеъри олмосдай ярқирайди, уларнинг олдида менинг шеърларим нима бўпти!

— Глеб Яковлевич, шоира Ирина Знаменская поэзиянинг ўзига хос даражаланишини ўйлаб топибди. Ва унинг талқинига кўра, энг юксак шеър ҳамма учун таниш бўлган шеър эмиш. Масалан, Пушкиннинг “Эсимдадир ўша ажиб дам...” шеъри. Сизнинг “Тебранганда тунги чироклар...” қўшиғингиз ҳам жуда машҳур. Гарчи бу қиёс унча ўринли бўлмаса-да, ҳар қалай, бизда бунақа ҳамма биладиган қўшиқлар кам-да.

— Бу борада нима дейишимни ҳам билмайман. Қиёс эса ҳақиқатан ҳам ниҳоятда номақбул. Бироқ, умуман, қайси шеър ҳамма одамларга ёқишини биз қаёқдан биламиз? Кимларгадир бу шеър ёқади, кимларгадир — бошқаси, учинчи хил тоифа умуман шеър ўқимайди. Ундайларга ачиниш керак.

— Глеб Яковлевич, бу йил шаҳар Ленинград қамали олинганлигининг 65 йиллигини нишонлади, ғалаба куни эса ҳақиқий халқ байрамига айланди. Бу саналар сизнинг ижодингизда қай тарзда ўз аксини топди?

— Менинг волидам, Галина Ивановна, бутун қамални Ленинградда ўтказган. Мен эса қамалда бўлмаганман. Мени июн ойининг ўрталарида Псков вилоятининг Порхов шаҳрига отамнинг Фроса исмли синглисиникига жўнатишган. Ва мен тўрт йил давомида онамни кўрмаганман. Адабиёт ўқитувчиси бўлган отамни эса 1938 йили 58-модда билан қамоққа олишганди. У анъаналарни қадрлагувчи тақводор инсон бўлган.

— Адабиётга муҳаббатингиз отангиздан экан-да?

— Менда шеърлар битилган қора дафтар сақланади. Бу отамдан қолган ягона ёдгорликдир. Ушбу дафтарда шундай ёзув ҳам бор: “Бутун, 4 октябрь соат 8 дан ўттиз дақиқа ўтганда ўғлим дунёга келди...”

Онам ҳам яхшигина саводхон бўлганлар. Ленинграддаги болалар уйлари ва боғчаларда ишлаганлар. У ерда қандайдир арзимас ризқ беришган. Шунинг ҳисобига омон қолганлар. Ўша пайтлар эрсиз ва ўғилсиз — бир ўзи яшаганлар. Ахир мен ёлғиз фарзанд эдим-да. Мендаги шеърятга бўлган муҳаббат отамдан ўтган бўлса, ажабмас. Мен Некрасовни яхши кўрардим. Ниқитинни ҳам. Бола кезимда колониядан қочганимда мустақил мутолаамни ўша шоирлардан бошлаганман. Шу бойсдан китобга бўлган меҳрим астойдилдир, мутойибага мойиллигим — қонимдан. Шундоқ қилиб, шеърлар ёзишга киришдим. Табиат ҳақида, қишлоқ ҳақида, Русдаги бисёрдан-бисёр гўзал ва эзгу нарсалар тўғрисида. Мен шаҳарда эмас, кўпроқ шаҳар ташқарисида яшадим. Бу шеърларимнинг барчаси асарларимнинг биринчи жилдига кирган, жами — 7 жилд. Иккинчи жилдни ҳам ўша руҳдаги шеърлар ташкил қилади. Ҳозирги кунда учинчи жилд нима учундир менинг иштирокимсиз тайёрланмоқда. Куни кеча “Детгиз” нашриёти менинг болаларга бағишланган шеърларимни нашрдан чиқарди.

— Сиз 90-йиллардаги ўзгаришлар ҳақида гапириб, бу жараёни мамлакат учун ҳам, ўзингиз учун ҳам яхшиликка йўғандингиз. Ҳозир ҳам ана шу фикрдамисиз?

— Албатта. Цензура, ахир, шўроларники эди-ку. Бир вақтлар менинг “Лениздат” да босилган китобимни шунақанги уришгандики, оқибатда мен “асабни даволаш” касалхонасида ётиб чиқишимга тўғри келганди. Кейин узоқ вақт чоп этмай қўйишди... Ҳозир эса ҳамма нарса пулга бориб тақалади. Пул — бу энг ёвузларнинг ёвузидир.

— Сиз нима деб ўйлайсиз, ноширлар ўтиб кетган шоирларнинг ҳаётлигида ёзган ҳамма нарсасини чоп қилиб, уларнинг сиймосига путур етказиб қўйишмаяптими? Ҳатто уларнинг қораламаларию бўш шеърларини ҳам эълон қилишмоқда. Бу борада мен Николай Рубцовни назарда тутяпман.

— Коля Рубцов... Мен ўша пайтда Пушкин кўчасида истиқомат қилардим, Рубцов олдимга келиб турарди. Сен ўринли ва оғриқли саволни бердинг. Яхши нарсаларга сал бундоқроқларни ҳам аралаштириб, бир жойга тўплашнинг сира кераги йўқ. Инсон — бу тирик жон. Рубцовда бир-иккита ажойиб ва бетакрор шеърлар бор. Агар юксак назар билан қарайдиган бўлсак. Коля кам яшади ва кам кўрди. Агар у ҳаётда кўп нарсани кўрганида, бунчалик эрта кетмаган бўларди. У шоир зотига ҳамиша шафқатсиз бўлиб келган дунё билан яккама-якка қолганида ўзини ҳимоя қила олган бўларди. Умуман олганда, мен шеърятни телбалик деб ҳисоблайман. Шеърят — бу дарвешликдир. У Парвардигорнинг инъоми. Мен Худога ишонаман. Ундан бўлак ҳеч ким бундоқ гўзалликни ярата олмайди.

— Келинг, камал шоири Ольга Берггольцни бир зум ёдга олайлик. Ахир, сиз у билан яқиндан таниш бўлгансиз?

— Бўлмасам-чи! Бизлар қалин дўст эдик, баъзан қадаҳ устида суҳбатлар қурадик. У ҳамиша биттагина қадаҳни тогинарди, холос. Кейин ҳаёт ҳақида, поэзия ҳақида, унинг биринчи турмуш ўртоғи Борис Корнилов ҳақида суҳбатимиз қизиқ кетарди. У нимагадир менинг шеърларимни мақтаб қоларди. У мутлақо ичкиликка муккасидан кетганлардан эмасди, бу — ёвуз ва ҳасадгўй одамларнинг туҳматидир. Менинг шеърларим Дудинга, танқ ичида ёниб кетган Орловга, уруш кўрган авлод шоирларига ёқарди.

— Глеб Яковлевич, бугунги кунда нега бу улкан шоирлар ҳақида гапиришмайди, уларнинг номларини тилга олишмайди?

— Бугунги кунда кўпларни эсламай қўйишган. Бизда яхши шоирлар кўп эди: Лёня Агеев, Олег Тарутин, Глеб Семёнов... Бугунги кунда ё қизиқчиларни, ё қилиқчиларни кўтар-кўтар қилишади. Ва шоирларнинг ҳокимиятига ҳам, қолаверса, одамларга ҳам кераги бўлмай қолди. Ҳаммасидан даҳшатлиси — поэзияга ёшларнинг қизиқмай қўйганидир. Пул ўзига ҳаммани муте қилиб қўйди, юраклардаги энг олижаноб ва эзгу туйғуларни сиқиб чиқарди. Мана, мен ўзимнинг узлат гўшамда умргузаронлик қиляпман, оч қолаётганим йўқ; макарону ёврон ошим тайин, консерваларим ҳам бор. Фақат одамлар дийдорига зорман. Шу боисдан, мени йўқлаб келганлигинг учун, ва “Литературка” мени унутмаганлиги учун ташаккуримни айтаман.

“Литературная газета”нинг  
2009 йил 24-сонидан олинди.

Суҳбатни  
Владимир ШЕМШУЧЕНКО  
олиб борди.

Русчадан  
Мирнўлат МИРЗО  
таржимаси

---

Анастасия ЛЕСТЕР

## Ўтмишнинг ҳаққоний қиссалари

Ўтмиш ҳеч қачон тугамайди...  
Уни тушунишга уринмоқ —  
демакки, унга туртки бермоқдир.

*Жонатан Литтелл  
(«Фурий»)*

**Х**ар йили кузда Францияда адабий муҳитнинг диққатга сазовор қизгин ижодий жараёнларидан бири — «Йилнинг энг яхши китоби» ва унинг муаллифларини аниқлаш, муносиб тақдирлаш маросими бўлиб ўтади. Ҳаяжонли босқичларни босиб ўтган ёзувчилардан қайси бири энг олий мукофотлар саналмиш Франция академияси «Гран при», «Фемина», «Ренодо», «Медичи» «Интералье», «Декабрь» ва ака-ука Гонкурлар академияси голибларига айланишини кузатиш жуда мароқли кечади.

Биз ана шундай нуфузли мукофотларга сазовор бўлган икки китоб ва уларнинг муаллифлари ҳақида сўз юритмоқчимиз. Улардан бири — Жонатан Литтелл, иккинчиси — Нанси Юстондир.

Жонатан Литтеллнинг «Фурий» романи бир йўла икки мукофот — Франция академияси «Гран при»си ва Гонкурларга муносиб деб топилди. Айнан шу «Фурий» асари ва номи унчалик машҳур бўлмаган муаллифи атрофидаги баҳс-мунозаралар ҳамон давом этмоқда. Бундай мунозаралар мукофотга лойиқ деб топилган китобларни умумдабиёт қадриятлари асосида кўриб чиқишни тақозо этади. Бу нафақат Франция, балки бутун Европа миқёсидаги етук адилларнинг энг яхши асарлари XX асрда рўй берган инқилоблар, жаҳон урушлари, мустамлакачилик зиддиятлари, тоталитаризм, фашизм ҳалокатларини қамраб олгани билан ҳам диққатга сазовор.

Бугунги кун эҳтиёжга кўра, биздан узоқлашиб бораётган ўтмишни чуқур билмай туриб, ҳозирги вақтнинг қадрига етиб бўлмайди. Шу маънода, бу китоблар моҳиятан XX аср тарихини қамраб олганлиги тасодиф эмас.

Жонатан Литтеллнинг «Фурий» ва Нанси Юстоннинг «Емирилиш нуқта-си» романларининг гоёси ва мазмун-моҳияти нафақат замонавий Европа жамияти, балки бугунги кун китобхони ва адабиётшуносларининг қизиқишлари билан ҳам уйғунлашиб кетади.

1953 йил Францияда Робер Мерлнинг «Ўлим касби» (рус тилига 1963 йилда таржима қилинган) романи нашр этилди. Бош қаҳрамон Рудольф Хёсс — Освенцим қамоқхонаси комендантининг кундалик дафтарлари мазкур романга асос қилиб олинган. Асардаги Холокост ёки Шоанин реал ҳаётда яшаб ўтган шахслардир. Улар ҳақида сўзлаш имконияти жаллодга — инсоният жиноятчисига берилган. СС зобити дунёга келтирган Дўзах китобхон ақлини даҳшатга солади.

Мана орадан ярим аср вақт ўтиб, эллик ёшни қоралаб қолган Жонатан Литтелл — келиб чиқиши литвалик яҳудий бўлган америкалик ёзувчи ҳам бу мавзуга қўл урди. У Испанияда яшайди, бельгиялик аёлга уйланган ва француз тилида ижод қилади. Ёзувчи асарда ССчи, мартабали офицер Максимилианн

Оега тасвирига кўп ўрин ажратади. Ое тўқима персонаж, у ўз эсдаликларида 1930 - 1945 йиллар воқеаларини ҳикоя қилади. У Шарқий фронтдаги хавфсизлик хизмати бўлимида ишлаган, бевосита Генрих Гиммлерга бўйсунган. ССчиларнинг турли операцияларида шахсан иштирок этган ва кўп қотилликларга гувоҳ бўлган. Маълумки, бу операциялар «босиб олинган ҳудудлардаги яҳудийлар ва асосан, сиёсий комиссарларни йўқ қилиш»га қаратилган. Макс Ое маълум шахсларнинг манзилларини аниқлаб, улардан «душманлик унсур»ларини топади ва ҳисобот тайёрлайди, маълумотномалар ёзади, юридик ҳужжатларини тўлдирди, бир сўз билан айтганда, жаллоднинг қора ишлари билан шуғулланиш – унинг зиммасида. Макс Ое немис армияси билан биргаликда Шарққа қараб юради – Россия жануби ва Кавказда немис армиясининг кундалик ҳарбий ҳаётини кузатиб, ёритиб боради. Худди шу воқеалар китобхонни даҳшатга солади. У буларни ҳис-туйғусиз, бир четдан туриб тасвирлайди. Литтеллнинг бу асари Мерл романидан фарқли равишда бугунги кун китобхони томонидан «ахлоқий жиноят» сифатида қабул қилинишига қарамай, Франция ва бошқа мамлакатларда юқори баҳоланмоқда.

«Фурий» – умуман олганда, ажойиб ҳужжатли роман, айти пайтда, тарихий ҳақиқатларни ўз ичига сингдирган асар. Фалсафий моҳиятига кўра, у Гроссманнинг «Ҳаёт ва тақдир», Эсхилнинг (номлар, исмларнинг бир-бирига яқин ва уйғунлиги қанчалик галати туюлмасин!) «Орестей»и билан тенглашади. Эсхилнинг «Евменида»сида фурийлар (ёки эриниллар) шафқатсиз маъбудалар сифатида кўринади.

Хўш, нималар ёки кимлар томонидан ва нима учун Макс Ое таъқиб қилинади, ундан қасос олинади? У бошида эътибордан четдаги фабрика директори бўлса, бу фабрикада оддий тўрлар ишлаб чиқилса, нима уни даҳшатга тўла ҳаёти ва тақдирини қоғозга туширишга мажбурлади? Романнинг моҳиятини очиб берувчи калит сўзбошида берилган бўлиб, Макс Ое уни мемуарларига улайди. Энди у – ҳуқуқ фанлари доктори, Платон ихлосманди, мумтоз мусиқа шайдоси, бир умр фалсафа ва адабиётни ўрганиш орзусида яшаган қалб тарихий жараёнлар ва воқеалар оқимига тушиб қолади, нацистлар армияси зобитига айланади, оқибатда, фожеавий воқеликлар гирдобига тушади.

Умуман олганда, Макс Ое миллионлаб оддий одамлардан сира фарқ қилмайди. Муаллиф фикрича, бугунги кун одамларига ҳам яқин келади (бу фикр ўйлар Литтеллнинг бутун романи ичидан сизиб ўтади). Макс Ое «урушдан бор-ўйги шилиниб, бўзгача алам ва изтиробларга тўлиб, тишлари зирқираб оғриб» чиқишига қарамай, ўзини оқламайди. «Мен айбдорман, – деб ёзади у, – сиз эмас. Фақат сиз ҳеч бўлмаганда, тан олишингиз керакки, мен ҳам сиз нима қилган бўлсангиз, шуни қилдим. Агар менинг фикрларимга кўшилмас экансиз, унда Сиз ўта тақабур ва ўзига бино қўйган одамсиз». Худди шу ерда асосий хавф ётади. «Агар Сиз, – деб давом этади у, – ҳеч ким сизнинг хотинингиз ва болаларингизни ўлдирмаган, айти пайтда, бошқаларнинг хотини ва болаларини ўлдиришга мажбурламайдиган давр ва мамлакатда туғилган, унда яшаётган бўлсангиз, омадлисиз».

Жонатан Литтелл Максимилиан Ое образини яратар, унда ўз фикрини очиқ баён этишга имконият берар экан, айти пайтда, ҳукмрон катаклизмда, урушлар ва инқилоблар оқимида инсон нафақат яшаш ҳуқуқи, балки умумбашарий қадриятлар асосида тан олинган жамиятда ўлдирмаслик ҳуқуқидан ҳам маҳрум бўлиши мумкинлигини ўқувчига эслатиб ўтади. Бу ҳақда ХХ аср иккинчи ярмида ижод қилган кўплаб файласуфлар, жумладан, Теодор Адорно ва Ханно Арндтлар фикрларини билдиришган. Хулоса шуки, инсон табиатидаги қабиҳлик ҳам абадий яшовчандир. Максимилиан Оенинг таъкидлашича, «биз энг ёмон дунёларнинг бирида яшайпмиз». Бу дунёда тоталитар, фашист ва коммунистик давлатга қарши туриш – бефойда, негаки, «ҳар қандай давлат – бу, ўзининг шахсий ҳаёти ва кундалик турмуш ташвишлари билан машғул оддий одамлардир».

Улардан айримлари – жаллодларга, бошқалари – қурбонларга айланади, аммо кўп ҳолларда, улар бу ҳолатни ўзлари танлаб ололмайдилар ёки «давлат бюрократ машинаси шундай қурилганки, у одамларни худди қум зарраларидек у ёқдан-бу ёққа сочиб юборади. Демак, ўша мудҳиш даврларда рўй берган

ижтимоий фавқулодда ҳодисаларда «педофиллар ва руҳий носоглом одамлар эмас, оддий нейтрал одамлар» қўрқинчлидирлар. «Инсоният учун хавфлиси худди шундай – мен ва сизга ўхшаган одамларнинг борлигидир», – деб ёзади сўзбошининг охирида Максимилиан Ое. У – оддий, ҳуқуқшунос, нацист, қабоҳатга қўл урган, ҳатто ўз яқинларига ҳам ола кўз билан қаровчи нафси бузуқ одам. Гиммлернинг «минглаб омадсиз одамлар ҳаётини ер юзидан супуриб ташлаган экспериментлари»нинг амалиётчигига айланган. Давлат учун қурбонлар зарур эди ва буни амалга оширишда керак бўладиган газ камераларини яратувчилар талаб этиларди. Бу ҳолатда ё ҳеч кимнинг айби йўқ ёки ҳамма айбдор ҳисобланади.

Айнан нацистлар давлатининг бадбашара бюрократияси ҳақида сўз кетганда, ҳар бир одамнинг нафрати кундалик ишга айланиб боради, деб фикрлайди Жонатан Литтелл романида ҳар куни ўз профессионал вазифаларини бажарувчилар. У феноменга шундай ранг берадики, буни ўтган асрнинг 70-йилларида Ханна Арент «нафрат, қаҳр-газабнинг сийқаси чиққан кўриниши», деб ифодалаган эди. Стендал, Флобер, Жене, Бланжо, Батай ва Арент билан изма-из (Литтеллнинг ўзи интервьюлардан бирида айнан шу занжирни келтиради) адиб ҳам инсоният табиати ва унда ин қурган энг ёмон, ашаддий қусурларни кўрсатиб ўтади. У кўз олдингизда улкан бюрократ машинасини гавдалантиради, унинг ҳар бир деталини бирма-бир изоҳлайди. Клод Лазмоннинг «Шоа» номли машҳур ҳужжатли фильмдан қаттиқ таъсирланган Литтелл шуни таш олиб айтадики, Иккинчи жаҳон урушининг геноциди «идеал» бюрократ ташкилотнинг зурёди эди, унинг иш фаолиятидаги ваҳший самарадорлик барчага бирдек дахлдор эди. Ҳамма унинг ходимларига айланган эди. Ёзувчи бу тизимнинг ички механизмини очиб беради. Максимилиан Ое романга ўз хотирасида қолган унвонлар таркиби, рағбатлантириш жадваллари, жойлар кўрсаткичлари, номлар қисқартмаларини киритади.

Уруш – бу бюрократия, деб, таъкидлайди Жонатан Литтелл. Урушни амалдорлар олиб боради, улар уруш қоидаларини яхши билишади ва кўрсатмаларни бажаришни уддалашади. «Фурий»ни ўқиш давомида ўқувчида шундай ҳис туғиладики, назаримизда, биз Кафка қасрига кириб қоламиз-да, қасрдагилар кундан-кун қандай қилиб ташқи дунёга қарши уруш ҳаракатларини тайёрлашгаётганини кузатамиз, ушбу воқеаларнинг гувоҳига айланамиз.

Максимилиан Ое ўз ўтмишини эслайди. Жонатан Литтелл унинг фикр-ўйларига тобора чуқурроқ кириб бораётган қаҳр-газаб, нафратни кўрсатади. У бизнинг кўз ўнгимизда турмушнинг қоронғи томонларини очиб беради ва унинг туб-тубига бориб етади, ҳар томонлама айлантириб кўрсатади. Мақсад романда яшаётган тирик одамларни бошқариб турган қонулар моҳиятини очиш, реал воқеалар рўй бераётганини айтишдир. Қаршимизда ҳужжатли реаллик пайдо бўлади: очиқ маълумотлар, рақамлар, иқтисодий кўрсаткичлар, тарихий шахслар, уларнинг номлари – қисқаси, бу маълумотларни тўплаш ва ўрганишга муаллиф икки йил вақтини сарфлади. У Европадаги турли архивларда ишлади, жанг бўлган жойларга борди. Жонатан Литтелл Лозд, Харьков, Киев, Пятигорск, Волгоградда бўлди, Болқон, Африка, Яқин Шарқни кезиб чиқди. Бу ҳужжатли романи ёзишдан мақсад – танганинг иккинчи томонини ҳам кўриш, кўрсатиш, энг сўнги йўл – қандай қилиб ўзини ўзи йўқ қилишгача бориш ҳақида фикрлаш, яъни реаллик ва сийқаси чиққан қабоҳатнинг тубанликка яқин бораётганини ҳис этиш эди. Максимилиан Ое тубанликка – гирдобга қайрилиб қаради. У XX аср фалсафаси «қабоҳат жозибаси» деб атаган қарашга, ҳолатга қарши турулмади. Худди шу уни гирдобга тортиб бораверди.

«Мен ўлдирдим, чунки бу нарса менда, менинг худбин қалбимда қандай таассурот уйғотиши қизиқ туюлди». Унинг юраги изтироб чекишни билармикин, йўқми – шуни тушуниш учун мемуарлар ёзади. Унинг шахсий ҳаёти ҳам қабоҳатга тўлиб боради, қўли етгунча чегараларни кенгайтириш йўлида ўз устид ва бошқалар устидан ўзи тажриба ўтказади. Улар ҳам – у каби умумий жараёнга жалб этилганлар ва қулай ўрнашиб олганлар. Литтеллнинг қаҳрамони унинг ўрнида бошқа одам бўлганида ҳам бошқача иш қилолмаслигига қаттиқ ишонади, айти пайтда, фурия тарихи уни бир дақиқа ҳам тинч қўймайди. Бу вазият китобхонни ҳам қўйиб юбормайди, бошқача қилиб айтганда, китоб-

хонга қабоҳатга тўла оламда яшаётган бизлар ҳам «озгина бўлса-да, жаллодмиз», дейди қаҳрамон. Максимилиан Ое ўз кундаликларида уни ортга тортиб кетаётган ўтмишининг қора дарёларини тасвирлайди. Бу қора дарёлар қаҳрамонни орқага итқитиб ташласа-да, ҳақиқий ҳаётга бегоналаштириб борса-да, айнан шулар хотираларни сақлаб қолади, шунинг учун ҳам у хотиралари билан яшайди.

Чоракам асрдан буён Парижда яшаб келаётган канадалик адиба Нанси Юстоннинг «Емирилиш нуқтаси» романида ҳам ўтмишнинг қора дарёлари бугунги немис миллатига мансуб яҳудий оиласининг ичидан оқиб ўтади. Бу оила Германиядаги Иккинчи жаҳон урушининг бошланиш хотиралари билан яшайди, бу хотиралар оиласида рўй берган ўпирилишлар, жарликларни тўлдиришга кўмаклашади.

Нанси Юстон ярим асрлик жаҳон тарихида рўй берган муҳим воқеаларни бош қаҳрамонлари ҳаётига моҳирлик билан сингдиради. Уларда тўртта авлод ҳаёти жамланган. Соломон, унинг отаси Рэндала, бувиси Сади ва катта бувиси Кристина (Эрра). Романда тўртта очқич йиллар келтирилган: — 2004, 1982, 1962 ва 1944. Тўртта қаҳрамон навбатма-навбат ҳикоя қилишади, ҳар бирининг ҳикояси олти йилни ўз ичига қамраб олади. Муаллиф ўз асарига болаларнинг жарангдор овозларини олиб киради, ишонадики, уларнинг беғубор ва самимий кулгуси катталар хотирасида чуқур из солган қабоҳатнинг қанчалик разил эканини бўрттириб кўрсатади. Инсоний фожиаларнинг туб моҳияти кўп ҳолларда, болалик армонлари, изтироблари билан қоришиб кетган чуқур, ҳеч кимга айтиб бўлма сирларга бориб тақалади. «Ҳар бир одамда азоб чеккан бола яшайди»— деб ёзади «Емирилиш нуқтаси»да Нанси Юстон. Романда тўртта қисмга сочилиб ётган сирларни бугунлаштириш учун муаллиф бизни сўнгги эпизодлар —2004 йилнинг ўртасига олиб боради. Аслини олганда, 1944—2004 йиллар ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Мюнхенга — катта бувисининг опаси Гретта уйига кўчиб келган кичкинтой Соломон олти ёшда, у бедаво дарддан азоб чекади, Интернетдаги зўравонлик ва беҳаё томошаларни кўришга берилиб, ундан чиқиб кетолмайди. Бола қия очиқ эшикдан икки кекса аёл — Гретта ва Кристина бахмал кўйлаклари ситилиб кетган кўғирчоқ устида жанжаллашаётганларини кўриб қолади. Жанжалнинг даҳшатли моҳияти романдаги воқеалар ҳаракатини орқага суради, оиладаги туб фожа илдизларига олиб боради.

Нанси Юстон кичкина Кристинани нацистлар томонидан ишлаб чиқилган «Лесенборн» (немис тилида «Ҳаёт манбаи» маъносини англатади) разил дастурининг гувоҳи ва қурбонига айлантиради. Бу дастур Гиммлер томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, селекцион қон танлаш орқали немис халқини олий ҳукмрон халққа айлантириш кўзда тутилади. Немис аёлларининг вазифаси тўлақонли болаларни туғиш ва уларни қатъий интизомга риоя қиладиган орийлар анъанасида тарбиялаш эди.

1936 йилда Мюнхеннинг чекка жойида биринчи «Лесенборн» очилди, у ерда рейхнинг катта офицерлари орий қонига мансуб болаларни дунёга келтириши учун немис аёлларига шароит яратилди.

1939 йилда немислар томонидан босиб олинган ҳудудлардан навбатдаги ўта махфий дастур асосида «ирққа мос келадиган» болалар зўрлик билан Германияга келтирилиб, немис оилаларига тарбияланишлари учун берилди. Шарқий Европа ҳудудларидан нацистлар мовий кўзли ва тилласоч болаларни ўғирлаб, немис оилаларида тарбиялай бошладилар. Уруш охирига бориб бундай болаларнинг сони 250 мингтадан ошди. Улар орасида Фарбий Украинадан олиб келинган кичкина Кристина немис оиласига берилди, унга шу оилани ўзининг ота-онаси, қариндош-қондошлари деб билиши зарурлиги ўргатилди. Унинг катта акаси ва Гретта исмли опаси бор. Бир куни опа-сингиллар бахмал кўйлакли кўғирчоқни таллашиб қолишади. Шунда Гретта барча тақиқларни бузиб, яширин сир пардасини очади ва келгинди сингисига доир махфий тарихни айтиб беради. Бироқ ҳамма ҳақиқатни унинг янги акаси Иоганн — оиланинг урушда ҳалок бўлган катта ўғли ўрнига Польшадан олиб келинган ўн яшар Янек айтади. Ўзининг кимлиги ва қаердан келганини билмай, билолмай, гарансиб қолган қизча тарих тутқунига айланади, энди унда танлаш эмас, фақат яшаш ҳуқуқи қолган эди, холос.

Нанси Юстон ҳам Жонатан Литтелл сингари минглаб тақдирларни ўз ичига олган қизчанинг ўйлаб топилган тақдири, ҳаётини тўлиқ ҳолда жаҳон тарихига сингдириб юборади. «Емирилиш нуқтаси»да болалар ёлғизликда улғайишади. Нанси Юстон қаҳрамонлари учун «улғаймоқ — демак, биз жаннатда эмасмиз, биз қабоҳат ва разолат ичида яшашга маҳкуммиз», деган маънони англатади. Бу фикрлар Жонатан Литтеллнинг «Фурий» романидаги фикрлар билан тўқнашиб, бир-бирига яқинлашиб боради. Нанси Юстон фикрича, «ҳаёт — абдий эмас, ўлим ҳақ, айбсизлик эса — шубҳали»дир. «Емирилиш нуқтаси»нинг тўртта бош қаҳрамонлари шундай туйгулар билан яшайди. Бу туйгу уларни бирлаштиради, боғлайди, авлоддан авлодга ўтувчи наслий хол каби кўчиб юради. Кристинанинг қизи Сади — яҳудий, у умр бўйи оиласининг келиб чиқиш илдизларини излайди. Кристина ўз вақтида машҳур кўшиқчи бўлган, ўзига саҳнабоб Эрра исмини ҳам танлаган. У ҳамиша жим ўтиради. Сирларини ҳеч кимга очмайди. Кунлардан бир куни уни Америкада Янек топиб олади. Урушдан сўнг ўғирланган болаларнинг ўн беш фоизигина ўз юртларига қайтарилди, қолганлари эса голиб мамлакатларга тарбияланиш учун юборилди. Сади онасининг қўлида хол борлиги, у Канадага юборилганини, улғайгач, Америкага келиб қолганини аниқлайди.

Нанси Юстон «совуқ уруш» пайтида Америкадаги қаҳрамонларини Хитойга жўнатади. Бу ерда улар маҳаллий архив ҳужжатлари ичидан ўз оилаларига оид маълумотлар қидиришади. 2004 йилда Мюнхенда, орадан олтмиш йил ўтиб, Кристина ва Гретта учрашишади. Олтмиш йиллик сукут ва ўтмишдан қочиб юриш, ўша ўтмишда кўзлари юмуқ баҳмал кўғирчоқнинг қараб туриши — бари-бари учрашади уларнинг туйгуларида. Улар яна болаликдагидай шу кўғирчоқ устидан талашади. Аслини олганда, улар ўтмиш устидан, уларни боғлаб ташлаган бегона тақдир ўйинлари устидан аламзадалик билан тортишадилар. Улар тарихий ўпирилишнинг турли тарафларидан келишса-да, уларни умумий ўтмиш боғлайди ва яна айириб ташлайди. Бу ҳам етмагандай, Гретта уйидаги тўртта қондош қаҳрамонлар бирдан ўзларини бир-бирига бегонадай сеза бошлади. Буни ҳатто энг кичик Соломон ҳам пайқайди: «Биз бу ерга келиб, катта хатога йўл қўйганга ўхшаймиз», — дейди у. Давра жим бўлиб қолади, ишлар узиб ташланади. Соломон, Рэндала, Сади ва Кристиналар ўтмиш улар билан бир умр яшашга маҳкум эканликлари, улардан айирилолмасликларини англаб етишади. Уни хол каби олиб ташлаш мумкин эмас. Хол билан ҳам ишлар енгил кўчмайди: Соломондаги наслий нишон — холни олиб ташлашга уринишса-да, жойи барибир чандиқ бўлиб қолаверади.

Иккинчи жаҳон уруши, мустамлакачилик урушлари, Фаластин — Исроил зиддиятлари, «совуқ уруш», Ироқдаги уруш — буларнинг ҳаммаси йўқотиб бўлмайдиган хол сингари «Фурий» ва «Емирилиш нуқтаси» да иштирок этади. Бу чандиқ ва ўпирилишлар қабоҳат тарихини кўз ўнгимизда ҳаққоний жонлантриб беради. Бу асарлар ҳар доим бизни огоҳлантиради, ҳушёрликка ундайди. Уруш жароҳатлари ҳақида Жонатан Литтелл ва Нанси Юстон ўз асарларида фикрлайдилар, ўйлайдилар. Уларнинг таъбирича, ўтмиш ҳақидаги ҳаққоний қиссалар бундан кейин ҳам яшашимиз учун жуда зарур.

*«Иностранная литература» журналининг  
2005 йил, 5-сонидан олинди.*

*Рус тилидан  
Ойгул СУЮНДИҚОВА  
таржимаси*



Яратилганининг 700 йиллигига

Бурҳониддин РАБҒУЗИЙ

## Қисаси Рабғузий

**А**ЛҚИССА, Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом неча муддат зиндонда ёттилар. Ул банди гул-занжирни Ҳақ субҳонаҳу ва таоло осон қилди. Хоҳласалар олиб қўйиб, хоҳласалар солур эдилар. АЛҚИССА, ул қўли кесик хотунлар Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни кўргали бисёр орзулук бўлуб ҳар вақтда маҳозир олиб келиб узр айтур эди. — Эй Юсуф, сизни бизнинг сўзимиз бирлан муродимизни берсангиз, ҳоло ҳам халос қилурмиз! — деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларким: — Андоғ таъмани мандин, узунлар. Ман андоғ ишни қилур бўлсам, Зулайхо бирла қилур эрдим. Ҳоло ҳам қилмасман! — дедилар. Ҳама хотунларнинг умиди узулди. Зулайхо ҳеч важҳ бирла Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни кўролмай зиндоннинг машаққатидан ўн ҳисса зиёда машаққатга қолди.

**Ҳикоят қилибдурларким**, Зулайхо неча йил Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломга иштиёқи тортиб юрди, охир жамол висолига мушарраф бўлди. Аммо кўнглудаги муроди ҳосил бўлмади. Кўрқуб зиндонга солди. Яна ҳам фойда қилмади. Охир ҳушига келиб айдиким: — Ман нечанд йилдир, бир кечалик балога кўнгул бериб, маломатларга қолдим. Энди сабр қилмоқдин ўзга йўл йўқ! — деб қилгон ишлариға пушаймон қилиб айдиким: — Эмди Юсуфни зиндондин чиқарсам, халқ ҳам маломат қилур деб, зиндонга бориб оби маҳозир, эгин-оёғ беруб, яхши парвариш қилиб турур эди.

Ногоҳ бир кун подшоҳ Соқи бирла Ҳаббозни зиндонга солди. Боиси улким, Миср бирла Мағриб ёғий эрди. Вазири бирла маслаҳат қилдиким: — Райён Маликдин нечук қилсам Мисрни олурман? — деди. Вазир айди: — Олдида ики эътиборлик кишиси бор эди. Соқи бирла Баковул! Ул икисига зари-зеварни кўп беруб, фирифта қилсак! Баковул ош бирлан Соқи шароби заҳар берур! Райён Малик ўлганидин кейин Миср қўлимизга кирар, деб маслаҳат қилиб. Бир кишидин кўп зару-зеварни бериб ваъдалар қилиб, бу икисига хат муҳр қилиб Мисрға иборди. **Қазоро** бу киши келиб бир момога топшурди, алар бирла дўст бўлуб бориш-келиш қилдилар. Охир ҳамсуҳбат бўлуб сир-асрорини англапти. Фикр қилдиким: — Райён Малик бирга ишлаб ўзига хос қилди. На миқдор давлатни кўрдунг, мундоғ ишларни қилсак туз-кўр бўлурмиз. Ман мундоғ ишларни қилмасман! — деди. Момо англаб бориб Ҳаббозга айди. Ҳаббоз бориб подшоҳга айди. Подшоҳ: — Ман ҳам Соқининг хўйини ўзгача англадим. Мабодо ёмон хиёнат қилиб бир иш қилса, хабардор

Охири. Боши ўтган сонларда.

бўлсунлар! — деди. Соқини чорлатиб, Ҳаббоз бирла сандин бир ёмон гумон қилурман? — деди. Соқи айди: — Манда ҳеч гумон йўқдур! Ҳаббоздин ман ҳам гумон қилурман! — деди. Бу сўздин ҳам икиси гумонлиқ бўлди. Бу икисини зиндонга сурди. Булар нечанд кун зиндонда ётуб, Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом бирла таниш бўлдилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом зиндондаги халқга панд-насиҳат қилур эрдилар. Туш кўрса таъбир айтур эдилар. Зиндондаги халқ хўб меҳрибон эди. Кеча Соқи туш кўрдик, бир яхши боғда мева пишиб турур эди. Аммо бир туб тол бор эди. Уч соф узумни олиб чиқай деб хаёл қилди. Сигмади! — деб уйғонди. Хушқол бўлиб Ҳаббоз бирла Юсуф алайҳиссаломга тушунни айтти. Балки унутқанини ҳам айтиб бердилар. Соқи ҳайрон қолиб, айдики: — Тушумни мандин ҳам хўброқ билдингиз, эмди таъбирини айтиб беринг? — деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларки: — Уч кундан кейин зиндондин чиқиб, сўзунг рост бўлур, подшоҳ сарупойлар беруб узр айтиб, мансабингни зиёда қилур! Ҳурматинг илгаргидин ортуқ бўлур! — дедилар. Ҳаббоз айди: — Ман ҳам туш кўрдим, Хоннинг бовурчи хонасида уч танур нон пишурдум! Бу танурларнинг бири қизил, бири оқ ва бири сариғ! Бу нонни уч саботга олиб бошимга кўторуб, подшоҳга олиб борай! — деганимда ҳаводин қушлар учиб келиб, ҳамма нонларни олиб кетти, — деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом ҳеч таъбир этмадилар. Таъбирини айтинг деб кўб жадал қилди. — Кўрмаган тушнинг таъбири йўқ! — дедилар. — Ушбу тушни кўрдум, таъбирини айтинг? — деб аччиғлари келиб айдиларким: — Сани ҳам уч кунда чиқарурлар. Подшоҳ сани осқали буюрур! Чорсуда осарлар! Кўп этларингни қушлар ер! — дедилар. Андин кейин: — Ман ёлғон айтиб эдим, туш кўрмаб эдим! — деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдилар: — Кўрсанг, кўрмасанг шундоғ бўлурсан, такдири қазо етти! — дедилар.

АЛҚИССА, уч кундан кейин олиб борур бўлди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом Соқиға айдиларким: — Сан подшоҳга бурноғидин улуғ бўлурсан! Аммо мани унутмағайсан! Манинг арзимни подшоҳга айтгайсан! Албатта мани халос қилгайсан?! — дедилар. Бу айтган сўзлари Худойи таолоға нописанд келди. Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом келиб айдиларким: — Эй Юсуф, сани ким яратган? — Худойи таоло яратган! — дедилар. — Оғаларинг қўлидин, қудуқдин, Азизи Миср, Зулайхонинг қўлидин, Шайтоннинг шарридин, ким халос қилди? — дедилар. Ҳамасидин Худойи таоло халос қилди, — дедилар. — Андоғ бўлса на учун Соқини восита қилиб Райёндин паноҳ тиладинг? Эмди ётқанингча ётурсан! — дедилар. АЛҚИССА, Соқи бирла Ҳаббозни подшоҳнинг қошига олиб бордилар. Соқи заҳарни шаробга қўшди, деб эдилар. Подшоҳ ани Соқиға берди. Ҳаббозни шул кунги ошини ҳам сақлаб қўйган эдилар. Соқи шаробни ичди, Ҳаббоз кўркуб унамади. Соқи бурноғидек мансабини олиб, улуғ бўлди. Ҳаббозни осиб ўлтурди. Гўштини итлар, миясини қушлар еди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом Соқиға айтган сўзларини унутуб кетти.

АЛҚИССА, Зулайхо ҳар кеча зиндонга келиб бир гўшада ўтурур эди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом ибодат қилур эдилар. Анинг бирла парволари йўқ! Тонг отқанда уйға ёниб келур эрди. Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом келиб «Исми аъзамни» ўргатдилар. **«Бисмиллоҳир-Раҳмонир-Раҳим! Я Акбару куллу Кибрияу яман ла шарика лаҳу ва назира лаҳу манн ҳува куллу шайин қодир я ман Холиқ уш-шамси вал-қомари ал мунири ва ай розиқа ат-тифли ас-саҳири ва я архамаш-шайхи ал кабири ва я ал мавти ва ҳува алайҳи ясирун ва я муясирра кулли асри иъжални мин амри фаражан ва маҳражан.»** (Эй барча улуғларнинг улуғроғи, ва эй ул

Бу исми аъзамни ўқидилар, Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом айдиларким: – Эй Юсуф, бир неча кундин кейин подшоҳ бир неча туш кўргай, эртасига унутгай! Санга айтиб берай анинг сабабидин зиндондин чиқурсан! – дедилар. Бир куни Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларким: Қовлуҳу таоло **я соҳибайяс-сижни а-арбабун мутафарриқуна хойрун амиллаҳул-ваҳидил-қоҳҳари** (Эй. Икки ҳамзиндонларим! Турли-туман “илоҳлар” яхшими ёки ягона ва ғолиб Аллоҳми? 12:39) яъни – Эй зиндондагилар, сизларга шундоғ ўлтурғонларинг хўбми ё уйлариингга боруб бола-барикаларинг бирла ўлтурғонларинг хўбми?! – дедилар. Ул халқ айдилар: – Иложи бўлса, уйимизга боруб, бора-барикамиз қошида юрганамиз хўб эди! – дедилар. Аммо ёрлиғ бирла гуноҳкор қилиб мунда солди, халос бўлурга иложимиз йўқ! Мундин чиққан бирла ҳама киши тануб, тутуб ўлтурур! – дедилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларким: – Сизлар мусулмон бўлинглар! Ман дуо қилай, ҳар рангда бўлурсизлар. Ҳар қайда борсангизлар-да, сизларни ҳеч киши танимас! – дедилар. Бу ҳамалари имон келтуруб, чиқиб кетмакни ихтиёр қилди. Аларга дуо қилдилар. Бандларидин жудо бўлуб рангларидин мутағаййир бўлуб чиқиб кетти. Ҳазрат Расулу ақрам саллоллоҳу алайҳи ва саллам айдиларким: – Биродарим Юсуф, неча йил зиндонда ётиб, махлуқдин паноҳ тилабдур. Махлуқдин паноҳ тиламаса, шул куни халос бўлур эди. Андин кейин ул кун чиққан зиндондағи ики туб дарахт ҳам қуриди, дебдурлар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом бошларини саждага қўйиб айдиларким: – Илоҳо хато қилибдурман!? Саҳв билан айтган сўзларимга тавба қилдим! Ота-боболаримни шафеъ келтируб ва мени хатоларимга боқмағил. Ота- боболарим даражаларига боқғил? Аларни шафеъ келтурдилар. Хитоб келдики: – Эй Юсуф, аларнинг ҳурматларидин сани даражайи аълоға чиқарурман деб! **Ибн Аббос разияллоҳу анҳу ривоят қилибидурларким**, Ҳазрат Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ирода қилдиким, Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом мени зиндондин чиқориб, давлату иззатга тағи мушарраф қилгай!?

АЛҚИССА, подшоҳ бир куни ийд қилди. Ийддин ёниб шаробхўрликга муқаййяд бўлди. Ногоҳ маст бўлуб ухлаб туш кўрдиким, бир вақт кўрқуб уйғонди. Вазирларини йиғиб айдиким: – Ман бир туш кўруб эдим, кўрқуб уйғондим! Кўрқинчининг ғалабасидин тушимни унуттим. Юраким ёрилгудек бўлуб турур, – деди. Амирлар айдиларким: – Они биз нечук билали, муъаббирларни-таъбирчиларни йиғмоқ керак?! – деб жамъи таъбирчиларни йиғдилар. Айдиким: – Кўрган тушумни унуттим! Топиб беринглар?! Таъбирчилар айдилар: – Бизга киши кўрган тушуни айтса, таъбирини айтурмиз!? Сизни унутган тушунгизни биз нечук билали? – дедилар. Подшоҳ бир нечасини ўлтурди. Бир нечасини етти кунга муҳлат берди. Бу муҳлат кунлари ҳам бўлди. Ҳамасини ўлтургали буюрди. Ул аснода Соқининг кўнглига келди, айдиким: – Эй подшоҳи олам, мунча халойиқни ўлтуруб бўлмас! Сабр қилмоқ керак деб! Айдиким: – Ман зиндонда Ҳаббоз бирла туш кўрганда бир ўғул таъбир бериб эди. Ҳар сўзники айтти, айтгандек бўлди. Эҳтимол борки, бу сўзни шул билгай!? Зиндондагилар ҳама воқеани-сўзни баён қилди. Подшоҳ сўради: –Ул нечук кишидур?! Молик ибн Зуъайр сотиб олғон шул ўғил! – деди. – Бориб сўраб келгил, деб буюрди. Зиндонга келиб Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломга салому таъзим бажо келтуруб, узрлар айтиб сизни фаромуш қилибман деб, подшоҳнинг воқеасини айтти. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларким: – Туш кўрувчи подшоҳ бўлса, сизни ибордиму?! – дедилар. Қовлуҳу таоло: **Ва қолал-малику инни аро-а**

**сабъа бақоротин симанин яъкулухунна сабъун иъжафун ва сабъа сунбулотин хузрин ва ухаро яъбисати.** ( Шоҳ деди: “Мен тушимда еттита озгин сигир еттита семиз сигирни еяётганини ва еттита яшил бошоқ билан бирга бошқа (еттита) қуриган бошоқларни кўрдим”.12:43) Подшоҳнинг кўрган туши будурким, дарёи Нилни лабида турар эди. Сув юқори бўлди. Дарёдин етти семиз сигир-инак чикди. Ҳар қайсисини тўрт боши бор. Мугузлари олтун бирла мурасса, эмчакларидин сути оқиб турур эди. Подшоҳнинг тахти олдиға келди. Подшоҳ ҳайрон қолиб турур эди. Орқасидин етти арриқ сигир чиқиб илгариги семизларини еди. Қоринда ҳеч нишонаси бўлмади. Андоғ самиз эрдиким, рангги сариг, юзи оқ, эмчакларидин сути оқиб турур эди. Тишлари тўнгузнинг тишидек, бурни филни бурнидек. Бу анингларини қавлаб тутуб еди. Яна етти туб буғдойнинг-боши яхши, донаси сара-бу аларни ҳам егали қасд қилди, бўйни етмади. Яна етти туб уруғ донаси пуч буғдойнинг дони чиқди. Илгарги бошларини чирмаб қуритти. Уруқ буғдой анингларни йўқ қилди. Подшоҳнинг туши бу эрди. Кўрқуб уйғониб унутти дедилар. Қовлуху таоло: **Қолу азғосу аҳламин ва ма нахну битавъил-ахлами биъалимин** ((Аёнлар) айтдилар: “(Бу) алағда тушлар. Биз (бундай) тушлар таъбирига олим эмасмиз”.12:44)

АЛҚИССА, ул кеча Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом ҳам туш кўрдиларким, кўкдин бир кимарса кўшилиб келиб Миср халқининг бола-барикаси билан қўюнларига солиб. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларким: — Муни манга лозими йўқ!-деб уйғондилар. Тушларини зиндондагиларға яна ўзлари айдилар: — Эй халойиқлар, сизларға суюнчи хабари буким, зиндондин қутулурсизлар! Миср халқи очлиқдин манга қул бўлур! — дедилар. Ул кеча Зулайхо ҳам туш кўрдиким, Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом тахт узасида ўлтурубдурлар. Бошларига тож қўйибдур! Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг оёғларига йиқилди. Бу тушни кўруб Зулайхо ҳайрон қолди.

АЛҚИССА, подшоҳ қошидин Соқи Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг қошларига келди. Райён Маликнинг тушини сўраб, ёниб бориб Райён Маликка бориб айтти. Райён Малик ҳайрон қолдики, тушни мен кўрдум! Ул на билур эрмиш? Рост тушум шул эрдиким, зиёдаси йўқ! Эмди бориб таъбирини сўрғил!? — деди. Соқи келиб таъбирини сўради. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларким: — Етти йил андоғ маъмурлиқ бўлурким, ҳама ариғларда сув ўрнига сут оқар! Ош ичқувчи, мол егувчи топилмас! Етти йилдин кейин кўкдин ёмғир ёғмас, ердин гиё ўнмас, дарёларнинг суви қурур, чашмалар йўқ бўлур. Андоғ қаҳатчилик бўлурки, халойиқ нон учун жон берурлар! Отаси ўғлидин, онаси қизидин қочар, бири-бири билан парвойи бўлмас! — дедилар. Ҳазрат Расулу акрам саллоллоху алайҳи ва саллам айдилар: —Раҳмат биродарим Юсуфга, ўн ики йил зиндонда ётиб, туш таъбирини ўзум боруб айтай, деб баҳона бирла зиндондин чиқмади. Агар ман бўлсам, бир баҳона бирла чиқар эдим! — дедилар.

АЛҚИССА, Соқи келиб тушнинг таъбирини подшоҳға баён қилди. Подшоҳ ҳайрон қолиб айдик: — Сан бориб муни таъбирини сўрғил, балки мунда олиб келгил! Шундоғ киши ҳалиғача зиндонда ётурму!? — деди. Бу сўзни эшитиб зиндондагилар йиғладилар. — Бизнинг кўнглумиз сизнинг бирла хуш бўлур эди. Сизнинг учун жонларимиз фидо бўлсин! — дедилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларким: — ?ам еманглар, Иншоллоҳ ҳамаларинингни чиқариб, андин кейин ўзум чиқарман!-дедилар. Подшоҳ иборган киши: — Мунда келсунлар! — деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдилар: — Азизи Мисрий мани туҳмат бирла зиндонға солиб эди. Ун ики йил бўлди мунда ётубдурман! Агар

мани зиндондин чиқмасун десалар, менинг аҳволимни анга сўзла. Агар бегуноҳ бўлсам чиқай, бўлмаса чиқмасман деб! Айдиларким: — Беш-олти хотун Зулайхонинг олдида илкларини тўғраб эди. Андин сўрасунлар! Азизи Мисрий бирла Зулайхо қамту келиб рости хатони англасунлар! Андин кейин чиқай? — дедилар. Бу сўзни бориб подшоҳга айтти. Ул хотунлар барла Азизи Мисрий Зулайхони чорлатиб сўз сўради. Ҳама ростига Юсуф бегуноҳ эрди, — деди. Зулайхо айдики: — Элнинг маломатидин, Азизи Мисрдин уятиб тухмат қилиб эрдим, бўлмаса анда гуноҳ йўқ! — деди. Шул замон подшоҳ бошлиқ амиру умаролар, охун, мулло ақобир ашраф, аркони давлат бирла зиндон бошига келдилар. Бу башоратдин Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом шодмон бўлуб айдилар: — Неча йилдурки, бу зиндондаги минг тўрт юз етмиш киши билан ошно бўлуб эдим. Аввал алар чиқсун, андин кейин ман чиқай! — дедилар. Подшоҳ рози бўлди. Андин кейин Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом чиқдилар. Чунончи Қиёмат куни ҳам шафоати Ҳазрат Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирла ҳама гуноҳкор Дўзахдин халос бўлуб, Беҳишти анбарсириштга мушарраф бўлмоқ ажаб эмас!

АЛҚИССА, Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломга подшоҳона хилъатлар кийдируб, бошлариға тожи мурасса қўйдилар. Бу ҳама зиндондагиларни бошларидин айлантириб, озод қилдилар. Андин кейин олтун арабага ўлтурғузуб подшоҳнинг боргоҳига олиб келдилар. Миср халқи бу қисм эъзоз-икромлар бирла кўруб, бу ўғулнинг зиндонга олиб келурда гул-занжирлар бирла олиб келиб эдилар. Ҳоло бу қисм иззатга мушарраф бўлубдур! — дедилар.

АЛҚИССА, подшоҳ уйга олиб келиб сарпойи подшоҳона кийдурди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларким: — Ман бу қисм сарупойлар била мумтоз бўлуб, манинг ҳамроҳларим нечанд йилдин бери кийиб ётқон эски битлик чопони бирла қолди! — дедилар. Ҳамалариға сарупойлар бериб мумтоз қилди. Қиёмат куни ҳама осийлар Дўзахдин озод бўлганда ўтлуғ либосдин халос бўлуб, ҳуллайи Беҳишт бирла сарафроз бўлсалар, ажаб эрмас!

АЛҚИССА, атроф ҳадди ики фарсанг ерга ранго-ранг бисотлар солиб, нозу неъматлар бирла тўлғазиб Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни ҳама гуноҳкорлар бирла меҳмондорлиқ қилди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломга хилъати подшоҳона мулукона камари мурасса, зарбафт қафтан-нафтанин бирла ораста қилиб, чандон урзурлар айттиким, ман англаганим йўқ! Ғофил бўлубдурман! — деди. Ҳама дўстлар шод, душманлар ғамгин бўлди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг бошларидин олтун, кумуш, дурри-жавоҳирлар нисор қилди. Подшоҳ кўп тилларни билур эди. Ҳар қайси тилда сўз сўради. Жавоб бердилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом арабий тилда сўзлаб эдилар, подшоҳ ожиз келди. Ҳама халқ инсоф қилдиларким: — Бу рўйин оламда мундин хўброку мундин беҳроқ киши бўлмас! — дедилар. АЛҚИССА, подшоҳ сўрадики: — Етти йил тўқлик бўлур, андин кейин етти йил қаҳатлиқ бўлур дерсиз, мунинг иложи нечук бўлур?! Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдилар: — Иложи буким: — Етти йилғача киши қўйсангиз, ҳар киши кўп ер экса, бир парча экадурган бўлса, экса-барча экса! Бир ҳиссаси захира қилиб, етти йил тўқлукда етти йил қаҳатликни гамини еса бўлур! Андоғ қилмасалар, Миср мамлакатда на подшоҳ ва на гадо-ҳеч офарида бу балодин халос топмаслар! Бу ўлтирган халқ ҳамаси ҳушидин кетти. Айдиларким: — Мундин хўброқ тадбир бўлмас! Бу ишга мутасадди бўлмоқға киши хоҳладилар. Эркак-хотун айёни мамлакат Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни лойиқ деб, боиттифоқ Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни хоҳладилар. Балки подшоҳ қилиб, анинг таъбида бўлмай бу иш

саранжом топмас! – дедилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларким: – Менинг ота-бобом подшоҳлиқ тож кийган эмас, ман ҳам киймасман! – дедилар. Райён Малик айдиким: – Андоғ бўлса ман ҳам сизнинг таъбингиз тож киймай!–деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом ҳар сўз айтсалар Райён Малик, вазир, умаро-ҳамалари қабул қилдилар. Подшоҳдин зиёда ҳурмат қилур эдилар.

АЛҚИССА, Миср мамлакатини Райён Малик Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломга бағишлади. Қабул қилмадилар. Ул замон Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом келиб айдиларким: – Эй Юсуф, подшоҳлиқни қабул қилсанг, Худойи таолонинг лутфи иноятидур! – дедилар. Андин кейин подшоҳлиқни қабул қилдилар. Ҳама умаро, вазир, сипоҳу раият бандаву озод, хайлу ҳашам-ҳамаси Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг тасарруфларида бўлди. Ҳама халқга одил инсоф пеша қилдилар. Халқнинг кўнглидин ҳама ғам-ғусса бартараф бўлуб барокат пайдо булди. Ошлиқ йиғқали тўрт фарсанг ерда иморатлар бино қилдилар. Ҳама биёбонларни элини йиғиб экин эктурдилар. Ерларни очтуруб эктурдилар. Тўхлиқ йилининг боши бўлди! – деб мунодий қилдурдилар. Ҳар кимнинг жуфт уруғи бўлмаса, жуфт уруғ олиб бориб, эксун! Йиғиб тайёр қилганда эгасига бердилар, ярмини анборга солдилар.

АЛҚИССА, Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом турт фарсанглик ерда узларига бир иморат солдурдилар. Ул ер йўлдин йироқ эди. Бегона киши ул ерга боролмас эди. Етти йил шундоғ қилиб ошлиқ жамъи қилдилар. Тўхлиқ йили тугади. Бир кун Малик қошига бориб жамъи халқга айттиларки: – Қаҳат йили фалон кечада келур, ҳама халқнинг қорни очиб уйғонур! Ҳар ким шул вақтда таом еган бирла тўймас. Нишонаси улдур! Бу қисм қаҳатлик балоси бўлмак боиси Худойи таолонинг фармонини тутмасдин, Бутга тобунмоқлиқдин турур! Яна ҳам улуғ азоб укубатлар бордур деб, Дўзахнинг йилон-чаёнларидин, ўт бирла қиладурғон азобларидин биён қилиб айдилар. Беҳиштнинг нозу неъматларини, айш-ишратларини баён қилиб айдилар: – Подшоҳ айдиким: – То бу вақтгача билмай бутга бош чалибдурман! Ҳоло сизнинг динингизга кирсам, Миср халқи муҳолифлик қилур! – деди. АЛҚИССА, қаҳатлик таъвил қилди. Бир кеча ҳама халқ вой таом, вой таом деб уйғонди. Подшоҳ айди: – Эй, Юсуф алайҳиссаломнинг сўзи рост келди, деб баковулни қичқирди. Таом тилашга чора топмади. Ҳаргиз таом еган бирла тўймади. Беилож бўлуб айдиким: – Бу дарднинг давосини Юсуф алайҳиссалом қилур! – деб чорлатиб келди. Ҳама кишининг оғзида қорним очдур, есам тўймасман! – дейдур, деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларким: – Ман айтмадимму?! Сиз ҳам тоқат қилмассиз? Подшоҳ айди: – Мунинг иложи нимадур деб? Кўксига қўлларини қўйуб айдилар: – Бир нима суст бўлди. Подшоҳ айди: – Ман шунча ҳолга қолдим, ўзгаларнинг ҳоли нечук кечкай?! – деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом ҳар куни намози пешин вақтида таом ер эдилар. Нафслари андек ором олур эди. Андек фурсатта халқнинг озуқи тугади. Кўб кишиларни ҳеч нимарсаси қолмади. Ёмғур ҳам ёғмади. Дарёлару, чашмалар қуриди. Ҳар нима экса ўнмади, унмади. Халқ очлиққа бечора бўлуб, Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломга зару зевари, дурру жавоҳирларини беруб ошлиқ ер эди. Аввалги йилда бир тева ошлиқни минг тиллоға олди, кейинги йил олтун, кумуши йўғи маржон берди. Кейинги йили кул, чўри, бола бариқасини берди. Андин кейинги йили ер-сув, мулк-амлоқларини берди. Охир еттинчи йили улуғ-кичик, иложи йўқ ўзларини қулликқа ихтиёр қилиб келдилар. Охир тўрт ой қолганда анборини ошлиғи мутлақ тугади. Миср мамлакати жамъи молдор, мулк-амлоқ, улуғ-кичик, эркак, хотун,

бандаву озод-ҳамаси Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломга банда бўлмаган киши қолмади. Анборларда ҳеч нима қолмади. Охир Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом келиб айдилар: — Эй Юсуф, энди ош берурман деб халқга юзунгни очуб кўргузгил! — дедилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом далага чиқиб, тахт қўйдуруб ўлтурдилар. Ҳама халқ ош ейдурмиз деб йиғилиб келиб эрди, бироқ юзларини очтилар. Эл беҳуш бўлуб ўн кун ҳушидин кетиб ётур эди. Ушбу йўсинда тўрт ой тамом бўлди. Ушбу вақтгача подшоҳликга Райён Малик бирла шерик эрдилар. Охир Райён Малик жамъи муқарриблари бирла йиғилиб келиб: — Эй подшоҳ Юсуф, ҳама Миср мамлакати сизники бўлди. Бизлар бошлиқ жамъи халойиқлар бола бариқаси бирла бандангиз бўлдуқ. Эмди сизни подшоҳликга муносиб деб ҳамалари ўзларини лойиқлаб, банда бўлуб, хизмат қилур эди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом қуллик мақомидин подшоҳлик мартабасига чиқдилар. Қовлуҳу таоло: **Кул Аллоҳумма Маликал-мулки туътил-мулка ман таша-у ва таназзаъул-мулка мимман таша-у ва туъиззу ман таша-у ва тазилу ман таша-у биядикал-хойри иннака аъла кули шайин Қодир** (Айтинг: “Эй ҳукмронлик эгаси — Аллоҳ, сен хоҳлаган кишига ҳукмронлик ато этурсан ва хоҳлаган кишингдан ҳукмронликни тортиб олурсан, хоҳлаган кишингни азиз қилурсан ва хоҳлаган кишингни хор этурсан. Яхшилик Сенинг қўлингдadir. Албатта, Сен ҳамма нарсага қодирсан.”3:26) **ва Содоқоллоҳул-Аъзим.**

**Ҳикоят қилибдурларким,** Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом подшоҳлик тахтига барқарор бўлдилар. Зулайхо кўрқуб бир момонинг уйида ёшунди. **Вақтики,** қаҳат балоси ошкор бўлғонда, Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом Зулайхони фаромуш қилиб эдилар. Зулайхо ҳам қаҳат балосидин бору йўқ, зару зеварларини беруб ошлиқ олиб, охир ўзини бандалиққа ихтиёр қилиб эди. Ул воқеадин Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом беҳабар эдилар. Бир куни Зулайхо келиб Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломга салом қилди. Аввалги чирой, шакл қолмаб эди. тонимадилар. Сипоси ул Худогаким, азизларни хор қилғувчи, хорларни азиз қилғувчи, подшоҳларни банда, бандаларни подшоҳ қилғувчи: — Эй Юсуф, ман Зулайхо турурман! Подшоҳлик тожини Худойи таоло санга берди. Мани санга канизак қилди деб, зор-зор йиғлади. Ушбу давлатни берган Худонинг ҳурматидин мани озод қилгил! Бандалиқ орини мандин кўтаргил? — деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом: — Эй Зулайхо, сани сотилғаниндин мани хабарим йўқ, озод қилдим деб, ўзлари етти кун ошлиқ сарупойлар, мол бисёр беруб ҳар қачон бирор нарса лозим бўлса, киши ибориб туринг! — дедилар. Хушҳол бўлуб уйига ёнди. Аммо тақи ҳам Юсуф алайҳиссаломни кўрмак бисёр орзулик эди. Ўтатургон йўлларида келиб ўлтурур эди. Аммо Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом бу юртнинг машғулигида хотирларидин чиқди. Зулайхо йиғлай-йиғлай кўзлари кўрмас бўлди. Гулдек чеҳраси заъфарондек сарғайиб, гулнордек залил бўлуб, қадди дуто бўлуб, кўзи бўзариб, ош-сувдин қолиб, беҳад забун бўлди. Кўлига бир коса олиб бир асокаш топиб, ҳар бора Юсуф алайҳиссалом ўтатургон йўлларида турур эди. Ясувуллар йироқ қувлар эди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом мун келганини англамас эдилар, ноумид булуб ёнар эдилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом отланур бўлсалар, миnodурғон отлари тўқимини орқасида солурда бир кишнар эди. Ҳама халқ отлинишларини билур эди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом отланур дер, эрдилар. Зулайхо келиб йўлларини тўсуб, ўлтурур эди. Бу бечора ноумид бўлуб ёнар эди. Шунда ҳам Юсуф алайҳиссаломни гарди манинг юзумга кунди, деб хашвақт бўлур эди. Аммо бу вақтгача бутпараст эди. Бир куни Бутни олдиға

қўйиб айдиким: – Эй Бут, нечанд йилдур сенга бош чалурман, тириклик лаззатини, умримнинг ҳаловатини кўрмадим! Бор мол мамлакатимни ярмини санга фидо қилдим. Сандин бир яхшилиқ кўрмадим! Букун йиғлайдурман, манга кўзимни равшан қилсанг Юсуфнинг жамолини бирор йўл кўрсам деб! – Онҳама ёлворди. Буттин ҳеч овоз чиқмади. Аччиғи келиб тош бирла уриб синдурди. Во дариг, бу вақтгача умримни шуни ибодатида зоёе қилибдурман деб! Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг таҳорат қилгонларини кўруб эди. Шулар тариқа бирла таҳорат қилиб, ики ракат намоз таҳлид қилди. Юзини осмон тарафга қилиб айдиким: – Эй бори Худоё! Бу вақтгача сани билмас эрдим. Билмаганимдин бутга бош чалибдурман! Эмди санга имон келтурдум, тилагим-ни берғил! Юсуф алайҳиссаломнинг кунглуни манга меҳрибон қилғил деб! Худойи таолога таважжуҳ қилиб, ҳожатини тилади. Эртаси Юсуф алайҳиссалом жамъи лашкарлари бирла отланиб эдилар. Зулайхо йўлни тусуб ултуруб эди. Ҳар лашкар ўтканда мана подшоҳ келар десалар, кўрмай, йироқ дер эрди. Яқин етканда, подшоҳ, мана келур! – дер эрди. На учунким, Юсуф алайҳиссаломнинг ислари келур эрди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом келиб эдилар. Зулайхо фарёд қилиб айдиким: – Эй подшоҳлиғни топган Юсуф, манки Зулайходурман! Нима бўлур мани ҳолимни бир бор сўрасангиз, сўзимга қулоқ солсангиз? – деб қичқирди. Боқсалар бечора Зулайхо турубдур. Эғнида қора чакман, шавиндин белини боғлаб, қўлга асо олибдур. Отларини Зулайхо тарафиға қилдилар. Зулайхо айтики: – Эй Юсуф, Худойи таолонинг ҳақи-ҳурматидин менинг заифалиғиму бечоралиғимга раҳм қилсанг!? Қирқ йил бўлубдур санинг ўти фироқингда бу ҳолға қолибдурман! Манға ошналик қилурмукин деб хирмон-хирмон олтун-кумушларимни, домон-домон жавоҳирларимни бериб олиб эдим! Ҳоло сан бу мартабаға еттинг! Ман бу ҳолға қолдим. Эмди Худойи таолога имон келтуруб мусулмон бўлдум. Гувоҳлиқ берадурман, манга андин бўлак худо йўқдур! Жамъи оламни эгаси улдур! – деб имон айтиб турди. Ул замон Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом келиб айдиларким: – Эмди Зулайхоға илтифот қилғил, ҳар на деса қабул қилғил! – дедилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларким? – Эй Зулайхо, сўзунг борму?! Зулайхо ўтган ҳолларни баён қилиб бир оҳ тортиб эди: – Эй Юсуф, бу дарду фироқу оташ иштиёқи туташибдур! Агар бир тоға тушса, эриб сув булур эди. Яратқан Худонинг ҳақида қамчинингни тутғил! – деди. қамчинини сўндилар. Зулайхо қамчинни учуни оғзига қўйиб, жон дили барла бир оҳ тортти. Оғзидин бир ўт чиқиб қамчиға туташди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом қамчини силкиб ташладилар. Ҳарорати қўлга тегиб қолди. Шунчалик бирла ул оташи ишқ Зулайхода эрди. Паст бўлуб Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломға ўтуб жон дилларида шуъла урди.

АЛҚИССА, Зулайхони бир кишиға топшуруб, боргоҳларига ёниб тушдилар. Зулайхонинг кўнгли ором олиб, илгарги ўн ҳолини бири ҳам қолмади. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом шулар замон беорому беқарор бўлуб, Зулайхонинг қошлариға келиб, ҳолларини баён қилиб, бу байтни ўқидилар:

### БАЙТ-НАЗМ

Жоним ичра доғ қўйдунг, қадди наврас ниҳолинг,  
Зулмат ичра қолдим, ки насиб эмас висолинг!  
Мани ўртади бу фурқат, на қилай, на сабр-тоқат,  
Бу агар дуруғ бўлсаки, гувоҳдир Худойинг!?



дедилар. Зулайхо ҳаргиз парво қилмади. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом кеча-кундуз фироқ ўти иштиёқида забун бўлди. Мутлоқ ош-сувдин, тоат-ибодатдин қолдилар. Зулайхони қирқ йил тортқан меҳнат-машаққатини Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом қирқ кунда торттилар. Зулайхо қошига келиб маломатлик бирла онҳама айтсалар, дурустлик қилиб айтур эдиким: — Ул ўт манда эрди, қирқ йилдин бери тортмаган дардим қолмади. Сан эмди билурмусан?! — деб асло назарига келтурмади. Аммо Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг гулдек чеҳралари заъфарондек сарғайиб аҳволлари забун бўлди. Обу таом, адлу адолат, тоату ибодат бари кўкка учди. Ҳеч нимарса бирла ишлари бўлмади. Бир куни Зулайхо айдики: — Манинг бир неча талабим бор! Сиз дуо қилсангиз, ман Аллоҳи таолодин тилай? Сизнинг дуоингиз барокотидин манинг ҳожатим раво бўлсун! Андин сўнг ман сизга илтифот қилай! — деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом ики ракаат намоз ўқуб, қўл кўторуб муножот қилдилар. Зулайхо омин деб эътиқод бирла айдики: — Илоҳо, Худовондо, ман Буттин ёндим. Юсуф алайҳиссалом ҳаққи ҳурматидин манга ўн тўрт яшар вақтимдагидек хусн-жамол бериб, қариликдин ёндиргил?! Кўзимни равшан қилгил, мани Юсуф алайҳиссаломнинг никоҳига киргизгил! — деб тилади. Дуоси мустажоб бўлуб, қари эди, ўн тўрт яшар бўлди. Кўзсиз эди кўзлук бўлди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом дарди фироқ, оташи иштиёқлари бирла менинг бўлди. Аммо чандон нолалар қилиб, бетоқатлик қилур эдилар. Аммо бу ҳолга ўттуз беш кун бўлганда Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом нурдин табақларида Беҳиштдин жавоҳиротлар келтуруб: — Эй Юсуф, бетоқатлиқ қилмагин, яна беш кунда сани Зулайхо барла қўшадилар. Никоҳ қилурда муродингга етарсан! Бу жавоҳиротларни шул куни бошларингдан сочарман! — дедилар.

АЛҚИССА, Зулайхонинг тилаги ижобат бўлди. Ҳар кимарса кўрса, илгаригидин ўн ҳисса ошифтаю шайдо бўлур эди. Зулайхо ойинада ўзини бу суратда кўруб, ҳазор шукурлар келтируб, Ҳақ субҳонаху ва таолога айтур эдики: — Кошки илгари имон келтирсам, Худойи таолонинг бу қисм иноятларини кўрар эканман, — деб чандон пушаймонлар қилур эди. АЛҚИССА, қирқ кун тамом бўлди. Шаҳарни ойнабандлик қилдилар. Райён Маликни чорлаб келиб ики юз минг қалла, ики минг тева, минг от ўлтуруб тўй қилдилар. Ошқа тўймаган гадолар қолмади, сарпо киймаган кишилар қолмади. Онҳама жавоҳиротларни сочдилар. Мисрнинг номуродлари бой бўлди. АЛҚИССА, Зулайхо билан Юсуф алайҳиссаломни никоҳ қилиб бир-бирига қўштуруб қўйдлар. Зулайхо ул вақтгача бокира-бикр эрди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом сўрадиларким: — Бу вақтгача бокира-бикр бўлмоғин ажаб! — дедилар. Зулайхо айди: — Азизи Миср бирла бир ерда ётсақ икимиз орамизда бир сурат пайдо бўлур эди. Азизи Миср анинг бирла машғул қилур эди. Ман сизнинг хаёлингизда ўз ҳолим бирла ётур эрдим. Етти ёшда ота-онанинг уйида кўрган тунгуни баён қилди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом таажжубда қолдилар. Аммо бу икиларини орасида андоғ муҳаббат тушдики, бир лаҳза ё бир соат бир-бирларини кўрмай сабр-тоқатлари йўқ эди. Ҳар бора Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом Зулайхога майл қилур бўлсалар, Зулайхо ҳамиша тоатга машғуллик қилар эдилар. Зулайхо айтур эдики: — Илгари Худойи таолонинг мундоғ улуғлуқ иноятларини билмас эрдим. Ҳамиша сизнинг муҳаббатингиздин бўлак иш кўнглимга келмас эрди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларким: — Сиз менинг бирла айшу ишрат қилгали бир иморат қилиб эрдингиз! Ман ҳам иморат қилдирай сизга! Ишратхонанинг бадалида ибодатхона бўлсун! Рўйи оламда андин хўброқ иморат бўлмағай! — дедилар. Аммо бир иморат қилдурдилар,

ҳама қандилларини қўйуб, лаъл-жавоҳиротдин тахт қўйуб тайёр қилдилар. Айдилар: — Эй Зулайхо, сизнинг иморатингиз касофатхона эрди, ман ибодатхона қилдирдум! — дедилар. Бу ики ошиқ-маъшуқ бир-бирларини жамолиға наззора қилишиб, гоҳ айшу ишратға, гоҳ тоат ибодат қилур эрдилар.

АЛҚИССА, ики ўғил, бир қиз туғди. Бир ўғилнинг отини Иброҳим, бирининг отини Мастона қўйдилар. Қизининг отини Раҳима қўйдилар. Миср халқининг етти йил қаҳат бўлгонда пул, мол, еру сув, бола-барикаси бирлан ошлиқ беруб сотиб олиб эдилар. Бир кун ҳама аркони давлат бирла аёни мамлакат жамъи бўлуб айдиларким: — Эй подшоҳи олийпаноҳ, бизни қаҳат балосидин омон қилдингиз! Ҳамамиз сизнинг бандангиздурмиз! Кўнглумузда эмди озодлиқдин бўлак орзумиз йўқ! — дедилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдилар: — Эй халойиқлар! Сизларини озод қилурман! Пул-молларингизни ҳам берурман! Бир неча маҳал сабр қилинглари!? — дедилар. АЛҚИССА, Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом подшоҳлик тахтига ўлтуруб меҳмонхоналар бунёд қилиб, келган меҳмонларнинг хизматиға таъйин қилиб, ҳар шаҳардин ошлиқ олғали келган кишига бир тева ошликдин зиёд бермас эдилар. Ҳар қанча берсалар анборларидин ошлиқ бермас эрдилар. Ҳар тарафдин келадургон йўлларға йўлчи киши қўйуб эдилар. Қўйганнинг расми ул эрдик, келган киши исми зотини хат қилиб Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломға иборур эди. Рухсат олиб шаҳарга киргизур эди. Бир куни ҳамроҳлари бирла хушсурат йигитлар келди. — Ман Иброҳим пайғамбирнинг набираларидин турурман! — дедилар. — Келсунлар, келсунлар!? — деб рўхсат бўлди. Шаҳарға кириб боргоҳға яқин етиб тушдилар. Дуойи подшоҳ қилиб ўлтурдилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом боқтилар-оғалари эмас, «сизлар ким бўлурсизлар?» — дедилар. Айдиларким: — Биз Исмойил пайғамбирнинг ўғлонлари бўлурмиз! — дедилар. Отим Қизор! — дедилар. Яхши эъзоз-икром бирла тахтга ўлтурғуздилар. Қизор ҳайрон қолди. — Бу қирқ киши нечук кишилар? — дедилар. — Менинг ўғлум дедилар. Бу замонда пайғамбарзодалардин ким бордур? — дедилар. — Менинг амакизодам Яқуб алайҳиссалом, аларнинг Юсуф деган бир ўғлонлари бор эди. Ани оғалари сайргоҳға олиб чиқиб, бўри еди, деб келибдур! Ул мавзедаги бўриларни ҳамасини йиғиб, сўраб эканлар, бизға пайғамбарзодаларнинг гўшти ҳаром турур емак раво эмас, даладаги молиға дохил қилмасмиз! — дебтур. Ул боисдин ўғлонлариға мувофиқ эрмас! Ул Юсуф деган ўғлонлари учун йиғлаб-йиғлаб кўзлари оқарибдур. Йўл узасида уй қилиб ўлтурубдурлар. Ҳар кишини кўрса, Юсуфнинг отаси ушбу дейдур! Аммо аларға Юсуф деб айтмоқни манъ қилибдур. Худойи таолодин кўрқиб Юсуф деб айтолмаслар, — дедилар. Аммо Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом бу сўзни эшитиб бисёр паришонҳол бўлуб, Қизорни яхши меҳмондорлик қилиб сарупой бериб, саксон тева бугдой бериб ёндирдилар.

АЛҚИССА, Канъонда ҳам қаҳатлик бўлди. Молларини ҳам ўлтуруб, танг бўлдилар. Қизор келиб Ҳазрат Яқуб алайҳиссаломға айттилар: — Миср подшоҳи бисёр яхши киши экан. Биз ошлиққа бориб эрдук, ниҳоят яхши пеш келиб меҳмондорлик қилиб, олиб борган тухфаларни олмади. Саксон тева бугдой бериб ёндирди, дедилар. Кўнгулларига гумон тушдики, мабодо шул Юсуф бўлмағай! Узум боруб хабар олай десам, ожиз келурман! — деб охир бола-барикалари очликка танг бўлуб, ҳамалари бола-барикаларини оталарининг қошига ҳазор шармандалиғу хижиллик бирла айдиларким: Нече йилдин бери сизға азоб қилиб, агар гуноҳ қилган бўлсақ, биз қилгандурмиз! Бу норасидаларимизға раҳм

қилсалар! Бу қаҳат балосидин халос бўлсак? — дедилар. Ҳазрат Яқуб алайҳиссаломнинг раҳмлари келиб айдиларким: — Манда обу озуқнинг ҳеч иложи йўқ! Ман сизларни бир ерга иборсам, ошлиқ тиласанглар! Шояд номаҳрум ёндирмас! Мисрнинг подшоҳи мусулмон эрмиш, пайгамбарзодаларга инъому эҳсонлар қилар эмиш! Менинг дуойи саломимни еткурсанглар ошлиқ берур! — дедилар. Уғлонлари айдилар: — Бизнинг ҳеч қайсимизда тухфа қилурдек нимарсамиз йўқ! Хўб эмас, нечук қилурмиз! — дедилар. Ҳазрат Яқуб алайҳиссалом айдиларким: — Ул сахий киши эрмиш! Бориға, кўпга хушвақт, озиға нохуш бўлғудек киши эрмас эрмиш! Бориб мани иборди десанглар, қуруқ ёндирмас! — дедилар. Ҳар қайсиға: — Икидин тева ростлаб бир неча боғ курут, юнг бердилар. Муни керак эмас десалар, нечук қилурмиз? — дедилар. Абоу аждодларингизни шафеъ келтурунглар, андин фақир номуродлиқларингизни арз қилингишлар! Албатта номаҳрум ёндирмас! — дедилар. Панд-насиҳат қилиб йўлга равона қилдилар. **Вақтиқи**, Миср мамлакатаиға келдилар, йўлда турғон кишиға йўлиқиб, шунда кўндилар. Йўлдагилар буларнинг исмларини ва насабларини хат қилиб Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломға ибордилар. Бу хатни кўруб оталари ва оғаларининг исмларини эшитиб бисёр паришонҳол бўлдилар. Қошларидаги амирлар сўрадиларким: — Эй подшоҳи олам, воқеа нима экан? — дедилар. Ушбу келган кишилар мани қулум, деб, сотган оғаларим турур! — дедилар. Вазирлар айди: — Нечук жазо тортурмиз? — дедилар. — Сахийлар дарвешларға на йўсинда инъом берсалар, ул йўсинда қилурман! Қариндошлар қариндошларға на йўсинда меҳрибонлиқ қилсалар, ул йўсинда меҳрибонлиқ қилурман! — дедилар.

АЛҚИССА, шул замон шаҳарни ойинабандлик қилдурдилар. Ораста-пироста қилиб бир неча гулом қулиға халқайи баргўш мурасса пўшларни жамъи қилиб, хазматға турғузуб ясовулларни, даррабандларни турғузуб беш юз олтун таёқ, беш юз кумуш таёқ турғузуб қўйдилар. Ҳама атлас пўш минг йигитни йўл уза шамшир тутқузуб қўйдилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг бошларида тожи мурасса пўш чиқиб, шоҳи камари каёний кийдилар. Амиру умаро, охунд, мулло, уламо, акобир, ашрафлар девонхонага чиқиб, шонушавкат бирла тахтда ўлдтуруб эдилар оғалари кириб бу хил ас-аъсайи дабдабаларни кўруб ҳайрон қолдилар. Урдаға келгунча ажойибу фаройиботларни кўрдилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг боргоҳларига келиб дуойи подшоҳона қилдилар. Онча илтифот қилмадилар. Кеч бўлғонда яқин меҳмонхонаға тушуруб, халқайи даргўш, мурасса пўш подшоҳоздаларни кўйиб яхши маҳозир қилдурдилар. Андин ўғлонлари Иброҳимни чақирдилар. Алар сизларнинг амакиларингиз бўлурлар, чиқиб олдиларида ўлтурунглар! Бир сўз айтсалар аларнинг арабий тилини билмаган бўлуб ўлтурунглар, сўзини анланг! — дедилар. Иброҳим тожи мурасса, сарупойи подшоҳона кийиб, офтобайи чилобчин олиб буларни қошиға келиб ўлтурдилар. Булар арабий тил бирла айдиларким: — Бизга асло ҳеч киши пеш келган эмас! Подшоҳ мусулмон киши маълум бўлур, бизни пайгамбарзодаю ҳам мусофир деб мундоғ пеш келур. Бу оламда мундоқ киши йўқдур! — дедилар. Неча кун мундоғ иззат ҳурмат била турдилар. Бир куни маслаҳат қилдиларки, биз мунда меҳмондорлик, иззат-ҳарматға мағрур бўлуб, анда бола-барикамиз оч қолди. Эмди ёнишни подшоҳға маълум қилали деб, кириб айдилар: — Ё подшоҳи олам, рухсат бўлса эмди ёнсақ?! Бола-барикамиз қаҳат балосиға гирифтор қолиб эди, — дедилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларким: — Ман сизлардин пайгамбарзодалиқ маълум қилолмайдурман! Олиб-қочар жосус киши маълум бўлур сизлар! —

дедилар. — Биз андоқ эмасдурмиз, бизга андоғ ишлар ордур! — дедилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом сўрадиларким: — Сизлар неча ўғулсизлар? — Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом: — Нечук бўлуб бўри еди? — дедилар. — Саҳронинг сайрига бориб эрдук, шунда еди. — Сизларнинг ўнларинг бир бўрига кучларинг етмадиму? — дедилар: — Биз беҳабар эрдук! Олиб қочибдур, дедилар. — Биз пайғамбарзодадурмиз! — дерсизлар, ул туққан иниларинг бўлса, пайғамбарзодани гўшти бўрига раво эрмас! Ҳама сўзларинг ёлгон бўлур! — дедилар. Сиз бизларни чандон уқубат бирла ростини айтса, биз пайғамбарзодалар десак, бизга пеш келиб ошлиқ берур деб, панд урғали келибсизлар! — дедилар. Фарёду, фиғону зорлар қилиб айдилар: — Эй подшоҳи олам, мундоғ қилмағайсиз! Отамиз бизнинг дарду фироқимизга мубтало бўлурлар. Бола-барика ҳам ўлуб қолур! Отамизнинг ҳолига раҳм қилинг, деб нолаю зор қилиб турдилар. Охир раҳмлари келиб айдиларким: — Оталарингни шафеъ келтурдинлар, иложи йўқ, бўлмаса, сизларнинг ҳамаларингизни ёлгончи жосус зоҳир қилурман! Андоғ бўлса бирларинг мунда турунлар! Ўзгаларинг боруб, оталарингга айтиб, пайғамбарзода эканларингизга гувоҳ бўлғали анда қолгон Ибн Ямин деган иниларингни олиб келинлар! деб Шамъунни олиб қолиб, бу лозим ҳар қайсисига ики тевадин ошлиқ, Ҳазрат Якуб алайҳиссаломга тўрт тевада ошлиқ юклаб, олиб келган нимарсалардин ҳеч нима олмай, ёндуруб йўл озуқини ростлаб рухсат бериб ибордилар. Булар ҳазор шукурлар қилиб хушвақт бўлуб йўлга равона бўлдилар. Яҳудо айди: — Ман ушбу подшоҳни — Юсуф алайҳиссалом дерман! — деди. Булар: — Юсуф бўлса бизга мундоғ ҳаргиз илтифот қилмас, ошлиқ ҳам бермас эди. Мунча шону шухрат қайда? Агар Юсуф бўлса бизга чандон уқубатлар қилур эди. Яна Яҳудо айдики: — Юсуф бўлмаса ибн Яминни олиб келинлар дейдурму? Анинг билан на иши бор! Биз Юсуфни бўри еди десак, ҳаргиз бавор қилмайдур, бизни ёлгончи қилур! — деди.

АЛҚИССА, онҳама жидду-жаҳд бирла Канъонга келдилар. Оталарига берган тўрт тева буғдойни подшоҳни хоси деб бердилар. Андоғ воқеани, Шамъунни олиб қолганини Ҳазрат Якуб алайҳиссаломга хат қилиб бериб эдилар. Бу хатнинг мазмуни бу эрдиким: — Эй пайғамбари барҳақ, сизнинг фарзанларингиз деб ўн киши келди. Биз ани жосус маълум қилдуқ! Анинг ростини ғалатини англамоқ учун Шамъунни олиб қолдуқ! Агар сизни ўғлонларингиз экани рост бўлса, номани жавобига нома битиб, ибн Ямин деган ўғлунгизни қўшуб иборинг!? Сизнинг сабабингиздин иззат-ҳурматлар қилай, инъом-эҳсонлар беруб ёндирай! Бир ўғлунгизни бўри олиб қочиб экан. Анинг ўт-фироқида кўб паришон эрмишсиз! Анинг бўлгонини воқеасини ҳам номага битигайсиз. Ман ҳар тарафга киши ибориб, хат қилиб хабар олсам сизга ибориб, ғам-андуҳнинг сиздин бартароф қилғайман! Аммо ўғлонларингизни сўзига бовар қилмадим! Сўзи ҳам муҳолиф чиқаду! Ибн Ямин деган ўғлунгизни иборинг. Ман сизнинг ўзингиздек билиб яхши иззат-ҳурматлар қилиб, ёндирай деб! Бу номани сўзини эшиттинлар! — Уғлонларига айдиларким: — Ман эмди Ибн Яминни ҳаргиз сизларга қўшуб ибормасман! Оғасини сайрға олиб чиқиб, йўқ қилдинлар! — дедилар. Булар Мисрға олиб борган нимарсаларини олиб келиб эди. Оталари қошига олиб бордилар. Ҳазрат Якуб алайҳиссалом сар бараҳна бўлуб кўб паришон бўлуб айдиларким: — Агар подшоҳни олдида қадрларинг бўлса эди, олиб борган нарсаларингизни табаррук деб сақлар эди. Ибн Яминни абу-аждодимиздин аҳд қилсанлар қўшуб берурман! Бўлмаса ҳаргиз қўшуб

бермасман! – дедилар. – Сиз нечук хоҳиш қилсангиз, андоғ қилинг! – деб аҳд қилдилар. Ҳазрат Якуб алайҳиссалом подшоҳи Мисрға нома битиб ва бир дастор бирла Ибн Яминни ибордилар. Айдиларки: – Ҳамаларинг бир дарвозадин кирманглар! Ики-икиларинг бир дарвозадин кириглар! – дедилар. Иўл юруб нечанд кундин кейин Мисрға етдилар. Ҳар оға-ини бир тўғқан бир дарвозаға юрдилар. Ибн Ямин ёлғуз бир давозадин кириб, қаён борсам!? – деб ҳайрон бўлуб туруб эдилар, ул аснода Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом хабар бердиларким: – Эй Юсуф, Ибн Ямин фалон ерда ўлтурубдур, ани топиб олинг! – дедилар. Дарҳол Иброҳимни буюрдилар, келсалар ибн Ямин қошига тўла ҳалқ йиғилибдур. Иброний тил бирла: – Қайдин келурсиз? – деди. – Канъондан келурман! – дедилар. Бошлаб келиб ўрдани тубинда қўйдилар. Қизил ёқуттин бозуларисида бозубондлари бор эди. Ани олиб Ибн Ямин бозусига боғладилар. Шул аснода оғалари етиб келди. Ибн Ямин ул бозубондга бисёр хушвақтлик қилди. Яҳудоға айдиким: – Ман бу ерда ўлтуруб эдим бир ўғул бошлаб келиб бу бозубандни берди! – дедилар. Яҳудо кўрдиким: – Бир мамлакатни хирожи, бер мун ийўқотарсан деб! Ўзининг бозусига боғлади. Бир замондин ғойиб бўлди. Боқса Ибн Яминнинг бозусида туруб.

АЛҚИССА, ҳар қайси оғалари олса, яна Ибн Яминнинг бозусида пайдо бўлур эди. АЛҚИССА булар келиб подшоҳ қошига кирдилар илгаргидин хуброқ иззат-хурмат қилиб, меҳмонхонаға тушурдилар. Шамъунни ҳам буларни қошига келтурдилар. Булар кириб Ҳазрат Якуб алайҳиссалом номаларини бердилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом бу руқъани кўзларига суртуб йиғладилар. Аммо кўзлари Ибн Яминда эрди. Олти табақда ош келтурдилар. Ҳар икилари бир табакдин олдилар. Ибн Ямин ёлғиз қолди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларким: – Ул ёлғуз қолгон иниларингни иборинглар, манинг бирла таом есун!? – дедилар. Ҳамалари югуруб туруб таъзиму икром бирла «хўб бўлур!» дедилар. Ибн Яминни чорлаб тахтға ўлтурғузуб, бирла ош едилар. Булар кўнгулларисида айдиларким: – Бу Роҳилани боласи ажаб бир некбахт экан. Биздин ул иззатлик экан! – дедилар. АЛҚИССА, буларға тўшағали олти уй рост қилдилар. Икисини бир уйга, Яна бир икисини бир уйга тушурдилар. Ибн Яминни бир уйга тушурдилар. Ибн Ямин айдиким: – Менинг ҳам акам бўлса эди, иковлон бир уйга тушар эрдук, деб йиғлайди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом англаб кириб сўрадиларким: – Сизнинг ағонгиз қаён борган эди? – Бир кун оғаларим сайрға олиб борамиз деб, сайрға олиб бориб эдилар. Охшоми бўри еди! – деб келдилар. Шундан бери ман хушҳоллиқни ўзимга ҳаром қилдим! – дедилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдилар: – Оғангизни ўрнига ман оға бўлайму? – дедилар. Ибн Ямин туриб: – Эй азизкардайи ҳақ подшоҳ, фармонбардордурман! – дедилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом ул кун Ибн Ямин қошида туруб, бир табақда ош еб, бисёр меҳрибонлиқ қилдилар. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло фаришталарға кўрдингларким, Юсуф инисини меҳрибонлиқ бирла муҳаббат қилур! – дер эрди. Аммо Ибн Ямин ёлғузлиғига бисёр паришон эрди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдилар: – Эмди дилжам бўлдунг, оғангизни тезроқ қўштурурман! – дедилар. Эртаси ҳама оғалари йиғилиб, Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом қошларига келиб эдиларким: – Оталарингиз қайси ўғлига меҳрибон эди. – Ҳамамиздин Юсуф деган ўғлига меҳрибон эди. Андин Ибн Яминга тўла меҳрибонлиқ қилур! – дедилар. Ибн Яминдин сўрадилар: – Неча фарзандингиз бор? – деб. Айдилар: – Уч ўғлим, етти қизим бор! Улуг ўғлимни отини Юсуф қўйдум! Ҳар қанча Юсуф десам, оғам ёдимга

келар. Уртанча ўғлимни отини Бўри қўйдим. Ҳар қачон бўри десам, оғамни еган бўри ёдимга келур! – дедилар. Отангизни ҳоли нечук? – дедилар. – Йиғлай-йиғлай кўзлари оқарди. Пир бўлуб хароб бўлубдурлар! – Оғангизни ҳеч хабари бўлдим? – дедилар. Ики мартаба хабари бўлди. Оғаларим ёлғон айтур! – дедилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларким: – Оғангизни хабарини олдим, отангизга қўштурурман! – дедилар. – Оғамни бўри еганига қирқ йил бўлубтур, қайдин хабари бўлур экан! – дедилар. Оғалари туруб айдиларким: – Эй подшоҳи жаҳонпаноҳ, бизга мундоғ илтифот эҳсонлар қилурсиз? Бизнинг аҳли аёлимиз қаҳат балосига мубталодур! Бизга тезроқ рухсат бўлса, бизнинг қўнглумузда ҳамиша аларни гуссасидур! – дедилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом: – Тонгла рухсат берай? – дедилар.

АЛҚИССА Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом бир меҳмонхона қилдуруб онинг томларига Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом ағолари на йўсунда жофо қилибдур анинг суратини қилиб эдилар. Бир кун шул уйга бошлаб кириб меҳмон қилдилар. Ағолари бу суратларни кўруб, бисёр шарманда бўлуб таом еганча имконлари қолмади. Андин кейин бўлак уйга тушурдилар Ибн Ямин айдиким шул уйда Юсуфимни суратлари бор экан, шуни яна бир кўрсам? – дедилар. Ул уйга яна олиб боринглар деб киши буюрдилар. Орқаларидин ўғлонларини ибордилар. Арабий тил бирла сўзланг. Сиз кимни ўғли деса, ман сизниг ағонгиз Юсуф Сиддиқуллоҳ денг. Иброҳим келиб ўлтуруб арабий тилда сўзлаб эди. Ибн Ямин сўрдиким сиз кимдин ўргандингиз? – деди. – Атомдин ўргандим, деди. Атонгиз ким? – дедилар. Сизни ағонгиз Юсуф Сиддиқуллоҳ турур! – деди. Шул замон Иброҳимни қучоғига олиб, йиғлаб Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом юзларидин бурқани олиб: – Ағонгиз мандурман! Мани ағоларим олиб боруб, қудуққа солиб, андин бир савдогар тортиб олди. Яна келиб бу бизнинг қулумиз «қочиб эди» деб соттилар, деб воқеани бошдин-аёқ ҳикоя қилдилар. Айдилар: – Бизни топишқанимизни ағоларингиз англамасунлар?! – дедилар. Ибн Ямин айдики: – Эй Юсуф энди сиздин айрилиб, нечук тоқат қилурман!? – дедилар. – Ман сизни бир тадбир бирлан олиб қолурман! – дедилар.

АЛҚИССА, буларга ошлиқ буюрдилар. Калиддорга айдиларким: – Ҳар қайсига бўлак ошлиқ бергил! Ҳеч киши англамасун! – дедилар. Ошлиқ бергунча Ибн Яминнинг қопиға бир жомни солиб бердилар. Булар Мисрдин чиқиб кўчуб карвон бирла равона бўлдилар. Бир кунлик йўлга келганларида орқаларидин бир неча киши қавлаб келиб айдиларким: – Ошлиқ берган ердин подшоҳни олтун жомини олибсизлар! Яхшилиқча беринглар, бўлмаса, юкларингни ахтарурман! Кейин чиқса, шарманда бўлурсизлар! – деди. Булар айдиларким: – Бизнинг андоқ воқеадин хабаримиз йўқ! – дедилар. – Мабодо чиқса, қандоқ қилурсизлар? – деди. – Бизнинг расмимизда ҳар киши бир нима ўғирласа ул киши ўла ўлгунча шул кишини қули бўлур!–дедилар. Булар ҳам сизнинг расмингизга унали, деб буларнинг юкини ахтариб эди Ибн Яминнинг юкидин чиқди. Булар хижолатдин сўзлай олмадилар. Ибн Ямин қўнглида шод бўлди. Оғалари маломат қилди. Ибн Ямин айдики: – Ҳар қайсиларинг ўз ишларингни билинлар, мен ҳам ўз ишимни билурман! – деди. – Қул бўлсам ҳам ман бўлурман! – дедилар. Буларнинг ҳамасини шул ердин олиб ёндилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом қошларига олиб кириб воқеани айдилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларким: – Ман илгари келганда буларни жосус маълум қилиб эдим! – дедилар. Булар айдиларким: – Бизнинг мундоқ ишлардин хабаримиз йўқ! Ибн Яминнинг ишидур, мунинг бўри еган акаси ҳам ўғри эрди. Бу икисининг аноси ҳам ёмон эди. Анинг учун бу

икиси ҳам бадхиёнат чиқци! — дедилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни бу сўзга ғазаблари келди. Аммо буларга изҳор қилмадилар. — Узларингни ўғри отларингни Юсуфга қўямусизлар деб, фалон тошни келтиринглар? — дедилар. Ўғлонлари бир мийл бирла бир тошни келтурди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом бир мийл бирла тошқа уриб эдилар, бир овоз чиқди. Айдиларким: — Бу тош ҳар нечук ғайб биладурғон тошдур! Ҳоло айтадурки, Юсуф деган инисини атосининг кўлидин юз минг ҳийлалар бирла олиб боруб йўлда уруб, сўкуб на миқдор ёлборса ҳам раҳм қилмай, чоҳқа солиб, андин тортиб олса, бу бизнинг қулимиз деб сотибдур! — дедилар. Яна тошни бир уруб эдилар яна овоз чиқди. Айдиларки: — Ул Юсуф деган иниси бор, яқинда тобушур! Оталари бирла танишқанда, оғалари рост сўзни подшоҳи Мисрға айтур. Аммо оталариға ёлғон сабабидин падарозор бўлуб Худойи таолонинг ғазабига гирифтордур! Буларни яна Худойи таоло амирзода қилғон эмасдур! — дедилар. Тошқа яна бир уруб эдилар, яна бир овоз чиқди. Яна айдиларки, инсонни чоҳга ташлаб, кўнглагини қонга бўяб, бўри еди деб бир бўрининг тишини ушотиб олиб келди. Андин кейин ўн саккиз пучак ярмаққа сотиб, хат-муҳр берди! — дедилар. Булар ҳайрон бўлуб айдиларким: — Бу сўзларни ҳамаси ёлғондур! Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдилар: — Бу тош ҳаргиз ёлғон сўзламайдур. Тошга яна бир уруб эдилар. Яна айдики: — Юсуфни Малик Зуайрға сотиб хат битиб муҳр босиб бериб эди. Шул хат сизнинг хазинангизда бордур! — дедилар. Андин Иброҳимни буюрдилар. Иброҳим шул хатни топиб олиб чиқдилар. Ҳамалари хижолатга қолиб бизнинг мундоқ ишлардин хабаримиз йўқ! — деб турдилар. Ибн Ямин туруб айдики: — Эй подшоҳи олам, бу тош ҳар на айтадур, рост айтадур! Оғам тирик бордур! — дедилар. Бир нома битиб отамга иборсалар!? Бир абушқа ҳолиғача тортқан меҳнатлари озму? Яна анга Юсуф алайҳиссалом бор эмиш! — деб хат борса, дарди-фироқи зиёда бўлуб янги боштин ўт туташтиради, дермусан? — Подшоҳни олтун жомини сан ўғирлаб, бизни хижолатга қўйдунг! Яна шаккоклик қилиб мундоғ қилай дерсан! — дедилар. — Аммо қиёмат куни банданинг номаи аъмолини ўзига ўқитгай! Ой, кун, осмон, ер, қўл-оёғи, оғзи-ҳама аъзолари гувоҳлиқ бергай! Андин азоб қилғали фармон бўлгай! — дебдурлар.

АЛҚИССА, Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом нома битгали буюрдилар. Воқеани зикр қилиб, нома битиб бўлак кишидин Ҳазрат Яқуб алайҳиссаломга бергил! — дедилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг ғазаблари борган сари зиёда бўлди. Оғалари айдики: — Эй подшоҳи олам, барча халқни яратқан Худонинг ҳаққи ҳурматидин бизнинг мундин тўла расвою шарманда қилмағайсиз?! — деб ёлбордилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларким: — Сизларга отангизни ҳаққи-ҳурматидин сақламасак ҳаддин фузуну адалдин берун жазо турттирур эдим. На қилай, пайғамбарзодаларга озор бермак раво эрмас, деб Ибн Яминни олиб қолиб, буларга руҳсат бердилар. Ҳазратлари Ибн Яминни олиб қолмасам, муни ҳам душманлиқ қилиб йўқ қилур, деб баҳона қилиб олиб қолдилар. Чиқиб Канъонга равона бўлдилар. Яҳудо айдики: — Эй қариндошларим, сизлар боринглар. Ман туруб, бир илож қилиб, Ибн Яминни олиб борсам. Мундоғи воқеани отамга айтинглар, буён келсун десалар, борай, — деб ёндилар. Булар вақтики, Канъонга етдилар айдиларким: — Илгари бориб подшоҳи Мисрни номасини олиб борали, бўлмаса то ул воқеани англагунча атом паришонҳол бўлур! — деб. Илгари номани кўргузуб, андин ўзлари кирдилар. Кўришдилар. — Яҳудо бирла Ибн Ямин қани? — дедилар. Айдиларким: — Эй падари бузуруквор, бизга дуойи бад қилмоқга

сабр қилсунлар!?! Ҳама воқеа ушбу хатда. Яҳудо сиздин кўрқиб Мисрда қолди. Номани ўқидилар. Айдиларким: — Манга ҳар қачон дуобозлик қилиб панд урарсизлар?! Қилмаганларинг Яҳудо, Ибн Яминни мандин йироқ қилдинглар! — дедилар. Булар айдики: — Онҳама қилиб олиб келишни иложини қилолмадук! — дедилар. Жанг қилали десак ҳамамизни бандга солғудек кўрунди. Карвондин сўрсинлар? — деди. Ҳамалари хат ичидагидек таъбир бердилар. Ҳазрат Яқуб алайҳиссалом паришонҳол бўлуб, пайғамбарзодага Худойи таоло ҳаргиз ўғурлик қилмоқни буюрмас эрди. Бу нечук воқеа экон. Бир ўлуғни бу ҳолга солиб эди. Эмди учуни гамини чолга солур экан деб, паришонҳол бўлдилар. Эмди сабр қилмоқдин беҳроқ йўқ деб. Иншооллоҳ таоло ҳар учаласини қовуштиради дер эдилар. — Эй ўғлонларим, ҳар қисм панд урманлар ҳар учала ўғлумни иншооллоҳ таоло Мисрдин топарман деб подшоҳи Мисрға нома биттиллар. Номанинг мазмуни булким: «Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим! Манки Яқуб Исройилуллоҳ ибн Исҳоқ Баниюллоҳ ибн Иброҳим Халилуллоҳ, бобом Намруддининг ўтига сабр қилиб куймаган Халилуллоҳ атанди. Қариндошим Исмойил Худойи таолонинг ризоси учун бўғизлатмоққа ризо бериб, Забиҳуллоҳ атанди. Биз ҳам шундоғ балоларинг қазонида қайнаганларнинг авлоди турурмиз. Бир боламнинг ўти иштиёқида қирқ йилдин бери йиғлаб, кўзум оқарди. Ҳамиша анинг фироқида кўзум гирён, бағрим бирён бўлуб бетоқатлик қилурман. Бир кун Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом келиб, эмди Юсуфни оғзингга олмағил, мундин Юсуфни яна оғзингга олсанг пайғамбарлик дафтарини юварман! — деди. Шундин бери Юсуфнинг отини атамас эрдим. Ногоҳ хитоби Ҳазрат Илоҳий бўлдим, эмди Юсуфни атасанг бўлур деб, фармон бўлди. Анинг устига жароҳитимга туз қўюб, Юсуф бирла туғқан Ибн Яминни ўрнида кўрар эрдим. Ани ўғри деб тутуб қолибсиз! Бизлар андоғ кишилардин эмасдурбиз! Билманки, нечук бирлан олиб қолибсиз?! — деб. Илгариги борган фарзандларимга эъзоз-икромлар қилиб, охирида юрак-бағримга ниш урибсиз! Эй подшоҳи Миср, бир қайғулук нобино ситамзода бир абушқа турурман! Соқолим оқарди, белим эгилди. Манга раҳм қилиб, фарзандларимни иборинг?! Яхши дуо қилай! Жаҳонда яхшилиқ кўруб охиратнинг азобидин озод бўлурсиз! Биз фироқ кишиларидин турурмиз! Шоядки, бизнинг дуойимиз зоеъ бўлмаса керак!? Агар ул ўғлонларимни ибормасангиз, саҳар вақтида дуо ўқи бирла отарман!? Ҳама лов лашкари мамлакатларингиз нобуд бўлур! Тақи Юсуф деган ўғлумни топиб, хабарини айтурман деб экансиз!? Андоғ қилсангиз, Худойи таоло муродингизга еткургай! — дедилар. Порайи мушки санубар уруғини халта қилдук. Ани табаррук билиб сақланг?! Аммо менинг ҳожатларимни раво қилгайсиз?! — деб нома битиб Рупилга бердилар. Мисрға равона бўлдилар. Нечанд кунда Мисрға келиб номани Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломга бердилар. Номани очиб ўқуб атоларининг сўзларини эшитиб, бисёр паришон бўлуб, жавобга нома биттиллар. Айдиларким: — Ҳазрат Яқуб Исройилуллоҳ ибн Исҳоқ Баниюллоҳга подшоҳи Мисрдин сўз бу ким: — Манга иборган номангиз бобом Иброҳим алайҳиссалом Намруддининг ўтига сабр қилиб Халилуллоҳ атанди. Сабр қилмоқ мерос! Фарзандимни иборғил, бўлмаса, дуо ўқи бирла отарман! — дебсиз. Абоу ажлодингиз тоқат қилибтур! Сиз ҳам андоғ ишларга сабр қилмоқ Худойи таолонинг иродасига мунтазир бўлсангиз. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло муродингизга еткарур! — деб нома битиб ибордилар. Ҳазрат Яқуб алайҳиссалом номани кўруб хушвақт бўлуб, фарзандларидин умидвор бўлуб турдилар. Ногоҳ кўзлари уйқуға борди. Тушларида Ҳазрат



Жабройил алайҳиссалом келиб айдиларким: — Эмди андек фурсатта сиз ҳам Мисрға боруб, Юсуф бирла топишурсиз! — деб башорат қилдилар. Бисёр хушвақт бўлуб уйғониб намози шукрона ўқидилар.

**САВОЛ:** — Ҳазрат Одам алайҳиссалом уч юз йил йиглаб кўзлари оқармади. Ҳазрат Яқуб алайҳиссалом қирқ йил йиглаганга на учун кўзлари оқарди?

**ЖАВОБ:** — Ҳазрат Одам алайҳиссалом Ҳақ субҳонаҳу ва таолодин кўркувдин йиғладилар. Анинг учун кўзлари тоза турди. Ҳазрат Яқуб алайҳиссалом ўғлонлари учун йиғладилар. Ул сабабдин кўзлари оқарди! — дебдурлар.

**Айтибдурларким,** ҳар машаққатнинг охирида роҳатдур. Ҳар гамнинг охири севинчдур. Ҳар хушвақтликни охири-паришон! — дебдурлар. Чунончи, Юсуф алайҳиссаломдин оғалари сўрадиларким: — Подшоҳликни қайдан топтингиз? — Кулликдин топтим! — дедилар. Ҳар кимарса ўзини гуноҳдин сақласа, балоға сабр қилса, ҳар муроди ҳосил бўлур! — дебдурлар. АЛҚИССА, Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом оталариға нома ибордилар. Ҳазрат Яқуб алайҳиссаломнинг номаларини олиб келиб, ибн Яминни олиб ёнғали келиб эдилар айдилар. Оралиқда неча муддат ўтти: — Эй подшоҳи олампаноҳ, бизнинг арзимизга етиб, Ибн Яминни берсангиз? Отамизга олиб бориб берсақ! Биз ҳам хушвақт бўлсак? — деб илтимос қилдилар. Ногоҳ бир шамол келиб, Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг ниқобларини очди. Ҳамалари ўхшатилар, аммо илгари ҳам гумон қилар эдилар. Мардуд бўлуб туруб эдилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом юзларидин ниқобларини олдилар. Оғалари маюс, ҳамалари ерга боқиб, хижолатдин бош кўтара олмадилар. Охири туруб айдиларким: — Эй подшоҳи азизкарда, бизнинг ўтган гуноҳимизни афу қилинг?! Сизға Худойи таоло мунча давлат берибтур! Сизни биздин эъзозлаб пайғамбари барғузуда қилибдур! Биз сизнинг олдингизда гуноҳқорлардин бўлдиқ деб! Хижолатдин узрлар айтиб қўл боғлаб турдилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом ҳамалари бирла кўрушуб хушвақтлик бирлан: — Менинг сизларға ҳеч адоватим йўқдур! — дедилар. — Сизларнинг гуноҳларингизни Худойи таоло афу қилгай! Сизларни ҳеч кимга-кишига шикоят ҳам қилмадим. Ҳоло ҳам қилмасман. Чоҳга тушганнинг бадалида тахтға чикдим. Кул бўлуб сотилиб подшоҳлик мартабасиға еттим. Бу ишларнинг меҳнатидин халос бўлуб давлат, иззатга уландим, деб ҳамалариға подшоҳона сарупойлар бериб бир ёмонлиқға, ўн яхшилиқ қилдилар. Эмди кўнглагимни олиб боруб отамни олдиларида кўюнлар, хушхабар бўлсин! Ҳамаларинг боруб отамни, аҳли аёлларингизни мунда олиб келинлар! — дедилар. Яҳудо айдики: — Илгари ҳам қонлик кўнглакни бўри еди деб, ман олиб бориб эдим. Ҳоло ҳам ман олиб борсам. Илгариги шармандалиқдин халос бўлсам деб, кўнглакни олиб йўлга равона бўлди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом ўзларини оғалариға ошқора қилганлари тамоми Мисрға шуҳрат топди.

**Ҳикоят қилибдурларким,** Ҳазрат Яқуб алайҳиссаломни меҳрибон фарзандларидин жудо бўлмоқнинг боиси ул эрдиким, Мубашшир деган бир қуллари бор эди. Анинг бир ўғли бор эди. Боши, кўзи-чағир, бад чашм эди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломға эргашиб мактабхонаға борур эди. Ҳазрат Яқуб алайҳиссаломнинг қўлларида бир олма бор эди. Мактабхонанинг эшигидин ўтуб борғунча олмани Мубашширға бердилар. — Кириб ким чиройлик бўлса, шунга бергил! — дедилар. Олиб кириб ўзининг ўғлиға берди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом кўруб, манга ҳам олма беринг? — дедилар. — Ҳоло Мубашширдин киргизиб эдим! — дедилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом

айдиларки: — Узининг ўғлига берди! — дедилар. Мубашширни чорлатиб келиб олмани “Ким чиройлик бўлса шунга бер десам, ўғлунга берибсан!” — дедилар. — Манга ўзумнинг ўғлум чиройлик кўрунди, шунга бердим! — деди. Бедимоғ бўлуб асло сўзлай олмадилар. Бир йўл Мубашширнинг ўғли Башир Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни сўкуб эди. Ҳазрат Яқуб алайҳиссалом аччиқлаб, ман Баширни сотмасам деб аҳд қилдилар. Охир Баширни соттилар. Отаси ўғлининг фироқида чидай олмай муножот қилиб айдики: — Илоҳо, Яқубнинг бу Юсуфини, мани ўғлимни сан яратгандурсан!? Юсуфнинг сабабидин айириб юраг бағрига доғ қўйгайсан деб муножот қилиб эди. Дуоси мустажоб бўлди. Ул сабабдин Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломдин айрилибдурлар.

АЛҚИССА, Мубашширнинг ўғлини сотиб олган киши Мисрга олиб бориб эди. Хўжаси ўлуб Башир ўрнида машҳур савдогар бўлуб эди. Ул ҳам айдики: — Бу хабарни ман илгари олиб бориб Ҳазрат Яқуб алайҳиссаломга еткуруб дуо олай деб, йўлга кирди. Ногоҳ Яҳудодин илгари келиб, тевада туруб бир кишидин сўради. Аммо ул отаси эрди. Уғлини фироқида забун бўлуб, ул ҳам йўлга чиқиб ўлтурур эди. Сўрадиким: — Қайдин келурсан? — деб. — Мисрдин Ҳазрат Яқуб алайҳиссаломнинг ўғиллари Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг хабарларини олиб келурман! — деди. — Манинг ўғлимни ҳам хабарини билурмусан? — деди. Аммо мунини ҳам кўзи нобино бўлуб эди. Башир сўради: — Сани ўғлунг ким деб? — Манинг отим Мубашшир, ўғлумнинг оти Башир! — деди. Ўғли ўзини тевадин ташлаб: — Эй ота, ўғлунг Башир ман турурман! — деб. Бу ики меҳнатзада кучоқлашиб, йиғлашиб беҳуш бўлуб яна ҳушига келиб боқса, Мубашширнинг кўзи очилибдур. Яҳудо ярим йўлда эрди Мубашшир, Башир-ота-бола Ҳазрат Яқуб алайҳиссаломга Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг хабарларини баён қилди. — Сан ким бўлурсан? — дедилар. — Узлари сотқон Башир куллари турурман! — деди. Ҳазрат Яқуб алайҳиссалом бу сўзни эшитиб зор-зор йиғлаб айдиларки: — Эй Башир, нима хоҳлайдурсан? — дедилар. — Тирикликда ҳеч орзуйим йўқ, имонимни тиларман? — деди. Дуо қилдилар. Дуолари мустажоб бўлди. Ул аснода Яҳудо кириб келди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг қўнглагини оталари олдиға қўйди. Бисёр шодмон бўлуб, чандон шукурлар қилиб қўнглакни олиб кўзларига суртуб эдилар, кўзлари чироғдек равшан бўлди. Ҳама аҳли байтларини кўрдилар. Яҳудодин Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг ҳол-аҳволларини, қадду қомату малоҳату фасоҳатларини сўрадилар. Яҳудо ҳам бисёр таърифлар қилди. Ҳазрат Яқуб алайҳиссалом ҳушвақтликдин терилариға сифмадилар.

АЛҚИССА, Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом ибн Яминдан сўрадилар: — Канъондин келатурғон уруғ-қаёш қанча бордур? — дедилар. Тўрт юз киши сарҳисоб бердилар. Киши бошига юз мисқол олтун, юз мисқол кумуш, юз мисқол уд анбар, ифор, йўл жабдуғи, улоғ қилғали от, теваани асло ҳадди ҳисоби бўлмади. Бу молини Ибн Яминга бериб, нома биттиларким, мулозаматлариға ўзум бораи десам фармони Ҳазрат Илоҳий бўлмади. Ибн Яминни бош қилиб ҳама оғаларини ибордилар. Булар Канъонга келиб оталари қошлариға кириб айдиларким: — Эй Ота, Сиз Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг даргоҳида, сизнинг олдингизда шармандаю бадкорлардин бўлдуқ! Ҳақ субҳонаҳу ва таолодин бизнинг гуноҳимизни дархост қилиб тиласалар шоядки, афу қилгай деб! — Тавба қилиб йиғлаб турдилар. Шул кеча ОДИНА кечаси эди. Ушбу кечанинг ҳаққи ҳурматидин деб дуо қилдилар. Дуолари ижобат бўлди, дебдурлар. Эртаси асирайи набираларини жамъи қилиб ҳамасиға олиб келган ҳадияларини бердилар. Сотиб, ҳамалари

кийгулик, зебу зийнатларини ораста қилиб, Мисрға равона бўлдилар. Узларини хабарларини еткурмакка Рупилни ибордилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом Мисрнинг жамъи амир-умаро, вазиру, уламову фузало, акобиру ашраф, қозию халифаларни йиғиб буюрдилар. Миср халқи ҳам хушвақт бўлуб ҳар қайсилари ўз тоифалари бирла фирқа-фирқа бўлуб Канъон йўлига пешбоз чиқтилар. Илгари Мисрнинг шоҳлари олдиларига чиққан киши юз минг киши чоғладилар, чикдилар. Келиб бўсайи рикоб убудият бажо келтирдилар. Ҳазрат Яқуб алайҳиссаломни тавоф қилдилар. Андин кейин тўрт минг жиҳозлик тева ики маҳофа билан канизақлари келди. — Бу нечук канизақлар? — дедилар. Ибн Ямин айди: — Оғам Юсуф алайҳиссаломнинг канизақлари! — деди. Яна бир фарсанг йўл юруб эдилар бир пора юз қора тулик лашкар чиқди. Бу ким? — дедилар. — Оғам Юсуф алайҳиссаломнинг кечаю кундуз хизматларида туратурган қуллари дедилар. Алар бисёр иззат-хурматлар билан тавоф қилдилар. Андин кейин ўн минг оқ тўнлук, оқ дасторлик лашкар чиқди. — Бу кимдур? дедилар. — Мисрнинг олим, фузало, акобирлари! — деди. Булар ҳам келиб тавоф қилдилар. Андин кейин юз айло зарбофт нуқуд битиклук, юз минг лашкар бирла Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом гарди губор лашкарлари келур! — дедилар. Ҳазрат Яқуб алайҳиссалом тевадин тушуб пайдо бўлдилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом ҳам йироқдин оттин тушуб, жамъи лашкари билан олдиларига келиб бар вақт кўруштилар. Бу ики меҳнатзаданинг оташи иштиёкда умрлари ўтуб эрди. Бир-бирларини кўруб қучоқлашиб, муборак қўлларини бўйинларига солиб йиғлашиб гоҳ хушларидин кетиб, гоҳ хушларига келиб, масти ло яъқил бўлуб қолдилар. Бу аснода осмоннинг фаришталари олами балодин даричаларидин тафарруж кўрур эдилар. Жабройил алайҳиссалом етмиш минг фаришта бирла келиб, табақларда нуқра келтуруб, бошларига сочар эрдилар. Фаришталар ҳайрат тишлари билан, ҳайрат илklarини тишлаб, Ҳазрат Ҳақ субҳонаҳу ва таолога айдиларким: — Илоҳо, Худовондо, ҳеч кимга бу ота-ўғулдек меҳрибонликни берган эмассан, — дер эдилар. Хитоби Ҳазрат Илоҳий бўлдики: — Эй фаришталар, буларнинг меҳрибонлиги саҳдур. Охири замондаги дўстум Муҳаммад саллолоҳу алайҳи ва саллам рўсиёҳ умматларига мундин юз ҳисса меҳрибонлик қилур!-деди. **Вақтики**, Ҳазрат Яқуб алайҳиссалом ўғлонлари бирла топишқанларига ўғлонларга мунча ҳурмат, шон-шавкат берганига шукур қилиб, ўн бир ўғлонлари бирла Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломга туруб сажда қилдилар. Қовлуҳу таоло: **ва рофаъа абавайҳи аълал-Аърши ва хорру лаҳу сужжадан** (Кейин, Мисрға кириб Юсуфнинг саройига келганларидан сўнг) у ота-онасини ўз тахтига чиқарди ва улар (яъни ота-она ва акалари Юсуфга) сажда қилган ҳолларида йиқилдилар.12:100). Юсуф алайҳиссалом оталарига айдиларким: — Канъонда кўрган тушум ушбу эрди! — дедилар. Маҳлуқга сажда қилмоқ раво эрмасдур, аммо сажда уч қисм бўлур. Саждаи ибодат дерлар. Худойи таолога сажда қилмоқ керак. Саждаи тиловат дерлар: — Қуръонда **ўн тўрт** ерда келур. Анда қилмоқ лозимдур. Андин саждаи таҳият дерлар: — Улуғларга ҳурмат учун қилурлар. Чунончи, Ҳазрат Яқуб алайҳиссалом, ўғлонларига қилган саждага ўхшаш саждани ҳам саждаи шукрона дерлар. Андин кейин Ҳазрат Яқуб алайҳиссаломни шаҳарга бошлаб юрдилар. Шаҳарни кўчасида ойна боғлаб ҳама супаларда, гузарларда булбуллар сайрашиб, хушовоз ҳофизлар нағма навозлар қилдилар. Баргоҳи Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломга қирқ йилдин бери тортқан азоби, тортқон дарди, фиरोқу иштиёқлари хориж бўлуб, оталари ва ҳамаларини тахтга ўлтурғузуб ҳол-аҳвол сўрашуб, Ҳазрат

Яқуб алайҳиссалом сўрадиларким: — Эй Юсуф, шул куни оғаларинг мандин тилаб олиб чиқиб эдилар. Санга на ишлар қилиб, на воқеалар бирла бу ерга келдинг?! — дедилар. — Эй падари бузуруквор, бу сўзни мандин сўрамасунлар! Бу воқеани кишига айтмас бўлганман. Аммо зиндонда бўйнимга гўл, оёғимга занжир солдилар. Эғнимга эски чакман кийдуруб қўйдилар! — дедилар. — Ҳаргиз унутгим келмайдур! Кўзларимдин қонлар оқди. Гоҳо айтур эдим, кошки, мундоқ заиф аҳволимдин отам хабардор бўлсалар! Ҳазрат Ҳақ субҳонаҳу ва таолодин дархост қилиб, мундоғ қаттиг кунлардин халос қилур эди, деб йиғлар эдим. **Алҳамдулиллоҳ** қулликни орлиқидин подшоҳлиғни берди. Зиндонни меҳнат машаққатидин тахтга чиқарди, деб зиндонга туширганларидин бошлаб воқеани баён қилдилар. Андин илгари воқеани баён қилсам оғаларим ва Зулайхо уятиб хижолатга қолур! — деб айтмадилар.

**Ҳикоят қилибдурларким**, Ҳазрат Яқуб алайҳиссаломни онҳома иззат ҳурматлар билан шаҳарга олиб кирдилар. Тамоми Миср халқини йиғиб меҳмондорлик қилиб, дуову дуруд оталарига еткуруб сўрадилар: — Эй Миср халқи, Сизлар кимдурсизлар? Ман кимдурман?! — дедилар. Ҳамалари фарёди зори бирлан йиғлашиб айдиларки: — Эй подшоҳи олампаҳо, дилнавоз, жонкудозимиз турурсиз! Биз жамъи улуг-кичик, хосу ом, аҳли аёлимиз бирлан, эркак хотун сизнинг зархаридингиз туруرمىз! — дедилар. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом айдиларки: — Эи халойиқлар билинглр ва огоҳ бўлунглр! Бу пайгамбар гўзида ва нуридийда манинг падари бузрукворим турурлар. Мана буларнинг ҳамалари фарзанди аржумандлари, уруғ-қариндошим турурлар! Буларнинг қадам шарофатларининг ҳақи-ҳурматидин барчаларингни озод қилдим, — дедилар. Барча халойиқ фарёди нола бажо келтуруб, дуову дуруд адо қилиб, хушвақт бўлдилар Андин кейин барча мол мулкларнинг барисини эга эгасига ёндуруб бердилар. Шул замон барча халқга Ҳазрат Яқуб алайҳиссаломни ҳурматлари маълум бўлди. Бу қисм зоти бо барокотни билиб улуг-кичик ҳамалари басидқи диллари била: **ла илаҳа иллаллоҳ Якубун Исройилуллоҳ**, деб имон келтирдилар. Анга ўхшаш **вақтики**, аманно ва сиддиқно бўлганда аввалин ва охирин ҳама халқни жамъи қилиб, Ҳазрат Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ўнг қўллари Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом сўл қўлларини Ҳазрат Микойил алайҳиссалом тутуб мақоми маҳмудиға еткуруб нурдин минбар қўюб, ўлтурғузуб Ҳақ субҳонаҳу ва таолодин хитоб келгайким: — Эй аҳли аросат, сизлар ким турурсизлар, ман ким дегай? Халойиқ айтгайларким: — Илоҳо, Худовондо бизни офарида қилган сан турурсан. Бизлар сани осию жофий гуноҳкор ожиз бандаларинг бўлурмиз! — дегайлар. Шул замон фармони Илоҳий андоғ бўлгайким: — Эй осию, жофий гуноҳкор бандаларим! Сизлар дўстум Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг хотирининг шодлиғи учун ҳамаларингни Дўзахдин озод қилдим дегай! **Иншооллоҳ вароббул аъламин.**

**АЛҚИССА**, Яқуб алайҳиссалом қирқ йил умрларин авлоду асҳоблари бирла Мисрда яхши хўйлик, айшу фароғат бирла ўтқардилар. Бир куни Жабройил алайҳиссалом келиб айдиларким: — Яқуб эмди умрунгиз охирига етти, Шомга боринг, бу Мисрда малики Жаббор Фиръавннинг ўрни турур! Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом ҳизматда ман ҳам борсам, дедилар. Бу мамлакатнинг иши сизга фармон бўлди. Эмди сизнинг бирла қовушмоқ йироқдур, аммо онҳама жидду-жаҳд қилинғ, умрунгиз Мисрда тамом бўлмасун! Бу Жаббор ситамкорнинг ўрни турур, деб насиҳатлар қилиб Яҳудо Шамъун бирла ҳамроҳ қилиб

қўчуб Шомға юрдилар. Ўзга ўғлонлари мунда қолди. Бориб Ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломнинг машҳадларида мутавагин бўлдилар. **Охирул-амр** бир куни Қобизул-арвоҳ келиб фармони Илоҳийни еткуруб, руҳ пур футуҳларини баданларидин олами афлокға элтдилар. Жасади муборакларини такфин-тажҳиз қилиб абову аждодаларининг машҳадларида дафн қилдилар.

**Ривоят қилибдурларким**, ул воқеа андоғ эрдиким, Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг фармони бирла Ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломнинг жасадларини Ҳазрат Исмойил алайҳиссалом ва Ҳазрат Исҳоқ алайҳиссалом олиб келиб бир горда қўюб чиқдилар. Ул горнинг оғзи беркилиб қолди. Ҳеч шикифи қолмади. Ҳазрат Яқуб алайҳиссаломнинг жасадларини олиб келиб қичқурдилар. Горнинг эшиги очилди. Овоз келдики, фарзанди аржумандимни бери келтурунглар! — деб. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом ёнларида қўйдилар. Горнинг оғзи яна беркилиб қолди. Нечанд кун туруб, дуойи такбир қилиб Мисрға ёндилар.

**Ҳикоят қилибдурларким**, Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломға Райён Малик, айдиким: Ё подшоҳи олам, оғаларингиз ажаб пур баҳодир, шижоатлиқ зоҳир бўлурлар. Аларнинг куч-қувватларини тамошо қилсақ? — деди. Халқни йиғиб шикорға олиб чикдилар. Бир ерга келиб Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом бир улуғ тош бор эди, пешипо урдилар, қирқ қари ерга бориб тушди. Яҳудо бир арслонни тутуб келди. Рупил бир йўлбарсни тутуб келди.

**АЛҚИССА**, ҳар қайсилари бир қасм зўр бозулиқ кўрсатдилар. Райён Малик таҳсину офаринлар қилди. Айдиким: — Ё подшоҳи олам, ҳўб оғаларингиз бор экан. Ҳар қайсилариға лашкар қўшуб берали! Ҳар шаҳарни мусаххар қилиб олсун! — деди. Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом маъқул кўруб, ҳар қайсилариға лашкар қўшиб бердилар. Ики-уч шаҳарни олиб анга мутасадди бўлдилар. Бани Исройилуллоҳ деган тоифаларининг авлоди дебдурлар.

**Ҳикоятда келтирубдурларким**, Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом хаёл қилдиларким, эмди мунча давлат иззат кўрдум. Бориб ота-бобомнинг машҳадлариға еткурай! Шул замон хушвақт бўлуб, машҳадларини тавоф қилсам деб, ташқари чиқдилар. Бир-ики тўқимлик от пайдо бўлуб айдиким: — Эй Юсуфу Сиддиқуллоҳ мен Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг фармони бирла келдим. Манга минингиз, ота-боболарингизни машҳадлариға еткурай!? — деди. Шул замон хушвақт бўлуб, ул отқа миндилар. Бир соатда бир ерга олиб келди. Бу оламда андоғ ерни ҳечким кўрмаган бўлғай. Боқсалар бир тарафда уч минбар қўюбдур. Бирида Ҳазрат Иброҳим, бирида Ҳазрат Исҳоқ алайҳиссалом, бирида Ҳазрат Яқуб алайҳиссалом ўлтурубдурлар. Келиб салом қилдилар, ҳам меҳрибонлиқ бирла илтифот қилиб айдиларким: — Сизнинг умрингиз боқий турур! Боруб мусулмонларға имон-исломдин таълим беринг?! — дедилар. Андин келиб подшоҳлик тожини ташлаб руди НИЛ дарёсининг лабида бир гўшада ўлтуруб, ибодат қилиб муножот қилдиларким: — Илоҳо, парвардигоро, мани улуғ подшоҳлиқ мартабасиға улантурдинг, туш таъбирини, илм ҳикматни бериб пайғамбарлик даражасиға еткурдинг! Эмди бу оламнинг бақоси йўқ экан, менинг дуомни ижобат қилғил? Қовлуҳу таоло: **таваффани муслиман вал-ҳиқни бис-солиҳина** ((Ажалим етганида)мусулмон ҳолимда жонимни олгин ва мени солиҳлар(қатори)ға қўшгин". 12:101). Илоҳо, мени бу оламдин мусулмонлиқ бирла элтгайсан?! Абову аждодимни суҳбатини каромат қилгайсан? — деб дуо қилдилар. Дуолари ижобат бўлди. Ул замон Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом келиб айдиларким: — Худойи таоло салом ярлақади. Сизнинг умрингиз уч

кунлик қолди. Охират, ишига муқаййид бўлунг! — дедилар. Уч кундин кейин оғаларини чорлатиб, вило қилишиб ўз ўринларига Мисрға Яхудони подшоҳ қилдилар. Ҳар қайси оғаларига бир шаҳарни вилоят қилиб ўлтурғузуб айдилар: — Муборак руҳи пур футуҳлари олами афлокга тайрон қилди. Ҳазрат Жабройил алайҳиссалом Беҳиштдин уч хулла келтуруб кафан қилдилар. Аммо Зулайхонинг ибодатхонаси шаҳардин тўрт фарсанглик йироғ эди. Анга хабар қилдилар. Сарбараҳна побараҳна сочларини юлуб, бошларига туфроқ сочиб, келиб Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг тобутларини кучоқлаб, юзини суртуб айдиким: — Неча маҳал Юсуф алайҳиссаломнинг фироқида кўзим нобино бўлди ва яна Юсуф алайҳиссалом дуолари бирла очилиб эди. Яна Юсуф алайҳиссаломдин қолиб, ҳеч нимага қарай олмайман! — деб йиғлаб муножот бадаргоҳи қозиюл-ҳожот қилиб айдиким: — Узингга ҳам маълумки, Юсуф алайҳиссаломнинг ўт-фироқини кўтаргунча аҳволим йўқдур!? Менинг жонимни олғил?! Юсуф алайҳиссаломни суҳбатиға восил қилғил? — деб дуо қилиб эди ул замон жон баҳақ таслим қилди. Ики жанозаға бир намоз қилиб дафн қилдилар. Аҳли авлодлари бўлак, Миср ҳалқи бўлак нолаву зор қилур эдилар. Билмак керакки, ҳар жондорки ўлум шарбатини тотмай қолмас! Ҳазрат Юсуф алайҳиссаломни аввали меҳнат, ўртаси машаққат, охири бахт»давлат эди. Узга пайғамбарларнинг воқеаларини қисса дерлар. Бу қиссани **Аҳсанул-қисас** дерлар.

Худойи таоло буларнинг воқеаларини **Каломи Мажидда** бир сура тамом ёд қилибдур. **Валлоҳу аълам бис-савоб.**



## “Саккизинчи мўъжиза” билан учрашув

**О**датда, бадиий ижод психологияси ҳақида, ёзувчи меҳнати, бадиий асарнинг дунёга келиш жараёни, изланиш машаққатлари ҳақида кам ёзилади. Ёзганлар ҳам, аксарияти адабиётшунос олимлар қаламига мансуб.

“Асосий айбдорлар” – бу, ниҳоятда нозик ва мураккаб соҳанинг эгалари – ёзувчиларнинг ўзлари эса негадир бу ҳақда кам ёзадилар, кам гапирадилар. Шунинг учун бўлса керак, бадиий ижод ҳамиша сирли ва сехрли бир маъво бўлиб қолаверади.

Бу соҳада айниқса, Европа ва рус ёзувчилари илгор эканликларини тан олмоқ жоиз. Мен бу ўринда, адабиётнинг, бадиий ижоднинг кўзга кўринмас, теран қатламларигача ўрганишга, кузатишга, тажриба қилишга журъат этган машҳур адиблар Жек Лондоннинг “Мартин Иден”, Сомерсет Моэмнинг “Сўнгги нуқта”, Эрнест Хемингуэйнинг “Чошгоҳдан кейинги ўлим”, “Сенинг байрамларинг”, М.Горькийнинг “Адабиёт ҳақида”, К.Паустовскийнинг “Олтин гул”, М.Пришвиннинг “Бўтақўзлар”, В.Кавериннинг “Ёзув столи”, В.Катаевнинг “Хаёл чечаклари”, С.Антоновнинг “Ҳикоя нима?” сингари асарларини эслагим келади.

Тўғри, бу китобларнинг баъзилари роман ё қисса ва ёки эссе шаклида, баъзилари хотиралар, шахсий кузатувлар, адабий ўйлар асосида яратилган. Лекин шунга қарамай, ҳаммаси бадиий ижод оламининг мўъжизалари ҳақида ҳикоя қилади.

Таассуфки, бизда айнан бу жанрга кам қўл урилган. Хусусан, Абдулла Қодирийнинг “Менинг адабий тажрибам ёш ёзувчиларимизга”, “Майда ҳикоялар ёзганда сўзни қандай тежаш керак”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Ёшлар билан суҳбат”,

Асқад Мухторнинг “Ёш дўстларимга”, “Тундаликлар”, Саид Аҳмаднинг “Назм чорраҳасидан репортаж”, Эркин Воҳидовнинг “Шоиру шеър шуур” сингари айрим асарларинигина мисол қилиб келтириш мумкин.

Шу маънода, куни кеча чоп этилган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг “Саккизинчи мўъжиза” китобини бу йўлдаги хайрли ишлардан бири дейиш мумкин.

Китоб “Машаққатли сафар”, “Саккизинчи мўъжиза”, “Юзма-юз”, “Нуқталар”, “Хатлар, қайдлар, фикрлар”, “Ҳаёти ва ижодининг муҳим саналари”, “Ижод йўлидаги бекатлар”, “Библиография”, “Адиб ижоди ҳақида” сингари бўлимларга ажратилган бўлиб, ҳаммаси бир мақсадга – дунёдаги “етти мўъжиза”дан кейинги “саккизинчи мўъжиза” – адабиётга, ана шу мўъжизанинг замирида ётган Истеъдод ва унинг табиатига қаратилган.

Китобни нашрга тайёрловчи, сўзбоши муаллифи ва қайдлар, библиография бўлимларининг тузувчиси филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев. Масъул муҳаррир – филология фанлари номзоди, доцент Иброҳим Фафуров. Тақризчилар – филология фанлари докторлари, профессорлар Умарали Норматов ва Абдуғафур Расулов.

Муаллиф бадиий ижод ҳақида сўз юритаркан, кўп саволларни ўртага ташлайди ва аксариятига ўз тажрибалари ва кузатувларидан келиб чиққан ҳолда жавоб беради.

Масалан, “Ижодкор бўлиш нимага боғлиқ?” деган саволга қисқагина тўхталиб, “Албатта, ҳақиқий ижодкор бўлиш учун тинимсиз меҳнат қилиш ҳам, мустаҳкам соғлиқ ҳам, ҳаёт тажрибаси ва теран билим ҳам керак” деб

фикр юритади-да, “Аммо ижодкор бўлиш учун энг аввало истеъдод керак. Истеъдодни эса ёлғиз Оллоҳ беради!” деган хулосага келади.

Ёки, “Дунёдаги энг мукаммал асар қайси?” деган саволга “Хар жиҳатдан тўқис ва мукаммал асар йўқ ва бўлиши мумкин эмас!” деб жавоб бераркан, ўз фикрини давом эттира бориб, “Шунга қарамай, хар жиҳатдан мукаммал Китоб бор. Агар “Асар” деб аташ гуноҳ бўлмаса, Бу Оллоҳнинг каломи – “Қуръони карим” дир, деган хулоса ясайди.

“Саккизинчи мўъжиза” китобида бу хил қизиқарли фикр-мулоҳазалар, ўйлар ва қайдларни кўплаб учратиш мумкин. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, адиб кўп ўринларда ўзининг ижодий тажрибаларига суянган ҳолда мисоллар келтираркан, китобхон кўз олдида “Баҳор қайтмайди”, “Дунёнинг ишлари”, “Икки эшик ораси” сингари машҳур асарларининг яратилиши жараёни билан боғлиқ маълумотларни ҳам келтирадики, бу нафақат қизиқарли, балки китобхонлар, айниқса, ёш ижодкорларга фойдали деб ўйлайман.

Шунга қарамай, китобда айрим жузъий, кейинги нашрларда тузатиш мумкин бўлмаган камчиликлар ҳам учраб туради.

Жумладан, “Адиб ҳаёти ва ижодининг муҳим саналари”, “Ижод йўлидаги бекатлар”, “Библиография” сингари бўлимлар, Ўткир Ҳошимов ижоди ҳақидаги маълумотлар алоҳида қисм сифатида тартиб берилиб, унинг тузувчиси ва

тўпловчисининг Ҳамидулла Болтабоев алоҳида таъкидлаб келтирилса ёмон бўлмасди.

Иккинчидан, китоб муқовасига рақс тушаётган илҳом парилари ва яна бир мўъжиза – нилуфар тасвири танлангани яхши. Аммо сифати етарли даражада тиниқ эмас, ярқ этиб кўзга ташланмайди.

Булардан ташқари, адибнинг маълум ва машҳур асарларини театр сахналарига ва телеэкранга олиб чиққан таниқли режиссёрлар Мираббос Мирзааҳмедов, Толиб хожи Ҳамидов, марҳум Ибодулла Ниёзметов, Эргаш Масофаев, Рустам Бобохонов сингари санъаткорлар ҳам икки оғиз эслатиб ўтилса, нур устига нур бўларди.

Шунингдек, китобда ўқувчи гашига тегадиган қатор имловий хатолар ҳам учрайдики, уларни кейинги нашрларда албатта, бартараф этмоқ керак.

Умуман олганда, бу китоб сеvimли адиб ҳаёти ва ижоди, адабий фаолиятининг шаклланиши, ўзига хос маҳорат сирлари ҳақида тўлиқ тасаввур уйғотиши аниқ. Негаки, унда Ўткир Ҳошимовнинг илк қисса ва ҳикояларидан тортиб, маълум ва машҳур романларигача, қачон, қаерда, қайси тилларда нашр этилганигача муҳим маълумотлар келтирилган. Бу эса хар бир адабиёт муҳлисини бадий ижод-нинг мўъжизакор оламига бошлай-ди, унда Адабиётга, Сўзга муҳаббат уйғотади, унинг қудратига ишонч ҳосил қилади ва тадқиқотчилар учун ҳам зарур манба бўла олади.

Эркин УСМОНОВ





Чингиз АБДУЛЛАЕВ

**Борса келмасдан қайтганлар***Роман*

Бу ғайритабиий топшириқ эди. Жуда қийинчилик билан бажариладиган, аммо ижросидан сўнг қайтиш ундан ҳам мураккаб бўлган топшириқ. Улар Шарқ-қа — фуқаролар уруши гирдобида оловланиб ётган, халқаро махсус хизмат кучлари томонидан парчалаб ташланган мамлакатга боришлари керак эди. Вазифани адо этиш учун мукамал даражада тайёрланган ва ҳар бири ўзига хос “афсоналар” билан таъминланган, маҳаллий тилларни, аҳолининг ахлоқ-одоб қоидаларини, урф-одатларини яхши биладиган саккиз нафар россиялик разведкачи сафарбар этилади. Аммо, улар бир нарсани — топшириқ адо этилгач, гуруҳ аъзоларидан бирортаси тирик қоладими, йўқми, шуни билмайди...

Бешаласи йўлга чиққанидан бери уч соатлар вақт ўтган бўлса-да, кўз тегишдан чўчиб, Машков соатига қарамасликка уринарди.

Аслида улар етти киши эди. Аммо, мана шу ўрмонда иккитасини йўқотишди. Агар мўлжалланган жойгача яна икки соатлар борлигини айтмаса, бу ёмон натижа эмасди.

Уларнинг бешови ҳам зобитлар эди. Ҳаммалари қолган икки соатни босиб ўтишнинг қанчалик оғирлигини яхши билар, ҳар бири шовқин-суронсиз, оҳиста қадам босишга, қайси қиёфада келишидан қатъи назар, ҳар лаҳзада ажалга чап беришга уринарди.

Асабларан шу даражада таранг тортилган эдики, Машков бу аёвсиз уқубатга одамларидан бирортасининг дош бера олмай қолишидан чўчирди. Зеро, ҳаммалари ҳам қийин, ўта қийин бўлишини билсалар-да, аммо бу даражада машаққатли эканини хаёлларига ҳам келтирмаганди.

Олдинда катта лейтенант Чутов борарди. Баланд бўйли бу йигит сиртдан тепса тебранмасдек кўринса-да, хавф-хатар туғилган пайтда бирдан ўзгариб кетарди. Бутун гуруҳнинг муваффақияти унинг зийраклиги ва чақмоқ тезлигида қабул қиладиган қарорига боғлиқ бўлиб, мабодо, икки-уч сонияга кечикса ҳам, гуруҳ сўзсиз яксон қилинарди.

Иккинчи бўлиб лейтенант Ҳабибуллин борарди. Ёшлигига қарамай, икки карра спорт устаси, парашютдан икки юз мартадан кўпроқ, шу жумладан, уч бора номаълум ҳудудларга сакраган. Мабодо Чутов хато қиладиган бўлса, тушадиган зарбага Ҳабибуллин кўксини қалқон қилиши лозим эди.

Учинчи ўринда эҳтиёткорлик билан капитан Борзунов одимларди. У аввал Афғонистонда ҳам жанг қилган, ҳали ёшгина лейтенант пайтида ўз взводи билан чекинаётган танклар карвонининг ҳимоясини таъминлаган, оғир жанглардаги иштироки учун орден билан тақдирланганди. Борзунов рацияни ортмоқлаб олганди. Гарчи, у гуруҳдаги энг бақувват, энг тажрибали зобит бўлса-да, ҳарбий анъанага кўра, гуруҳга бошлиқ қилиб, унвони баландроқ майор Машков тайинланганди.

Машков ҳам Афғонистондаги урушда иштирок этишга улгурган, Абхазияда жангариларни қуролсизлантиришда қатнашган, Тожикистонда ҳам жанг қилганди. Тўғри, унинг чегарада олган жароҳати ва олти ой сафда бўлмагани ҳарбий тайёргарлиги ва жисмоний чидамига озроқ салбий таъсир кўрсатиши эҳтимолдан холи эмасди. Шундай бўлса-да, жанговар тажрибасини ҳисобга олган қўмондонлик уни гуруҳ раҳбарлигига тайинлашни лозим кўрди.

Сафнинг охирида катта лейтенант Дубчак борарди. Камгап ва мудом индамас Дубчакнинг чекиниш ва ҳужум пайтларида тенги йўқ бўлиб, ҳужумчиларни ўз пулемёти билан чалғитиб турарди.

Дубчак ўз взводи билан Чеченистонда ашаддий жиноятчиларни қўлга тушириш бўйича махсус топшириқни бажариб қайтгандан сўнг дарҳол гуруҳга тушганди.

Бешала зобит ҳам эрталаб ўрмонга кириш чоғларидаёқ, фақат биргаликдагина чиқа олишларини, ёлғиз ҳолда соғ-омон чиқиш бирортасининг қўлидан келмаслигини биларди. Аммо, гуруҳ ҳолида ўтиб олиш ҳам осон эмасди.

Ўнг томондан нимадир қарсиллади. Беш киши жойида қотди. Гуруҳнинг икки аъзоси Ҳабибуллин ва Машков одатий кўникмага мувофиқ, автоматларини дарҳол ўша томонга қаратишди.

Чутов кўз қирини ўнг тарафга салгина ташласа-да, ҳамон олдинга тикилиб турарди. Борзунов эса, аксинча, чап тарафга қайрилди.

Бешаласи ҳам ўз соҳасининг моҳир устаси бўлиб, ҳар қандай шовурга ҳам-маларининг бирваркайига ўгирилиб қараши мумкин эмаслигини яхши билишарди.

Шовқин уларни чалғитиш учун кўтарилган бўлиб, қутилмаган томондан ҳужум қилиб қолишлари мумкин эди. Бу сафар ҳеч нарса рўй бермади, хавотирлари беҳуда бўлиб чиқди.

Чутов қўлини кўтарди. Ҳамма ишорани сўзсиз тушунди ва йўлда давом этишди. Анъанага кўра, гуруҳ бошлиғи олдинда ҳам, орқада ҳам юришга ҳаққи йўқ эди. Бундай хатарли вазиятда етакчининг ўқ узишдаги чапдастлиги эмас, ақл-фаросати қадрланарди. Шунинг учун ҳам бошлиқни ҳарбий қисмнинг байроғи сингари ардоқлаб, ҳар қандай ўқдан асрашга ҳаракат қилишарди.

Бунақа операцияларда гуруҳ олдига қўйилган вазифанинг тўлиқ моҳиятини фақат бошлиқгина биларди.

Гарчи, бу сафар бирор ўзига хос сир бўлмаса-да, улар ушбу ўрмондан икки соатлардан сўнг беталафот чиқишлари шарт эди. Бу асосий ва энг оғир вазифа ҳам шундан иборат эди.

Ўнг томонда яна қанақадир тушунарсиз шовқин эшитилди. Борзунов норози бўлиб бош чайқади. Мунтазам эшитилаётган бу шовурлар унга асло ёқмаётганди.

Машков уни сўзсиз тушунди ва Ҳабибуллинни кўрсатди. Борзунов унинг елкасига астагина туртди-да, куралини ўнг тарафга қаратди.

Шу пайт Машков бошини сал буриб, Дубчакка чап томонни кўрсатди. Чутов нафасини ичига ютиб, тек қотди; Ҳабибуллин эҳтиёткорлик билан ўнг тарафга бир неча қадам ташлади. Дубчак худди унинг соясидек, ҳаракатини айнан такрорлаб, чапга ўтди.

Тўсатдан Чутов олдинда ниманидир сезиб қолди. Кўрди эмас, айнан сезди. Қўлини қисқагина сермаган заҳоти ўрмон ичи автоматларнинг узлуксиз тариллашига тўлди.

Борзунов ҳар қалай хато қилмаганди. Ўнг томонда атайлабдан шовқин кўтариб, уларни чалғитишмоқчи бўлишган экан. Гуруҳга ҳужум қиладиганлар эса аслида чап томонда ўрнашганди. Бу вазиятда энг ёмони шунда бўлдики,

Дубчак ўзини чапга олаётган пайтда Чутовнинг ишорасини пайқамай қолди. Ўқ унинг нақ пешонасига тегди.

Машков ҳужум қилаётганларнинг ўқи остида Дубчакнинг ёнига эмаклар бориб, пулемётни эгаллади. Кейин ўгирилиб, ўша томонга қарата қаҳр билан ўқ ёғдирди. Аламидан бутун вужуди титрарди, ахир Дубчакка ишончи жуда баланд эди-да.

Чутов сал олдинга силжиб, иккита граната улоқтирди. Портлашдан сўнг бирдан сукут чўкди, Ҳабибуллин қайтишга улгуриб, Дубчакнинг жойини эгаллади. Машков эса ўз жойига чекинди.

Қисқа тўқнашув деярли ўн беш дақиқа вақтни олди. Шошилиш керак, улар улгуролмасликлари мумкин эди.

Машковнинг ишораси билан тўрталаси яна бир сафга тизилишди.

– Бу “Барс” деганлари ғирт итвачча-да, – тўнғиллади Борзунов паст овозда, – одамни шунақа ҳам қийнайдимми?

Унга ҳеч ким жавоб бермади.

Улар “Барс” деб ҳозир навбатдаги ғаламислик ҳақида бош қотираётган генерални айтишарди.

Агар дарахт тепасига ўрнашиб олган снайпер ҳисобга олинмаса, қолган ўттиз дақиқа анча тинч кечди.

Асаби кўзиб турган Чутов уни пайқамай қолди. Аммо, Борзунов снайпер милтигининг заиф ялтираши кўзига чалинар-чалинмас, унга қарата ўқ узишга улгурди.

Машков, ниҳоят, соатига қаради. Яна қирқ беш дақиқа вақт қолибди. Ҳали анча йўл бор. У ҳали хато қилаётганини сезмасдан, гуруҳини шоширди.

Бу лаънати ўрмонда ҳар нарсани кутса бўлади. Аммо, бунақасини... Тўсатдан зулмат чўкди.

– Кўзойнаклари тақинглар, – эшитилар-эшитилмас буюрди Машков.

Энди бутун атрофни инфрақизил нурлар орқалигина кўриш мумкин эди.

Улар изма-из олға боришаркан, Борзунов ўзини сал чапга олиб, рацияни асрашга ҳаракат қиларди. Мана шу Ҳабибуллинни чалғитди.

У чап томонга икки қадам ташлаган заҳоти ботқоққа кулаб тушди. Бақирини мумкин эмасди. Лейтенант кўлларини жон ҳолатда силкиб, чиқиб олишга уринарди, бироқ сувга янада чуқурроқ ботди.

Борзунов унга кўл чўзмоқчи бўлди-ю, ўзининг ҳам қулашига сал қолди. Машков орқага ўгирилиб, қисқача сўкинди, пулемётни зарб билан тасмасидан ажратиб, Ҳабибуллин тарафга отди.

Бироқ, энди лейтенантга ёрдам бериб бўлмасди.

У тинмай типирчилаб чиқишга уринаётганига қарамасдан, тобора сув тубига чўкиб борарди.

– Жўнанглар, – секингина ўтинди Ҳабибуллин, – кетинглар. Кечикасизлар.

Машков бир қадам олдинга жилмоқчи эди, Чутов бошини салгина қимирлатиб, уни тўхтатиб қолди.

Бу ердаги ер ёриқлари ғоят хатарли эди.

Шу пайт пулемётнинг тариллагани эшитилди. Учаласига ҳам ҳодиса рўй берган жойни тарк этишга тўғри келди.

Кетар чоғда сув ичида кўлини сермаётган Ҳабибуллинни кўрмаслик учун Машков орқасига қарамасликка тиришарди.

Йигит ҳаммасини тушунар, бошини қимирлатиб шимол томонга ишора қиларди.

Улар яна икки марта отишмага дуч келишди.

Ўрмондан чиқишларига ўн дақиқа қолганда тўсатдан зулмат ёришиб, устларига миномёт ўқи ёғилди. Кейин улардан бирортасини босиб қолгудек бўлиб,

учта дарахт гурсиллаб қулади. Лекин, энг кўрқинчилиси бу эмасди.

Ўрмон тугай деган пайтда рациядан ажралишларига сал қолди. Навбатдаги снайпер Борзуновнинг елкасидаги кичик қутини уриб туширишга ҳаракат қилди. Бу сафар Чутов панд бермади, қоидага хилоф бўлса-да, автомат магазинидаги барча ўқларни сарфлаб, снайперни қулатди.

Ниҳоят соат икки дақиқа кам учда улар “тўртинчи” деб номланган ойна-ванд том тагига киришди.

Шу лаҳза “Барс” пайдо бўлди.

— Ёмон эмас, — деди бош ирғаб, — ўрмондан ёмон ўтмадинглар. Ҳатто, рацияни ҳам сақлаб қолдинглар.

Йигитлар ҳарсиллаб нафас олган кўйи барча қийинчиликлар ортда қолди, деб ўйлашаётганди. Чунки, генералнинг феълени яхши билишмасди. Капитан Борзунов ўша жин ургур қутини елкасидан тушираётганда айвоннинг томи бо-сиб тушди. Тепада яшириниб турган снайпер автоматдан уларга қарата ўт оч-ганди.

Агар Борзунов рацияни ечишга шонилмаганда, чап бериб қолишга улгурар-ди. Чутов билан Машков эса жавоб ўқини узиб, ўзларини айвонча четига отиш-ди. Борзунов бўлса, қорнидан ўқ еди.

— Сиз ўлдирилдингиз, капитан, — деди “Барс” хотиржамлик билан, — ҳеч ким ҳудуддан чиқиб бўлганингиз ҳақида ишора бергани йўқ. Яна ярим дақиқа вақтингиз бор эди.

Борзуновнинг юзи даҳшатли бўғриқиб, автоматини олди-да, генералга қара-та ўқ узди. Аммо, у кечикди. “Барс” ундан олдин улгурди — капитаннинг қоқ пешонасига кўк бўёқ зарб билан урилди.

## II

Аслида барча кўнгилсизликлар ўша куни эрталабдан бошланди. Заставага ҳеч қанақа огоҳлантиришсиз отряд бошлиғи учиб келди Ўн бир ойдирки, под-полковник ҳеч бунақа қилмаган ва унинг бунақа қилишини ҳеч ким кутмаганди. Навбатчилар ухлаб ётар, йигитлардан бири умуман жойида йўқ эди. Унча узоқ бўлмаган кўшни қишлоққа кетворганди. Катта лейтенант Никитин бўлса ҳаддан ташқари кўп ”отиб” қўйиб, хонасида деярли ўзини билмай ётарди.

Раҳбариятнинг келганини билиб, застава бошлиғи капитан Шершов ғижим-ланган мундирини аранг топди-да, вертолёт кўнгунга қадар кийинишга ҳам ул-гурди. Омад келгани шуки, соқчилик минорасида навбатчилик қилаётган сер-жант Машченко отряд бошлиғининг вертолётини рақамидан таниб қолди.

Штат бўйича заставада аскарлар сони эллик учта бўлиши керак бўлса-да, ҳозирча ўттиз тўққиз аскар, олтига ўрнига тўртта офицер ва прапоршик хиз-мат қиларди. Баланд тоғ тепасида жойлашган заставага элликка яқин ҳовли-дан иборат кичик Бараш қишлоғига олиб борадиган ва контрабандачилар жон-жон деб фойдаланадиган тоғ сўқмоғини кўриқлаш топширилганди.

Шершов ичида бор дунёни лаънатлаб, вертолётдан сакраб тушаётган под-полковник томон шонилди.

— Ўртоқ подполковник, застава бошлиғи капитан Шершов...

— Кейин гаплашамиз, — деди подполкник Салтиков негадир ғижиниб, — бунинг учун келганим йўқ.

Шершов вертолётдан яна икки киши тушаётганини кўрди.

Уларнинг тўладан келган барваста, чорпахилдан келган важоҳатлиси фуқа-роча ёмғирпўш кийган, иккинчи ёшроғи ҳарбий кийимда бўлса-да, погонсиз эди. Шершов меҳмонларни кўргач, бутунлай қаҳрга тўлди. Ахир, Салтиков келиш-лари ҳақида огоҳлантириб қўйса бўларди-ку. Бу ерда ўйинчоқ ўйнашаётган бўлмаса,

нарига томондан ҳар қандай вақтда ўққа тутиб қолишлари ҳеч гапмас.

У Машченкога ўқрайиб қарашга улгурди. Сержант шу ҳаёти кеча навбатчиликдан қайтган прапоршикни уйғотгани чоғди.

Никитинни уйғотишнинг умуман иложи йўқ бўлиб, учинчи зобит — лейтенант Пономарев эса эрталаб постларни текширгани кетганди. Аскарлар ва офицерлар етишмаслиги туфайли улар қоидага хилоф бўлса-да, навбатчилик адо этишнинг ўзига хос йўлни ўйлаб топишганди. Постлар шунақа пана жойларга жойлашган бўлиб, улардан лаънати сўқмоқни бемалол кузатса бўлар, айти дамда ўнг ва чап тарафдаги постлар ҳам бир-бирини кўриб турар, ҳар қандай вақтда ёрдамга етиб кела оларди. Биринчи постда, ҳатто, гранатомётчилар учун ҳам жой ҳозирлаб қўйилганди. Қолган икки постни кўчма, деб атаса ҳам бўлар, у ердаги кузатувчилар давлат чегараси ўтган қияликларни айланиб юрган ҳолда назорат қилишарди.

Аммо, меҳмонлар застарага умуман эътибор қилишмади. Ҳатто, улар Шершов минг азоб билан топиб ўрнатган янги сув идишга ҳам қараб қўйишмади. Дарҳол застара бошлиғининг иш бўлмасига йўл олишди. Хонанинг бир қадар батартиб эканини ўйлаб, Шершовнинг кўнгли сал тинчиди.

— Ҳўш, Шершов, нима гап, — деди подполковник худди ўзининг уйига келгандек курсига бемалолроқ жойлашиб, — ҳамма томон тинчликми?

Қолган икки меҳмон ҳамон сукут сақларди.

— Нима десам экан, — эҳтиёткорлик билан жавоб берди капитан, нотаниш кишиларнинг ҳузурда нима дейишини билолмасдан.

— Анчадан бери отишма бўлмаяпти, шекилли? — сўради Салтиков.

— Ўн кунлар бўлди. Алимов яралангандан бери тинчиб қолишди, — Шершов қўли билан Афғонистон томонни кўрстади.

Бу тожик-афғон чегарасидаги энг оғир жойи ҳисобланарди. Шершов Салтиковнинг отрядида бирорта қурбонсиз кун бўлмаслигидан яхши хабардор эди. Худога шукрки, тоғнинг тепаси нисбатан тинч, муҳолифат тўдалари йўқ, контрабандачиларга эса ортиқча шовқин-сурон керак эмасди.

— Бир жойда узоқ ўтириб қолдинг, Шершов, — деди тўсатдан Салтиков — қанча бўлди бу ерга келганингга?

— Саккиз ойлар, — санади Шершов.

— Эртага эрталаб Душанбега кетасан, янги жойга жўнатишади.

— Нима бўлди ўзи? — кўрқиб кетди Шершов.

Салтиков у билан ҳеч қачон бунақа тарзда гаплашмаганди.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Шунчаки буйруқ олиб келдим. Бошқа жойга ўтаёсан. Тинчгина, Америка чегараси яқинида.

— Қаерда? — ажабланди Шершов. У харитани эслади, — Америка билан чегарамиз йўқ эди, шекилли?

— Гапни бас қил, — столга мушт туширди Салтиков, — буйруқми буйруқ, Чукоткага отряд бошлиғига ўринбосар бўлиб борасан.

— Сибиргами? — Шершов ўзини Никитин билан қўшилиб роса ичгандек ҳис этди.

— Тинчланинг капитан, — деди фуқаро кийимидаги меҳмонлардан бири, — ўртоқ подполковник сал ошириб юборди. Аъло хизматингиз учун янги лавозимга тайинланаяпсиз. Муддатидан олдин майор унвони ҳам берилди.

Шершов ўзини масхара қилишяпти, деган қарорга келди.

— Оилам-чи? — сўради у қуруқшаган лабларини ялаб.

— Оилангизни Новосибирскдан чақирасиз, — бу нусха оиласининг қаердалигидан ҳам хабардор экан.

— Нега, ахир? — деди Шершов сал ўзига келиб.

– Ана бу, бошқа гап. Ўртоқ Салтиков ҳаммасини тушунтириб беради.

– Тушунасанми? – деди подполковник келганидан бери оғиз очмаган ҳарбий кийимдаги кишини кўрсатиб. – Эртага манави киши... Хуллас, сенинг ҳудудинг орқали чегарани бузиб ўтади.

– Қочқин бўлибми? – фаҳмлади Шершов, шунча гапнинг бари битта қочқин туфайли бўлаётган экан-да.

Беш юз доллар эвазига бу ердан ҳар қандай одамни, ҳар қандай юкни ўтказиш мумкин эди. Кўшни заставадаги айрим зобитларнинг шу каби қонунбузарликларни кўриб кўрмасликка олишини яхши биларди. Аммо, фақат ўзининг отрядидагиларгина эмас, бошқа зобитларга ҳам Шершовнинг пул олмаслиги маълум эди. Беш йил бурун десантчи-лейтенант кезида Афғонистонда жанг қилиб, оғир яраланганди. Жангдан сўнг взводидаги аскарларнинг ярми тирик қолди. Шершов бир йил госпиталда ағанаб ётгандан сўнг, ярадорлиги учун чегара кўшнидаги “тинч” хизматга жўнатилганди. Ўша пайтда СССРнинг давлат чегараси уруш чизигига айланиб қолишини, мамлакатнинг бир неча қонли нимталарга бўлиниб кетишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Ўша қонли нимталардан бири эса Тожикистон эди.

Шершовнинг на мафкуравий, на диний, на талончи “душман”лардан бирортасига тоби-тоқати йўқ эди. Ўзининг ҳудудига қуролли гуруҳларнинг қанақа байроқ остида келиши унга барибир бўлиб, ҳеч қайсисининг ўтишига йўл қўймасди, вассалом. Унинг тушунарсиз қатъияти ҳақида ҳар хил ривоятлар юрар, у бўлса барча гап-сўзлар ва “миш-миш”ларни уч пулга олмас, шунчаки, ўз бурчини виждонан бажарарди, холос.

Худди Шершовга ўхшаган россиялик зобитлар бутун мудофаа ва чегара тизимини сақлаб турарди. Улар ўз эътиқодларига содиқ қолган инсонлар эди.

– Эртага ўтишини таъминлаймиз, – бош силкиди Шершов.

“Қизиқ, бизнинг разведкачига Афғонистонда нима бор экан, – ўйлади у. – Ўн йил давомида бу мамлакатни керагидан ортиқ даражада ўрганиб олсак бўлардику.”

– Сен тушунмадинг, – тўсатдан эътироз билдирди Салтиков, – уни ўтказиб қўйиш керак эмас. Эртага сенинг ҳудудингда жанг бўлади. Нурулланинг тўдаси бостириб киришга уринади.

– Сиз қаёқдан биласиз? – қизишди Шершов. – Нурулланинг икки юз одами бор.

– Бу чалғитувчи жанг бўлади, – тушунтирди Салтиков, – ҳужумда элликдан ортиқ киши қатнашмайди. Қолганлари уч соат ўтказиб, Зиновьевнинг ҳудудига бостириб боришади. Улар нариги ҳудудларни ҳимоясиз қолдириб, бошқаларни сенга ёрдамга чақирсак, шундан фойдаланиб ёриб ўтишни мўлжаллашган.

– Бу Нурулла дегани жуда пихини ёрган-да, – қаҳрланди Шершов, – ҳечқиси йўқ, эртага яхшилаб кутиб оламиз.

– Эртага уларни биз ўзимиз кутиб оламиз, – эътироз қилди Салтиков, – Нурулланинг “стингери” борми?

– Албатта.

– Аниқ биласанми?

– Ўзим кўрганман, эшитганман ҳам.

– Унақа бўлса ҳаммаси жойида. Эртага бу ерга иккита вертолётимиз келади. Улардан бири бир неча бор анави тепалик устида айланади. Агар ўша тентакларда “стингер” бўлса, албатта, вертолётни уриб туширади. Тўғрими?

– У ердан ўтиб бўлмайди. Отиб ташлаш учун ниҳоятда қулай жой. Бу жуда хавфли.

– Жуда яхши бўлади-да, – деди фуқаро кийимидаги нотаниш кимса.

Ёмғирпўш тагида унинг ҳарбий кийими кўришиб турарди. Шошилишда ўзларига лойикроқ коржома ёки ёмғирпўш танлашга улгуришмаганга ўхшайди, кўнглидан ўтказди Шершов.

— Улар вертолётни уриб туширишади, — деди унинг жавобини тушунмасдан Шершов.

— Майли, уриб туширишсин, — бош ирғади Салтиков, — вертолёт радиотўлқин ёрдамида бошқарилади, ичида бу кишидан бошқа одам бўлмайди, — у ҳарбий кийимдаги иккинчи кишини кўрсатди.

— У ҳолда тирик қолмайсиз-ку, — ҳайратланди Шершов — “стингер” тегиши биланоқ вертолёт парчаланиб кетади.

— Кўрамиз, — кулди ҳалиги кимса. Овози ҳам, кулгиси ҳам ёқимли эди. Шершов елка қисди.

— Нима, жонингиздан тўйганмисиз?

— Вертолётда махсус радар қурилмаси бўлади, — тушунтирди Салтиков, — у ракета етиб келишдан беш-етти сония олдин огоҳлантиради.

— Бу киши қандай қилиб сакрашга улгуради. Тик қиялик-ку. Баландлиги ҳам унча эмас. Парашют очилишга ҳам улгурмайди.

— Унинг парашюти бўлмайди, — тушунтирди фуқаро кийимли киши, — ерга мувафаққиятли қўндирадиган бошқа ускуналар ҳам кўп. Сиз самолётда учгансиз-ку, биласиз-ку сувга тушган заҳоти очилиб кетадиган махсус нимчалар борлигини.

— Бизда дарё ҳам, денгиз ҳам йўқ.

— Ҳечқиси йўқ. Олимлар сизнинг тоғ шароитингизга мос келадиган нимчаларни ҳам ўйлаб топишган.

Шершов ҳарбий кийимдаги индамас кишига ҳурмат билан тикилди. У кўришишдан қирқ ёшлар атрофида эди.

— Касбингиз оғир экан, — деди у, — демак, сиз учун мени Чукоткага жўнатишаётган экан-да.

— Кечирасиз, — қўлларини ёзди нотаниш кимса, — бу ишга менинг мутлақо дахлим йўқ.

— Бўпти-да, — ўрнидан турди Шершов — ҳар ким ўз ишини қилгани дуруст.

Барибир Никитинни уйғотиш керак, ўйлади у алам билан. Кеча бунақа бўкиб ичиб олганини қаранг, бу итваччанинг. Афсуски, бу зарарқунандага бирор чора кўришга улгурмайман. Эртага мени олиб кетишса керак.

Эртаси куни ҳаммаси Салтиков айтгандек бўлди. Дастлаб бир неча киши жангни бошлаб берди, кейин чегарани пулемёт ва миномётдан сидирғасига ўққа тутиб, элликта босқинчи ҳужумга ўтди. Бу орада шунақа сурон кўтаришдики, гўё Нурулла бутун тўдаси билан бостириб келаётгандек эди.

Ҳавога кўтарилган икки вертолёт тўдани чаптастлик билан ўққа тутиб, ўнлаб ҳужумчиларни ер тишлатди. Вертолётлардан бири тоғ қоялари узра хатарли даражада осилган пайтда “стингер”нинг ўзига хос чиқиллаши эшитилди. Биринчи ракета вертолёт ёнидан ўтиб кетди, иккинчиси етиб бора олмади, учинчиси нақ мўлжалга тегди. Жангнинг боришини синчиклаб кузатиб турган Шершов билан Салтиков портлашга бир сония қолганда вертолётдан нотаниш кимсанинг сакраганини илғаб қолишди. Кейин вертолёт парча-парча бўлиб кетди.

— Мана, бўлди, — деди Салтиков дурбинини кўзидан олиб, фуқаро кийимдаги меҳмонга, — биз ўз вазифамизни бажардик, ўртоқ генерал.

Шундагина Шершов бу операциянинг қанақа аҳамиятга эга эканини англади.

Унга Никитинни жазолаш имконини беришмади. Жангдан сўнг вертолётда

штабга, сўнг соқчилар қуршовида Душанбега учди. Эргаси куни эса Чукоткага етиб борди. Бир ойдан сўнг хотини ва болалари етиб келишди.

Шершов қишнинг узун тунларида вертолётдан сакраган нотаниш кимсани эслар экан, ҳар сафар унга чин юракдан омад тиларди.

### III

– Мени отиб тўғри қилдингиз, – мақтади Борзуновни генерал, – фақат, қарор кеч қабул қилинди. Кечиккандан сўнг эса бунақа “қарор” билан кескин ҳаракат қилишга ҳожат қолмайди.

Машков ва Чутов оғир нафас олиб ўринларидан туришди.

– Жанг тугади. Белгиланган ҳудуд босиб ўтилди, – деди ниҳоят генерал, – Борзунов, сиз қорнингиздан ўқ егандан сўнг эсингизни йиғиб олдингиз. Неча марта айтганман, бўшашиш мумкин эмас, деб. Энг қўрқинчлиси, қийинчиликлар орқада қолди, деб олдиндан ўйлашдир. Шунда одам хотиржам тортади ва ҳаммасини бой беради.

Айвончада Дубчак ва Ҳабибуллин пайдо бўлди. Кейингисининг эгни-боши шалаббо бўлиб кетганди. Сунъий ботқоқ тагига ўрнатилган ускуна уни сув қаърига бир ярим дақиқага бутунлай “ютиб” юборган экан. Дубчак ҳам “душман” снайперининг бошига теккан ўқ изини ювиб ҳам улгурганди.

– Ўтиришларинг мумкин, – қўлини сермади генерал, – ҳудудни босиб ўтишга доир хулосаларни кейинроқ муҳокама қиламиз. Қолган иккита йигитинг эса компьютер хонасида ўз хатоларини таҳлил этаяпти.

Машков қоқ ерга ўтирди. Борзунов чўзилиб ётган жойида қўлини боши тагига қўйди. Чутов сунъий дарахтга суянди. Бу ерда бирорта ҳақиқий нарса йўқ, ҳаммаси сунъий эди. Бу ер “А” ҳудуди аталиб, махсус хизмат гуруҳи босиб ўтиши лозим бўлган йўналиш шу ерда жойлашганди. Ушбу синов майдонида Россия Мудофаа вазирлиги Разведка Бош бошқармасининг мутахассислари ўз маҳоратларини маромига етказарди.

“А” ҳудудида энг мураккаб синов майдони бўлиб, у инсон ақли ва компьютернинг нодир салоҳияти яратиши мумкин бўлган энг айёрона асбоб-ускуналар билан жиҳозланганди. Бу ҳудудни талафотсиз босиб ўтган зобитлар имтиҳонни “аъло” баҳога тошширган ҳисобланарди. Айримлари илгари бу ердаги шароит анча енгил бўлган, деб хотирлашади. Аммо “Барс” келгандан сўнг шунақа кутилмаган “совғалар” пайдо бўлдики, зобитлар ҳамжиҳатлик билан унга “Дўзах учбурчаги” номини беришди.

Ҳудуд узунасига ўн беш-ўн етти километр жойни эгалласа-да, алоҳида синов майдончаларига бўлиниши натижасида йўналиш беш мартага узайиб кетганди.

Ҳар қадамда учрайдиган қоққонлар, электрон снайперлар, барча қурол турларидан ўққа тутувчи компьютер гуруҳлари бу йўналишда чекиладиган машаққатларни ҳаддан ташқари кўпайтириб юборганди. Бироқ, “Барс” томонидан киритилган битта янгилликка – “кўк бўёқ”нинг афзаллигига ҳамма яқдиллик билан тан берарди. Илгари тегиши “ўлим” ёки “ярадорлик”ни билдирадиган автомат, пулемёт ва миномёт ўқлари ўрнига қизил бўёқ ишлатиларди. Эндиликда эса “Барс”нинг талабига кўра кўк бўёқ билан отадиган бўлишди. Афғонистондан қайтган генерал йўқотган дўстларининг қонини эслатувчи қизил бўёқни ёмон кўрарди

– Дубчак, – деди генерал зарда билан, – бунинг бари оддий найранг-ку. Бир томондан чалғитиб, бошқа томондан ўққа тутишади. Сиз Чутовнинг ишорасини пайқашингиз шарт эмас, ўзингиз каллангизни ишлатишингиз керак эди. Шунинг учун ҳам пешонадан ўқ едингиз. Сиз эса, Ҳабибуллин, Борзунов доимо сал ён томонлаб юришига аҳамият бермадингиз. Аввалига олдинда бордингиз, Дубчак



сафдан чиққач, унинг жойини эгалладингиз. Лекин орқага қарамадингиз. Ўртоқларингиз орқада бўлса-да, уларнинг қандай келишаётганини кўздан қочирмаслик лозим эди. Бу сизнинг хатонгиз бўлди. Йўлда ҳамма нарсага эътибор бериш керак.

“Саёҳат”ларининг бунақа батафсил таҳлили яхшиликдан далолат бермаслигини бешала зобит ҳам бирдек ҳис этиб турарди.

— Сиз бўлса, Чутов, — кўшимча қилди генерал, — икки марта янглишдингиз. Икки сафар ҳам Борзунов жонингизга ора кирди. Сиз муҳими, ўзимнинг тирик қолишим, деб хато ўйлаяпсиз. Вазифангиз гуруҳни талафотлардан асраш. Майор Машковнинг вазифаси одамларни йўқотмасликдир. Ускуналаримизнинг хуружига қарамасдан, Ҳабибуллинни қутқариш мумкин эди. Сувда ишлатиладиган автомат реле икки “д”, яъни икки кишининг қувватига мўлжалланган. Борзунов билан иккалангиз Ҳабибуллинни сувдан чиқариб олишларингиз, ҳеч бўлмаса ҳаракат қилиб кўришларингиз керак эди.

— Сиз релени тўрт “д”га ўтказсангиз-у, яна ортимиздан ҳужум қилинса-чи? — ҳорғин ҳолда эътироз билдирди Машков.

— Бунақаси ҳам бўлиши мумкин, — бош силкиди генерал, — ўшандай вазиятда ҳам ўртоғингизни қутқаришга ҳаракат қилишингиз шарт. Ҳатто, тўрт “д”га ўтказишимни билсангиз ҳам, уришиб кўраверинг. Балки, ўтказмасман, балки, фикримдан қайтарман ёки мени кимдир чақириб қолар. Балки, ҳаракатларингизни мукофотга лойиқ, деб баҳоларман.

Машков ҳорғинлик билан бошини қимирлатди.

— Маъқул.

— Умуман, яна бир марта ўтишга шай турунлар, — деди тўсатдан генерал, — эртага эрталаб. Қанчалик ҳолдан тойганларингни аниқлаймиз.

Шу гапни айтгач, ҳолдан тойган зобитларни анг-танг ҳолда қолдириб, “Барс” айвондан чиқди. Бугунги босилган йўлдан сўнг яна битта синовга дучор қилиншлари ақлга тўғри келмасди.

Аммо, ҳаммалари эртага эрталаб янги йўналиш бўйлаб сафарга чиқишлари, генералнинг компьютер тузоқларига чап бериб, беталафот ўтиш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилишларини билиб турарди.

— Вой, палид-ей, — хўрсинди Борзунов, — синов тугашига ярим дақиқа қолганда менга айвонда панд берди-я.

— Бу унинг севимли эрмаги, — деди Чутов хўмрайиб, — олдинлари аввал отиб ташлаб, кейин ҳаммасини тушунтириб берарди.

— Гапни бас қилинлар, — ўрнидан кўзгалди Машков, — операторлар ҳамма гапни эшитиб туришипти.

Генерал бу пайтда ҳудуддан чиқиб, компьютер марказининг йўлагига кетиб борар, у биринчи марта ушбу гуруҳнинг бошқаларга нисбатан салгина яхшироқ тайёрлангани ҳақида ўйларди.

У томонга қисм навбатчиси подполковник Снегирев сал оқсоқланган кўйи шошилганча келарди. Унинг чап оёғи йўқ бўлиб, жуда катта жанговар тажрибага эга бўлгани учун, ногиронлигига қарамасдан, генералнинг илтимосига кўра Марказда қолдирилганди. Лекин, бунинг учун нақ Мудофаа вазирининг ўзидан рухсат олишга тўғри келган, буларнинг бахтига вазир генерални ҳам, Снегировни ҳам шахсан билар, Афғонистонда биргаликда жанг қилганди, шунинг учун истисно тарзда ижозат берганди.

— Нима гап? — сўради генерал Снегировдан. — Нега ҳовлиқиб юрибсан?

— Меҳмонлар келишди, ўртоқ генерал, — деди подполковник, кейин секингина кўшиб кўйди — Акбар Алиевич, Москвадан, маҳкамामиздан, Орловнинг ўзи учиб келипти.

— Тушунарли, — генералнинг қовоғи солинди, аммо, хотиржам ва шопилмай юришда давом этди.

Генерал Акбар Асанов қирқ уч ёшда эди. Бир умр битта идорада — Мудофаа вазирлигининг Бош Разведка Бошқармаси (ГРУ)да ишлаганди.

Ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, уч йил олдин иш жойини номига ўзгартирди-ю, аслида ўз ҳолида қолди. Гап шундаки, 1992 йилгача у СССР Мудофаа вазирлиги ГРУсининг зобити бўлган бўлса, Беловежск битимидан сўнг Россия Мудофаа вазирлиги ГРУсининг зобитига айланди, холос.

Миллати тожик бўлиб, эллик биринчи йилда отаси — муҳандис Али Асанов ишлаган Горький шаҳрида туғилганди. Болалигининг биринчи олти йили ўша шаҳарда ўтди. Оилалари Тошкент шаҳрига кўчиб келгач, шу ерда биринчи синфга ўқишга борди.

Инсоният жон-жаҳди билан коинотни забт этмоққа интилаётган, фашизм устидан галаба қозонган Совет Иттифоқи эса ўз халқ хўжалигини тиклаб олган, партиянинг йигирманчи съезди сталинизм ғоясини қайта кўкармас қилиб кўмган, эркин социализмнинг асосини яратиб, амалга ошмайдиган режалар ва ғоялардан иборат турфа хил дастурлар яратилган эллагинчи йилларнинг охирида фуқароларнинг алоҳида тоифаси пайдо бўлдики, кейинчалик уларни «олтмишинчилар», деб аташ русумга кирди. Ўшалардан бири Акбарнинг отаси эди. Гарчи, у ГУЛАГнинг адоқсиз ва чалкаш йўлақларидан ўтмаган, чорасизлик ва кўрқув азобларини тортмаган бўлса-да, аммо инсонларнинг орзу-умидлари ва тақдирларини шу тарзда осонгина оёқ ости қиладиган тузумдан нафратланишга улгурганди.

Отасининг қарашлари Акбарнинг феъл-атвори шаклланишига ҳам таъсир этмай қолмади. Бироқ, «олтмишинчилар»нинг орзу-умидларидан руҳ олган пионер ва комсомолча болалиги уни тузумнинг ҳақиқий фидойиси этиб тарбиялади.

Олтмиш олтинчи йилда Акбар мактабни тугатди. Бу пайтга келиб отаси йирик бирлашманинг директори ва республика миқёсидаги депутат эди.

Унинг олдида қаерга кириб ўқиш тўғрисидаги савол турган эмас, чунки Акбар болалигидан дипломат бўлиб, турли мамлакатларни кезишни орзу қиларди.

У ўзининг она тилига айланган рус, ўзбек, тожик тилларидан ташқари, француз тилини ҳам яхшигина ўрганганди, Москва Халқаро муносабатлар институтига (МИМО) имтиҳонларни аъло баҳоларга топширди. Бироқ биринчи йили институтга кира олмади.

Гап шундаки, барча республикаларга берилган ўринларга кўра Ўзбекистондан фақат ўзбеккина кириши лозим экан. Бу ёзилмаган қоида ҳеч қачон бузилмасди, шу сабабли энг юксак идораларда тожик Асановни МИМОга қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас, деган қарорга келинди.

Иккинчи йили умумий танлов асосида Москванинг ўзида ўқишга кирди. Унинг ўқишга қабул қилингани ҳақида шошилишнома келганда, уйдаги стол устида ҳарбий хизматга чақирув қоғози ётарди.

Тўртинчи курсда ўқиб юрган пайтида уни қайсидир идорага чақириб, узоқ гаплашишди. Ўшанда қабул қилган мустақил қарори туфайли йигирма йилдан бери ҳарбий разведка зобити бўлиб хизмат қилмоқда.

Уни иш бўлмасида кутишгаётган экан. Генерал-лейтенант Орлов ГРУ бошлигининг биринчи ўринбосари бўлиб, хорижда ўтказиладиган махфий операцияларга раҳбарлик қиларди. Кўпчилик унинг тез орада бошлиқнинг ўрнини эгаллашини башорат қиларди.

Стол ёнида у билан яна бир киши ўтирарди. Узун бўйли, хушқомат. Кенг елкалари собиқ спортчи эканлигини кўрсатиб турарди. Гарчи, қирқларда бўлса-

да, ёрқин рангли сочлари уни нисбатан ёшроқ кўрсатарди. Акбар унинг қоши атрофи ва ияги тагидаги ажинларни мутахассис нигоҳи билан илғади. Чап қўлидаги чандиқни ҳам. Асановни кўриб, иккала меҳмон ҳам ўрнидан турди.

– Танишинг, – деди Орлов нотаниш кишини кўрсатиб, – генерал Затонский, Ташқи разведка хизматидан. Бу киши эса генерал Асанов, тайёрлов Марказимизнинг бошлиғи.

Улар бир-бирларининг қўлларини қисиб қўйишди. Яна стол теграсига ўтиришди.

Эшик шовқинсиз очилиб, пропорщик кийимидаги қиз уч стакан чой олиб кирди.

Майдаланган чақмоқ қанд ва конфетни алоҳида идишда қўйди.

– Яхши учиб келдиларингми? – сўради Асанов.

– Яхши, – Орлов чойни олдиға тортаркан, – қайноқ-ку, – деди икки бармоғини тегизиб, – доимо қайноқ чойни яхши кўрасан-а?

– Хўш, Ташқи разведка хизматининг бизда нима юмуши бор экан? – Асанов чойни шопилмай хўплади.

У Орлов билан кўп йиллардан бери «сен»сираб гаплашарди.

– Сизлардан ёрдам сўраб келдик, – жилмайди Затонский.

Акбарга унинг гапи ёқмади. ГРУ ва КГБ ўртасида ҳар доим яширин рақобат, ўзига хос мусобақа мавжуд эди. Модомики, ҳозир СРВ (Совет разведка идораси) генерали тўсатдан ёрдам сўраяпти экан, бунга жиддий сабаб бўлиши керак.

– Сизнинг идорангизга қандай ёрдамимиз тегиши мумкин? – Асанов иложи борича хушчақчақроқ кўринишга уринди.

Затонский Орловга қаради. У елкасини қисиб, терс ўтрилди.

– Сиз полковник Кречетовни билармидингиз? – сўради Затонский.

– Озроқ эшитганман у ҳақда.

Унинг қўлидаги қарталарни бирданига очиб ташлагиси келмади.

– Бизнинг қўлимиздаги маълумотларга кўра, сизлар етмиш саккизинчи йилда Эронда танишган экансизлар. Бу ҳақда бизга КГБ нинг Эрондаги собиқ резиденти генерал Шебаршин айтиб берди. Кречетов унинг ходими бўлган экан. Энди эсладингизми?

Затонский очикдан-очиқ киноя қилаётганди. У Шебаршиннинг илгариги лавозимини тилга олмаса ҳам бўларди. Разведкачи-генерал Шебаршинни ГРУда ҳам, КГБда ҳам, ҳозирги СРВда ҳам ҳамма биларди.

– Эсимга тушди, – деди Акбар вазминлик билан, – ахир, орадан ўн етти йил ўтиб кетди.

– Дўстмидинглар? – сўради яна Затонский.

– Озроқ, аммо уни юксак малакали мутахассис, деб ҳисоблаш мумкин.

Затонский чўнтагидан бешта сурат чиқарди.

– Бу унинг ҳозирги сурати. Қайси бири Кречетов эканини таний оласизми?

Асанов индамасдан бешта суратни олиб, дарров биттасини танлади. – Мана буниси.

– Жуда яхши, – Затонский бешала суратни қайтадан чўнтагига солди, – хотирангиз яхши экан, генерал.

– Сиз менга шу гапни айтиш учунгина келдингизми? – сўради Асанов,

– Йўқ. Кречетовнинг Афғонистонда «душман»ларга асир тушганини айтгани келдим.

– У ерда нима қилиб юрган экан? Махсус тошшириқ билан борганми? – Уни чегара заставаларидан бирини кўздан кечираётганда қўлга олишган, – тушунтирди Затонский сабр билан.

– Тирикми?

– Ҳозирча тирик, аммо умид жуда кам. Унга ёрдам бериш керак.

Генерал Асанов ҳаммасини тушунди.

– Нима қилиш керак? – сўради у ташвишга тушганини билдирмай.

«Афғонистон яна ўзини эслатди, – ўйлади генерал, – унинг заҳри қонимизга сингиб кетган экан-да.»

Ўша кезде ҳамма камроқ қон тўкиб мақсадга эришса бўлади, деб ўйлаганди. Қон тўкмасдан ҳам уддалаш мумкин, деган фикрлар ҳам йўқ эмасди.

#### IV

Сентябр ойида Москвага Нур Муҳаммад Таракий учиб келди. Ашаддий ҳаёлараст, болаларча гўллик билан социализмнинг галабасига ишонувчан бу инсон Кубада бўлиб ўтган бетараф мамлакатлар ва ҳукуматлар раҳбарларининг 6-конференциясидан ватанига қайтаётган эди. Фидел Кастронинг ҳис-ҳаяжон ва эҳтиросли нутқларидан мутаассир бўлган Афғонистон раҳбари ўзининг феодал-қулдор мамлакатида социалистик жамият қуриш борасида эришилаётган ютуқлар ҳақида Брежневга завқ-шавқ билан ҳикоя қилиб берди.

Бори-йўғи икки минг километрлик асфальт йўлга эга бўлган, аҳолисининг тўқсон фоизи саводсиз мамлакатнинг ёрқин келажagini бунёд этиш ҳақида ҳаёлараст Таракий илҳом билан гапирарди.

Етмиш тўққизинчи йилнинг бор-йўғи саккиз ойида Афғонистонда совет тузумининг барча хатолари ўн-ўн беш йилда тузалмайдиган қилиб айнан такрорланди. Йирик ер эгалари, мулкдорлар ва бойларнинг олти юз эллик минг гектар ери тортиб олиниб, деҳқонларга бўлиб берилди. Шу тарзда икки юз тўқсон етти минг деҳқон оиласи ўз ерига эга бўлди. Аммо орадан кўп ўтмай, уларни қишлоқ хўжалик ширкатларига тортиш бошланди. Бу эса қишлоқ аҳлида қаттиқ норозилик уйғотиб, унинг акс-садоси армияда кучлироқ намоён бўлди.

Дунёдаги икки улкан давлатдан бирининг раҳбари билан суҳбатлашётганидан бахтиёр ва хушчақчақ Таракий ватанида ўзини исёнчилар қутаётганини ҳам, бир неча кундан сўнг барча лавозимларидан мосуво этиб, ҳибсга олишларини ҳам ҳали билмасди. Унинг бир ойга етар-етмас умри қолганди.

Аммо, буни Афғонистонни ўзининг вассали, улкан салтанантнинг жанубий сарҳадидаги Мўғулистон сингари яна бир итоаттўй юрт, деб санаган Леонид Брежнев ҳам билмасди. Бунақа бўлишидан, ҳатто, ҳамма нарсани биладиган ва ҳар нарсадан воқиф ҳисобланмиш КГБ раиси Юрий Андропов ҳам беҳабар эди.

КГБ ва ГРУнинг Кобулдаги резидентлари Ҳафизулла Аминнинг ғоявий жиҳатдан баландпарвоз шиорлар панасида туриб, давлат тўнтаришини тайёрлаётганини сезмай қолди.

16 сентябрда Таракий ўз саройида ҳибсга олинади. СССРдан келган маслаҳатчилари нима бўлаётганини тушунмай қолади. Аслида мамлакатнинг барча раҳбарлари Инқилобий Кенгаш Раисига қарши фитнани уюштиришда қатнашган экан. Ҳафизулла Амин кўпларни ваъдалар, пора, мақтов ва таҳдид эвазига ўз томонига оғдириб олган эди. Бир неча соқчининг ўлдирилганини ҳисобга олмаганда, тўнтариш муваффақиятли ўтди.

Даргазаб бўлган Андропов Афғонистондаги резидентларининг тўртдан уч қисмини чақириб олди, ўз идорасидаги кўплаб таҳлилчиларни жазолади, бўлим бошлиғини ишдан олди. Аммо энди кеч, Афғонистон тепасида энди Ҳафизулла Амин ўтирарди.

Брежнев эса нима воқеа рўй берганини аниқ-равшан тушунмаса-да, Андропов ва Громиконинг маслаҳатига кўра, партия ва давлат миқёсидаги юксак лавозимга “сайланиши” муносабат билан Аминга қутлов мактуби йўллади.

Лекин Андропов кечирим нималигини билмас, ҳеч нарсани унутмасди ҳам. Эртаси куниеқ у Аминни ағдариш учун тайёргарлик ишларини бошлаб юборди.

Орада бир неча ой ўтиб, совет кўшинлари Кобулни эгаллагач, дунёдаги барча социалистик матбуот воситалари бутун оламни Ҳафизулла Амин ва унинг шерикларининг аксилинқилобий кирдикоридан воқиф этди.

Ўша кунларда газеталар шундай ёзишганди:

«Ҳокимият тепасида бўлган пайтда Ҳафизулла Амин ва унинг ҳамтовоқлари АҚШнинг МРБси ва аксилинқилобий ҳаракатнинг хориждаги етакчилари билан тил бириктирган ҳолда Афғонистон Халқ демократик партияси ва мамлакатнинг демократик ва ватанпарвар кучларига нисбатан қатағонни авж олдирдилар. Мамлакат ичида аксилинқилобий ҳаракатга қарши кураш заифлаштирилиб, Афғонистонга қарши империализмнинг ва душман кучларнинг хуружини кучайтиришга шароит яратилди. Социалистик шиорларни ниқоб қилиб олган Амин амалда 1978 йилги апрел инқилоби белгилаган мақсад ва вазифаларнинг обрўсини тўкиб, Афғонистонни СССРнинг жанубий чегасидаги империализмнинг таянчига айлантди».

Аслида бу мутлақо ёлғон гаплар эди.

Ҳафизулла Амин ҳам айнан Таракийнинг шиорларини байроқ қилиб, у синга-ри Совет Иттифоқига садоқат билан хизмат қилмоқчи бўлганди. Уни қуршаб олган совет маслаҳатчилари ва мутахассислари Шимол томондан бўладиган ҳар қандай хуружларга нисбатан ишончли кафолат бўлиб туюларди.

Брежневнинг қутловидан руҳланган Ҳафизулла Амин баттар ҳаддидан ошиб, ўзидан олдинги раҳбарни қатл этишни буюрди ва 8 октябрда жўнгина тарзда — қопга тиқиб ўлдиртирди. Демократик тамойиллардан мутлақо йироқ «феодал-социалистик жамият»да ҳокимият учун «оддийгина» кураш борарди.

Бундан ташқари, Ҳафизулла Аминнинг ўзи Совет Иттифоқидан ҳарбий кўшин киритишни сўради. Унга ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш учун Покистон чегарасини назорат қилиш қийин кечаётганди.

Зиммасига музокараларни ўтказиш вазифаси юклатилган СССР Министрлар Совети Раиси А.Н.Косигин, аввалига Таракий, кейин эса Амин билан суҳбатлашиб, уларни кўшин киритиш фикридан қайтаришга уринди. Совет раҳбарлари ўша йилнинг биринчи ярмида ҳам, ҳатто сентябр воқеаларидан сўнг ҳам бунақа кайфиятдан йироқ эди.

Косигиннинг афғон раҳбарлари билан ўтказган суҳбатларининг сўзма-сўз матни, унинг КПСС МК Сиёсий бюросидаги нутқи ва бу масаланинг муҳокама қилиниши ҳам совет раҳбариятининг ҳарбий авантюрага кўшилишдек хатарли ишга хоҳиши йўқлигини билдирарди. Афғонистон етакчилари талаб қилишни қўймас, Андропов ва унинг одамлари эса ўз режаларини амалга оширишга тайёргарлик кўришарди.

Шундан сўнг устма-уст бир неча воқеалар рўй бердики, натижада жаҳондаги тарих жараёни тубдан ўзгариб кетди.

Кейинги йилларда тарихчилар ва публицистлар афғон уруши ҳақида ёзишар экан, етмиш тўққизинчи йилда барча омиллар тўлиқ ҳисобга олинмасдан кўшин киритилгани ҳақида гапирадилар. Гўёки, бу қарорни мутлақо дунёбеҳабар кимсалар қабул қилган эмиш.

Етмиш тўққизинчи йилнинг 26 мартида Вашингтонда Миср Араб Республикаси Президенти Анвар Саодат ва Исроил бош вазири Менахем Бегин Кэмп-Дэвид битимига имзо чекадилар. Бу эса Совет Иттифоқининг Яқин Шарққа нисбатан тутган муносабатига қақшатқич зарба бўлиб тушди. «Исроилнинг фахрий фуқароси» Андрей Громико Кэмп-Дэвид битимини ўз шахсига нисбатан ҳақорат

сифатида қабул қилди.

Афғонистоннинг ён қўшниси Эронда инқилоб юз берди.

16 январда шоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавий регент кенгаши ва ҳукумат тепасига Ш.Бахтиёрни қўйиб, мамлакатдан қочди.

1 февралда Эронга Оятулло Хумайний қайтди. Икки ҳафтадан сўнг Эронда шоҳ ҳукумати кулади ва мамлакат Ислому Республикаси, деб эълон қилинди. Мамлакатдан қирқ минг нафар америкалик маслаҳатчилар ватанига чақириб олинди. Американинг нуфузига шу тарзда туширилган тарсаки кескин чоралар кўришни талаб қиларди.

Ҳинд океанидаги Диего-Гарсия оролидаги АҚШнинг ҳарбий базасини кучайтиришга киришилди. Форс қўлтиғига Американинг авианосецлари ва бошқа ҳарбий кемалари киритилди.

4 ноябрда Хумайний тарафдорлари Америка элчихонасига бостириб кириб, 50 дан ортиқ дипломатни гаровга олдилар. Америкаликлар тарафидан жазо чораси ҳар лаҳзада бошланиб кетишини англаб, бутун дунё таҳликага тушди. Буни Москвадагилар ҳам яхши тушунишарди.

Саккиз кундан сўнг Туркияда сўл марказга мансуб Б.Эжевитнинг ҳукумати истеъфо берди.

«Адолат» партияси ҳукумат тепасига келгач, унинг етакчиси Сулаймон Демирел америкаликларга мамлакатга бир неча авиация эскадрильяларини киритишга ва уларни бевосита Эрон билан СССР чегараси яқинига жойлаштиришга ижозат берди.

Орадан бир неча кун ўтгач, яъни декабрда Буюк Британиянинг консерватив бош вазири Маргарет Тэтчер Оқ уйга ташриф буюрди.

Бу учрашувнинг якуни шундан иборат бўлдики, АҚШ ва Буюк Британия НАТОнинг декабр сессиясида ягона йўл тутишга келишиб олдилар. Совет Иттифоқининг қаттиқ норозилигига қарамасдан, НАТОнинг сессияси Европага ўртача масофага учадиган ва совет шаҳарларини нишонга оладиган ядро-ракета қуролларининг янги тизимини жойлаштириш ҳақида қарор қабул қилди. Учта манба – КГБ, Мудофаа ва Ташқи ишлар вазирлигидан бир хил мазмундаги маълумотларни олган Брежнев сўнгги воқеалар занжири СССРнинг энг қудратли давлат сифатидаги нуфузини тушириб юборганини тушунди. Мамлакатнинг геосиёсий ва иқтисодий манфаатларига жиддий зарар етганди.

Бу ҳам камлик қилгандек Андропов ҳар куни янги афғон раҳбарининг «ўнг томонга» оғиб кетаётганини маълум қилиб турарди.

Брежнев эса кескин чоралар кўришга журъати етмай, иккиланарди. Косигин ҳам масалани қурол воситасида ҳал этишга қарши бўлиб, бунинг иқтисодиётга нечоғлик қимматга тушишини яхши англади. Бегона мамлакат аҳлини ва киритилган қўшинни боқишга кетадиган харажатларни СССРнинг ҳамёни кўтаролмасди. Ғалатиси шундаки, дастлабки пайтларда Громико ҳам куч ишлатишга қарши чиққан, хўжақўрсинга бўлса-да, советларнинг тинчликпарварлик обрўсини сақлаб туриш тарафдори эди.

Сиёсий бюро аъзолига яқиндагина киритилган Черненко билан Тихонов ҳали овоз бериш ҳуқуқига эга эмасди.

Шчербицкий, Қўнаев, Гришин, Романов, Пельше эса анъанага кўра, ўз вазифалари – мамлакатнинг ички ҳаётига оид ҳамда хўжалик масаларини ҳал этиш билан машғул эди.

Энди гап Сиёсий бюрода ҳал қилувчи овозга эга бўлган тўртта қария – тўртта қудратли шахснинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлиб қолганди.

Брежнев Кириленкони гапига кўндира олар, Устинов билан суҳбатлашиш ва ов қилишни яхши кўрар, аммо қолган иккитасидан эса чўчир, уларнинг Сиёсий

бюрода обрўси ўзиникидан кам эмаслигини яхши биларди.

КПСС МК котиби Михаил Суслов ва КГБ раиси Юрий Андроповнинг фикри Сиёсий бюрода кўп нарсани ҳал қиларди. Афтидан, Брежневга Андроповдаги ирода кучи, Сусловдаги битмас-туганмас ғоявий эътиқод етишмасди.

Сиёсий бюро мажлисини декабрнинг иккинчи ярмида ўтказишни мўлжаллашганди. Аммо, ўн кун ичида ғалати ҳамда тушуниб ва тушунтириб бўлмайдиган воқеалар рўй берди.

Совет Иттифоқи раҳбарлари жаҳондаги вазиятдан қаттиқ ташвишда эканини, НАТОнинг декабрда қабул қилган қарори СССРнинг Европадаги нуфузига қаттиқ зарба бўлиб тушганини яхши билган ғарбнинг махсус хизмат идоралари СССРга қарши иккита йирик ифвогарлик ҳаракатини амалга оширди.

Мақсад СССРни афғон масаласида қатъий чоралар қўллашга ундашмиди? СССРнинг Афғонистонга бостириб киришидан айнан ким манфаатдор эди? Усиз ҳам бу давлат ўзининг маслаҳатчи ва мутахассислари билан Афғонистонни яқка ўзи билганича бошқаришти-ку. Аммо, кўшни Покистонда АҚШга қарши ҳаракатлар авж олмақда эди. Ҳатто, элчихонага ўт қўйиб юборилди ва америка дипломатларидан бир киши ҳалок бўлди.

Фақат, Афғонистонга СССРнинг қўшинини киритиш орқалигина Покистон раҳбарларини мамлакатга кўплаб америка мутахассисларини жалб этиш хусусида тезроқ бир қарорга келишга мажбур қилиши мумкин эди.

Фақат, Афғонистондаги урушга ўз-ўзидан Покистонни Ғарбдаги мамлакатларга эргашиб, қатъиян Американинг йўриғига юрадиган давлатга айлантира оларди.

Айни пайтда Аминни ва унинг атрофидагиларни йўқотиш қанчалик оғир эканлиги билган Андропов учун ҳам қўшин киритиш айни муддао эди. Ҳафизул-ла Аминнинг бир ўзини тинчитиш қийин эмас, аммо собиқ раҳнамо Таракийни сотган бошқа хоинларни нима қилиш керак?

Бугунга келиб, 11 ва 19 декабрда, яъни Сиёсий бюронинг мажлиси олдидан кетма-кет юз берган икки ифвогарлик ҳаракатида КГБнингми ёки ЦРУнингми «хизмати кўп бўлганини» баҳолаш осон эмас.

1979 йилининг 11 декабрида Нью-Йоркда БМТ қошидаги СССР ваколатхонасида бомба портлайди. «Бахтли тасодиф»га кўра ҳеч ким жабрланмайди.

12 декабрда Москвадаги АҚШ элчихонасига СССР Ташқи ишлар вазирлигининг ўша воқеа муносабати билан норозилик нотаси тақдим этилади.

Роппа-роса бир ҳафтадан сўнг Мюнхенда Аэрофлот ваколатхонаси биносига ўт қўйилади. Яна «бахтли тасодиф»га кўра ҳеч ким жабрланмайди.

21 декабрда ГФРнинг Москвадаги элчихонасига ўша воқеа муносабати билан нота тақдим этилади.

Бир қарашда ҳеч кимга фойдасиз, таги пуч ифвогарликларни ким амалга оширган бўлиши мумкин?

ЦРУми ёки КГБми? Нима бўлса ҳам, бу воқеаларда иккала муассасининг ҳам манфаатлари бир-бирига мос тушганди.

Бироқ бу америкалик «мутахассис»ларнинг ишилигини дангал тахмин қилиш мумкин. Чунки, бу пайтда Андропов Сиёсий бюродаги ҳамкасбларини масалани куч воситасида ҳал этиш мумкинлиги ва зарурлигига ишонтириш билан овора эди. Декабр воқеаларидан бир неча кун олдин у мамлакат Мудофаа вазири, Брежневнинг мутлоқ ишончига сазовор яқин дўсти Дмитрий Устинов сиймосида ўзига жиддий иттифоқдош топганди.

Сўнгги воқеалар — иккита норозилик нотаси, НАТОнинг сессияси, Яқин Шарқ, Туркия ва Эрондаги воқеалар «тинчликпарвар» Громикони ҳам жангари қирғийга айлантириб юборди. Мақсадга эришилди. Сиёсий бюрода муаммони қурол

кучи воситасида ҳал қилиш тарафдори бўлган қудратли давра пайдо бўлди.

## V

— Бизга жуда яхши тайёргарлик кўрган кишилар керак, — генерал Затонский бу гапларни ўга босиқлик билан айтди.

— Тушунаман, — Асанов бу операцияда ким қатнашиш мумкинлигини ўзича ҳал қилиб қўйганди.

— Тилни, урф-одатларни, жойнинг тузилишини, аҳолининг феъл-атворини яхши биладиган афғон уруши қатнашчилари бўлиши лозим, — эслатди Орлов, — Афғонистон ҳозир жуда нотинч. Қайси тўда қай ҳудудни назорат қилаётганини тушуниб бўлмайди. Кобулда бўлса ҳамон отишмалар давом этапти.

— Кречетовни ким асир олгани аниқми? — сўради Асанов.

— Ҳа, Нурулланинг тўдаси қўлга олган. Бу — генерал Дўстим билан уруш ҳолатида бўлган ва унинг ҳудудида жойлашган контрабандачилар гуруҳи.

— Кречетовнинг тириклиги ҳам аниқми?

— Нурулланинг тўдасида одамимиз бор.

— Нурулланинг ўзи ким? Оддий контрабандачими ёки ғоявий курашчими?

— Ҳар қайсидан оз-оздан бор, — Затонский хўрсинди, — ҳозир бирор нарсани аниқ айтиб бўлмайди. У ерда ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб, бўтқага айланиб кетган.

— Аҳ-а. Ўша бўтқани аслида ўзимиз пиширганмиз, — деди Асанов қовоғини солиб.

— Нима? — тушунмади Затонский.

— Аввалига Афғонистонга бостириб кириб, мудраб ётган мамлакатни уйғотдик. Кейин бир-бирингни қиравер, деб ташлаб кетдик. Яна нимани хоҳлагандингиз? — сўради Асанов.

— Қўшин киритиш ҳақидаги қарорни мен қабул қилганим йўқ. Айниқса, қайтариб чиқариш тўғрисидагини, — деди Затонский куруққина қилиб.

— Қизишма, Акбар, — деди Орлов мурасасоз тарзда, — биз ёрдамга боргандик.

— Кечирасиз, — деди Асанов, — бу ерда сизнинг айбингиз йўқ. Фақат, феъл-алим шунақа, Афғонистон ҳақида хотиржам гапира олмайман. У ерда кўп дўстларимни йўқотдим.

— Менга айтишганди, — бош силкиди Затонский, — сизни тушунаман.

— Сенда бунақа сафарга тайёр одамлар борми? — сўради Орлов.

— Албатта бор-да. Шимол тарафда ҳаракат қилишга тўғри келадими?

— Ҳа, Бадахшон ҳудудида, Нурулла Ишканимдан ўттиз чақирим нарида жойлашган. Ўша ерда Зебак деган кичик шаҳарча ҳам бор. Нега сўраясиз? Қаерда ҳаракат қилишнинг нима аҳамияти бор? — қизиқсинди Затонский.

— Жанубда урф-одатлар бошқачароқ. У ерда кўчманчи қабилалар бор. Тилларида ҳам фарқ бор — пуштун ва форс тилида гаплашишади. Қайси ҳудуд эканига боғлиқлиги яна шундаки, масалан Фарёб вилоятида кўпроқ туркманлар яшайди. Уларнинг тили эса туркий тиллар туркумига киради, — тушунтирди Асанов.

— Тушунарли. Сиз уларни яхши тушунармидингиз?

— Умуман олганда, тушунман. Тожик ва форс тиллари деярли бир-бирига ўхшайди. Аслида ўзи битта тил. Масалан, турк ва озарбайжон тилларига ўхшаб. Ўзбек тили эса озроқ фарқ қилади.

— Форс тилини биладиган одамларингиз борми?

— Бор. Лекин кўп эмас.



– Гуруҳни етти-ўн кишидан иборат қилиб тузиш керак, – таклиф қилди Орлов.

– Биз ўз мутахассисларимизни берамиз, – деди Затонский, – уларни ўзим билан олиб келганман.

– Кимлар улар? – норози оҳангда қизикди Асанов.

– Қўшни хонада ўтиришти, майор Тошмуҳамедов ва подполковник Падерина. Жуда зўр мутахассислар.

– Бўлмайди, – эътироз қилди Асанов.

– Тушунмадим.

– Аёл киши тўғри келмайди, – тушунтирди Асанов, – мутлақо мумкин эмас.

– Сиз мени унча тушунмадингиз, – кулди Затонский, – бу аёл разведка подполковниги. Туркменистондан. Урф-одатларни, форс ва пуштун тилларини билади. Иккита жанговар ордени бор. Гимназия талабаси эмас, жанговар зобит.

– Маъқул. Аммо Афғонистонга тўғри келмайди.

– Мен уни ушбу операцияда қатнаштириш учун олиб келдим. Раҳбарият шундай қарор қилди. Бу одамларнинг сизга дахли йўқ. Сиз фақат ўзингизникиларни танланг.

– У ҳолда мен қўшилмайман, – Асанов шахд билан ўрнидан турди. – Керак одамни ўзларинг топинглар.

– Ўтир, – Орлов кескин қўл силтади, – феълени қаранглар бунинг. Нега қизишасан? Одамлар уларникими, демак, ўзлари ҳал қилади.

– Аёл киши тўғри келмайди, – деди Асанов қайсарлик билан, – уни дарров пайқашади, сезиб қолишади. Бу мусулмон мамлакати. Чегарадан ўтиш пайтида ўзини қандай ҳис этади бу аёлингиз? Кинодаги артистларгина ўзини уруш пайтда тетик ва қувноқ кўрсатади. Ҳаётда эса аёллар бунақа операцияларда қатнашмайди. Буни мендан яхши биласиз-ку. Ҳайз кўриб қолса нима қиламиз? Қаерда тозаланади? Йигитлар суткалаб ювинишмайди-ю, сиз аёл киши дейсиз. Бу қолганларни ҳам хавф остига қўяди.

– Подполковникни шу ерга таклиф қилсам, майлими? – сўради Затонский негадир илжайиб.

– Барибир мени фикримдан қайтара олмайсиз, – Асанов жойига қайтиб ўтирди.

– Подполковник Падерина ва майор Тошмуҳамедовни бу ёққа таклиф қилинг. Улар 14-хонада ўтиришти, – илтимос қилди Затонский.

Асанов гижинган кўйи индамади.

Орлов гўшакни кўтарди.

– Генерал Орлов, – деди амрона оҳангда, – меҳмонлар олдингиздами? Биз ўтирган хонага юборинг.

– Уйланганмисиз, ўртоқ Асанов? – сўради тўсатдан Затонский

– Ҳа. Аёлларни нега ёқтирмаслигимни билмоқчимисиз? Аксинча, мен уларни шу қадар яхши кўраманки, хатарга қўйгим келмайди. Уруш – аёллар иши эмас.

Эшикни тақиллатишди.

– Ҳа, – қичқирди Асанов.

Эшик очилиб, ичкарига афғонистонлик оилавий жуфт кириб келди – устбоши кир-чир, гижим, соқоли ўсган ўрта ёшлардаги анъанавий афғон кийимидаги йигитнинг ёнида қора чодирага ўралган хотини турар, аёлнинг кўзигина кўринарди.

– Кўринишларинг ёмон эмас, – хўмрайди Асанов – аммо, бу ҳали ҳеч нарсани билдирмайди.

У ўрнидан туриб иккала зобитнинг ёнига борди.

– Форсчани биласизми? – сўради у рус тилида.

Аёл бош ирғади.

– Менинг хонадонимга хуш келибсиз, – деди Асанов пуштун тилида.

Аёл индамади.

– Оллоҳ хонадонингга бахт ато этсин, – миннатдорчилик билдирди эркак анънавий тарзда.

– Яхши, – деди Асанов.

Шарқда эри ёнида пайтда аёл кишининг бегона эркакнинг саволига жавоб беришга ҳаққи бўлмайди.

– Менга айтинг-чи? – талаб қилди Асанов, – Афғонистонда неча марта бўлгансиз?

– Беш марта, – деди аёл, унинг овозида шарқли хотинларга хос сал ҳирқи-роқ бор эди.

– Афғон таомларини нишира оласизми?

– Ҳа.

– Ибодат қилиш қўлингизда келадими?

– Номоз ўқишми? – аниқлик киритди аёл, – албатта биламан. «Қуръон»ни ёд олганман.

– Тўртинчи сурани ўқинг.

Аёл сал жилмайди. «Қуръон»нинг тўртинчи сураси аёлларга бағишланган «Нисо» сураси эди.

– Бисмиллаҳир роҳманир раҳийим! – бошлади аёл: – Эй, Одамлар! Сизларни бир жон (Одам)дан яратган ва ундан жуфти (Ҳавво)ни яратган ҳамда икки-сидан кўп эркак ва аёлларни таратган Раббингиздан қўрқингиз! Шунингдек, ўрталарингиздаги ўзаро муомалада номи келтирилувчи Аллоҳдан ва қариндошлар (алоқани узиш)дан қўрқингиз!

Аёл қироат қилаётганда Асанов диққат билан унинг ўзини тутишига, сўзлар бирикмасини айтишига, ургуларни жойига қўйишига эътибор берди. Араб тилини билмайдиган Орлов ва Затонский эса генерал Асановдан кўз узмасди.

– ...Агар етимларга (нисбатан) адолатли бўлаолмасликдан қўрқсангиз, сизлар учун (никоҳли) ҳалол бўлган аёлларга, иккита, учта, тўрттадан уйланаверингиз. Борди-ю (улар ўртасида) одил бўлолмасликдан қўрқсангиз, бир аёлга уйланинг ва қўл остингиздаги чўрилар (билан кифояланинг).

– Етарли, – ниҳоят жилмайди Асанов, – чодрани ечинг.

Аёл ёпинчигини олди.

У узун сочли, яноқлари сал туртиб чиққан суйри юзли, чиройли қийиқ кўзли эди.

– Русмисиз?

– Отам молоканлардан, онам туркман қизи, – жавоб қилди аёл.

– Жанг қилганмисиз?

– Принсаполькеда ярадор бўлганман, – деди жавоб ўрнида аёл.

– Қаерда? – ҳайрон бўлди генерал.

– Никарагуада?

– Ёшингиз нечада?

– Ўттиз тўққизда, – аёл унинг кўзларига тик қаради.

– Разведкада қачондан хизмат қиласиз?

– Ўн олти йилдан бери.

– Махсус тайёргарликдан ўтганмисиз?

– Икки марта, сизнинг Марказингизда ҳам бўлганман, – қўшимча қилди

Падерина.

– Менинг Марказимда? – ўйланиб қолди Асанов. Кейин стол ёнига борди-

да, кутилмаганда оғир китоблардан бирини унга қарата шиддат билан улоқтирди. — Ушла.

Сўнг яна бирини отди.

— Уриб тушир.

Аёл биринчи китобни тутиб олиб, униси билан иккинчисини урди. Китоб хона бўйлаб учиб бориб, деворга тегди-да, ерга тушди.

— Жин урсин, сизларни, — деди Асанов жойига қайтаркан. — Қолишингиз мумкин.

— Сизни яна аёл танасига боғлиқ баъзи муаммолар ҳам ташвишлан-тираётганмиди? — сўради Затонский.

Акбар сал қизариб, қўлини силкиди.

— Бўлди. Бўшсизлар.

Чиқиб кетгувчилар ортидан эшик ёпилгач, генерал Затонский таъкидлади:

— Иккаласи ҳам Афғонистондаги ҳаракатларда қатнашган. Бизнинг энг яхши зобитларимиздан. Падерина бошқа мамлакатларда ҳам бўлган. Бешта тилни билади.

— Кечирасиз, генерал, — тўсатдан сўраб қолди Асанов, — етмиш тўққизинчи йилнинг декабрида қаерда эдингиз?

Генерал унинг кўзига қаради.

— Кобулда. Тўсувчи гуруҳ таркибида, — деди Затонский оддийгина қилиб, — «Альфа» саройга ҳужум қилди, биз қўшинларимизга қилинадиган мурожаатни эълон қилишга улгуриш учун Бабрак Кармални олиб келгандик.

## VI

Бабрак Кармални у элчи бўлиб турган Чехословакиядан олиб келишди. СССР КГБси Биринчи Бош бошқармасининг 8-бўлимига қарашли махсус гуруҳ Прагага учди. Унинг таркибида ёш зобит, капитан Затонский ҳам бор эди. Москвада ҳаммаси тўлиқ ҳал қилинганди: Аминнинг ўрнига Бабрак Кармал ўтириши керак. Аслида Бабрак Кармал етмиш саккизинчи йилнинг апрелидаёқ мамлакат раҳнамосига айланиши мумкин эди. Аммо, иккита ғанимлар гуруҳига бўлинган Афғонистон Халқ демократик партиясининг ичида фракциялараро кураш авж олиб кетди. Нур Муҳаммад Таракий ва Ҳафизулла Амин мансуб бўлган «Парчам» фракцияси Бабрак Кармал бошлиқ «Халқ» фракциясидан устун келди. Енгилган фракция етакчисининг таҳқирловчи лавозим — Афғонистоннинг Чехословакиядаги элчилигига рози бўлишдан бошқа чораси қолмади.

Лекин, «Халқ»нинг тарафдорлари мамлакатда қолишди. Улар армияда ва советлар томонидан ташкил этилган Маҳаллий хавфсизлик идораси — ХАД таркибида кўпчиликни ташкил қиларди.

Ўз навбатида ғалаба қозонган «Парчам» ичидаги келишмовчиликлар оқиба-тида Ҳафизулла Амин Таракийни тинчитди. Андроповнинг сабр-косаси тўлди. Эндиликда Бабрак Кармал ва унинг «Халқ» фракциясига узил-кесил таянишга келишилди.

Бабрак Кармални икки ҳафта тайёрлашди. Ундан илтимос қилишнинг ҳожати йўқ, чунки у Аминни ёмон кўрар ва Таракийни ҳам унча ёқтирмасди. Энди Андроповга КПСС МК Сиёсий бюросининг розилигини олишгина қолганди. Кетма-кет юз берган иккита кўпоровчилик ҳаракати, НАТОнинг ва Ғарб дипломатиясининг намойишкорона хатти-ҳаркатлари эҳтиёткор Громикони ҳам унинг иттифокдошига айланганди, у ҳам қўшин киритилишига эътироз билдирмади. Мудофаа вазири Устиновга эса америкаликларнинг Форс қўлтиғи ва Ҳинд океанидаги шубҳали ҳаракатлари мутлақо ёқмаётганди. СРВДан келаётган маълум-

мотлар ҳам яхшиликдан дарак бермасди. Америкаликлар яширин ва ошкор равишда дунёнинг бу тарафида ҳам ўзларининг устунликларини мустаҳкамлашга киришганди.

Бу пайтда давлат бошқаруvidан Ҳиндистон Халқ Конгрессини ва унинг етакчиси, Совет Иттифоқининг содиқ дўсти Индира Гандини четлаштириб, Жаната бошлиқ ўнлар партияси блоки келди. Жанатанинг Ҳиндистон билан узоқ йиллик мустаҳкам алоқалар орқали боғланган шимолий кўшни билан орани бузиш нияти йўқ бўлса-да, Бош вазир Десаи ва Сингх ўзининг Индира Ганди билан эски дўстлигини ниҳоятда қадрловчи Брежневга ёқмасди.

Ўша кезде, худди, совет таҳлилчилари ва дипломатлари устидан кулгандек, Ироқда Афғон воқеалари айнан такрорланди.

Инқилобий Қўмондонлик Кенгаши раиснинг ўринбосари, ёш ва шуҳратпараст Саддам Ҳусайн даврон сурадиган пайти етиб келганини пайқаб, ҳокимиятни эгаллашга жазм этди.

Ўзининг ўсишига ва амал поғоналардан юксалишига ёрдам берган валинеъматини тез ва ими-жимиди тинчитди.

Президент А.Х.Бакир бир пайтнинг ўзиде ҳукумат раҳбари, Олий Бош қўмондон ва Инқилобий Қўмондонлик кенгашининг раиси эди. Саддам Ҳусайн унинг энг яқин кишиларидан бири бўлиб, барча лавозимларда унинг ўринбосари лавозимини эгаллаганди.

Бакир зудлик билан маҳв этилгач, одатда бунақа воқеалар рўй берган пайтда бўладигандек, ўн кундан сўнг Саддам Ҳусайн фитнанинг фош қилинганини, уни уюштиришда Ироқнинг деярли барча олий даражадаги раҳбарлари иштирок этганини эълон қилди. Фитначилар орасида Бош вазир ўринбосари – А.Ҳусайн ва Инқилобий Қўмондонлик кенгашининг бош котиби М. Ҳусайн бор эди. Улар билан биргаликда яна учта олий даражали раҳбарлар ўша заҳоти отиб ташланди.

Саддам Ҳусайн тахтга мустаҳкам ўрнашиб олди.

Тўғри, Андропов маҳкамасининг хабарларига кўра, Саддам Ҳусайннинг Совет-Ироқ муносабатларини бузиш нияти йўқ эди. Бундан ташқари, араб дунёсининг қудратли ва ёш раҳнамосидан зарурат туғилганда, арабларнинг кўп асрлик душмани – кўшни давлат Эроннинг эгалари бўлмиш форсларга қарши курашда фойдаланиш мумкин эди. Бунинг устига, мамлакат жанубидаги баҳсли ҳудудларда улкан нефт захираси мавжуд. Москвадагилар бунинг ҳаммасини ҳисобга олиб, Бакирнинг кетиши тўғри бўлганини тан олишга мажбур бўлди.

Сиёсий бюронинг машҳур мажлиси йигирма тўртинчи декабрда бўлиб ўтди. Бунде аслида мажлис ҳам деб бўлмасди. Чунки, унда қатнашиш шарт бўлган кишиларнинг ярмидан кўпроғигина иштирок этганди.

Қудратли мамлакат раҳнамолари учун ярим мустахлақа ҳолидаги олис Афғонистон тақдири бош муаммо ҳисобланмасди. Улар бу гал, фақат Андроповнинг талабига кўра, йиғилишганди. Бу аслида давлат раҳбарларидан бир нечтасининг ўзаро суҳбати бўлиб, кейинроқ у сўров йўли билан ўтказилган Сиёсий бюро мажлиси сифатида расмийлаштирилади.

Ўша кунде Леонид Ильич Брежневнинг иш бўлмасида Андропов, Громико, Кириленко, Косигин, Суслов, Устинов, Черненко жам бўлиши лозим эди. Министрлар Советидан бир ойгина бурун – 27 ноябрдаги Пленумда Сиёсий бюрога аъзо қилиб сайланган Тихоновни чақиринмади ҳам. Қозғистондаги – Кунаева, Украинадаги – Щербицкийга, Ленинграддаги – Романовга ҳам кўнғироқ қилишни лозим кўринмади. Касал ётган Пельше ҳам йўқланмади.

Сершубҳа Гришин Чернекодан Брежнев хузурига Сиёсий бюро аъзолари йиғилишаётганини билиб, Бош котибга ўзи кўнғироқ қилди.

– Менинг боришим керакми, Леонид Ильич? – сўради Гришин паст, аммо равон овозда.

– Нима қиласан? – ажабланди Брежнев, – ўз ишларинг билан шуғуллана-вер, сениз ҳам бу ерда одам кўп ўзи.

Брежневнинг қабулхонасида меҳмонларни кутиб олаётган ёрдамчи Бош котиб ҳузурига кимлар келганини телефон орқали Черненкога хабар қилиб турарди.

Черненко дарҳол ҳудудлардаги Сиёсий бюро аъзоларининг йўқлигига эътибор қилди. У ўзини Брежневнинг жуда қартайиб, парижонхотир бўлиб қолган Сусловнинг ўрнига тайёрлаётганини яхши билар, КПСС МК котиби ҳамда умумий бўлим мудирининг сифатида бутун Афғонистон масаласи кўрилишидан ҳам хабардор эди. Бу гал таклиф қилинганлар таркибини ўзи ўлгудек қўрқадиган ва ёмон кўрадиган Андропов белгилаганини ҳам тушунди. Гришиннинг келмаганини кўриб, Черненко Брежневга қўнғироқ қилди.

– Биз халқаро масалани муҳокама қилмоқчимиз, – деди у ҳарсиллаган овозда, – балки, Зиянин билан Пономаревни ҳам айтармиз.

Уларнинг иккаласи ҳам КПСС Марказий Комитетнинг котиби бўлиб, халқаро масалалар билан шуғулланишар, аммо Сиёсий бюро аъзоси эмасди.

– Фақат Пономаревни айт, – рухсат берди Брежнев. – Зиянин керак эмас. Андрей Андреевичнинг қатнашгани кифоя, у бу масалаларни жуда яхши билади.

Черненко гўшакни қўйиб, қоғозини йиғиштира бошлади.

Брежневнинг иш бўлмасидаги мажлислар столининг тепа қисмидаги ўнг ва чап томондаги биринчи курсиларни одатда Суслов билан Косигин эгалларди. Ҳатто, расман давлат раҳбари бўлган Подгорний ҳам уларнинг жойига ўта олмас, Косигиндан кейин ўтирарди. Суслов билан ёнма-ён ўрин Кириленконики эди. Бу сафар ҳам шу тартибда жойлашишди. Ўнг томонни КПСС МКнинг тўрт котиби – Суслов, Кириленко, Черненко ва Пономарев, чап томонни Косигин, Громико, Устинов ва Андропов эгаллади.

КГБ раиси доимо сезиларли даражадаги камтарлик билан столнинг пойгагида ўтирарди. Бу гал ҳам одатини ўзгартирмади. Жилмайган кўйи Громико билан Устиновни ўздан юқорига ўтказди.

Брежневнинг узоқ давом этадиган мажлисларга, узун маърузаларга тоқати йўқ эди. Ўзи соатлаб ҳеч кимга кераксиз турли ҳисоботларни ўқишга мажбур бўлса-да, бошқаларнинг узоқ ва кўп гапиришини ёмон кўрарди.

Андропов буни яхши биларди. Шунинг учун қисқача қилиб, Амнинг ваҳшийликлари, Таракийнинг ўлими, Бабрак Кармалнинг розилиги ҳақида сўзлаш билан кифояланди. Унинг топшириғига кўра КГБ Биринчи Бош бошқармасининг «Р» бошқармаси томонидан каттагина маълумотнома тайёрланганди.

«Р» бошқармаси тезкор режалаштириш ва таҳлил билан шуғулланарди. Яқин Шарқдаги араб мамлакатлари билан шуғулланадиган Сиёсий Бош бошқарманинг 8-бўлими билан ҳамкорликда Афғонистонга кириб олган душман агентуралари, жумладан, Америка, Хитой, Покистон ва Эрон разведкасининг фаолияти батафсил таҳлил этилганди.

Ахборот одатдагига нисбатан сал чўзилса-да, аммо таъсирчан эди. Ҳамма Громиконинг сўзлашини кутиб, тек қотди.

Одатда ўта аҳтиёткор, ҳар бир сўзини ўлчаб кўриб, кейин айтадиган Ташқи ишлар вазири бу сафар анча сўзамол эди. Сўнгги ифвогарликлар унинг қаҳрини келтирган, Кэмп-Дэвидда юзига «туширилган шапалоқ»нинг ўрни ҳамон ачишиб турарди.

Громико дарҳол кўшин киритишни таклиф этди ва ўзининг кўшимча равишда ҳарбийлар ва КГБ вакиллари билан жойларда ишчи кенгашлари ўтказганини

билдирди.

Бу ҳақда Андроновдан эшитган Суслов унинг гапларига унча эътибор қилмади.

Лекин, Черненко хушёр тортди. Демак, Громико, Устинов, Андронов КПСС МКнинг умумий бўлимини хабардор қилмасдан қаерлардадир хуфёна учрашаётган экан-да. Қани бу суҳбатларнинг қарори, Кенгашларнинг ўша сўзма-сўз матни? Бироқ, унинг ранжиганини билдирмасликка, тилини тийишга ақли етарди. Шу кундан бошлаб Устинов Громикога ишончини йўқотди ва уларни Андронов тарафдорлари, деб ҳисоблай бошлади.

Устинов ўрнидан туриб, қисқагина тарзда армия ўз бурчини адо этишга тайёрлигини билдирди. У Таракийнинг ўлими ҳақида эшитган ва ўта виждонли инсон сифатида ўз раҳбарини шунақа ваҳшиёна тарзда қатл этган Аминдан нафратланарди.

Кейинчалик кўлаб журналистлар Сиёсий бюронинг ўша мажлисини эсини еб кўйган бир гуруҳ қарияларнинг йиғилиши сифатида талқин қиладилар. Аслида эса Брежнев ва Сусловнинг кексаликка боғлиқ айрим қусурларига қарамасдан, яшил мато сирилган узун стол атрофида ўтирганлар кейинчалик ҳажвий сурачлар қахрамонига айланган аянчли кимсалар эмасди.

Устинов Бош штаб бошлиғи маршал Огарковнинг афғон армиясининг айрим кўшинлари қаршилик кўрсатиши мумкинлиги ҳақидаги фикрини ҳам билдирди.

Андронов эса ҳозирги вазиятда афғон армияси бирор жиддий қаршилик кўрсатишга қодир эмаслигини айтиб, кескин эътироз билдирди.

Устинов шунга қарамай, Огарковнинг фикрини виждонан баён этди-да, айна пайтда кўшин киритилишини кўлаб-қувватлади. Кейин Косигин сўз олиб, Афғонистон раҳбарларининг шу хусусда бир неча бор мурожаат қилганини, шу жумладан, муттаҳам Аминнинг ўзидан ҳам шу мазмундаги илтимос тушганини, эндиликда эса Аминнинг тузумига қарши чиқаётган афғон дўстлар кўмак сўраётганини гапириб берди.

Косигин бошқа бирор сўз айтмади, унинг на «ҳа» ва на «йўқ» демагани Андроновга мутлақо ёқмади.

Тўсатдан гапга мамлакатнинг «бош мафкурачиси» Михаил Сулов кўшилди. У кўшинни бетўхтов киритишни талаб қилди. Андронов, Громико, Косигин, Устинов сингари ҳаётга хушёр ақл билан қарайдиган арбоблардан фарқли ўлароқ, ҳали ҳам жўшқин инқилобий руҳ билан яшаётган бу инсон учун Афғонистонда инқилобнинг хавф остида қолгани, мамлакат раҳбарининг ўлдирилгани кифоя эди. Шунинг ўзи Сусловнинг қатъият билан «ҳа» дейишига асос бўла оларди.

Андронов бошқа бирор кишининг эътироз билдирмаслигига амин бўлди. Бу мумкин эмасди.

Дарҳол сўз олган Кириленко ва Черненколар ҳам розилиklarини билдиришди. Пономарев кўшин киритилишининг асл тарафдори бўлиб, Андроновдан ҳам олдин КПСС МКни шунга давъат этарди. У ҳам Афғонистонда социализмнинг тақдири жиддий хавф остида, деб биларди.

Брежнев ҳамманинг фикрини индамасдан эшитди. У армияни яхши кўрар, у билан фахрланар, ҳаққоний тарзда мамлакатнинг куч-қудрати армиянинг жанговар қобилиятига боғлиқ, деб ҳисобларди. Аммо, аслида хушфёъл бу зот урушни, қон тўкишни, жанглари, табиий офатлар ва ҳалокатларни ёмон кўрарди.

Қирқинчи йиллардаги урушни ўз кўзи билан кўриб, укубатларидан тўйгани боис, нима қилаётган бўлсам, ҳаммасини урушнинг бошқа қайтарилмаслиги учун қилаяпман, деб чин кўнгилдан ишонарди. Тўғри, у олтмиш саккизинчи йилда Чехословакияга танкларни киритишга рухсат берганди. Ўша пайтда чиндан ҳам ушбу мамлакатда социализмга «очиқ таҳдид» мавжуд эди. Социализмни ҳимоя

қилиш эса унинг учун муқаддас тушунчалар сирасига кирарди.

Ҳозир ҳам шундай бўлаётганди.

Бир томондан қудратли давлатнинг геосиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш энг муҳим вазифа бўлса, иккинчи томондан Афғон инқилоби бир жойда депсиниб турар, уни ишонтиришларича, инқилоб ғалабалари хавф остида қолганди.

Қолаверса, ўринбосари аблахларча хиёнат қилган Таракийга унинг меҳри анча баланд эди. У ўзининг ҳам бир пайтлар раҳбари бўлиши Никита Хрущёвни «сотгани»ни унутганди. Бироқ, у Амಿಂದан фарқли ўлароқ, уни ўлдирмаганди.

Ниҳоят, бир қарорга келинди. Брежнев Черненкога Сиёсий бюронинг қарорини тайёрлашни топширди.

Иккинчи куни эҳтиёткор Громико барибир Брежнев ҳузурига кирди. Ўша пайтда полк ва батальонлар самолётларга ортилаётганди.

— Леонид Ильич, — деди Ташқи ишлар вазири, — қўшин киритилиши тўғрисидаги ҳужжатни қандайдир давлат қарори тарзида расмийлаштирсак маъқул бўлармикин?

Брежнев жим қолди. Анчагача индамай ўтирди.

Кейин телефон гўшагини кўтарди.

— Михаил Андреевич, — илтимос қилди у Суловдан, — менга бир кириб кет.

Маслаҳатли гап бор.

Сулов киргунга қадар Брежнев савол берди:

— Жанжал чиқади, деб ўйлайсанми?

— Ҳар нарса бўлиши мумкин, — тўғри жавобдан қочди Громико.

Сулов рухсат сўрамасдан кириб келди.

— Хайрли кун, — деди у Громикога, ҳансираганча стол ёнига чўқаркан.

Брежнев қисқача тарзда Громконинг илтимосини билдиргач, қўшимча қилди:

— Ҳозирги вазиятда ё афғонларнинг мурожаатини эътиборга олмаслик, ё халқ ҳокимиятини қутқариб қолиш хусусида тезроқ бир қарорга келишимизга тўғри келади.

— Мурожаат бўладими? — сўради Сулов.

— Андропов ваъда қилган, — жавоб қилди Брежнев.

— Афғонистон билан шартнома тузиб қўйилган, — деди Сулов секингина, — модомики, шундай сўз бердикми, тезроқ унинг устидан чиқишимиз керак. Андропов билан Устинов ҳам шошираяпти. Марказқўмда бўлса кейинроқ муҳокама қиламиз. Бунинг шошиладиган жойи йўқ.

Шу суҳбатнинг эртасига Афғонистонга совет қўшинлари бостириб кирди.

## VII

— Бориладиган йўлни ва гуруҳнинг қурол-аслаҳаси, кийим-кечагини ўйлаб кўришимиз керак, — деди Асанов хаёлчан оҳангда, — бориладиган жой ниҳоятда оғир тоғ ҳудуди.

— Сен берадиган одамларингни айтмадинг ҳали, — эслатди Орлов.

Асанов тоза қоғоз варағини олдиға тортди. Ручкасини чиқарди.

— Биринчиси — майор Машков. Афғонистонда, Тожикистонда, Абхазияда жанг қилган. Жойнинг шароитини яхши билади, маҳаллий аҳоли билан гаплашиш борасида тажрибаги бор, тилини пухта ўзлаштирган. Тўсувчи гуруҳ бошлиғи сифатида жуда нафи тегади.

— Розиман, — Затонский уч рақамини қўйди.

— Кейингиси капитан Борзунов. Жуда тажрибали, қаттиққўл, мулозаҳали зобит. Керак бўлганда бутун операциянинг оғирлигини зиммасига олади. Аъло даражадаги мерган. Тоғ шароитида баҳоси йўқ. Чидамли, жасур ва жаҳлдор.

– Нега жаҳлдор? – сўради Орлов.  
 – Буни ўзидан сўрайсан, – елка қисди Асанов, – мен феълини айтаяшман.  
 – Кейингиси? – сўради Затонский.  
 – Катта лейтенант Чутов. Ишончли, ҳушёр, оғир-босиқ. Бугун ҳудудни босиб ўтишда гуруҳга йўлбошчилик қилди ва ўзини яхши томондан кўрсатди. Тўғри, тилни билмайди-ю, аммо тўсувчи гуруҳ учун боп тушади.

– Агар шунақа деб ҳисобласангиз, мен розиман. Яна?

– Маҳаллий аҳоли билан мулоқат учун керак бўладиган яна икки зобит бор. Бирини подполковник Раҳимов, миллати қozoқ, кўриниши маҳаллий аҳолидан фарқ қилмайди. Иккинчиси – капитан Чон Дин, сибирлик корейслардан, хитой, корейс ва қирғиз тилини билади. Жисмоний жиҳатдан яхши тайёрланган, турли шарқ якка курашлари билан шуғулланади. Уни башарасига қараб ҳеч ким рус жосуси деб ўйламайди. СССР қулагандан бери афғонстонликлар барча рус зобитларини малла сочли бўлади, деб билишади.

– Жами еттита бўлди. Сизингча, етарлими? – аниқлик киритди Затонский.

– Менимча, етарли. Тайёргарлик жараёнида яна ким кераклигини, қайси мутахассисга эҳтиёж борлигини аниқлаймиз. Ҳозирча етарли.

– Йўқ, етарли эмас, – эътироз билдирди Затонский, – сиз энг асосийсини билмайсиз.

Асановнинг кўнгли бир ёмонликни сезиб, ҳушёр тортди.

– Полковник асирга тасодифан тушиб қолгани йўқ. У ихтиёрий равишда ўзини афғонлар қўлига топширган.

– Кречетовми? Бундай бўлиши мумкин эмас, – қайсарлик билан эътироз қилди Асанов бирдан лаблари қуруқшаб, – у ҳақиқий ватанпарвар, яхши разведкачи...

Затонский муғомбирона жилмайди.

– Уни атайлабдан топширибсизлар-да, – тушунди Асанов.

Затонский бош силкиди. Бу ерда – ҳарбий разведканинг қаттиқ қўриқладиган махфий марказида ҳам генералнинг ортиқча сўз айтгиси келмади.

– Бу мўлжалланган операциянинг бир қисми, холос, – тушунтирди Орлов масаланинг моҳиятини англаган Асановга.

«Демак, Кречетов асирга тасодифан тушмаган, – фикрлади Акбар, – шунақа бўлса уни қутқарадиган гуруҳнинг нима зарурати бор?»

– У ҳолда бу гуруҳ нима қилади? – сўради у.

– Сиз Афғонистонда жанг қилгансиз, – Затонский эшик тирқишидан эшитиб қолишларишлари мумкиндек овозини пасайтирди, – тўсувчи гуруҳи нима эканини биласиз. Ўзингиз ҳам бошқа бир кучлироқ жангговор гуруҳининг керакли йўналишга ёриб ўтгунча, мужоҳидларни чалғитиб турадиган махсус гуруҳлар тузгансиз.

– Сиз бунинг бари шунчаки найранг, демоқчимисиз? Гуруҳ Кречетовни қутқариш учун бормайдими?.

– Боради. Лекин, қутқармайди, – қисқагина тушунтирди Затонский, – ёриб ўтиш бутунлай бошқа йўналишда амалга оширилади.

– Яна битта гуруҳ тузасизми? – ҳамон унинг фикрига тушуна олмасди Асанов.

– Сиз худди ҳарбий разведкачидек фикр юритаяпсиз, – деди юмшоққина қилиб Затонский, – хафа бўлманг. Бизнинг вазифамиз ҳам, мақсадимиз ҳам бутунлай бошқа. Бизга энг муҳими – Кречетовнинг Афғонистонда мустаҳкам ўрнашиб, Нурулланинг ёнида қолишига эришиш. Ҳозир тузадигани гуруҳимиз ҳақиқатан ҳам Кречетовни қутқариш учун кўрсатилган йўналишдан боради. Аммо, уни қутқариб, ўша ердан олиб чиқа олмайди. Буни ҳар қанақасига эшлай олмай-



ди ва аслида қутқаришнинг ҳожати ҳам йўқ. Кречетов Афғонистонда қолиши шарт, — яна бир бор қатъият билан уқтирди Затонский, — гуруҳ шунчаки Кречетовнинг ноёб шахс эканини таъкидлаш, унга нисбаган қизиқишни кучайтириш ва унинг баҳонаю важини тасдиқлаш учун зарур.

— Демак, улар шунчаки астойдил ҳаракат қилаётганларини кўрсатса кифоя экан-да? — тушунишга уринди Асанов.

— Йўқ, жон-жаҳди билан уринишади. Акс ҳолда бизга ишонишмайди. Лекин, кўлларидан ҳеч нарса келмайди.

— У ҳолда гуруҳнинг кейинги ҳоли нима кечади?

— Ортга қайтишга ҳаракат қилишади.

— Топпириқни бажармасдан, меникилар сира ҳам ортга қайтмайди, ўртоқ генерал,

— Ҳеч нарса қилиша олмайди, — Затонский асабийлаша бошлади.

— Сиз шуни ҳоҳлаясизми? — аниқлик киритди Асанов.

— Ҳа, биз уларнинг қўлидан бирор иш келишини истамаймиз, — ростига кўчди Затонский.

— Энди тўғриси айтдингиз. Демак, менинг одамларим ўлимга маҳкум экан-да?

— Биз урушдамиз, Акбар, — қаҳр билан Затонскийнинг ўрнига жавоб берди Орлов, — ҳозир турли томошалар кўрсатадиган пайт эмас. Полковникнинг тасодифан асирга тушиб қолганига душманлар ишониши керак. Шунинг учун қўшма гуруҳни жўнатаймиз. Нимани тушунмаясан яна?

— Демак, йигитлар ўлиши керак. Уларнинг тирик қолишлари учун бирорта имконият қолдирмайсизлар, менимча, — ўртаниб кетди Акбар, — балки, пистирма кўйиши учун Нуруллани олдиндан огоҳлантириб қўйишларингиз ҳам мумкин-дир? Тўғрими, гапим?

Затонский индамади. Орлов қисқагина сўкиниб, сигарета тутатди.

— Гапиринг, — деди баланд овозда Асанов.

— Бақирманг, — Затонский ҳорғин қўл силтади, — йигитларга мен ҳам ачинаман. Сиз жанг қилгансиз, бунинг нима эканини яхши биласиз-ку, ахир полкни қутқариш учун рота, батальон учун взвод қурбон берилади. Кречетовга берилган топпириқ жуда муҳим, шу даражада муҳимки, у билан Евгений Максимович Примаков шахсан шуғулланаяпти. Бугунги кунгача бу ҳақда беш-олти киши биларди. Энди сиз ҳам билдингиз, Ҳарбий разведкадан бу ҳақда, фақат иккалангиз хабардорсиз.

— Тушундим, — деди Асанов ёқа тугмасини очиб, — мени қари эшак энг яхши одамларимни бериб ўтирибман-а.

— Худди шундай бўлиши керак. Улар бор кучлари билан ҳаракат қилишлари керак. Бўлмаса, бизга ишонишмайди. Ушбу топпириқни бажариш учун энг яхши зобитлар юборилиши зарур. Улар биз белгиланган йўналишдан кетиши лозим.

— Борса келмас қурбонлари, — деди Асанов паст овозда, — табриклайман сизни, генерал. Операциянгизни қурбонлар эвазига пухта режалаштирибсиз.

Затонскийнинг ранги оқариб кетди.

— Агар керак бўлса, ўзим борардим. Бунга шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади, — деди у.

— Бунга шубҳа ҳам қилмайман, — деди Асанов қовоқ солиб, — овоз чиқариб ўйлаётганим учун узр. Сиз Нурулла ва унинг одамлари билан ўйнашмоқчисиз. Шунақа ўйнашмоқчисизки, улар Кречетовни ҳар қандай қурбон эвазига қутқармоқчи эканингизга ишонсин. Буни тушунаман. Аммо, йигитларини йўқотиш менга жуда оғир. Бу ерда шунақа айёрлик билан ўйнаш керакки, ҳам улар ишонсин, ҳам гуруҳ омон қолсин.

- Бунақаси бўлмайди, – таъкидлади Орлов.
- Шунақаси бўлади, – Асанов хўрсинди, – мени Афғонистонда ҳамма биларди. Ҳатто, «Барс», деб ном қўйишган.
- Бундан хабарим бор, – Затонский генералнинг нима ҳақида ўйлаётганини тушунмаётганиди.
- Шунинг учун гуруҳга мендан зўр бошлиқ топилмайди. У ҳолда Нуруллаги-на эмас, барча афғонлар ҳам биз учун Кречетовнинг ер юзидаги ҳамма нарсадан азиз эканига иқрор бўлади.
- Ўртага сукунат чўкди.
- Ақддан озибсан, – Орлов столга мушт туширди ниҳоят, – қаҳрамон ролини ўйнагинг келиб қолдимиз? Қўймайман! Тентакликни бас қил!
- Шошманг, ўртоқ генерал, – ўйланиб қолди Затонский, – биласизми, Акбар Алиевич, бу жуда зўр иш бўларди. Ҳеч хаёлга келмаган гап.
- Ўйлаб ҳам ўтирманг, – жазавага тушди Орлов, – Сендақа Рэмбодан ўргилдим. Балки, ёлғиз ўзинг борарсан.
- Бир ўзимга зерикарли, унча қизиқ бўлмайди, – деди Асанов, бир қарорга келганидан сўнг ҳаммаси ўз жойига тушганиди.
- Қўймайман, – бақирди Орлов – етар шунча урушганинг. Агар сени асир олишса-чи? Қанақа шармандалик эканини биласанми? ГРУ генерали мужоҳидлар қўлида! Бутун дунёга шармисор бўламиз. Сени қутқариш учун бутун бир полкни жўнатишимизга тўғри келади.
- Биласан-ку, мен асирга тушмайман, – жавоб берди Асанов, – фақат, ўлдиришлари мумкин.
- Раҳмат, таскин бердинг. Бу фикрни каллангдан чиқариб ташла. Гуруҳ сенсиз боради.
- Ҳаммаси қирилиб кетсинми?
- Бу сенинг ишинг эмас. Уларнинг ўз вазифаси бор.
- Борилсин ва қайтилмасин, – яна такрорлади Асанов, – бунақа топшириқ бўлиши мумкин эмас. Одамлар энг улуғ мақсадлар йўлида, ҳатто уруш чоғида ҳам ўлимга жўнатишмайди. Мен улар билан бораман ва қайтишга ҳаракат қиламан.
- Бу қизиқарли таклиф бўлди, – бош силкиди Затонский. – Мен раҳбариятим билан маслаҳатлашиб олишим керак. Менимча, сиз барча йўлларни ҳисоб-китоб қилиб кўрганга ўхшайсиз. Чунки, бу ўлимни бўйнига олганлар жазм этадиган, қайтишга заррача имкон бўлмаган, борса келмас йўл. Тирик қолиш мумкиндир, лекин бу эҳтимолдан жуда узоқ гап.
- Москвага кўнғироқ қилинг, – жавоб ўрнига талаб қилди Асанов.
- Менга қулоқ сол, Акбар, – деди жуда жиддий тарзда тўсатдан Орлов, – бу ҳазилакам иш эмас. Биздаги маълумотга кўра, Нурулла МРБ билан алоқадор. Сенга қарши бизнинг, Американинг ва афғон мужоҳидларнинг разведкаси қарши курашади. Тамом. Сен бажариб бўлмайдиган ишга ўзингни ураяпсан. Уни бажариш керак эмас. Унинг бажарилиши ишимизни барбод қилади. Тушунаясанми? Агар халақит бериш уларнинг қўлидан келмаса, биз халақит берамиз. У ёқдан тирик қайтиш мутлақо мумкин эмас.
- Тушунман. Лекин, сен менинг боришимдан чиқадиган фойдани ҳисоблаб кўр. Агар гуруҳ фаол ҳаракат қилмаса ҳам, менинг номимнинг ўзиёқ бизнинг уринишимиз нақадар жиддий эканини билдиради. Генерални олдиндан муваффақиятсиз тугаши аён бўлган мутлоқ кераксиз ва бутунлай истиқболсиз вазифага ҳеч қачон жўнатишмайди. Йигитлар Кречетовнинг нодир шахс эканини ўз қонлари билан тасдиқлаши керак бўлса, мен ўз номим билан тасдиқлайман. Ҳақиқий мақсадингиз шу эмасми, генерал Затонский?

– Аслида шундай, – маъқуллади Затонский, – бу жуда зўр иш бўларди. Сизнинг номингиз бутун мамлакатда машхур. Мен Кўҳисангдаги операция ҳақида эшитганман, ўшанда бутун бир тўдани қириб ташлаган экансиз. Сизга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилгани ҳақидаги фармон қирқинчи армиянинг барча қисмларида эълон қилинганди.

– Э, ундан бери қанча вақт ўтиб кетди? – Асанов ўрнидан турди. – Кетдик номзодларимиз билан танишамиз.

## VIII

Кўшин киритилишидан икки ой олдин КГБнинг яширин қочқинлар билан шуғулланадиган «С» Бошқармаси ўзининг хуфиясини Кобулга жўнатиш ҳақида қарор қабул қилди.

Бу – озарбайжон миллатига мансуб, Афғонистон бўйича мутахассис, тилни мукамал биладиган, подполковник Микаил Толибов эди.

У Афғонистонда олдинги тузум пайтида ҳам ишлаган ва Кобулни яхши биларди. СССР элчихонасидаги маслаҳатчилар ёрдамида Қандаҳор шаҳрининг фуқароси сифатида Аминнинг президент саройига ошпаз қилиб жойлаштирилди. Яра пишиб етилаётган, унинг ёрилиши олдидан Толибов Аминни заҳарлаши керак эди.

Кейинчалик КГБнинг Англиядаги резиденти бўлиб ишлаган ва Фарбга қочиб ўтган сотқин О.Гордиевский ўзининг китобида Аминнинг саройида бош ошпаз бўлиб ишлаган озарбайжон йигитининг номини тилга олади. Аммо, яна ёлғон гапиради, унинг ёзишча, Микаил Толибовнинг озарбайжон бўлиши мумкин эмасмиш. Чиндан ҳам бу подполковник Микаил Толибов бўлиб, биз унинг исм-шарифини биринчи марта аслидагидек ёзаямиз.

Ҳар қандай шарқлик ҳукмдор сингари Ҳафизулла Амин ҳам ўта эҳтиёткор бўлиб, ўзига бериладиган егулик-ичгуликларни тез-тез текширишдан ўтказиб турарди. Аста-секин бошқаларнинг баҳридан ўтилиб, Толибов Аминнинг севимли ошпазига айланди.

25 декабрда Амин бошлиқ афғон ҳукуматининг тўлиқ розилигига биноан, Афғонистонга совет кўшинларини киритиш бошланди. Десантчи гуруҳлар оғир техника воситалари билан биргаликда ташланди. Аэропортда уларни тушириб олиш осойишта ўтди.

26 декабр куни президент саройини забт қилиши лозим бўлган «Альфа» гуруҳи Кобулга учиб келди.

Зирҳли техникаларни ташиш давом этарди.

27 декабр куни эрталаб Балашихиндаги разведкачилар тайёрлаш марказидан 8-бўлимнинг ҳамда полковник Бояринов бошлиқ «2» бошқарманинг махсус гуруҳлари учиб келди.

Айни пайтда СССР КГБси раисигагина бевосита бўйсунадиган «Октава» махсус десанти Кобул – Форикар йўлига ташланди.

Давлат чегараси бўйлаб Панж дарёсини кечиб ўтишга шай турган 40-армия ўрнашди.

Толибов «Ф» топшириқни бажариш учун буйруқ олди.

Кундузи соат учда Бояринов гуруҳи ўз кийимларини афғон ҳарбийларининг либосига алмаштирди.

Соат олтида «Октава» гуруҳи ходимлари шимол томондан Кобулга кириб, президент саройи томон силжий бошлади.

Соат еттида «Альфа» гуруҳи Кобул аэропортида юкларини тушира бошлади. Зирҳли техникалар тўдаси шовқин солиб, шаҳар томон йўл олди.

Соат саккизда Москвадан Бабрак Кармал тушган самолёт учиб келди. Махфий келишувга мувофиқ, уни Кобулдаги фракциясининг собиқ аъзоси, Афғонистон Ташқи ишлар вазирининг ўринбосарларидан бири, аллақачон Бабрак Кармал билан ишлашга розилик берган Шоҳ Муҳаммад Дўст кутиб олиши керак эди.

Соат тўққизда юк машиналари, танклар, БМПлар карвони аэропорт худудидан чиқди. Олдиндаги афғон армиясининг белгиси босилган учта БМПда Бояринов гуруҳи борарди.

Соат тўққизда Толибов гўшт ва кўкатлардан маҳорат билан тайёрланган ва заҳарга тўйинтирилган сабзи-паловни дастурхонга тортади.

Соат тўққиздан ўттиз дақиқа ўтганда афғон соқчилари техникалар карвонини тўхтатади. Улар бунча миқдордаги техникани шаҳарга киритиш учун рухсатнома талаб қилишади.

Соат тўққизу ўттизда Ҳафизулла Амин кечки таомни татиб кўрибоқ, ўзини жуда ёмон ҳис қила бошлайди. Мустабид арбобнинг маҳаллий каллаварамларга кўпдан ишонмаганлиги боиси, зудлик билан совет элчихонасидан врач чақирилади.

Тўққиздан қирқ дақиқа ўтганда шаҳар марказига ўтиладиган КПШга (*Назорат Соқчиллик пункти. Тарж.*) иккита полиция машинаси ва афғон армиясининг йўл кўриқлайдиган бир неча аскарлари етиб келади.

Тўққиздан қирқ беш дақиқа ўтганда Бояриновнинг буйруғи билан гуруҳ уларни қириб ташлайди. Шлагбаум кўтарилади. Гуруҳ афғон постларини бузиб, десантчилар ва «Альфа» тўдасининг шаҳарга кириши учун йўл очади.

Соат ўнда совет элчихонасидан келган врач Аминни қутқаришга уриниб, ичакларини ювади ва укол қилади.

Соат ўнда «Октава» гуруҳи сарой яқинидаги хиёбонга ўрнашади.

Соат ўнда совет кўшинлари ҳеч бир қаршиликсиз шаҳарга кириб боради.

Соат ўну ўттизда Амин бироз ўзига келиб, ётоқхонасида уйқуга кетади. Совет врачлари унинг ёнида қолади.

Соат ўну ўттизда Бояринов гуруҳи Аминнинг саройида пайдо бўлади. Полковникнинг буйруғига мувофиқ, бирма-бир «қоровулларни алмаштириш» бошланади, дарвоза олдидаги соқчилар ўлдирилади.

Соат ўн бирда дарвоза кучли портлашдан қулайди. Бояринов гуруҳи бинога ҳужум бошлайди. «Альфа» гуруҳи саройни қуршаб олиб, ҳеч кимни ичкарига ўтказмайди.

Ҳеч вақони тушунмаган Аминнинг соқчилари Бояринов гуруҳининг зобитлари ўқиға учади.

Амин ўқ овозини эшитиб, ётоқхонасидан қочиб чиқмоқчи бўлади.

Аминнинг ётоқхонасига бостириб кирган Бояриновнинг одамлари унинг икки адыюванти, ёрдамчиси, жазмани, совет врачлари ва СССР элчихонаси ходимини ўлдиради. «Альфа» гуруҳи бутун сарой бўйлаб ҳужумга ўтади. Ўша ерда бўлган ҳамма афғонлар ўлимга маҳкум эди.

«Октава» гуруҳи энди совет ҳарбийлари кийимида ошхона орқали саройга кириб боради.

Бояринов гуруҳидагилар жон-жаҳди билан қидирганига қарамасдан, Аминни топа олмайди. Бу пайт афғон ҳукмдори бир адыюванти билан настга қочиб тушишга улгуради. Тепадаги охириги қаватдан настга — гаражга тушадиган торгина зинапоё бор эди.

«Альфа» гуруҳи жанговар ҳаракатни тугатади. Мудофаачиларнинг ҳаммаси ҳалок бўлади. Ҳеч ким асирга олинмайди.

Гараж эшигида пайдо бўлган Амин ва унинг адыювантини «Октава» гуруҳи

пайқаб қолади. Гуруҳ бошлиғи полковник Гогобридзенинг буйруғи билан майор Козлов Ҳафизулла Амин ва унинг адъютантини отиб ташлайди. Шу пайт афгон ҳарбийлари кийимидаги Бояринов гуруҳининг офицерлари пайдо бўлади. Уларни «Альфа» ходимлари таъқиб этади.

Бабрак Кармал ўтирган самолёт ярим соатга Тошкентга қўниб, ёнилғи қуйиб олади ва дарҳол Кобулга учеди.

«Альфа» ва «Октава» гуруҳининг ўртасига тушиб қолган Бояринов гуруҳи битта қўймасдан қириб ташланади.

Полковник Бояриновнинг ўзи ҳам ўлдирилди. Андроповнинг қатъий буйруғига кўра, ҳеч кимни асир олиш мумкин эмасди. Бабрак Кармалнинг мамлакатда бутун ҳокимият янги инқилобий қўмондонлик ихтиёрига ўтгани ҳақидаги мурожаати берилади. Аҳмоқона тасодифга кўра, Кобул радиоси қўлга олинмай, ўз эшиттиришларини эски тартибда тарқатаётгани туфайли, бутун дунё янги афгон етакчисининг мурожаатини Совет Иттифоқи радиосидан эшитади.

Эрталаб соат бешда «Октава» Кобулни тарк этади. «Альфа» гуруҳи сарой хоналарини бирма-бир кўздан кечириб, Бабрак Кармалнинг келишига ҳозирлик кўради.

Соат еттида совет дивизиялари Панж дарёсидан ўтади.

Соат эрталаб тўққизда, бу сафар Кобул радиосидан Бабрак Кармалнинг мамлакатда янги ҳокимият қарор топгани, унинг илтимосига кўра, СССР қўшинлари киритилгани ва «Америка империализмининг агенти Ҳафизулла Аминнинг инқилобий трибунал ҳукмига кўра қатл этилгани» ҳақидаги мурожаати бутун халққа эшиттирилади.

Соат ўнда тунги отишмалардан омон қолган Микаил Толибов Афғонистоннинг янги раҳбарига нонушта дастурхонини тузайди.

Бир неча кундан сўнг мамлакатнинг хавфсизлик хизмати раҳбарлигига ўтгиз икки ёшли Муҳаммад Нажибулла тайинланади.

10 январда янги сайловлар натижасида ҳокимият тепасига Индира Ганди ва унинг партияси Ҳиндистон Миллий Конгресси қайтади.

Аммо, дунё яна ларзага тушди. Геосиёсий манфаат ва социалистик байналмилал бурч хусусидаги ваз-қорсонларни қабул қилмайди.

СССРнинг Афғонистонга бостириб кириши муносабати билан БМТнинг шошилинч сессияси чақирилади. Совет Иттифоқини, унинг иттифоқдошлари ва вассаллари Болгария, Мўғулистон, Куба, Афғонистоннинг ўзи, Украина ва Белоруссиягина қўллаб-қувватлайди... Улар ўн саккизта эди. Қолганлари эса қоралайдилар.

Бугун, орадан кўп йиллар ўтгандан сўнг, етмиш тўққизинчи йил декабрдаги воқеалари мушоҳада эта туриб, ядро қирғини таҳдиди мавжуд бўлган оламда, бунақа босқинчилик ҳаракатларининг икки қудратли мамлакатнинг, икки тузумнинг ўзини сақлаб қолиш йўлидаги чораси бўлганини англайсан, киши. Чунки, Совет Иттифоқи Афғонистонга бостириб киришда айбланса, Гренадага нисбатан шундай йўл тутган АҚШнинг гуноҳи ҳам ундан кам эмасди.

Умуман олганда, тарих «ким айбдор?» ёки «ким айбсиз?» деган саволларга ҳеч қачон аниқ жавоб бера олмайди.

Совет раҳбарларининг етмишинчи йилларнинг охирида бутун дунёда социализм ишини ҳимоя қилаётганларига ишончлари комил эди. Буни рад этиш ҳам мумкин, аммо геосиёсий ҳақиқат қолади. Уни харитадан кузатса ҳам бўлади.

Орадан ўн беш йил ўтгандан сўнг Россия яна ўз ўғлонларини Тожикистонга жўнатади. Яна ҳаммани — «шу керакмиди?» ёки «керак эмасмиди?», бу «айбми» ёки «айб эмасми», деган шубҳа қийнайверади.

Россия бу гал социализм ва капитализм хусусидаги гап-сўзларни нари суриб

кўйиб, ўзининг дунёдаги геосиёсий мавқеи ва манфаатларни ҳимоя қилишга уринар экан, уни ўзи тушунган тарзда изоҳлайди.

Тарихнинг йўриги шунақа. Бу фикрни қабул қилмаслик мумкин, лекин тушуниш керак, афғон уруши икки халқ — совет ва афғон халқига барабар фожиа бўлгани ҳақиқат. Бу нотинч оламда ҳар қандай уруш ҳам шундай бўлиб қолаверди.

## IX

— Биз ижозат олдик, — деди Орлов ўзининг норозилиғни базўр босиб, — операцияда қатнашинингга рухсат беришди. Айтишларича, Примаковнинг ўзи Мудофаа вазирига кўнғироқ қилди.

— Бу биз учун жуда муҳим, — бош силкиди Затонский, — афсонавий «Барс»-нинг номиёқ операциямизнинг обрўсини жуда ошириб юборади. Ҳали тегишли жойга етмай турибоқ, гуруҳни қутқариб қолдингиз, дейиш мумкин. Сиз билан улар ўз уринишларини намойиш қилса кифоя, акс ҳолда Кречетовни қутқариш учун ҳақиқатан ҳам жанг қилишларига тўғри келарди.

Улар ГРУ зобитлари мерганлик бўйича имтиҳон тошпираётган синов майдониди туришарди. Асанов ўз итоатидагиларнинг эришаётган натижасини кузатар, айна пайтда иккала меҳмоннинг ҳам гапларини эшитишга уринарди.

Ўқ узиш чизигида Борзунов билан Машков туради. Биринчиси нишонга беҳато урар, иккинчисининг эришаётган натижалари анча паст эди.

— Иккинчи, — деди Асанов овоз кучайтиргичдан ҳаммага эшиттириб норози оҳангда, — яна такрорланг. Натижангиз жуда ёмон.

Машков ўзининг ҳафсаласи пир бўлганини билдирмай, ўт очиш чизигига қайтди.

— Йўғ-е? — ҳайрон бўлди Затонский дурбиндан қараб. — Менимча унчалик ёмон эмас.

— Штабда ўтирадиган зобитга бўлаверади. Аммо, у биз билан сафарга боради. У ерда ҳар бир сантиметр бутун гуруҳнинг тақдирини ҳал қилади. Агар душманга биринчи бўлиб ўқ узмаса, душманнинг ўқиға учади, тамом-вассалом. Агар омади келиб қолса, мурдага айланади.

— Агар ҳалок бўлса, буни қанақасига омади келди, дейиш мумкин? — тушунмади Затонский.

— Энг ёмони яраланиши, унда елкада кўтариб юришга тўғри келади, — тушунтирди Асанов.

— Сизларнинг тушунчаларингиз ҳам ўзига хос экан, — тан олди Затонский, — бизникилар деярли қурол ишлатишмайди. Кунни қуролга қолдими, хароб бўлди, деяверинг. Шунинг учун кўпроқ ақл-фаросатга таяниб иш кўришга тўғри келади.

— Фақат, Афғонистонда эмас, — эътироз қилди Асанов, — у ерда ўн олти йилдан бери уруш кетаяпти. Снарядларнинг гумбурлашига кўниккан бутун бир авлод вояға етди. Кўшлар болалар ўқишни билмайди-ю, автоматни бемалол сочиб ташлаб, қайта теришни эшлайди.

— Эсимда, — бош ирғади Затонский, — лекин, барибир бизнинг одамларимизнинг иш услуби сал бошқача хусусиятга эға.

Асанов индамади. Ўт очиш чизигига ниқоб ҳалатга ўралган Затонскийнинг икки ходими чиқди.

Аёл сочларини берети тагига йиғиб олганди. Улар отишмани бошлаб юборишди.

Учала генерал СРВ ходимларининг маҳоратини кузатиб турарди. Падерина Асановнинг энг яхши талабалари каби қойилмақом қилиб отарди. У узган ўқла-

рининг нишонга қай даражада текканини текширгач, дурбинни туширди.

– Кўраяпсизми, генерал, сиз одамларингизни бекорга хафа қилаяпсиз. Улар яхши отишяпти.

– Мен умуман отишни билмайди, деб айтмадим, – деди мақтовдан сал талтайган Затонский. – Мен улар қуроладан иложли борича камроқ фойдаланиши керак дедим, холос.

Чизик ёнига Машков қайтиб келди. У Чутов билан бирга эди. Бу сафар Машков ҳар қалай яхшироқ отди. Чутов бўлса икки марта ҳам мўлжалга ура олмади.

– Биринчи, – деди овоз кучайтиргичдан Акбар ғазаб билан, – тез менинг олдимга келинг. Иккинчи, бу сафар ёмон эмас.

– Унга нима бўлган, – деди Орлов ҳам ранжиб. ГРУ ходимнинг ёмон отаётганини кўриш дилини хира қилганди.

– Билмадим, бугун негадир бошқача тутаяпти ўзини. Ҳеч қачон бунақа ёмон отмаганди. Кеча синов ҳудудини икки марта босиб ўтди. Ҳаммаси жойида эди, – жавоб берди Асанов, – балки, чарчагандир. Толиқдимикин?

Кузатувчилар хонасига Чутов кириб келди.

– Бўйруғингизга биноан келдим, – ГРУнинг полигонда ўзини унвони билан таништириш ёки унвон бўйича мурожаат қилиш тақиқланганди.

– Сизга нима бўлган ўзи? – деди Чутовга Асанов «сиз»лаб.

Катта лейтенант генералнинг жаҳли чиққанини сизди.

– Кечирасиз, ўртоқ курс бошлиғи, – гўлдиради у ҳорғин овозда.

– Нима бўлди ўзи? – қайта сўради Асанов.

Чутов индамади.

– Бу ўртоқлар олдида айтаверишингиз мумкин, – рухсат берди Асанов Орлов ва Затонскийни кўрсатиб.

Катта лейтенант ҳамон жим эди. Фақат қизарган ва шишинқираган кўзларини генералдан яширишга уринарди.

– Қани, кўлингни кўрсат, – қичқирди бирдан Орлов, – кўлингни.

Чутов ҳеч нарсани тушунмай, титраётган қўлларини кўтарди.

– Ҳаммаси тушунарли. Ичибсан-да, ярамас, – ҳайқирди Орлов. – Трибуналга бераман, онангни сани... Мақтаган офицерингиз шуми? Шунақа одамларни қанақасига тавсия қилаяпсан, Асанов?

Асанов Чутовга сўзсиз тикилиб турарди.

– Нима гап? – сўради у майин оҳангда.

Катта лейтенант индамай лабини тишлади. У иситма туггандек титрарди.

– Касалмисиз? – сўради Асанов.

– Йўқ, – қаддини ростлади Чутов, – қайта отишга ижозат беринг.

– Ижозат бермайман. Хонангизга боринг. Кейин гаплашамиз.

Чутов чиқишга улгурмасдан хонага майор Машков кириб келди.

– Рухсат беринг.

– Нима гап? – ходимларининг бугунги «кутилмаган совғалари» Асановнинг жонига тега бошлаганди.

– Шахсан ўзингиз билан гаплашишга рухсат беринг, – ўтинди Машков.

– Шу ерда айтаверинг, – ўзини тутаолмай аччиғланди Асанов.

– Ўртоқ генерал, Чутовга бир ҳафталик таътил беришингизни сўрайман.

– Нима? – бирдан тутатди Орлов. – Менга оқловчи етмай турувди ўзи.

Тартиб-партиб дегани қолмапти ўзи.

– Гапиринг, – деди Асанов жиддий бир нарса рўй берганини тушуниб.

– Бугун тунда Чутовнинг хотини касалхонада операция пайтида вафот этди.

Икки ёш боласи уйда ёлғиз қолган. Уларга кўшниси қараб турибди, Акбар Али-

евич, — деди Машков ўта паст овозда.

Хонага сукунат чўкди.

Орлов бу кутилмаган гапдан ихраб юборди.

— Нега дарвор айтмадингиз? — ошани чайқади Асанов.

— Билдирги ёзганман, ўртоқ генерал. Иш бўлмагизда турибди, — жавоб берди Чутов.

— Бир ҳафта камлик қилади, — хўрсинди Асанов, — бир ойга жавоб бераман. Болаларни бировга қолдира оласизми?

— Йўқ, ўртоқ генерал. Хотиним иккаламиз етимхонада тарбияланганмиз, — деди гуноҳкор оҳангда Чутов. — Хизматдан бўшаиш ҳақида билдирги ёзсам керак.

— Сиз бораверинг, Чутов, — ижозат берди генерал, — Машков, сиз қолинг.

— Тўхтанг, — буюрди Оролов, кейин бир муддат жим қолди-ю, паст овозда деди, — Кечирасиз мени, катта лейтенат, беҳабар қопман.

Чутов бош ирғади. Унинг ортидан эшик ёпилгач, Орлов афсус билан столга мушт урди.

— Мана йигит, чақмоқтош-а! Ҳеч нарсани билдирмапти.

— Машков унга ёрдам қилишимиз керак, — таклиф қилди генерал, — ўз русумимиз бўйича.

— Буюм халтани олайми? — сўради Машков.

— Олинг.

Бу ҳарбий разведканинг сараланган қисмларида муқаддас сақланадиган удум эди. Ўртоқлари ҳалок бўлса, қолганлар унинг оиласи учун шу тарзда пул йиғишарди. Буюм халтаси олиб келиниб, ҳар ким атаган пулини ташларди. Бунда кимнинг қанча бергани сир сақлаш, ҳар кимнинг имкони борича улушини кўшиши мумкинлиги назарда тутилганди.

— Тўхтанг, — Орлов Машковни тўхтатди-да, чўнтагида бор пулини чиқарди-да, чангалида тутиб майорга яқинлашди. — Болалари учун.

Затонский ҳам ҳамёнидан пул олди.

— Бу мендан.

Асанов Машковга бош ирғади.

— Кечроққа олдимга кирасан. Буюм халтани ошхонада қолдир, йигитлар кўришсин.

— Хўп бўлади, ўртоқ генерал.

Машков чиққач, ҳаммалари жим қолишди.

— Ажойиб одамларингиз бор экан, — таъкидлади Затонский, — русумларинг ҳам ажойиб.

— Чутовни алманштиришга тўғри келади, — деди Асанов ўйланиб, — ўрнига бошқа кишини топиш керак.

— Керак эмас, — рад қилди Затонский, — Москвадан бизнинг яна иккита ходимимиз келади эртага — Семенов ва Елагин. Иккаласи ҳам альпинист, спорт устаси. Тоғдан ўтишда ёрдам беради сизларга. Жами тўққиз киши бўласизлар.

— Таҳлилчилар ишлашяптими? — қизиқсинди Орлов.

— Бизникилар ҳам, СРВ мутахассислари ҳам ишлашяпти, — изоҳ берди Асанов, — москваликларнинг ғоят қизиқ режалари бор. Бизга асқотади.

— Гуруҳнинг сафарини тезлаштириш керак, — Затонский Раҳимов ва Чон Дин кўринган полигонга қаради, — вақтимиз жуда зиқ. Уч кундан кейин жўнашларинг керак. Генерал, сиз жуда жасур киши экансиз.

Х



Танклар колоннаси давлат чегарасидан ўтиб, Қундуз—Боғлон—Чорикор—Кобул йўналиши бўйича ўтадиган асосий йўлдан Афғонистон пойтахтига йўл олди.

Қирқинчи армия Туркистон ҳарбий округи таркибига кирарди. Қўшни округлар ҳисобидан кучайтирилган ва чегарадан ўтган бу армия сафида саксон минг аскар ва зобит бор эди. Кейинчалик у сон жиҳатидан кўпайиб, юз мингдан ошиб кетди.

Саксонинчи йилнинг қиши Афғонистон учун бир қадар тинч, одатдаги шамол ва бўронлардан холи келди. Совет полклари мамлакатнинг барча йирик шаҳарларидан гарнизон ҳолатида жойлашиш юзасидан берилган тошпирикни қийинчиликсиз бажарди.

Ҳар қалай Огарков эмас, Андронов ҳақ бўлиб чиқди. Кириш пайтида афғон армияси қаршилик кўрсатмади. Аминнинг ағдарилиши ва Кармалнинг баёнотидан довдираган, баландпарвоз шўровий шиорлардан гангиган, совет қўшинларининг киритилишидан кўзда тутилган мақсад ва муддаони англамаган афғон армияси кейинчалик ўзлари «шўровий», деб атайдиган совет қўшиларининг киришини итоаткорлик билан кутиб олди. Аҳоли ҳам унча қаршилик кўрсатиб ўтирмади.

Саводсиз деҳқонлар ва қўчманчи қабилалар бегона танкларга тинч мамлакатларида нима борлигини англамасди. Афғон-Покистон чегараси ҳудудида кўчиб юрадиган жанубий қабилаларни эса Кобулдаги ҳокимият тепасида ким тургани, қанақа тузум қарор тошгани, қанақа шиорлар остида иш олиб бораётгани мутлақо қизиқтирмасди. Улар марказий ҳокимиятга номигагина бўйсуниб, деярли мустақил ҳаёт кечирарди. Регистон ва Гармсари чўлларида қонун ўрнига урф-одатлар, «Қуръон» талаблари ва ҳаёт мантиғи ҳукмрон эди.

Аммо, вазиятнинг ўзгарганини афғонистонликлар дарҳол сезишди. Бостириб кирилгандан сўнг беш кун ўтгач, совет қўшинлари Қандаҳорни эгаллашди ва ташқи хатардан муҳофаза этиш учун мамлакатнинг жанубий чегарларини беркитишга киришишди. Бу ғоянинг хомхаёл экани дастлабки кунларданоқ билиниб қолди. Жануб томонда азалдан чегара белгилари йўқ эди. Ҳатто, туб аҳоли ҳам Покистон қаерда тугаб, Афғонистон қаердан бошланишини аниқ айтиб бера олмасди.

Шимолий шарқдаги тоғ ҳудудида эса чегара постларини ўрнатишнинг умуман иложи йўқ эди.

Албатта, бир неча ўн миллиардларни сарфлаб, Афғонистоннинг барча чегараларини беркитиб чиқса бўларди. Агар бу мамлакатнинг ҳудуди Европадаги ҳар қандай мамлакатдан катта экани назарда тутилидиган бўлса, чегарасининг узунлиги ҳеч қандай ҳисобга бўй бермас, тахминан Совет Иттифоқининг барча жанубий чегараларига тенг келардики, бу вазифани мураккаблаштириб қолмай, бажариб бўлмайдиган даражага олиб келарди.

Аммо, дунёда Афғонистон масаласида атрофидаги жанжал авжига чиқа бошлаганди. Ҳали 9 январдаёқ Хавфсизлик Кенгаши БМТ Бош ассамблеясининг 6-фавқулодда махсус сессиясини чақириш тўғрисида қарор қабул қилади.

Советлар томонидан 1978 йилда Дўстлик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг рўқач қилиниши Чехословакиядан келтирилган Бабрак Кармалнинг ўша куннинг эртасигаёқ қўшин киритиш ҳақида илтимос қилганидан хабардор бўлиши делегатларнинг дўстона кулгусига сабаб бўлади.

14 январда масала батафсил муҳокама этилгач, сессия 104 овоз билан «Хорижий қўшинларни Афғонистондан олиб чиқиб кетиш»га чақирувчи қарорни қабул қилади.

Қарор лойиҳаси бирданига ўн саккиз мамлакат томонидан, шу жумладан, биқинида совет армияси бўлишини истамаган Покистон ва Кэмп-Дэвиддан

сўнг совет-араб муносабатларини узган Миср Араб Республикаси томонидан киритилади. Ташқаридан яқдиллик билан қораланган масала юзасидан қарор қабул қилиш пайтида ўн саккизта мамлакат бетараф қолади. Биринчи бўлиб Финляндия ибрат кўрсатади. Президент Урхо Кекконен қудратли кўшниси билан орани бузишни истамайди.

Яна ўн саккиз мамлакат резолюцияга қарши овоз беради. Булар СССРнинг яқин кўшнилари ва вассаллари эди. Дунёнинг қай тарзда кескин иккига бўлинганини тасаввур қилиш учун уларни номма-ном айтишга тўғри келарди.

Бу – СССР, Украина, Белоруссия, Куба, Польша, Венгрия, ГДР, Руминия, Болгария, Вьетнам, Чехословкия, Лаос, Мозамбик, Ангола, Эфиопия, Яман, Афғонистоннинг ўзи ва ниҳоят, Гренада давлатлари эди. Америкаликлар ўша овоз бериш натижаларини эсдан чиқармайдилар ва Рейган даврига келиб, атиги юз минг аҳолиси бор Гренадани шафқатсиз жазолайдилар – бори-йўғи 344 квадрат километрлик мамлакатни босиб оладилар.

Рейгanning ҳаракатида битта мантиқ аён кўринади: нега СССРга мумкин-у, бизга мумкин эмас? Дунё иккита ёвланган босқинчилар тўдаси бўлиб олган битта кўчага айланган бўлиб, ҳар бири эгаллаган ҳудудда ўзининг тартибини ўрнатарди.

Қўшма Штатларининг ўзида навбатдаги президент сайлови пойгасида нуфузини йўқотаётган Картер ашаддий, деярли жангарилик йўлида туришга мажбур бўлаётганди. Америкаликларнинг Эронда гаровга олинishi ва Афғонистонга совет кўшинларининг кириши бепоён минтақани Америкага қарши ҳаракатлар ҳудудига айлантиради.

Бу ерда баландпарвозликка асло ўрин йўқ. Республикачилар партияси номзоди Рейган ўта ўнг позициядан туриб олиб, ўз чиқишларида бунинг ҳаммаси учун барча айбни демократлар маъмурияти зиммасига қўяди.

Март ойида Афғонистон Инқилобий Кенгаши Ҳайъати эс-ҳушини йиғиб олиб, ниҳоят, совет кўшинларининг киритилиши ҳақидаги қарорни тасдиқлайди ва кулгили тарзда армиянинг мамлакатда бўлишини қонуний, деб тан олади.

14 майда Бабрак Кармал шимоллик кўшнисининг маслаҳатчилари йўриғи билан Афғонистон атрофидаги воқеаларни тинч йўл билан ҳал этишга оид Баёнот билан чиқади. Аммо, ҳали урушдан дарак йўқ эди. Афғон халқи биринчи кунданок босқинчиларга қарши чиқди, дейилгани ғирт ёлғон гап. Биринчи бир ярим-икки йилда мудроқ, тинч, хотиржам мамлакат тушуниксиз «шўровий»ларга қўрқув ва ажабланиш билан қараб туради. Айрим майда тўқнашувларни ҳисобга олмаганда, аскарлар ҳам тинч аҳолига нисбатан ўзини осойишта тутарди.

Бунга ёрқин далил шуки, Бабрак Кармал СССРга уч ҳафтага келиб, 1980 йилнинг 15 октябридан 4 ноябригача мамлакат бўйлаб сафар қилди.

Орадан бироз муддат ўтгач, унинг ўрнига келган Нажибулланинг мамлакатни бундай узоқ муддатта ташлаб чиқишга мутлақо имкони бўлмайди.

Лекин, ҳозирча ҳаммаси тинч эди. Халқ демократик партияси фаоллари руҳонийларнинг кирдикорини фош қилиб, социализм ҳақида сафсата сотишади, аҳолини ширкатларга киришга даъват қилишади. Совет маслаҳатчиларидан бирининг ғирт аҳмоқона маслаҳатига кўра (тарих бу ноёб бефаросатнинг номини сақлаб қолмаган) дин арбобларининг қурултойи ўтказилади. Белгиланган режа асосида аввал ёшларнинг, кейин, хотин-қизлар (Мусулмон мамлакатидая. Чинакам бефаросатлик эмасми бу?) қишлоқ ширкатлари вакиллари, ҳатто ёзувчи ва журналистларнинг конференциялари бўлиб ўтади.

Қувончи ичига сиғмаган Бабрак Кармал яккама-якка учрашувда қимматли Леонид Ильичга социализм галабалари ҳақида завқ-шавқ билан гапириб бера-

ди. Бу пайтга келиб зўрлаб ширкатларга тортилган қишлоқ аҳлининг, аёллари «конференция делегатлигига сайланган» қабилаларнинг, ниҳоят, 1979 йил воқеаларига бефарқ муносабатда бўлган, аммо социалистик даҳрийлик талабига кўра қувғин ва таҳқирга гирифтор этилаётган руҳонийларнинг норозилиги кучайиб борарди.

Брежнев билан учрашувдан бир неча кун кейин Бабрак Кармални жанубга — серкўёш Тбилисига олиб келишади. Олий даражали меҳмонни КПСС МК Сиёсий бюросига номзод, Грузия Компартияси Марказқўмининг биринчи котиби, саховатпеша хўжайин ва садоқатли дўст Эдуард Шеварнадзе қабул қилади. Ўша куни ажойиб алёрлар янграйди, бир-бирларининг шаънига беадад мақтов сўзлари айтилади, меҳмоннавозликнинг олий намунаси намоёиш этилади.

Шуни айтиш керакки, ўша куни, яъни 20 октябрда Шеварнадзе одатдагидан камроқ ичади. Эртаси куни у эски дўсти, комсомол йилларида орттирган кадрдони Миша Горбачёвнинг тақдири ҳал қилинадиган мажлисда қатнашиш учун Москвага учди.

Бироқ, ҳозирча азиз афғонистонлик меҳмонлар шарафига тантанавор нутқлар янграб турарди.

На Бабрак Кармал, на ўша дастурхон атрофида ўтирган кишилардан бирортаси орадан тўққиз йил ўтгач, айнан дўстлик шарафига оташин қадаҳ сўзларини айтган ЦК КПСС МК Сиёсий бюроси аъзоси, Совет Иттифоқи Ташқи ишлар вазири Эдуард Шеварнадзенинг афғон дўстларини «сотиши»ни хаёлига ҳам келтирмайди. Лекин, орада ҳали тўққиз йил бор эди.

Аммо, ҳозирча тақдирнинг тақозосига кўра ҳокимият тепасига чиқиб қолган, мақтанчоқ, маҳмадона, шуҳратпараст, аслида уч пулга қиммат кимса бўлмиш Бабрак Кармал мамнуният билан учрашув эгаларининг саломатлиги учун Грузиянинг аъло навли шароби куйилган қадаҳларни кўтариш билан овора эди...

Уч кундан сўнг Бабрак Кармални Ленинградда қабул қилишди. Империянинг шимолий пойтахтини ўз фамилиядошларининг кўпчилигига нисбатан ҳам даҳшатлироқ кўрқув исканжасида тутаётган рангпар Романов ҳам меҳмонни катта тантана билан қабул қилади.

Бабрак Кармал улкан салтанат бўйлаб ғаройиб саёҳатини давом эттирар экан, унинг куч-қудратини ўзининг тинчлиги ва хотиржамлигига ҳам кафолат билиб, юртида норозилик пишиб етилаётгани ва тобора куч олаётганини хаёлига ҳам келтирмайди.

Ўша йил Афғонистонга ниҳоятда қимматга тушди. Йўқ, ҳали ҳеч ким, умуман ёки деярли ўлдирилмаган ва ярадор қилинмаган, ҳали афғонистонликларнинг кофир «шўровий»ларга қарши кенг кўламли партизан уруши бошланмаган, ҳали тўнлар тилга кирмаганди.

Бироқ, социалистик спортнинг ва социалистик турмуш тарзининг ўзига хос кўргазмаси, совет спортчилари ғалабасининг ёрқин машъали бўлиши кутилаётган 1980 йилдаги Олимпиада ўйинлари барбод бўлади. Фақат, саксон битта мамлакат ўз вакилларини юборади. АҚШ ва ГФРнинг кучли терма командалари қатнашмайди. Бир қатор ривожланаётган мамлакатлар ҳам вакилларини юборишдан бош тортади.

Америкаликлар ўшанда ҳам фирромлик қилишганди. Бойкот ҳақида оғиз ҳам очмай туриб, 1980 йилнинг 13-24 феврал кунларида Лейк-Плэсида ўз Олимпиадаларини муваффақиятли ўтказиб олишади, Олимпиадада СССР терма командаси ғолиб чиқади. Америкаликлар ГДР терма командасидан кейинги учинчи ўринни эгаллайди. Ана шу Олимпиада тугагандан сўнг бойкот ҳақида эслаб қолишади. Советларнинг роҳатини бузмоқчи бўлишади. “Тўл” одамлар-да!

Орадан тўрт йил ўтгандан сўнг Черненко раҳбарлиги даврида совет терма

командаси ҳам Америкада ўтган XXIII олимпиада ўйинларига юборилмайди. Сиёсий бюродаги қарияларнинг хотираси яхши, ҳеч нарсани унутмасди.

Саксонинчи йилнинг поёнида совет раҳбарларини Афғонистондан кўра, Польша кўпроқ ташвишга солаётганди. Ташқаридан қараганда жанубдаги қўшни юртининг ҳудудига бостириб киришнинг, эллик олтинчи йилда Венгрияга ва олтмиш саккизинчи йилда Чехословакияга берилган «унутилмас ёрдам»нинг муваффақиятли кечгани, эндиликда Польшадаги аксилсоциалистик унсурларни ҳам бемалол жазолаш мумкинлигидан далолат бериб турарди. Лех Валенсе деган қандайдир чироқ устаси иш ташлаш уюштираётгани, минглаб ишчиларнинг касабаяюшмасидан ва партиядан чиқа бошлаганига бефарқ қараб туриб бўлмасди.

Сентябрда Москванинг тўғридан-тўғри талабига кўра, Польша Бирлашган Ишчи партиясининг олтинчи пленуми Москва назарида ҳаддан ташқари кўнгилчан ва бўшанг туюлган Э.Герекни биринчи котиблик лавозимидан озод қилади.

Унинг ўрнига сайланган эллик уч ёшли Станислав Каня мамлакатда тартиб ўрната оладигандек туюлганди. Каянинг биринчи қилган иши тегишли кўрсатмаларни олиш учун Совет Иттифоқига келиш бўлади.

Бу пайтга келиб, Брежнев Сиёсий бюронинг бошқа аъзолари билан тил бириктириб, қайсар феълли Косигинни ўзининг етагида юрган, «днепродзержинск гуруҳига» мансуб кимса, яъни содиқ сафдоши, етмиш беш ёшли Николай Тихонов билан алмаштиради. Ниҳоят, 1980 йил 4 ноябрда сайловларда бутунлай обрўсизланган Жимми Картерни енгиб, Америка Қўшма Штатлари президентлигига Рональд Рейген сайланади. Америка тарихида янги давр бошланади.

Шеварнадзе КПСС МКнинг октябр пленумига етиб келишга улгуради.

Давлат план қўмитаси раиси И.К.Байбаков ва Молия вазири В.Ф.Гарбузовнинг келгуси йил режалари ва мамлакат бюджети ҳақидаги зерикарли маърузалари тингланади.

Пленум охирида ҳар доимгидек ташкилий масала кўрилади, Михаил Сергеевич Горбачев КПСС МК котиблигига сайланади.

## XI

Тўққиз киши илк бор бир жойга жам бўлишди. Асановнинг илтимосига кўра, Орлов ва Затонский биринчи учрашувда қатнашмади. У ўзининг гуруҳига назар солди. Ҳамма жим туриб, унинг оғиз очишини кутарди.

— Жажжи Совет Иттифоқининг ўзгинаси-я, — ҳазиллашди генерал, — ҳамма миллат ва элатлар вакиллари жам бўпти.

Жиддият барҳам топди. Ҳаммалари жилмайиб, ўтирган курсиларида ғимирлаб олишди. Йиғилганлар биринчи марта бир-бирларига назар солдилар. Асановдан кейинги энг ёши катта ва тажрибали зобит подполковник Раҳимов эди.

Генерал уни ўн йилдан бери биларди. Вазмин, ҳушёр, зудлик билан тўғри қарор қабул қила олиш ҳамда таҳлилий мушоҳада қобилиятига эга. Гуруҳга бемалол бошчилик қилиш билан биргаликда, Асанов ҳалок бўлган тақдирда гуруҳни қутқариб, олиб чиқиб кетишнинг ҳам уддасидан чиқади.

Бурчакда ўтирган Падеринани ҳарбий унвонига кўра гуруҳда учинчи шахс, деб ҳисоблаш мумкин бўлса-да, Асановнинг бу ҳақда ўйлагиси келмасди. У ниқоб либосида бўлса-да, сочларини ёйиб юборгани учун қиёфаси унча сафарбоп кўринмасди. Аммо, бу сочларни қирқиш мумкин эмаслигини Асанов яхши биларди.

Биринчи бўлиб у ўзининг ўринбосари сифатида Раҳимовни, иккинчи ўринбосари сифатида Падеринани таништирди. Зобитларининг Ташқи разведка подполковнигига қизиқиш билан қараётгани Асановнинг назаридан қочиб қутула олмади. У учинчи ўринбосари, деб майор Машковни тилга олди.

Кейин кеча учиб келган майор Константин Семёновга гал келди. Ёқут миллиатидан бўлган Семёнов қора сочли, қийиқ кўзли, сал пачақ бурунли, юққалаб киши эди. Паст бўйли бу кимса худди тоғда юргандек оҳиста ҳаракатланарди.

Майор Абдулла Тошмухамедов рус тилида ҳаммадан яхшироқ гапирарди. У МДУнинг филология факультетини битирган бўлиб, разведкага АПН (*Спецсуд Ахборотлар Агентлиги-Тарж.*) дан ишга олинганди. Айни пайтда Афгон-Покистон чегарасининг туташган жойида беш йил ишлагани учун Афғонистонни яхши биларди. Унга қуролли мужоҳидлар келадиган Қандаҳор-Кветта йўлини кузатиш топширилганди. Совет қирувчи самолётлари тез-тез мужоҳидларни кўркувга солиб, уларнинг ҳаракатланаётган техника воситаларини аниқ мўлжал асосида бомбардимон қилиб қолар, бу Қандаҳордаги камгарингина дўкон эгаси, ўзбек йигити, КГБ зобити Абдулланинг иши эканини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмасди.

Семёнов билан Москвадан бирга учиб келган капитан Альберт Елагин ўзининг хушчақчақлиги, ёқимтой табассуми ва очиқ феъли билан ҳаммага ёққанди. У, ҳатто, хонага кирар-кирмас Падеринага шилқимлик ҳам қилиб кўрди ва кейин унинг подполковник эканини билиб, кўрқиб кетди.

— Ҳаётимда биринчи бор панд ейишим, — дея шивирлади Елагин дўстларининг қаҳқаҳасига кўмилиб.

Ҳаммадан сўнг Асанов капитан Борзунов ва Чон Динни таништирди. Уларнинг иккаласи қайсидир жиҳатлари билан бир-бирларига ўхшаб кетарди: паст бўйли, чапдаст, юзлари темирдан ясалгандек ифодасиз, худди битта милликнинг босилишга шай турган кўш тенкисининг ўзгинаси.

Асанов «кичик СССР», деганда бир қадар ҳақ эди. Ўзи миллиатига кўра тожик, гуруҳда қозоқ Раҳимов, корейс Чон Дин, ўзбек Тошмухамедов, ёқут Семёнов, ярим туркман Падерина, воронежлик Машков, сибирлик Борзунов ва Ригада туғилган рус йигити Елагин бор эди.

Таҳлилчилар гуруҳнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб кўшимча тавсияларини бердилар. Бевосита алоқа ўрнатиш учун Раҳимов — Чон Дин ёки Асанов — Семенов жуфтлиги бориши мумкин, биринчи ҳолатда икки зобитни водийда яшовчи қирғиз ва корейс, деб қабул қилишса, иккинчи ҳолатда Асановнинг ҳийла ишлатишига ҳожат йўқ — Афғонистоннинг шимолида юзлаб тожиклар яшарди, Семёновнинг башараси бўлса, хитой ёки қирғизга тўғри келади. Шаҳар ва қишлоққа эса бевосита мулоқот учун тайёргарлик кўрган Падерина билан Тошмухамедов борса бўлаверади. Экспертлар тавсиясига кўра Машков-Борзунов-Елагиннинг гувоҳлари кўзига ташланмасдан, ҳимоя чизигида бўлишлари лозимлигини тавсия этишди. Маҳаллий аҳоли тилини Асановдан ташқари Раҳимов, Падерина, Тошмухамедов ва Чон Дин билади. СРВнинг хабарига кўра, енгил ярадор ҳолда кўлга тушган Кречетовни Нурулланинг Зебак қишлоғи яқинидаги қўналғасида сақлашмоқда. Афтидан, бу тўданинг ҳаётини яхши билган СРВ ходимининг билдиришича, босқинчилар икки ҳафтадан сўнг жанубга, мамлакатнинг шимоли-шарқий вилояти Кунарга кўчмоқчи ва сўнг Асадобод яқинида чергарадан ўтиб кетмоқчи эди.

Бу гапларни Асанов одатдагидек босиқ ва сал бўғиқ овозда тушунтирди.

— Жуда оғир — доимо тоғда, денгиз сатҳидан бир неча минг метр баландликда, ҳаво сийрак шароитда ҳаракат қилишимизга тўғри келади, — таъкидлади генерал, — бугундан бошлаб ҳаммангиз тиббиёт маркази тавсия қилган дориларни қабул қилишингиз лозим.

— Ҳаммами? — деди Чин Дон. У тоғда ўзини уйда юргандек ҳис этарди.

— Ҳамма, — бош қимирилатди генерал, — ҳеч қанақа истисносиз. Биз Файзобод билан Журумнинг ўртасидаги кичик водийга кўнамиз. Тунда учишга тўғри келади, кундуз кун парашютлар кўшни қишлоқлардан кўзга ташланади. Ҳамма

тунда парашютдан сакраб кўрганми?

Ҳеч ким индамади.

— Демак, ҳамма сакраган, — мамнун бўлди генерал, — ундай бўлса ҳаммаса жойида. Кўкча дарёси бўйлаб юқорига кўтариламиз, Журумни четлаб ўтиб, нарироққа кетамиз. Кейин кичикроқ Лими қишлоғи ёнида Зебак томонга буриламиз. Мана шу ердаги йўлни босиб ўтиш жуда оғир бўлади, тоғдан ошишга тўғри келади. Баландлиги Ҳиндикуш даражасида бўлмаса-да, ўшанга яқинроқ. Ундан соғ-омон ўтганларнинг ҳаммасига альпинизм бўйича спорт устаси унвони бемалол бераверса бўлади. Нурулланинг лагерига тахминин уч кунлардан кейин кириб борамиз. Биринчи бўлиб Тошмуҳамедов ва Падерина, улардан кейин Раҳимов ва Чон Дин боради. Ҳозир сизларга Нурулланинг лагерига биргалликда қандай ҳаракат қилишимизни кўрсатаман.

У чизма чиза бошлади. Саккиз зобитнинг ҳаммаси унга диққат билан кулоқ тутди.

Кўшни хонада Затонский билан Орлов ўтирарди.

— Нима, деб ўйлайсиз, генерал, — сўради Орлов, — уларнинг тирик қайтишга имконлари борми?

— Эллика эллик, — деди Затонский биров ўйланиб. Кейин юзини ўгирди. Унинг кўнгли ғаш — гуруҳнинг омон қайтишига юздан бир имконият ҳам йўқ эди. Ёки биттагина имкон бўлиб, бу қутилмаганда рўй бериши мумкин бўлган мўъжиза эди. Затонский буни биларди, Асановни гуруҳга қўшиш тўғрисидаги мутлоқ қатъий буйруқ ҳам эсида. СРВ раҳбарлари буни энг зўр чора сифатида қабул қилишди. Затонский Кречетовни душманлар орасига жойлаштириш режаси бир ярим йил давомида тайёрланганидан хабардор эди. Эндиликда буни Затонскийнинг битта хатоси билан барбод қилиш мутлақо мумкин эмасди. Генерал виждонига таскин бериш учун, ўз-ўзига генерални чин дилдан огоҳлантирганини, қолаверса, бу вазифани бажариш генерал Асанов гуруҳининг жанговар бурчи эканини уқтиришга тиришарди. Юрак юрагидан эса гуруҳнинг ўлимга маҳкумлигини, шу жумладан, Асановнинг ўзи ҳам марҳумлар қаторида эканини сезиб турар, худди дўстларига кўра-била туриб хиёнат қилгандек, ўзини қўйгани жой тополмасди.

Ёнма-ён ўтирган Орлов эса Асановнинг муваффақиятидан умидвор эди. У Асановни кўп йилдан бери билар, генералнинг тажриба ва билимига ишонарди. Йўналишдан бутун гуруҳни талафотсиз олиб ўтиш нечоғлик оғир бўлмасин, унинг мўлжалига кўра, тошшириқ камроқ қурбон эвазига уддаланиб, гуруҳнинг асосий қисми Афғонистондан соғ-омон қайтиши мумкин эди.

— Операция тугагандан сўнг, — деди Асанов экспедицияси аъзоларининг кўзларига қараб, хотиржам гапиришга ҳаракат қиларкан, — биз Ишканининг яқинидан ўтиб, Ишканим — Зебак йўлига тушамиз. Ўша ерда вертолёт кутиб туради. Огоҳлантириб қўйиб, об-ҳаво учушга ноқулай бўлса, ўз кучимиз билан ёриб ўтишимизга тўғри келади. Бунга яна беш кун керак бўлади. Озиқ-овқат захираси ўн кунга мўлжалланган. Агар кўпроқ қолиб кетсак, чидашга, ҳатто оч юришга тўғри келади. Бу энди энг сўнгги чора. Ўйлашимча, вазифани қандай қилиб бўлса-да, бир ҳафтада бажаришимиз кеарк. Энг кўпи билан ўн кунда, акс ҳолда бутун Афғонистон бўйлаб изимиздан тушишади. Саволлар борми?

— Биз кутқаришимиз керак бўлган зобит оғир яраланганми ёки енгилми? — сўради Борзунов.

«Яхши савол, — ўйлади Асанов, — аммо, биз уни кутқармоқчи эмасмиз-да!».

— Енгил ярадор, — жавоб қилди генерал, — биздаги маълумотларга қараганда, ўзи бемалол юради.

— Нурулланинг тўдасида аёллар бормикин? — сўради тўсатдан Падерина.

– Билмадим, – ажабланди генерал, – мана шундан бехабарман. Йўқдир-ов. Фақат, Нурулланинг оиласи бўлиши мумкин. У ерга асосан туб жойликлар йиғилган. Оилалари қишлоқда яшайди.

– Нурулланинг тўдаси кимлардан иборат, – сўради Раҳимов, – қанақа одамлар ўзи?

– Асосан тожиклар ва ўзбеклар, – деди генерал, у СРВ ва ГРУ таҳлилчиларининг батафсил ахборотлари билан танишиб улгурганди.

– Тоғ доволарининг мукамал харитасини бизга беришадими? – суриш-тирди Семенов, – менимча, беришлари керак. Бугун бирор соатдан сўнг.

Ҳамма жим қолди.

– Яна саволлар борми? – сўради генерал. – Агар бўлмаса ишга киришамиз. Таҳлилчиларимиз тайёрлаган ҳужжатлар, маълумотномалар билан танишасизлар, қурол-аслаҳа, озиқ-овқат оласизлар. Ҳаммага жавоб, подполковник Падерина қолсин.

Барча зобитлар эшикни секингина ёпиб, хонадан чиқишди .

– Сиз чиндан ушбу операцияда қатнашмоқчимисиз? – сўради Асанов.

– Албатта, – ажабланди аёл, – нега бу ҳақда сўраясиз?

– Биз имконсиз ишга қўл ураяпмиз. Йўл ниҳоятда оғир бўлади, тоғлардан ошишга тўғри келади. Сиз ҳаммасига чидашингиз керак.

– Бу энди иккинчи масала, ўртоқ генерал. Ҳаммаси ҳақида биз келишиб олувдик, шекилли. Мен ёш қизалоқ эмасман, Акбар Алиевич, ўлим ва қонни кўп марта кўрганман, урушда бўлганман. Сизлар билан тенг бўлишга, чидашга ҳаракат қиламан.

– Ундай бўлса, майли, – ўрнидан турди генерал, – ҳаммаси тушунарли. Бўшсиз.

Падерина чиққач, гўшакни кўтарди.

– Гуруҳ эртага кечга учишга тайёр.

## XII

Саксон биринчи йилнинг январида Вашингтонда АҚШ янги президентининг лавозимга киришишига бағишланган тантанавий маросим бўлиб ўтди. Тадбирдан кейин ўтган илк матбуот конференциясида Оқ уйнинг янги раҳбари қуролсизланиш, фақат Совет Иттифоқи учун нафи тегишини, коммунистларнинг демократик мамлакатларнинг бунга қарши жиддий монеълик кўрсатишга қурби етмаслигидан усталик билан фойдаланишгани ҳақида баёнот берди. “Улар ер юзидаги ҳар қандай жиноят, тухмат ва ёлғонлардан ўз мақсадларига етишиш йўлида фойдаланиш ҳуқуқини эгаллаб олдилар, – деди Рональд Рейген қаҳр-ғазаб билан. – Ёвузлик салтанати, – деди у илҳом билан ҳайқириб, – йўқ қилиниши лозим”.

Унинг дастурига кўра, совет босқинчиларига қаршилик кўрсатиш учун Покистонга минглаб америкалик маслаҳатчилар жўнатилды. Покистонда макон топган кам сонли муҳолифатни аямасдан қурол-яроғ, ўқ-дори, техника билан таъминлашга киришилди.

Бу йўналишдаги барча ишларга АҚШ нинг давлат котиби, истеъфодаги генерал Александр Хейг шахсан ўзи раҳбарлик қилди.

Чуқур диний руҳда таълим олган, ҳаётда ҳамма нарсага ўзининг меҳнатсеварлиги ва интилиши орқали эришган Рейган социалистик тузумни тушунмас ва қабул қилмас, унинг тимсолида худобехабар коммунистларнинг ёвузлигини кўрарди.

Жамиятнинг энг паст табақасидан чиққан кишиларнинг ашаддий аксилком-

мунист ва консерваторга айланишининг ўзига хос оқибатларини тарих жуда кўп кўрган.

Омади кулган аслзодалардан фарқли ўлароқ, бу тоифадагилар беғам болалиги билан ёнма-ён кечган ўзгаларнинг укубатли ҳаёти учун ўзларини гуноҳкор сезмайди. Ўзини-ўзи оёққа қўйган одам сифатида чин юракдан бахт-саодатга эришиш инсоннинг ўз кўлида деб ҳисоблайди, ижтимоий кафолатлар ва ижтимоий ёрдам тизимини рад этади.

Яна бир галати гап шундаки, қоидага кўра, люмпенлар қатламидан чиққан сиёсий арбоблар ҳам ашаддий консерватор ва аксилкоммунистларга айланса, фаровонлик бағрида ўсган, давлатманд оилаларнинг фарзандлари кўнгилчан ва ижтимоий адолат гоёларига хайрихоҳ, гирт “сўл”чилар бўлиб етишади.

Бабрак Кармал Афғонистоннинг ўзида хато устига хатога йўл қўя бошлади. Саксон биринчи йилнинг январида умумий ҳарбий сафарбарлик ҳақида қонун қабул қилинди. Асрлар давомида ўз ерларида тирикчилик ўтказиб келган миллионлаб деҳқонлар фарзандларини тушунарсиз ва ҳеч кимга нозарил ҳарбий хизматга юборишлари кераклигини билиб даҳшатга тушдилар.

Азалдан ҳукумат билан кам алоқада бўлган кўчманчи қабилаларга ҳарбий жазо отрядлари жўнатилди. Эл ларзага тушди. Улар бу тузумнинг ўзларига маъқул келмаслигини англаб етдилар. Минглаб йигитлар қадрдон қишлоқларини ташлаб, тоғларга қочиб кетди.

Саксон биринчи йилнинг февралда бахтиёр Бабрак Кармал КПССнинг XXVI съездида таклиф этилган Афғонистон делегациясига бошчилик қилади.

У ҳайъатда ўтирар экан, халқини социализмга ўтказишнинг жадал йўлини танлагани ва шиддат билан бошлаб бораётганининг тўғрилигига яна бир бор амин бўлади. У кўриб турган нарсани кўрмасликка, очиқ-равшан рақамларни, яъни раҳбарлигининг иккинчи йилида саноат тармоқлари сусайиб, жумладан, кўмир ва туз қазиб олиш, кимёвий ўғит ишлаб чиқариш камайиб бораётганини тан олмасликка уринади.

Ширкатларга мажбуран тортилган деҳқонлар ўзларига ернинг нега берилганини тушунмагани боис, ишлашдан бош тортарди.

Экин майдонларининг умумий майдони қисқариб, пахта, шакар, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш пасайиб борарди.

Саксон биринчи йилнинг март ойида ҳукумат тўрт миллион кишининг ер солиғидан воз кечишга мажбур бўлади, усиз ҳам ҳар уч деҳқондан бири хонавайрон бўлиш арафасида эди.

“Сув ҳақида” қабул қилинган машғум қонун барча шарият қоидаларини инкор этиб, ким кўп пул тўласа, сувдан ўша фойдаланиши мумкинлиги ҳақидаги тартибни жорий этди.

Ўзининг билими ва кучи етмаслигини очиқ англаган Бабрак Кармал ҳукумат раислигига эски сафдоши ва дўсти, қирқ беш ёшли тажрибали иқтисодчи, собиқ режалаштириш вазирини тайинлайди.

Аммо, жараён бошланиб кетганди. Минглаб ерсиз қолган, хонавайрон бўлган, мажбурий ҳарбий хизматдан қочган деҳқонлар пул ва қурол-яроғдан камчилиги бўлмаган муҳолифатнинг таянчига айланади.

Миллий масалаларни ҳал этишдан деярли четга суриб қўйилган дин пешволари халқ қаҳр-ғазабини алангалатувчи кучга айланади. Икки тарафлама — Покистон ва Эрон томонидан гиж-гижланган мусулмон руҳонийлари кофирларга қарши ғазовот эълон қилади.

Бироқ, бу ҳам ҳали бир ярим-икки йилдан сўнг бошланадиган кенг кўламли уруш эмасди. Бу — шимолдан келган тушунарсиз “шўровий”лар томонга ўтган ва уларга ёрдам бераётган хиёнаткор ватандошларига қарши яширинча партизанлик ҳаракати эди.



Бу пайтда Москва Польшада рўй бераётган воқеалардан кўпроқ ташвишга тушиб қолганди. Ҳукуматга муҳолиф бўлган “Бирдамлик” ҳаракати мисли кўрилмаган тарзда қулоч отиб, шунақа даражага етишдики, ҳатто мамлакатдаги социалистик тузумнинг тақдири хавф остида қолди.

Суслов ва Устинов масалани ҳарбий йўл билан ҳал қилишни талаб қилади. Аммо, негадир Громико ва Андропов, бир қарашда тушунилмайдиган кўнгилчанликни намойён қилади.

Ҳамма йўллари чамалаб кўрган ақлли Андропов Брежневнинг ҳукмфармолиги поёнига етаётганини билади. У Польшада қилинадиган таваккалчилик Европа учун ҳалокатли бўлишини, учинчи дунёдаги иттифоқдошларни СССРдан узиб қўйиши мумкинлигини, бу эса айнан ўзининг раҳбарлик даврига тўғри келишини тушунади. Афғонистон воқеаларидан кейин бошланган оламшумул можаролардан сўнг Польшага қўшин киритиш мутлақо мумкин эмасди. Бу бутун дунёда советлар империяси ўз манфаатларини фақат танкларга таянган ҳолда ҳарбий йўл билан ҳал этади, деган таассурот қолдирарди.

Бунинг устига Рейган ҳам мурасасоз Картер эмас, у Польшага бостириб киришларига қўл қовуштириб, қараб ўтирмайди.

Бу фикрни Громико ҳам қўллаб-қувватлади. Ахир, дунёга танкнинг тирқисидан қараб туриб, яна тинчликпарвар сифатида кўриниш қийин-да.

Умрининг сўнгги йилида давлат ишлари билан деярли шугулланмаётган Брежнев ҳам масалани куч ишлатиш йўли билан ҳал қилишга қарши чиқади.

КПСС МК Сиёсий бюросининг таклифига кўра, ўта юмшоқфёъл, журъатсиз Станислав Каянинг ўрнига собиқ Мудофаа вазири, ўша пайтда мамлакат Министрлар Совети раислигини эгаллаб турган генерал Войцех Ярузельский қўйилади.

Ноябрда партия ва ҳукуматдаги барча олий лавозимларни Ярузельский ўз қўлига олади. Совет раҳбарлари мустабид ҳукмдорга айланган чилилик генерални бироз эслатадиган ва мудом қора кўзойнақда юрадиган генералга ҳаммадан кўпроқ ишонарди.

Ўртада битта масала туради: — Ё Ярузельский мамлакатда ҳарбий ҳолат эълон қилади, ёки Польшага уч томондан Варшава Шартномасига кирган мамлакатлар қўшини бостириб киради. Учинчи йўл бўлиши мумкин эмас.

Шуни таъкидлаш керакки, Андропов Афғонистонга нисбатан Польша ҳақида кўпроқ маълумотга эга эди. Мамлакат КГБнинг хуфиялари ва хабаркашлари билан тўлиб тошганди. КГБда битта нарсага “Бирдамлик”нинг барча раҳбарлари яҳудий миллатига мансублигига эътибор қаратилади. Мойзеш Финкельштейн, Яцек Куронь Адам Миник КГБ ва КПСС раҳбарларининг “дунё сионистлари фитнаси” ҳақида тўқиган назариясига мос тушадиган ва гашни келтирадиган шахсларга айландилар.

Аммо, Андропов бу алаҳсирашлардан йироқ эди. Шу хилдаги тахмин ва мулоҳазаларга ишонмайдиган даражада ақлли эди. Ашаддий шафқатсизлик ва тушунарсиз юмшоқ кўнгилликни ғаройиб тарзда ўзида мужассам этган бу инсоннинг шахсияти ҳали-ҳамон тадқиқ этилмагани боис, унинг кимлигини таърифлаш ҳам мушкул.

Ҳарқалай, у жуда зўр сиёсатдон бўлганлиги шубҳасиз.

У сиёсий бюродаги кўпчилик ҳамкасбларига қараганда мамлакат ва бутун дунёдаги аҳволни яхши биларди. Андропов жамият олдида қанақа муаммолар турганини чуқур англаган ҳолда, унинг пойдеворига тегмай туриб, ўзгартириш, янгилаш учун қўлидан келганича ҳамма ишни қилди.

Кейинчалик Сиёсий бюронинг кўшлаб аъзоларини ҳақиқий ҳаётни назарписанд қилмаган лўтгибозлари эди, деб аташади. Бу аслида ҳақиқатдан йироқ

гап. Брежнев ҳам, Андропов ҳам, Сиёсий бюродаги ҳамкасблари, хусусан, энг кўзга кўринган арбоблар – Суслов, Косигин, Громико, Устинов, Черненко, Пельше ҳам Октябрь инқилоби туфайли мамлакатнинг танланган йўлининг тўғрилигига чин юракдан ишонишарди.

Бугунги кунда ҳам Суслов ёки Устиновнинг “тубдан ўзгариб”, капитализмнинг афзалликлари ҳақида гапиришлари мумкинлигини тасаввур қилиб бўлмайди.

Коммунист сифатида улар бу йўлни барча мамлакатлар халқлари учун ягона тўғри ва ишончли йўл, деб билишарди. Уларнинг ғояларини қабул қилмаслик мумкин, аммо ўзларини лўттибозга чиқариш мумкин эмас. Афғонистонга қўшин киритганда, Польшада ўша сиёсатни давом эттирганда ҳам улар ўз империяларининг гуллаб-яшнашини таъминлаш ва социалистик ғояларни ҳимоя қилиш устида қайғурган эдилар. Уларнинг қарашларини тушунмаслик мумкин, аммо уларнинг фаолиятига раҳнамолик қилган сабабларни англаш даркор.

Шунингдек, Рейган – Тэтчер сингари консерваторлар нуқтаи назаридан ёлгон ва хатарли туюлган коммунистик ғояларга қарши курашнинг сабабларини ҳам тушуниш ғоят муҳимдир.

Мафкуравий жиҳатдан икки лагерга бўлинган дунёда, ҳар бир тарафнинг ўзлари ардоқлайдиган ранглари ва таянадиган ғоялари бор эди. Бугун, орадан ўн-ўн беш йил ўтар-ўтмас, биз буларни унута бошладик.

Саксон биринчи йилнинг декабрида Ярузельский Польшада ҳарбий ҳолат эълон қилади. Албатта, совет маслаҳатчилари бу пайтда ўзларининг тавсия ва йўриқлари билан унга кўмак бериб турадилар. Бунинг учун шундай кун танланадими, паст ва зич булутлар Америка сунъий йўлдошларини Польшанинг йирик шаҳарларида қўшин ва техниканинг тўпланаётганини кўришдан маҳрум этади.

Барча чегаралар, аэропорт ва вокзаллар назоратга олинади. Ўн учинчи куни эрталаб бутун мамлакат бўйича телефон алоқаси узиб қўйилади. Белгиланган режага кўра “Бирдамлик”нинг барча раҳбарлари ҳибсга олинади. Аммо, Ярузельский ўзини нодонларча ўч оладиган даражада пастга уриб, уларни жисмоний катагон қилишга йўл қўймади.

Иш ташлаш ва митинглар тақиқланади, жамоат ташкилотлари ва касаба уюшмалари фаолияти тўхтатилади. Ҳатто, совет йўриқчилари ҳам ушбу мушкул тадбирнинг шу даражадаги аниқлик ва уюшқоқлик билан амалга оширилишини кутмаганди.

Моҳиятан, Генерал Ярузельский Польшани эллик олтинчи йилдаги Венгрия ва олтмиш саккизинчи йилдаги Чехословакиянинг ҳолига тушишидан, фуқаролар урушидан, ташқи кучларнинг аралашувидан сақлаб қолиб, мамлакатда тартиб ўрнатди. Полиция, жандарм тартиби билан бўлса-да, мамлакат фуқароларининг аксарият қисми армия ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ёрдамида ўзларни хавфсизликда ҳис этишни истайди. Ўшандай шароитда оддий аҳоли тантана қилади, зеро, ҳамма юртларда ҳам кундалик тирикчилик ташвиши билангина яшайдиганлар кўпчиликни ташкил қилмайдими, ахир?

Кузга бориб Афғонистоннинг жанубида биринчи жанглар бошланди. Ҳали тўлиқ шаклланмаган, тажрибасиз муҳолифат тўдалари совет ҳарбий қисмларига тегинишга журъат эта олмасдан, афғон армиясининг постларига ҳужум уюштиришга киришдилар.

Ўша кунларда Москвада Коммунистик партия ва Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли намоёндаси, бутун дунёда тинчлик ва тараққиёт учун оташин курашчи Леонид Брежневнинг етмиш беш йиллиги кенг нишонланди.

Дунёда қанақа мукофот бўлса, барини олиб улгурган Бош котиб бешинчи марта қаҳрамонлик унвонига сазовор бўлиб, генералиссимус унвони, “Ғалаба”

ордени билан тақдирланади, ҳатто яна бир содиқ ленинчи ва тинчлик учун курашчи Бабрак Кармал унинг кўксига Афғонистоннинг “Хуррият куёши” орденини тақиб қўяди.

Ҳафтафаҳмлик ўзининг энг авж пардасига кўтарилади.

Кейин таназзул бошланди.

Брежневнинг яқин сафдошлари қаторида турган Андропов одатдагидек мулойим жилмайиб умумқарсакка жўр бўлди. У Брежнев ва Сусловнинг ўпишаётганини кузатар экан, ўзгаришлар даври етиб келгани ҳақида қайта-қайта ўйларди.

Бироқ, Суслов бу ўзининг Брежнев билан сўнгги бора ўпишиши эканини билмасди. Саксон иккинчи йилнинг январида рўй берган довруқли жанжалдан сўнг, у кутилмаганда вафот этади. Бош котибга Сусловнинг ўрнини ким эгаллаши мумкин, партида, демакки, давлат ва бутун мамлакатда иккинчи шахс ҳисобланган Юрий Андроповми ёки Константин Черненкоми, деган машғум саволни қолдириб кетади. Леонид Брежнев улардан биринчисини хуш кўрмас ва кўрқар, иккинчисини эса яхши кўрар, ҳар томонлама рағбатлантираб турарди. Лекин, биринчисини танлашга тўғри келди. Бу пайтга келиб Брежневнинг бошқа чораси қолмаганди.

### XIII

Кеч соат бешларда самолётга чиқиш бошланди. Аввал юкларни, қурол-аслаҳаларни жойлаштиришгач, нарвонча ёнида хайрлашиб, навбат билан гуруҳ аъзолари тепага кўтарилишди.

Аэропортда уларни Затонский ва Орлов кузатиб қолди. Асанов юкларнинг ортилишини диққат билан кузатиб турарди. Йигитлар ҳаммасини аниқ ва бартартиб амалга оширарди. Улар билан биргаликда мабодо қўниш жойида гуруҳга хатар туғилса, муҳофаза қилиш учун бир неча десантчилар ва иккита йўриқчи ҳам учаётганди. Сўнгги зобит самолёт курсоғида ғойиб бўлгач, Асанов Орловга ўтирилди.

– Ўртоқ генерал, гуруҳ жойлашиб бўлди. Учишга рухсат этинг.

– Рухсат. Омадингни берсин, Акбар, — уни кучоқлади Орлов.

– Соғ-омон қайтишга ҳаракат қилинглар, — тилак билдирди Затонский Асановнинг кўлини қаттиқ қисиб.

Асанов самолётга чиқди. Ичкаридагиларни ташқи дунёдан айириб, эшик ёпилди. Мотор гуриллади. Самолёт бетон йўлакдан физиллаб кетди.

Раҳимов билан ёнма-ён ўтирган Асанов ўз гуруҳига кўз ташлади. Ҳаммаларининг юзида хотиржамлик, хушёрлик. Елагин кула-кула Семёновга нималарнидир гапирарди. Тошмухамедов диққат билан парашютини кўздан кечирмоқда. Чон Дин ўриндиққа ястаниб, кўзларини юмиб олган бўлса, Борзунов, аксинча, гуруҳнинг бошқа аъзоларига бирма-бир қизиқсиниб назар солаяпти.

Машков индамасдан Елагин билан Семёновнинг суҳбатига қулоқ тутаяпти. Гарчи, гап-сўзлар унинг учун қизиқарли бўлса-да, индамайди, суҳбатга аралашмайди. Падеринанинг нигоҳи Асановга тушиб, жилмайиб қўйди.

Гуруҳ етарли даражада таржибали ва кучли эди. “Агар чиндан қутқариш зарур бўлса, шу таркибдаёқ Кречетовни ёв кўлидан озод қилишга бемалол қурбимиз этади”, дея ўйлади Асанов. Аммо, уларнинг вазифаси жуда мураккаб — полковникни қутқаришга жон-жаҳдлари билан уриниб, охирида енгилишдан иборат.

Фақат, мўъжизагина бунақа пайтда гуруҳнинг ҳаётини сақлаб қолиши мумкинлигини Асанов яхши англари. Бироқ, жанговор офицер сифатида бошқа нарсани ҳам тушунарди. Ўзлари ҳаётларини гаровга қўйиб, учиб кетишаётган ва амалга оширадиган қутқариш операцияси Кречетовнинг Афғонистонда мустаҳ-

кам жойлашишига эришиш, пировардида, Россия разведкасининг режасини муваффақиятли амалга ошириш учун зарур.

Вазифанинг бутун моҳиятини яхши билган ёлғиз генерал Асановгина парвоз олдиданоқ, ушбу операциянинг аввалдан муваффақиятсиз чиқиши белгиланган тадбирни амалга ошириш йўлидаги, шунчаки, қуролли намойиш эканини ҳам биларди.

– Нимани ўйлаяпсиз, Акбар Алиевич? – кутилмаганда сўраб қолди Раҳимов.

– Гуруҳимиз ҳақида ўйлашман, – ростини айтди генерал, – йўлимиз жуда оғир.

– Бу йигитлар билан ҳар қандай чўққидан бемалол ўтамиз, – кулди Раҳимов, – биринчи сафаримиз эмас-ку.

– Мени Нурулланинг одамлари ҳақидаги маълумотлар ташвишлантираётти, – деди Асанов секингина, – булар оддий босқинчилар эмас. Улар Жалолободдаги МРБ резиденти билан боғлиқ. Бу катта сиёсатга дахлдор масала.

Раҳимов бошқа бирор сўз демасдан, бош ирғади.

Моторларнинг бир маромдаги гуриллаши эшитиларди. Асанов ўрнидан турди-да, йўриқчи ва офицерлар олдидан ўтиб, учувчилар хонасига кирди.

– Ишлар қандай, йигитлар? – сўради генерал.

– Тушадиган жойимизда ён томондан кучли шамол эсаётти, – деди учувчилардан бири, – умуман олганда, ҳаммаси жойида. Водийда тинчроқ бўлиши керак.

– Қачон етамиз?

– Қирқ дақиқадан сўнг.

– Дарҳол қайтасизларми? – одатдагидан баландроқ овозда гапиришга тўғри келарди.

– Буйруқ шундай.

– Тушунаман. Водий тепасига келганда, баландлик қанчалигини айтиб қўйинглар. Тунда тоғда адашишимиз мумкин. Биз эса шарт-шароитни аниқ билишимиз керак.

– Албатта, – ҳаво кемаси сардори бош ирғади, – кузатувчи зобит ҳаммасини айтиди.

– Ҳа, ҳа, тушунаман, – Асановнинг кўнгли безовталигини сездиргиси келмасди.

У қайрилиб кабинадан чиқди-да, гуруҳ ёнига қайтди. Ўриндиққа чўкди. Айрим зобитлар кўзларини юмиб мудрашар, бир хиллари номаълумлик қаърига сакраш олдидан шунчаки ором оларди.

Йигирма дақиқалардан сўнг кузатувчи зобит ўрнидан туриб, учувчилар хонасига кирди-да, дарҳол ортига қайтди.

– Тезда етамиз, – қичқирди зобит, – режалаштирганимиздек юкларни иккита парашюта ташлаймиз. Уч гуруҳга бўлиниб тушасизлар. Биринчи гуруҳ сакрагач, ортидан юкни ташлаймиз, иккинчи гуруҳдан сўнг яна юкни туширамиз, охирида учинчи гуруҳ сакрайди. Ким кимдан кейин эканлигини ҳамма билладими?

– Биламиз, – барча учун жавоб берди Асанов.

– Баландлик уч минг метр, – қўшимча қилди зобит.

Биринчи бўлиб энг тажрибали Раҳимов, Машков, Борзунов сакраши керак эди. Иккинчи гуруҳ эса Семёнов Елагин ва Чон Диндан, ниҳоят, учинчи гуруҳ Асановнинг ўзи, Падерина, Тошмухамедовдан иборат бўлиб, генерал кичик тўдасини майда гуруҳларга тақсимлар экан, ўзининг ҳаммадан кейин сакрашини адолатдан, деб билганди.

Самолёт пастгай бошлади.

— Тайёрланинг, — деди зобит.

Икки йўриқчи ўрнидан туриб, қурол-аслаҳалар ва парашютларни яна бир бор кўздан кечирди.

Самолёт сал қиялади.

— Сакранглар, — буюрди зобит люкни очиб.

Юзларга совуқ шамол шиддат билан урилди.

Биринчи бўлиб Машков, ортидан Борзунов ва Раҳимов сакради.

Уларнинг кетидан тойланган юк пастга учди.

— Иккинчи гуруҳ, — қичқирди зобит.

Самолётнинг ичи анчагина совиб кетганди.

Семёнов ўзини пастга отди. Ортидан Елагин ва ўзига халақит бераётган тойланган юкни сал суриб қўйиб, Чон Дин сакради. Кейин навбатдаги тойни улоқтиришди.

— Энди бизнинг навбатимиз, — деди баланд овозда Асанов.

Самолёт кучлироқ қиялади.

— Эҳтиёт бўлинглар, — деди кузатувчи зобит, — шамол кучаймоқда.

Асанов Тошмухамедовни олдинга ўтказиб, унинг эшик бўшлиғидан қандай ғойиб бўлаётганини кўриб, Падеринага қаради. Аёл буни сезиб хотиржам ўрнидан турди-да, самолётда қолаётганлар билан бош ирғаб хайрлашди ва ўзини пастга отди.

— Учрашгунча, — деди анъанага кўра Асанов, олдинга бирданига икки қадам ташлаб.

— Учрашгунча, — қичқирди зобит.

Юзга аёзли шамол янада қаттиқроқ урилди.

Уни чор тарафдан қора-қўкиш осмон ўраб турарди. Шамолнинг шиддатига қарамасдан, атрофга кўз ташлаб, мўлжални тўғри олишга улгурди. Пастда кимнингдир парашюти очилди. У бироз кутиб, яна битта парашютнинг ёйилганини кўргач, махсус ҳалқани тортди.

Уни шамол юқорига кўтариб, ўнг томонга олиб кетмоқчи бўлди, лекин кўп йиллик машқлар ўз самарасини берди. Бир неча лаҳзадан сўнг шамол уни қорайиб турган қоялар сари суриб кетди. Пастда ер, яккам-дуккам дарахтлар, катта-катта тошлар кўзга ташланарди.

Мана шу тошлар уни хавотирга соларди. Кўниш пайтида шу тошларга бориб урилиш етмай турувди ўзи. Шамолнинг хуружига қарамай, у бор кучини жамлаб, ерга икки оёғи билан тушишга муваффақ бўлди.

Тўғри, шамол бир кучли зарб билан уни оёқдан йиқди, аммо, бу энди унчалик хавфли эмасди. Парашютдан халос бўлиб, дарров атрофига қаради. Юз метрча нарида яна битта парашют оқариб кўринарди. У диққат билан тикилди. Бу тойланган юк эди.

У парашют тасмаларини ечиб ташлаб, ерда ҳамон судралаётган юк тойи томон отилди. Шамол тобора авжига минарди. Нариги томондан қандайдир нотаниш кимса бу тарафга шошилиб келарди.

Асанов қуролини олди. Йўқ, ҳаммаси жойида. Бу Семёнов экан.

— Ҳаммаси жойидами? — деди Семёнов томон югуриб бораркан.

— Жойида. Елагин ва Чон Дин сал нарироққа тушишган экан, ҳозир етиб келишади, — бошини ирғади Семёнов.

Асанов титраб кетди. Уни биринчи гуруҳ тақдири безовта қиларди.

Икковлашиб тойланган юкка чувалашиб қолган парашютни ечиб олишди. Шу билан овора бўлиб туришганида, деярли овоз чиқармасдан Падерина етиб келди.

Унинг кўриниши хотиржам эди.

— Ҳаммаси жойидами? — сўради у босиқ овозда.

— Ҳозирча жойида, — бош қимирлатди Асанов, — биринчи гуруҳга кўзингиз тушмадими?

— Йўқ, мен анави томонга кўндим. У ерда катта тошлар бор экан, — кўрсатди Падерина.

“Деярли тоғнинг ёнига тушибди, — ўйлади Асанов беихтиёр ҳурмати ошиб, — бу аёл мен ўйлагандан кўра тажрибалироқ экан”.

Озроқ ҳансирганча Чон Дин ва Елагин етиб келди.

— Қолганлар қани? — сўради Асанов.

— Кўрмадик, ўртоқ генерал, — Елагин чапга қаради, — анави ёқда нимадир оқариб кўринапти. Парашют бўлиши мумкин.

— Чон Дин билан ўша томонни кўринглар. Аммо, эҳтиёт бўлинглар, шовқин кўтарманглар, — буюрди Асанов.

Икки зобит буйруқни бажаришга отилди.

— Биринчи гуруҳни кутишга тўғри келади, — таклиф қилди Асанов.

— Уларни бошқа томонга учуриб кетган бўлиши мумкин, — Падерина қарама-қарши томонни кўрсатди, — шамол жуда кучли эди, бунинг устига самолёти-миз водий устидан айланиб учди.

— Балки, мушак отармиз, — таклиф қилди Семёнов.

— Керакмас, ён-атрофдаги қишлоқлар аҳолисининг эътиборини тортамиз, — Асанов бирор-бир ҳаракатни илғамоқчи бўлгандек, зулматга диққат билан тикилди.

— Нима бўлганда ҳам, — таклиф қилди генерал, — юкларни очиш керак, аввал, рацияни олинглар, кейин пулемётни йиғасизлар, — тошшириқ берди Семёнов ва Падеринага.

Ўзи автоматни кўздан кечиришга тушди.

Гуруҳдаги барча зобитлар калта АКМ-у, пичоқ, тўппонча, граната билан куролланган бўлиб, бу фронт чизиғи ортидаги ҳарбий разведкачининг доимий аслаҳаси эди.

— Ўнгда қанақадир ҳаракат сезилапти, — деди Семёнов узоққа тикилиб.

— Ҳеч нарсани кўрмайман, — Асанов ҳам синчиклаб қаради.

— Анави томонда, ўнгда, бир чақиримлар нарида, — кўрсатди Семёнов.

— Энди кўрдим. Пулемёт тайёirmi?

— Ҳозир йиғамиз.

— Жангга тайёрланинг. Ҳар қандай кутилмаган вазиятга шай туришимиз керак. Пулемётни тезроқ йиғинглар, — деди тезгина генерал.

Падеринанинг нарироққа ўтиб, унча катта бўлмаган дўнглик ортидан ўқ узишга қулай жойни эгаллаганини, тўппончасини чиқарганини, граната ва автоматини ёнма-ён қўйганини илғади. Семёнов ўзини чапга отди. Ҳарқонда бўлганларнинг ҳар бири ўз касбининг устаси эди.

Энди у унча баланд бўлмаган овозларни эшитди. Бу ердан туриб гапларнинг маъносини англаб бўлмаса-да, овозлар аниқ келарди. Биринчи бўлиб Падерина турди.

— Ўзимизникилар, — деди у овозини сал оаландлатиб.

Бу юкни топишга улгурган биринчи гуруҳ эди. Раҳимов, Машков, Борзунов — ҳаммалари муваффақиятли қўнишипти. Ва юкни ҳам дарров топишипти.

Демак, тунда, шунақа шамол пайтида, қоялар орасида қўниш муваффақиятли ўтишти. Асанов ишлари ўнгидан келганига ҳамон тўлиқ ишонмасдан, хўрсинди.

— Гуруҳ муваффақиятли кўнди, — ахборот берди Раҳимов етиб келиб, — юк ҳам топилди. Борзуновнинг кўзи мушукниқидан ҳам ўтқир экан, зулматда ҳам ҳамма нарсани кўраверар экан, — қўшимча қилди подполковник.

— Иккинчи тойни очиб, юкни — буюрди Асанов.

Шу орада етиб келган Машков эҳтиётлик билан тойни ерга туширди. Биринчи тойни очиб, юкни топишга киришди. Бу ўзига хос сафар тойи бўлиб, ичидаги юкни тўққиз киши бўлиб олиши керак

## Кунлардан бир кун...

**Х**айрия кечасида Бернад Шоу бир аёлни рақсга таклиф қилди. Аёл қутилмаган эътибордан тўлқинланиб кетди.

– Мени рақсга таклиф қилганингиздан гоят бахтиёрман. Ахир, сизнинг олдингизда мен ким бўлибман...

– Худога шукур қилинг, хоним! – қулди Шоу. – Ахир, сиз билан биз хайрия кечасидамиз-ку!

\* \* \*

Бернард Шоунинг олдига омади чопмаган баскетболчи келди ва дабдурустан ёзувчи бўлиш учун нималар қилиши кераклигини сўради. Унинг романи қўлёзмасини ўқиб чиқиб, Шоу деди:

– Сиздан нима учун баскетболчи чиқмаганлигини энди тушундим.

– Нима учун?

– Сиз ўз вақтида саватга ташлашни билмас экансиз.

\* \* \*

Бернард Шоудан бир аёл сўради:

– Нима учун Худо аввал эркак кишини, сўнг аёлни яратган?

– Эркакни яратиш вақтида аёл маслаҳат бериб туришини истамагани учун, – девоб берди Бернард Шоу.

\* \* \*

Велосипед ҳайдовчиси йўлда Бернард Шоу билан тўқнашиб кетди. Иккалалари ҳам қўрқиб кетишди. Ҳайдовчи астойдил узр сўраган эди, Шоу эътироз билдириб деди:

– Омадингиз келмади-да, жаноб. Яна жиндай куч сарфлаганингизда, менинг қотилим сифатида тарихда қолардингиз.

\* \* \*

Бир куни Бернард Шоунинг ҳузурига унинг ашаддий мухлисларидан бўлган ёш ва гўзал аёл ташриф буюрди, бироз суҳбатлашгач, аёл деди:

– Сиз билан бизнинг болаларимиз жуда ажойиб бўлишади, деб тасаввур қиламан. Улар мендан гўзалликни, сиздан зўр ақлни олишса...

– У-ў, хоним, – қошини чимирди Шоу, – борди-ю, бунинг акси бўлиб, биринчисини мендан, иккинчисини сиздан олишса-чи?..

\* \* \*

Бернард Шоунинг ҳузурига ёш драматург келди ва ўзининг охириги пьесаси билан танишиб, фикр билдиришини сўради.

Эртасига Шоу деди:

– Бунақа нарсаларни ёшингиз улғайиб, таниқли бўлиб кетганингизда ёзсангиз бўлади. Унгача яхшироқ нарсалар ёзиб туришингизга тўғри келади.

\* \* \*

Тунда ижод қилаётган Бальзак қўшни хонадан шовқин эшитди. Маълум бўлишича, уйга ўғри тушган экан. Уни тутиб олган ёзувчи деди:

— Муҳтарам ўғри, бу ерда арзигулик бирор нарса топаман десангиз, хато қиласиз... Лекин, менинг сизга ёрдам берганим бўлсин. Сиз каттагина нарсани қўлга киритишингиз мумкин бўлган жой ҳам узоқ эмас: қўшни кўчада менинг ноширим яшайди.

\* \* \*

Бир одам Пушкинни мот қилиш ниятида ундан сўради:

— Мен билан қуёш ўртасида қандай ўхшашлик бор?

Шоир ўйлаб-нетиб ўтирмай жавоб қилди:

— Сизнинг башарангизга ҳам, қуёшга ҳам пешонани тириштирмасдан қараб бўлмайди.

\* \* \*

Пушкин журналларнинг биридан шеърни учун тўланадиган қалам ҳақини юборишини сўраб, ноширга ёзма равишда мурожаат қилди.

Жавоб хатида ношир сўради: “Пулни қачон олмақчисиз, душанбами ёки сешанба, икки юз сўмнинг ҳаммасини бир йўла жўнатайликми ёки ҳозирча юз сўминими?”

Пушкин жавоб қайтариб юборди: “Душанба сешанбадан олдин келиши билан, икки юз эса юздан кўплиги билан яхшироқ”.

\* \* \*

Ҳенрих Ҳайне дейди:

— Онам болалигимда шеърлар ўқиб берарди, мен шоир бўлдим. Амакиваччам Сулаймоннинг онаси фақат қароқчилар ҳақида китоблар ўқиб берарди, у банкир бўлди.

\* \* \*

Маълумки, Михаил Зошченко ҳикояларини саҳнада яхши ўқиб кўпчиликка манзур қилиш камдан-кам актёрларга насиб этган. Аммо, ёзувчи асарларининг халқ орасида оммалашгани ва улардаги ўзига хос юмор кўпчилик ижрочиларнинг эътиборини тортган.

Зошченко ҳикояларини ўз репертуарига киритишга чоғланаётган ижрочилардан бири ёзувчидан сўради:

— Тингловчилар орасида муваффақият қозониш учун ҳикояларингизни қандай ўқишим керак?

— Овоз чиқариб, — жавоб берди Зошченко.

*Русчадан  
Ҳабиб СИДДИҚ  
таржималари*